

Шарк юлдузи

Ўзбекистон Ёзувчилар
союзининг органи

ОЙЛИК АДАБИЙ-БАДИИЙ,
ИЖТИМОИЙ-СИЕСИЙ ЖУРНАЛ



47-йил чиқиши



ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ
АДАБИЁТ ВА САНЪАТ
НАШРИЁТИ

1979

11

Мундарижа

ШЕЪРЛАР

А. Орипов. Нажот қалъаси.	3
Отаёр. Куз, Оқ бўза, Болам	3
А. Ҳожи. Гулларни севаман	6
И. Тўлаков. Чақалоқлар.	7
О. Жўраев. Умид.	9

М. МУҲАМЕДОВ — 70 ЁШДА

М. Мухамедов. Жанггоҳ. Романдан боблар	11
Т. Тўла. Қувваи-қаҳқаҳа. Фожиа.	51
С. Аҳмад. «Назм чорраҳасида».	92
Ф. Зоҳид. Тирилган суратлар. Баллада.	115

ПРОЗА

С. Анорбоев. Сайли. Роман. Охири.	121
К. Теньякшев. Оддий операция. Қисса.	150

ОЧЕРКЛАР

С. Қодиров. Бугун Қарши даштида.	212
----------------------------------	-----

САНЪАТ

М. Қодиров. Қўшиқ унинг бахти.	218
--------------------------------	-----

ЮБИЛЯРЛАРИМИЗ

П. Мўмин. Болалар севган шоир	222
Ж. Қувноқ. Ж. Икромий — 70 ёшда	224
К. Яшин. Ижоднинг икки қирраси	226
И. Ғафуров. Халқ қалбининг теран томирлари	228

АБУ АЛИ ИБН СИНО ТУҒИЛГАН КУНИНГ 1000 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

И. Абдуллаев. Ибн Сино даврида адабий муҳит	231
---	-----

ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК

О. Мадаев. Бахшнинг барҳаёт умри.	236
-----------------------------------	-----

ТАҚРИЗЛАР

Н. Бекмирзаев, И. Азимов. Ранг-баранг туйғулар	238
--	-----



Абдулла Орипов



Нажот ҚАЛЪАСИ

Эшитган эдимки, ярадор оҳу
Излармиш тоғлардан мўмиё — нажот.
Йўқ, асло хаёлий бир гап эмас бу,
Неки мавжуд бўлса, масъулдир ҳаёт.


Шаҳримда музайян қалъа бор баланд,
Офтоб жиға унга ҳар тонг палласи.
Ярадор бир оҳу эмасман гарчанд,
Лекин у мен учун нажот қалъаси.

Мен унда ҳис этдим қутлуғ имонни,
Меҳрни, шафқатни унда кўрдим жам.
Мен унда ҳис этдим шу кенг жаҳонни,
Ва мўъжаз ўлкамнинг муҳаббатин ҳам.

Шоирман, дилимда пинҳон гапим йўқ,
Қалъам — сен таянчим, пок ҳаётимсан.
Мен учун ҳақиқат қадарли улуғ,
Қалъам — Коммунистик эътиқодимсан.

Оҳу, тоғ-тошларда кезабер яйраб,
Шоир, тизабергин марварид ашъор.
Сайёд қолаберсин қиличин қайраб,
Нажот қалъаси бор оламда пойдор.





Отаёр



Куз

Кенг пахтазор далаларда жимирлар мезон,
Ғўзаларнинг оғушида бир олам эҳсон,
Шу эҳсоннинг ташвишлари беадоқ, бесон...
Афсонавор дамлар билан келиб юзма-юз
Той-той оппоқ пахта бўлиб тойланади куз.

Тароватли бир ҳис дилни тарк этмас бир зум:
Ишкомларда жим-жим ёниб товланар узум.
Енг шимариб, ҳар жабҳада кўрсатиб ўзин,
Боғ-полизга, қир-адирга солиб янги из,
Гоҳ жилмаяр, гоҳ далада лойланади куз...

Мезонлардан тақинчоқлар тақиб бўйнига,
Хиёбонлар тиллоланиб чорлар қўйнига...
Ўзи ҳам лол қотганича ўз ўйнига,
Йўл-чўлларга, боғ-роғларга аста чўкиб тиз,
Ҳам солланиб сойлар узра сойланади куз.

Шу зайлда ҳориб-толиб қуюлар оқшом,
Ботаётган қуёш гўё шароб тўла жом...
Шу шаробни сипқораркан бесаранжом шом,
Вужудидан сачраб кўкка, ой, сонсиз юлдуз,
Оппоқ кеча ёғдусида ойланади куз.

Ҳализамон ой-юлдузлар тарк этар кўкин...
Ёдга солиб тагин янги бир куннинг юкин
Фаррош кампир «уҳ-хув...» сидан сергакланар тун.
Ёришару ишчан, ўктам яна бир кундуз
Ўзбекистон оғушига жойланади куз.

Оқ бўза

Япроқларни эркалаб
Сабо эсар беозор.
Чаноқларга қўяр лаб,
Чайқалади пахтазор.

Чайқалади пахтазор —
Оқ бўза чаноқларда,
Бир бўзаки, интизор
Қўллари қадоқларга.

Қўллари қадоқларга
Шивирлайди оқ бўза...
Бир ҳайрат чаноқларда:
Бу қандайин мўъжиза?

Бу қандайин мўъжиза —
Меҳмондўст қадоқ қўллар
Эъзозлаб бўзамизни
Элларга тортиқ қилар!

Шивирлайди оқ бўза...

Болам...

(«Бувимнинг байтлари», номли туркумдан)

Ота-онанг ҳаёт бўлса,
Бахту муродингдир, болам.
Аканг бўлса, уканг бўлса,
Икки қанотингдир, болам.

Опанг бўлса, синглинг бўлса,
Қўша мадорингдир, болам.
Севиб олган ёринг бўлса,
Боғу баҳорингдир, болам.

...Лекин дўстсиз ўтса одам,
Ҳаммаси бир пулдир, болам!

* * *

Кел, Ойсанам, остонамни бўстон қил,
Бўстон қилиб ўзинг уни мастон қил,
Ишқ йўлида мушкулимни осон қил —
Ҳузурингда Рустам-достон бўлайин,
Гоҳ замини, гоҳи осмон бўлайин.

Келар бўлсанг Оқтош деган шаҳрим бор,
Ошиқ дилда не армонли аҳдим бор,
Ширин-ширин, ошиқона шартим бор...
Бажо этсанг, қаҳқашонинг бўлайин,
Жонингга жон жойлаб, жонинг бўлайин.

Ислои шоир ватанидир бу шаҳар,
Уни десам, не-не орзум ушалар,
Дўмбирамнинг қўлда банди бўшалар,
Эниб келсанг, шоир-бахшинг бўлайин,
Емон эмас, доим яхшинг бўлайин.

Отлар чопса гумбурлар тоғ дараси,
Тоғ қулатар ошиқларнинг наъраси.
Сен турган юрт — менинг кўзим қораси,
Ойсанамим, севган ёринг бўлайин,
Ўзга эмас, Отаёринг бўлайин.



Анвар Ҳожи



* * *

Мен кимман? Юртимнинг кичик бўлаги,
Баҳудуд тупроғим бир ушоғиман.
Чўнг тоғлар қаъридан юмалаб чиққан —
Чучук тил, меҳнаткаш соф булоғиман.

Мен кимман? Бағри кенг, уфққа туташ
Бахти кулган элнинг гулшан боғиман...
Мен — Ленин қўлидан қониб сув ичган —
Дарахтнинг яшнаган бир япроғиман.

* * *

Агар она бешик тебратса,
Гўдак учун ўзга ором йўқ.
Қучоғида тонгни оттирса,
Бундай тонгга минг йиллар қуллуқ.

Нон — ризқимиз, уни эъозлаб,
Кўзга суртиб, этгум зиёда.
Она тутган кулчадан азиз
Нон бормйкан ахир дунёда?!

* * *

Гулларни севасан, баҳор — мавзунг,
Чаманлар кўркидан сўйлайсан ҳар гал.
Қиш, қордан сўз кетса буришар юзинг,
Баҳорни ҳамиша кўрасан афзал.

Баҳорий илиқлик ҳар жонга ёқар,
Гулларни ким севмас?! Майлига, ёқла!
Лекин қор тагида етилар баҳор,
Баҳорни севгилу, қишни ардоқла!..

* * *

Қуш дарахтсиз яшолмас бир дам,
Шохдан-шоҳга учиб қўнади.
Фалакларда парвоз этса ҳам,
Қайтиб яна шоҳда тинади.

Шу дарахтни балки мадҳ этар,
Тонгдан бошлаб ўз қўшиғини.
Бутун умри дарахтда ўтар,
Тенг бўлишиб шодлик, қайғуни.


Гар севинса шу шоҳга аён,
Гар қайғурса дарахт ҳам дилтанг.
Дарахт унга — иссиқ ошиён,
Дарахт унга — озод бир Ватан!

* * *

Альпинистнинг қалби доим юксакда,
Энг баланд чўққига йўл олар ҳар чоқ.
Кучи бор эканки абжир билакда,
Куну тун тирмашиб қадайдн байроқ.

Шоир ҳам тирмашар оқ қоғоз узра,
Кунлари заҳмат-ла ўтади бир-бир...
Шеър битиш осондек, лекин байроқни
Шеърят кўкига қадамоқ оғир.

Исмоил Тўлаков



Табассумлар мулкининг эркатойлари,
очинг қўлларингизни!
Бир ҳовуч кулгу,
Бир ҳовуч орзу,
Бир ҳовуч қуёш нурларидан
Совға этурман Сизга.
Кулгуларни, орзуларни
қуёш нурларига омихта этиб,
Жажжи тилларингиз остига олинг.

Улар бир ҳовуч конфет,
бир ҳовуч гилос лаззатини
бахш этур Сизга.

...Жажжи ҳовучингизга
тўлдирмоқчи эмасман асло
Думалоқ оқ, қизил витаминларни.
Энг кучли, энг замонавий
тиббий дорилардан аъло
Сиздаги кулгулар,
орзулар,
қуёш нурлари...

* * *

Қуёш фалак тасвирини
эринмай
нозик чизгиларда
сувларнинг тубига жойлар.
Тошларга урила-урила
қалқиниб ётади тинмай
булутлар, юлдузлар, ойлар...
Сувлар дунёсининг ҳокими — чавақлар,
оғизларин катта очганча
булутларни, ойларни, юлдузларни
ўзича бир луқма айлар.
Лекин булутлар, юлдузлар, ойлар...
Ўз ҳолича қолар ҳамавақт,
тирикликнинг иккинчи қитъаларида...
Чавақлар-чи, шўрлик чавақлар,
ўзларини фаҳмлаб наҳанг,
тажанг,
шиддаткор,
такрор-батакрор
бошлар соялар-ла жанг...

* * *

Бу аччиқ гапларим келмасин малол,
Қалбимни очишга мажбурман Сизга.
Яшамоқ не ҳожат шиллиққурт мисол,
Яшамоқ не ҳожат лаб босиб тизга.
Биз ахир дўстмиз-ку,
Сўнгги нафасда
Бел боғлаб туришга ярагувчи куч.
Юракни сақламоқ мумкин қафасда,
Тушовлаб бўлмайти лекин қалбни ҳеч.

Бу тонг кўзингизга термилдим узоқ,
Бефарқ тингладингиз тўрғай оҳини.
Бефарқ қарадингиз шудрингларга Сиз.
Наҳот қалбингизни
Манфаат йўлида чўктирдингиз тиз.
Ишонмайман.
Йўқ, ишонмайман.
Сиз ахир дунёга кераксиз.
Дунёга қалб билан қаранг-чи, ўртоқ!

Мен доктор эмасман.
 Яшамоқ мумкиндир балки юраксиз,
 лек қалбсиз дунёга боқмоққа
 Ҳаққингиз йўқ Сизнинг.
 Ҳаққим йўқ Менинг.
 Агар сўнаётган бўлса қалбингиз,
 мана ўз қалбимни бераман.
 Менинг қалбим билан боқинг дунёга.

Андижон.

Ортиқжон Жўраев



Олис хаёллардай ёришди уфқ,
 Майсазор денгизин чайқатар шамол.
 Жилғалар чулдираб куйлайди қўшиқ,
 Қирларда лолалар кўрсатар жамол.

Қуёш йўлга тушар — манзили йироқ,
 Мен ҳам ўз ишимга жўнайман энди...
 Бир дунё севинчга тўлади юрак,
 Завқ билан қаршилар эртанги кунни.

Мен мақсад йўлидан чиқмам ҳеч қачон,
 Ватанни гуллатсам — шу менинг бахтим...
 Қалбимга келажак солар ҳаяжон,
 Кўзимга нур берар дилдаги аҳдим!

* * *

Шаҳд билан йўл юриб бормоқда карвон,
 Унга писанд эмас на тўсиқ, на ғов.
 Кейинда қолмоқлик йўлчига — армон,
 Кейинда қолганга тақдир — беаёв!

Жадал қадам ташлаб бормоқда карвон,
 Уфқлар тагида қуёшдай порлаб.
 Олға интиламан дарёдай равон,
 Кейин қолганларни олдинга чорлаб.



МУМТОЗ МУҲАМЕДОВ 70 ЁШДА

Ўзбек совет адабиётининг тўнғич авлоди-га мансуб таниқли ёзувчи Мумтоз Муҳамедов асримиз билан деярли тенгдош, унинг ҳар бир жабҳасидаги воқеа ва ҳодисаларига иштирокчи ижодкор. У адабиётга ҳажвчи ёзувчи сифатида кириб келган. Унинг бу борадаги асарлари 30-йиллардан эътиборан «Муштум» журналида эълон қилина бошлайди. Ёш ҳажвчининг худди шу йилларда чиққан «Вос-вос, ўпкангни бос!», «Қўшнилар», «Хўжа Хўжаев», «Сўнган лола» сингари юмористик ҳикоя, фелъетон, памфлетлари характерлидир.

Мумтоз Муҳамедов ҳажвий тур билан чекланиб қолмай, адабиётнинг бошқа жанрларида ҳам асарлар ёзди. Унинг «Чўғлар» (1932) шеърлар тўплами, «Биринчи гудок», «Замона хотини», «Бизда ва уларда», «Урмон ва қоплон» каби пьесалари, «Комсомол» (1935), «Ота қадрдоним» (1937), «Ҳазил ва чин» (1963), «Абадият» (1965), «Чўллар афсонаси ва фасонаси» (1970), «Қор кўйнида лола» (1974) ҳикоялар мажмуалари шулар жумласига киради.

Мумтоз Муҳамедов Улуғ Ватан урушида иштирок этиб, взводга, батареяга командирлик қилади, ҳарбий мухбир бўлиб ишлайди. Шу боис бўлса керак, урушдан кейинги даврда ёзувчи ижодида ҳарбий мавзу асосий ўринга чиқади. Уруш даври манзараларини акс эттиришга бағишланган «Кичик гарнизон», «Қаҳрамон изидан» деган қиссалари шунинг натижасида юзага келган. Уларда совет солдатининг бурчга садоқат, Ватанга муҳаббат, халққа меҳр, мардлик ва қатъиятлик каби инсоний фазилатлари ёрқин бўёқларда акс эттирилган. «Ойдинбулоқ» қиссасида эса шифокорларнинг ҳаётини бадий лавҳаларда гавдалантиришга ҳаракат қилган.

Мумтоз Муҳамедов ўзининг 70 ёшини ўзига қадрдон ҳарбий мавзуни кенг планда акс эттирадиган, Улуғ Ватан уруши fronti-даги воқеалар ҳақида ҳикоя қилувчи «Жанггоҳ» романи билан кутиб олди. Биз ана шу романдан айрим бобларни журналда эълон қилиш орқали таниқли ёзувчини қутлуғ ёши билан табриклаймиз.



Мумтоз Муҳамедов

ЖАНГЛОХ.

РОМАН

Дебоча

I

Султонали рўпарасида қаққайиб турган майор Қохга юзланар экан: — Қулоғим сизда, жаноби олийлари,— деди.

— Сизни ўрмончи деб айтишди, бу сўзни инкор этмайсизми?— сўради у.

Олдинига Султонали бу одамнинг топқирлигига ҳайрон қолди. Сўнг қисқагина қилиб:

— Йўқ,— деб жавоб берди.

— Айтдим-ку, қуруқ гап деб. Осиёликдан табиатшунос олим чиқишига ақлим бовар қилмайди. Қолоқ бир халқ. Айниқса ўзбек миллати! Ахир улар саҳро, дашту биёбонда ўсган ёввойи бир махлуқ-ку!

Султонали бир нарса демоқчи бўлиб ютинди-ю, аммо гапи бўғзида қолди. Бир лаҳза жигарранг Чотқол тоғ тизмалари бағрида сизди ўзини. Сўнг қизил, яшил ранга бўялган харитага қараб, босиб ўтган сирли сўқмоқларини, атакага кўтарилгани афсонавий тепаликни ва, ниҳоят, Червонний Гай бўсағасидаги жангни эслади. Бўлғуси дарахтзорлар юзасидан Опанас Гаврилович билан суҳбат қилаётгандек ҳис этди ўзини:

«— Ажойиб одамсан-да, Сергей,— дейди қайнотаси,— дов-дарахт кўп бўлган жойда манзара тамоман ўзгариб кетишига мен ҳам ишонаман. Аммо, айт-чи, тоғ-тошлар, саҳролар манзарасини ўзгартириш билан одамларга қандай фойда етказмоқчисан?»

Дилкашлигини қаранг бу қайнотанинг! У гап адирлар, тоғ-тошлар манзарасини ўзгартиришда эмаслигини яхши тушунади. Нега бўлмаса тушуниб туриб ўсмоқчилаб сўрайди. Тоғ қояларида боғлар!.. Сокин дараларда мевали дарахтлар ўсса ёмонми? Ахир бундан одамлар баҳраманд бўладилар-ку!

Қайнотасини кўпроқ масаланинг иккинчи томони қизиқтирарди: «Неча гектар боғ қилмоқчи кувёи? Қачон ҳосилга киради бу боғлар?»

Унинг меваларини тотиб кўришга умри етармикин? Боқий дунё, балки набираларига насиб қилар...»

Султонаlining фикрини кейинги икки сўз банд қилганди.

...Елкасига тушган бемаҳал муштдан мункиб кетди у. Кўз олди жимирашиб чақмоқ чаққандай ёришди.

«— Хужумни дарҳол бошламоқ керак... Операцияни кечиктирмай ўтказиш зарур!» деди алаҳсираб у.

Султонали гандираклади, базўр ҳушини йиғиб, пешонасини стол қиррасига уриб олди. Кўзларини очмоқчи бўлиб беҳуда уринди. Ғираширада кўз ўнгидан Железнов ўрнида бошқа бир ёт, бегона одамлар намоён бўлди.

— Операция қачон бошланади? Железнов, Опанас Гавриловичлар қаерда? Операция қайси кунга мўлжалланган?

Ёт кишилардан бири кўзлари ичига чўкиб кетган, новчароғи «жаллод» эди, учинчиси — комендант Иоган Кох.

— Ҳушингга келдингми, табиатшунос? Ё ҳалиям соқов одамдек без бўлиб тураверасанми? — хитоб қилди Кох.

Султонали яна бир-икки дақиқа жим турса, гитлерчи Кохнинг тоқати тоқ бўлишини сезди.

Кох эса буни хаспўшламоқчи бўлиб гап бошлади:

— Узингни ёмон ҳис қилмаяпсанми, мабодо?

Шу бир оғиз сўз билан у раҳмдил одам қиёфасига кўчди. Ҳар доимги ўжарликдан воз кечгандай, мулойим кулимсиради.

— Қайсарликни қўй энди, биродар. Асирлигингга тан беришинг керак. Вермахт империясининг душманисан. Шунинг билки, сенинг тақдиринг ўз қўлингда. Албатта, менга ҳам бсғлиқ томонлари бор...

Ажаб, шундай оғир дамларда, у туғилиб ўсган ўлкада ҳаёт қандай кечаётганикин? Меҳрибон онажони истиқомат қиладиган Тошкентда нима гап? Радиодан берилаётган узук-юлуқ хабарларга қараганда, одамлар кеча-кундуз фронтга меҳнат қилиш билан банд эмиш.

Демак, Султонаlining «ўрмончилик» ҳақидаги илмий тадқиқот ишлари рўйхатга олиниб, аллақачон архивга жўнатилгандир, албатта. Она юрт алғов-далғов бўлиб турганда кимнинг қўли тегади дейсиз, ҳозир бунақа нарсага?

Зум ўтмай яна «раҳмдил» Кохнинг навбатдаги саволи Султонаlining хаёлини бўлди:

— Сиз комиссар бўлган «Чақмоқ»да неча киши бор?

Бу гал Кохнинг овози асабий, томоғига суяк тиқилгандай хириллаб чиқди. Бу унинг сабр косасининг тўлганлиги аломати эди.

Султонали гарансиб қолди. Ҳа, у ўйлаганча бор экан. Бирдан Кох қутуриб Султоналига оч бўридек ташланди.

— Демак, комиссар ҳарбий сирни айтмоқчи эмас, сўроққа жавоб бергиси келмаяпти, шундайми?

Энди у раҳмдилликдан бутунлай воз кечди, ер депсиниб, ёнида буйруқ кутиб турган жаллодга буюрди:

— Ур! Улгудек калтакла! Гапиришга ўргат!

Султонали ҳушидан оғди.

Бўлиб ўтган икки манзара элас-элас кўз олдида гавдаланди.

...Буваси ҳар доим ўзи экан ниҳолларни кўздан кечириб:

« — Истасанг кўпроқ умр кўрмоқни,

Унутма кўпроқ ниҳол экмоқни»,

деб Бешқайрағочдаги томорқада хиргойи қилиб айланиб юрарди.

Бир куни баҳорда эккан кўчатларидан бирининг олдига бориб, у билан «гаплаша бошлади»:

«— Бечора, мурғак жон, бардош беролмабсан шекилли, совуқ уриб кетибди. Вақт-бевақт келиб хабар олади, деб менга ишонган-

сан-да! Айб мен мияси айниган чолда! Умрингга зомин бўлибман. Кўз-қулоқ бўлиб туролмадим. Ундай десам, ўзинг ҳам навниҳол экансан».

Буvasи шу гапни айтиб, девор томонга ўтди. Марзага экилган бир ниҳолнинг шохчасини чирсиллатиб синдириб:

«— О, жонивор-ей, сувсираб қолибсан-да— деди.— Нобоп жойга қўндирган эканман сени!»

Буvasи дарахтлар билан ўз тилида бемалол сўзлашарди. Аммо Султонали дарахтлар бобомнинг тилини қандай тушунишаркин деб таажжубланарди. Дарахтларнинг жавобини ҳам бобосининг тилидан эшитарди:

— «Шундай, буважон. бўм-бўш биёбонларнинг кимга кераги бор! Инсон ҳар бир парча ернинг қадрига етиб, экин экомоғи, ниҳол ундирмоғи керак. Ҳа, сиз мени ана шу ташландиқ саҳрога экинг, мен ҳар йили сизга, ширин-шакар невараларингизга кўп ҳосил бераман!»

Бу манзара Султоналининг кўз олдига бошқа — узоқ ўтмиш хотирасини келтирди.

Неча юз минг фарғоналиклар, тошкентликлар Қорадарё, Нориндарё, Сирдарёдан сув чиқариш учун каналлар қазишади. Кетмон, бел, чўқмор билан ер ағдаришади. Замбил билан тупроқ ташишади. Кечалари ой ёруғида гулхан ёқиб ишлашади.

Бу ҳашарлардан бири — Катта Фарғона канали қурилишига Султонали ўз ҳиссасини қўшган эди. Дастлаб чўлдан тортиб олинган уч юз минг гектар ерни пахтазор қилишмоқчи бўлишди. Бу хайрли ишга бобоси ҳам бош қўшган эди. Аммо бу ишнинг кўламини бобосининг замондоши, Ўзбекистон Марказий Ижроия Қўмитасининг биринчи президенти Йўлдош ота Охунбобоев, Марказкомнинг котиби Усмон Юсуповлар рўёбга чиқарди. Улар: «Чўлистонни гулистонга айлантирамиз! Келинлар, гиёҳсиз даштга ҳужум бошлайлик», деб халқни умумҳашарга чақирди.

«— Қизиқ, уч юз минг гектар ернинг қанчаси пахтазор, қанчаси боғ бўларкин?»— деб сўраганди ўшанда бобоси.

«— Юз минг гектар боғ қиламиз»,— деди Охунбобоев ота.

...Кохнинг кабинетида шу тобда пашша учса билинади.

— Қаттиқроқ калтакла! Мажбур қил бу хунаса ўрмончини!

Комендант дераза панасида орқаси билан ўгирилиб, буйруғининг бажарилаётганлиги — асирнинг «оҳ-вой»и, бетиним инграшидан ички бир мамнуният билан:

— Қон чиқмас жойинга ур!— деди.— Қўрамиз қачонгача ўжарлик



қиларкин бу аблаҳ! Уз ихтиёри билан жонидан кечган одамни кўрмаганман.— Кох орқасига қайрилди. Султонаlining тумшугига келиб:— Шуни яхши билиб қўйки, Фон Штаммер жаноблари ўлигини бўлса ҳам гапиртиради!— деди. — Қараб тур ҳали, ҳарфма-ҳарф, сўзма-сўз бўлса ҳам нчингдаги гапни суғуриб оладилар. Эшитяпсанми? Омбир билан суғуриб оладилар!

Султонали яна беҳуш бўлиб йиқилди. Оғзидан кетган лахта-лахта қон йиртиқ гимнастёркасини бўяр, ранги тобора бўздай оқарарди.

Комендант асирнинг аҳволини кўриб:

— Хўжайин, Фон Штаммердан балога қолмай тагин,— деб стол устига ташлаган қўлқопини ҳам нутиб, хонадан чиқиб кетди.

БИРИНЧИ ҚИСМ

Уйқу бузилди

Львов — Ужгород орасида қатнайдиган поезддан тушган Султоналини чегара қўшин солдатлари қуршаб олди. Елкасига автомат осиб олган старшина:

— Гражданин, бир минутга!— дея уни четга бошлади.

Поезд чегарадаги энг сўнгги бекат — Леснойдан ўтиб, разъездга қайрилди. Вагон кетига илинган сўнгги бўлма чироғини милтилладиб кўздан ғойиб бўлди. Вагонларнинг буферлари ғижирлаб, филдиракларнинг тарақ-туруғи тинди.

Бекатда поезд келтириб ташлаган йўловчи кўп эмасди. Улардан бири — Султонали Арслонов, иккинчиси — унинг рафиқаси Галя Опанасовна Никола, учинчиси — уларнинг ўғиллари Бахтиёр эди.

— Олдимизга тушинг, гражданин!

— Қаёққа?— ҳайрон бўлиб сўради Султонали.

— Заставага.

— Нега? Мен, ахир, отпускага, қайнотамникига келган меҳмонман. Мана, ҳужжатларим!

— Ҳужжатбозликнинг вақти эмас, гражданин, Хотиржам юривринг. Уша ерда бафуржа гаплашамиз.

Султонали ортиқча қайсарлик қилмади. Буйруққа бўйсунидан бошқа чора қолмаганди. Шундай бўлса-да, бундан уч-тўрт йил муқаддам шу ерларда, «Лесной» атрофида Мукачевада ҳарбий хизматда бўлганини ҳам писанда қилди. Лекин уни бир четга олиб ўтган командир қаттиққўл экан.

Галянинг норози овози эшитилди:

— Сергей, нима гап экан? Тез қайтасизми?

— Хавотирланманглар. Ҳеч гап йўқ,— деб қўя қолди Султонали.

— Шу тобда обориш шарт эканми? Кейинроқ борсанг нима қилади? Беш-олти кундан бери йўл юриб ҳоригансан...

— Йўқ, бормасам бўлмайди.

— Дадамлар келиб, сени сўрасалар нима дейман?

— Дадам келади, деб интизор бўлиб ўтирма. Опанас Гаврилович телеграммамизни олмаганга ўхшайдилар. Бўлмаса, аллақачон чиқиб кутиб олган бўлардилар.

— Ўзимнинг ҳам кўнглим ғаш бўлиб қолди.

— Ташвишланмай қўя қол. Бекат бошлиғининг кабинетига кириб ўтир. Тонг отиши билан дадангникига йўлга чиқарсан.

Султоналининг Галяга таъкидлаб айтган охирги сўзи шу бўлди. Бекатнинг тахта платформасидан шошиб-пишиб югуриб келаётган қиз станция бошлиғи кириб кетган уй остонаси олдида тўхтади. Чамадонни ерга қўйиб, деразадан мўралади. Чироқ шуъласида яккол кўзга ташланган қизнинг юзи бекат бошлиғи кабинетида хаёл суриб ўтирган Галяга иссиқ кўринди. Аммо таний олмади.

Қиз оғзи тўла кулги, хушнуд оҳангда гап бошлади:

— Салом, Иван Иванович! Танаймай қолдингизми? Мен-ку?

Иккинчи поездни ҳам «Червоный Гай» станциясига бехатар жўнатганидан мамнун ўтирган бекат бошлиғи унга тикилиб қолди. Ажабо бу таниш чеҳра ким бўлди экан? Бошлиқ елкасини қисиб, стол устидаги фонусни кўтариб чиқди.

— Тамара, сенмисан? Вой бо-о! Доктор бўлиб келдингми?

— Менман, Иван Иванович, мен... — деди Тамара қувонганидан кулгига йўғрилган лабларини қимтиб.

Саррин шабада Галянинг қулоғига ёқимли ва таниш овозни келтириб қўйган эди. У ўтирган жойидан беихтиёр туриб кетди. Қизнинг жарангдор сўзлари унга таниш ва ёқимли эшитилди! Кўнгли бир хил бўлиб, Бахтиёрни бағрига босиб ташқарига отилди. Фонус ёруғида қизни кўриб:

— Тамара! Синглим!— деб қичқириб юборди.

— Галя,— дея Тамара ўзини опасининг огушига отди.

Қўққисдан учрашиб қолган жигаргўшалар бир-бирининг дийдорига тўймай қучоқлаша кетдилар...

Шунча йўл босиб талпинган уйда эмас, кичкина бекатда фавқулодда кўришиб қолган опа-сингилларга қувончдан сеҳрланган бекат бошлиғи Иван Иванович Железнов кўзойнаги остидан кулимсираб қараб турарди.

Умрининг ярмидан кўпи шу ерда, яшил ўрмон ичидаги хилват бекатда ўтган, соқол-мўйловлари оқариб қолган Железнов шу атрофдагиларнинг каттадан-кичигини танир, улардан биронтасини бекатда кўриб қолса, ўзида йўқ хурсанд бўлар, кадрдонлардек ҳол-аҳвол сўрашиб хурсанд қилиб жўнатарди.

Мана у, бугун ҳам одатдаги шу ишини қилди.

Бекатда 1941 йил, июнь оқшомининг саррин шабадаси эсар, ҳаммаёқ жимжит, атрофини ўраб олган қалин ўрмонгина тинимсиз шовулларди. Осмон билан ўпишган чинор, арча, қайин дарахтлари гўё опа-сингилни табриклагандай, Железновга қўшилиб, чапак чаларди.

Галя, ниҳоят, ўпкаси тўлиб кетганидан синглисининг елкасига бошини қўйиб, узоқ тин олди. Сўнг:

— Сергейни олиб кетишди,— деб шивирлади.

— Қаёққа, кимлар?— ҳовлиқиб сўради Тамара.

— Чегарачи соқчилар.

Нохуш хабардан бекат бошлиғи ҳам ҳайратда қолди. У поезд келмасдан олдин Опанас Гавриловичнинг бахтиёрлигидан завқланиб, унга ҳаваси келиб ўтирган эди. Ахир, ҳамма оила аъзолари бир ерга тўпланиб, кекса ўрмончининг уйи гавжум бўладиган кун келади-ю, қувонмай бўладими!

Аммо, Султоналининг чегарачилар томонидан таъқиб қилиниши улар учун ҳам, Железнов учун ҳам қутилмаган бир ҳол эди.

Тамара опасини тинчитиш учун гапни бошқа мавзуга бурди. Сергей билан кўриша олмаганига гўё Галя айбдордай, гинахонлик қилди:

— Наҳотки Москва орқали ўтиб, менинг олдимга киришга вақт тополмаган бўлсаларинг? Институтга телеграмма берсанг-ку, ўзим Казанск вокзалига чиқиб кутиб олардим.

— Имтиҳон вақти, Тамарани безовта қилмайлик, деб Сергей

унамади. Мана, кутиб олар, деб дадамга телеграмма берган эдик, чиқмаптилар-ку?— деди Галя.

Суҳбатга Железнов қўшилди:

— Опанас Гаврилович шу ерда. Боятдан бери сизларни кутиб, мўйловини бураб ўтирди. Отларни жиндек ўтлатиб келай, деб ўрмонга кирган эди. Поезд келганини билди, ҳозир чиқиб қолса керак. Ана «бандитка» итлари кўришиб қолди, ўзи ҳам келяпти шекилли.

Оқ отга миниб, иккинчисини етаклаб келаётган Опанас Гавриловичнинг гавдасидан бурун Тарас Бульбага тақлид қилган мўйловига одамнинг кўзи тушади. Ўрмондан чиқиб, Опанас Гаврилович отларни бричкага арқонлади.

— Молинг хўра бўлса берди худо, хотининг хўра бўлса урди худо, дегани шу экан-да, а мўйлов? Ана меҳмонларингни кутиб ол!— деди кулиб Железнов.

Опанас Гавриловичнинг нағал қоқилган этиги зарбидан перроннинг тахта поли қирсиллай бошлади. У қучоғини кенг ёзиб икки қизини баравар қаноти остига олди-да, лўппи юзларидан чўлп-чўлп ўпа бошлади. Галянинг юзидаги шўр таъмини сезиб йиғлаганини фаҳмлади. Ҳайрон бўлиб сўради:

— Даданг билан дийдор кўришганингга қувонмай, йиғлаганинг нимаси?

Галя сукут сақлаб жавоб бермади. Гапга Тамара аралашди:

— Куёвингизни чегарачилар олиб кетишибди.

— Қанақа чегарачилар? Нимага олиб кетади? Англашилмовчилик бу.

— Опанас Гавриловичнинг фиғони фалакка чиқди. Бекат бошлиғига:— Сен бирор нарса, деб изоҳ беролмадингми?— дея гинахонлик қилган бўлди.

Раҳмдил, хушмуомала Железнов ҳам Миколанинг кўнглини кўтарадиган бирор яхшироқ сўз айтолмади.

— Бу, англашилмовчилик... Суриштириб кўришади. Бўшатиб юбормай қаёққа оборарди дейсан.

Микола унинг сўзини маъқуллагандай мўйловини ликиллаб, қизларига юзланди, Фонус олдига келишганда Опанас чол Галянинг тирсагидан ушлаб, неварасининг юзига тикилди.

— И-е, Султонга ўхшаган қоп-қораку бунинг? Чопон кийгизиб қўйсанг, Сергейнинг ўзига ўхшаб қоларкан. Менга бер-чи, бобосининг мўйлови ҳидини ҳам билсин. Сен кўтаравериб чарчагандирсан.

У неварасини кенг, сержун кўкрагига босиб, Железнов билан хайрлашаркан, отига қамчи урди.

— Бахтиёр дедингми исмини? Бизнингча, демак Борис. Дуруст. Дуруст... Борис Сергеевич Арслонов, шундайми?

Қоронғиликда улар секин-аста йўл босишарди. Опанас Гаврилович отларни ўз ҳолига қўйиб берди. Йўллар ўйдим-чуқур эмасми, қўйнида ухлаб қолган неварасини уйғониб қолмасин деган ҳадик билан, от тизгинини эҳтиёткорлик билан бошқарарди.

Галя ҳамон хаёли паришон, бошини қуйи эгганича миқ этмай ўтирарди. Тамара эса, унинг елкасига қўл ташлаб, маҳкам қучоқлаб олган, кўзлари севинчдан порлар эди. Ахир у опасини кўпдан бери кўргани йўқ эди. Соғинган!

Ўрмон ҳавоси хушбўй ва мусаффо. Дарахт шохлари орасидан ора-сира ярқираган юлдузлар чамани кўзга ташланади. Ўрмон сукунатини фақат учиб ўтган қушлар ва бричканинг гачир-гучури бузади. Икки опа-сингил энди, ўрмон тунининг гўзаллигини пайқамай диллари хуфтон бўлиб ўтиришарди. Опанас Гаврилович ҳам неварасини қучоқлаб, куёви Султонали тўғрисида ўйларди.

* * *

Султонали Қизил Армия сафида мана шу ерларда, Фарбий Украинада, Карпат тоғлари бўсағасида хизмат қилган йигит. Балки, шу туфайли чегарачилар олиб кетгандир, ахир у бу бепоён ўрмонзорларни сеvimли Галясидан ҳам кўпроқ яхши билар эди. Бир куни қайнотасига:

«Бизнинг юртимизда бунақа ўрмонлар йўқ. Аммо дарахт экса бўладиган ерлар кўп», деди.

«Ер кўп бўлса, боғ қилмоқ, қолганини ўрмон қилмоқ керак,— деди қайнотаси.— Сен бош-қош бўлсанг, одамлар сенга кўмак беришади.»

«Ер бор, лекин сув танқислиги қўлимизни калта қилиб қўяди.»

«Сиз томонларда баъзи жойларда эрта баҳордан кеч кузгача икки марта ҳосил йиғиб олишармиш, шу гап ростми?»

«Рост, кузда экилган дон май ойида, кечи билан июнда пишади. Уни йиғиб олгач, ер бўшайди. Миришкор деҳқонлар кузгача яна икки-уч марта экин экиб, ҳосилини йиғиштириб оладилар. Аммо гап бунда эмас, амаки. Ер бор, қақраб ётган бўз ерлар жуда кўп. Гиёҳ ўсмаётган қанчадан-қанча қумлоқ ерлар кўп. Теп-текис, фақат сув етишмайди. Сув танқислигидан экинлар қуёш ҳароратидан қовжираб, унмай қолади.»

«Ёмғир-чи, ёмғир?»

«Ҳа, кошкийди ёмғир бўлса. Томчисига зор кўнларимиз бўлган. Кўқламги бир-икки намгарчиликдан кейин кузда, янаги кўқламда кўрасиз ёмғирни.»

«Иш чатоқ дегин, сув етишмаса, ёмғир кам ёғса...»

«Илгари шунақа чатоқ эди. Сув талашиб одамлар бир-бирини ўлдиришгача борарди.»

«Йўғ-э?»

«Рост, ишонаверинг, амаки. Ёз палласида экинлар бўлиб, ерлар қақраб ётганда, бир ариқдан сув ичувчилар тўғон бошига келиб, сув талашиб жанжаллашардилар.»

«Наҳотки сув учун ҳам жанжал чиқса?»

«Жанжал ҳам гапми, менинг бобом сув туфайли ёруғ дунё билан видолашган экан.»

«Сув деб-а!»

«Ҳа, сиз сўраманг, мен айтмай. Сувга етиша олмай жуда кўп камбағал деҳқонлар дунёдан ўтган. Мироблар, қишлоқ оқсоқоллари сувни бойларнинг ерига буриб юборардилар. Камбағал қақшаб, экинни қақраб ётаверарди. Бизни сўрасангиз, асли тагимиз Тошкент ёнидан, бешқайрағочликмиз. У ердаги Зол ариқ бир бойнинг еридан ўтиб, энг охирида жилдираб қолганда камбағалларнинг ерига келаркан. Баҳорда экилган пахта то ҳосилга кирмагунча бойнинг еридан сув ортмас экан. Уч-тўртта камбағал бирлашиб, бойга арз қилибди, бой уларни ҳайдаб чиқазибди. Арздан натижа чиқмагандан кейин, камбағаллар бамаслаҳат бир куни кечаси тўғонни беркитиб, сувни ўз томонларига очмоқчи бўлишибди. Бойнинг одамлари бундан хабар топиб, икки ўртада қаттиқ жанжал кўтарилган. Бойнинг ёнини босиб юрган мироб бувамнинг бошига кетмон билан уриб ўлдирган экан.»

Опанас Гаврилович узоқ тин олиб:

«Ҳа, бу бой-помешчикларнинг уруғи ҳамма ерда бир бўларкан. Бир замонлар мана шу ўрмонзордан ҳам битта дарахт кесгани учун қанчадан-қанча бечора камбағалларнинг ёстиғи қуриган», деди.

Опанас Гаврилович қуёви ҳақида ўйларкан, беихтиёр ана шу суҳбатни эслади.

У бирдан:

— Наҳотки, наҳотки, чегарачилар бирон масалада ундан гумон қилишаётган бўлса!— деб юборди.

Аммо у яхши биларди, куёви мўмин-қобил йигит, бирон ножўя хатти-ҳаракатини ҳеч ким кўрмаган. Армия хизматини бажариб юрган кезларда Украинанинг бепоён ўрмонзорларини севиб қолганидан ҳам ҳабардор эди. Ўрмончи бўлиш фикри ҳам мана шу ерда туғилган. Ҳатто армия сафидан бўшагандан кейин ҳам она-юрти Ўзбекистонга қайтмасдан, ўзи билан бирга хизмат қилган ўртоғининг уйида, Киевда қолди, ўрмончилик техникумига ариза бериб, кириш имтиҳонларига тайёрлана бошлади.

У техникумни муваффақиятли битказди. «Қаерга ишга бормоқчисиз?» деб сўрашганида, «Ўзбекистонга» деб жавоб берди.

«Юртингизда ўрмон йўқ?— деди ўшанда техникум директори, ҳозирги Червоный Гай райкомининг секретари Николай Николаевич Орлянский.— Сизда ҳали тажриба кам. Менимча, ўрмон ўлкасида қолиб, бир оз вақт ишласангиз ёмон бўлмасди».

Султоналига бу маслаҳат маъқул тушди. Уни шу шаҳарга яқин ўрмончилик идорасининг ихтиёрига юборишди.

* * *

Султонали ана шунда ҳам мана шу Лесной бекатига келиб тушган эди.

Кексароқ бир аёл оддий бу йигитни кўриб, унинг яқинига келди.

— Нима қилиб турибсан, ўғлим? Мусофирга ўхшайсан?— кампир синчков назар ташлади. — Қаерликсан ўзинг?

— Ўзбекистонданман, она, ўзбекман,— деди ютиниб Султонали.— Шу ерга ўрмончилик идорасига ишга юборишди.

— Ўрмончилик контораси ҳозир берк бўлса керак, кеч қолибсан, ўғлим. Юр бизникига, тунаб қолиб, эртага учрашарсан қидирган одамларингга.

Кампир ўта жонсарақ аёл эди. У йўл-йўлакай ўз оиласи ҳақида гапириб борди. Чол-кампир қизларини куёвга узатишиб, ёлғиз ўғиллари билан қолишган экан.

— Бизнинг Тимохамиз жуда шўх. Ҳой, менга қара, ўзбекман дейсан-у, афти-ангоринг бизнинг қишлоқ йигитларига ўхшайди. Бугдой ранг, қора соч... Фақат мовий кўз эмас экансан.

Уйга етиб келишган заҳоти кампир бўсағасидан гапириб кирди.

— Қизим кетиб қолди, деб хафа бўлма, дадаси. Мана қизингнинг ўрнига ўғил топиб келдим. Поездни жўнатиб, уйга қайтаётсам, станцияда ёлғиз ўзи аланг-жаланг қилиб турган экан. Бошлаб келавердим. Ўрмончи экан, конторасини эртага қидириб топарсизлар.

— Жуда соз қипсан, кампир. Анови полвонингдан ҳали ҳам дарак йўқ. Билмадим, ўрмоннинг қайси бурчагида копток тепиб юриптикин.

— Ундан хавотир олаверма, келиб қолар. Меҳмон билан гаплашиб ўтир. Мен самоварга олов ташлайман.

Эрталаб Султонали барвақт турди. Чол-кампирни уйғотмай оҳиста юриб ташқарига чиқди. Димоққа қарагай дарахтларининг хушбўй ҳиди уриларди. Қудуқ бошига бориб, муздек сувда ювинди. Сўнг ўрмончилик идорасини қидириб кетди.

Масъул ходимлар билан учрашиб, ишларни тўғрилади. Етоқхона учун жой ажратиб беришди. Чамадочини олиб келгани кампирникига борди.

— Нега айтмай кетдинг? Қорнинг очдир ҳали? Ҳозир қуймоқ пишириб бераман,— дея Султоналини меҳрибонлик билан кутиб олди

камбир. Унинг ётоқхона олганини эшитиб, тутақиб кетди:— Уйимиз тор бўлса ҳам, бағримиз кенг. Бизникида тураверасан. Шояд Тимохамиз ҳам сенга эргашиб, эсли-хушли бўлиб қолса. Худо унга бўй берган-у, ақлдан кам берган. Мактабдан келди дегунча, уйда турмайди. Билмадим, қаёқларда дайдиб юради... Ҳа, шундай қил, болам. Чолим ҳам, ҳеч қаерга юборма, деди. Кир-чиринг бор, овқатинг вақтида бўлади.

Шу-шу Султонали Тимофейларнинг уйда қолди. Сал кундаёқ уларнинг новча, бақувват, бўйи салкам икки метр келадиган ўғиллари Тимоха билан ака-укадай тил топишиб кетди.

Бир куни қалин кўкатлар устида ёнбошлаб ётганда, Тимофей йўғон гавдасини ярашмаган тарзда қимтиб, истиҳола билан гап бошлади:

— Сергей, бир гап айтсам, масхара қилмайсанми?

Султоналининг жаҳли чиқди.

— Ишонмасанг айтмай қўя қол, оғайнидан яширадиган сир бўладими оламда?

— Кекса ўрмончи Опанас Гавриловични танийсан-а?

— Шогирд ўз устозини ҳам танимайдими, ўрмончилик илму ҳикматини ўшандан ўрганаяпман-ку? Жуда яхши танийман-да! Марфа холани ҳам танийман, қизларини ҳам кўрганман... Нима эди?

— Ўзим шундай,— деди бўшашиб Тимофей,— Тамарани ҳам кўрганмисан? Танисанг...

— У ёғини гапирмасанг ҳам бўлади. Яхши кўриб қолгансан. Шундайми? Юр, борамиз, мўйлов чол билан ўзим гаплашаман...

— Йўқ, йўқ. Аввал қизнинг ўзидан сўраш керак. Балки бошқа севган йигити бордир.

— Лапашанглик қилма, дўстим! Сени шатакка оламан, бугуноқ гаплашиб, масалани кўндаланг қўяман. «Хўп деяверинг батько. Тимофей яхши йигит», дейман. Вассалом!

Султонали Галя орқали унинг синглизини Тамара билан ғойибона сўхбатлашди. Фалати, бир ота-онанинг қизлари бир-бирига сира ўхшамасди. Галя камсухан, уятчан, қош-кўзлари қоп-қора зулукдек, икки тутам қора сочи белини ўрайди. Тамара эса тухумдек оқ, сочлари қизғиш, серкулги, қақажон.

— Бу масалада биз бирор нарса дея олмаймиз,— деди Галя нигоҳи билан ер чизиб.— Ихтиёр отамизда, Тамаранинг ўзидан ҳам сўраб кўриш керак.

Тамара Султоналининг совчи бўлиб келганини ва ниҳоят эр дарганини эшитиб, қиқир-қиқир кулиб қочиб кетди.

Ўша кундан бошлаб Султонали билан Тимофей шопмўйлов ўрмончининг уйига серқатнов бўлиб қолишди. Опанас Гаврилович йигитларни узоқдан кўриши билан мийиғида кулиб, ўрмон ичқарисига кириб кетарди.

Шундай қилиб, Султонали Арслонов кекса ўрмончи Опанас Гаврилович хонадонининг қадрдон кишиси бўлиб қолди. У ҳар куни Тимофейга янги гап топиб келарди. Бир куни Тимофей ундан «Тамаранг Москвага ўқшга кетяпти», деган гапни эшитиб, тепа сочи тикка бўлди. Қулоқларига ишонмади. Наҳотки яқин дўсти ва сирдоши Султонали ҳам бу гапга хайрихоҳ бўлса?!

— Лекин... Тамарани кўндирдим. Роса агитация қилдим ўзим ҳам!

— Ростданми? Тамара кўндими?— Йиғламоқдан бери бўлиб сўради Тимофей.— Москвага кетарканми?

— Кетмаса бўлмайди. Боради-ю, доктор бўлиб қайтади. Бунинг нимаси ёмон? Хотиним врач, деб қишлоқда кеккайиб юрарсан.

Султонали холис маслаҳат берарди. Тамара ўқиб, врач бўлса қандай яхши.

Бу орада Султонали ўзи Галяни кўрса, қизарадиган одат чиқазди. Энди у юрак дардини кимга ёришни билмасди.

Хайрият, буларнинг тил топиши ўз-ўзидан бўлди.

* * *

Навбатчи Султоналининг чамадонидан чиққан немис тилидаги китобларни стол устига тахлаб қўяркан, сўради:

— Хўш, бу китоблар сизга нима учун керак?

— Қайнотамнинг ўрмончи дўсти бор, буюриб юборганди, шунга олиб келган эдим.

— Китоб олиб келинг дебмиди сизга?

— Ҳа, қайнотамдан илтимос қилган экан. Куёвингга хат-пат ёзсанг, айтгин, немис тилига оид китоблари бўлса олиб келсин, деган экан.

— Ким у киши? Ўзингиз яхши танийсизми?

— Яхши танимасам ҳам, оз-моз танийман. У ҳам ўрмончи, фамилияси Савчук. Ўрмон қоровулими, хўжайиними, ишқилиб шу ерда қайнотам билан бирга хизмат қилади. Қайнотамнинг айтишича, у «ўрмон илмининг академиги» эмиш.

— Айтингчи, ўзингиз немис тилини биласизми?

Бу савол Султоналини ўйлатиб қўйди. «Ҳа» деса, гапнинг бир томони яна ўша Савчукка бориб тақалади. Чунки вақт-бевақт Савчук билан кўришганда немис тилида сўзлашишга одатланиб қолганди. Шунинг учун ҳам гапни чувалаштирмади.

— Сал-пал биламан,— деб Червонний Гайда ишлаган чоғида ҳар хил танишлар орттирганини ва баъзи одамлар билан, жумладан райком секретари Орлянский билан ҳам немисчада чала-чулпа гаплашиб турганини айтди.

— Ҳали Николай Николаевич Орлянскийни танийман денг?

— Ҳа, у киши ҳам мени билади. Сўнгги марта Ўзбекистонга жўнаётганимда партия билетимни учетдан чиқаздиш учун олдиларида бўлганман.

— Шундай деб олдинроқ айтмайсизми? Бошқа гапингиз йўқми?

— Йўқ. Сиз сўранг, жавоб бераман.

Терговчи бошқа ҳеч нарса демади. Ёзув-чизувларини йиғиштириб ичкарига — застава бошлиғи ҳузурига кириб кетди.

Султонали эса ўзини яна қандай ташвишлар кутаётганикин, деб терговчи кириб кетган эшикка тикилиб ўтирди.

Эшик анчадан кейин очилиб, остонада застава бошлиғи майор Шумилов билан теровчи кўринди. Майор стол орқасига ўтиб стулга ўтирди. Столнинг очиқ қутисидеги фотосуратга разм солиб Султоналининг ташқи қиёфасига расмдаги ўхшашликни солиштираркан, назарида Султонали, тутилсин, деб буйруқ қилинган қора соч, қора мағиздан келган расмдаги одамнинг худди ўзи эди.

II

Султоналининг заставага олиб кетилиши Опанас чол учун кутилмаган воқеа бўлди. У бу ҳодисани бир томондан, чегарачилик интизомига йўйиб юрагига таскин берса, иккинчидан, оғзига кучи етмайди-ганлар булғайдиган бўлди мени, дея хафа эди.

— Галя, жон қизим,— деди у,— бугун Тамара билан Червонний Гайга бор. Тимофейдан суриштириб кўринглар. Сергей тўғрисида би-

роп хабар топиб келарсизлар. Ахир, Тимофейингни ҳамма танийди-ку?

Дадаларининг Тимофейингни деганидан қизлар, айниқса Тамара яйраб, опасига қаради. Ахир Тимофей авваламбор ҳамқишлоқлари, иккинчидан, Тамарага беш кетворган, ҳатто ҳақиқий спортчи бўлиб ном чиқаришига ҳам Тамаранинг ҳиссаси қўшилган эди.

Галя бенхтиёр ана шу ёшликдаги ҳисса ҳақида фикр юритди.

...У кунларнинг бирида синглиси Тамара билан мактабдан уйларига қайтишаётган эди, ўрмонзорликка кираверишдаги сайхонликда давра қуриб қайин шарбати ичиб ўтирган болаларни кўргач, четлаб ўтиб кетмоқчи бўлишди. Улардан бири Тамаранинг йўлини тўсди. Юзига қайин шарбатини пуркади. Кейин портфелини тортиб олиб, китобларини тита бошлади. Тамара ҳўнг-ҳўнг йиғлаб, опасининг бағрига ташланди. Шунда, бўйи тикроқ Тимофей деган бир бола Тамаранинг ёнини олиб, ўзбошимчалик қилган бола билан беллаша кетди. Атрофни болаларнинг олқишлари тутди:

- Ти-мо-фей, бўш келма!
- Елкасидан ол!
- Курагини ерга теккиз.

Тимофейнинг қулоғига болаларнинг гапи кирмас эди, у тер қуйилаётган энгагини рақибининг елкасига тираганча, қулай вазиятни қўлдан бермади. Рақибининг бўшашганини сезиб, ҳаш-паш дегунча елкасини майса ўт устига босиб қўйди.

Тимофейнинг ғалабасидан руҳланган болалар қичқириб юборишди:

- Бопладинг.
- Қойилмақом қилдинг.
- Ур-ра!
- Яшавор, Тимо-фей!..

Шундан сўнг Тимофей ва унинг тенгқурлари Тамарага тегажоғлик қилган болани ўзбошимчаликда айблаб, узр айттиришди. Тимофейнинг жасоратига қизиқиши қолиб, тарафма-тараф тўп ўйнашга қарор қилишди. Даврага Галя ҳам, Тамара ҳам қўшилган эди. Ўйин қизгин тус олди. Галянинг назарида, Тимофей Тамаранинг олдида ўзини кўз-кўз қилар ва ҳақиқий футболчилардек ҳис этарди. Ҳа, у тенгқурлари орасида бўйдор, қўллари бақувват, оёқлари узун, гавдаси йўғондан келган эди. Коптоққа оёғи тугул, боши тегса бас, ҳеч кимга гал бермасди. Ниҳоят у, бу тарафма-тараф ўйинда ҳам бўш келмади.

Шу-шу Тимофей мактабда ҳам, уйда ҳам, болалар даврасида ҳам фақат футбол ҳақида ўйлайдиган бўлиб қолди. Футболга бўлган қизиқиш, катта бўлганда, янада авж олди. Юқори синфга кўчган сайин спортнинг сир-асрорларини астойдил ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Ниҳоят, камолат йиллари ўнинчи синфни битириб, етуклик аттестатини олгандан кейин Червоний Гайдаги «Ўрмончи» футбол командасига аъзо бўлди. Бора-бора бу ишга ўзининг зеҳн ва матонатини қўшиб, томошабинларнинг олқишига сазовор бўлаётган эди.

Сочилган хаёлини йиғиштириб олган Галя кетиш тараддудига тушиб, типирчилаб қолди.

— Браверинглар, Боряга Марфа холаи қараб турар,— дея Опанас Гаврилович ўрнидан турди.

Марфа хола ошхонада нонуштадан бўшаган идиш-товоқларни ювар эди, номи тилга олинганини эшитиб, жавоб қилди:

— Боряга қараб турар дема, Марфа жон-дили билан қарайди. Ҳа, хотинингнинг йўқлигини билдириб, арвоҳини чирқиратиб қўймайман, сенга неvara бўлса, менга ҳам жигар!

Марфа хола шарттаки, аммо бу оилага содиқ аёл. У Опанас Гавриловичнинг хотини оламдан ўтгандан кейин рўзгор ташвишини ўз зиммасига олган эди. Бу тул хотин илгарилари ҳам акасининг хонадонига тез-тез келиб турар, хўжаликни бошқаришда қўл-қўмак бўларди.

Қотма, нимжонсифат кўринган бу аёл қуёш нури тушиб улгурмасдан ҳамма ёқни саранжом-саришта қилиб қўяди. Мана шу меҳнатсеварлиги туфайли қизларнинг, айниқса, акаси Опанас чолнинг ҳурматига сазовор бўлган.

Опанас Гаврилович қизларни олиб, шоша-пиша йўлга тушди.

Ҳаммаёқ тинч. Ота ва қизлар осуда ўрмон тонгининг илиқ нашъасини сезмай, ғамгин боришади. Осмоннинг бир бурчагида қуёш чарақлайди, дарахтзорлар ичи қоронғи, қушларнинг сайраши, қайин дарахтларининг шитирлашидан бошқа садо эшитилмайди. Хув, ана ифори ҳиди гуркираган гулларнинг «косача»ларидан шабнамнинг марварид дончалари тўкилай-тўкилай деб турибди.

Ана шундай пайтларда Султонали гилос ранг чопонини елкасига ташлаб, ўрмонни сайр этиб юрган бўларди. Кўкиш туман қоплаган мусаффо хушбўй ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олар, ниҳолларнинг шохларини оҳиста силаб ўтар, баъзан эса ёш боладек чўккалаб, қучоқ-қучоқ гуллар терарди.

Галя ғамгин...

Тўй бўлган йилиёқ Галя эри билан Тошкентга кўчиб кетган эди. Улар Тошкентга, Султонали туғилиб ўсган Бешқайрағочга етиб келган кун худди ҳозиргидай чошгоҳдан ошган эди.

Жаннат хола уларни қанчалик хушчақчақ кутиб олди! Ўғли Султоналини қайта-қайта қучиб кўришар экан, унинг бўй-бастига қараб тўймас, кўзларини рўмоли билан артган бўларди.

Ҳаш-паш дегунча Жаннат холанинг хонадони одамга тўлди. Қўни-қўшни, эркак-аёл. Ёш-яланг, кичкинтой болалар — ҳаммаси украиналик келинни кўришга ошиқарди. Шу кунни Жаннат холанинг бахтиёрлиги чексиз бўлди. Келин-куёв ҳам меҳрибон онаизор бағрида хушчақчақ яйрар, айниқса Галянинг сўлим чехраси беҳад қувонч ва бахтиёрликдан ял-ял яшнаб кетганди.

Галя мана шундай байрам тусига кирган муқаддас ўзбек хонадонининг ишончли бекаси бўлиб қолди. Султонали ҳам ўз ишига берилиб кетди. Республикадаги ўрмон хўжаликларини ўз кўзи билан бориб кўрди. Дарахтларнинг навларини текширди, янги дарахтлар ўстириш имкониятларини аниқлади. Шимолнинг қалин ўрмонзорларидан фарқ қиладиган, тоғ чўққиларида ҳам ўсаверадиган жанубнинг пистазор, ёнғоқзор, олчазор, анорзор ва арчазорларини қадам-бақадам юриб кўриб чиқди.

Султонали ҳар гал командировкага бориб келганидан кейин олган таассуротлари ва орзу-ўйларини хотинига завқ-шавқ билан ҳикоя қилиб берарди.

« — Бизда ҳам ўрмонзорлар бўлади, Галя. Мана кўрасан, ҳали! Гапимга ишонавер!»

У ўз диёрида ўрмонлар барпо этиш ниятида Червонний Гайдан хилма-хил дарахтлар, «ўрмон маликаси» деб ном қўйган арчанинг чидамли нави, эман, аргунов уруғларини келтирган эди. Уруғлар яланг жойларда илк йилдаёқ текис униб чиқди...

Ниҳоят, Султонали икки йиллик отпускасини қўшиб олиб, меҳмондўст қайнотасининг хонадонига йўл олган эди. Ҳам зиёрат, ҳам тижорат дегандай, бу ерга келиб, юмалаб ётиб дам олмоқчи эмасди. Кекса, тажрибали ўрмончидан маслаҳат олмоқчи эди. Галя ҳам дадасини соғинган, она юртида бир яйрасин, Опанас Гаврилович ҳам невараси Бахтиёрни кўриб қувонсин, деган эди.

* * *

Микола йўл-йўлакай ҳамкасби Егор Савчукни кўриб кетиш ниятида уникига бурилди.

Бу икки ҳамкасб ўрмончини жудаям қалин дўст деб бўлмасди. Улар икки тоифадаги кишилар эди: Опанас Гаврилович фикри равшан, оқкўнгил, хушчақчақ киши. Егор Савчук эса, новчадан келган, қовоғи кам очиладиган, «заҳар», гапни бўлиб-бўлиб қисқа гапирадиган, писмиқ одам эди. Опанас Гавриловичга ҳаммасидан ҳам унинг одамовилиги ёқмасди. Бунга Савчукнинг кўп йиллардан бери ўрмонда якка ўзи яшаши сабаб бўлса керак, деб унча аҳамият бермасди. Лекин Савчук иш қилиб чарчамас эди. Шунисига қолганда Опанас Гаврилович беш кетарди.

Узоқдан мўйловини бураб келаётган Опанас чолни кўриб, Савчук талмовсираб қолди.

— Бормисан, дунёда, Опанас! Биз томонга ҳам қадам ранжида қиладиган кунинг бор экан-ку!— деди мулозамат билан ва зинапояга омонатгина чўққайиб ёнидан жой кўрсатди.— Қани ўтир, Опанас, камнамо, камдийдорсан? Ишларинг қалай?

Опанас Гаврилович очигига кўчиб қўя қолди.

— Ишлар чатоқ, биродар.

— Хўш, нега? Нима гап ўзи?

— Қизим келди, куёви билан...

— Бунинг нимаси ёмон?— ҳайрон бўлди Савчук.— Болаларинг сени йўқлаб келган бўлса, бошинг кўкка етмай, ташвишланганинг нимаси?

Опанас Гаврилович мўйлови учини тишлаб, оғир хўрсинди.



Расмларни А. ХОЛИҚОВ чизган.

— Келишга келишди-ю, куёвни чегарачи патруллар застасага олиб кетишибди.

— Йўғ-э, Сергейни-я! Балки бир англашилмовчилик бордир?

— Мен ҳам шундай деб ўйлаяпман. Бари бир кўнгилсиз воқеа-да, биродар!

— Кўнгилсиз, албатта,— деди Савчук чолнинг елкасига қўл ташлаб.— Хавотирланма, текшириб, қўйиб юборишади. Шундай ҳодиса кеча менинг укам билан ҳам бўлди. Чегарачилар уни икки-уч станция наридан кузатиб келиб, «Лесной»га етказмай поезддан тушириб олишибди. Сўроқ қилишди. Кейин қўйиб юборишди.

— Ростданми?

— Ишонмасанг, бекат бошлиғи Железновдан сўра.

— Иван Ивановичнинг ҳам хабари бормиди?

— Ҳа, йўқ.

— Сен орага тушиб ажратиб олгандирсан-да? Нима бўлса ҳам ўрмон хўжайини, академиксан, ахир!

— Ҳазилингни қўймадинг-қўймадинг-да! Одамзоднинг ўзи тўғри бўлса, бас! Галя қаерда? Тезроқ уни Червоний Гайга жўнат, застасага борсин!

— Ҳалиям ўшани жўнатиб келяпман.

— Яхши қилибсан. Қачон кетди?

— Шу келишда «Лесной»га қўйиб келяпман.

— Чакки бўпти, эрталабки поезд аллақачон ўтиб кетди, энди кечкиси билан кетади.

Сухбат ниҳоясига етмай, бирдан иккаласи ҳам жим бўлиб қолишди. Ҳар ким ўз хаёли билан банд. Опанас Гаврилович: «Нега у мени уйига таклиф қилмаяпти? Укаси билан таништирамайди?» деб, Савчук томонидан қадрсизланганига жаҳли чиқарди. Охири сўради:

— Уканг келиб, бағринг тўлиб қолгандир! Уйланмасанг ҳам бўладиган бўпти.

— Ризқи рўзи ўрмондан ўтиб турган кишига уйланиш чикора! — деб Савчук гапга тушиб кетди:— Содда одамсан-да, Опанас. Синглинг Марфани беришга кўзинг қиймайди. Шуни билки, ўзинг айтгандай, Савчук жа унақа ўрмон қоровули эмас, хўжайини, академиги! Ўрмон меваларини, қушлари, куёнларини Егорники деб билавер. Қайси дарахт қаерда ўсади, қайси қуш қайси ковакда кун кўради, қандай йирткич қаерда яшайди — Савчукка беш панжасидай аён! Тагин сен уни ёлғиз дейсан! Шунинг учун айтаман-да, Опанас, асло милтиқсиз ўрмонга кирма, деб. Мана, масалан, оёғинг остидан куён чиқиб қолса, отдинг — гўшт бўлади. Тепа шохда қарқур ўтирган бўлса, нишонга олсанг — яна гўшт... Ҳа, олло таоло менинг ризқимни ўрмонга сочиб қўйган. Биласанки, бисотимда бор-йўқ чорвам — битта соғин эчки. Эчки сути — минг дардга даво, қонни тозалайди! Э, Опанас, сен ҳам мўйловни осилтириб, Бульбама, деб юрибсан-да!

Егор Савчукнинг гапидан Опанас чолнинг мўйлови ўзига оғирлик қилгандай туюлди. Лекин... у, ризқи рўзини ўрмонга қўймас, аксинча бор-йўғини ўрмонга берарди. Қуш уяси шамолда бузилиб, болалари ерда ётган бўлса, авайлаб уясига жойлаб қўяди. Ўрмонни қор босиб, буғу, куёнлар қирилиб кетиши хавфи туғилса, овчиларнинг кўзи тушмайдиган хилват жойга ин қуриб, устига ем-хашак ташлаб қўяди, умуман, ўрмон жониворларига у ўта меҳрибон эди.

Опанас Гавриловичнинг кўзига Савчук шу тобда ниҳоятда хунук кўриниб кетди. Ҳафсаласи пир бўлиб ўрнидан турди. Кетмоқчи эди, кимдир уйнинг деразасидан мўралаётганини кўриб қолди. Нотаниш киши ўзини панага олди. Қора соч, қорамағиздан келган, кўзлари чақнаб турган бу сиймо, назарида, куёви Сергейга ўхшаб кетди.

— Уйингдаги одам ким?— деди у.

— Ҳа, уми, ўша... сенга айтган иним. Қайси куни чегарачилар тутиб, қўйиб юборган укам.

Опанас Гаврилович ака-укаларнинг бир-бирига сира ўхшамаслигини айтмоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эди, Савчук унга изоҳ берди:

— Менга ўгай у. Бизнинг онамиз буни,— грекми, арманми — аниқ айтолмайман, бир савдогардан орттирган экан... Укам бор деб эшитгандим-у, кўрган эмасдим. Мана, худога шукур, дийдор кўришдик.

— Демак, у ҳам Вильгелм Бисмарк авлодига мансуб дегин?

— Менга укалик даъвосини қилгандан кейин шундай бўлади-да, биродар. Аммо онам уни Червонний Гайга борадиган тепаликдаги саройларнинг бирида истиқомат қилиб юрган пайтларида туққан экан.

— Қойилман сенга, Егор Егорович. Қазисан, қартасан — ўз зотингга тортасан.

— Егор Егорович, деб жудаям расмийлашиб кетма. Егор деявер.

У ўгай укасининг бемаҳал пайдо бўлиб қолганини Опанас Гавриловичга билдирмоқчи эмасди. Яна савол бериб қолмасин, деб Опанас Гавриловичга гап бермади:

— Уканг қаердан келди, демоқчисан? Херсондан. Савдода ишларкан,— деди. — Ҳунаридан зерикканми, ё бирор иш кўрсатиб қамалиш хавфи туғилганми, қуён бўлибди, шоввоз.

— Қора ўрмонга қуён бўлибди, дегин?

— Йўғ-э. Суриштирмай-нетмай туриб, қоралашнинг нима ҳожати бор,— эътироз билдирди Савчук.— Шунча йил кўрмаган куёвингни бир кун кўрмаганингга шубҳадан бошинг чиқмай қолибди. Мен ҳам нима қилай? Умримда кўрмаган одам уйимга келиб, укалик даъво қилиб тургандан кейин ҳайдашим керакми?

Опанас Гаврилович Савчукнинг жавобидан қаноатланмади ва кетиш ҳаракатига тушди.

— Хайр, майли. Сенинг уканг олдингда экан, мен куёвимни қидириб топишим керак. Невара ҳам уйни бошига кўтариб, Марфани жонҳолига қўймаётгандир.

— Айтгандай, неварангни сўраш хаёлимдан кўтарилибди. Қалай, катта бўлиб қолгандир?— қизиқсиниб сўради Савчук.

— Нимасини айтасан, менинг ярим белимдан келади. Аммо, лекин жуда шўх. Ҳамма гапга балодек ақли етади!

— Одатда, икки миллатнинг қони ўшилган болалар шунақа доно, пишиқ бўлишади, дейишади. Мен учун пешонасидан ўлиб қўй. Қўл тегса бир бориб, кўриб келарман.

— Бор, албатта, боргин.

Опанас Гаврилович хоҳлар-хоҳламас, Савчук билан хайрлашиб йўлга тушди.

* * *

У хуторга кириб келганда, кун ҳали ёруғ эди. Отларни аравадан чиқариб, хашакка қўйди. Уйга кираркан, ҳайратдан ҳанг-манг бўлиб қолди. Ровон ўртасида Султонали тиззасини букиб, отга тақлид қилган ҳолда чўзилиб ётарди. Бахтиёр эса, узанги ўрнида унинг кафтига оёқ қўйиб, ҳадеб устига чиқмоқчи бўлиб уринар-у, буни эпложмасди. Эшик бўсағасида қайнотасини кўриб, Султонали кулимсиради.

— Ана, буванг келдилар!— деди.

Чол ҳамон кўзларига ишонмас, тарқоқ хаёлларини йиғиб оложмасди. Султонали дабдурустан хотинидан сўз очишга истиҳола қилиб:

— Бува, мамам қани? Тамара холам қани? Тўғрисини айтинг,

уларни қаёққа жўнатиб келяпсиз?— деди тилини чучук қилиб Бахтиёр номидан.

— Ҳазилингни қўй, Сергей. Айт, нима бўлди?— сўради сабрсизлик билан Опанас Гаврилович.

Султонали «сувори»сини ерга қўйиб, хушчақчақлик билан ўрнидан турди. Қайнотаси билан кучоқлашиб кўришди.

— Мени бировга ўхшатишган бўлишса керак, суриштириб қўйворишди. Баҳонада Николай Николаевич Орлянский билан ҳам дийдор кўришдик. У киши Леснойга кетаётган экан, мени машинасида хуторгача кузатиб қўйди.

— Эсиз, эсиз, кеч қолибман-да! Орлянскийга Савчук ҳақида айтадиган гапим бор эди.— Опанас Гавриловичнинг муҳим гапи — Савчукнинг укаси, бевақт пайдо бўлган нотаниш меҳмон эди. «Чегарачилар гумон қилган одам шу бўлмасин тагин? Афти-ангори худди Сергейнинг ўзи!»

— Айтмоқчи амаки, нега Савчукни хўжайин дейсиз? Қарпат ўрмонлари унинг ота мероси эмас-ку?

— Ким билади, кайфи ошиб қолса, менинг авлод-аждодларимнинг бир томони Вильгелм, Бисмаркка бориб тақалади, деб чирангани-чиранган. Бу нима дегани, ўзим ҳам тушунмайман.

— Демак, унинг таги-тахти шарқий пруссиялик рицарлардан экан-да?

— Билмадим, ўзи икки гапнинг бирида шу номларни тез-тез тилга олади.

— Бисмарк бўлса яхши. У Шарқдан адолат кутган киши. Вильгелм бўлса — ёмон, муккасидан Ғарбга чўқинган рицарларнинг бобокалонидан нажот кутган одам.

— Демак, бу гапларда сиёсат бор, дегин?

— Бор ҳам гапми!

Қайнота билан куёвнинг суҳбатини Марфа хола ғудиллаб бузди:

— Ҳой, бой бўлгурлар, ўша қурумсоқ Савчукдан бошқа гапларинг йўқми? Ундан кўра, Червонний Гайга кетган қизлардан хабар олсаларинг бўлмайдими?

Иккала эркак ҳам даст ўрнидан турди. Марфа холанинг кўзини шамғалат қилиб, қўрғон томонга йўналди.

III

Уй ичи мум ва ўрмон кўкатлари ҳидига тўла. Утирган одамнинг баҳри-дили очиларди. Опанас Гаврилович Султонали билан Галяни шу уйга келин-куёв қилиб туширган эди.

Султонали заставадан қайтгандан бери бу ерга биринчи маротаба чиқиши эди. У зинапояга оёқ қўйиши билан юраги дукиллаб ура бошлади. Ҳамма ёққа бир-бир назар ташлади. Ана, дераза, унинг ёнида ранги ўчган стол, бошқа дераза ёнида диван турибди. Нариги бурчакда эса каравот. Деворларда Галя ўз қўли билан тиккан кашталар, сочиқлар.

Султонали бармоқлари билан стол устини силаб, кафтига қаради — топ-тоза.

Ҳа, Галясининг уйга киргани аниқ: каравотга оппоқ чойшаб солибди. Гилос нусха тўни қоziқда илиғлиқ турибди. Каравот ёнига раскладушка қўйиб, Бахтиёрга ҳам жой ҳозирлабди. Тўғри-да, Бахтиёр энди ғилдиракли аравачага сиғмайди-ку!

Шу пайт у Галясини беҳад хумор қилаётганини чуқур ҳис этди. «Эҳ Галя... Мени деб қаёқларда оворайкинсан?»

Султонали ўғлини етаклаб ташқари чиқди. Ўрмонзор томон бо-

раркан, у ердаги ҳар туп дарахт унга таниш, қадрдон бўлиб кўринар, яшил япроқлар худди уни пичирлаб қарши олаётгандай туюларди.

Хув, ана, дашту биёбон, дарёлардан ҳатлаб, доvonлар оша келиб қолган, қишин-ёзин кўм-кўк бўлиб турадиган Сибирнинг кедр дарахти. Ҳаёт учун курашда атрофдаги дарахтлардан устун келиб, осмонга қад кўтарган бу улкан дарахт залворли танаси билан атрофдаги нозик ва заиф дарахтларни ўзидан нарига итариб турарди. Сўқмоқ йўл бурилишида бир тўда қайин дарахтларнинг новча шохлари осилиб ётибди. Сўқмоқдан сал нарида эманзор бўлиши керак. Султон-али Галяни биринчи марта шу ердаги дарахт олдида учратган эди. Чақмоқ чақиб, бўрон қулатиб кетган бу кекса дарахт ҳам жойида ётибдими-кан? Ахир улар шу дарахт устида ўтириб, суҳбатлашган эдилар-да.

— Чарчадингми, ўғлим? Қалай, буванг турадиган жойлар яхши эканми?

Ота-бола юришиб, сайхонликдан чиқиб қолишди. Бу ернинг нариги томонидан қарағайзорлар бошланарди. Опанас Гавриловичнинг айтишича, Улуғ Петр кемасозликни ривожлантириб юборганида кемаларнинг мачталари учун қарағайларни ўша ердан олдириб кетар экан.

— Юр ўғлим, ху-у нарида кўл бор, уни ҳам кўриб келамиз!

Салдан кейин қарағайларнинг қалин ва зич сафи очилиб, қаршиларида каттагина кўл кўринди. Кўлнинг зилол сувида қарағайлар акс этар, кўл бўйида, сап-сарик қумлоқда ўрдак ва ғозлар бошларини қанотлари остига олиб, ўзларини офтобга солиб туришарди.

— Ўғлим, қушларга қара, улар ҳам дам оляпти.

Султонали бир қучоқ шох-шабба йиғиб келди-да, унинг устига пиджагини ёзиб, ўғлини ўтқазди. Ўзи тизза бўйи барра ўтга чўзилди ва:

— Бунча яхши бу олам!— деди.— Э-ҳе-ҳе!

Ғозлар, ўрдаклар бошларини қанотлари остидан чиқариб, қағиллашиб, сувга ўзларини урди. Энди олдинги думи гажак, икки қаноти тимкўк, бўйни оппоқ ғоз бўйинини баланд кўтариб сузарди.

Тип-тиниқ сув сатҳи чил-чил бўлиб кетди. Қарағайларнинг акси сувда лапанглар эди. Кўл бўйига иккита читтак учиб келиб, сув ичиб кетди. Аллақерда попишак сайради. Яқин бир дарахтда қизилиштон «тук-тук» қилипти. Бирдан салқин шабада эсди. Баланд игнабаргли дарахтлар аста шитирлаб, тилга кирди.

Султонали завқ-шавққа тўла эди. Шундай сархуш дамларда ёзаман, деб ўйлаб юрган ўрмон хотиралари эсига келиб қолди. Ирғиб ўрнидан турди. Бахтиёрни ўтирган еридан қўзғатиб, пиджаги чўнтагидан блокноти билан қаламини олди.

— Дада, анави ғозларни қара, нима қилишяпти?

— Овқат талашяпти.

Икки ғоз ёнига учинчиси келиб қўшилди. Икковининг кўзини ҳам, шамғалат қилиб, ўлжани тортиб олиб ютиб юборди.

— Оббо, шоввоzлар-ей... Сен ҳам оч қолдингми, Бахтиёр?

* * *

Узоқдан эшитилган от дупуридан олдин «бандитка» итлар думларини гажак қилиб, кўл бўйига етиб келишди.

— Буванг келяпти!— деди итларни таниган Султонали.

— И-я, сизлар ҳам шу ерда экансизлар-да!

Опанас Гаврилович узун мўйловини силаб отдан тушди. Отни тушовлаб, ўтга қўйиб юборди-да, келиб куёвининг қўлидан неварасини олди.

— Зерикмаяпсанми?

— Мамам қани?— деди Бахтиёр.

— Қорни очди, шекилли. Кета қолайлик, — деди Султонали.

— Шундайми, ўғлим. Буванг бор жойда ғам ема, тўйғизиб қўяди сени.

Опанас Гаврилович ўтлаб юрган от ёнига борди. Эгар қошига илиб қўйилган кичкина халтани олиб келиб, оғзини очди, заранг коса чиқарди. Коса пишган малина билан тўла эди. Бобо плашчини ечиб, қўкат устига ташлади-да, набирасини ўтқазиб, косани тиззасига қўйиб берди.

— Е буни! Мазза қиласан!

— Ўзингиз ҳафсала қилдингизми, амаки?— сўради Султонали.

— Бе, қаёқда!— деди Опанас Гаврилович ёнбошлаб.— Савчукнинг постидан қайтиб келаётсам, кўлнинг нариги ёғидаги арчазорда қизлар юрибди. Бари сосновкалик таниш қизлар. Малина териб юришган экан. Отбоқар Бендирнинг қизи: «Малина енг», деб қолди. Шу косани тўлдириб берди. Мен ҳам унга «Сенга набирамдек ўғил берсин», деб олиб келавердим...

Султонали миқти гавдасини силкитиб кулди.

Набирасининг иштаҳа билан малина еяётганидан завқланган Опанас Гаврилович куёвидан сўради:

— Сиз томонларда малина бўлмайдими?

— Шотут, оқ тутлар сероб. Аммо бунақанги малиназор ўрмонлар йўқ.

— Ҳа, эшитганман,— деди Опанас Гаврилович.— Бизда — ғалла, ёғоч, сизларда — пахта, узум, шоли, қорақўл, ипак. Ҳамма нарса ўзларингдан чиқади, четга муҳтож эмассиз. Шуниси яхши. Еб бўлдингми, ўғлим? Оббо, азамат-ей, ҳамма ёғингни тоза бўябсан-ку? Маманг нима дейди энди?

Опанас Гаврилович набираси бошига кийиб олган косани олиб, халтасига жойлади-да, йироқлашиб қолган отининг олдига бориб, оёқларини арқондан бўшатди.

— Борянинг юз-қўлини юв! Кетамиз.

Улар кетишга отланганда, қуёш ғарбга оғиб, сувнинг бети қорамтир тусга кирган эди. Опанас Гаврилович салқинда етиб олиш ниятида:

— Келинлар, мингашиб кетамиз, от бақувват,— деди.

— Сиз набирангизни олиб кетаверинг, мен кетингиздан етиб бораман,— деди Султонали.

Шимол кенгликлариди баҳор ва ёзнинг илк дамларида кечалар ёруғ бўлади. Кун бир томондан ботиб, салдан кейин иккинчи ёқдан чиқиб келаверади. Шундай пайтлар бўладики, баъзан тунда ҳам бемалол газета, китоб ўқиб ётиш мумкин. Мана, бугун ҳам шундай. Султонали ўрмон айланиб, уйга қайтган бўлса-да, ярим оқшом бўлишига қарамай, ҳамма ёқ ёп-ёруғ эди.

Тамара ва Галядан бугун ҳам дарак бўлмаганидан Султоналининг авзойи бутунлай бузилди. Аммо у сир бой бермасликка ҳаракат қиларди. Муздек қудуқ сувида белигача ювинди-да, ўзини бошқа хаёллар билан банд этди. Уйдаги чорсу устида ясланиб блокнотини кўздан кечирди. Хаёлга чўмди. Кўл бўйидаги хотираларини ёзиб қайта ўқиб чиқди. Ёзувларининг ёнига: «Егор Савчукка келтирган китобларим насиб қилмади», деб қўшиб қўйди. Сўнг: Нега Савчук китобга мунча ўч? деб ўйлаб қолди.

Бирдан нигоҳи уй деворидаги календарга тушди. Эҳ-ҳе, никоҳ тўйлари бўлиб ўтганига етти йил тўлибди! Етти йил! Бу айтишга осон!

У девордаги календарни олиб, ўтган ойларнинг эски варақларини йиртди. 1941 йил, 19 июнь ёзувли варағини қайириб қўйди.

IV

Червонний Гай бугун тонгдаёқ гавжумлашиб кетди. Кимдир хизматга шошиларди, кимдир қатиқ-қаймоқ кўтариб колхоз бозорига ошиқади, кимдир бозордан товуқ, ғоз-ўрдак сотиб олиб уйига қайтади.

Ана шу ола-қуроқ оломон орасида Галя билан Тамара ҳам бор, хиёбон бўйлаб боришарди. Чегарачилар номли кўчанинг бошига етганда аланг-жаланг бўлиб қолишди.

— Тўхта-тўхта,— деди Тамара Галяга.— Қара, қидирган жойимиздан чиқибмиз. Хув, икки қаватли гиштин бинони кўраяпсанми? Чегарачилар заставаси шу бўлса керак.

Галя Тамарани қучиб олди.

— Худди шу. Мен тезда Сергей масаласини аниқлаб чиқаман,— деди.

Галя застава бошлиғи қабулхонасига кириши билан зангори кител, мовут шапка кийган ҳарбийга рўпара келиб, юрагига илиқ бир меҳр югургандай бўлди. Бу қадди-қомати келишган, чайирдан келган киши застава бошлиғи эди.

— Майор Шумилов,— деб қўл бериб сўрашди у. Сўнг кабинет эшигини очиб ичкарига таклиф қилди.— Қани марҳамат.

Галя қадди-қоматини ростлаб, кабинетга кирди.

— Эрим Султонали Арслонов масаласида келган эдим. Қамоққа арзийдиган иш қилганми?

Застава бошлиғи мийғида кулди.

— Кечиринг, хоним. Эрингизга ўша куниеқ жавоб берганмиз. Заставанинг собиқ сиёсий бўлим бошлиғи, ҳозирги Червонний Гай райкомининг секретари Николай Николаевич Орлянскийни яхши билар экан эрингиз...

Галянинг кўзлари севинч ёшларига тўлди.

— Ҳа, Николай Николаевич билан Сергей эскидан таниш. У киши Червонний Гайга келгунга қадар Киевдаги ўрмончилик техникумининг директори эдилар.

Галя қабулхонадан чиқаркан, Тошкентдан жўнаш вақтида қайнонаси Жаннат холанинг ўғли билан йиғлаб қучоқлашиб хайрлашгани ва унинг: «Ой бориб, омон қайтинглар», деб Бахтиёрни бағрига босгани, юзларидан чўлп-чўлп ўпганини хотирлади.

«Дарҳақиқат, нима учун ойим ўшанда «Ой бориб, омон қайтинглар» деб дуо қилди? — ўйлади у. — Онаизор-да, фалокат оёқ остида дегандай, ўғлининг чегарачилар қўлига тушиб қолишини юраги сезганаканми?»

Галя застава бошлиғи жавобидан мамнун бўлиб, Тамара олдига келди.

Султоналининг эсон-омон уйга кетганини эшитган Тамара ҳам хурсанд бўлиб кетди.

Опа-сингиллар кетишга шошилиб қолишди. Чегарачилар стадиони олдида, вокзалга етар-етмас буларга Тимофей учраб қолди...

Опа-сингил «ялт» этиб Тимофейга қарашди. Қарашди-ю, Тамара овозининг борица бақирди:

— Тимоха! Тимоха!

Тимофей олдинига одатдаги стадионга кириб бақирадиган футбол ишқибозларидан бўлса керак, деб аҳамият бермади. Овоз борган сайин баландлашиб, Тимофейга таниш бир сиймони эслатди. У тўхтади. Кафтини пешонасига қўйиб, у ёқ-бу ёққа аланг-жаланг қаради. Қизлар ҳам шошилиб қолишди. Айниқса, Тамара типирчилаб қолди. Дарҳол унга пешвоз борди.

Тимофей кўзларига ишонмай, йўғон, бақувват қўллари билан пешонасини ишқалади. «Унгимми, тўшимми?» Опа-сингилни номини баробар тилга олди. Хиёбондаги бўш скамейкалардан бирига ўтиришди. Бу учрашувдан боши осмонга етган Тимофей дарҳол савол оширди:

— Қайси шамол учирди?

Тимофей шошилганидан бошқа сўз тополмай, ниҳоят шу саволни учинчи марта қайтаргани учун қизариб кетди. Тамара ҳам худди шундай, анча вақтгача ўзини ўнғайсиз сизди. Устига-устак, ҳа деганда қоронғи тушавермади... Тимофей билан холи қолиб, мириқиб суҳбатлашармиди. Ниҳоят, Тимофей суҳбатга мавзу топди. Ҳозиргина футбол ўйинининг тугаганини айтди, кейин кинотеатрга таклиф қилди. Галя ошиқ-маъшуқларнинг зор-интизорликда қолдиргиси келмади. Ҳаяжонли дақиқалар сизларга ёр бўлсин деб, уларни холи қолдиришга қарор қилди. Аммо Тимофей ҳам, Тамара ҳам кинога бирга кирамиз, деб қаттиқ туриб олишди: «Сен бормасанг, биз ҳам бормаимиз».

— Мени Тимохинникида қолдириб кетаверинглар, учрашадиган жойларим бор. Дадамнинг топшириғи...

Тамара дадаси ҳеч қандай топшириқ бермаганини биларди, бунинг устига кеч бўлиб қолди. Шунда ҳам, балки яна Сергей масаласида, деб Галянинг сўзини қайтаришмади.

Галя Тимофейнинг бир хоналик уйида қолди.

Шаҳардаги уйларнинг ойнасидан чироқ кўрина бошлади. Ана, салқин кўчаларга қўйилган симёғочлардаги чироқлар ҳам ёқилди. Майин шабада дарахтлар баргини оҳиста силкитиб, шохлар орасидан ерга заррин тангалар тўкила бошлади.

Ошиқ-маъшуқлар кўз қамашадиган, бош айланадиган, шаҳардаги музика садолари камдан-кам эшитиладиган, қўшиқ ва кулги, баргларнинг «пичир-пичири» ҳам эшитилмайдиган хилват бир жойга бориб қўнишди.

Поёнсиз суҳбат бошланди.

— Тамара, нега эсламай қўйдинг бизни?— деб Тимофей гапни гинахонликдан бошлади.

— Бизни деганинг нимаси, ўзингни ўзинг сизлайдиган бўлиб қолганмисан? Ҳа, тушундим, «ўрмончилик» футбол командасининг юлдузларидансан-да! Шундайми? Яна парторг бўлибсан, деб эшитдим, тўғрими?— сўради у.

Тимофей маъшуқасининг ҳазил-ҳузил гапларидан завқланиб, ўзини қушдек енгил сизди. У Тамаранинг хумор кўзларига тикилар экан, унинг нигоҳида: «Севги нималигини билмайсан, Тимоха. Содасан»,— деган маънони уқди.

Тимофейнинг йигитлик қони жўшиб, қизнинг қўлини қаттиқроқ қисди. Қиз қаршилиқ кўрсатмади, аксинча, Тимофейнинг иссиқ пинжигига кирди...

Шаҳар уйқуда. Соат мили вақт ўтган сайин олға сурилар, аммо севишганлар соатга қарамасдилар. Бахтиёр кишиларнинг вақт билан нима ишлари бор?

Тамара билан Тимофей айланиб юриб, шаҳардан ташқарига чиқиб қолишганини сезишди. Ҳормоннинг қора деворидан юзларга хушбўй ҳид уфуриб, Тамара совқотгандай сизди ўзини. Тимофей уни иссиқ оғушига тортди. Бутун умр бирга бўлишга аҳду-паймон қилишди.

— Ростданам бутун умр-а? — сўради Тимофей.

— Бутун умр бирга бўламиз, Тимоха, бутун умр!— деди Тамара. Нозик суҳбатни ногаҳон чегара томондан худди кўчки қулаган сингари «гу-м, гу-м» этиб эшитилган буғиқ товуш бузди.

Ажабо, шу онда худди Червонний Гай тепасида аввалгидан ҳам

кучлироқ гумбурлаган товуш эшитилди, Тимофей бошини кўтариб анчагача ғарб томонга қулоқ солиб турди. Қулоқ солди-ю, дир-дир титраган Тамарага далда бериб, ўзини қувноқ тутишга ҳаракат қилди.

Гумбур-гумбур борган сари кучайиб, портлашлардан шаҳар ларзага келди. Тун сукунати бузилди. Боятдан бери чарақлаб турган юлдузлар кўринмай қолди. Червонний Гайни даҳшатли қоронғилик босди.

Тимофей билан Тамара даҳшатдан ҳеч нарсани англамай, қўр-қув ичида қолишганди.

— Тимоха, нима бўляпти ўзи?— сўради Тамара.

— Азизим, чегара бузилганга ўхшайди.

— Нима бало, уруш бошланибдими?

— Уруш!

— ...

Бахтига ғов тушган ошиқ-маъшуқлар тимқоронғида шаҳарга йўл олишди.

* * *

Тонг пайтига бориб, шаҳар кўчлари жимжит бўлиб қолди. Тўғ-риси, кутилмаган даҳшатдан шаҳар мудраб қолган эди. Нима бўлди? Бу офат қаердан келди? Одамлар радиоприёмникни бураб, Москвани, Киевни, Львовни ахтаришарди. Аммо эфирда ҳам Червонний Гай кўчаларидаги тўс-тўполон, фақат маст-аласт, гитлерчи солдатларнинг ҳайқириғи, дўқ-пўписа аралаш таҳдидлари узоқ-яқиндан эшитиларди.

Улар хаёл билан Тимофей уйига бориб қолишганини билмай қолишди. Тимофей шаҳар айланмоқчи, одамларнинг фикрини забт этиб, райкомга бориб айтмоқчи эди. У пастқам кўчалардан юриб, райкомга борди. Бино қулф. Райком янги жойга кўчган, шаҳарнинг шарқи-ши-моли — Комсомол кўли томондаги ўрмонга жойлашган эди.

Райком секретари Орлянский дала телефони орқали сўзлашиб кимларгадир кўрсатмалар берар, телефонни бошқараётган алоқачи қиз шошилиб қолганидан номерларни янглиш терар, Орлянский сўраган киши ўрнига бошқа бировларни чақириб, унинг ғашига тегарди. Шаҳар партия ва совет ташкилотларининг берироқда тўда-тўда бўлиб ўтирган аъзолари ҳам телефонисткадан нолиб, баъзи енгил ишларни бир-бирларига буюриб, у ёқ-бу ёққа тинмай ўтиб туришарди.

Ниҳоят, райком секретарининг жаҳли чиқди.

— Ўпкангни босиб олсанг-чи! Ҳозир ҳар бир минут ғанимат. Душман Червонний Гайдан ўтиб кетса...

Орлянский шундай деди-ю, жадал ўрнидан туриб, райкомнинг пленум аъзоларига, шаҳар Советининг депутатларига қараб мурожаат қилди:

— Дўстлар, ўртоқлар! Фишт қолипдан кўчганга ўхшайди. Энди эс-хушларингни ростлаб олинглар. Бундан буёқ ҳамма иш махфий бўлмоғи керак. Бинобарин, халқнинг орасида бўлинглар, фашистларнинг кирдикорларини ўрганинглар, иложи борича уларнинг ишончига кириб олинглар. Чегара қўшинларимиз тун бўйи уришавериб, тутдай тўкилди. Фақат застава бошлиғи майор Шумиловгина соғ. Ҳамма масала бўйича у билан алоқада бўлинглар!

Червонний Гай бир кундаёқ таниб бўлмас даражада ўзгариб қолди. Дарахтлари шилдирамайдиган, сувлари оқмайдиган, хиёбонлари онт урган, қўшиқлар тўқилмайдиган бўлди-қолди. Шаҳар гўё шамолда ўқиладиган китоб варағидай беқарор, сатрлари чалкаш, одамлар ўқиган нарсани уқиб ололмай, саркалавасини йўқотиб қўйган эди.

Эртаси куни тушга яқин фашистлар ҳаммани, «кўчага чиқинглар, стадионга йиғилинглари», деб автоматлар билан уйларнинг деразаларини тақиллата бошладилар.

Шаҳарда қолган аҳолининг деярли ҳаммаси айтилган соатда стадионга тўпланди. Футбол ўйналадиган, завқ-шавқ макони бўлган бу стадион ғалати кўринарди. Уртада тахтадан баланд минбар ясалган. Минбарнинг ён томонида одам осиб учун дор қурилиб, сиртмоқ ташлаб қўйилган. Минбарнинг ҳамда стадионнинг теварак-атрофини гитлерчи фашистлар ўраб олишган. Галя билан Тамара ҳам шу ерда оломон орасида бирини-бири танимаган бегоналардек ўзларини четга олиб туришарди. Егор Савчук ҳам шу ерда.

Стадионга кириб келган Тимофей Гальяни кўриб, кўнгли жойига туши ва унинг олдида боришга интилди. Гитлерчи соқчилар қуршовида турган Гальянинг «келманг» деган имо-ишорасидан кейин, тўхтади. Тимофейнинг орқасида немисона ҳарбийча кийинган майор Шумилов турарди. «Сотқин» деб гирибонига чанг солмоқчи эди, майор «жим» деди паст овоз билан.

Бирдан стадионда мунгли музика садолари янгради. Қадди-бас-ти келишган, ранг-рўйи айнан Султоналига ўхшаган киши минбарга кўтарилди. Уни кўриб, опа-сингилларнинг жони ҳалқумига келди.

Ҳалиги киши қўлини ҳавога кўтарди.

— Хайл Гитлер!— деб салют берди. Сўнг пастда турган офицерни минбарга таклиф қилди. У — полковник Фон Штаммер эди. У савлат тўкиб минбарга кўтарилди.

— Бугун 1941 йил, 22 июнь, якшанба!— хитоб қилди Султоналига ўхшаш киши. — Бугундан бошлаб Совет ҳокимияти йўқ! Мана бу киши жаноб Фон Штаммер — Червонний Гай ҳокими. Жаноби олийлари шаҳар аҳолиси билан танишмоқ учун сизларни бу ерга тўплаганлар. Бинобарин, осойишталик ва тинчликка риоя қилинсин.

Шу пайт кимдир: «Вой, бу ваъзхон Додар Макидонский-ку!» дея бақириб қолди-ю, олағовур бошланди.

Додар Макидонский вақтида Червонний Гай черковининг попи, кейинчалик шаҳар сабзавот дўконларидан бирида мудир эди, кейин бирдан йўқолиб қолганди.

Бир неча минутдан кейин, «бу Додар Макидонский-ку?» деган киши дорда осилиб ётар, халқнинг боши ҳам, Савчук эса минбар орқасига ўтиб олган эди.

V

Вақт ярим кечадан оққан эди. Итларнинг безовта бўлиб акиллаган овози эшитилди. Ташқарида нотаниш шарпа кўзга ташланди.

— Келишди, қизлар,— деди мамнуният билан Султонали ва шу заҳоти ўзини даҳлизга олди.

Келган — Савчук эди.

Савчук плащини ҳам ечмади. Қалпоғини бошидан елкасига туширди-да, стулга келиб ўтирди. Унинг кайфиятидан уй эгалари бирон катта фалокат юз берганини сездилар. Бироқ ҳеч қайсиси биринчи бўлиб сўз бошлашга журъат қилолмади, охири Опанас Гаврилович чидаб туролмади:

— Қаердан келяпсан? Мабодо Червонний Гайдан эмасми?.. Еки қизларга бирон нарса бўлдими, гапир?!

— Йўқ,— деди Савчук бошини чайқаб,— бошқа хунук хабар билан келдим.

— Қандай хабар билан?

— Уруш бошланди.

Савчук шу гапни айтди-ю, дами ичига тушди. Тимофей билан стадионда кўришганини айтмасликка қарор қилди. Тамара билан Фон Штаммер қароргоҳида хизмат қилаётганини ва ниҳоят Галянинг немислар томонидан қўлга олинган бир гуруҳ хотинлар билан область марказига жўнатилганини ҳам махфий қолдирди.

— Нима? Уруш бошланибди?— ҳовлиқиб сўради Султонали.

— Ҳазиллашма,— деди Опанас Гаврилович.— Бунақа ҳазилнинг таги зил!

— Ким урушади?— сўради Султонали. Хийла вақтдан сўнг, эрталаб ўрмон кезиб юрганида устма-уст гумбурлаган товуш эшитилганини хаёлига келтирди. Маркаси таниш бўлмаган самолётларнинг ҳавода парвоз қилганини ҳам бирма-бир эслади. «Чегара ҳарбий қисмлари маневр ўтказаяпти», деб орқага қайтган эди.

Савчук аввалги шахтидан тушди, кейин «чегарани бузиб ўтишибди», деб қўшиб қўйди.

— Қачон?

— Кун кеча. Наҳот ҳалигадовур эшитмаган бўлсанглар?

Савчук ўтган кун эрталаб Червонний Гай бозорига борганини, чегаранинг алғов-далғовлигини, радио орқали Вячеслав Михайлович Молотовнинг сўзини эшитганини ҳам гапириб берди.

— Уруш хабарини қачон эшитдингиз?

— Кеча кечқурун.

— Нега кун бўйи келиб хабар қилмадингиз?

— Анчайин бир уруш бўлса, тўхтаб қолар деб умид қилган эдим.

Опанас Гаврилович бўрон буккан дубдай курсида бош эгиб қолди. Султоналининг кўз олдига бир-бирдан даҳшатли манзаралар келди.

Узоқ жимликдан сўнг Опанас Гаврилович бошини кўтариб:

— Энди уйингга қайт,— деди,— лапанглаб юрма! Ҳа, биздан бирон топшириқ эшитмаганингча, ҳеч қаёққа қимирлама!

Савчук ўрнидан турди. Эшикдан чиқа солиб:

— Хайр,— деб қоронғилик қаърига сингиб кетди.

Куёв билан қайнота Савчукнинг бамайлихотирлигидан ҳайрон бўлишди.

— Ҳайронман,— деди Султонали — Червонний Гай фашистлар қўлида бўлса, нега бу ёққа ўтишмади?

— Келиб кўрсин-чи!— деди чол.— Урмондан кўрқишади! Ун саккизинчи йилда ҳам душманлар Украинага бостириб кирганда, қалин ўрмонларга қадам қўйганмас.

Уларнинг сўзлари узилиб қолди. Урмон даҳшатли бўрондан дарак бериб бўқиар эди.

ИККИНЧИ ҚИСМ

Чақмоқ энди чақнайди

I

Жаннат хола тонг қоронғисида Султоналини тушида кўрди. Нимадандир ғазабланган, бўйин томирлари бўртиб чиққан Султонали девордан ошиб ҳовлига тушаётганида чалқанчасига йиқилганмиш. Жаннат хола: «Ҳой болам, қаттиқ тушмадингми? Эшик қолиб, девор оша тушганинг нимаси?» деб унинг қаршисига пешвоз чиқай деса, оёғида кишан бормиш.

Жаннат хола кун бўйи гаранг бўлиб юрди. Устига-устак кўзининг оқ-қораси қизи Насибадан ҳам дарак йўқ эди. Икки кунга Самарқандга командировкага кетиб, мана бир ҳафтадан бери на хат, на хабар бор!

Кўча эшик тақиллади. Жаннат хола ўрик тагидаги супадан шошиб тушиб, дарвозага боришга улгурмади — почтачи кулимсираб кириб келди, қўлидаги телеграммани узатди.

Телеграммада қуйидаги сўзлар ёзилган эди: «Онажон! Бизлар соғ-саломат етиб келдик. Келинингиздан салом. Фарзандларингиз: Султонали, Галя, Бахтиёр. Червонний Гай. 18 июнь, 1941 йил».

Жаннат холанинг ҳорғин нигоҳида жонланиш пайдо бўлди. Телеграммани кўзларига суртаркан, юрагидаги соғинч дардининг тафти босилганини ҳис этди. Султонали, Галя ва Бахтиёр деган сатрларни қайта-қайта ҳижжалаб ўқиб чиқди.

Аммо унинг бу қувончи узоққа бормади. Орадан уч кун ўтмай, Фарбий чегараларда алғов-далғов, деган гап қулоғига чалинди.

Бу гап энди кўнгли таскин топган она чеҳрасидаги табассумни сўндирди. Чегарага яқин жойга кетган ўғли, келини ва неварасининг иссиқ дийдорини кўмсаб чуқур қайғуга ботди.

«Эсиз, асли юбормасам бўларкан. Худо кўрсатмасин, ўлиб кетгудай бўлсам, товутимнинг олдига тушиб, ким оналаб йиғлайди? Эй, Жаннат, Жаннат, ҳамма айб ўзингда! Ёри биродар, қариндош-уруғларнинг гапига кирмадинг. «Ўғлингни Тошкентдан уйлантир, мусофир юртларда нима қилади», деб озмунча илтижо қилишдими? Мардумнинг панд-насиҳатига қулоқ солиб, сингилгинамнинг қизи Норчучукка уйлантирганимда, балки Тошкентда қолиб кетган бўлармиди...»

Эҳ, ўшанда озмунча қовурилганмиди опа-сингиллар? Айниқса Норчучукнинг қийналганини айтмайсизми?

* * *

Насиба поезддан тушибоқ тўғри институтга йўл олди. У ерда индинга бўладиган имтиҳон учун баъзи китобларни биракай олиб ўтмоқчи эди.

Фойеда ўз ўқитувчиси Норчучук Тиллаевна билан гаплашиб турган Акром Тўраевга кўзи тушиб, ғалати бўлиб кетди. Салом бериб улар олдидан ўтди.

Насиба ўз билимига ишонса ҳам, индинга бўладиган имтиҳондан қўрқарди. Чунки имтиҳон комиссиясининг раиси — кафедра муdiri Норчучук Тиллаевна — акасининг илк муҳаббати! Йўқ, акасининг эмас, акаси — Норчучук Тиллаевнанинг илк муҳаббати. Тагин, қулай пайтдан фойдаланиб ўч олмаса деб ўйларди.

* * *

Комилапошша опаси Жаннат холани совуқ қарши олди. Уруш хабаридан қовурилиб, сингисникига ташриф буюрган Жаннат хола Султоналидан сўз очган эди, Комилапошша вақтдан фойдаланиб диладагиларини тўкиб солди:

— Бунақа урушлар бўларкан, қаёқданам ўғлим бошқа юртдан уйланган экан деган гапларни айтиб, юрагимни сиқманг, опа! Нима қилганда ҳам ўшанда ўғлингизнинг кўнглини билмай туриб, бировнинг эшигига дастурхон кўтариб келишга ошиқмасангиз бўларкан. Қизим бечора қуруқ иснодга қолди. Мен-ку, сизнинг юзингизни сийладим,

лекин билганлар унақа-билмаганлар бунақа деди... Эл оғзига элак тутиб бўлмайди!

— Сийламай иложинг қанча, мен сенга биров эмасман-ку,— зарда қилди Жаннат хола.— Менга қолса шундай бўлсин дебманми? Бўлмаса, менинг ўзимга яраша орзу-истакларим йўқмиди...

«Менинг орзу-истакларим бор эди», деган сўз Комилапошшанинг қулоғига ёқимли эшитилди, «қизимни келин қилмаганига армон қил-япти опам, ажаб бўпти», деб мағрурланиб қўйди ичида.

Кейин, Жаннат холанинг «овора бўлма», дейишига қарамай, дастурхон ёзиб, овқатга унади.

Кун оққанда қўлида портфель, бир даста гул кўтариб Норчучук кириб келди.

Жаннат холанинг эски дарди қўзғалди. Ҳам ҳайратланиб, ҳам ич-чидан севиниб, Норчучукнинг Султонали билан ўқиб юрган мактаб даврларини хотирасида тиклади.

Султонали Норчучукдан икки синф юқорида ўқирди. Нима ҳам бўлди-ю, ёшлар йиғилишида Султоналини комсомол комитетининг секретари қилиб сайлашди. Қора қош, қўй кўзлари ўйчан, ҳамма вақт ятакнамо қизил чопон кийиб юрадиган бола ўша йиғилишда Норчучук кўзига иссиқ кўринганини онасига шама қилган, «Шу қизнинг бизга қариндошлиги йўқми?» деб сўраганди. Жаннат хола қанчалар завқланиб кулган эди!

Лекин, кейин Султонали қиз тўғрисида бошқа гап очмади...

Шу орада Султонали ўнинчи синфни тугатиб, ҳарбий хизматга отланди. Норчучук билан самимий саломлашиб юрар, аммо севги изҳор қилмаган эди. Кетар чоғида ҳам жилла бўлмаса «мени кутасанми?» деб ҳам сўрамади. Йигитда дўстликка мойиллик кучли бўлса ҳам, қизнинг ўзи унга кўнгил бериб, уч йил интизор кутди. Оқибат натижада... Султонали ўқишда юрган жойида Галяга уйланиб қайтди.

На чора, Норчучук кўнгил амрига қарши боролмади. У бутун аламини ўқишдан олди. Дастлаб университет, кейин икки йил аспирантурада ўқиди. Мана, ҳозир мединститутда, юқори курс студентларига эстетикадан лекция ўқияпти. Кандидатлик диссертациясини аллақачон муваффақиятли ёқлаган, энди докторлик иши юзасидан тажриба тўплайпти.

Султоналининг синглиси Насиба ҳам унинг талабаси. Қош-кўзлари қоп-қора, киприклари узун ва қиррабурун бу қиз ҳар гал Норчучукка энг яқин одамани — Султоналини эслатади. Айниқса беғубор қарашлари, меҳрибон кўзлари билан Норчучукнинг таранг асабларини юмшатади.

Мана бугун ҳам Насиба Норчучукдан беш ёш кичик Акрём Тўраев билан гаплашиб турганида, олдиларидан «лип» этиб ўтиб, унинг хаёлини бўлди.

— Келинг, холажон,— деди Норчучук. Портфелидаги шотут тўла банка шишани олиб, Жаннат холанинг олдига суриб қўйди.

— Узинг қалайсан, ишлар билан чарчамаяпсанми?

— Шукур... Келиб яхши қилибсиз, холажон. Мен ўзим ҳам олдингизга бир ўтай дейман-у, ҳеч вақт тополмайман.— Норчучук шундай деди-ю, ёлғон гапирётганидан қизариб кетди.

Жаннат холани шотутхўрликка таклиф қилиб, сўз орасида:

— Султон акамдан хат-хабар борми? Чегара томонлар анча алғов-далғов бўлганга ўхшайди,— деб кўнгил сўради.

Жаннат хола зийрак кўз билан Норчучукдаги бир зумлик ўзга-ришни сездди.

— Мен ҳам шунга ҳайронман, қизим. Ҳарқолда бунақа вақтда

келининг ҳам, уруг-аймоқларинг ҳам кўз олдингда бўлгани дуруст экан!

Бу гапдан Комилапошша енгил ҳис этди ўзини.

Норчучук эса, холасидан Султоналининг адресини ёзиб олди-ю, унга телеграмма юбориш ниятида кўчага чиқди.

II

Қ айнота билан куёв ухламай тонг оттиришди.

Султонали:

— Энди қурол ғамини ейиш керак. Сиз, амаки, ўрмон назоратчиси сифатида Савчукнинг уйи атрофида бўлинг. Савчук уруш тафсилотини айтиб бермаган бўлса-да, у минқовнинг ичидаги сирни билиб олиш керак,— деди.— Унинг немисча китоблар сўраши ҳам бежизга ўхшамайди. У минқовга яхшилик қиламан деб, чегарачилар олдида бадном бўлишимга оз қолди! Яхшиямки, жонимга Николай Николаевич ора кирди. Бўлмаса, мени немислар тарафдори деб айблашлари мумкин эди...

Куёвининг гапларидан Опанас Гавриловичнинг кўзларида ҳам меҳр, ҳам қаҳр, нафрат оловланди. Одатда босиқ, мўйловига бино қўйган, тепса тсбранмас Опанас Гаврилович энди бирдан тетиклашиб қолди. Бир-бирларининг гапларини маъқуллаб бош чайқашди. Эшикни омонатгина ёпиб, кўчага чиқишди. Сўзсиз икковлон икки томонга қайрилишди.

Леснойга йўл олган Султоналининг кўнглига энди на сокин ўрмон ва на тонгда шохдан-шохга пириллаб учиб юрган қушларнинг сайраши сиғарди. Фақат қизиштироннинг «тўқ-тўқ»и, зарғалдоқнинг «куёв-куёв»и аҳёнда қулоғига чалиниб, ўрмонда жониворлар борлигидан далолат берарди. Кўзларини ерга тикиб борар экан, бирдан ҳовлиқиб кетар, манзилга тезроқ етиб олишни ўйларди-да, ўзича; «Наҳотки уруш бошлангани рост бўлса? Мунофиқ Гитлер!.. Хўш, кичкинагина бир хуторда яшаб қандай иш кўрсатишимиз мумкин? Йўқ, йўқ, хуторларимиз кичкина эмас! Унинг атрофидаги ўрмонларда озмунча хонадонлар борми?— дерди.— Бекат бошлиғи Железнов халқни ўз паноҳига олмасмикин? Унинг ўзи эсон-омонмикин? Айтинг-айтинг, темир йўлни фашистлар ишғол қилишган бўлмасин-да!»

Ана шу саволлар, айниқса бекат бошлиғи тўғрисидаги ўйлари от устида бораётган Султоналига ором бермасди. Чунки, довюрак Железновни «Чақмоқ ота» дея жонидан ҳам яхши кўрарди.

Улар мана шу чақмоқ воқеаси туфайли ота-боладай бўлиб қолишган эди:

Леснойга биринчи бор темир йўл келганда, 1940 йилда Султонали шу атрофда ҳарбий қисмларнинг бирида хизмат қилар эди. Кунларнинг бирида қисм бошлиғидан темир йўл қурилишига ёрдам бериш юзасидан буйруқ олиб, бир груҳ солдат билан Леснойга йўл олди. Пўлат изларни қизиллатиб бир-бирига пайванд қилаётганлар даврасига қўшилиб ишлай бошлади.

Нима ҳам бўлди-ю, иш кунларининг бирида ҳаво айниб, кучли момақалдироқ бошланди. Осмонда кўк, қизил рангда бир неча бор чақмоқ чақнади. Чақмоқ булутлар қатини ёриб, гўё осмон олов олиб кетадигандай бўлар, сўнг бирдан ўчарди. Солдатлар: «Яшин тушиб, ўрмон ёниб кетмаса гўрга эди», деб саросима бўлиб қолишди. Ушанда Султоналининг назарида, тераклар учига келиб урилган чақмоқ ерга тушиб, кўздан ғойиб бўлгандай туюлди. Пайвандчилар ишларини тўхтатишди. Ҳеч кимнинг қулоғига гап кирмас, ҳамма ўзини четга олишга ҳаракат қиларди.

Шу ҳодиса устига ўрмон назоратчиси Опанас Гаврилович итларини етаклаб келиб қолди. Султонали назоратчига ўрмонга яшин тушганини ва уни қидириш лозимлигини айтди. Назоратчи аввал: «Яшин бомба эмас-ку, мунча кўрқмасаларинг», деб ҳазиллашиб кулди. Кейин Султоналининг елкасига қоқиб деди: «Бу солдат гапирса узрли, чунки ўрмон мамлакатада яшамайди. Хўш, сиз украинларни қайси жин урди? Ўрмонга яшин тушса, дарахт қоладими? Хўл-қуруғи бара-вар ёниб кетади-ку!»

— Азбаройи худо, ерга тушганини мен ҳам ўз кўзим билан кўрдим,— деб қолди пайвандчилардан бири.

— Кўриб бўлсан, хомкалла!— жаҳли чиқиб мўйловлари кўтарилди ўрмон назоратчисининг.— Электр нуруни ушлаб бўлмаганидек, яшинни ҳам тутиб бўлмайди! Унинг бирдан-бир кушандаси ер! Балки из пайванд қилаётган бўлсаларинг, ўшанга келиб урилгандир! Яшин нурга, оқ нарсага ўч бўлади!

Назоратчи кетмай туриб, одамлар турган жойдан анча нарида вокзал ўрнида вақтинчалик қурилган оқ палаткадан: «Ҳой, бормисанлар, ўлдим-ку!» деган овоз эшитилди. Ҳамма овоз келган томонга чопди.

Султонали дадиллик билан палатканинг оқ пардасини очиб ичкарига кирди. Беҳуш, инграб ётган бекат бошлиғига кўзи тушди. У қалт-қалт титрар, ўрнидан турмоқчи бўлиб уринарди-ю, аммо мадори етмасди. Лаблари кўкариб-қуриқшаб кетганди. Ипи қулоғига илиниб қолган рацияга келиб урилган яшин уни икки-уч метр нарига улоқтириб ташлаган эди.

Султонали ичкаридан туриб:

— Мўйлов назоратчини чақиринглар!— деб бақирди ва бекат бошлиғининг юзига сув пуркаб ҳушига келтирди. Кўзини очган бошлиқ атрофида парвона бўлиб турган солдат Султоналига миннатдорчилик изҳор қилди:

— Раҳмат, ўғлим. Осмонда чақмоқ чақнаб турган шундай пайтда рация орқали сўзлашишга бало бормиди менга. Улиб кетишимга оз қолди-я!

Шу-шу, Султонали Железновни кўрди дегунча: «Ҳорманг, Чақмоқ ота, ҳали ҳам момақалди роқ вақтида рация орқали сўзлашиб турибсизми?» деб ҳазиллашадиган бўлганди.

Ҳозир ҳазилнинг вақти эмас. Султонали Чақмоқ ота билан тезроқ кўришиш иштиёқида отига қамчи уриб олға интилди. Леснойга яқинлашган сари ўрмонга тўш уриб, гала-гала бўлиб учиб юрган душман самолётларини кўрди. Самолётлар гўё дарахтлар орқасидан кўтарилгандай, бир шўнғиб осмонга чиқарди, пулемётлардан ўқ узиб, еру кўкни ларзага келтирарди.

Султонали ўзини ўрмон ичига олди. Темир йўл ёқалаб тезроқ бекатга етиб олиш йўлини кўзларди. Шамол қулоғига ҳар хил товушларни келтирар, сувлуғини чайнаб бораётган от эса ҳадиксираб дам-бадам қулоқларини диккайтирарди. Султонали ён-берини кузатаркан темир йўл устида елдек келаётган дирезинага кўзи тушди. Шу пайт ўрмон устида яна самолёт-калхатлар тўдаси пайдо бўлди. Темир йўлни ўққа тутди. Энг охириги самолёт бомба ташлаб кетди. Бомба зарбидан дирезина олов олди, Султоналидан бир неча метр наридаги арчага келиб урилди. Ҳамма ёқни тутун босиб кетди. Тутун ичидан сочларига оқ оралаган, сап-сарик, истараси иссиқ, девқомат бир киши чиқиб келди. Стининг жиловини тортиб ўзини панага олиб турган Султонали дарҳол у кишини таниди. Бу бекат бошлиғи Железнов эди.

Югуриб борди.

— Иван Иванович, шикастланмадингизми? Нега дирезина миниб юрибсиз?

Ҳаяжондан ўзини босолмаган Железнов муддаога кўчди:

— Уғлим, уруш! «Чақмоқ» энди жанг майдонида чақнайдиган бўлди!

Султонали тутун кирган кўзларини ишқалаб, Чақмоқ отани бағрига босди:

— Мунча шошиласиз?

— Сендан сал бурун Тимофейни кўрган эдим. Орлянский буюрибди. «Кечқурунги поезд билан бола-чақаларни Шарққа жўнатиш керак!» дебди. Шуларни хабар қилгани кетяпган эдим. Эшелон сенинг шаҳрингга, Тошкентга боради!.. Балки ўшаларга кўшилиб кетарсан?

Султоналининг юрагида бир зум она-ери саховати жўш урган бўлса-да, оёқ босиб турган заминнинг меҳр-шафқатидан воз кечолмади.

— Қаёққа кетаман? Украинани, бу ёқда Россияни ташлаб кетаманми?

— Кечирасан, уғлим. Ҳозирча ўз шаҳрингга, қариндош-уруғларинг ва туққан онангнинг олдига борсанг, яна қайтиб келарсан дедим. Бўлмаса юр. Дирезинадан айрилдик. Отинг бор экан, биргалашиб одамларга хабар қилайлик.

III

Лесной бекати бугун беҳад гавжум. У ўз тарихида бунча кўп одамни қўрмаган бўлса керак.

Ҳамма интизорлик билан поезд кутарди. Утирганлар — деярли шу атрофдаги хутор, посёлка ва қишлоқчалардан келган аҳоли райком топшириғига кўра мамлакат ичкарасига жўнатилиши керак бўлган одамлар. Улар, айниқса аёллар, қариялар бекат бошлиғини ўртага олиб, бирининг гапини иккинчиси маъқуллаб овозларининг борича бақришарди:

— Начальник, қачон поездинг келади?

— Ҳой, Железнов! Сталинга телефон қилиб қўя қолсанг-чи?

— Мингта пайғамбардан битта худога чўқинган маъқул.

— Нариги чегара райондагиларни райкомнинг ўзи бугун жўнатибди. Бизлар кечадан бери сўлжайишиб ўтирибмиз.

Парокандалик Султоналининг ғазабини қўзғади. Айниқса бир чолнинг: «Ҳой, фашистларнинг келишини кутяпсанми?» деб Железновга осилганини кўриб, тутақиб кетди. У одамнинг томоғидан бўғиб бир нима демоқчи бўлди-ю, хонаси эмас, деб ўйлади.

Учиб ўтган самолёт ваҳимасидан саросимага тушган бир аёл ўрнидан туриб, бутга илтижо қилгандай чўқинди, кейин дод солди:

— Тамом! Хонавайрон бўлдик, халойиқ!..

Аёлнинг овози бекатни тутиб кетди. Қил устида турган бошлиқ одамлар орасини ёриб, овоз келган томонга интилди. Аёлга рўпара бўлиши билан у Железновнинг нақ тумшугига келиб, шарт кўйлагини йиртди, сочларини ёзиб, кўкракларини лорсиллатиб яна чинқирди:

— Одамлар, ўлдим деяверинглар. Фарбий Украина хароб бўлди!

Маълум бўлишича, аёл ақлидан озиб қолган эди. Ҳамма унинг аҳволига ачинди. Железнов ҳам бу кулфатни юрагига сиғдиролмади.

— Гражданлар! Червонний Гайдан келадиغان поезд ўтиб бўлди. Энди поездинг бўлиши даргумон. Яхшиси, катта йўлга чиқинглар. У ердан машиналар қатнаб турибди. Мукачево орқали ўтадиган поездга тушиб олишларингиз мумкин!

Ҳаммани ташвиш босди. Яна ғала-ғовур бошланиб, одамлар бир-

дан тинчиб қолди. Тўғони очиб юборилган катта анҳор сувидай, ҳамма катта йўлга қараб оқа бошлади.

Железнов уф тортиб, Султоналига қаради. У эса бу ишларнинг оқибати қаерга олиб боради, деб мулоҳаза қилиб ўтирарди.

— Ишлар расво!— деди Железнов ўзига-ўзи гапираётгандай.— Ҳа, даҳшат. Яна қайтариб айтаман— даҳшат! Мен одамларга ёлгон гапирмадим,— Султоналига изоҳ берди.— Рост, бошқа поезд бўлмайди. Кел, ўғлим, сен билан биз ҳам тахта-ўқловни йиғиштирайлик.

Шу пайт телефонистка қиз Анна шошилиб бошлиқ ёнига келди да, уграга ўхшаган лента қоғозни бошлиқ қўлига тутқазиб, деди:

— Иван Иванович, Червонний Гайдан сизга телефонограмма.

Бошлиқ лентани олиб ўқиди:

«Жойларингиздан қимирламанг. Биздан хабар бўлмагунча. Орлик».

Бошлиқ Аннага қаради.

— Кутинг эмиш. Нимани, кимни кутамиз? Шаҳарга душман бостириб кирибди. Яна кутинг эмиш! Узловойга сўроқ бер. Ун етти минутдан кейин сўнгги составни жўнатамиз, кейин нима қилайлик деб сўра.

Дарҳақиқат, айтилган состав Лесной бекатига кириб келди. Поезд оғир юкни, одамлар бошига тушган мусибат юкни тортиб келган эди. Филдиракларнинг тарақ-туруғи билан одамларнинг йиғи товуши қўшилиб яна қий-чув бошланди. Вагонлар тўла, вагонларнинг томида, зинапоярда ҳам йўловчилар тиқилишиб кетган эди.

Бекат бошлиғи перронга чиқиб, составни қабул қилди. У оддий пассажир поездини кутиб олиб жўнатгандек осойишта, қоматини кериб турарди. Вагонлардаги одамларни зимдан кузатиб турган Султонали эсанкираб қолди. Жингалак соч, мовий кўз бир аёлни хотинига ўхшатиб бақирди:

— Галя! Галя!

Жавоб бўлмади. «Қаёққа?» деб имо-ишора ҳам қилди. Жавоб ололмади. Поездининг қайси томонга кетишини Железнов ҳам билмасди. Султоналининг юраги тарс ёрилгудай бўлди. Унинг боши яна қуйи эгилди.

— Нима қилдик энди?

— Билмадим. Бомба тушгунча ҳамма ёққа ўт қўйиб кетаверамизми, ё бекат ўзимизникиларга керак бўлармикан, деб ўйлаяпман. Ахир, «кутинлар» дейишяпти-ку? Ҳайронман, нимани кутамиз экан? Ёки чегарачилар фашистларни қувиб қоладими-а?— деди у Султоналига.

Султоналининг эсига бехосдан хизмат қилган полки тушди. Батальонлар аллақачон оёққа турғизилгандир? Бошқа қисмлар каби шу томонга, чегарага қараб келаётгандир? Ҳа, албатта, улар келади! Босқинчиларни чегарадан суриб чиқаради.

Железнов эс-хушини йиғиб, телефонистка қизга деди:

— Аня, яна бир Червонний Гай билан алоқа қилиб кўр-чи?

— У ерда Гитлерчилар...— деди Аня.

— Ҳа-я, айтгандай! Немислар...— «Қиз болача фаҳм-фаросатинг йўқ, ўртоқ начальник. Узингни дадилроқ тут!» деди ўзига-ўзи хитоб қилиб.

Осмонда яна хилма-хил самолётлар галаси пайдо бўлди.

— Менга қара, Сергей, тўғри Луговойга бора қолганимиз маъқул эмасми? Орлянский ўша атрофдамиш. Тимофей шундай деганди.

— Нега энди, олдин ўзимиз ишларни режалантириб олайлик. Кейин...

Тўсатдан уларнинг кўзига ҳали у ёнига, ҳали бу ёнига чайқалиб

Ўрмондан чиқиб келаётган отлич чегарачи тушиб қолди. Суворининг яқинлашишини кутмай, учовлари чошиб боришди. Чегарачининг аввал кўк жиякли фуражкеси ерга тушди, сўнг ўзи ҳам эгардан сирғалиб, отнинг оёғи тагига йиқилди. Зўрға кўзини очди. Гапиришга ҳоли бўлмаса-да, нурсиз кўзларини беқат бошлиғига тикиб, ён чўнтагига ишора қилди. Султонали томонга кўзи тушиб: «Г—Г—Га» деган чала-чала ярим сўзга тили келди. Султонали чегарачини таниди. Уни мана шу беқатда ушлаган семиз, бақалоқдан келган лейтенант эди. Ҳа, балки у Галяни кўрдингизми, деб сўрамоқчидир? Афсуски, оғзидан ғарғара келиб, жони узилди.

Беқат бошлиғи чегарачи имо-ишора қилган чўнтакни ковлаб хат олди ва уни Султоналига берди. Арслонов беқат бошлиғи Железнов номига ёзилган хатни шоша-пиша очиб, овоз чиқариб ўқиди:

«Шарққа жўнатилиши лозим бўлган одамларни дарҳол ўрмонга жой-жойларига тарқатинг, фақат Арслоновга ўғли билан Ўзбекистонга етиб олиш учун ёрдам беринг. Айтингки, хотини Галядан хавотир олмасин. Биз опа-сингилларни қутқариб олиш чорасини кўраётирмиз.

Сиз, ўзингиз беқатга ўт қўйиб, ўрмонга қочинг. Опанас чол, Василенколар билан топишиб олинг. Бундан буён узвий алоқада бўлиб туришимиз керак. Ўзларингизга эҳтиёт бўлинглар. Қолган гапларни, топшириқ ва алоқаларни Тимофей орқали оласизлар». Хатга «яширин райком номидан» деган сўзлар ёзилиб, Орлянский имзо чеккан эди.

— Кечикибмиз!— деб Железнов кафти билан пешонасига урди. Перрон томонга қараб кетди. Сал ўтмай ёнғинга қарши жиҳозлар орасидан чўқмор ва белкуракни олиб келди.

Аня кўзларини чирт юмиб, орқасига тисарилди.

Бошлиқ билан Султонали ўрмон ичига кириб, якка қайин дарахти тагида тўхташди. Камтомир жойдан гўр қазий бошлади. Сокин беқат ёнидаги ўрмонда биринчи қабр шундай пайдо бўлди. Лейтенантнинг исми-фамилияси маълум бўлмаганидан қабр устидаги қайин дарахтига Железнов қаламтароши билан «Чақмоқ» деган сўзни ўйди. Султонали ҳам ўйлаб туриб, ҳалиги сўз остига қуйидаги рақамни ёзди: «29 июнь, 1941 йил».

Улар анчагача қабр устида сукут сақлаб туришди. Султонали чегарачи лейтенантнинг аҳду лаймонига содиқлигига, оғир ярадор бўлишига қарамай, командирнинг жанговар топширигини беқат бошлиғига етказганлигига ва ниҳоят топшириқни бажариб, жон берганига собиқ солдат сифатида тан берди.

Чегарачи билан сўнгги марта видолашиб, секин-аста орқага қайтишди.

— Менга қара,— деди Железнов. йўлда Султоналига.— Сен ҳозироқ жўна. Мен бир оз тураман. Аҳволни кўриб, орқангдан етиб бораман. Қайнотанг билан учовлон нима қилиш кераклигини ўша ерда маслаҳат қиламиз. Жўна!

Шу пайт Леснойдан Сосновкага борадиган тош йўлда моторларнинг гуриллаши эшитилди.

— Танклар-ку? Танклар!.. Кимники экан?— сўради Железнов.

— Мукачево томондан чиқишганга ўхшайди. Немисларники!— деди Султонали.

— Мен одамларни шу йўлдан боринглар деган эдим,— ташвишланди беқат бошлиғи.— Машинага минамиз деб бориб, танклар остида янчилмаса эди бояқишлар.

Аня улардан олдинроқ вокзалга кетиб қолган эди. У перронга етганда бирдан қичқирди:

— Иван Иванович, қаранг! Одамлар биз томонга қочиб келишяпти!

— Ҳа.

«Орлянскийнинг топширигини бажарадиган бўлдим», деган фикр келди Железновнинг хаёлига. Аммо бунди Султонали билмасин, деган маънода унга ёпишиб қолди:

— Хўш, сен нима қилиб турибсан қаққайиб бу ерда? Жўна уйингга. Душманни икки коммунист баравар кутиб олсак, фашистлар хурсанд бўлиб, ҳовлиқиб кетишади-ку! Мен одамларни тинчитиб, кетингдан етиб бораман.

— Мен ҳам сиз билан кетаман, Иван Иванович,— деди қиз.— Лекин...

— Нима?

— Немислар сизнинг коммунист эканлигингизни билиб қолишса...

— Билгунларича, биз қуён бўламиз!— кулди Железнов.— Кир, аппаратнинг олдида ўтир. Йўқ, тўхта. Телеграфист эканлигингни билиб қолишса!.. Сен менинг қизимсан, фамилиянг ҳам Маслова эмас, Железнова, тушундингми? Мени кўргани келгансан қишлоқдан!

— Тушундим, Иван Иванович, тушундим.

Бир неча минутдан сўнг Железнов немис офицерига ўзини шундай деб таништирди. Офицер станция бинолари, бўм-бўш перрон, бурчакда турган бўш вагонларга назар ташлаб, бекатдаги вазиятдан кўнгли тинчиди, мамнун илжайди.

Шундай бўлса-да, телеграф аппарат олдига соқчи қўйиб кетди.

Бу вақтда Султонали отни йўрғалатиб ўрмон ичига кириб борарди.

IV

Бир томонда қутилмаган уруш, иккинчидан, хотини билан ўртасидаги жудоликдан Султоналининг юрак-бағри эзилиб кетган эди. У деразадан нигоҳини оларкан, бир мақомда «чақ-чуқ» қилиб турган девор соатига қаради. Соатнинг қадоқ тошини кўтариб, бекат бошлигининг гапига қулоқ солаётган қайнотаси олдига борди.

— Шуниси қизиқки, Микола, бу аблаҳлар йўлида учраган нарсаларни қийратиб кетмоқда!— деди Железнов.— Урушсанг аскарлар билан уруш. Зўр бўлсанг солдатларимиз билан беллаш. Командирларимиз билан яккама-якка олиш. Қишлоқларни талаб, шаҳарларни вайрон қилишга бало борми?! Кечаги бир воқеа эсимга тушса, бадиним жимирлаб кетади!— Железнов стулга келиб ўтирди.— Мотья деган стрелкачимиз бор эди-ку, танийсан,— деди хаёлга берилиб, чой қошиғи билан дастурхон устини чизиб ўтирган Опанас Гавриловичга.— Уша Мотья холанинг ўн яшар набираси бор эди. Лесной орқасидаги қўлдан балиқ тутиб келаётган экан. Бекатда шарқ томонга ўтиб кетаётган фашист эшелони тўхтагани. Ҳирсдай-ҳирсдай фашистлар темир йўл ёқалаб қармоқ кўтариб келаётган болани кўриб сакраб тушишди-да, нимадир деб болани гангитишди. Бола бечора уларнинг гапига тушунмай анграйиб тураверди. Газандалардан бири шерикларига бир нима деган эди, бари хо-хо-холаб кулиб юборди. Мен разъезд платформасидан қараб турибман. Уларнинг бунчалик ваҳший эканлигини билмаган эдим! Ҳалиги фашистлардан бири болага яна бир нималар деди. Назаримда «балиқни бер», дея имо-ишора қилди. Бола новдага тизилган балиқчаларни орқасига беркитди. Гитлерчи балиқларни гижимлаб ушлаган эди, бола унинг қўлини тишлаб олди, фашист «дод» деб болага ташланди. Бола уларнинг орқасидан ўтиб қочмоқчи бўлган эди, ушлаб олиб биридан-бирига қа-

раб итаришди. Бояги фашист боланинг икки оёғидан осмонга кўтарди-да, елкасига ўнгариб шитоб билан паровоз томонга чошиб кетди. Мен ҳазиллашаётган бўлса керак деб ўйловдим. Бир вақт қарасам, боланинг боши ерда судралиб боряпти. Газанданинг шериклари ха-холашиб унга эргашди. Фашист паровоз ёнига келиб зинадан юқорига чиқа бошлади. Шунда боланинг чинқириғи эшитилди у паровозга чиқиб дам ўтмай ёлғиз ўзи қайтиб тушди. Болани паровознинг ўтхонасига ташлаган экан.

Султонали кўз ёшини артиб, Бахтиёр ухлаб ётган каравот ёнига борди, кўрпасини тузатди. Уй деразасининг пардасини тортиб қўйди. Кейин, осма чироқнинг пилигини кўтара туриб:

— Қачонгача фашистларнинг хатти-ҳаракатларини лаганга солиб, бекор ўтираемиз!— деб бекат бошлиғига хитоб қилди. — Бекор ўтирадиган вақт эмас ҳозир! Қўлимиздан унча-мунча иш келади-ку?— деб давом этди сўзида.— Фашистларга қарши очиқ кураша олмаемиз. Аммо тагига сув қуйиш қўлимиздан келади, келади!

— Шунақами?— деб қайнотаси кўёвига тикилди.

— Худди шунақа!— деди Султонали.— Аммо иш бошлашдан олдин вазиятни аниқлаб олиш керак. Биронтамиз Червонний Гайга бориб, аҳволни аниқлаб келайлик. Сўнгра атроф қишлоқлардан хабар олайлик, одамлар билан алоқа ўрнатайлик. Айтгандай, гитлерчилар бу ерга ҳам келиши мумкинми?

— Йўқ, — деди Железнов, — улар бу томонларга келишга қўрқади.

— Ҳарҳолда, қалин ўрмон ичида ҳам совет кишилари борлигини фашистларга сездириб қўйишимиз керак. Партизанлар отряди тузсак, режаларимиз амалга ошишига ишонаман, шундай эмасми, амаки?— деб Султонали яна қайнотасига юзланди.

Опанас Гаврилович мўйловини бураб, бошини чайқади.

— Партизан отряди, — деб кулди. — Уч кишидан отряд!..

Деразани кимдир оҳиста чертди. Утирганлар: «Ким бўлиши мумкин?» деб бир-бирларига маъноли қаради. Опанас Гаврилович ўрнидан турди ва дераза ёнига бориб, кафтини соябон қилиб ойнадан ташқарига мўралади.

— Ҳеч ким кўринмаяпти.

Яна эшик тақиллади. Лекин бу гал олдингидан қаттиқроқ шитоб билан тақиллади.

— Сенлар бемалол ўтиравсринглар,— деб Опанас Гаврилович эшикни беркитиб даҳлизга чиқди. Бирпасдан кейин даҳлиздан бегона кишининг: «Тимофей шу ердами?» деган товуши эшитилди. Сўнгра эшик очилиб, Савчук кириб келди.

— Тимофейда нима ишинг бор?— деб сўради Опанас Гаврилович.

Қоронғиликдан ёруғ уйга киргани учунми, Савчук кўзларини қисинқираб қаради.

— Бугун эрталаб менинг участкамга ўтин кесгани келган эди,— жавоб берди Савчук ўтириш учун қулайроқ жой излаб.— Микола амакига айтиб қўй, бугун кечқурун олдига бораман, деб кетувди. Ҳалиям келгани йўқми?

Султонали билан Железнов «ким? нега?» дегандай Опанас Гавриловичга қарашди. Шу пайт уй орқасидан бойқуш товуши эшитилди,

— Бу томонда бойқуш йўқ эди-ю!— деб ҳайрон бўлди Опанас Гаврилович.

— Бу Тимофей бўлса керак,— деди Савчук. Сўнг ўзига тикилиб ўтирганларга зимдан қараб,— ҳозир, ҳозир келаман,— деб фонус кўтариб, даҳлизга чиқаётган Опанас чолга эргашди.

Яна бойқушнинг товуши эшитилди. Ташқарида Опанас Гавриловичнинг овози келди:

— Бойқушлигини билсам косов олиб ҳайдардим!— Зум ўтмай у Тимофейни эргаштириб келди.

— Ҳозир сени Егор Савчук сўраб турган эди.

— Мен ҳам унинг кетишини пойлаб турган эдим,— деб Тимофей плашини ечди. Немисча формасиға ишора қилиб кулди. Сўнг Султон-алининг кифтидан қучиб қўйди. — Галянг соғ-саломат. Қўрасан. Опанас тоға, меҳмон бошлаб келдим, халақит бермаймизми?

— Сен бошлаб келган меҳмон халақит берар эканми, ўғлим.

Меҳмонлар бу атрофнинг кишиларига ўхшамас, ҳаммасининг устида қизил аскарча кийим, оёқларида солдатча ботинка. Қиёфаларидан кўп йўл босиб чарчаган одамларга ўхшашар эди.

Тимофей уларни ўтирганлар билан таништирар экан, қизил аскарлар ҳамма билан қўл бериб кўришишди.

Тимофей стол ёнига келиб оҳиста сўзлади:

— Бу ўртоқлар қуршовдан чиққан қизил аскарлар. Райком текшириб чиқди, бари ўзимизнинг йигитлар. Районда туриш мумкин эмас. Шу ерда сизлар билан бирга бўлади. Ҳозир мен сизларга вазиятни тушунтириб бериш учун келганман.

Тимофейнинг сўзини Железнов бўлди. У дастрўмолини чиқариб кўзойнагини артди. «Газандалар!», деб столга бир мушт уриб ўрнидан турди.

— Ҳа, умримда кўп урушларни кўрганман, — деди ўзини бир оз босиб олгандан кейин. — Япон урушида ҳам бўлганман, герман урушида ҳам бўлганман. Гражданлар уруши йилларида немисларни Украинадан ҳайдаб чиқаришда ҳам қатнашганман. Кўп одамларнинг ўлганини ўз кўзим билан кўрганман-у, аммо бунақасини сира кўрган эмасман!

— Бунинг ажабланидиган жойи йўқ, Иван Иванович,— дея гапга қўшилди Султонали.— Фашизмнинг разиллиги, унинг усули — террор ва ур-йиқитдан иборат эканлиги азалдан маълум. Уларнинг бундай қилишининг боиси — улар халқимиздан қўрқади. Бешикдаги болаларимиздан ҳам қўрқади.

Тимофей ўтирганларга бир-бир қараб:

— Коммунистлар қолсин,— деди ва Опанас Гавриловичдан:

— Мана бу ўртоқларга жой топиладими? — деб сўради.

Опанас Гаврилович бош ирғаб, ўрнидан турди. Кўпчилик унинг кетидан чиқиб кетди.

— Гап бундай, ҳамқишлоқлар!— Йўталиб сўз бошлади Тимофей.— Район партия комитетининг ташаббуси билан Червонний Гайда бирлашган партизан уюшмаси тузилди. Унинг штаби ўрмон ичига жойлашса керак. Фон Штаммер бошлиқ бўлган фашистларнинг гарнизони катта, хоинлар ҳам йўқ эмас орамизда. Бу гап сир тутилиши кераклигини сизларга айтиб ўтириш ортиқча!— Сўнг, ҳамма колхозчиларнинг жамоат чорвасига қарашли моллари Шарққа жўнатилгани ва колхозчиларнинг ҳам мамлакат ичкарасига кўчиб кетганлигини айтди. — Қишлоқларда қолган аҳоли ҳам фашистларнинг дастидан уй-жойларини ташлаб, ўрмондан бошпана топмоқда. Бизнинг партизанлар ҳалитдан душман поездларини жарга қулатиб, складларга ўт қўйишни бошлади. Партия Марказоми ҳам шуни таъкидлайди... Душманни бир кун ҳам тинч қўймаслик керак. Кечаси ҳам, кундузи ҳам безор, ҳаловатдан маҳрум қилиш керак. Райком секретари ўртоқ Орлянскийнинг фикрича, сизлар ҳам бир отряд бўлиб бирлашингиз лозим. Ким командир бўлади? Ким комиссар? Кимда қандай таклиф бор?.. Айтмоқчи, штаб билан алоқа қилиб туриш учун бирор ишончли киши ажратинглар,— сўзида давом этди Тимофей.— Менинг бу ерга келиб-келиб туришим бир оз ноқулай.

— Алоқачи ишончли одам бўлсин. Менимча, бу ишга Савчук тузук. Нима дейсизлар?— сўради Железнов.

— Мен у одамни яхши билмайман, унга немис тилида китоб олиб келаман, деб бошим балога қолди. Опанас Гаврилович нима дер эканлар?— деди Султонали.

Опанас Гаврилович меҳмонларни омборхонага бошлаб чиққан эди. Омборхона каттагина тахта полли уй бўлиб, унда кекса ўрмончи эски лаш-лушларини, озиқ-овқатларини сақлар эди. Ишлар ҳарбий ҳолатга кўчганидан бери Микола хўжаликдаги кўп нарсаларни ислоҳ қилишга киришган, чунончи, паррандаларни бир бошдан сўйиб, хомлигича тузлаб, қотира бошлаган, баъзиларини сариеққа қовуриб, ейишга тайёрлаб хумларга босиб қўйган эди.

У бу ноз-неъматлардан меҳмонлар олдига келтириб қўйди.

— Қани, оғайнилар. Еб-ичиб ўтиринглар!

Тимофей бошлаб келган солдатларнинг кўпи чегарачилар эди. Стол тўрида ўтирган кичик сержант, рассом Гиззатуллин, Василий Михайлов, Янис ва грузин Коркия не-не кулфатларни бошдан кечириб зўрға бу ерга етиб келганликларини Опанас Гавриловичга ҳикоя қилиб беришди. Улар оч ва юпун ҳолда қишлоқма-қишлоқ, ўрмонма-ўрмон юриб, киши кўрмас пана жойлардан бу ерга етиб келганлар.

Омборхона эшиги очилиб, барваста қоматини тик тутиб Тимофей, бароқ қошли Султонали ҳамда Железнов киришганда, Микола ўрмонга олиб борадиган йўлларни беркитиб, дарахтлардан гов ясаш, катта кўл бўйидаги тепаликка пистирма қуриш ҳақида гапириб ўтирарди.

Тимофей қандайдир бир қоғозни ёруққа солиб, фонус шуъласига яқин борди. Чегарачи солдатларни бирма-бир кўздан кечириб, исм-фамилияларини номма-ном чақирди. Сўнгра Султоналининг ёнига келди ва уни аскарларга таништирди:

— Бугундан эътиборан отряд комиссари — Султонали Исломович Арслонов!

Султонали ҳайрон бўлиб дўстига қаради.

— Шундай. Орлянский билан келишганмиз,— деди Тимофей унга.

Хуллас, йиғилиш кўпгина масалаларни муҳокама қилиб чиқди. Энди бу режаларни амалга ошириш — отряднинг жанговар иши эди.

Тимофей кетишга қўзғалди.

— Дарвоқе, мана, мен кимман? — Қиссасини ковлаб, гестапо комендатураси томонидан берилган «Тимофей Захарович Василенко — дала госпиталида таъминот бошлиғи», деган гувоҳномасини кўрсатди.

* * *

Бошига тушган оғир вазифанинг катта-кичиклигини Султонали ҳануз билолмасди. Урушнинг қанақалигини, не-не офатлар келтиришини тарихий китоблардан, қайнотасининг ҳикояларидан ва кинолавҳалардан кўриб-билиб юрган йигит учун бу кутилмаган ҳодиса эди. Мана, уруш!

Савчукдан: «Уруш бошланибди», деган нохуш хабарни эшитганда, ўзига-ўзи: «Ҳарбий комиссариатга югур», деган буйруқни берган эди. Кейин ҳеч қандай ҳарбий комиссариат қолмаганлиги маълум бўлди. Кейин, «Сафдан жойингни топиб олишинг керак. Сенинг ўрнинг Қизил Армия қисмларида!» деган фикр унинг миясига қаттиқ ўрнашиб қолди. Кейин, партизан отряди ташвишида эди. Энди эса...

Модомики, район партия комитети уни отрядга комиссар этиб гайинлапти, демак, унинг вазифаси шу. Аммо бу вазифани адо этиш

қўлидан келармикан? Отряд комиссари... Султонали учун оғирлик қилмасмикин? Ҳар бир партизан билан феъл-атворига қараб муомала қилиш керак бўлади. Айниқса Савчукка ўхшаганлар чиқиб қолса...

Султонали «комиссар» сўзининг маъзини чақиб: «Демак, бу номга яраша жанг қилишим керак», деб хулоса чиқарди. Тўғри, отряд ҳали кичкина, партизанлар ҳарбий ҳолатга кўчиб улгурмаган. Лекин ҳозироқ темир интизом ўрнатиш керак. Қим билади, тоғлардан тушувчи кичик-кичик жилғалар бир-бирига қўшилиб, катта дарё ҳосил қилгани каби отрядга ҳам атроф-теварақдан одамлар келиб қўшилаверса... Ҳар қалай аввало кишиларга сенинг ўзинг ибрат бўлишинг керак! Бошқалардан кўра кўпроқ ҳаракат қилишинг, кўпчиликини мақсад сари йўлга сола билишинг керак. Лозим бўлганда, бирининг кўнглини кўтариш, бирига далда бериш, бошқасини қойишга тўғри келади. Қалай, қўлингдан келадими шу ишлар, Султонали?

«Ёлғиз ўзининг қўлимдан келмаса, Железновга ўхшаган коммунистлар ёрдам беради,— ўйлади Султонали. — Улар бор экан, мен ёлғиз қолмайман. Юрт бошига бахтсизлик тушганда, халқ ўз-ўзидан аҳиллашади, иноқлашади, йиқилса бир-бирларини суюйди...»

Хаёли яна уруш — олисда бўлаётган жанггоҳга кўчди: жон олиб-жон бериб она тупроқни ҳимоя қилаётган қизил аскарларнинг аҳволи қалай? Эрк учун қурбон бўлган қаҳрамонларнинг жигарғушалари, оназорлари бу кулфатга қандай бардош бераёпти? Ўзининг йўлига кўз тикиб, нигорон бўлиб ўтирган онаси Жаннат хола ўғлининг хайрли ишга бош қўшганини билармикан? Нима учун билмасин, ахир у она-Ватанга ва меҳнаткаш халқига содиқ фарзанд тарбиялаб ўстирганини билади-ку? Отасининг қон-қонига сингиб кетган курашчанлик туйғуси ўғлининг хатти-ҳаракатларида намоён бўлишини қайта-қайта гапирар эди.

Султонали онасига мактуб ёзиш, унинг руҳини кўтарадиган жанг тафсилотларини баён қилишга қарор берди. Лекин Галя хусусида «салом-алик»дан нарига ўтолмади. Онасини ранжитгиси келмади. Бахтиёрнинг номидан кўп-кўп салом йўллади.

Хатни конвертга жойлаётиб, туғилиб ўсган серқуёш Ўзбекистонини беҳад соғинганини ҳис қилди. Шу гўзал диёр учун, ўғли Бахтиёр, Галядек севимли ёр учун, она тупроқнинг озодлиги ва қардош халқларнинг озодлиги учун ҳамма нарсага қодирдек ҳис қилди ўзини.

Галдаги ишларни режалаштириб, шитоб билан ишга киришди. Ҳа, комиссар деган шарафли номни оқлашнинг ўзи бўладими ахир!

V

Т ўхтағиз! Ким кила? Стойте! Кто идет?

Комиссар овоз берган киши Гиззатуллин эканини билди. Келишувга биноан укки бўлиб сайради.

— Айда, кил— жавоб қайтарди соқчи.

Улар пистирмага кириб борганда, бир тўп партизанлар суҳбатлашиб ўтирарди. Султонали уларга халақит бермай, қулоқ солди.

— Ҳар кунни шаҳар устига шаҳар берамиз!— деди разъезд телефонисти харитага тикилиб.

— Ҳаммаси вақтинчалик гап!— деб сўз қотди бурчакда похол сўри устида ёнбошлаб ётган ефрейтор Янис.— Мамлакатимиз кенг. Фашистлар кичкина шаҳарларимизга ҳужум қилиб чиранишяпти. Бу ёқда катта шаҳарларнинг онаси Москва, Ленинград, Львов турибди. Ҳе, битта косага юзта пиёла сиғади, аммо мингта пиёлага битта коса сиғмайди!

Железнов гапга қўшилди:

— Менимча, ёвни алдаб-сулдаб мамлакат ичкарасига олиб ки-

риш керак-да, кейин бирдан ўртага олиб савалаш керак. Бир вақтлар руслар Наполеонни шунақанги дўппослашган экан.

— Наполеонни қаердан биласан, Иван Иванович?— сўради тўн-када ўтирган бир партизан.

— Набирам китоблардан ўқиб берарди,— деди Железнов.— Ҳозир у Кавказда.

Бекат бошлиғининг дафъатан хомуш тортганини қўрган грузин Коркия:

— Хавотир олманг. Биз томонларга немиснинг дёғи етмайди, етказгани қўймаймиз ҳам!— деди.— Неварангизнинг боши тошдан бўлсин! Омон бўлсак, кўришармиз.

— Айтганинг келсин,— деди Железнов ва комиссарга кўзи тушди.

Комиссар бу ердаги гаплардан қисман хабардор эди. Аммо бу сафар бошқа бир ташвишда кириб келган эди: Лесной бекатига кетганлардан дарак йўқ. Гиззатуллин билан эса... Ўз хонасида гаплашиб олишни маъқул топди.

— Сен,— деди унга.— Анна, сен ҳам бизнинг билиндажга ўтинглар.

У чиқиб кетгач, иккалови ҳам ҳайрон бўлишди. Гиззатуллин: «Комиссар қишлоқ томонга ўтган бўлса, жанговар варақалардан бирор хато топдимикан?» деб ўйлади. Анна эса комиссарнинг топшириғига биноан алоқа йўлларини кўздан кечиргани, узук-юлуқ симларни бир-бирига улаганини ўйлади: ишидан ишқал топмади.

Шу йўсин Анна ҳам, Гиззатуллин ҳам ўринларидан туришди. Траншея ичи билан бориб, комиссар блиндажи олдида тўхташди. Анна бир йўталди-да, ичкарига қадам қўйди, унинг орқасидан Гиззатуллин ҳам эргашди.

— Чақирингизга биноан келдик!— дейишди бараварига Анна билан Гиззатуллин.

Комиссар стол устида ётган хатни олди. Хатга Гиззатуллиннинг кўзи тушиб, таниди, нафаси ичига тушиб кетди. Гиззатуллин бундан бир ой муқаддам ўз юрти — Қозон шаҳрига бориб келмоқчи бўлиб, худди шу қозонга ариза ёзиб, чегара қисмлари бошлиғига берган эди. Комиссарнинг қўлига тушганидан хижолат тортди. «Қирғин уруш кетаётган бир пайтда сиз дам олгани отпускага чиқмоқчимисиз? Қайси юз билан?» деб сўраб қолса, нима деган одам бўлади?

Комиссар қўлида ўйнаб турган линейкани Гиззатуллинга узатиб:

— Қани ҳозир қаерда турибмиз, аниқла-чи? — деди ва уни харита олдига бошлаб келди.

Гиззатуллин ҳозирги турган жойлари — Лесной бекати атрофидаги ўрмонни кўрсатди.

— Мана шу ердамиз.

— Балли. Берлингача қанча келади шу ердан?

— Уч юз-тўрт юз километр.

— Энди, ўлчаб кўр-чи, Қозонгача қанча келар экан?

Бу савол Гиззатуллинни яна ҳаяжонлантириб қўйди: «Комиссар нима демоқчи? Қизғин жанг вақтида сенга отпускани ким қўйибди, демоқчими? Еки қўшинларимиз тез кунда Берлинда бўлади демоқчими?» Харитадан Лесной билан Қозон шаҳри ўртасидаги масофани ўлчаб:

— Беш минг километр экан,— деди.

— Энди гапнинг нимадалигига тушунгандирсан?— деб сўради комиссар Анна Масловадан.

Анна ҳам ўзининг бу ерга нима мақсадда чақирилганига энди ақли етди. Бекат бошлиғига: «Шаҳар устига шаҳар бераётимиз», деган эди.

— Россиямиз бепоён — енгилмас мамлакат. Шаҳарлари кўп. Ёвлар унинг эллик фоиз шаҳарларини ишғол қилганда ҳам, оқибат ер тишлаган... Лекин, бунинг учун,— у Гиззатуллинга қаради,— халқимиз уйқу, дам олиш, истироҳат нималигини билмай курашган!

— Тушунарли, ўртоқ комиссар!— деб юборди Гиззатуллин.

— Ундай бўлса, мана бу жанговар варақаларни йигитларга ўқиб бер! Катта ердан келган де.

* * *

— Тун бўйи пистирмада ётдик. Икки томондан ҳам отишув бўлиб турди. Бир маҳал қарасак, разъезднинг орқасидан ҳам милтиқ овозлари эшитила бошлади. Бошимиз қотиб, ҳайрон бўламиз. Червоний Гай уюшмасининг бу томонга келмаслигидан хабарим бор... Бирон-бир разведкачи юборай десам, ўртада разъезд тўла фашистлар. Хуллас, бўлар иш бўлди деб, битта-биттадан олдинга қараб силжиб боравердик. Разъездга пича қолганда қарасак, ҳаммаёқ бўшаб қопти. «Лаънати фашистлар қирилиб кетдими, ё ҳийла-найранг ишлятаптими? Қаерга йўқолди?» деб ўйладик. Эллик қадамча юрган эдик, разъезд биноси деразасидан узилган ўқ Макара ошпазнинг қўлини ярадор қилди. «Билдирмасдан боринглар, деразаларга граната иргитинглар!» деб буюрдим. Улар бориб, бу ишни бир ёқлик қилгунча, разъезднинг бериги томонидан бир тўп қизил аскарлар келиб қолди. Сизларнинг партизан эканлигини билиб олишган экан. «Бошла командирингнинг олдига. Сенларга қўшиламиз!» дейишди. «Бўлмаса олдин жанговар вазифамизни бажарайлик, кейин борамиз!» дедим. Биз аввало телефон билан телеграф симларини узиб ташлашимиз керак эди, токи бу лаънатилар бошлиқларига хабар қилиб улгурмасин. Унда янги куч етиб келади. Уларнинг каттаси: «Сим узишни менинг йигитларимга қўй», деди.

— Улар кўпчилик эканми?— деб қизиқиб сўради комиссар қайнотасидан ва Савчукка маъноли қилиб қаради.

— Йўқ. Чекниб, у ёқдан-бу ёқдан келиб, бир бирлари билан топишган қизил аскарлар экан.

— Қуроллари бор эканми?

— Бор! Фашистларни ўлдириб, бир талай милтиқ-тўппончаларни ўлжа қилиб олишган экан. Шундан кейин улар кетишди. Биз кўприк тагига, темир йўл буриладиган жойга, олти-етти жойга портловчи дори кўмиб, разъездга қайтдик. Қизил аскарлар ҳам ишни қойил қилиб платформада тамаки чекиб ўтиришган экан. Йўлга тушдик. Энди разъезддан ўтиб, қарагайзорга кирган эдик, орқамиздан паровоз товуши эшитилди. Шунда разъезднинг бу томонига портловчи модда кўмганимиз эсимизга келди. Паровоз кетига бир товар вагон тиркалганини ўрмон ичидан кўриб турибмиз. Паровоз тўхтади. Вагондан гитлерчи газандалар тушиб, ҳеч ким йўқлигига қаноат ҳосил қилса ҳам, қўрққанидан патир-путир ўқ уза бошлади. Худди шу пайтда Савчук чакалакзорга ўзини уриб қолди-ку! Қарасам, разъед томонга қараб кетяпти!

Комиссар Савчукнинг ҳаяжонланиб турганини кўриб, қайнотасига қаради. Железнов:

— Разъездда нима қилмоқчи эдинг? — деб сўроққа тутди Савчукни.

Савчук фуражкасини ғижимлаб, бошини эганча миқ этмай ўтирар эди.

— Разъездга яна қанча душман эшелони келганини билмоқчи эдим. Бўлмаса нима қилардим,— деди.— Ўзим бир ташаббус кўрсатиб қўяй дедим-да.

— Ҳ-а, — деди комиссар. — Ундай бўлса, якка ўзингизга бошқа иш топилади. Жангда синаб кўрамиз сизни!

Железнов ҳам ўрнидан тураркан:

— Тўғри фикр, ҳозир ўз жойингизга бораверинг, — деди блиндаждаги партизанларга.

— Жангчиларга овқат берилдими? — сўради Султонали.

— Ошпазимиз ярадор бўлиб қолди, куёв. Унинг ўрнига Авдотья Макаровнани тайинлаш мумкин. Стрелкачи хотин ҳам биз билан бирга.

Ҳамма чиқиб кетса ҳам Опанас Гаврилович жойидан қўзғалмади.

— Нега Савчукнинг чорасини кўрмайсан?

Комиссар қайнотасининг бекорга бундай демаётганини сизди. Бироқ Савчукни айблайдиган муҳим далили йўқ эди. Ҳа, Савчук ҳар қандай вазиятдан қуруқ чиқишга ҳаракат қиларди.

Комиссар блиндаж эшиги ёнига бориб, у ёқ-бу ёққа назар ташлаб, ҳеч ким йўқлигига қаноат ҳосил қилгач, бекат бошлигидан сўради:

— Егор Савчукни яхши танийсизми?

— Лекин Микола мендан ҳам яхши билади уни, — деди Железнов. — Зоти немис бўлса керак... Менинг авлод-аждодим Шарқий Пруссияда, деб мақтаниб юрар эди.

— Бирон шубҳани сезмадингизми?

— Аниқ бир нарса дея олмайман-у, аммо... Савчук камгап, писмиқ...

— Бас! Уни қамаш керак! — деб оёғини тираб туриб олди Опанас Гаврилович. — Итнинг думи билан қулоғини қирқиб айниқ қилолмайсан бари бир. Ҳа, бари бир ит итлигича қолади.

* * *

Комиссарнинг иш куни одатдагидек тонг саҳардан бошланди. Бугун 7 ноябрь, Октябрь инқилобининг 24 йиллиги эмасми, Марфа холани, қайнотасини, ўғлини ва отрядга қўшилган қизил аскарларни табриклар келишни кўнглига туккан эди.

Санитария пункти томон бораркан, Аняга дуч келди.

— Янги келиб қўшилган йигитларнинг кайфияти қалай?

Аня об-ҳаво тез-тез ўзгариб, кундузлари иссиқ, кечалари изғирин совуқ бўлганидан уларни Микола амаки ўз паноҳига олганини айтди.

— Айниқса иккитаси лочин экан. «Занглаб кетдик», деб нолишяпти. Биттаси тил-адабиёт ўқитувчиси. Менимча, у сизнинг ҳамюртингиз бўлса керак... — Аня блокнотини очди, варақлаб ўқиди: — Мирдадаев Домуллажон... Унингчи йилда туғилган. Бир оёғи...

— Юра оладими?

— Юриш ҳам гапми, милтиқдай... Эгнида қоп-қора комбинезон, бошида шлёми бор.

— Танкист эканми?

— Йўқ, немис танкчисини ўлдириб шлёмини кийиб олибди. Яна бир колхозчи бор улар орасида. «Колхозда бригадирлик қилардим», дейди. Оти... Мадаминов Нишонбой. Ун учинчи йилда туғилган. Зўр мерган экан. Отган ўқи бекорга кетмаганидан «Нишонбойвачча» дейишаркан.

Комиссар Анна айтган номларни ичида такрорлади. «Мадаминов, Мирдадаев...»

Судбатдан кўнгли тўлган комиссар қайнотасиникига йўл олди. Едига яна бу ерга келиб қолган дамлари тушди... Бу жойларда бундан бир неча йил муқаддам у илм олган эди. Қўли ишга, оғзи ошга ет-

ганда... бу жойлар жанг майдонига айланди! Унинг кўзи олдидан бирин-кетин Галя билан бўлган ҳаяжонли лаҳзалар ўта бошлади.

Дарвоқе, бепеён қирлар, ўрмон ва дарёлар, осмонўпар тоғлар ортида қолган муштипар онанинг ҳоли нима кечдийкин? Султонали ёзган хатни олдими? Ахир у ҳам ўғлини, неварасини ва сеvimли келинини яхши ниятлар билан Тошкент вокзалига кузатиб чиқмаганмиди? Поезд кўздан ғойиб бўлгунча, бирин-кетин ўтаётган вагонлар кетидан сеvimч ёшларини тўкиб чопган эди!

Она юраги сезган эканми бундай ҳижронзадаликни?

Комиссар қайнотаси истиқомат қиладиган хуторга етиб қолди. Қўрғонда ҳеч ким йўқ, ҳамма ёқ сув қуйгандек жимжит эди. Уруш ваҳимасига, ўрмон шовқинига мос тушмаётган манзарани кўриб ҳайрон қолди.

Қайнотаси ҳамма ёққа ислоҳ киритибди, баъзи бир хоналарни тенг бўлиб ташлабди. Уйларнинг устига шох-шаббалар бостирибди.

«Чоли тушмагур қўрғонни истеҳкомга айлантириб юборибди», деб мийиғида кулиб қўйди. Одати бўйича, ўзи куёв бўлиб тушган иккинчи қаватга кўтарилган эди, бу ерда ҳам худди шу манзарани кўрди. Опанас Гаврилович худди Оққўл штабидагидек деразасидан танкка қарши отадиган қурол — ПТРнинг оғзини катта йўлга тўғрилаб қўйибди.

«Мана бу бошқа гап! Шошма-шошма, булар ПТРни қаёқдан олишдийкин?» деб пастга тушди комиссар. У ёғоч девор билан иккига ажратилган пастак хона қаршисида тўхтади. Пештоқида «Наркомпишпром» — Микола» деган ёзувни ўқиғач, эшикни очиб ичкарига кирди. Хонанинг деразасидан ўрмон кўриниб турарди. Хонада Галяга қарашли иккинчи қаватдаги ҳамма нарсалар жойлаштирилган эди. Уртада кичикроқ ёзув столи, устида Галянинг катта қилиб ишланган сурати. Қаршисида эса иккита катта-кичик каравот.

Қайнотасининг хаёлини бузишга комиссарнинг кўнгли бўлмади. Аммо шунда Опанас Гаврилович деразадан термилиб турган куёвини кўриб, Бахтиёрни етаклаб уйга ошиқди.

Султонали хонадан ташқарига чиқди.

Улар кучоқлашиб кўришгач, Султонали ўғлини кўтариб олиб:

— Мана бу ПТР мени қизиқтиряпти. Қим олиб келди?— деб сўради.

— Қим олиб келарди, Мирдадаев деган ҳамюртнинг олиб келди.

— Қани ўзи? Кўп эканми бундай қуроллардан?

— Қайдам. Ўзинг «тиллаш»иб кўрасанми? Ҳў-ў, нариги ўрмонда шахмат ўйнаяпти. Битта шериги дозорда.

Комиссар «чақиринг» дегандай имо қилган эди, чол укки бўлиб «сайради».

Ҳеч қанча вақт ўтмай, икки киши чопиб келди. Кейин бирин-кетин яна икки киши келди.

— Шахматчилар мана шулар!— деб қайнотаси комиссарга юзланди.

Оқ сариқдан келган, қушбурун, елкадор йигит:

— Старшина Мирдадаев,— деб комиссарга таъзим қилди.— Узр, ўртоқ комиссар. Отрядда шахмат ўйнаш ман қилинган бўлса, кечирим сўраймиз.

Комиссар унинг қўлини қўйиб юбормай, ёнидаги иккинчи «шахматчи»га қаради. У ҳам қизариб қўл чўзди:

— Оддий аскар Мадаминов.

— Қаерликсизлар?— деб сўради комиссар ҳар иккаласидан.

Тил-адабиёт ўқитувчиси Домлажон Мирдадаев асли марғилонлик бўлиб, Тошкентга келиб қолган, ота-онасидан гўдаклигида ажралган,

Урда тагидаги чойхоналардан бирида дастёрлик қилиб кун кечирган. Мактаб кўрмай катта бўлган. Кейинчалик шаҳар коммунист-ёшлар союзи, саводсизликни битириш курсларида аввал «С—Б» да, сўнг «Ч—С» да ўқиган. Сўнг рабфакка кирган.

Уруш бошланганда Асакадаги қишлоқ хўжалик техникумида тил-адабиёт ўқитувчиси бўлиб ишлар экан. 1940 йил охирида армия сафига чақирилиб, турли жангларда қатнашган, юз километрча ғарбда қуршалиб қолиш хавфи туғилгандан сўнг батальон билан бирга орқага чекинган.

— Жуда кўп одамларимиз ҳалок бўлди,— деди Мирдадаев,— ротамиздан қолган кишилар мана шулар... Жон омон бўлса, партизанлар қаторида туриб, душманга қарши курашишга қасамёд қилдик.

Мирдадаевнинг самимий сўзларидан рағбатланган комиссар:

— Орангизда коммунистлар борми?— деб сўради.

— Бор. Мен ўзим 1939 йилдан бери партия аъзосиман,— деди Мирдадаев.— Опанас чолнинг қўрғонига ўлжа олган ПТРни ўрнаштираётганимизда ана у, Иван Сажин деганимиз: «Партия ҳақ-ҳурмати онт ичиб айтаманки, биринчи кўрган душман танкини коммунист сифатида ўзим отиб мажақлайман», деяётган эди...

— Худди шундай,— сўзга аралашди Иван Сажин.— Мен коммунистман. Исмим Иван, фамилиям асли Соколов, лекин бўйим қулоқга келмаганидан Сажин деб лақаб қўйишган.

— Партбилетда қанақа ёзилган?

— Партбилетда фамилиям Соколов эди.

— Энди-чи?

— Билет ёнимда эмас.

— Йўқотганмисиз?

— Аниқ жойда, Ужгородда, бир кампирнинг ертўласига яшириб қўйганман. Биласиз-ку, ёнингиздан партбилет чиқса, фашистлар тилкапора қилиб ташлашади.

— Партбилетингиз ёнингизда бўлмаса, биз сизни коммунист деб ҳисоблай олмаймиз.

— Биладиганлар бор,— деб сўзини тасдиқлаш учун қаршисида турган қошлари қора, кўзлари чақнаб турган, ўзига ўхшаш пакана бўйли учинчи бир кишини кўрсатди.

Киши:

— Сажиннинг гапи тўғри, ўртоқ комиссар. Мен буларнинг парторги бўлганман,— деб изоҳ берди. Сўнг, младший лейтенант Ханшар Ошуг ўғли: «Озарбайжонданман», деб ўзини таништирди.

Комиссар йигитлар билан танишганидан беҳад хурсанд бўлди. «Партия ташкилотини ҳам тузсак бўлади,— деган қарорга келди.— Бу ҳақда Орлянскийни хабардор қилиб қўйиш керак».— Хайрлашар экан, Мадаминовни тўхтатди.

— Хўш, Нишонбой.

— Старшина Мирдадаев билан биз ўн беш яшик ўқ билан битта пулемётни бир жойга яшириб келганмиз.

Комиссар дарров ҳушёр тортди. Ҳаяжонланганидан юзларига табассум югурди. У Мадаминовнинг елкасига иссиқ кафтини қўйди.

— Бу хушхабар учун раҳмат. Мендан буйруқ бўлмагунча, бу тўғрида ҳеч кимга оғиз очманглар!

Тошкент. 1976—78 йиллар.



Туроб Тўла

Қувва қажқаж



ФОЖИА

*Бу тупроқлар кўзим қони ила минг лолазор ўлса,
Бобомдир у, момомдир у, отамдир у, онамдир у.*

НОДИРА.

ҚАТНАШУВЧИЛАР:

Нодирабегим — Комила, Макнуна ва Нодира таҳаллуси ила машҳур шоира. Asli исми Моҳларойим. XIX асрнинг 1-ярмида яшаб, ижод этган. 50 ёшда.

Ёш Нодирабегим — 16 ёшда.

Ёш Умархон — 20 ёшда.

Маъдалихон — Нодирабегимнинг катта ўғли, Қўқон хони, 34 ёшда.

Увайсий — шоира, asli номи Жаҳон отин, Нодирабегимнинг садоқатли дугонаси, 55 ёшда.

Гулханий — шоир. 55—60 ёшларда.

Махмур — шоир. 55—60 ёшларда.

Ҳозиқ — шоир. Нодирабегим тузган сарой мактаби шоирларининг маликушшуароси — раҳбари, asli номи Жунайдулохон Исломо шайх ўғли. 55 ёшда.

Ҳожи дарға — қўзғолончилар сардори. Халқ уни севиб «Ҳожи калла» ҳам деб юритади. 55 ёшларда.

Ёш Ҳожи дарға — 20 ёшда.

Рамазон

Шайдо

Шокир тоға

Ҳофиз

— Ҳожи дарға тарафдорлари, қўзғолончилар.

Мирза саркор — Нодирабегимнинг қўлида катта бўлган жияни, тарихчи — олим, ҳарбий, кейин қўзғолончилар раҳбарларидан. Қора Мирза лақаби билан машҳур. 35—40 ёшларда.

Ҳожи Фарруҳ — Нодирабегимнинг асраб олган ўғли, тўпчи боши. Мирза Саркор билан бадарға этилган, қўзғолончилар орасига қочиб ўтган собиқ қулбачча-тарсо. 35—40 ёшларда.

Муҳаммадамин — Маъдалихоннинг ўғли. Нодирабегимнинг сеvimли набираси, валиаҳд, 16 ёшда.

Олима отин — ҳарам канизи, ҳалқор. 40 ёшда.

Ниёзалихон — Шаҳрисабз хони.

Ҳайратхўжа — сарой дастёри.

Канизак — Нодирабегимнинг яқин канизаги. Асли исми Пошшоойим. Урдада севиб Хонпошшоойим деб юритишади, 33 ёшда.

Ҳаққули — Мингбоши. Маъдалихон салтанатининг вазири.

Насруллохон — Бухоро амири.

Иброҳим парвоначи — амирнинг парвоначиси.

Адо — Бухоро салтанатининг шайхулислом, шоир, уламо, асли номи Султонхонтўра. Адо — тахаллуси. Қўқон хонининг собиқ маликушшуароси.

Сипоҳлар, навкарлар, маҳрамлар, соқчи ва тунқотарлар Воқеа 1842 йил савр ойининг 11 ва 12 сешанба ва чоршанба кунлари Қўқонда юз беради.

Дебоча

Оқсарой.

1843 йил, 12-савр ойи, чоршанба.

Қоқ саҳар. Шаҳрисабз хони Ниёзалихон бедор, пешайвонда. Атрофда, ундан йироқ-йироқда, эшикда, остоналарда маҳрамлар сергак. Хондан кўз узмайдилар. Улар ҳам бетоқат. Хон хос навкарларининг қадами эшитилади. Хон тетикланади. Навкарлар кириб хон истиқболида саф тортишади. Навкарбоши хонга таъзим қилади.

Навкарбоши. Давлатпаноҳ! Амри даъватингиз ўрнига еткурдилди. Мавлоно Ҳозиқ Жунайдуллоҳ ибн Ислом шайх ҳазратлари ҳузури муборакларига мунтазир.

Ниёзалихон (*шошиб меҳмоннинг истиқболига отланади*). Кирсинлар! Қадамларига ҳасанот!

Ҳозиқ хоннинг йўлак ясаб турган хос навкарлари оралиғидан ҳайрат ва тавозеда ўтиб келади. Улар ҳовли ўртасида учрашадилар ва бағир олишадилар. Хон Ҳозиқни бағридан кўяр экан, унинг тамом оқариб кетган соч-соқоли ва синиқ ранги-рўйига узоқ тикилади, навкарларига жавоб бериб, уни шоҳсупага бошлайди.

Мавлоно! (*Ҳозиққа курси кўрсатиб мурожаат қилади*). Сизни нечук бундай шошқин, тагин бемаҳал йўқлатганимнинг боисига тушуниб етолмай гарангсиз, албатта.

Ҳозиқ (*таъкидлаб*). Тақсир!?

Ниёзалихон. Ҳозир Оқсарой тунқотарлари хунук хабар келтиришди. Бухоро амири Насруллохон отаси амир Ҳайдар умрбод зиндон қилган икки ашаддий каллакесар ўғрини қақриб, сизнинг муборак бошингизни олиб келишга буюрган. Уғрилар бугун қоқ саҳарда шаҳримизга киришган. Шу сабаб фалокатнинг олдини олишга шошилдим.

Ҳозиқ. Қуллуқ давлатпаноҳ!.. (*Беҳайрат, оғир мурожаат этади*). Кўзим бир йилдан бери шу меҳмонлар йўлида эди. Унинг тинч ўлмаслигини билардим.

Ниёзалихон. У аблаҳга сизнинг бошингиз нечун керак бўлиб қолди экан?

Ҳозиқ. Амир Насруллога менинг бошим, давлатпаноҳ, жуда ҳам зарур. Ваҳший уясига қайтди, Қўқонни тор-мор қилиб, беҳисоб ўлжа, банди, қул, чўри билан... Мен шулар ичида эдим. Уратепага етай деганимизда Насруллонинг ўнг қўл вазири тепамга келди, сени амир сўрапти деди. Нечун чорлаётганини билардим, шуҳратпараст, мақтанчоқ амир мендан муҳораба мақтавини истарди, албатта. Вазирга отини беришни талаб қилдим. Бошқа от таклиф қилди, олмадим, фақат унинг тагидаги қорабайир керак эди менга. Бўлмаса бормайман, деб туриб олдим. Менсиз боришдан қўрқиб отдан тушди. Қорабайирида амирга тенглашдим. Менинг эгилмаганимни кўриб мийиғида истеҳзо қилди:

«Мавлоно,— деди ер тагидан тикилиб менга,— бизнинг бу сафари

музаффариятимиз хусусида бир фард эшитгимиз келиб қолди. Ахир номи мубораклари Мавороннахрни тутган Қўқон шоирларининг маликушшуароси фикрларини тиллога оламиз. Алам-ангиз билан тўлган чиёндек келардим. Қўқон давлатини, бутун машриқни овозаси тутган Нодирабегим юртини ер билан яксон қилган бу бадбахт, инсонсифат бўрига дегим келди. Машъум фард ҳам дафъатан кела қолди, қайтармадим:

«Буриди бар қади худ аз маломат,
Либосе, то ба домони қиёмат».

Яъни:

«Либос бичдинг ўзингга бир маломат,

Ечолмасан уни токи қиёмат» —

дедиму, қорабайирга қамчи босдим. Бунда менга етар от йўқ эди. Бир нафасда чўлга кириб кетдим. Етишолмади. Ана ўшандан бери мардумни излар эди у. Бунга бугун роппа-расо бир йил бўлди. Уғриларгина эмас, ҳойнаҳой, унинг ўзи ҳам шу орада бўлиши керак.

Н и ё з а л и х о н. Топдингиз. У яқин ўртада. Китобда. Бундан бир чақирим йўл. У, маҳдум Ҳозиқ бошини ўша ерда кутмоқда.

Ҳ о з и қ. Шоир Ҳозиқ бошини. Тагин ҳам аниқроғи — Қўқон муҳорабасининг сўнгги қувғини, банди Ҳозиқ бошини!

Н и ё з а л и х о н. У бу тупроқдан панд еган, киролмайди. Бу кенасаслилар ватани. Табаррук тупроқ. Уни оёқ ости қилишга ҳадди йўқ. Унинг бетавфиқ бобоси амир Абдуллоҳ бир вақт қўшин тортди, муаззам Оқсаройни оёғости қилди. Оз ўтмай ўзини ҳам ер ютди. Насрулло ана шундан қўрқади.

Ҳ о з и қ. Йўқ, валинеъмат. Уни Қўқон қони қутуртириб юборди. Унга табаррук деган сўз қолмади. Қўқон муҳорабасида Зулқарнайни ҳам, Қутайбани, Чингизни ҳам орқада қолдирди. Бойқушлик даъво қилди... Мен буларнинг ҳаммасини мана бунда мукаммал битдим. (*Қўлидаги китобни унга узатади*). Энди бунда қилар юмушим қолмади. Қочганимнинг боиси мана шу китоб эди. Билъакс қочиб ўтирмас эдим ўлимдан. У маликайи-мукаррама соҳиб нафас қатл этилган кунлариёқ дорулбақога юз тутганман. Умримни интиҳосидан ибтидо-сигача у хуршиди тобонга бахшида қилганман. Нон-тузингизга, иззат-икром, сояйи давлатингизга рози бўлинг.

Н и ё з а л и х о н (*бу қатъиятдан ҳайратда қолган Оқсарой хони, Ҳозиқ берган китобдан бош кўтариб*). Китобингизнинг номи нечун «Қувваи қаҳқаҳа?»

Ҳ о з и қ (*жавоб ўрнига сўрайди*). Бугун нечук кун, тақсир?

Н и ё з а л и х о н. 1843-йил, 12-савр ойининг чоршанбаси.

Ҳ о з и қ. Балли... Бу фожиа бултур худди шу куни юз берган эди.

(*Хон Ҳозиқдан кўзини олиб, китоб варақлайди*).

Парда

Биринчи кўриниш

Қўқон. 1842 йил, 11 савр, сешанба. Тонготар. Гўлаҳ. Ўрта ҳаммомининг гўлаҳи. Пўстлоқлари шилиниб, шаҳар халқи очлигидан еб битирган яланғоч дов-дарахтлар. Гулханий ёлғиз, гўлахонадан чиқиб келади. Супада турган қовоқ чилимни олади, қулдиратиб тортади.

Гулханий

Сенинг ўрнингни босмас ҳеч нимарса
Ҳама ғурбат забундир бир симиурса...

Чукур тортади, роҳат қилиб.

Алам ҳам... Ҳоказо... жангу-жадал ҳам,
Забундир бир нафас ҳатто ажал ҳам...

Махмур киради.

Махмур

Тагин, ҳай-ҳай, тараф йўқ сенга, ошна,
Демайлар бу чилим, бу асли нашъа!
Бўйингдан ўргилай. Бурқут, фараҳ қил,
Симир, кўзингни — кўр, бошинг қарахт қил.
Бироқ, бевақт, бефурсат бу, ҳожим...

Гулханий

Нетай, ҳушёр кўрарга йўқ иложим.
Хаёлимда,
Келурлар Ҳокимойим,
Келур у нодири даврон ҳумоюн.
Қаролмайман аламнок кўзларига,
Чидолмайман унинг ҳақ сўзларига.

Тагин тортади беаёв

Бугун билмам, неча Ҳўқанд қамалда,
Агар янглишмасам кун ҳам қамалда.

Махмур

Ҳамал-ку, ўтди, ҳожим...

Гулханий

Балки шундай.
Қамалнинг сўнги йўқдир мисли тундай.

Махмур

Не ўйлар шаҳриёр, юрт қон билан ғарқ.

Гулханий

Бу тайлоқ неки қилса — қилди бефарқ.
Деюрлар бўлса гар жоҳил ҳукмдор,
Бўлур албатта у қўрқоқ ва мурдор.
Севиқли эрка ўғли эрди хоннинг,
Валинеъмат Умархон комроннинг.
Камина навкар эрдим салтанатда,
Валиаҳд мен билан бўлганди катта.
Мени махфий чақирди бир сафар Хон,
Деди — сенга берурман сирли фармон:
Валиаҳд бешга кирди, кўз-қулоқ бўл,
Уйин бас энди унга, англасин йўл.
Жазоларга олиб бор, кўзи пишсин,
Раҳмсиз ҳамда ботир хон етишсин.
Раҳмсиз хон етишди, лек эвоҳ,
Ашаддий калтабин, қўрқоқ ва гумроҳ!
Қаролмасди ўлимга, дорга ҳеч вақт,
Қочарди ҳар сафар йиғлаб валиаҳд.
Ниҳоят Хонга бу ишқални очдим,
Эсимда, қолди аввал бир нафас жим.
Кейин, парвардигор, ўшқирди бирдан,
Худою мен эдик огоҳ бу сирдан.

Еқамдан олдию қичқирди боз у:
 Сенинг эртақларинг, чўпчакларинг бу!
 Сипоҳ бўлсин, сипоҳсолор, валиаҳд,
 Бошингга эҳтиёт бўл, бўлма бадбахт!
 Агар қочса тутиб ур, боғла дорга,
 Осонмас юртни тергаш тождорга!
 Бақирди жинниларча, сўнгра тинди,
 Фақирдек мўлтайиб менадан ўтинди...
 Мана энди гувоҳсан оқибатга,
 Эсиз тахту, эсиз тож бу валатга!
 Тагин сен шаҳриёр, дейсан, не ўйлар...
 Не ўйлар, у, агар бош бўлмаса гар...
 Чекмоққа тутинади. Махмур кўлидан тутади.

Махмур

Азизим, энди бас қил, нашъа кам-кам.
 Раҳм қилгил бошингга энди сен ҳам.

Гулханий

Жабр бўлди элатга, юртимизга.
 Қани гап уқтиролса бу тўнғизга.
 Раҳм қилгил эмуш бошингга...
 Ғамхор,
 Не даркор, бўлмаса у юртга даркор?!
 Наинки халқ, қўшин ҳам кетди ҳолдан,
 Қачон, билмам, қутулгаймиз қамалдан?
 Кеча арк олдига келди тумонат,
 Қимирларди мисоли арк амонат.
 Талабмас илтижо қилди халойиқ,
 Мисоли қалбини тилди халойиқ.
 Бироқ, хон чиқмади... жаллод чиқарди,
 Аламдан кўзда ёш, кўнглида имдод,
 Ахири ёндириб жонин бу иснод.
 Мурувват боғидан фарёд чиқарди.
 Малика чиқдилар, ҳур Ҳокимойим,
 Умр боқийлигин берсин, илойим.
 Худоё тавба, гўё чиқди офтоб,
 Оёғига йиқилди, мисли меҳроб.

Махмур

Малика, дарҳақиқат, мисли меҳроб!

Гулханий

Менга айт, ёвга у бергаймизкин тоб?

Махмур

Агар, тоб берса халқи!

Гулханий

У чидайти!

Махмур

Чидам-ку зўр фазилат, истасайди!.
 Амир лашкарлари дарбозаларда,

У бир сел, бу бўлур охирги зарба.
Мисоли ҳалқалаб олди шаҳарни.

Гул х а н и й

Қўрурмиз бошимизга келса ҳар не.
Еру кўк ўтда, ўртанмоқда юртинг,
Гузар — гўша, работ тупроқ билан тенг.
Уруш ямлаб битирди ҳаммаёқни,
Амир ғаддор у ёқни, биз бу ёқни...

М а х м у р

Ёмон ҳангома кутмоқда ватанни,
Худо, ер ютмагайди бу Қўқонни.

Гул х а н и й

Пароканда, гаранг аркони давлат.

М а х м у р

Демак, тож бошқаю, бош бошқа савлат...

Гул х а н и й

Шикаст иш бошламоқда Ҳокимойим.

М а х м у р

Демак, ҳаммом баҳона.
Эй, худойим,
Ўзинг қўлла уни бу қирпичоқда,
Куйиб кул бўлмасайди бу ўчоқда.
Қачон барҳам топура бу қонли қирғин,
Уруғлар қирғини, вайронли қирғин.
Қачон, ким солса бебошликка нўхта?
Бу қирғин сафҳасига қўйса нуқта?
У ким, у қайдадир соҳиб адолат,
Қачон битгай бу фитна, бу адоват?!
Само жим, ҳам замин жим, ҳам замон жим,
Ҳама дорул илм, доруламон жим.
Саховатпеша ҳам, бор авлиё ҳам,
Рукуда ибтидою интиҳо ҳам.

Шошиб кўкнорисини яширади Гулханий ва ўрнидан туради.
Ҳозиқ киради. Хавотирда.

Гул х а н и й

Азиз дорул муаллимга дуолар!

М а х м у р

Сабо еткурди сизни, иншоолло!

Ҳ о з и қ

Бўлинг, ҳушёр, азизлар, эл оловда,
Илож тадбирдадир, ҳар гап қаловда.

Амир ҳеч қайга бундай сурмаган от,
Ва ҳеч қайда бу тахлит бўлмаган мот.
Тагин бир қур қаноат, куч ва тадбир.

Ма х м у р

Худо ҳофиз, илоҳ-омин, мадад бер!

Ҳ о з и қ

(Махмурга)

Бир оз зийрак бўлинг, Махмур.

Ма х м у р

Тақсир!

Ҳ о з и қ

Амир одамлари ҳар ерда изғир.
Зориқтирмай келурлар Ҳокимойим.
Билурсиз бу — фазилат унга доим.
Ниҳоят хавфли, махфий учрашув бу.

Ма х м у р

Билурмиз. Омадин берсин!

Ҳ о з и қ

Гапим шу. (Узоқлашади, чиқади).

Гул х а н и й

Адо не бўлди-ю, бу не бўларди.
Буларнинг бари бир гўр, битта дарди:
Тамом кўр бўлсаю, кар бўлса одам,
Уларнинг азми-ла айланса олам...
Адо қочди, хиёнат қилди бизга.
Бугун маҳрам Бухоройи ҳўкизга.
Буларнинг бари шундай, Ҳозиқинг ҳам!
Наҳот бир хорижий... Валлоҳиаълам!
Тамом ҳақдир ишонмас бўлса ёш Хон,
Ойим ихлоси ақлим қилди ҳайрон.

Ма х м у р

Ойим ихлоси маълум, сир эмасдир,
Нечун Хон ҳайрихоҳмас унга, бу — сир.
Эсимда, ўспирин бир Испихоний
Ғазалхонликда бизни лол қиғони.
Ушанда Андижондайдим, Умархон —
Бир ойки тўй берарди юртга дoston.
Умархон боши етганди фалакка,
Етишган эрди бир олий малакка.

Бу олий ҳур малак қиз Нодирайди,
 Овози элни тутган шоирайди.
 Йўқ эрди бунда они билмаган ҳам.
 Ва ё унга таҳассуф қилмаган ҳам.
 Уни жазм этди кўрмоқ Испиҳоний,
 У бўлди кеча-кундуз ўйлагони.
 Бухор таҳсили эрди бир муроди,
 Уни сўндирди бу Фарғона ёди.
 Бироқ, тўй устидан чиқди баногоҳ.

Гул х а н и й
 (истеҳзо билан)

Деди — қайдин сен эй, мажнуни гумроҳ!
 Қаранг-а, битта исқирт Испиҳоний
 Келибмуш бир малакка мисли Моний.
 У Моний қайда-ю, сен қайда, қаттол?!

М а х м у р

Қўй энди, Гулханий, кўб бўлма баттол.
 Севибди, севгига йўқдир маломат.
 Ўшандан берли йўқ унда ҳаловат.
 Уни ким суймаган,
 Шоҳ ҳам,
 Гадо ҳам.
 Эсингда борми Дарға?
 Жон фидо?
 Ҳа!
 Бу-ку шоир.
 Билурсан, бир тутам гул,
 Оёғи остида бир парча кўнгил.
 Мусофир ўйида худди худодек
 Яшар бўлди ўшандан субҳи-содиқ.
 У бахш этди йўлига умри — борин,
 Ғазалда форуғ этди бор ғуборин.
 Қитоб бўлди ғазаллар ошиқона,
 «Баёзи бебаҳо» деб махфиёна.

Гул х а н и й

Эсимда у баёз, у ҳодисот ҳам,
 Ойим хосхонаси, олий нажот ҳам.
 Эсимда келгани қирқ йил деганда —
 Висол айёмининг, олтин лаганда!

М а х м у р

Лагандайди китоби, дарҳақиқат,
 Қўчирганди уни хаттоти қилхат.
 Қанизак тузган эрди у баёзни,
 Топиб, тўплаб, йиғиб андуҳи-розни.

Гул х а н и й

Ойимни йўлга солган ҳам канизак,

Унинг ақлини олган ҳам канизак.
Канизак ҳам...

Махмур

Тағин... шубҳа...

Гулханий

Ғалат у.
Хаёлимда ғалат ёввойи оҳу.

Махмур
(кулади).

Ғалат оҳу?

Канизак пайдо бўлади фариштадай бирдан. Эғнида қизил шол кўйлак, сариқ гулли қизил рўмол, адрас камзул, оёғида дуранг бедона кавуш.

Гулханий

Канизак! (*Ҳушёр тортади*).

Махмур

Мошооллоҳ!..

Сапчиб ўрнидан туради, канизак келган томонга ўгирилади ва қуллук қилади.
Канизак шошиб атрофни кузатади.

Канизак

Ғалат оҳу?.. (*Писмиғона сўрайди*.)

Махмур

Келинг бону, тасанно!

Канизак

Ғалат оҳу?.. (*Қатғийроқ такрорлайди*.)

Гулханий

(*шошиб*).

Ғалат оҳу... Бу — бону,
Масал — «Зарбулмасал»нинг бир давоми.

Канизак

Ҳа, майли!.. (*Сўзини бўлади*.)
У фақат бир дардли жонвор,
Унга на Ғирвону вайрона даркор.
Худо кўрсатмасин, бўлманг фаромуш,
Фаромушликни Ойим кўрмагай хуш.
Келурлар вақтида пинҳон маликам,
Бу пинҳона юмушдан урмангиз дам.

Г у л х а н и й

Худо ҳофиз!

М а х м у р

Худо ҳофиз, қулингиз.
Бу ишда хотирингиз жам қилингиз.

К а н и з а к

Худо ҳофиз (*кетади*).

Г у л х а н и й в а М а х м у р

Худо ҳофиз, аналҳақ! (*Кузатиб қолишади.*)

Г у л х а н и й

Дилим ғаш,
Бўлмасайди бир бало, нақ!..

М а х м у р

Ойим тадбирда ҳам доно ҳамиша,
Ҳамиша бу азалдан унга пеша.
Унинг тадбирида мен хотирим жам,
У зукко, фозила, тадбири маҳкам.
Шикаст, ғоят шикаст тадбир ва локин,
Шу боис ғаш, алам кўнгилга ҳоким.

Г у л х а н и й

Бироқ кўнглимга сиғмас ҳеч Қанизак,
Асл маккора йўқ, билсанг, анингдак.
Маликам юртимиз олам паноҳи,
Бу назми каъбамизнинг саждагоҳи.
Наҳот шундай валинеъмат ва устод —
Паноҳи узра бир ножинс паризод?..

М а х м у р

(*ҳайрон*)

Нечун ножинс?..
Нечун кўнглимга сиғмас?..

Г у л х а н и й

(*ўйлаб жавоб қилади*)

У бир тиг — қиндаги, илло очиқмас...
Эсингда ҳамма гап, бу танги савфо —
Қачон ҳам қайси гўрдан бўлди пайдо...
Ҳали кўп ёш эди, ҳам норасида,
Бироқ, нимкоса эрди косасида.

Ҳали собит эди тахтда Умархон,
 У келганда, мени этганда ҳайрон...
 Эсингда, у палид қирқ тева савғо,
 Наинки қирқ, билакс қирқ битта ғавғо.
 Бечора Нодира юрт деб, авом деб,
 Бирин зардим, бирин дардим, момом деб,
 Умархонни ақлга — йўлга солди,
 Уруш анжомини бўйнидин олди.
 Деди: тоқат темир зангин ювармиш,
 Шунингдек у ҳамиша ярқирармиш.
 Сабр қилгин, деди, босқинни бас қил,
 Тасарруфинга сен тинчлик ҳавас қил.
 Чопар сол тўрт тарафга, элни эл бил,
 Ўзинг эр наслисан, қўшнингни шер бил.
 Бухорога хусусан бўлма бефарқ,
 Ўзингга қўймагил бундай баланд нарх.
 Амир ғоят палид бир кори макруҳ,
 Фазилатда, ақл-идрокда мажруҳ.
 Деди: эл сенга ёрдир, ёр бўл сен,
 Йўқотса ёв эсин, ҳушёр бўл сен.
 Эсимда, ўйланиб қолди Умархон,
 Бухорони биларди — тиғи паррон.
 Ҳақ эрди Нодира, аъло биларди,
 Валинеъмат уни доно биларди.
 Таваккал деб юборди шул замони
 Бухорога омонлик карвони.
 Чопар,
 Қирқ тева юк — савғойи ният,
 Кутиб сулҳу ҳаловат ҳам ҳамият.
 Тўзим берди Амирга шунда халлоқ
 Қабул қилди амир савғони огоҳ.
 Бироқ қайтарди у савғони, қирқмас,
 Ажаб, қирқ бир қилиб карвонни, билъакс.
 Гилампўш қирқбиринчи тевасида
 Келарди кўшк уза шу норасида.

Ма х м у р

Эсимда Ўрдани титратган у чоқ,
 Бухоро йўллаган даҳшатли жумбоқ.

Г у л х а н и й

У жумбоқ фитна эрди хонумонга,
 Мисоли ўт эди борлиқ Қўқонга.
 Нишондайди Қўқоннинг шамчироғи,
 Малика бирла хоннинг иттифоқи.
 Амир хон азмидан узмай ниғроҳин,
 Келиш-ла кўзда тутганди никоҳин,
 Кўриш бирла бу қизга уйланар деб,
 У асло билмаганди, ўйланар деб.
 Умархон солди у жумбоқни элга,
 Амирнинг режасин у сочди елга.
 Қабул қилди, бироқ эл орасида
 Никоҳга олмади, деб норасида.

Малика маҳрамига тутди қизни,
Унинг Ҳокимойимда қолди изни.
Амир бу «норасида» сўзни кутди,
Бироқ, Хон етмайин оламдин ўтди.
Етилди Нодира изнида бир йт,
На ит у, билмадим, билгимча бургут!
Амирнинг бургути бўлмасми...

Ма х м у р

Тавба!

Г у л х а н и й

Ўйин кўрсатмаса кошкийди савго.

Ма х м у р

Худоё тавба қилдим, шунча гапни,
Бу чўпчак, бу ваҳима, бу алафни —
Қаердан тўпладинг, топдинг қаердан?
Бу даҳшат қайси эртақ, қайси гўрдан?
У энди Маъдалихоннинг ҳалоли!

Г у л х а н и й

Амирга шул эмасми энг малоли?
Бўкирди динни қўйдинг деб у, шакка,
Қирибсан деб онанг бирлан тўшакка!
Қани айт энди, ким асли канизак?
Уни кўрсам, турар бағримда безгак.

Ма х м у р

Қизиқ гап, унда не айб, не гуноҳи?

Г у л х а н и й

Худо ҳам бандасин билмайди гоҳи.
Шу ҳол кўнглимга сиғмасди Адо ҳам,
Адодек Шайхулислом авлиё ҳам.

Ма х м у р

Адоми...
Бўлса эрди кошки одам!
У эрди зеҳни хит, бир коски одам!

Г у л х а н и й

Одам найранг билан бор салтанатда,
Яшаш донога кўб тор салтанатда.
Адо қочди, ҳиёнат қилди нодон,
Бирон қут, манфаат кўргазмагач хон,
Элатдин, нони-туздин юз ўгирди,
Амир савдосига хизматга кирди.
Мана сен эътиқод қўйган Адойинг,
Ғазалда қиблагоҳинг, ҳам худойинг.

Махмур

Бугун ўз юртига ёв, тавқи бадном,
Амирга маслаҳатгўй, Шайхулислом.
Қалам бирла ололмай юртин, алҳол —
Қилич тортиб уни олмоқчи баттол.

Тўсатдан Ҳозиқ пайдо бўлади.

Ҳозиқ

Азизлар, теграни сергак тутингиз,
Маликам йўлдалар, аъло кутингиз.
Бирон бегона кўздан шарпа йўқми?

Гулханий билан Махмур йўқ ишорасини берадилар.

Ўзингизга аён, аркони давлат
Бу сирдан беҳабар, махфий бағоят.
Бугун ташриф буюрган Мирза Саркор.
Унинг аъмолидан ахборингиз бор:
У бош тортганлигин бебош урушдан,
Ватан вайрон қилиб санғиб юришдан,
Билурсиз, Хонни рад этганлигин ҳам,
Чиқишмай қалъадан кетганлигин ҳам.
Шу боис учрашув кўп махфиёна,
Ойимнинг режаси — ҳаммом баҳона.

Канизак кўринади, безовта. Унда-бунда узоқдан нотинчлик овози, «урҳо-ур» садолари,
аҳён-аҳёнда тўп, милтиқ товушлари келиб туради. Нодирабегим шиддат билан киради.
Гулханий, Махмур Нодирабегим истиқболига эгилишади. Гулханий мамлакат тақдири
юки енгаёзган Нодирабегим қаршисида ўзини тутолмайди, хўнграб, оёғига йиқилади.

Гулханий

Момойи мулки Турон, Ҳокимойим!..

Бу ҳолни кутмаган Нодирабегим бошқалардан олдин эгилади ва Гулханийни елкасидан
тутиб тиклайди, ёш тўла кўзларига тикилади.

Нодирабегим

Уни кўрсатмасин бизга худойим.

Махмур

Уни кўрсатмагай, халқингга зинҳор,
Фақирпарвар, жаҳонорада сен бор.

Нодирабегим

Эгилманг... Ёвга ҳам, у арзимасдир,
Бу сиздек тиллабошларга абасдир!

Гулханий

Баҳамдуллоҳ, келинг қўшхонамизга,
Омонат кулбайи вайронамизга!

Нодирабегим оҳиста гўлаҳ супасига ўтади. Атрофни синчиклаб
кузатади. Сўнг Канизакка ўгирилади.

Нодирабегим

Чўмилвурсин, бориб айт қизларингга,
Қараб ўлтирмасинлар унда менга.

Канизак қуллуқ қилиб чиқиб кетади

Оғир кунларга қолди юрт, мусулмон!
Ҳамон фарзандларингиз кўкси қалқон.
Амир қайтмоқчимас токи тирикдир,
Не келса бошимизга — кўргиликдир.

Махмур

Ҳама аҳли зако, мардум сўзингга,
Ва лекин эҳтиёт бўлгин ўзингга.

Канизак қайтади ва бир чеккада кузатади буларни

Нодирабегим

Хат олдим Мирза Саркордин яқинда,
Ажаб гаплар ёзибди Мирза унда.
Ўрусларга борибди Мирза Саркор...

Гулханий

(бир чеккада)

Ҳама бошдин оёғи ақлу идрок,
Жаҳон ичра анингдек келмагай пок.
Агар ҳар ишни ул этса ирода,
Қарам бобида юз эрдин зиёда!

Нодирабегим

(безовталаниб)

Азиз меҳмонларингизни кутар ким?

(Ҳозиққа ўгирилади).

Ҳозиқ

У зот истаклари — чиқмайди ҳеч ким.
Ҳисобда, Ҳокимойим, ҳар дақиқа.

Канизак

Қаранг, Ойим, келурлар дарҳақиқат.

Барча тетик тортади, зудликда киришади Қора Мирза билан Ҳожи Фарруҳ. Ҳаммадан бурун Ҳожи Фарруҳ ўртада тикланиб турган Нодирабегим оёғига йиқилади, йиғлаб унинг барини кўзига суртади.

Ҳожи Фарруҳ

Ойи, ойижоним! Пойи-муборагингиздан ўргилай,
менинг табарруккинам!

Қора Мирза

(тиз букади)

Менинг симу-зарим, соҳиби нафас, Нодирайи даврон, дарбадар ўғлингизни кечиринг... (Этагидан, юз-кўзидан ўпади Нодирани). Алалхусус яна қайта етишдим дийдорингизга. Мингбор шукур облоғи таоло ва табораккаки, бизни зиёрати ҳарамингизга етқурди.

Нодирабегим

(зўрба-зўр тутади ўзини)

Менинг дилбандларим! Менинг жаҳонгашталарим! Эсон бормисиз.

Икковларининг ҳам бир-бир пешоналарига лаб кўяди. Сўнг чекиниб, йироқдан томоша қилади уларни. Тун қоронғилигига фокуслар нур бағишлайдилар. Нодирабегим лочинларини яна қайта йироқдан томоша қилиб, ўзгаларга ижозат беради.

Марҳамат, кўришиб олинглар энди...

Гулханий

Дўстим, Қора Мирза!

Махмур

Бормисан, Сарқор!

Гулханий

Азиз Ҳожи Фарруҳ!

Ҳожи Фарруҳ

Гулханий!

Қора Мирза

Махмур! Омон бормисизлар?!

Махмур

Бормисан, Фарруҳ!? Қадамларингизга минг-минг ҳасанот!

Бағирлашадилар секин, жон-жаҳд ила. Канизак саломлашади узоқда, турган жойида.

Канизак

Мирза, Ҳожи Фарруҳ, сафо келибсиз!

Қора Мирза ва Ҳожи Фарруҳ

Қуллуқ, Пошшоойим, асти кам бўлманг!

Нодирабегим

Атрофга ўгирилади. Ҳозиқ, Гулханий, Махмур, Канизак холи қолдирадилар уларни.

Йироқ кетманг, Канизак!

К а н и з а к

Хонимойим!..

Қайтади ва илгариги турган жойига келиб зийрак боқади атрофга. Нодирабегим икки дарбадарни тагин бағрига босади ва Гулханийлар супасига буюради.

Н о д и р а б е г и м

Йўлингиз бехатарми?

Қ о р а М и р з а

Бехавотир!

Н о д и р а б е г и м

Илоҳим бўлмагай бир кор содир.

Қ о р а М и р з а

Ҳама тадбир кўрилган пухта зинҳор,
Ҳар уй, ҳар бир гузарда навкарим бор.

Н о д и р а б е г и м

Бале!

Фурсат хатарли, вақтимиз зиқ,
Бекорчи ҳар дақиқа ёвга озиқ.
Момойи муштипар, парвардигорим,
Қачон кутган бу хил фарзанди зорин?
На бир кошонада, хайру-ҳашамда,
Тагин ўғринча, махфий хос ҳарамда...
Бошим осмонга етди, мактубингдан,
(Қора Мирзага жиддий ўгирилади).
Шукур, тақдир айирмапти тўпингдан.
Худо ҳофиз, тирик деб билмагандим...
На шоҳу на гадога кулмагандим.
Жаҳонгаштам, (Фарруҳга ўгирилади).
Азизим, шаҳсуворим!
Ёзилди сиз билан анча ғуборим.
Муборак, Ҳожи Фарруҳ, ҳаж қилибсан,
Ғанимлар кўнглини кўп ғаш қилибсан.

Ҳ о ж и Ф а р р у ҳ

Азиз юртимни кўрдим ҳаммадан ҳам!

Қ о р а М и р з а

Чидолмасди уни кўрганда одам
Қучоқлаб обди ерни, қўйса энди,
Элин шундай севар ким суйса энди!

Ҳ о ж и Ф а р р у ҳ

Элим, киндик қоним, русим, Россиям!
Ахир кўрдингку, Мирзо, русни, не кам?

Қора Мирза

Буюк тупроқ, буюк миллат, буюк халқ
Хатимда не деган бўлсам бутун ҳақ.
Ва лекин бўлса ҳам ўзга худоси,
Пошшога ўхшамайди подишоси.

Нодирабегим

Мени ўйга ботирди у хатингиз,
Урус пошшоси бирла суҳбатингиз.
Демак, рус ҳам хабардордир ҳалитдан —
Бу бадбин ўзаро шармандалиқдан...
Нифоқ ўғлимни енгди, Мирза Саркор,
Керакдир юртга бир сарвар мадакдор.



Кечиргин мен учун Хонни — акангни,
Тагин бой бермасин озурда жангни.
Болам, қайт тоғу-тошдин, юртни қизғон,
Қараб турма, амирга берма имкон.
Қўқон қил устида, аҳволимиз танг,
Амир дарвозада, аҳволни билсанг.

Етар, бас, дарбадарлик, юртни қайтар,
Аразни бас қил энди, бўлма қайсар.

Қ о р а М и р з а
(оғир фикр қилиб)

Қўқон қолсин десангиз гар саломат,
Музофот тахтидан кетсин Муҳаммад.

Н о д и р а б е г и м
(ҳайрон)

Не дейди Хоразм, не дер Хуросон?

Қ о р а М и р з а

Муҳаммад кетса, ёв бўлгуси яксон.
Қафил мен, Ҳожи Фарруҳ, ҳамда халлоқ.

Н о д и р а б е г и м

Болам, фикринг хунук, шайтонга ҳамроҳ.

Қ о р а М и р з а

Узр минг бор, унингиз кимга ҳамроҳ?
Унинг ҳамроҳи шайтондин хунукроқ!

Нодирабегим сапчиб тушади.

Ақлсиз, калтабинликдан-да катта —
Хиёнат ҳукмрондир салтанатда!

Н о д и р а б е г и м

Хиёнат? (ҳайрон).

Қ о р а М и р з а

Ҳа, хиёнат!

Н о д и р а б е г и м

Салтанатда?

Қ о р а М и р з а

У доим салтанатда маслаҳатда.
Фириб бозорида қолди музофот,
Кемирмоқда музофотни бу офат...
Гўзал Қашқарни бер маъжусиларга,
Қўқон мулкин эса энди буларга?!
Фидойилар билан тўлди қамоқлар,
Амал олмоқда сохта раҳнамолар.
Қўқонни аввало сиздан бўшатди,
Уни ёвдан эмас, биздан бўшатди.
Кўриңг, аҳли заколар хор-хасда,
Бойўғли тахтда-ю, булбул қафасда.
Шу боис, Ҳокимойим, кўп гарангман,
Яратган кулгисидан ҳангумангман.
Қилар бўлса агар у раҳнамолик,
У тадбир шубҳасиз мағлубга молик.
Олинг давлатни, халқни айлангиз шод,
Муаззам юрт қамалдин бўлсин озод.

Севимли халқингиз шу муддаода,
Дилабгор тиллари доим дуода.

Нодира бегим

Тўнинг терс. Бунча ҳам оҳ, ноаҳилсиз!
Ахир, тахт, жон болам, унга дахлсиз.

Қора Мирза

Дахлсиз у — имони покларга,
Қайилгучи фақир — ғамнокларга!
Сизингдек эл ғамин ўйловчиларга,
Унинг зеболигин куйловчиларга!..
Жаҳон кездим кўриб ўзни забунда,
Бизингдек топмадим қашшоқни унда.
Не янглиғ илми ғайбин кўрмадим мен,
Уятдин ер ёрилмай кирмадим мен.
Яроғлар, буки тўплар, буки анжом,
Худудида турар бир аждаҳо ком.
Беруний, ибн Синодек даҳони,
Фаробий ҳам Улуғбек раҳнамони,
Алишердек улуғ зотларни туққан,
Илм-фан арш аълосига чиққан —
Ватан ҳокимлари не бирла машғул?
Маишат, қирпичоқ, қутқу-ла машхур.
Шимолга Оқмачитдек қалъа қурган,
Авомга ободонликлар кетурган,
Бағиш қилган фақирга тилла бошин,
Азиз соҳибнафас, нашъу намосин,
Фақирлар истагига юрмагай зид,
Фалокат юртига қилганда таҳдид!

Нодира бегим

Мени кун қийнаманг, озурда бошим,
Енурман, ўртанурман, кўзда ёшим,
Бироқ, ўғлим, ахир ким бўлса ҳам у,
Наҳотки истасангиз менга оғу.

Ҳожи Фарруҳ

Худо ҳаққи, дилафзо, сўнгги тонг бу,
Муҳаммадга аянчли сўнгги жанг бу.
Ўғил ёки Ватан тақдири ҳозир,
Билурман, сизга бу енгил эмас, зил!
Ўзингиз бош бўлинг, тадбири биздан,
Бутун жангда амирнинг хавфи Сиздан!
Агар Сиз деб оёқланса бутун эл,
Суриб ташлар ғанимни мисли бир сел.
Ягона номингиз, куч мингта ортар,
Амирни тахтидан тобутга тортар!

Нодира бегим

Наҳот, тош бўлса бағринг шунча, ўғлим!

Қора Мирза

Агар тош бўлса кошки эрди бағрим!
Басир бўлсам эдим, бўлсам эдим қар,

Бу ерга келмас эрдим мен муқаррар.
Йўқ эрса, отланинг, бундан кетайлик,
Элингиз кўнглини хушнуд этайлик.
Йигитлар от билан сўқмоқда ҳозир,
Тўқайда сизга интиқ беш баҳодир...

Нодира бегим

Бу ердан кетмагим, ўғлим, шўримдир,
Қўқон бу — толеим ёки гўримдир.
Уни ордонага ташлаб кетолмам .
Ва ўғлим номини бадном этолмам.

Қора Мирза

Муҳаммад Ҳаққули дажжолни поли,
Унинг қўлида тасбеҳи мисоли.
Қабиҳ, доғули қўлда ўгирилар у,
У қўлдан ҳеч чиқолмас энди мангу...
Ким у, қайси малика, тун яримда
Шаҳар кезган ғариб, кўнгли яримта?
Ким у, ўғринча юрган шаҳриёрдин,
Муборак ранги сўлғун бу ғубордин?
Ким у юрт дардини тошдек кўтарган?
Ким у, элликда сочи тим оқарган?..
Билингки, халқ рози сиз биландир!
Кўрибсиз, ҳам намози сиз биландир!
Билингки, жангга кирмас у сизингиз,
Кифоя ул учун ёлғиз сўзингиз!
У ерда сиз ҳама хавфдин йироқсиз,
Қароргоҳ нописанд сиздек чироқсиз.
Ижодингиз олур авж унда ғоят,
Аёқлар «Нодиранома» ниҳоят.

Нодира бегим

*(хаёлда, Қора Мирзанинг сўнги
бандини такрорлайди)*

«Аёқлар, «Нодиранома» ниҳоят...»
Аёқланди у даҳшатли ривоят:
У юртим лаънати қирғин — ўлимга,
Зулумотга, жаҳолатга, зулмга.
Адолат офтоби, юрт жамоли,
Музофот эртаси, халқим хаёли...
Бироқ, бир нусхада.
Қим они жамлар?..
Пароканда у настаъ қилқаламлар...

Ҳожи Фарруҳ

Шу боис лоақал кетмоқ керакдир,
Қароргоҳ тадбири, доно бу тадбир!

Қора Мирза

Бу — бизнингмас фақат, эл муддаоси,
Бу — сардор Ҳожи дарға илтимоси!

Ҳожи дарға луқмаси Нодирабегимнинг хаёлдаги бошини тиклайди. Унинг ташвишли кўзлари ногаҳон Қора Мирзага, ундан ўтиб Ҳожи Фарруҳга қадалади.

Нодирабегим
(хаёл тўфонида)

Дараксиз кетди Маҳмудхон, қаерда?..
Мени тангрим унингдан ҳам айирди...

Ҳожи Фарруҳ

Ҳали ўзи билан ўзи банд Нодирабегимга ҳайрон тикилади ва ўзича

Наҳотки беҳабардир Ҳокимойим?..

Қора Мирза

Маликам, сизга ёр доим худойим.

Нодирабегим

(ёмон хабарни ҳис қилади ва бехос қичқиради.)

Овоз бер, қайдасан, султон Умархон?!

Сенингсиз ногиронман, кўнгли вайрон!

«Фалак жисмимни тупроқ айлади, жонимни

тиндирди,

Кўнгил шаҳбозини андуҳ домиға илинтирди,

Тажаммул офтобинини фалак туфроға индирди,

Тегиб санги маломат шишайи сангимни синдирди,

Нетай, фарзандларинг сен йўқлигинг чандон

билинтирди.»

Овоз бер, қайдасан, султон Умархон!

Наҳотки, шунча афгон, шунча афгон?!

(бир оз тинчланиб, қўрқа-писа
Қора Мирзага ўгирилади.)

Наҳот ўғлим...

Қора Мирза

Асирда!

Нодирабегим

Зору хаста?!

Қора Мирза

Амирнинг чодирда зил қафасда.

Нодирабегим

Бу шум машъум хабарни қайдин олдинг?

Қора Мирза

Тўқайда, сирли йўлда бир кун олдин —

Тугилди сирли одам тик саҳар вақт.

Унинг белбоғидан чиқди ажиб хат.

Енидан ўша хатни олиб унга узатади. Хатга зудлик билан кўз югуртади.

Нодирабегим

Адодан?..

Адодан Ҳаққули сардорга мактуб?
Нечун бадкордин сарварга мактуб?

(Ўқийди)

«Хатингизни етурдим ҳазратимга,
Даво топдим мисоли ҳасратимга.
Амиралмуслимин топди қаноат,
Демак мақбул сизга вақти соат:
«Ўн икки, боз ўн икки, боз ўн икки...»

(Хатдан ташвишли бош олади)

Тагин бу қандайин хунхос ўн икки?
Ўн икки — эртами?..
Хўш, «боз ўн икки?»
Ўн икки — балки дарбоза ўн икки?..
Учинчи «боз ўн икки» — балки соат,
Амиралмуслимин топган қаноат?..

Қора Мирза билан Ҳожи Фарруҳ бу донишманд аёлнинг топқирлигига, тоқатига,
имон келтиришади. Нодирабегим мактубни ўқишда давом этади.

«...Хатингиз келди-ю, шубҳа йўқолди,
Азалги маслаҳат ҳам кучда қолди.
Бари осийларингизни қирурмиз,
Фақат Ҳаққулни ҳоким қолдирурмиз...»

Тагин бош кўтаради хатдан Малика, Канизакка дейди.

Топинг Ҳозиқни тезда, бунда келсин.

Канизак кийикдай тез ғойиб бўлади. Тагин қўлидаги хатга тикилади.

«...Кеча, ёрдамга отланган нафасда
Азиз Султони ҳам тушди қафасга...»

Нодирабегим бу машъум мисрадан узоқ жим қолади ва инграб чекинади.

Болам...
Бечора ўғлим, нест-нобуд...

Ҳозиқ киради, ҳайрон яқинлашади Нодирабегимга, тинглайди уни. Канизак аллақандай
хавф билан йироқдан кузатади.

Элингга сидқидил қолдингми собит?..

(Ўқишда давом этади хатни.)

«...Демак, хавф энди йўқ Шаҳрисабздин,
Амир хавфи ягона ялмағиздин...»

Қ о р а М и р з а

«Ягона ялмағиз» Сиз унга, ойим.

Н о д и р а б е г и м

Шу боис «ялмағиз» қолгуси доим!

*(«шу ерда» ишорасини қилади.
Хатни ўқишда давом этади)*

«...Амир ғоятда норози анавдин...
Утиб кетди олов тоби қаловдин.
Ҳамон ижродамас фармони олий,
Тирикдир токи, у, бордир, заволи...»

Ҳозик

«Анов» ким бўлди?

Бирдан Канизак орқага тортади ўзини.

Нодирабегим

Тавба, не тагин бу?

Хиёнат, суиқасд менга?

Қора Мирза

Тайин бу!

Ҳозик

Ким у хоин, хиёнаткор саройда?

Нодирабегим

Топилмас у, қидирмоғдин не фойда?

Шукурлар шунга ҳам, ҳушёр қилди,

Ким у хоин ўзин хунхор қилди?

Хатни ўқишда دەвом этади.

«...Амиралмуслиминдин сўнгги фармон:

Бухоро «алъамон» деб киргани он

Бутун аркони давлат банд этилсин,

Магар улгурмасин қочмоққа ҳеч ким.

Қочар бўлса Муҳаммад, не билурсиз,

Умархон қисматин «савго» қилурсиз...»

(Нодирабегим инграб юборади)

Наҳот!.. Парвардигор!

Йиқилаёзади, ҳаммадан олдин Канизак етиб келади, ушлаб қолади уни, кўлидан ерга тушган хатни олиб яширади.

Султон Умархон

Ҳалок бўлган, демак?

Эй, чарх, осмон!

Бу қандай кўргулик,

Ҳаққул...

Кушанда?..

Мени ўттизда қолдирган ўшанда?

(қичқиради)

Бекор!

Бўҳтон!

Канизак

Бекор гап! Тинчланингиз.

(бирдан йироқни кўрсатади)

Ойи, Ҳаққул!..

Нодирабегим

У қайдан?..

Ҳайратда боқади у кўрсатган томонга. Ей ўқи елкасига келиб қадалган Қора Мирзанинг навкари эшикдан кириб йиқилади.

Навкар

Берк йўлингиз!..

Ҳаққули мингбоши навкарлари билан бостириб киради. Навкарлар ўраб оладилар
гўлахни. Ҳаққули Қора Мирзага юзма-юз келади.

Ҳ а қ қ у л и

Урангиз. Жилмасин ҳеч ким бу ердан!
Келур давлатпаноҳ, саркарда Хоқон!

(Чор атрофга кўз югуртириб чиқади. Ҳаммани ташвишда кўриб)

Ўзингиз боп экан топган ерингиз.

Н о д и р а б е г и м

Бир оз андиша қилмоқ балки лозим!
Бу ерда йўқ шекил маҳрам, мулозим.

Ҳ а қ қ у л и

Уэр, соҳибнафас, мингбор, маликам.

Шиддат билан Маъдалихон кириб келади, хос навкарлари ўровида. Ҳамма
турганларга бир-бир тўхтаб, онасига юзма-юз келади. Кескин бурилиб, Қора
Мирзага яқинлашади, бир неча дақиқа истеҳзо билан унга тикилиб
қолади, сўнг Ҳаққулига ўгирилади.

М а ъ д а л и х о н

Не юз бермоқда бу қонли қамалда?
Менинг содиқ қўмондоним, чамамда,
Бу фитна сизга ҳам хуш келди чоғи?
Ваё меҳмонларингизнинг пичоғи?..

Н о д и р а б е г и м

Болам, андиша қил!

М а ъ д а л и х о н

Парвардигорим,
Хиёнаткор онам деб ўйламовдим.
Олинг! *(бақиради)*.
Зиндон!

Н о д и р а б е г и м

(Қора Мирза билан Ҳожи Фарруҳни тўсади.)

Болам!

М а ъ д а л и х о н

Зиндон! Ва зиндон!

Қ о р а М и р з а

(навкарлар ўровида)

Қўйинг, давлатфузо, куйманг, куйинманг. Маъдалихон ким дўст, ким душман, боши Амир Насрулло кундасига қўйилганда билади. Ҳозир фойдасиз. «Мақр тиг урса у золим, бўйин сунмай нетай ҳозир, не янглиғ, келса бўйинин тўлғатар ҳақни қазосидин!» Мен Маъдалихонга бадхоҳлик қилмасмен. Аммо рост йўлдин ҳам чиқмасмен. Бадхоҳлик кишини бадном қилади. Булар у айтганидек

пўшидамас. Расоларга мухолиф норасолар! Қў-
йинг, билганини қилсин.

Маъдалихон

Олинг Ҳозиқни ҳам, дўсти Адонинг!

Нодирабегим

Эсингни йиғ, болам!

(Ҳозиқнинг олдини олади)

Маъдалихон

Қайтманг, олинг тез!

Ҳожи Фарруҳ

Ажаб, хоин она, оғаси хунрез...

Маъдалихон

(унга ўқрайди)

Хунрез-хунрез!

Қанча ваъда қилди Шимолий тарсо?

Қўқон музофоти, тахт бадалига?

Нодирабегим унинг бу гапдан хабардорлигини англолмай Қора Мирзага тикилади.

Ҳа-ҳа, ойи, ҳа, Ҳокимойим:

Сиз билган гапларни мен ҳам биламан.

Бунга ҳайрон бўлманг, менинг маҳрамларим

Сизникидан зўр!

Бешбел камзулликлар булар олдида

Ҳеч гапмас, онажон.

Мендан, сизданмас,

Бундан қўрқади —

Қора Мирзани кўрсатади.

Ҳожи дарғасидан қўрқади итдай —

Бешбел камзуллилар валинеъмати!

«Қора така» дебмиш амир, Мирзани,

Қорамурт тоғининг қора такасин.

Бугуноқ қассобга бераман буни,

Амир пичоғини қайраб улгурмай!..

Олинг, олиб чиқинг!

(Зарда билан буюради навкарларига.

Ҳаққулга буюради.)

Ўрда зиндонига; оёқ остига!

Қора Мирзани, Ҳожи Фарруҳ ва Ҳозиқни олиб чиқиб кетишади.

Маъдалихон онасининг ёнига келади.

Арзанда ўғлингиз амир қўлида!

Хон навқари қўлидаги ўқ-ёйни олади ва ўнинг учидаги тумор қилиб боғланган хатни кўрсатади.

Мана, бугун олдим амирдан мактуб,

Султонни тоғаси Ҳусайнбекка

Алмашаман депти, қайта ўқ уздим,

Боғлаб ўқ ёйига рад жавобини!

Онани изтироб энга бошлайди. У беҳол йиқилади. Канизакка қичқиради.

Қани, Пошшоойим!

К а н и з а к

Лаббай, Шаҳаншоҳ!

М а ъ д а л и х о н

Олинг оингизни хобхонасига!
Ҳеч кимни қўймангиз ва чиқармангиз!

Парда

Иккинчи кўриниш

Қўқон. 1842 йил. 11 савр оyi. Сешанба. Тўпотар. Урда. Боғижаҳоноро. Соқчилар ҳар йўлакда ва ҳар бир устун тагида. Ҳарбий ҳолат. Канизак отилиб киради, радода, юзида ўртук.

К а н и з а к

Қай гўрга йўқолди бир нафасда.

Канизак суяниб турган устундан ажралиб Ҳайратхўжа чиқади.

Ҳ а й р а т х ў ж а

Лаббай, Хонпошшоойим, мен оёғингиз остидаман.

К а н и з а к

(чўчиб кўкрагига тупуради)

Вой, дийдорингни ел есин-е, буқаламуннинг ўзи-сан-а. Қаерда ёпишиб турганингни ҳам билиб бўлмайди. Сенимас, хўжангни қидириб юрибман. Тонготардан бери қидираман.

Ҳ а й р а т х ў ж а

У киши ҳам буқаламун. Катта буқаламун, *(ўзини кўрсатиб)* кичкина буқаламун. Хўжам, Пошшоойим, Урдада Боғижаҳонорода, худди бор-йўқдай юрадилар. Керак жойда кўрина қолади-лар қўзиқориндек. Ҳозир пешин, яъни тўпотар, намоздалар Урда аъёнлари билан. Нима юмуш-лари бор эди?

К а н и з а к

Намоздан ҳам зарур юмуш. Тез топ уни.

Ҳ а й р а т х ў ж а

Таажжуб!

К а н и з а к

Кўп пачакилашавермасдан, югур. Мен шу ерда кутаман.

Ҳ а й р а т х ў ж а

Хўп бўлади.

К а н и з а к

Атрофни синчиклаб кузатади, шамдай қотиб турган соқчиларни ҳам.

Қай қарорга келдинг, Хонпошшоойим? Не ҳолга тушади хатни кўргани он Ҳаққули мингбоши, жаноби Сардор, устомон Девонбеги — соҳиби Урда?.. «Ўн икки, боз ўн икки, боз ўн икки...» Қандай топқур аёл, донишманд хотин! (Хатни олиб кўз югуртади ва ўзига тегиш сатрларини ўқийди) «Ниҳоят навбати келди қирқ бирнинг... Амир киргунича Урда бувисини бирёқлик қилсин...» (сесканиб устун пинжиге олади ўзини). Йўқ-йўқ, қиллолмайман буни, ҳеч қачон... Урданинг муҳтарам маликасини? Жафо дийдасини Фарғонасининг? Қўлим кўтарилмас унинг қатлига, момойи Фарғона!.. Қирқ бир... Қирқ биринчи тева савғоси қанча юмушингни қилди, Бухоро!.. Хатни кўрсатмасамчи?.. Кўрсатмасам, эрта дарбозалар очилмайди. Амир киролмайди шаҳарга. Мени қирқ биринчи хотин ялогиди пойгакда қолдирган, масхаралаган Маъдалихон ҳукми давом этади! Кўрсатаман!.. (Ҳайратхўжа тағин аввалгидай беҳос пайдо бўлади Канизак ёнида). Хўш?

Ҳ а й р а т х ў ж а

Ҳозир келадилар... Хўжам ҳамма донолар бошини еб битирдилар. Қолганлари қочиб бўлди. Энди навбат устозларига келдими, Пошшоойим?.. Тўғри айтасиз, қандай қўлингиз боради? Ахир Нодирабегим сизни ўз фарзандларидан аъло тутди, салқам ўн беш йил илм ўргатди, тузини тотдингиз... Таажжуб! Қирқ биринчи туяда келгансиз, маймоқ туяда. Амирнинг Умархон ҳадясига жавобан юборган савғо карвонида. Умархон қирқ туя совға юборган эди. Амир баланд келай деб қирқ битта юборди. Қирқ биринчи туяда сиз эдингиз. Сиз ёш Қўқон хони Султон Умархонга унинг совға-саломидан мамнун Бухоро амирининг совғаси эдингиз. Бироқ, Умархон амир кутгандай сизга никоҳ ўқитмади. Нодирабегимга маҳрамга берди. Аммо Нодирабегим Умархонга «мен розиман, менинг совғамни эламади деб тағин бир кори ҳол қилмасин, амир, никоҳ ўқитинг» деди. Умархон бари бир унамади. «Худосан менга сен, етти фалаксан, Жаҳонаро беҳиштимда малаксан» деди унга ғазал тўқиб. Нечук бу савдога тушдингиз? Бу қабоҳатдан ҳам бадбинлик бўлурму, Хонпошшоойим?

К а н и з а к

(қийналиб)

Тез кет, кўзимдан нари йўқол!

Ҳ а й р а т х ў ж а

Ҳар нечук, илондан илон, чаёндан чаён туғилиши

ҳақ. Улар ўз вазифаларини адо этадилар, хоҳ каттаю, хоҳ кичик.

К а н и з а к

Йўқол деяпман сенга!

Ҳ а й р а т х ў ж а

Мендан қўрқмайсиз, бу аниқ. Чунки менинг сўзимга ҳеч ким қулоқ солмайди, ишонмайди ҳам. Биз тойфа кишилар бунда одаммас, масхарабоз саналади. Таажжуби мана шунда.

К а н и з а к

Аблаҳ!..

Девонбеги кўринади. Ҳайратхўжа тезда ғойиб бўлади.

Ҳ а қ қ у л и

Қандай шошилишч юмуш бор эдики, Ҳайратни йўллабсиз?

Канизак жавоб ўрнига мактубни тутқазади унга. Ҳаққул ўровни очар экан, ялт этиб Канизакка қарайди, атрофга ўгирилади, ҳар бир устунни, унинг орқа томонларини синчиклайди.

Адодан?.. (бир нафасда ўқиб чиқади) Нечун сенга берди мактубни аблаҳ? Ўзи қайга кетди, қачон келди?

К а н и з а к

Тўлан келгани йўқ. Мирзо келтирди.

Ҳ а қ қ у л и

(тушунмай)

Мирзо?.. Қора Мирза?

К а н и з а к

Уша, Қора Мирза келтирди бунни, тўғри Ҳоким-ойим қўлига тутди.

Ҳ а қ қ у л и

Не деб алжияпсан, жинни бўлдингми?

К а н и з а к

Сал қолди.

Ҳ а қ қ у л и

Уқиди?

К а н и з а к

Уқиди!

Ҳ а қ қ у л и

Тавба!

К а н и з а к

Ҳозик ҳам эшитди.

Ҳ а қ қ у л 'и

Ҳозик ҳам? *(Бақиради бехос ва бўридай атрофга югуради).*

К а н и з а к

Шундай!..

Уқиб бўлган эди сизлар келган он.

Қўлидан туширди хатни ногаҳон.

Тўғри олиб келдим!

Ҳ а қ қ у л и

Ишимиз ёмон!

Хатни билмадимми сен олганингни?

К а н и з а к

Билмадим, билдимми-билмадимми у.

Ҳ а қ қ у л и

(Тагин ҳам қаттиқ ўйлаб қолади).

Тўлан қайда экан?

Қандай тушибди хат Мирза қўлига?

К а н и з а к

Унинг навкарлари тутган Тўланни.

Келаётганида Адодан бери.

Ҳ а қ қ у л и

Буни кутмагандим...

Ҳатто тушимга ҳам кирмаган эди.

Узоқ жимлик чўкади. Икковлари ҳам икки устунга қапишганларича қотиб қолишади.
Қўлидаги хатга яна куз югуртади.

«Ун икки, боз ўн икки, боз ўн икки...»

Пешин... *(ўзича)* Ун икки соат қолди... *(Канизакка ўгирилади).* Малика қайда?

К а н и з а к

Валинеъматингиз хобхонасига —

Ҳибс қилганича жим ўтирибди.

Ҳ а қ қ у л и

Нечун бу қадарли итоат?..

К а н и з а к

Билмадим...

Тонгги воқеадан бери ўзига келмайди...

Бутун ҳарам унда.

Ҳ а қ қ у л и

Мана буни излаб қолмадимикан?

(хатга ишора қилади).

К а н и з а к

Бу ҳали эсига келганича йўқ.

Ҳ а қ қ у л и

Эсига келгунча...

(Хатнинг Канизакка оид жойини ўқийди).

«...Эрта ўн иккида Ўрдада бўлур
Амиралмуслимин пойқадамлари.
Анавига айтинг, бурчи олиясин
Сўнгига еткурсин, облоҳу акбар...
Қатли амир номи қолмасин бунда.
Юзма-юз келишга тоқатлари йўқ,
Бу шаккок Ўрданинг шаккок маликаси,
Шаккок шоираси билан амирнинг...»

Канизакка қарайди кўтарилиб. Бу фармойишнинг даҳшатидан ларзага келган Канизак аллақачон чиқиб кетган эди. Ҳаққули ҳайрон бақиради.

Хонпошшоойим!.. Хонпошшоойим!

Канизак жон талвасасида остонада қайта пайдо бўлади.

Ҳар кун Умархон даҳмасида у
Авротда бўлади...

К а н и з а к

(беихтиёр қичқиради)

Йўқ-йўқ!.. (Тезда оғзини титроқ қўллари билан
беркитар экан, ялингансимон дейди)

Ҳеч қачон!

Ҳеч қачон қилмайман энди

Бунисин...

Буни қилолмайман, у менинг онам,
Онамнинг ўрнида онам, маликам!..

Ҳ а қ қ у л и

Кўз ёшини қўйинг охирги кунга...
Йўқса ўлдиради бизни шубҳасиз!
Фармони олийни бажаринг, боринг!..

Канизак нима қиларини билмай тикилиб қолади унга.

Нечун бақраясиз, боринг, бажаринг
Шу бугун, ҳозироқ!

К а н и з а к

Шошманг, мингбоши,
Олиб қочмоқчи эди улар маликани.
Зиндондан бўшатинг, олиб қочишсин.
Йўлда бира тўла биракайига
Ҳаммасини бир гўр гумдон қиласиз.

Ҳ а қ қ у л и

Ургатманг, сиз бунда Хонпошшоойим,

Зудлик билан уни адо этингиз,
Амиралмуслимин фармойишини.
Жўнанг!

К а н и з а к

Нима билан?

Ҳ а қ қ у л и

Наҳот Хон пошшомга ўргаткулиги
Бордир бу Ўрдада, астағфируллоҳ!..

(бир оз юмшаб)

Ҳаммаси сиз билан бизга қолади,
Амиралмуслимин ваъдалари шу!
Сизга ваъдалари катта хусусан,
Бунини ўзингиз ҳам яхши биласиз!

Ҳайратхўжа пайдо бўлади

Ҳ а й р а т х ў ж а

Бас қилинг, пойгакда хон ҳазратлари!

Канизак ўқдек отилиб чиқиб кетади. Ҳаққули хатни яшириб хонга пешвоз чиқади.
Аввал хоннинг хос навкарлари, сўнгра Маъдалихон кўринади.
Орқасида аркони давлат.

М а ъ д а л и х о н

Ким у йироқлашган?

Ҳ а қ қ у л и

Хон пошшоойим.

М а ъ д а л и х о н

Нима гаплашдингиз у билан бунда?

Ҳ а қ қ у л и

Ҳеч нарса, раҳнамо, валинеъматим.

М а ъ д а л и х о н

Пинҳон тутмоқдасан нимани мендан?
Ҳокимойим қайда?

Ҳ а қ қ у л и

Хобхонасида.

М а ъ д а л и х о н

Кўзларинг жонсарақ нечун бўлмасам?
Тагин бир фалокат...

Ҳ а қ қ у л и

Йўқ, давлатпаноҳ!

М а ъ д а л и х о н

Ростин айт!

Ҳ а қ қ у л и

Раҳнамо!

М а ъ д а л и х о н

Не учун, бунда,
Бизнинг йўқлигимиз вақтида шайтон —
Оралаб юрипти тахт атрофида!
Ҳайратхўжа қани?

(Устун орқасидан пайдо бўлади)

Ҳ а й р а т х ў ж а

Лаббай, ҳазратим!
Хўжамни койиманг...
Ғофиллик бегона баковулингизга.

(Ҳаққулига ишора қилади)

Қанизак хўжамни сўроқлаб келди,
Намоздан чақириб бер, деди, тездан.
Айтганини қилдим ҳайратда.

М а ъ д а л и х о н

Энди нима дейсан?

Ҳ а қ қ у л и

Валинеъматим!
Шунча фалокатлар, нотинчликларнинг —
Қаршисида сизга ортиқча ташвиш.

М а ъ д а л и х о н

Гапир!

Ҳ а қ қ у л и

Давлатфузо, салтанатимизнинг —
Ёруғ юлдузи, сизнинг волидайн муборагингиз
Мени чорлабдилар ҳузурларига.
Ҳалиги, тонгдаги гуноҳим учун.

М а ъ д а л и х о н

(бир оз тинчлангандай)

Тинч ўлмайди ҳатто хобхонасида...
Мен ҳамон ҳайронман соқчиларингизга,
Қандай кира олди шаҳарга улар?
Шунча тўсиқлардан, тунқотарлардан,
Шунча садоқатли баковуллардан,
Ҳаққули кўзини шамғалат қилиб,
Ҳатто Урдагача, вазири аъзам?..
Кундан-кун ва ҳатто соатба-соат
Улар ортмоқдамиш шаҳри ғофилда.
Эрта бўлур балки орамизда ҳам?

Ҳ а қ қ у л и

Ҳазрат, олампаноҳ, тангри асрасин!
Менинг кўргулигим бу — олампаноҳ.

Соқчи, дарбозабон, тунқотарларим
Билмай қолишипти...

Маъдалихон

Айтингчи, сардор!
Эрта Бухоронинг бешбел бесоқоли
Кириб келганин ҳам билмай қолурму
Уша садоқатли маҳрамларингиз?
Кўрнамакларингиз?..

Ҳаққули

Ҳазрат!

Маъдалихон

Менга шуни айтинг, қайси туйнукдан,
Қайси биз билмаган пинҳона йўлдан
Кириб келди улар?

Ҳаққули

Ҳазрат, қиблагоҳ!..

Маъдалихон

Аркони давлатга «Бизни холи қўйинг» деган ишорани қилади қўли билан.
Аркони давлат буларни ёлғиз қолдиради.

Менинг ишончимга дарз кетди, сардор!
Нечук тирилишди, қайдан тирилишди?
Адо этилмапти нечун фармойиш?
Оқмасжидга етмай...

Ҳаққули

Улдирилган эди...

Маъдалихон

(истеҳзо билан)

Биринчи кўришим, ўлган одамларнинг —
Адашмай уйига қайтиб келишин.

Ҳаққули

Демак, бу ерда ҳам бир хиёнат бор

Маъдалихон

Бухоро чўчқаси Қўқон ботқоғида
Ногоҳ оёғимдан олиб турганда
Бу икки «мурдани» ким топиб келди,
Бадарға қилинган икки шаккокни,
Икки ўлимтикни, шундай пайтда!

(Бақиради Ҳаққулига қараб)

Ҳаққули

Бир қошиқ қонимдан ўтинг, давлатпаноҳ!..
Уша менинг шубҳам рост чиқаяпти.
Инонмаб эдингиз далилларимга.
Уша аблаҳ Махмур, Гулханий, Ҳозиқ.
Уларнинг тили бир маликам билан.

Онангиз Султонни хон кўтармоқчи,
 Севимли кенжаси Султон Маҳмудни!
 Ҳар куни кўраман муҳорабада
 Қалъа орқасида навқарларини
 Амир навқарлари билан бақамти —
 Учиб келган хатга ишонманг асти,
 Бухоро тулкисин тағин найранги.
 Султон ёвимизга қўшилиб кетган.
 Султон қафасдамас, амир чодирда.

Маъдалихон

Ёлғон бу, тухмат бу! Султон...
 Алҳазар!

Ҳаққули

Жаллодга буюринг ёлғон бўлса гар!

Маъдалихон

(ўйга чўмади)

Ўзим ҳам биламан унинг кирдикорин,
 Амир арзандаси бўлиб қолганини.
 Уни ҳоким қилиб Хўжандга қўйди,
 Сўнгра олиб борди Шаҳрисабзга.
 Амир ваъда қилган Қўқон тахтини —
 Қўқон тахти, деди унга, меросинг.
 Муҳораба битсин, ўзим биламан...

Ҳаққули

Ниҳоятда тўғри фикр қиладилар,
 Менинг давлатпаноҳ валинеъматим!
 Гаш кўради сизни ҳамма укангиз.
 Ҳатто волидангиз...

Маъдалихон

(Ҳаққулини ёқасидан олади)

Жаллод! Менинг қон ялаган разил жаллодим!
 Энди сенга менинг онам қолдими?
 Мамлакат мулкининг султонияси,
 Юртнинг волидайи муҳтарамаси?..
 Ҳаммасини бердим сенинг қўлингга,
 Ҳаммасини единг битта қолдирмай,
 Менинг энг донишманд маҳрамларимгача.
 Битта ўзинг қолдинг, битта мен қолдим,
 Яккамохов бўлиб якка-ягона!..

Бақириб у устундан бу устунга уради Ҳаққулини, Ҳаққули унинг оёқларига
 чирмашиб шафқат сўрайди.

Ҳаққули

Ўзингизга келинг, бас, соҳибқирон.
 Ахир, итингизман вафодор, содиқ.
 Фитна-фасодлардан, ёмон одамлардан —
 Тозаладим бутун тасарруфингизни.

Фақат биттасига кучим етмади,
Чора топмадингиз ҳаттоки сиз ҳам.

М а ъ д а л и х о н

Тағин қон тилайди бу аблаҳ, ғаддор!
Нима қилди сенга Ҳозиқ?

Ҳ а қ қ у л и

Ҳамма гап...
Ҳамма фалокатнинг жилови шунда.
Ўша, худо урсин, фақат ўша аблаҳ,
Бутун тасарруфдан айирган бизни,
Қурама, Чимкентдан, Сайрам, Тошкентдан.
Уратепадан ҳам, Шарқда — Қашқардан,
Шимолда — Оқмасжид, Балхаш, Биллурдан,
Ҳамма-ҳаммасидан айирган ўша!
Ниҳоят қамалга тиққан ҳам ўша!
Амир арзандаси, Адонинг дўсти,
Бухоро калтаги ва айғоқчиси!
Мен сизга неча бор айтганман, ҳазрат,
Бухоро таълими-ла танглайи қотган,
Амир маблағи-ла вояга етган,
Шоҳона илтифот кўрган арзанда
Сизга эл бўларми эди ҳеч қачон!
Сиз ишонмадингиз, сизни — адолатсиз,
Жоҳил, қонхўр, мени — хушомадгўй —
Деб ёзган байтларин ўқиб берсам ҳам.
Қулоқ солмадингиз, қанча сирларимиз
Ёйдан тез амирга аён бўлганда ҳам!
Уларнинг барчаси фақат Ҳозиқдан
У тулки юмушни сиздан, менданмас,
Ҳаммамизга текис табаррук, доно —
Қиблагоҳимиздан бошлади ҳатто.
Ҳатто меҳрини ҳам қозониб олди.
Тўғри, баланд шоир ва лекин баланд
Туғаси ниҳоят иблисликда ҳам!

М а ъ д а л и х о н

(бақиради)

Етар!

Ҳ а қ қ у л и

Мен ҳайронман сусткашлигингизга,
Шундай хиёнатдан кейин ҳам, тавба.
Қатл этинг Ҳозиқни ҳаялламасдан.
Қора Мирзани ҳам, Фарруҳни ҳам тез.

М а ъ д а л и х о н

(ўйлаб)

Ҳали улар билан...
Сардор, шошилманг...
Ҳисоб-китобимиз, гапларимиз бор...
Бешбел камзулликлар голиб ҳозирча,

Белимиздан олди, кўтарганча йўқ,
Кўтара олмайди, парвардигор шоҳид,
Бўйни дарбозада қолур эшшакдай.
Ана шундай, дўстим, бу шаккоқларни
Хўжалари билан дорга тортамиз,
Уша шаккоқ Ҳожи дарғасигача!

Ҳ а қ қ у л и

Иншоолло, шоҳид парвардигорим!

Бирдан устунлар орасида Канизак пайдо бўлади, кўзлари олазарақ, Ҳаққулига интилади. Ҳаққулининг кўзи тушади унга, ҳовлиқиб чорлайди ўзига.
Маъдалихон фаҳмлаб қолади.

М а ъ д а л и х о н

Ким у?

Ҳ а қ қ у л и

Муҳтарама Хон пошшоойим.

М а ъ д а л и х о н

Нечун безовта у, чақиринг бунда!

Ҳаққули энги билан унга «келинг» ишорасини қилади. Канизак қаттиқ изтиробда,
Маъдалихон оёғига келиб йиқилади.

К а н и з а к

Ҳазрат, давлатпаноҳ!

М а ъ д а л и х о н

Нима гап, тез айт.

К а н и з а к

Момом, Ҳоқимойим... Хобхонада йўқ...
Ҳаммаёқ ланг очиқ...

М а ъ д а л и х о н

Соқчилар?..

К а н и з а к

Тирракдек қотиб ётибди.

М а ъ д а л и х о н

Амир! (бўкиради Ҳаққулига қараб).
Бу қандай гап?

Ҳ а қ қ у л и

(у ҳам ҳайратдан қотиб қолади)

Олий ҳазратлари!..

М а ъ д а л и х о н

Топинг, ишга солинг, айғоқчиларни!

К а н и з а к

Боғираънода ҳам, даҳмада ҳам йўқлар.

Нодирабегим
(йироқда пайдо бўлади)

Тирик, ҳовлиқмангиз, Нодирабегим!

Ҳамма соқчилар қуролларини олиб йўл кўрсатишади унга, чуқур таъзим ва тавозеъ билан Ҳаққули, Маъдалихон ҳам, Канизак кўзларида ёш, югуриб бориб Нодирабегим оёқларига йиқилади. Нодирабегим уни елкасидан кўтаради ва пешонасидан ўпиб ёнига олади.

Ёв ўғирлади деб қўрқиб кетдингми?
Қўрқма, Нодирани ҳеч ким, ҳеч қачон
Койита олмайди, халқи бор экан,
Халқи баҳамжиҳат экан оламда!

Ҳ а қ қ у л и

(Нодирабегимнинг этагини олиб ўпади)
Хайрият... Замона қалқиб турганда...

Нодирабегим

(этагини Ҳаққули оғзидан тортиб олади)

Бас қилинг, Ҳаққули, хушомадларни.
Сиз энди Ўрдада навкар эмассиз,
Бешикдай тебратиб турибсиз уни.
Ҳамма дарбозалар калити сизда,
Ҳамма қалъалар ҳам, муҳораба ҳам!

Ҳ а қ қ у л и

(ташвишда)

Ҳеч не англолмадим бу пичинглардан.
Айтмадимми сизга, ҳали, олий ҳазрат,
Улуғ маликамга ёқмай қолдим деб.
Менга рухсат беринг, энди бошимдан —
Айрилиб қолмайин бекордан-бекор.

М а ъ д а л и х о н

Тахт қалқиб турипти, шаҳар безовта.
Шаҳарни ёв тўпга тутиши ҳам бор.
Шундай қарор қилдик: Валиаҳд билан —
Хонпошшойимни ёнингизга олиб,
Ҳозироқ Марғилон жўнайсиз, гап шу.
Кузатиб боради икки юз навкар.

Нодирабегим

Шундайми? Майлига, лекин ягона —
Шартим бор, истаса, олий ҳазратга:
Ҳаққули ҳам кетсин биз билан бирга.

М а ъ д а л и х о н

Мен-чи, мен ким билан қоламан унда?

Нодирабегим

Пок, тоза салтанат, тожи-тахт билан!

Ҳаққули

Ё раббий!..

Ҳайратхўжа

(пайдо бўлади)

Ҳазратим: (қўлида учига хат санчилган ўқ-ёй)

Мана бу ўқ-ёй,

Урда пештоқига келиб санчилди.

Чаққонлик билан Ҳаққули юлиб олади унинг қўлидан ва ўқ-ёй учигаги хатни олмоқчи бўлади. Маъдалихон ғогоҳ қилади уни.

Маъдалихон

Тегманг, менга беринг!

Ҳаққули ноилож узатади ўқ-ёйни хати билан бирга. Маъдалихон ўқ-ёйдан хатни олиб, ичида ўқийди. Ҳайрат билан аввал онасига, сўнг Ҳаққулига қарайди. Кўзлари олайиб. Ҳайрон қараб турганларга эшиттириб ўқийди.

«Раҳмат, юртимизнинг улуғ момоси,

Доно маликаси, биз етиб олдик...

Сизга бош эгади бутун қароргоҳ.

Мирза Саркор билан Фарруҳ ўғлингиз».

Ҳамма бир нафасга танг аҳволда қолади. Маъдалихон хатни онасига узатади.

Сизга экан мактуб, фарзандларингиздан.

Нодирабегим хатни олар экан, оғирлик билан ўғлига тикилади.

Нодирабегим

Ҳалок қилишингдан қўрқдим уларни,

Уйлаб етолмадим ўйимга, кейин

Топмадим бу ишга ўзгача тadbир.

Олдингдан ўтмасдан зиндонга бордим.

Бироқ, тингламасдинг мени бари бир...

Шуни яхши билки, (Ҳаққулига қарайди.)

Холи қўйсин бизни, она-болани!

Маъдалихон Ҳаққули билан Канизакка чиқиб туришни буюради.

Шуни яхши билки, Ҳаққули жосус!

Маъдалихон бир сачраб тушади.

Маъдалихон

Она, мен биламан, ёмон кўрасиз

Менинг садоқатли маҳрамларимни.

Шунча йил тингладим, етар энди, бас,

Қим менинг душманам, ким менинг дўстим,

Буни сиздан кўра яхши биламан!

Манави ишингиз учун, Ҳокимойим,

Онам бўлмасангиз, зиндон қилардим,

Овлоқ-овлоқларда тил бириктириб,

Фитна уюштириб юрганингизга!

Саркор ким, мен кимман?

Саркор аламзада,

Тахти-салтанатга ҳирс қўйган хоин?!

Аламзада халқдан фойдаланмоқчи.

Хўш, Фарруҳ ким ўзи?
 Фарруҳ — бир тарсо.
 Ҳаққули ҳақ чиқди...

Бошқа бир томонда бу гапларни жон қулоғида тинглаётган Ҳаққули тетикланади.

«Салтанатингда
 Икки хон бор», дерди, инонмас эдим.

Нодира бегим

Тўғри айтган экан. Бугун рост чиқди!
 Жосус, хиёнаткор салтанатингда
 Кўпдан иш кўради пинжингга кириб.
 Бу хоин — Фарруҳмас, Мирза Саркор ҳаммас...
 Сен ўйлаган Султон Маҳмуд ҳам эмас!

Маъдалихон

Маҳмуд, Султон Маҳмуд
 Хоин ва аблаҳ!

Нодира бегим

Амир қафасида, билсанг ининг, болам!

Маъдалихон

Амир чодирисида бўлғуси хоқон!

Нодира бегим

Бекор гап! Қулоқ сол онангга ахир!
 Хоин — хиёнаткор...

Маъдалихон

Онам, ўз онам!..

Нодира бегим

Е танграм!..

Маъдалихон

Ҳозиқдек амир тулкисига
 Иссиқ уя берган онам, ўз онам!
 Қани у онамнинг ардоғи?..

Нодира бегим

Бас қил!

Маъдалихон

Қани у, қочдими, қочирдингизми?

Нодира бегим

Он ҳазрат, телбалик фурсати эмас.
 Фуқаро уволи тутади бизни.
 Барча ҳам давлатхоҳ эмас, болагинам...
 Қаламравингдаги ҳамма мулк кетди.
 Хоин беклар сабаб қанча садоқатли —
 Навкар, сипоҳларинг шаҳид бўлдилар.

Бекор тингламадинг Мирза Саркорни,
Фарруҳни бекорга масхара қилдинг.
Уларга, улардек сипоҳларингга
Музофот инонур бешак, беистисно.
Қарқиноқ чиқмоқда булбул деганларинг.

Маъдалихон

Ўғурда янчаман улар бошини!

Нодира бегим

Менинг кенгашим бу — фақат давлатхоҳлик.
Шуни яхши билки, амир мамлакатни —
Куч-ла ололмайди, тадбир билан ҳам.
У олса — хиёнат билан олади.
Амир сен қилмаган ишни қилди аввал:
Эрон, турк; Ўрусга элчи юборди,—
Дўсти — душмани-ла тил бириктирди.
Сен отанг ва онанг қирқ йил қўрғанг —
Мамлакат чангини қоқдинг беаёв.
Ва лекин ҳали ҳам қўрғонинг маҳкам,
Онанг тузган қўрғон енгилмас қўрғон.
У — халқ муҳаббати, ишончи, болам.
Уни енголмайди яъжуж-маъжуж ҳам...
Энди хавфинг биздан, оға-инингдан.
Хўжандда сақладинг Султон Маҳмудни,
Фарруҳни — Мўғолда, Мирзони эса,
Узоқ Наманганда — Тўрақўрғонда...
Номига ҳокиму, аслида маҳбус.
Ниҳоят бўлмади бу тадбиринг ҳам,
Очиқ ишга кўчдинг, худди душманлардек —
Бирини ўлимга буюрдинг, маҳфий.
Буларнинг ҳаммаси сенингмас, болам,
Мингбоши Ҳаққулнинг тадбири эди.
Ҳамма режасини ўтади тугал.
Энди сен билан мен қолдик атиги.

Маъдалихон

Ёлғон, садоқатли сипоҳларга —
Тухмат, Қора Мирза. уйдирмаси бу!
Сўрайман, йўлимни тўсманг, онажон!
Аяб ўтирмайман онам экан деб!

Нодира бегим

Наҳотки, билмасанг отанг ўлимини,
Ҳаққул ўлдирганин?

Маъдалихон

Етар!

Нодира бегим

Ё раббий!..
Тўлан буғи қани?

Маъдалихон
(саволдан ҳайрон).

Тўлан буғи?.. Жангда!

Нодирабегим

Тўлан буғи кеча сенинг садоқатли —
Ҳаққули мингбоши сипоҳингнинг, болам
Мактубини олиб амирга элтган.

Маъдалихон

(ишонмай)

Қани, у ўша хат, далил, далолат?

Нодирабегим

Далил тонготарда йўқолди тўсат.
Наҳот инонмасанг ўз онангга ҳам?
Эрта ўн иккида, соат ўн иккида,
Ўн икки дарбоза ланг очилади!

Маъдалихон

(бақиради)

Сардор! Сипоҳлар! Ҳаққул!..

Ҳаққули

(яширинган жойидан беихтиёр отилиб чиқади).
Лаббай, ҳазратим!

Маъдалихон

Ҳа-ҳа, шундамидинг,
Ҳабардорсан ҳамма гапларимиздан?!
Хат қани?

Ҳаққули

Қандай хат, ҳазратим?

Маъдалихон

(қичқиради)

Хат! Хат!

Қўқон кўппагига амирнинг хати!

Ҳаққули

Бу қандай ҳақорат, шундай қалтис кунда?
Бутун итлигимга, садоқатимга?
Ахир биласизку, ёмон кўрадилар —
Мени Ҳокимойим итларидан ҳам!
Наҳот ишонсангиз шундай бўҳтонга?
Қани ўша мактуб, уйдирма мактуб?

Нодирабегим

У хат сиздан бўлак ҳеч кимда эмас!
Бундай устомонлик Ҳаққулдан келар.

(ўғлига ўгирилади)

У хат аллақачон ўтга ташланган.
 У хат унинг асл жаллоди эди.
 Афсус, туширибман қайдадир уни.
 Майли, у бўлмаса, ундан зўри бор!
 У Адодан эди, анов Ҳаққулдан!

(Ўғлига узатади хатни)

Мирза кетар пайти қолдириб кетди.
 Улар қўлга олган Тўлан буғини
 Амир чодирига кетар пайтиёқ.
 Амирга Мирзонинг навқари борган.

Онанинг диққати Маъдалихон ўқиётган мактубда экан,
 Ҳаққули аста чекинади ва ғойиб бўлади.

Маъдалихон

Ё раббий!.. Жаллод!

Жаллод кириб тик қотади Хон қаршисида.

Олинг, малъун...

Қараса Ҳаққул йўқ. Ҳамма ҳангу-манг.

Қани у?.. Навқарлар!

Бир неча навқар тўрт томондан пайдо бўлишади.

Шошилинг, ушланг,
 Сарой малъунини, тириклай фақат!

Перда

(Давоми келгуси сонда)





Саид Аҳмад



Назми ЧОРРАҲАСИДА

ҒАФУР ҒУЛОМ ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

Ойбек домла билан бир маҳаллада турамиз. Баъзан Ойбек ишлаб чарчаганда соя ташлаган сокин кўчасида қўлини орқасига қилиб ўй ўйлаб юрарди. Унинг шундай кезишларидан бирида рўпара келиб қолдим. Шунда Ойбек домла бир гап айтди:

— Сиз Ғафур билан жуда узоқ вақт бирга бўлгансиз. Ёзинг! Нимаики билсангиз ҳаммасини ёзинг. Шеърларининг маънисини чақаман, деб уринманг. Бу гапларни адабиётшуносларга қўйиб беринг. Ғафурнинг ўзи қанақалигини ёзинг. Гапи қанақа, юриши қанақа, қилиғи қанақа, шуларни ёзинг. Агар Ибн Сино, Рудакий, Беруний каби алломаларнинг ёнида юрган дўстлари хотиралар ёзишганда, тарихчилар қийналиб ўтиришмасди. Бизда ҳатто кечагина ўтган Муқимийнинг суврати ҳам йўқ. Агар шу ишни қилсангиз, Ғафур тўғрисида ёзилган илмий асарлар қаторига яхши бир хайрли иш қўшган бўласиз. Ёзинг. Албатта ёзинг!

Ойбек домланинг бу гапидан кейин Ғафур ака тўғрисида жуда кўп ўйлайдиган бўлиб қолдим. Бисотимни титкилаб қарасам, ёзса арзигулик анчагина хотиралар бор экан. Қанчадан-қанча сафарларда бирга бўлганман. Юзлаб латифалар, ҳикоялар эшитганман. Қувнаган, руҳан эзилган онларида ёнида бўлганман. Азиз фарзандидан жудо бўлиб, ўкириб йиғлаганини, қиз узатиб, ўғил уйлаган саодатли дақиқаларини кўрганман. Қизалоғининг сочига лента таққанидан тортиб, болаларини, невараларини опичлаб юрганларини кўрганман.

Арманистонда, Туркменистон, Тожикистонда бутун бир халқ адабиётининг обрўси бўлиб, бахтга тўлиб юрган пайтларига гувоҳман. Мана шу кўрганларим, учрашганларим қоғозга тушса, Ғафур Ғулом қиёфасини оз бўлса-да, баҳоли қудрат, акс эттирар деган яхши ният билан ёзишга тутиндим.

«Вақт» шеърининг туғилиши ҳақидаги биринчи хотирам эълон қилинганда Ойбек бу ёруғ оламда йўқ эди.

Тошкентнинг Арпаоя маҳалласидаги биринчи уй Ғафур Ғуломники эди. Бу ҳовлида бутун дунё шоиру адибларининг йўллари кесишиб ўтган. Бу уйда ҳинд, араб, итальян, турк, чех, афгон, немис, англиз, куба, поляк, покистон, француз шоирлари мушоира тузишган. Бу уйда ўтмиш, бугун, эртанги адабиёт ҳақида қизғин баҳслар бўлган. Урта Осиё ва Қозоғистон, Кавказ адиблари бу уйни ўз уйларидек билишарди. Бу уйда мен Петр Павленкони, Луговскойни, Вера Инберни, Якуб Коласни, Микола Бажан, Тихонов, Симонов, Николай Погодин, Мухтор Аvezов, Собит Муқонов, Берди

Кербобоев, Самад Вурғун, Севунц, Жалол Икромий, Абашидзе, Турсунзода, Лоҳутий, Айнийни кўрганман.

Бу давраларда Ғафур Ғулом тўлиб-тошиб шеърлар ўқирди. Нимаки бисотида бўлса барини дастурхонга тўкарди. Ҳовлисида пишиб ётган гилосларни сават-сават қилиб ўртага қўярди. Шоирларнинг елкасига тўн ташлаб, бошига дўппи кийдиарди. Ўғил-қизлари одоб билан хизмат қилишарди.

Бу уй Ҳамид Ғулом, Мирмуҳсин, Туроб Тўла, Шукрулло, Асқад, Рамз, Шухрат каби шоирлар учун бир билим юрти эди.

Ана шунинг учун ҳам хотираларимнинг номини «Назм чорраҳасидан репортаж» деб атадим.

Мени ёзувчи қилган, адабиётнинг сирли-сеҳрли кўчаларидан омон олиб ўтган, хатойимга куйиб, ютуғимга қувонган устозим Ғафур Ғулом хотирасига ушбу китобимни бағишладим. Ва унинг ўз сатрлари билан ҳурматли ўқувчиларимизни назм чорраҳасига таклиф қиламан.

Олам билар, Фурқат кўча йўли бор,
Беруний майдони, ёшлар кўли бор.
Муқимий биносин худди сўли бор,
Кўрсатувчи милиционер қўли бор,
Визнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим.
Шеър ўқийлик Лутфийдан, Навоийдан,
Бедил, Фурқат, Пушкин ила Жомийдан.
Кейин қолмай замона айёmidан,
Дил ёрисин мисралар илҳомидан,
Визнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим.
Ҳар китобдир оиламиз офтоби,
Тирсиллайди кутубхона шкофи,
Кимники, деб сўрса меҳмон арбоби,
Ғафур деган бир Насриддин китоби,
Визнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим.

«Иигитлар» туғилган тонг

Ғафур ака сира одамсиз туролмасди. Ҳамма вақт уй тўла одам бўларди. Қирқ олтинчи йилнинг эрта куклами эди. Ғафур ака редакцияга телефон қилиб, кечқурун келишимни сўради.

— Бизникида ётиб қоласан, ойингга айтиб кел.

Мен Ғафур аканинг бунақа эркаликларини яхши билардим. Унинг қайсарлигию жиндек мақтанганнамо гаплашишлари, ёзилган ҳар бир тўртлик кетидан мақтаб турадиган битта одам зарурлигини биламан. Бошқалардан кўра у кишини мен келиштириб мақтардим. Узи ҳам бунга тан бериб:

— Мақташни сенгаю ёзишни менга чиқазган,— дерди.

Кечқурун бордим. Шеър ёзамиз деган одам бир уй меҳмон йиғиб улфатчилик қилиб ўтириптилар. Келин аямга:— Бу қанақаси бўлди?— дедим.

Муҳаррам опа кулди.

— Акангизнинг «касал»ларини биласиз-ку. У кишининг «бер-бер» касаллари бор.

Бу «касал»ни ҳам билардим. Уруш йиллари Ғафур ака ўзига теккан озиқ-овқат улушини олиб келганда, бизга ўхшаган камхарж ёшларга бўлиб берарди. Қўшниси, жуда ҳам яхши кўрган дўсти Мирзабдулла ака ҳам қуруқ қолмасди. Муҳаррам опа нолиб: «Болаларга ҳам қолсин», деганда, у кулиб: «Бер-бер» касалим борлигини биласиз-ку», деярди. Ҳозир Муҳаррам опа ўша воқеаларни эслатган эди.

— Бугун нашриётдан пул олган эканлар, «бер-бер» касаллари тутиб қолиб одам бошлаб келганлар. Бекор келибсиз, шеър бўлмаса керак энди.

Болохонадаги кабинетга чиқсам, полга жой қилинган. Дастурхон атрофида машҳур шоир, Бедилни ёд биладиган, ажойиб навоийшунос Боқий домла, Ғафур аканинг дўсти, яқинда Тошкентга кўчиб келган андижонлик шоир Сайфий домла, Ҳабибий домла ўтириштипти. Жами машшоқларнинг пири Юнус ака таҳсимчага чертиб хониш қилиб турипти.

Улфатларни кўриб, бугун шеър бўлмаслигига астойдил ишондим. Ғафур ака мени кўриб, хижолат тортигандан «лаганбардорлик» қилиб, меҳмонларга таништирди:

— Танишиб қўйинглар. Бу менинг шогирдим. Ўзимдан ўтиб кетган.— Шундан кейин у менга қаради.— Бўлдим, ё яна мақтайми?

Мулзам бўлиб бир чеккага ўтирдим.

Кун-кеча Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати деган номга сазовор бўлган Мирзо Улуғ у пайтда ёш бола эди. Ҳабибий домлага кўк чой дамлаб чиқаман деб дадасининг яхши кўрган кўк чойнагини синдириб қўйди. Шундан кейин Ғафур ака менга: «Чой-пойга ўзинг қараб тур», деб буюрдилар. Бу

пайт Боқий домла Умархон саройидаги шуаронинг пешқадам шоири Адо тўғрисида, унинг «Адо қаддини дол этмиш» сатри билан тугайдиган тўртлиги тўғрисида кўзларини юмиб гапираётган эдилар.

Боқий домла кексайиб қолган, қувват бўлади деб жиндек-жиндек коньяк ҳўплаб турардилар. Ғафур ака ҳазил қилиб:

— Шоирнинг сиёҳдони ичкарида бўлади. Домланинг сиёҳдонларига тез-тез шароб қўйиб турмаса, қуриб қолади,— деди.

Боқий домла кулиб Ғафур акага бир қарадилар. Тилларига қандоқ гап келганини сезган Ғафур ака у кишидан олдин гапириб қўяқолди:

— Албатта, биз ҳам шу неъматдан бебахра эмасмиз.

Бирдан кулги кўтарилди. Эшик ёжиллаб очилиб Мирзо Улуғ мени имлаб чақирди. Кетидан пастга тушдим.

Дарвоза олдида Ғайратий домла билан Ғафур ака хуш кўрмайдиган, жиндек ичкилик оғзига тегса, ҳеч кимга гап бермайдиган, ўзини-ўзи шоир атаб юрадиган танишимиз турипти. Бошлаб кирай десам, бу одам улфатларнинг суҳбатини совутади. Ғайратий домлага кўзимни қисиб:

— Ғафур ака уйда йўқлар,— дедим.

— Кираверайлик, келиб қоларлар,— деди у.

— Ҳали-бери келмайдилар. Дўрмондаги Ёзувчилар боғига кетганлар,— дедим.

У тураверди. Мен Ғайратий домлага:

— Ғафур ака сизга бир хат ташлаб кетган эдилар. Шуни олиб тушай,— дедим.

То болохонага чиққунимча мабодо турқи совуқ кириб қолса, одам борлигини билмасин, деб Ғафур ака остонадаги кавуш, калишларни йиғиб ичкарига опкириб қўйган экан. Уйдагилар жим. Биронтасидан садо чиқмасди. Овозимизни чақирилмаган меҳмон эшитиб қолмасин, деб бир-бирлари билан имлашиб гаплашишяпти.

Ғафур ака тиззасига қоғоз қўйиб, кўз юмиб очгунча нималарнидир ёзиб қўлимга берди.

Ўқидим:

«Ғайрато, ёнингдаги шилқимни барбод
айлагил,
Адресимиз Арпапоё, сен буни ёд айлагил.
Ҳам Юнус, Воқий, Ҳабибий тўти қушдек
интизор,
Тез келиб суҳбатаро базмимни обод
айлагил.

Сайфий домланинг исми-шарифларини шеърга қўшмадим. Бунга сабаб у киши заёмдан юз минг сўм ютганлар, ёмон ниятли одамлар сезмаслиги керак. Ҳозирча Сайфий домла секрет.

Сенга ҳурмат ила Мирза Абдул Ғафур Шоший, собиқ Қоратоший».

Хатни Ғайратийга бердим. Ўқиб чўнтагига солдию «меҳмон»ни бошлаб олиб кетди. Ярим соатлардан кейин кула-кула қайтиб келди.

Меҳмонлар ётиб қолишди. Муҳаррам опа то ярим кечагача ошхонада кўймаланиб қозон осди. Ғафур ака эрталабга сомса қилишни буюриб болохонага чиқиб кетди.

Соат учлардан ошганда Ғафур ака мени уйғотди. Қўлида қоғоз, кўз ойнаги пешонасида.

— Тур, илҳом париси. Шеър туғияпти, доялик қилиб юбор.

Дарров турдим. Кичик кабинетга кириб стулга ўтирдим. Уйқум қочмаганидан икки марта эснаган эдим, Ғафур аканинг жаҳли чиқиб кетди. Шуни ҳам айтиб қўяйки, Ғафур аканинг жаҳли чиққанда, қочилдан бошқа илож қолмасди. Дарров тавба қилдим. Кўрққанимдан уйқум ҳам қочиб кетди.

Ғафур ака тўртта тўртликни ёзиб бўлган экан. Кўкрагини кериб, худди радио дикторларига ўхшаб тантанали овозда ўқиди.

Бу унинг ҳозирда жуда машҳур бўлиб кетган «Йигитларга» деган шеърининг бошланиши эди.

Роса мақтадим. Ғафур ака суюниб кетиб:

— Юр, опангга ўқиб берамиз,— деб қолди.

Муҳаррам опа хамир қориб, ҳозиргина ётгани, то ярим кечагача меҳмонларга овқат пишириб чарчаганини айтдим. Ғафур ака ўйланиб туриб қолди. Унинг шеър ёзганда бировга ўқиб бермаса туролмайдиган, дарров фикр эшита қолсам, деган одати бор эди. Секин кириб, чироқни ёқмай, Ғайратий домлани уйғотиб чиқдим. Домла ўзига келмай анча пайтгача кўзини ишқаб ўтирди. Ғафур ака битта шарт қўйди:

— Бу ери ундоқ, бу ери мундоқ, дейдиган бўлсанг, кириб ётақол.

— Ғафур, мақтов масаласида мендан хотиржам бўлавер.

Ғафур ака болагидан дўсти, аччиқ-чучукни бирга татиган, шеър азобию роҳатини бирга баҳам кўрган ўртоғи олдида ёйилиб кетди. Эркаланиб шеърни ўқий бошлади.

Ҳозир худди кўриб тургандайман. Ғафур ака шеър ўқияпти. Ғайратий домла ҳўнг-ҳўнг йиғлаяпти.

Шеърнинг таъсири қай даражага етганидан ҳаяжонланиб кетган Ғафур ака шифтга анча вақтгача тикилиб турди-да, бирдан кўлига ручка олиб, араб алифбесига ўнгдан чапга қарата ёзиб кетди. У гоҳ шифтга тикилар, гоҳ менга, гоҳ Ғайратийнинг тугмаси солинмаган ёқасига қараб қоларди. У қарардио кўрмасди. Хаёли, фикри бошқа ёқда. Домла билан икковимиз қилт этмай ўтирибмиз.

Ғафур ака бир соатча гоҳ ёзиб, гоҳ ўчириб икки саҳифани тўлдирди.

Кейин кўзи очиқ бўлса ҳам тимирскиланиб столдаги «Қазбек»ни қидириб топди. Гугурт қақиб ўт олдирди, шу топда у папирос олганини ҳам, чекканини ҳам билмайди. Бу ишларни беихтиёр бажаряпти.

Шеър битганди. Энди оққа кўчириш қолганди. Утириб чиройли қилиб оқ қоғозга кўчирди. Кўзи ёриган хотиндай чарчаб ўзини стулга ташлади.

— Бўлди. Бўлди, оғайни,— деб шеърни Ғайратийга узатди.— Ўқи. Овоз чиқариб ўқи. Бир эшитай.

Домла иккита тўртликни ўқигандан кейин Ғафур ака сапчиб ўрнидан туриб кетди.

— Оғзингда нос борми, нима бало. Бу ёққа бер!

Шеърни унинг қўлидан юлиб олдио тик турганча маяковскийчасига қилиб оёғини икки томонга кериб, қўлини ҳавода силкитиб ўқий бошлади:

... Бир йигит ҳижрони баъзан
отанинг
Бағрини, дўстларим, доғ-доғ
ўртар...
Расо қоматингиз бизга асодир,
Уфуринг, богимиз бўлсин муаттар...

Ғафур ака шеърни ажиб бир шавқ билан ўқиди. Ҳаммамиз жимиб қолдик. Фақат Ғайратий домла бир оғизгина гап айтди:

— Саломат бўл, ўртоқ. Жонинг омон бўлсин.

Эрталаб нонушта пайтида Ғафур ака меҳмонларга шеърни ўқиб берди. Ҳаммага маъқул бўлди.

Тарқалиш пайти келди. Меҳмонларни кўчагача кузатиб чиқдик. Эрталабки тўй ошидан қайтиб келаётган чоллар кўчадан ўтишарди. Муқимий театри тарафдан устига кўмир орган иккита арава келарди. Кўмирчи аравакашлар қора телогрейкаларини елкаларига ташлаб, эгарга қийшиқ ўтиришарди. Радиодан «Чоргоҳ» ашуласи янграб қолди.

Ғафур ака кўча ўртасига тушиб аравакашга қичқирди:

— Тўхтат аравангни! Биласанми, ким ашула айтяпти. Мулла Тўйчи акам айтяптилар.

Ошдан келаётган чоллар тўхташди. Ҳамма жим. «Чоргоҳ»нинг мунгли, юракни ўртовчи оҳангларига тўлган бутун кўча жимиб қолганди.

«Чоргоҳ» тугади. Дикторнинг овози янгради:

«...Сиз Узбекистон халқ артисти Юнус Ражабий ижросида...»

Ғафур ака хижолат бўлиб Юнус акага қаради:

— Э, ўлинг, сизамдингиз.— Кейин у аравакашларга қичқирди:— Ҳайда, отингни! Чоллар ҳам, шоир меҳмонлар ҳам кулиб юборишди.

«Йигитлар» шеъри туғилган кечанинг тонги шу зайилда ёришган эди.

Тошкент таронаси

Шоирликни ҳавас қилган ёшлар Ғафур акадан, шеър қандоқ қилиб ёзилади, деб кўп сўрашарди. Шунда Ғафур ака ҳазил қилиб, жавоб қайтарарди:

— Шеър ёзиш учун аввал қўлни яхшилаб атир совун билан ювиш керак.

Ғафур ака ҳазилни жуда яхши кўрарди. Бир кун ундан, сиз ўз тенгдошларингиздан қайси ёзувчининг асарларини яхши кўрасиз, деб сўрадим. У кулмай, жиддий туриб жавоб қилди:

— Ўз тенгларимдан Ғафур Ғулломнинг шеърларини яхши кўраман, ўзимдан кичиклардан сенинг шеърларингни яхши кўраман.

— Ахир мен шеър ёзмайман-ку,— дедим кулиб.

Ғафур ака ҳам кулиб, жавоб қилди:

— Ғафур Ғуллом ёзган энг яхши шеърлар туғилаётганда, сен ёнида тургансан. Ёзмаган бўлсанг ҳам Ғафур Ғулломникига шериксан.

Мен яна бўш келмадим.

— Тўғриси айтинг, қайси бирининг ёзганлари сизга ёқади?

Ғафур ака бу саволга жавоб беришга ўнғайсизланди. Кўзига тикилиб тураверганимдан кейин айтишга мажбур бўлди.

— Ука, ҳаммамиз ҳам яхшимиз, ҳаммамизда ҳам озми-кўпми нуқсон бор. Тенгдошларимнинг бирини яхши, бирини ёмон дейишга сира тилим бормайди. Айт дединг, айтаман. Ойбекнинг кенглиги, Абдулланинг сиққлиги, Шайхзоданинг чуқурлиги, Уйғуннинг равонлиги, Миртемирнинг эркалиги менга жуда ёқади.

Кейин у бу гапни кенгроқ қилиб тушунтирди:

— Ойбек фикрни кенг қамраб олади. Айниқса, «Навоий» романи Ойбек ижоди ширага, ўзи ақлга тўлганлигини кўрсатади. Абдулла бошқалар бир саҳифада айтадиган гапни битта гапда айтади қўяди. Уйғун шеърларини ўқиганда бирон ерида қоқилмайман, ашулага ўхшаб ўзи оқиб келаверади. Шайхзода шеърлари фикр-ғиж ақлга тўла. Миртемирнинг шеърларини ўқисам яйраб кетаман. У шошилмай, эркаланиб ёзади.

Ғафур ака дўстларининг шеърятдаги хусусиятларини яхши сезар, фахрланарди.

Ғафур ака шеър ёзадиган куни сира жиддий гап айтмасди. Кечгача ҳазил қилар, ҳазилвон одамлар билан гаплашарди.

— Нега унақа қиласиз, ахир бугун шеър ёзмоқчисиз, жиддийроқ ўйласангиз-чи. Билиб қўйинг, эртанги газетадан шеър учун жой олиб қўйганмиз.

Ғафур ака кулади:

— Шеър ёзишдан олдин каллага дам бериш керак. Кулги, ҳазил дам олишнинг энг яхши усули. Ундан ташқари, кулги шоирда яхши кайфият уйғотади. Хурсанд бўлсам, шеър ўзидан-ўзи қуйилиб келаверади.

Ғафур ака тўғри айтаётган эди. Кайфияти яхши чоғларда катта шеърларни бир ўтиришда ёзиб туриб кетганини ўз кўзим билан кўрганман. Бирор нарсадан диққат бўлиб қолса, битай деб турган шеър ҳам қолиб кетарди. Унинг «Тошкент» деб аталмиш бекиёс гўзал шеъри ана шундай бир зарб билан ёзилган эди. Бу шеърни ўқиган ҳар бир киши шоирнинг қандай кайфиятда эканини ҳар бир сатрдан пайқаб, ҳис қилиб туради. Тошкентда тонг отаётганини, пойтахтнинг ғира-шира тонг палласидаги манзараси, уйғониш товшулари шоир юрагидан оқиб чиқиб ўқувчи қалбига киради. Бу шеър худди рассом ажиб бир манзара қаршисида туриб бўёқлар билан чизган сувратга ўхшайди. Эсимда бор, Ғафур аканикига минг тўққиз юз кирқ олтинчи йилнинг ўн биринчи ноябрида кечқурун боргандим. Ғафур ака дераза олдига ойна қўйиб башарасига совун суриб соқол олаётган экан. У ойнадан мени кўриб, жиндек сабр қил, деган ишора қилди. Ғафур ака сира уйда соқол олмасди. Доим сартарошхонага киради. Ҳайрон бўлдим. У бетини артиб жавоб қилди:

— Соқол олдирай десам, икки-уч хира ошман магазин олдида кутиб туришипти. Зиёфатга судрашмоқчи. Зухур полвон норин қилиб қақиряпти. Боргим йўқ. Чақириб келишган эди, опанг йўқ деворди. Ўзинг биласан, шеър ёзаётганда иягимга қўлимни қўйиб ўйлайман. Соқол ғашимни келтирмасин, деб ўзим опташай қолдим.

Унинг бу гапидан бугун албатта шеър ёзиб беришига ишондим. Бундан беш кун олдин у «Бахт тонготари» деган шеър ёзиб редакцияга олиб борган, шеър еттинчи ноябрь куни газетамизда босилиб чиққан эди.

Бугун у байрам кайфиятида, кечагина чиққан шеър тўғрисида ёр-биродарларидан, қаламкаш дўстларидан илиқ-иссиқ гаплар эшитган эди.

Уша кеч Ғафур ака худди сафарга отланаётгандек тайёрланарди.

Бедилнинг китобини топиб қўй, электр плитани, юқорига опчиқиб қўйди. Дутор мана буёқда турсин, шахматни столга қўй. «Вокруг света» журнали юзарақда турсин, хуррак отадиган бўлсанг нариги уйга чиқиб ёт. Опангга айт, янги рўмолча берсин...

Ғафур аканинг рафиқаси Муҳаррам опа кулади.

— Биров келса жуда суюлиб кетасиз-да. Ҳеч ким бўлмаса ўзлари ўтириб шеър ёзаверадилар. Биров келдими, тамом, уни у ёққа қўй, буну буёққа қўй. Операцияга ётадиган одамдай бесаранжом бўлиб қоладилар.

Сири очилиб қолгандан Ғафур аканинг ўзи ҳам кулади.

— Мана кўрдингми, бечора Ғафур Ғуломнинг аҳволини кўрдингми. Менга азоб бергани берган. Тағин ҳам бир амаллаб шеър ёзаман-да. Шунинг учун ҳам Навоий билан Муқимий бечоралар хотин олишмаган-да.

Ғафур ака ўз гапидан ўзи қотиб-қотиб кулади. Мен ҳам гап қистираман:

— Шунақа дейсизу, келин аямга бағишлаб неча шеър ёзгансиз?

— Қўрққанимдан лаганбардорлик қилиб ёзганман.

Муҳаррам опа кулиб чиқиб кетади.

Уша тун Ғафур ака дутор чалиб то ярим кечагача «Тановар»ни бир неча марта айтди. У бу қўшиқни жуда севарди. Баъзан секин хиргойи қилиб кўздан милт-милт ёш тўкарди. Бундай пайтларда ундан гап сўраб бўлмасди. Дуторни қўйиб Тўйчи ҳофизни эслади. Тўйчи ака билан қилган сўхбатлари, унинг ижрочилик маҳоратидан анча гапирди. Шу гапни тошкентлик машҳур Сайдахмад аскияга улади. Уз даврининг машҳур сўзамоли бўлган бу одамни Ғафур ака ажиб бир завқ билан гапирарди. Ундан кейин Абдулла фонусчи деган кишини, Тошкентда биринчи граммфон олиб келган, биринчи фоточи бўлган Илҳом самоварчининг қилган ишлари, Тошкентда от қўшиладиган конкага тушганини, Колизейда Юпатов циркни кўрганини айтиб берди.

Бу гаплардан мен Ғафур ака Тошкентнинг ўтмиши тўғрисида, Тошкентда ўтган машҳур кишилар тўғрисида бирон нима ёзса керак деб ўйладим.

Ғафур ака ўзига ерга жой солиб, стол лампасини ёстиғи ёнига қўйиб «Вокруг света» журналинини ўқишга тушиб кетди. Чарчаган эканман, ухлаб қолибман. Бир маҳал уйғонсам тонг отай деб қопти. Ғафур ака ўрнида йўқ.

Ғафур аканинг ҳозирги икки қаватли уйининг тепасидаги хоналардан бири ка-

бинет, бири меҳмонхона, ярми очиқ шийпон эди. Бу шийпондан бутун шаҳар, айниқса Бешёғоч гузари, Комсомол кўли, мутахассислар уйи очиқ кўришиб турарди.

Урнимдан туриб столга қарадим. Лампа стол четида, ўртадаги ялтироқ қоғозга икки варақ тўла шеър битилган. Аммо сарлавҳаси йўқ. Ғафур ака ўзи ўқиб бермаса, битмаган қўлёзмани бировга ўқитмасди, балога қолмай деб ўқимай шийпонга чиқдим.

Ғафур ака шийпон четида бағрини бериб, Комсомол кўли тарафга қараб папирос тутатиб ниманидир ўйлаяпти. Шу кўйи ярим соатча мен ҳам қимирламай туриб қолдим. Кўчалардан ҳали байрам шiorлари, байроқлар йиғиб олинмаган. Сарғайган барглр орасига осилган турли рангга бўялган лампочка шодалари ҳали ўчирилмаган эди. Энди тонг ёришяпти.

Ғафур ака папиросини кўчага қараб улоқтирдию шошиб ёнимдан ўтиб, ичкарига кирди. Орқасидан кирдим. У столга ўтирмас, тик турганича энгашиб ёзаяпти.

У ҳеч нарсани кўрмас, ҳеч қандай товушни эшитмасди.

Шу кўйи у ярим соатдан ортиқ тик туриб ёзди. Кейин ўтириб икки тўртликни ўчириб ташлади. Бу ҳам кифоя қилмагандек уша қоғозни ғижимлаб оёғи остига ташлади. Бир оздан кейин энгашиб олиб кўз ойнак тақиб ўқиди. Столга қўйиб худди дазмоллагандек қўллари билан текислади. Узоқ тикилиб ўтириб бошқа қоғозга ўша иккала тўртликни чиройли қилиб кўчириб олди. Ғижимланганини бурда-бурда қилиб йиртиб ташладида, у ёқдан-бу ёққа юриб қозикдаги дуторнинг битта ипини чертди. Уй ичида овознинг тарқалишини билмоқчи бўлиб бирпас қулоқ солиб турди. Яна чертди. Овоз айланмади шекилли, ҳафсаласи пир бўлиб битта-битта юриб ташқарига, чиқиб кетди.

Уй ичи тартибсиз бўлиб кетган эди. Гилам устида журналлар, чойнак ўртада, пиёла тўнкарилиб қолган, ўзи билан ўзи шахмат ўйнаган шекилли, тошлари сочилиб ётибди. Уй ичи папирос тутунига тўлиб кетганидан кўзим ачирди.

Кийиниб орқасидан чиқдим. У бояги жойда яна ўшандоқ турибди. Энди тонг ёришган, анҳор четидаги теракларнинг учи шам пилигидек қип-қизил бўлиб турарди.

Ғафур ака менга қарамай кўлини силтади:

— Бирпас сабр қил!

У гапини тугатмаёқ шарт бурилдию ичкарига кириб кетди. Зум ўтмай тўрт варақ қоғоз кўтариб чиқди.

— Бўлди. Ғафур Ғуломнинг шеъри битди.

Унинг башарасида шундай ғалати қувонч бор эдики, ҳеч қачон уни бунақа кайфиятда кўрмаган эдим.

Кўп донолар шоиру ёзувчиларни ҳомиладор хотинга ўхшатишади. «Агар ҳомиладор хотин тўққиз ою тўққиз кунга етказмай туғса, бола майиб туғилади. Шоир ё ёзувчи ҳам калласидаги гапини меъёрига етказмай ёзса, майиб асар «туғилади», дейишади.

Ғафур ака кечаси билан уриниб кўзи ёриганга ўхшарди. Унинг кўзларида ҳам қувонч, ҳам чарчоқ бор эди.

У ўзини тетик тутушга уринарди. Янги туғилган шеър қувончи уни тутиб турарди.

Пастда Муҳаррам опанинг оёқ товуши эшитилди.

Бу шеърнинг ҳам ҳар галгидек биринчи ўқувчиси шоирнинг энг яқин дўсти Муҳаррам опа бўлди.

Ғафур Ғуломнинг бу шеъри пойтахтимиз шаънига айтилган энг яхши шеърй тарона эди.

Ижодкор обрўси

Қирқ еттинчи йилнинг февраль ойи бўлса керак. Ердан энди қор кетган. Ўзбекистон ССР Олий Советига сайловлар тараддуси қизғин тус олган пайт эди.

Эрталаб радиодан яхши бир хабар эшитиб қолдим. Ғафур акани Самарқанд область Ургут районидаги Қоратепа сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишибди.

Бу хушxabар билан табриклагани Ғафур аканикига бордим.

— Жуда вақтида келдингда, уйингга одам юбормоқчи эдим. Ҳамидга одам кетди, ҳозир келади... Кечқурун учовимиз Самарқандга кетадиган бўлиб қолдик. Ургутда сайловчилар билан учрашув ўтказилар экан. Бирга ҳамроҳ бўласизлар. Ҳозир поездга билет буюриб қўйишимиз керак...

Самарқандга кетаётганимизни эшитиб Ўздавнашрдаги ўртоқлар Садриддин Айнийнинг янгигина босмадан чиққан «Судхўрнинг ўлими» китобидан бир неча нусхасини домлага топширишимизни сўраб қолишди. Йигирма нусха китобни чамадонимга солиб қўйдим. С. Айнийнинг бу асари урушдан олдин ёзилиб, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» журналида босилган, китоб ҳолида энди нашр қилиниши эди. Домла мендан икки-уч марта «китоб чиқдими?» деб сўраган эдилар.

Уша кун и учовимиз кечки поездга чиқдик. Купенинг иккита пастки, битта юқори полкаси бизга теккан эди. Юкларни қўйиб, энди ўтирган ҳам эдикки, бўйнига бут осган бир поп кириб келди. У юкни юқори полкага ташлаб қайтиб ташқарига чиқиб кетди.

Уруш тугаган бўлса ҳам ҳали тирикчилик яхши изга тушмаган, нон карточкаси тугатилмаган пайтлар эди. Шунинг учун Муҳаррам опа йўлда ейиш учун у-бу пишириб берган эди. Ҳамид Фулом билан мен ҳали ёш, унча-мунча ичкиликдан қайтмайдиган пайтларимиз эди. Йўлда эрмак бўлади деб бир-икки шиша ичкилик ҳам олган эдик. Купемизга бегона киши, яна диндор кишининг киргани бизга унчалик ёқмаган эди.

— Кўяверларинг,— деди Ғафур ака,— бунақаларнинг кўпи билан гаплашганман. Поплар жуда ичадиган бўлади. Бир-икки пиёлани босиб-босиб берсақ, ухлайди-колади.

Гап гапга улашиб Иван Грознийга бориб қадалди. Грозний Қозонни босиб олгани шарофига «Василий Блаженный» ибодатхонаси қурилгани, Пушкин «Гаврилиада» достони учун монастырь судига тушишига оз қолганини Ғафур Фулом айтиб берди.

Бу оддий чуст дўппили кишининг шунчалик билимдонлигига поп ҳайрон эди. Вақт алламаҳал бўлиб қояган, ётиб ухлаш керак эди. Аммо икковининг гапи сира тугамасди. У Ғафур аканинг кимлигини билгиси келардию шунча вақт ўтиб энди сўрашга ийманарди. Хуллас, у билан Самарқанд вокзалида ажрашдик. Очиғи уни станцияда йўқотиб қўйдик. Чунки самарқандлик шоирлар устозни кутишга кўпчилик бўлиб чиқишган эди. Улар билан овора бўлиб полни унутиб қўйган эдик.

Учрашувга яна икки кун бор экан. Самарқанд ёзувчилари шу яхши фурсатдан фойдаланиб Ғафур ака ижодига бағишлаб область театрининг қишк биносига катта адабий кеча ташкил қилишган экан. Кўчаларда «Академик, Давлат мукофотининг лауреати, орденли шоир Ғафур Фуломнинг ижодий кечаси бўлади» деган катта босма афишалар ёпиштирилган эди.

Юкларимизни обком боғидаги хонага жойлаштирганимиздан кейин Ғафур ака бир гап айтиб қолди.

— Кечкурун театрда бўламиз, эртага яна бирон иш чиқади, индинга Ургутга кетамиз. Ҳозир бир-икки соат вақтимиз бор экан, фир этиб бориб Айний домлани зиёрат қилиб келайлик. Борсақ, у киши кўп хурсанд бўладилар. Шундай қилайлик, Ҳамид, сен икки шиша коньяк топ, бурунбой, сен беш-олтита лимон топиб кел. Домланинг унча-мунча коньяк отиб турадиган одатлари бор. Лимонга ҳам ўчоқлар.

Ҳамид Фулом билан икковимиз магазинлардан айтилган нарсаларни тополмай охири ресторандан топдик. Уччовлон пиёда Регистон тарафга йўл олдик.

Садриддин Айнийнинг ҳовлиси шундоққина Регистон тагида эди. Дарвозаси ҳам Шердор дарвозасига қараб турарди.

Домла уйда эканлар. Бизни кўриб жуда қувониб кетдилар. Ғафур ака билан бел олиб кўришдилар.

Домлани пулга, харжга анча пишиқроқлар дейишарди. Биз кечгача домланинг уйларида меҳмон бўлиб, бу хусусиятларни сезмадик. Дастурхон ноз-неъматларга тўлиб кетган эди. Ғафур аканинг бунақа пайтларда жиндақ «шайтонлик» қилиш одати бор эди. Боя биз ресторандан олган нарсаларни дастурхон устига қўяркан, бизга кўзини қисиб қўйиб деди:

— Домла, сизнинг оз-оз коньяк нўш қилишингизни биламан. Аэропортда лётчик укаларим кўп. Домланинг олдиларига кетяпман, қайси бирларинг Кавказга учсаларинг иккитагина коньяк билан беш-олтита лиму опкелларинг, деб тайинлаган эдим. Кеча уйга ташлаб кетишпти. Иккита лимуни болалар еб қўйишпти, кечира-сиз.

Домланинг кўзларидан ёш чиқиб кетгудек бўлди.

— Барака топинг, мулла Абду Ғафур. Лиму кўп шифоли нарса бўлади. Буни бировга бермай эҳтиётлаб ейман.

Домла севиниб кетганларидан шошиб ўринларидан турдилар.

— Сиз мулла Абду Ғафур бозорнинг нишоллосидан еманг. Қаллоб улар. Сизга мен ўзим нишолло қилиб бераман.

Домла шундай деб ташқарига чиқиб кетдилар. Ҳамид Фулом билан иккаламиз ялт этиб Ғафур акага қарадик.

— Домлани алдадингиз-а.

— Бировни хурсанд қила олсан, ёлғон гап ҳам яхши бўлади. Кўрдингми, домла эриб кетдилар. Ҳозир чилчўп опкелиб ўзлари нишолда қилиб берадилар.

Дарҳақиқат, домла кичкинагина мис қозон, чилчў билан кириб келдилар.

Китобни домланинг олдиларига қўйдим. Шошиб кичкинагина пичоқча билан боғичларини кесиб биттасини олдилар-да, кўзларига яқин келтириб варақладилар. Кейин менга қараб: «Хайрият чиқибди, раҳмат, болам», деб қўйдилар.

Ана шундан кейин учовимизга биттадан китобга дастхат ёздилар. Менга ёзганлариди шундай сўзлар бор эди:

«Уртоқ Саид Аҳмадга дўстлик эсдалиги. Айний. 4. II. 47».

Ғафур ака менга секин қараб: «Домла сени дўстим дедилар», деб қўйдилар. У кишининг ёшларига нисбатан мени дўстим дейишлари Ғафур акага эриш туюлган

эди. Кейинчалик қаерда Айний ҳақида гап кетса, «Саид Аҳмаднинг дўсти», деб кулиб юрарди.

Нишолда тайёрлаш асносида суҳбат қизиб кетди. Гапни Ғафур ака бошлаб қўйган эди.

— Домла, анчадан бери битта гапнинг маънисини чақолмай юраман. Эрталабки таомни нонушта дейишади. На форсда, на арабда бор бу сўз. Туркий халқларда ҳам бунга маъни бериб бўлмайди. Сал-пал форсга яқин боради-ю, маъни ажратиб бўлмайди.

Домла қўлларидаги чилчўпни қозончада қолдириб, телпак кийдирилган чойнакдан пиёлага чой қуйиб, ўйланиб қолдилар.

Биз икки буюк шахснинг суҳбатига жимгина қулоқ солиб ўтирардик. Айний домла чойни ичиб бўлиб, пиёлани эҳтиётлик билан дастурхон четига қўйдилар. Узоқ ўйладилар.

— Менимча ҳам, форсий маъни топиш қийин. Лекин бари бир топамиз. Икковимиз бир бўлиб битта гапга маъни беролмасак, ёзувчилигимиз қаёққа борарди.

— Тўғри айтдингиз, домла. «Но» қўшимчаси форс сўзларида ишлатилади. Туркийда у бутунлай маънисини йўқотиб қўяди. Менимча, нонушта бузиб айтилган сўз бўлиши керак-да.

— Тўғри, мулла Абду Ғафур. Нонушанинг маъниси шуки, оч қоринга ейилган таом. Нонушта эмас, ношито дейиш керак.

Форс тили баҳона бўлиб Бедил ижоди ўртага тушиб қолди. Домла Айний шу кунларда самарқандлик олим Иброҳим Мўминовнинг Бедил фалсафасига бағишланган диссертацияга оппонентлик қилаётганларини айтдилар.

Ғафур ака Узбекистондаги бедилхонларнинг энг зўри ҳисобланарди. Қулфи дили очилиб кетиб домла билан форсгўйлик қилиб кетди.

У Бедил шеърларини ёд айтар, форс тилининг ажиб бир гўзал оҳанглариини жуда назик ўқирди. Айний домла унга маҳлиё бўлиб ора-сира балле, балле, деб кўярди.

— Хой, менга қаранг, диссертация куни чақиртирайми сизни? Хоҳласангиз, диссертация билан танишишингиз мумкин. Зиён қилмайсиз.

Ғафур ака шу кунларда иши жуда кўплиги, академия бир нечта аспирантларини боғлаб қўйганини эслатиб, узр айтди.

Ғафур ака табиатан бетоқат одам бўлганидан кетишнинг пайига тушиб қолган эди.

— Хай, энди нишоллони ёмай кетасизми, болалар ҳозир қиёмини келтуради.

Домланинг қизлари каструлкада буғи чиқиб турган қиёмни олиб кирди. Бирпасда нишолда ҳам тайёр бўлди. Очигини айтсам, умримда ҳали бунақа хуштаъм нишолда емаганман. Домла, ҳақиқатан ҳам, нишолда уста эканлар.

— Э, ҳали сиз мени пухорча мойли ҳалвомни емабсиз.

Вақт пешинда оққанда домла бизни Регистон майдонига олиб чиқдилар. Ғафур аканинг, сиз қолинг, уриниб қоласиз, дейишига қарамай домла биз билан Регистон айлангани чиқдилар. Ғафур аканинг оёқни катта-катта ташлаб тез юрадиган одати бор эди. Домланинг ҳасса билан имиллаб юришларига тоқати етмас эди.

— Э, дўстингга айт, қола қолсинлар.

Ғафур ака рост айтган эканлар, домла чарчаб қолдилар.

— Хай, майли. Энди мен орқага қайтай. Кетгунингизча яна бир келинг. Энди ҳалво пишириб бераман.

Домла Тошкентдаги ёр-биродарларга салом айтишимизни тайинлаб орқага қайтдилар.

То ётоқхонамизга келгунимизча бўлган суҳбатларнинг таъсиридан чиқолмасдим. Борган сари Ғафур аканинг билимдонлигига, ҳозиржавоблигига қойил қолардим. Бу китобларни қачон ўқиган? Форс тилини қачон ўрганган? Ундоқ десам, қозоқ билан қозоқча, татар билан татарча, уйғур билан уйғурча тутилмай гаплашади. Фақат тилларинигина билиб қолмай, адабиётлари, урф-одатлари, қўшиқларини ҳам яхши билади. Уйғурча «Садр полвон» кўшигини айтиб бир сомсапаз уйғурни йиғлатганини ўз кўзим билан кўрганман. Уша қўшиқ шундай бошланарди:

Евмилдан қочган чоғда
сочим бир қулоч ўлди.
Евмилдан қочган чоғда
қовурғам пичоқ ўлди»

Кечаги поезддаги суҳбатга нима деса бўлади? Динларни билиши, уларнинг реакцияи моҳиятини ўртага қуйиб, бир дин арбобини мот қилиши...

Бу нарсаларга ажабланмай бўлмас эди.

Мана ҳозир Регистон ансамбли олдидан ўтяпмиз. Олдинда Ғафур ака Ҳамид Ғулом билан гаплашиб кетяпти. Орқада мен уларнинг гапларига қулоқ солиб бораман.

Ғафур ака Самарқанд тарихи, айниқса, тарихнинг Алишер Навоий ҳаётига боғлиқ томонларидан гапириб борарди. Баъзан тўхтаб, кўзойнагини қўлига олиб, пештоқлардаги араб, форс тилларида ёзилган шикаста хатларга тикилиб қоларди.

Регистон майдонига кирдик. Ғафур ака жимиб қолганди. У гўё улуғ боболар

босган тупрокни оёқ ости қилишни истамагандек авайлаб юраётганга ўхшарди. Гапирганида илгаригича баланд овоз билан эмас, шивирлаб гапирарди.

— Мана шу ердан неча марта Навоий юрган. Мана шу пештоқларга тикилиб не-не хаёлларга борган экан... Манаву тўғридаги нақшин эшикдан Улуғбек неча бор кириб, неча бор чиққан. Ажаб!..

Ғафур аканинг бола табиатлилигини яхши билардим. Сал нарсадан қувониб, сал нарсага мўлт-мўлт кўз ёши тўкканини ҳам кўп кўрганман. Оббо, шу топда йиғлаб юборса нима қиламиз, деб ўйлаб унга қарадим. Уйлаганим тўғри чиқди. Ғафур аканинг икки кўзи жиққа ёш эди. Шундай пайтларда уни алахситиш керак эди.

— Менга қаранг, Ғафур ака, бунақа қиладиган бўлсангиз эртага сайловчилар билан бўладиган учрашувда, йиғлоқи депутат олиб келдик, деб айтамыз.

Ғафур ака дарров ҳушини йиғди.

— Ҳа, шайтон, сезиб қолдинг-а. Шу топда ҳаёл ўлгир олиб қочган экан. Навоий билан гаплашаётган эдим. Сухбат жуда ширин жойига келганда хаёлни бўлиб қуйдинг. Шеър туғилаётган эди-я!

... Дарахшон юлдузлар сари

ўқирган,

Бўйнида занжиру, қалби озод шер

Инсоний муҳаббат, меҳр ила вафо,

Эрку бахт тимсоли улуғ Алишер.

Албатта битта зўр шеър ёзаман. Ёзиб қўй, кейин эсимдан чиқиб қолмасин.

(Орадан бир йил ўтиб Навоийнинг беш юз йиллик юбилеи кунларида Ғафур ака Навоийга бағишланган шеърини ёзди. Шеърнинг олтинчи тўртлиги бўлиб юқоридagi сатрлар шундоқлигича киритилган эди).

Самарқанд сафаримиз ниҳоятда қизиқ воқеалар, айниқса, буюк шоирнинг ҳали мен учун очилмаган томонларини кўрсатадиган воқеалар билан тўлиб тошган эди. Театр сахнасида шоир шаънига айтилган қайноқ сўзлар, унга бағишланган шеърлар сира эсимдан чиқмайди.

Ургутдаги сайловчилар билан бўлган учрашувларда сайловчилар олдида унинг айтган ажойиб сўзларини, ўқиган шеърларини ўз қулоғим билан эшитиб, ҳақиқатан ҳам Ғафур Ғулумнинг халқ билан бирлигига, ижодининг нақадар халқчиллигига тан берган эдим.

Самарқанд сафарини тугатиб қайтишимиз илғор пахтакорларнинг республика қурултойи очилиши арафасига тўғри келган эди.

Биз тушган поезд состави Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Самарқанд области вакиллари билан тўлган эди. Ҳар бир вагонда зиёфат.

Ғафур Ғулум номини эшитиб, ўзини кўришни орзу қилган узоқ қишлоқ деҳқонлари вагонимизга келиб, ўтириб олишар, ё илтимос қилиб бизни ўз вагонларига олиб кетишарди.

То Тошкентга етиб келгунимизча сухбат, ўйин-кулги давом этди.

Сафардан қайтишимиздаги сухбатлар менга Ғафур аканинг яна янги бир томонини очиб берди.

Домла Зарафшон водийсини ҳам ниҳоятда яхши билар экан. Бухоролик билан гаплашганда қишлоқлардаги танишлари, борган тўйлари, ўша ердаги илғор чорвадорларни номма-ном айтиб берарди. Ҳатто қайси шевада гапиришини айтиб уларни кулдиради.

Сал фурсат ўтмай сайлов бўлди. Ғафур Ғулум Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати, деган юксак шарафга муяссар бўлди...

«Шум бола»нинг давоми

Ўттизинчи йиллар Ғафур аканинг ижоди ширага тўлган, адабиётнинг деярли ҳамма жанрларида тинмай ёзарди. «Қизил Ўзбекистон»да шеъри босилган бўлса, ўша кун «Ёш ленинчи»да ҳикояси ҳам босиларди. Фельетон, очерк, публицистик мақола, Маяковский ё Асеевдан таржима ёки бирон областдаги янги тузилган колхоздан хабар...

Хуллас, Ғафур ака ўйин-кулгига ҳам, ёзишга ҳам, Инжиқобод боғига бориб, деҳқончилик қилишга ҳам вақт топарди. Бирон кун ҳам тек турмасди.

Газетада ҳикояси босилган кун Ғафур ака, албатта, эски шахар расталарини, гузарларини айланиб юрарди. Ҳикояси одамларга қандай таъсир қилганини билгиси келарди.

Бу пайтларда Ғафур ака кулги ҳикоялари устаси сифатида ном чиқарган эди. Ўттиз иккинчи йилда «Нетай» қиссасини ёзди. Ана шундан кейин унинг фақат кулги томонларини тасвирлаш билан чегараланмай, инсондаги кучли психологик ҳолатларни тасвирлашга ҳам ниҳоятда уста эканлиги маълум бўлди. «Соаялар» ҳикояси ундаги шу хусусиятни янада аққол кўрсатди.

Ғафур ака ёзишдан тинмасди. Ҳамманинг оғзига тушган «Кўкан»дан кейин «Икки васиқа», «Тўй» деган дostonларни ёзди. Адабиёт ишқибозлари бу дostonларнинг мағзини чақиб улгурмаёқ Ғафур ака ўнлаб ҳикоя, очерк, фельетонлар ёзди. Уттиз олтинчи йилга келиб у бирдан икки катта қиссани эълон қилди. Бири «Ёдгор», бири машҳур «Шум бола».

«Ғулистон» журнали «Ёдгор»ни боса бошлади. «Муштум» эса бутун йил давомида «Шум бола»нинг саргузаштларини босди.

Бу журналларнинг навбатдаги сонлари чиққанда газета киоскаси олдида сон-саноксиз навбат пайдо бўлди.

«Шум бола»нинг учинчи қисми ёзилаётганда мен Ғафур аканинг ёнида эдим. Очикроғи, қиссани тезроқ қўлга киритиш учун «Муштум»дан мени Ғафур аканинг уйига «командировка» қилишган эди.

Уйига борганимда Ғафур ака йўқ, қўлёзма стол устида тахланганча турарди. Ғафур ака менга қўлёзмасини ишонарди. Чунки араб алифбесини билганим учун унинг шеър ва ҳикояларини машинисткаларга диктовга қилганман.

Стол устидаги қўлёзмаларни варақлай бошладим. Шуни ҳам айтиб қўяйки, журналистик қиссани битмаёқ эълон қила бошлади. Ғафур ака навбатдаги бобларни пешма-пеш келтириб турарди. Бирон сабаб бўлиб Ғафур ака командировкага кетиб қолса, журналхонлар олдида хижолат бўлиб қолишдан қўрқарди. Шунинг учун ҳам Ғафур аканинг ҳол-жонига қўймай саҳарлаб уйига бориб олардим. Мен борганимда қисса охирига қолган, Шум бола Тошкентга қайтиб Кўса Маддох ҳикояларини тинглаб турган пайтда тўхтаган эди.

Домла Шоаҳмад акани кузатгани чиқиб кетган эканлар. Келиб сал хижолат чек-кандек бўлдилар.

— Битказолмадик, укажон, нима қилсанг қил, вой деган номард!

— Шу бугун олиб кетмасам, мени «Муштум»дан ҳайдаб юборишади.

Домла кўчага чиқиб кетиш учун ўзини у ёқ-бу ёққа ташлаб, баҳоналар қидира бошлади. Эплотмади. Охири ёзув столига ўтирди.

— Бўпти. Шу бугун «Шум бола»га нуқта қўйиб бераман. Сен чиқиб Эски Жўвадан битта «Казбек» опкелиб бер. Мен ёзиб тураман.

Ғафур ака мени ишга буюриб, қочиб қолишини билиб турибман. Мухаррам опа: «Хушёр бўлинг, акангиз Мирза Абдулла ака билан аллақайёққа кетишмоқчи», деб айтиб қўйган эди. Нима қилишимни билмай қолдим. Ҳовлига чиқсам, Жўраҳон шимини чўткалаётган экан.

— Жон ука, битта папирос опкелиб беринг,— деб ялиндим. Жўраҳон пулни олиб, зинғиллаганча кетди.

(Жўраҳон Ғафур аканинг фронтда ҳалок бўлган ўғли. Қирқ биринчи йили «Соғиниш» шеърини унга бағишлаган эди). У Мирза Абдулла аканинг ўғли Фатхулланнинг велосипедада кетган экан, бирпасда папиросни олиб келди: Ғафур ака энди ҳеч қандай баҳона тополмай қолди.

— Қув бола экансан. Мени енгдинг.

Ана шундан кейин Ғафур ака оғзи ён тарафдан қўйилган сиёҳдонга ручкани тикиб, ўйлаб кетди. Ручкани сиёҳдондан чиқазмай турибоқ ҳиринглаб кула бошлади.

— Қизиғи келди, антиқаси келди. Агар эртага ёзганимда бу гап ё келарди, ё келмасди.

Ғафур ака ручкани қитирлатиб ёза бошлади.

Ҳожи бобонинг Шум болага иссиқ нонни орқалатиб, эзмаланиб гапириб кетаётган жойи эди. Қоғозга шундай сўзлар ёзилди:

«— Ҳа, шунақа болам. Ота-она дунёга мўрт келади. Энди битта она топсанг бўлди. Ота ўз оёғи билан келади...»

Бу ёзилаётган сатрлар қиссанинг учинчи қисмига хотима бўлиши керак. Ҳожи бобо образи бутун қисса давомида учрамаган, бутунлай янги персонаж эди. Воқеа Тошкент четидаги такялардан бирида ўтгапти. Бунда кўкнори балосига учраган турли табақага мансуб кишилар иштирок этади. Ғафур ака икки образни фавқулодда бир маҳорат билан чизарди. Ҳожи бобо билан ҳинд саррофи санъаткорона чизилган портретлар эди.

— Ҳожи бобога марҳум даданинг кўп қизиқ хислатларини, сўзларини шундоққина ёзиб қўяқолдим. Дадам ҳам кўчада юрганларида ҳассаларининг учи билан йўлдаги қоғозларни титиб кўрардилар, нон тушиб қолган бўлса олиб ўпардилар, кўзларига суртиб, кейин девор қавагидами, баландроқ жойгами қўярдилар. Ҳожи бобо ҳам шунақа қилади.

Шу баҳона бўлиб, Ғафур ака Тошкент бозорларида одамларнинг пулларини майдалаб фойда кўраётган ҳинд саррофлари тўғрисида гап-риб берди.

— Ҳинд сурмасидек яхши сурма дунёда бўлмайди. Бунга Тошкент қизлари, келинчаклари яхши билишарди. Ҳинд саррофлари ўтадиган кўча тупроғига бармоқлари билан кўндаланг чирик тортиб қўйсалар, ҳинд ундан ўтолмасди. Сурма бергандагина улар чирикни кафтлари билан ўчириб ташлардилар. Шундан кейингина сарроф ўтиб кетарди. Умуман, ўша пайтларда хина, сурма сотадиган ҳиндлар, қоғоз гул сотадиган, фокус кўрсатадиган хитойлар кўп бўларди. Қиссага киритилган ҳинд саррофи ўшаларнинг умумлашган образи бўлди.

Хуллас, ўша кунни мен ҳовлида қоровул бўлиб ўтирдим. Ғафур ака гоҳ мени сўкиб, гоҳ мақтаб қиссага охириги нуқтани қўйди.

Умуман, Ғафур акани ёзув столи ёнига ўтқазиб олиш қийин, эди. Бир ўтириб олгандан кейин турмасди. Айниқса, шеър бўлса битта тўртлик, ҳикоя бўлса биринчи саҳифа тўлгандан кейин ўзи ҳам қизиқиб кетиб то асар битмагунча ўрнидан турмасди. Аввалига хиралик қилиб, кўзига ёмон кўринардик. Кейин асар битганидан кейин ўзи миннатдорчилик билдирарди.

— Хўп иш қилдинг-да. Баҳона билан битта ҳикоя туғилиб қолди. Маладес.

Бу қиссанинг дунёга келишида Ғафур аканинг болалик ўртоғи, журналист, уста стенограф Шоаҳмад Шораҳмедовнинг хизматлари катта бўлган. У биринчи бўлиб шу қиссани ёзишга ундаган, ўзи стенографлик қилиб, адабнинг оғзидан чиққан жумла-ларни сўзма-сўз ёзиб борган. Қиссанинг ҳамма қисмларини ўша киши ёзиб олганлар.

Ғафур ака билан ҳаммиша ёнма-ён бўлган талантили таржимон Ваҳоб Рўзиматов ҳам Ғафур аканинг жуда кўп ҳикоя, шеър ва фелъетонларини ёзиб олган эди.

«Шум бола»нинг учинчи қисми ҳам «Муштум»да давомли босилиб, журнал қўлма-қўл бўлиб кетди.

Бу эса Ғафур Ғулом шуҳратига яна шуҳрат қўшди.

Кейинчалик, уруш йиллари ҳам, урушдан кейинги йилларда ҳам Ғафур ака «Шум бола»ни қўлга олиб варақлар, ўқиб, кулиб-кулиб қўярди.

1947 йилнинг охирида Ғафур ака яна «Шум бола»ни кўп гапирадиган бўлиб қолди.

Бир кунни Ғафур ака ўзи туғилган Қўрғонтеги маҳалласига бир ўртоғининг тўйига бориб келди. У ерда бирга ўсган ўртоқларини учратганини, кўчаларда айланганини, онасини танийдиган кампирлардан бир-иккитасини кўрганини айтди.

— Менга савод ўргатган, биринчи ҳарфни танитган домламни кўрдим. Юсуфулло қори ҳаёт эканлар. Уйларига кириб зиёрат қилиб чиқдим. Биласанми, ўзимизнинг шоирча Шукрулло у кишининг арзанда ўғиллари экан.

Ғафур ака икки-уч кун хаёлчан юрди...

— «Шум бола» яна тинч қўймапти. Бир балоларни ёзворгим келяпти.— Шундан кейин Ғафур ака қиссанинг тўртинчи қисмини ёзмоқчилигини, ҳатто баъзи бир бобларини ўйлаганини айтди.

Ўйлаган бобларидан баъзилари эсимда қолган.

Ҳинд саррофи Шум болага Ҳиндистонни кўп мақтарди. «Ҳиндистонда қўй текин, она-бола фил биттанга, нон дарахтда пишади», дерди. Шум болада Ҳиндистонга бориш иштиёқи туғилиб қолади. Тақиядан орттирган чақаларини эҳтиёт қилиб Ҳиндистон сафарига тайёрланиб юради. Эрмакталаблар уни лақиллатишади: Ҳиндистонда фил кўп бўлганидан занжир етмас эмиш, кўпроқ темир занжир олиш керак. Ҳиндистонда илон ўйнатадиганлар чалиш учун ҳуштакка зор. Йигирма-ўттизта чулдироқ ҳуштак ола кетиш керак. Иложи бўлса, Тўйчи ҳофизнинг пластинкасидан элликтача, самовар карнайдан қирқтача ола кет, деб маслаҳат беришди.

Шум бола бу гапларга ишонди. Занжир, ҳуштак, пластинка, самовар карнайларни орқалаб пиёда йўлга тушди.

Қисса сюжети тайёр эди. Аммо Ғафур ака ёзишга шошилмасди, сабабини сўраганимда, у киши шундай деб жавоб берган эдилар:

— Айнидим. «Шум бола» ёзилганига ўн йилдан ошди. Мен, ўн йил олдинги Ғафур Ғулом, ҳозирги билимим, маҳоратим билан қиссани бошқатдан ёзиб чиқишим, ундан кейин давомига ўтиришим керак. Бари бир таҳрир қилмаганимда ҳам Ҳиндистонни кўрмай туриб, қандай қилиб қахрамонимни у ёққа олиб бораман.

Шундай қилиб, қиссанинг тўртинчи қисми қолиб кетди.

Аммо Ғафур ака уни ёзмаганидан афсусланган пайтлари ҳам кўп бўлган.

— Муни қара, ёзаверсак бўларкан. Бари бир «Шум бола» Ҳиндистонга бормасди. Шунча юк билан бориб бўлармиди. Уратепада қолиб кетарди. Аттганг. Ушанда сен бўшлик қилгансан, хиралик қилганингда, шу қисса дунёга келиб қоларди.

Минг тўққиз юз олтимиш иккинчи йили Ғафур ака «Шум бола»ни қўлига олди. Шу қиссанинг биринчи сатрларидан бошлаб стенография усулида ёзиб олган Шоаҳмад Шораҳмедов Ғафур акани ишга солди. Қисса бошдан-оёқ таҳрир қиличди. Янги боблар киритилди. Ҳожи бобо образига жуда кўп деталлар қўшилди.

Айниқса, қиссанинг бош қисми, охири, ўрталарида ўзгаришлар бўлди. Ғафур Ғулом «Шум бола» қиссасини салкам йигирма беш йил ишлади, десам янглиш бўлмайди. Қиссанинг биринчи ва иккинчи қисмлари 1936 йилда ёзиб тугатилган. Учинчи қисми қирқинчи йилларнинг охирида тугатилган. Олтмишинчи йилларнинг бошларида қайта таҳрир қилинган.

Ғафур ака ҳаётлигида босилиб чиққан охириги нашрини қўлига олганда, китобни ўпиб кўзига суртганди.

— Тамом, энди бўлди,— деди кўзлари яшнаб.

— Нега?— дедим.— Бир қизиқиб кетсангиз, бу ёғини ҳам ёзворасиз.

— Йўқ. Бу ёғини энди сизлар ёзасизлар. Сен ёзасан. Шум бола энди академик, лауреат, депутат...

Ғафур ака «Шум бола»нинг Москва телевидениеси орқали намойиш қилинган телепостановкасини кўролмади. У орамиздан кетган эди.

Кўрганда қандай севинарди.

Ҳар гал «Шум бола»ни қўлимга олганимда устозни ўйлаб кетаман. Бу қисса ёзилаётган пайтдаги унинг кулгилари қулоғимга эшитилади. Бир кўзини қисиб «қотирдимми!» дегандек мақтанганнамо қарашлари шундоққина кўриниб кетади.

Буюк қаламкаш билан бирга кечирган кунларимиз, сафарларимиз, ижодхонасидаги сокин, фақат ручканинг қитирлашигина хотиримда жонланаверади, жонланаверади...

Шоирнинг рафиқаси

Бағишлов

Ҳовлимда икки туп гилос бор. Менимча, Тошкентда бу гилосдан олдин пишадигани бўлмаса керак.

Минг тўққиз юз олтмиш олтинчи йилнинг ўн саккизинчи апрель куни эрталаб эшик тақиллаб қолди. Чиқсам Ғафур Ғулом турипти. Ичкарига таклиф қилдим. Бундан уч кун аввал Ғафур аканинг биздан икки ҳовли нарида турадиган бир таниши вафот қилган эди. Бирга бориб, кўнгил сўраб чиқамиз, деб азонлаб келган экан.

Ичкарига кирдик. Ҳовлидаги гилоснинг пастки шохлари пишганини кўриб, Ғафур ака ҳайрон бўлди.

— Шу пайтда ҳам гилос пишар эканми?

Мен у кишидан табаррук қилиб биринчи узиб беришларини сўрадим.

Ғафур ака чўзилиб бир-икки дона узган бўлди. Кейин мен кичкина шотича кўйиб саватчага териб тушдим-да, тақсимчага солиб дастурхонга қўйдим. Ғафур ака бир-икки донани оғзига солиб, энди бас, деди.

— Агар шунини мен учун узган бўлсанг, битта қоғозга ўраб бер. Опангга омонликқа олиб бораман,— дедилар.

Ҳазиллашгим келди.

— Хотинингизни мунча яхши кўрмасангиз!

Ғафур ака кулди.

— Сен нима деб ўтирибсан. Опангни менинг кўзим билан кўр. Шундоқ ўйилларнинг онаси-я.

Мен у кишига қараб ғалати қилиб кулдим. Ғафур ака бу кулгининг маъносига етди.

— Нима демоқчилигингни билиб турипман. Ғафур Ғуломдек бесаранжом, мулоқимлигидан кўра тажанглиги кўп, ёш боладек инжиқ одам билан бир умр яшаб келаётгани учун ҳам яхши кўрасиз, демоқчисан, топдимми?

— Қойилман!— дедим.

— Баракалла. Дунёда шоирга хотин бўлишдек қийин нарса йўқ. Опанг шунга чидаяптими, тасанно!

Ғафур ака ҳақиқатан ҳам рафиқаси Муҳаррам опани жуда яхши кўрарди.

Кўп сафарларда бирга юрганман, Ғафур ака бирон яхши нарса кўрса опага илинади.

Минг тўққиз юз олтмиш биринчи йилнинг октябр ойида Арманистонда эдик. Декада қатнашчиларига жуда кўп ёдгорликларни кўрсатишди. Икки-уч минг йиллик иморатлар, тошга айланган неча минг йиллик китобларни кўрганимизда, Ғафур ака: «Аттанг, опангни ҳам олиб келсам бўларкан, кўрарди», деб ўқинди.

Сафарларда юрганда Муҳаррам опани тез-тез тилга олиб қоларди. Самарқандга борганда, албатта, бозорга тушиб, жувоздан чиқазилган ёғ қидирарди.

— Опанг жувоз мойидан қилинган ошни яхши кўради.

Ёки Марғилонга бориб қолса, ўзи машинада келган бўлишига қарамай, Марғилон луччагидан бир сават тўлдириб олиб, самолётда учиб келарди.

— Опангнинг оғзи тегсин.

Марғилон сафаридан, албатта, Муҳаррам опага атлас олмай қайтмасди. Хотинини қанчалик яхши кўришини билардим.

Аввал Москвада бўлган бир воқеани айтмай.

Ғафур аканинг олтмиш йиллик юбилеи Москвада ҳам ўтган эди. Адабиётчиларнинг Марказий уйига Ғафур аканинг ихлосмандлари йиғилган эди. Машхур турк шоири Нозим Ҳикмат ҳаммадан олдин келиб Ғафур акани бағрига босди. Николай Тихонов назокат билан аввал Муҳаррам опа билан кўришиб, кўлини ўпди-да, кейин Ғафур аканинг олдига келди.

— Олтмишга кирибдию, қирчиллама йигит-а! Хотини яхши бўлса керак бунинг!— деди кулиб. Муҳаррам опа мени туртиб қулоғимга шивирлади:

— Хайрият хотини яхши дейдиганлар ҳам бор экан.

Шундан кейин Ғафур аканинг шаънига, ана ундоқ-мана бундоқ деган мақтовлар ёғилиб кетди. Ғафур ака суюлиб, бизни унутиб қўйиб, ўртоқлари билан гапга тушиб кетди.

Муҳаррам опа эрининг бу қувончига ич-ичидан севинарди. Зал одамга тўлиб, Москва шоирлари, артисту рассомлари бу оташин шоирнинг муборак олтмиш ёши билан чин юракдан табрикладилар. Концертдан кейин СССР Ёзувчилар союзи катта зиёфат берди. Зиёфатда ҳам яна Ғафур ака шаънига чиройли гаплар бўлди. Бу гал Сергей Васильев деган атоқли рус шоири Ғафур аканинг «Бизнинг уйга қўйиб ўтинг, дўстларим!» деган шеърини, ўз таржимасида ўқиб берди-да, кейин шу уйнинг онахони Муҳаррамхоним саломатлигига қадаҳ кўтаришни таклиф қилди.

Муҳаррам опанинг юзидаги, кўзидаги аллақандай ийманишни кўриб турардим. Ортиқча ҳашамларга ўрганмаган, шундоқ буюк бир шоирнинг рафиқаси бўлишига қарамай, жуда оддий, тортинчоқ бу аёлнинг қалбида нималар бўлаётганини сезиб турардим.

Кечқурун меҳмонхонага келганимизда, опадан, боя мажлисда ўтирганингизда нималарни уйладингиз, деб сўрадим.

— Акангиз кўп ичиб қўямасинлар-да, деб ўйлаб ўтирдим,— деб жавоб қилди.

— Йўқ, тўғриси айтинг?— дедим.

Муҳаррам опа жилмайди.

— Очиғини айтсам, кўп нарсалар хаёлимдан ўтди. Акангиз шеър ёзадиган кечаси ўзлари ҳам ухламайдилар, мени ҳам ухлатмайдилар. Икки сатр ёзсалар ҳам, дарров чиқиб ўқиб берадилар. Агар ухлаб қолгудек бўлсам, уйғотиб ўқиб берадилар. Мажлисда мақталаётган шеърлар қандоқ ёзилганини ўйлаётган эдим. Ростини айтсам, битта шеър битгунча неча папирос чекканларидан тортиб, неча марта чой дамлаб берганимгача хаёлимдан ўтди.

Ҳаммамизда ҳам ўзимизга яраша жаҳл, инжиқлик бор. Аммо Ғафур аканики бошқаларникидан сал ортиқроқ юрарди. Умуман, Ғафур аканинг шодлиги ҳам, жаҳли ҳам баландроқ пардада турарди.

Мана шунақа инжиқликларга фақат Муҳаррам опа чидарди. Ғафур аканинг бир яхши одати бор эди. Жаҳл устида кимни хафа қилса, эртасига ё уйига бориб, ё чақиртириб ундан узор сўрарди. Кечгача машинасида олиб юриб, кечаги хафачиликни кўнгилдан чиқариб юборарди.

Муҳаррам опага эса Ғафур ака бир қошини бармоғи билан кўтариб, учирга-бўларди-да жилмайиб:

— Сиз ўзимникисиз,— дерди.

Ғафур ака Муҳаррам опанинг елкасига қўлини ташлаб куларди.

— Яқинда «Қаҳрамон она» деган унвоп чиқади. Ушанда биттасини олиб бераман. Ғафур ғулумга мард хотин тегади. Инсоф билан айтинг, сизга неча шеър бағишлаганман?

Дарҳақиқат, Ғафур ака бу жафокаш, ҳеч қачон нолишни билмаган хотинга қанчалаб қайноқ шеърлар битган. Шеърлар шоирнинг ич-ичидан кўшиқдек отилиб чиққан мисралар эди:—

Жонланиб ўзинг айт, қайси сўз билан,

Сенинг мақтовингни куйлайин, қоғоз!

Дўстим Муҳаррамга ошиқ кўз билан

Вир умр термилдим, икковинг мумтоз.

Қалба муҳаббат бўлмай туриб, бирга кечган умрдан рози бўлмай туриб бундай сатрларни битиб бўладими?!

Олмас бетоб. Москва қасалхонаси палатасида у кўкка боқиб ётибди. Муҳаррам опа бемор бошида мижжа қоқмай оплоқ тонглари оттирди. Ўзининг ҳам, бировнинг ҳам дардига тоб беролмайдиган Ғафур ака озиб, юзида ажинлари кўпайиб қолди. Москва билан Тошкент орасида безовта қатнай бошлади.

Шоир учун оғир бўлган ўша олтмиш иккинчи йилнинг ёзидан икковимиз почтага бордик. Ғафур ака Москвага посилка жўнатар эди.

Яшиқда турли мева-чевалардан ташқари сув пуркалган ток баргига ўралган икки сиқим ўсма ҳам бор эди.

— Хотин киши ҳар қандай шароитда ҳам хотин. Шунини унутмаслик керак. Она-бола палатада ўтириб бир ўсма қўйишин, дедим-да.

Ғафур ака сермеҳмон одам эди. Эртадан то қора кечгача меҳмон кутиш осон гап эмас. Бу қийин иш аёллар зиммасида бўлади. Муҳаррам опанинг оёғи ошхонадан, қўли қозондан узилмасди. Меҳмонларни назокат билан кутиб, назокат билан кузатарди.

Ғафур ака серхарж, кўча-кўйда улфатчиликка ишқибоз одам. Аммо асло рўзғорни кам қилмасди. Эрта билан кўкка бозорига бориб болаларига қатиқ, қаймоқ, иссиқ нон ҳарж қилиб келарди. Уйидан мева-чева узилмасди.

Ғафур аканинг ўзи шунчалик шўх, шунчалик ўйинқароқ бўлгани билан болаларига қаттиқ турарди. Шунча болани вояга етказиб биронтасининг орқасидан ёмон гап эшитмади. У болаларини эркалатишни ҳам биларди, ортиқча шўхлик қилгудек бўлса, танбеҳ беришни ҳам биларди.

Ғафур ака кўпдан бери бил нарсани орзу қилиб юрарди.

— Опанг бир этак бола билан ўралашиб қолди. Мана, бу ёғига неваралар ҳам кўпаяпти. Куч-қуввати бор вақтида бир узоқ жойларни айлантисам.

Ғафур ака бу ниятини ҳам амалга оширди. Опа билан иккови бутун Европани айланишди. Улар сузмаган денгиз қолмади.

Бу шоирнинг ўз рафиқасига қатор-қатор болаларни меҳр билан тарбиялагани, бирга кечган энг ширин, энг бахтиёр кунлар учун миннатдорчилиги эди.

Мен Ғафур аканинг сўнгги марта «Муштур» редакцияси жойлашган иккинчи қават зинасида учратдим. Мирмуҳсин билан тушлик қилиб чиқаётган эдик. Уша куни биз овқат қилаётганимизда олти балдан ортиқ куч билан ер қимирлаган эди. Ҳаммамиз овқатни ташлаб ҳовлига тушган эдик. Қайтиб кираётсак Ғафур ака пиллапоя панжарасига суяниб турибди. Мирмуҳсин:

— Қўрқингизми, домла!— деб сўради. Ғафур аканинг ранги оқарган эди.

Дарров кўшни хонадан стул олиб чиқиб, қўйиб бердик. Ғафур ака нафасини ростлаб, менга деди:

— Опанга телефон қил. Акам тинч, деб айт, ўзи тинчмикин. Болалар кўрқмадимикан, шуни билиб бер. Кейин у Мирмуҳсиннинг саволига жавоб берди:— Қўрқдим, акаси. Нега кўрқмас эканман. Болаларим бор. Опанг бор. Невараларим бор. Албатта кўрқаман-да.

Унинг бу гапи шоирона кўтаринкиликдан холи, ўзини ботир кўрсатишга бегона, самимий инсонча гап эди.

Бу киши билан сўнгги учрашувимиз шу эканини мен қайдан билай!

Шоирнинг дилкаш қалами энди ёзув столи устида қимирламай мунгли ётибди.

Шоирнинг иш кабинетини энди жимжит.

Муҳаррам опа «Қазбек» тутунининг ҳиди ўрнашиб қолган бу хонада аста-секин қадам босиб юради. Жавондаги китоблар, чала қолган саҳифалар олдида узоқ-узоқ туриб қолади. Қулоғига шоирнинг овози эшитилгандек бўлади:

Ўғлимнинг тароғи кўйрак чўнтакка
Янглишиб тушибди: мендек бўйи бор.
Оёғи мандан-ку бир номер ортиқ,
Жаҳонга қадамни қўймоқ эйтибор.

Уэр эт Муҳаррам соч ювар чоғда:

— Янглишиб кийибди костюмингизни
Ўттиз йил ҳидладим мен сочингизни,
Ҳиди анқиб кетди нечун бу боғда...

Шоирнинг рафиқаси жим, хонада ҳамон кезади. Кўз олдига биринчи фарзанд қувончи келди. Жураҳоннинг шаҳид бўлгани тўғрисидаги қорахат пайдо бўлди... Шоирнинг изтироблари. Академияга сайланган кундаги шодликлар: «Шарқдан келаётирман» китобининг довуғи. СССР Давлат мукофоти эълон қилинган кундаги дўстлар қутлови. Халқ сийлаб Олий Советга сайланган кундаги қувонч. Ҳозир ойнабанд шкафда осиглиқ турган костюм ёқасидаги қатор орденларнинг ҳар бири эълон қилинган кун, дўстлар, ёр-биродарлар тўплаган зиёфатлар, ҳаммаси-ҳаммаси худди кечагина бўлиб ўтгандек...

Радио хушxabар келтирди. Ғафур Ғуломга улуғ Ленин номидаги юксак мукофот берилди. Афсус, минг афсус, ўзи ҳаёт бўлганда бу тонгни у қандоқ кутиб оларди! Уй одамга тўларди. Даврада эркаланиб, ҳар бир меҳмонга биттадан матал тўқиб, кутиб оларди.

Шоирнинг рафиқаси Катта Кремль саройида. У Ленин мукофоти Давлат комитети раисининг қўлидан улуғ дохий чеҳраси туширилган олтин медални қабул қилиб олар экан, бир қалқиди. Мижжалари орасида ёш йилтираб қолди. У ҳаяжонда эди. Ҳам қувонч, ҳам ўкинч бор эди унинг дилида.

У зерҳал билан битилган дипломини бағрига босганича саройдан чиқар экан, кўздан дув ёш оқиб кетди.

У Қизил майдон оралаб меҳмонхонага қайтганда номерда яна бир хушxabар кутиб турарди. Столи устида телеграмма «Ойижон, Улуғ акамга Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти берилди. Табриклайман. Олмос».

Муҳаррам опанинг кўзидан ёш қўйилиб келаверди, келаверди...

Бир кун туз ичган уйга қирқ кун салом бер, дейдилар.

Ҳурматли Муҳаррам опа! Мен уйингизда устоз таълимини олганман. Дастур-хонингиздан нон ушатиб еганман.

Нону туз хурмаги ушбу сатрларни битдим.

«Вақт»нинг туғилиши

(Бир шеър тарихи)

Бутун илҳомини, талантини, билиму билагонлигини халқига, халқининг орзу-умидларига бағишламаган ёзувчи чинакам халқ ёзувчиси бўлмайди.

Ажойиб сўз санъаткорлари қолдирган мерос — бадий адабиёт хазинамизга кўз ташласак, бутун умрини халқи манфаатлари йўлига сарфлаган катта талантларни кўраимиз.

Ғафур Ғулом ана шундай беназир санъаткор эди. У бирон дақиқа халқидан четда, халқининг ниятларидан узилиб қолмади.

Мен мана шу фахр-ғурур билан тилга олинадиган зукко санъаткор билан ўттиз йилдан ортиқ бирга бўлганимдан ҳаммиша фахрланиб юраман.

Ғафур Ғулом менинг кўз олдимда жуда кўп шеърлар ёзган. Фақат ўзбек совет адабиётининггина эмас, Бутун иттифоқ адабиётида фахрли ўрин олган етук шеърлар ёзилаётганида ёнида эдим. Адабиётимиз тарихини яратишда ҳар биримиз, улуғ воқеалар ғувоҳи бўлган кишилар, ўша қайтариб бўлмас дақиқаларни қоғозга тушириб қолдиришимиз керак.

(Бу ўринда ўзбек романчилигини бошлаб берган Абдулла Қодирий романлари қай тариқа яратилгани ҳақида шу адибнинг ўғли Ҳабибулла Қодирий мақолалари жуда яхши иш бўлганлигини эслатиб ўтмоқчиман).

Биз бир қанча ёш ёзувчилар Ғафур Ғуломдан, Ойбекдан, Ҳамид Олимжондан, Абдулла Қаҳҳордан, Шайхзодадан таълим олганмиз. Улар билан бирга сафарларда бўлганмиз, уларнинг ижодхоналарига кирганмиз. Суҳбатларида қатнашганмиз.

Демак, биз шу муҳтарам адибу шоирларимизнинг хотираси олдида қарздор-миз. Уларнинг ижод жараёнларини, хусусиятларини, халқ оғзига тушиб кетган кўшиқларини, ҳар бир хонадоннинг мулки бўлиб қолган китоблари қай тариқа яратилганлигини тарихга қолдиришимиз керак.

Мен Ғафур ака билан узоқ йиллар ота-боладек бирга бўлганим, беқиёс гўзал, сермаъно шеърларининг ёзилишида ёнида бўлганим учун ҳам бу зукко шоирнинг ижод жараёнини яхши биламан.

Маълумки, ҳар қандай ўткир шоирнинг ҳам ҳамма ёзгани яхши, аъло шеърлари орасида унинг бутун ижодий кучини, санъаткорлик чўққисини белгилаб берадиган бир неча шеърлари бўлади.

Мен Ғафур Ғуломнинг ана шундай шеърларидан «Турксиб йўлларида», «Соғиниш», «Сен етим эмассан», «Вақт», «Қозоқ элининг тўйи» ва «Алишер» каби шеърларини биламан.

Бу шеърлар ҳақида вақти соати билан гаплашамиз. Ҳозир мен жуда машҳур бўлиб кетган «Вақт» шеърининг ёзилишини айтиб бермоқчиман.

Уруш тугаган йилнинг куз ойлари эди. 1945 йилнинг ўн саккизинчи сентябри бўлса керак. Уша пайтларда мен «Қизил Ўзбекистон» газетасида фельетончи эдим. Уша куни эрталаб ишга келишим билан редактор чақирди. У менга Ғафур акадан бир шеър ундиришни тайинлади.

— Ғафур ака билан гаплашдим, «килҳом париси» келса ёзаман, деяптилар.

Ғафур ака мени «килҳом париси» деб атарди. Чунки мен редакция топшириғи билан у кишидан кўп шеър ундирганман. Икковимиз ҳам тез тил топишиб кетардик. Бошқа одам борса, гап гапга қовушмай, шеър унмай қоларди. Шунинг учун ҳам шеър зарур бўлганда мени юборишарди. Дарров Ғафур аканинг уйларига телефон қилдим.

— Хабарим бор,— деди Ғафур ака.— Пешиндан кейин кел. Кечгача мен билан валақлашиб юрсанг, шеър бўлади, бўлмаса йўқ.

Мен рози бўлдим. Тайинланган вақтда уйларига бордим. Домла уйда йўқ эканлар. Кабинетларига кириб, бирон нима ўқиб ўтирмакчи бўлдим. Стол устидаги бир тахта қоғозга менинг суратимни чизиб, икки елкамдан кемтик қанот чиқазиб қўйиптилар. Тагида шундай ёзув бор:

«Илҳом париси», мен аптекага чиқиб кетдим. Келгунимча учиб кетмагин деб қанотларингни қирқиб қўйдим. Ғафур аканг».

Шуни ҳам айтиб қўяйки, Ғафур ака унча-мунча ўртоқлик ҳазили сувратларини чизиб турардилар. Айниқса Шайхзода, Туроб Тўла, Темур Фаттоҳ, Маннон Уйғур, кейин ўзларининг сувратларини жуда кулгили қилиб чизардилар. Менинг сувратимни бўлса кўз юмиб чизардилар.

Домла ўша куни мени кечгача овора қилдилар. Феълларини билганимдан халақит бермадим. Кеч бўлди. Қоронғи тушди. Домланинг шеър ёзиб бериш нияти йўққа ўхшарди.

— Менга қара,— дедилар.— Ке, шу ишни эртага қолдирайлик.

Мен кўнмадим. Эртага эрталаб шеърсиз редакцияга борсам, редактор хафа қилишини айтдим.

— Азонда ёзамиз. Бўлтимиз? Ғафур Ғуломнинг гапи битта бўлади. Тамом. Яхши шеър ёзаман, деган шоир кечқурун палов еб ётиши керак. Ҳозир икковимиз ош қиламиз.

Кўнмай иложим йўқ эди. Ошдан кейин то ярим кечагача Бедил ўқиб меъносини тушунтириб берар, афанди айтиб куларди. Билиб турибман, домла шеър ёзиш олди-дан руҳини енгиллатмоқчи, ўзига яхши кайфият яратмоқчи. Ётиш олдида билагадаги соатни ечиб, кўзойнак тақиб қаради.

— Бўлди,— деди домла қайта ўрнидан туриб.— Шеър тайёр. Комил Алиев шундай деган эди: «Сарлавҳаси билан тагида ёзиладиган ўз номинг нақд бўлса, асаринг битди деявер». Шеърнинг номи билан тагидаги Ғафур Ғуломи битди.

У кишига савол назари билан қарадим.

— Жияним Ҳамидулла ўтган куни шу соатни совға қилган эди. Шу соатга бағишлаб шеър ёзаман.

Бошқатдан кийиниб ўтириб олдик. Мен пастга тушиб чой дамлаб чиқдим. Столга чойнакни қўя туриб қарасам, шеърнинг икки сатри ёзилиб қопти:

Гунча очилгунча ўтган фурсатни
Капалак умрига қиёс этгулик.

Хаёлини бузмаслик учун чой қуйиб стол қирғоғига қўйдим. Қараб турибман. Фафур ака ўйлаяпти. Кўзи гоҳ шифтга тикилар, гоҳ қошлари чимирилиб, худди уришмоқчи бўлгандек менга ёмон қараб қоларди. Биламан, бунақа пайтда Фафур ака қарагани билан мени кўрмайди. Хаёлида яратаётган нарсасинигина кўради. Ручкани сиёҳдонга зарда билан ботирди-ю, ёза кетди:

Гоҳида бир муддат олгулик нафас...

Бу сатрни шошиб ўчирди-ю, бошқатдан ёзди:

Баъзида бир нафас олгулик муддат
Минг юлдуз сўниши учун етгулик.

Шундан кейин ўчиб қолган папиросини сўрди. Ёнмаганидан гугурт қақиб менга қаради.

— Қалай? Мана уни Фафуровский шеър дейилади.

Фафур аканинг бутун хусусиятларини яхши билиб олган эдим. Шунақа пайтда мақтаб қўйсанг руҳи кўтарилиб кетади-ю, ажиб бир ғайрат билан ишга тушади.

— Э, қойил қийвордингиз, Фуломуп ака.

— Жим тур, аралашма. Келиб қолди.

Яна ручкани олиб бир оз ўйлади-ю, жуда ҳам тез ёза бошлади. Сўзлар қофияси билан, вазни билан, маъноси билан қуйилиб келарди. Ручкани тез-тез сиёҳдонга ботирар, ҳуснихат билан устидан ўчирмай кетма-кет ўн икки сатрни дам олмай ёзиб бўлди.

Энди дам олади деб ўйлаб нимадир демоқчи эдим, қўлини силтаб гапиртирмади. Ўрнидан туриб у ёқ-бу ёққа юрди. Яна ўтирди, яна ёзди. Бу гал иккита тўртлик ёзди. Қимирлагани кўрқаман. Фафур аканинг ёмон одати бор эди. Бирон нарсани ўзи бузиб қўйса ҳам, аламини бошқа одамдан оларди.

Стол устидаги соат чиқиллаб турибди. Секин қарадим. Тўрт ярим. Тонг отишига ҳали анча вақт бор. Ишқилиб шеър чала қолмасинда, деб кўрқаман. Бу ёғига чарчаб қолди шекилли, бармоқларини шақирлатиб менга қаради.

— Энди бўлар-а?

— Йўғе,— дедим. Фафур Фулом бўла туриб шунақа калта шеър ёзасизми? Шеър деган газетада битта қараганда кўринадиган бўлиши керак.

— Шошма ҳали, айтадиган гап кўп.

Уй тутун бўлиб кетган эди. Деразани очиб шамоллатдик. Ўзимиз болохонадан паства тушиб ҳовлида айланиб юрдик.

Шаҳар жимжит. Трамвайлар ҳам ётган. Фафур ака папирос тутатиб кулди.

— Бу шоирлик ҳам ажаб ғалати ҳунар экан-да. Одам боласики бор ҳаммаси мазаза қилиб ухляпти. Биз магазин қоровулидек кўз юммаймиз.

Домланинг ҳазилига ҳазил қилдим:

— Хўп, шеърни-ку, сиз ёзасиз, эртага пулини ҳам сиз оласиз, мен нимага юрипман.

— Сенми, сен,— деди озроқ ўйланиб Фафур ака.— Сен Фафур Фулом қанақа қилиб шеър ёзишини мақола қилиб пул оласан. Менданам сенга маза.

Тонг ёришай деб қолди. Индамасам шеър қолиб кетадиган. Юқорига чиқишни қистадим. Фафур ака анча совуб қолган экан, кўнгли тилар-тиламас юқорига чиқди.

— Илҳом париси бўлганда ҳам жудаям хира илҳом париси экансан.

Аччиқ чойдан кейин мен яна қимирламай ўтирибман. Фафур ака ручкани қитир-патарди.*

Тонг ёришиб, биринчи трамвай ўтганда шеърнинг охириги сатри ёзилаётган эди. Фафур ака аллақандай маза қилиш билан тагига чизди-ю, ўрнидан турди.

— Мана ўқи.

— Ёзаётганингиздаёқ ўқиб қўйганман,— дедим.

— Бўлди, тамом!

— Йўқ,— дедим.— Тамом бўлгани йўқ. Менга қаранг, Фафур ака.— Домлани жиндек мақтаб ишга солмоқчи бўлдим.— Навоий ҳам, Машраб ҳам, умуман илгариги шоирлар шеърларининг охирига «кетур соқий» деган гап қўшиб қўярдилар. Нима, Фафур Фуломнинг ўшалардан камлиги борми?

Фафур ака ўйланиб турди-да, дарров ручкани олди.

— Фафур Фуломники бошқача бўлади. Фафур Фуломники Фафуровский бўлади.— У шундай деб ёзишга тушиб кетди. Бирпасда охириги тўртлик битди:

Ҳаёт шаробидан бир култум ютай, Қуёш-ку фалақда кезиб юрипти,
Косани тўлдиргн умрзоқ соқий. Урмимиз боқийдир; умримиз боқий.

Шу билан тонг отар пайтда Фафур Фулом номини жуда узоқ элларга олиб борган шеърга нуқта қўйилди. Бу шеър улкан шоирнинг фалсафий қудратини, сўз санъат-корлигини, ҳаёт ҳодисаларини ниҳоятда чуқур билишини намойиш қилган эди.

Шуни ҳам айтиб қўяйки, бу шеърни биринчи ўқиган киши Маннон Уйғур эди. Уша куни шеър завқи билан Ғафур ака эрталаб ҳам жиндек мизғиб олмади. Наргари-бери чой ичишиб кўчага чиқди. Ҳали вақтли, идоралар очилмаган. Бешёғочдан пиёда кетяпмиз. Уқчига яқин қолганда мутахассислар уйи олдида тўхтаб, балконда папирос чекиб ўтирган Маннон Уйғурни чақирди. Оға пастга тушиши билан саломалик қилиб ўтирмай ёнидан шеърни олдию, ўқиб берди.

Уйғур оға Ғафур аканинг феълени яхши биларди. Мўлжалдан ўтказиб мақтади. Гапларни эшитиб Аббор Ҳидоятгов ҳам чиқди. Домла унга ҳам ўқиб бердилар. Унинг ҳам мактовини эшитиб хотиржам бўлди.

Редакцияга шеърни топшириб, тинчиган Ғафур ака билан трамвай остановкасига келганимизда қўлимни қаттиқ қисдилар:

— Раҳмат, ука. Агар сен хиралик қилиб туриб олмаганингда ким билади, бу шеър ёзилармиди, йўқмиди.

Эртасига шеър газетанинг биринчи бетида босилиб чиқди. Сал кун ўтмай шу шеър рус тилига таржима бўлиб, «Правда»да босилди.

Ғафур Фулом номини яна бир поғона юқорига кўтарган «Вақт» шеъри шу тариқа минг тўққиз юз қирқ бешинчи йилнинг ўн тўққизинчи сентябрь тонг отарида дунёга келганди.

1969, 5 февраль.

Севинч кўзёшлари

Минг тўққиз юз қирқ учинчи йилнинг куз кечаларидан бирида «Қизил Ўзбекистон» редакциясига Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Совети раисининг ўринбосари Султон Умаров кириб келди. Уша кеча мен редакцияда навбатчилик қилардим. У пайтларда газета жуда кеч босмага бериларди. Кўпинча Олий Бош Қўмондоннинг биронта шахарни душман панжасидан озод қилган кўшинларга буйруғи кечаси радио орқали эълон қилинарди. Бу хушxabар газетанинг биринчи саҳифасида эълон қилиниши шарт эди.

Султон Умаровнинг бемаҳалда, кечаси соат ўн бирдан ошганда келиши кутилмаган ҳол эди. Умаров редактор кабинетига узоқ қолиб кетди. Бир маҳал қабулхона эшиги тепасидаги кўнғироқ жириглаб қолди. Кирдим. Редактор қизил папкадан уч-тўрт варақ қоғоз олиб менга берди.

— Таржимон Шербек Алиев кетиб қолган. Рихсивой билан икковинглар зудлик билан таржима қилинглр. Ҳозироқ теришга тушириш керак.

Ташқарига чиқиб бу муҳим ҳужжат нима эканлигини билиш учун варақлаб қарадим. Бу Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Советининг республикада Фанлар академиясини ташкил қилиш тўғрисида ва ҳамда биринчи академикларни белгилаш тўғрисидаги иккита қарори эди. Шошиб рўйхатга қарадим. Академиклар ичида менга таниш кишиларнинг ҳам номлари бор. Фахрий аъзолар қаторида Садриддин Айний, ҳақиқий аъзолар орасида Ойбек, Ғафур Фулом, мухбир аъзолар рўйхатида Ҳамид Олимжон билан Олим Шарафиддиновлар бор эди.

Муҳаррир ўринбосари Рихси Сахибобоев билан иккимиз қарорни таржима қилиб, редакторга олиб кирдик. Султон Умаровнинг ўзи таржимани диққат билан кўздан кечириб, бир хўрсиниб қўйди. Кейин Ражабовга қараб, ҳасрат билан деди:

— Агар тирик бўлганда, Азиз албатта академиклар сафида бўларди...

У киши айтган Азизни мен танирдим. У урушдан олдин узоқ йиллар Самарқанд Давлат университетига раҳбарлик қилган ва урушнинг бошларида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида фан бўлимининг бошлиғи бўлган, кейин ўз аризаси билан фронтга жўнаб кетган Азиз Валиев эди. Қирқ учинчи йилда политрук майор Валиевнинг Украинани озод қилиш учун олиб борилган жангларда мардларча ҳалок бўлгани ҳақида қоррахат келган эди. Шу топда Умаров билан Ражабов бу истеъдодли олимни эсга олгандилар.

Уша кечаси Олий Бош Қўмондон буйруғи келмай, газета тонга яқин босмага олинди.

Нима бўлса ҳам бугунги хушxabарни Ғафур акага вақтлироқ етказиб, хурсанд қилмоқчи эдим.

Газета босила бошлаши билан икки-уч нусхасини олдиму биринчи трамвай билан Ғафур аканингга жўнадим. Ҳали тонг отмаган, кўчада биринчи сменага кетаётган ишчилардан бошқа ҳеч ким йўқ эди.

Ғафур ака ўша вақтда Қадивотдаги уйда яшарди. Ҳали кўча эшиги очилмаган экан. Узоқ тақиллатдим. Муҳаррам опа эшикни очди. Бемаҳалда келишимдан ташвишланиб, олазарак бўлиб қолди.

— Тинчликми? Нима гап бўлди?

— Э, хурсандчилик. Акзми чақиринг.

— Кечаси ишлаган эдилар. Тонготарга яқин ётганлар. Агар жуда зарур гап бўлмаса уйғотмай қўяқолайлик. Озроқ ухласинлар.

Муҳаррам опага газеталарни кўрсатиб Ғафур аканинг академик бўлганларини айтганимдан кейин шошиб уйга, кириб кетди. Бирпасдан кейин Ғафур ака тамоман

уйқуси қочган ҳолда чиқди. У мен томон келаркан, йўл-йўлакай хотинига гапирарди:

— Опчиқинг, бирон нима севинчига опчиқинг.

Ғафур ака қўлимдан газетани юлиб олдию саҳифаларини оча бошлади. Шошганидан кўз ойнагини олиб чиқмаган экан, ўқиёлмади.

— Уқи, ўзинг ўқи!

Мен иккала қарорни ҳам тик турганимча ўқидим. Ғафур аканинг кўзидан ёш чиқиб кетди.

— Академик. Ғафур Ғулом академик. Етти уҳлаб тушга кирмаган гап бу.

Муҳаррам опа тахи бузилмаган янги дўппини тиззасида кериб бошимга кийдириб қўйди.

— Сизга ҳам акангизнинг йўлини берсин, укам.

Ғафур аканинг уйи орқасида майдонча бўларди. Майдончада кўшниси Мирза Абдулла аканикига эшик очилган, кеч пайтлари Ғафур ака шу майдончадаги супачада Мирза Абдулла ака билан чойхўрлик қилиб ўтиришарди. Майдончага иккалалари ҳафсала билан гул экишар, Тошкентда Пушкин номи парк бўлгани сабабли бу майдончани Пушкинча деб аташарди. Ҳозирда тонг маҳалдаги ғовур-ғувурдан уйғониб кетган Мирза Абдулла ака чиқиб қолди.

— Э, ана Ҳожи қийқариқ ҳам чиқиб қолди,— деди Ғафур ака.— Яхши бўлди чиққанинг. Ҳозир бориб Саъдини уйғотиб, икковинг бозор қилиб чиқинглар. Ҳали замон уйни меҳмон босади.

У пайтларда радио-приёмник йўқ эди. Девордаги радиокарнайни Муҳаррам опа бааланд қилиб қўйди. Аллақандай куй янграрди. Мирза Абдулла ака халта кўтариб чиқиб кетди. Сал ўтмай радиода Халқ Комиссарлар Советининг академия тузиш ҳақидаги ва биринчи академикларни тасдиқлаш тўғрисидаги қарори рус ва ўзбек тилларида ўқиб эшиттирилди. Ғафур ака менга қаради.

— Газета дежурлиги қанақа бўлишини биламан. Сен болохонага, чиқиб жиндек мизғиб ол. Ҳали келди-кетдига хизмат қиласан,— деди.

Индамай болохонага чиқиб кетдим. Билмадим, қанча уҳлабман. Муҳаррам опа уйғотиб юборди.

— Меҳмонларга шу ерга жой қиладиган бўлдик.

Шундан кейин уҳлаёлмадим. Уйга бирин-кетин меҳмонлар кела бошлашди. Энг аввал Ҳомил Ёқубов билан Ғафур аканинг энг яқин ўртоғи Шоаҳмад Шораҳмедов кириб келди.

Шийпон олдидаги айвонда Мирза Абдулла ака газак тайёрлар, Ғафур аканинг қадрони Саъдулла Абдуллаев жаз-буз қилиб ошхонада қозонга сабзи-пиёз босарди.

Саъди ака нашриётларда узоқ йиллардан бери кассирлик қилар, Тошкентдаги ошга усталардан бири эди. Ғафур ака бўш вақтларини шу киши билан бирга ўтказарди. Улар бир-бирини сенлаб гапиришар, уйларида, бирон тансиқ овқат бўлса, бир-бирларига илинишарди. Соатлаб пичирлашиб гаплашиб ўтиришарди. Саъди ака қаерда янги латифа эшитса, оқизмай-томизмай Ғафур акага етказарди.

Эшикдан бошлашиб Ҳабибий домла билан Юнус Ражабийлар кириб келишди. Ғафур ака уларни кучоқ очиб қарши олди.

— Окагинанг айлансин,— деди соф тошканча қилиб Юнус ака,— академик ўзимиздан чиқиб қолди.

— Мулла Абду Ғафур, академик дегани олий маълумотдан юқори деганими? Шашнингизга битта ғазал ёзади деб шунча уриндим, эплотмадим. Академик сўзи арузга тушмас экан.— Ҳабибий домла қўшимча қилди.

Ғафур ака хахолаб кулиб юборди.

— Уринманг, домла. Хоразмлик Қурбон ота ҳам мотоциклини арузга туширолмамай хуноб бўлган.

Ҳамза театридан Уйғур, Етим Бобожон, Аброр Ҳидоят, Сайфи Олимов келишди. Улар орқасидан олти седанали нонни қийқакча тугиб Ғафур аканинг супургичи ўртоғи Ҳожи ака, чегачи Тоға лақабли аскиячи чол, улардан кейин халқ ҳофизлари Жўраҳон Султонов ва Маъмуржон Узоқовлар кириб келишди. Болохона одамга тўлиб кетди. Республикамиз атоқли арбобларининг деярли барчаси жам бўлган эди. Олимлар йўқ эди. Чунки, улар орасидан ўнга яқин киши академик унвонига сазовор бўлиб, улар ҳам келди-кетдини кутиш билан банд эдилар.

Базм авжга чиққан, аския, ҳофизларнинг хониши, шеърхонлик бир-бирига улашиб кетарди.

Уша куни гўё уруш бўлмаётгандек, бомбалар портламаётгандек, худди урушдан олдинги тинчлик йилларининг байрам кунларига ўхшарди.

Кечгача табриклар келувчиларнинг оёғи узилмади. Уша куни мен Ғафур аканинг халқ орасида қанчалик эътибор қозонганини, республикада номи чиққан алломалар унинг талантига қанчалик юксак баҳо бериб, эъзозлашларини ўз кўзим билан кўрдим.

Кеч кириб қолган эди. Кўча тарафда машина гуриллагани эшитилди. Сал ғурсат ўтиб останада Усмон Юсуповнинг салобатли гавдаси кўринди. Уни Сўбир Абдулла бошлаб келарди. Мен Усмон Юсуповни фақат президентларда кўрганман, яқиндан кўрмаган эдим. Узимни йўқотиб қўйдим. Ғафур ака уларга пешвоз чиқди.

— Ғафурвой,— деди Усмон Юсупов,— қадрдоним, буюк унвон муборак бўлсин!

Икковлари кучоқ очиб кўришишди. Ғафур ака уларни ичкарига бошлади. Дастурхон атрофида ўтирганлар гур этиб ўрниларидан туришди.

— Эҳ-ҳе, жами уламолар шу ерда экан-ку,— деди, Усмон Юсупов кулиб.— Ҳозир Ойбекниқидан келяпмиз. Қори Ниёзийни табриккладик. Уста Ширинни, Ҳамидни табриккладик. Бугун чинакам байрам, биродарлар. Ғафур, ўзинг ёзгансан-ку, «Бизнинг кучада ҳам байрам бўлажак», деб. Ана ўша сен айтган байрам кўчанга келди. Арзийсан, қадрдоним.

Ғафур ака қўлини қовуштириб тик турарди.

— Э, ўтир,— деди кулиб Юсупов,— қўл қовуштириб, қуллуқ қилиш сенга ярашмас экан.

Ғафур ака дарров жавоб қилди:

— Ота, ҳали академикликнинг машини олганимча йўқ. Ҳозирча бошловчи академик бўлиб ким эшикдан кирса, қуллуқ қилиб турамизда.

Ўтирганлар гурра кулиб юборишди. Юсупов кулгидан тўхтаб:

— Сенга бир гап айтиш керагу қочиш керак,— деди.

Кечаси билан ухлалмай навбатчилик қилиб, куни билан Ғафур ака меҳмонларини кутиб чарчаб қолдим. Юрган йўлимда мудрардим. Аҳволимни кўриб Ғафур ака: «Майли, уйингга кета қол, жуда адоий тамом бўлдинг», деди.

Кетаётганимда Муҳаррам опа газетага ўроғли бир нарсани узатди. Унда назаримда ё сомса, ё варақи бўлса керак. Олмайман, деб қайтарган эдим, Ғафур ака жеркиб берди:

— Эси йўқ, сенга эмас, ойингга. Қутлуғ уйдан насиба...

Орадан икки-уч кун ўтиб, академиянинг биринчи таъсис мажлиси бўлди. Ғафур ака редакцияга телефон қилиб, дарров «Националь» меҳмонхонасига боришимни сўради. Бордим. Меҳмонхона олдига Айний домла билан икковлари туришарди.

— Танийсизми, домла, менинг шогирдим,— дея Ғафур ака таништира бошлаган эди, Айний домла танийман, дея кўришгани қўл узатди.

Ҳар гал редакция ишлари билан Самарқандга борганимда Айний домлани зиёрат қилиб чиқардим.

— Сен бундай қил,— деди Ғафур ака,— биз домла билан уйга кетдик. Сен союзга бориб менга келган телеграммаларни олиб бор, хўлми?

Шу гапдан кейин икковлари машинага ўтириб жўнаб кетишди.

Союзга бориб телеграммаларни олдим. Олмаотадан Собит Муқонов, Қозондан Аҳмад Ерикеев, Тожикистондан Турсунзода, Лоҳутий, Озарбайжондан Самад Вурғун, Қирғизистондан Тўқимбоев, Туркменистондан Берди Кербобоев, Ленинград блокадасидан чиққан Николай Тихонов, Фарғонадан Бузрук Усмонхўжаев, Андижондан Тешавой Мирзаев, Жўра полвон Ғойибов, Фарҳод ГЭСи қурилишининг бошлиғи Саркисов ва ҳозир ёдимда қолмаган аллақанча кишилардан табрик телеграммалари эди.

Ғафур аканинг уйига борганимда икки буюк аллома— икки академик ёстиқни бағриларига босиб бедилхонлик қилишарди. Мен уларга чой қўйиб бериб, жимгина қулоқ солдим.

Адабиётимизга, маданиятимизга буюк ҳисса қўшган ажойиб шоир ҳаётидаги энг қувончли дақиқага шерик бўлганимдан ҳалигача ғурурланиб юраман. Уша куни шоирнинг кўзида йилтираган қувонч кўзёшларини ҳам ўз кўзим билан кўрганман. 1979 йил 25 апрель.

Қорхат

Бирон минг киши иштирок этаётган базмда ногаҳон чироқ ўчиб қолди, дейлик. Шу қоронғилиқда Ғафур Ғулом ҳам базмга келди ва бир чеккага жимгина ўтирди. Уни ҳеч ким кўрмади, овозини ҳам эшитмади... Бари бир шу базмга бирдан файз кириб кетади. Сал ўтмай қоронғиликнинг у ер-бу еридан гурра-гурра кулги кўтарилди бошлади. Бир зумда Ғафур Ғуломнинг базмга келгани сезилиб қолади.

Ғафур Ғулом ана шундай файзли одам эди. У кирган уйга кулги эргшиб келарди. Ҳар қандай тунд одамнинг ҳам юзига табассум югурарди.

Мен бу улуг зот билан кўп давраларда, сайлу базмларда бўлганман. Бирон қизиқ латифа ва ё ҳикоя эшитиш илинжида унинг оғзига интиқ тикилган юзлаб кишиларни кўрганман.

Унинг топағонлиги, бир зумда шеър тўқий олиши ҳаммани ҳайрон қолдирарди. Эсимда, минг тўққиз юз қирқ олтинчи йили Биринчи май арафасида Ёзувчилар союзидда Ойбек ака бошчилигида зиёфат бўлганди. Шунда Ғафур ака қоғоз-қалам олмай тикка турганича ўтирганларнинг ҳаммасига тўрт сатрдан лапар тўқиди. Аммо шунча ёзувчи-шоирлар унга жавоб қилишолмади. Биз бир тўда ёш ёзувчилар шивир-шивир қилиб, атиги икки тўртлик тўқидик. Аммо тўқиган лапарларимизга ҳеч ким кулмади.

Элик еттинчи йили янги йилни жами ёзувчилар бола-чақалари билан бирга қутган эдик. Ғафур ака нотоб эди. Касалхонадан олиб келишди. Шунда ҳам у йигирмага яқин лапар тўқиб ҳаммани ҳайрон қилиб қўйган эди. Ушанда ҳам бирорта шоир унга жавоб қилолмаганди.

Ғафур Ғулом беқийс талант эгаси эди. У баъзан тўлиб кетган пайтларида

«Муштум»га кириб келарди. Тўқиган латифаларини бирпасда айтиб ҳаммани кулди-
рарди. Кейин бир чеккага ўтириб бирон ҳикоя, ё бўлмаса ҳажвий шеър ёзиб берарди.

Худди кечагидек эсимда. Қирқ биринчи йилнинг февраль ойи бошларида Ғафур
ака «Муштум» редакциясига кириб келди. Биз журналнинг март сонига тайёргарлик
кўраётган эдик. Ғафур акадан Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан бирон
қувноқ шеър ёзиб беришини сўрадик. Ғафур ака шеърга тўлиб турган экан, дарров
кўна қолди. Донгдор хотин-қизларга шеърини ҳазил ёзадиган бўлди. Бир хонани бў-
шатиб бердик. Мен битта аччиқ чой дамлаб олдига кирдим-у жимгина ўтириб, ёзиши-
ни томоша қила бошладим. Бор-йўғи ярим соат ичида ўнга яқин шеърини, ҳазилни
ёзиб қўйди. Ойдин опа, Ҳалима Носирова, Сора Эшонтўраева, ўша пайтларда маш-
ҳур бўлган хотин-қизлардан Тожихон Асқарова, «Муслимка» буғдойининг ижодкори
Муслима Бегимова, Чирчиқ кимё заводининг инженери Шарифа Ҳомидхонова сингари
ўнга яқин аёлга жуда самимий, жуда қувноқ ҳазил ёзилганди. Бу ҳазиллар журнал-
нинг тўртинчи сонига эълон қилинганди.

Қирқ олтинчи йилнинг кеч кузида Туроб Тўла икковимиз Ғафур аканинг уйига
шеър ёздириш учун боргандик. То Ғафур ака шеърини тугатгунча қор ёғиб юборди.
Бу биринчи қор эди. Ғафур ака деразадан бирпас қараб турди-да, ўзича нималарни-
дир шивирлади.

— Менга қараларинг, қазили палов егиларинг келяптими?

Биз ҳайрон бўлдик.

— Ҳозир мен Собир Абдуллага қорхат ёзаман. Шуни қўлга тушмасдан топ-
шириб келасизлар. Қазили паловни ана ўшанда ейсизлар. Агар қўлга тушиб қолса-
ларинг, паловни ўзим қилиб бераман.

Ғафур ака қоғоз-қалам олиб шеърини қорхат ёза бошлади.

«Қор хат» шундай чиройли, шундай қувноқ ва айни пайтда шеърининг энг
гўзал намунаси бўлган эди. Хатда зиёфатда иштирок этадиган шоирларнинг сифат-
лари, исмлари қофия билан ниҳоятда нафис тасвирланган эди. Хатни Туроб иккови-
миз қўлга тушмай омон-эсон топшириб келдик. Орадан беш кунлар ўтгандан кейин
Собир ака зиёфат қилиб берди. Бу зиёфатда Уйғун, Миртемир, Яшин, Шайхзода,
Ғафур аканинг ўзи ва ўша кезлари армиядан қайтиб келган Эминжон Аббос ҳам
иштирок этди. Бу зиёфат чинакамига мушоира кечасига айланиб кетган эди. Ғафур
ака бу ерда ҳам улфатнинг гули эди.

Собир Абдулла «Қорхат»да айtilган шартларнинг ҳаммасини бажо келтирган
эди. Мана ўша қорхат:

«Азиз дўстимиз Собиржон ибн Абдуллаевага етиб маълум бўлсинким:

Қўлингизда ярқираб турган бу хат, қорхат, укам,
Қўлга тушдингиз, иложсиз белни боғлайсиз маҳкам.
Бисти панжум йиғилурмиз улфати чор ўргилай,
Ҳарнаки топган-таянган бўлса ночор ўргилай.
Ўн қадоқ гўшт, бир қази,
Тошкентча «норин» дейдилар,
Қўлга тушгач, гоҳ ранжи, гоҳ оғрин дейдилар.
Витга хуш хониш дугорчи қизгина бўлса, фараңг,
Ғозаддин юзларда тобу ўсмадин қошлар таранг.
Мен-ку ичмайман, ароқхўрнинг ароқдир шеваси,
Менга басдир бир яшиқ Жигулевский пиваси.
Иссиқ уйда сиз мулозим, биз таралло қилғумиз,
Мияни қўлга қоқиб бергунча ялло қилғумиз.
Воқеан, ёддан чиқай дебдир талабнинг тантиси,
Яхна гўшт, япроқ қази, закузкамининг мантиси.
Ним келур эркан, десангиз, сақлабон эски удум:
Мен бўлурман, мавлави Шайх, мулла Уйғун фўрум,
Миртемир хуш кайфиятлиги томошо бўлғуси,
Қаҳқаҳа авжга чиқиб, совсим хорошо бўлғуси,
Ёз ҳам ўтди, куз ҳам ўтди, қорга чўмди боғлар,
Воғингиздан бир ғужум ҳам тотмади ўртоқлар.
Собиро, тан бер ўзинг ҳам, биз каби меҳмон қани,
Борми инсофинг, орамизда ушалган нон қани?
Анча гина-кудратингиз бор эмиш мендан, укам,
Парво қилманг, кори олам доимо бир мири кам.
Валки, бу суҳбат аросида ечилғуси тугун...
Хуллас, манярғау, бўлсин зиёфотлар тўқин».

Ғафур аканинг андижонлик дўсти Омонулла Валихонов юборган посилкасига
ёзилган жавоб хати ҳам ҳажвчиликнинг энг гўзал намуналаридан бири эди.

Мен Ғафур аканинг ҳали кўпчиликам маълум бўлмаган қўлёмалари, одамлар
қўлида қолиб кетган шеърлари тўғрисида кўпроқ гапирдим.

Эълон қилинган шеърларни ўқувчилар яхши билишади. Улар адабиётимизнинг
бебаҳо мулкига айланиб кетган.

Одатда Ғафур Ғулом шеър ёзгандан кейин қўлёмасини дўстларига тақдим

қиларди. «Бу сенга қарз, катта тўйда қайтарасан» дерди. Бу унинг «Мен дунёдан ўтиб кетганимдан кейин ўқувчиларимга қайтарасан», дегани эди.

Менимча, Ғафур ака айтган пайт келди. Шоирнинг дўстлари шу қўлёмаларни адабиётимиз хазинасига қайтаришлари керак.

Ўстозимиз Ғафур Ҳуломнинг ҳали хазинага тушмаган шеърый бойликлари кўп. Шогирдларининг шоир хазинасини тўлдиришда жонбозлик кўрсатишларига ишонаман.

Ғафур Ғулом шеърятда, ҳажвчиликда ўзига ҳайкал ўрнатиб кетди. Биз, унинг шогирдлари, шу ҳайкал пойига гулчамбарлар қўямиз.

«Занжирланган қуён»

Бир минг тўққиз юз қирқ саккизинчи йилнинг июль ойида Ғафур ака мени Пискент районига олиб борган эди. У пайтларда Пискент йўли яхши асфальтланмаган, ўнқир-чўнқир эди. Ғафур аканинг «Москвич» машинаси бор эди. Тўйтепадан сал нари ўтганимиздан кейин ғилдирагига миҳ кириб, бўшашиб қолди. Биз тўхтаган йўлнинг ёқасида ҳосили хазанак бўлган ҳандалак полизи бор экан. Шофёр то янги ғилдирак қўйгунча полиз оралаб кетди. Мен ейишга арзийдиган биронта ҳандалак тополмадим. Аммо Ғафур ака суви қочиб, буришиб қолган битта сўпоқ ҳандалак топиб чиқди.

— Шошмай тур, ҳозир сенга бир нарса кўрсатаман,— дея у ҳандалакни тиззасига қўйиб, у ёқ-бу ёғига қаради. Кейин ёнидан папирос олиб, тутатди-да, ҳандалакни тешиб, тиқиб қўйди. Унга кўз ойнагини тақди. Кейин ариқ бўйидан бир тутам ажриқ юлиб тепасига қўйди.— Ким бўлди?— деди у илжайиб.

Ҳандалакка қараб туриб бирдан кулиб юбордим. Бу худди шоир Шайхзоданинг ўзи эди. Кўзайнак, папирос, жингалак сочлар, қийшиқ бурун — қўйиб қўйгандек Шайх аканинг ўзи эди.

Ғафур ака бирон нарсани кимгадир ўхшатишга уста эди. Қопдаги картошкаларни титкилаб Темур Фаттоҳга ўхшаганини топар, бодрингдан Собир Абдуллани ясар эди. Бир куни сабзидан Ҳабибий домлага ўхшаганини топиб кўрсатгани шундоққина эсимда турибди.

Ғафур ака билан кўз юмиб расм чизишни кўп машқ қилардик.

Туроб Тўланинг расмини у кўз юмиб чизарди. Менинг расмимни бўлса қоғоздан қаламни кўтармай туриб чизиб қўяқоларди.

Мажлисларда кўпинча тўғрима-тўғри ўтиришимни тайинларди, эзмароқ одам сўзга чиқиб қолгудек бўлса, мудраб кетмаслик учун расм чизиб, бир-биримизга узатиб ўтирардик. Мажлисадагиларнинг расмини биттама-битта ишлаб чиқардик:

1942 йилнинг қайси ойи ҳам эди. Ҳозир эсимда йўқ, машҳур совет ёзувчиси Алексей Толстой Союз биносига ўзининг «Иван Грозний» драмасини кўпчиликка ўқиб берди. Муҳокамада мен Ғафур акадан узоқроқда ўтириб қолган эдим. Кўпинча Ғафур ака мажлисда бетоқат ўтирар, чиқиб кетишнинг пайида бўлар эди. Ғафур ака пьесани аввал ўқиган бўлса ҳам, Толстой асар ўқиётган мажлисдан чиқиб кетиш ўн-ғайсиз туюлиб, ўзини босиб ўтирди. Каттакон блокнотига нималарнидир берилиб ёзар, ўтирганларга тикилиб-тикилиб қўяр эди. Автор пьесани ўқиб бўлди. Ғафур ака менга қараб ғалати илжайди-ю, қўлидаги блокнотидан бир варағини йиртиб, узатди.

Одамларнинг диққатини тортмай аста очдим. Бир саҳифанинг бошидан охиригача турли расмлар ишланган, тагига: «Буни топинг, дилбарим», деб ёзилган эди. Биринчи расмда каттакон кулоқ, тагига чиройли чизилган иккита кўз. Ундан кейин каттакон буруннинг расми. Пастроқда кўзойнак билан тутун чиқиб турган папирос, ундан кейин ҳасса. Тагиде урта савол аломати.

Бу расмларда кимлар тасвирланганини тагига ёзиб, қайтариб беришим керак эди. Шундай қилдим.

Варақнинг энг пастида худди Навоийнинг ўзи ишлаган «Занжирланган шер» расмига ўхшатиб занжирланган қуён расми чизилган эди. Дарров тушундим. Ғафур ака мажлисдан чиқиб кетмоқчи бўлса, имларди, «Бошқалар билмасин, секин қуён бўлаемиз», дерди.

Демак, Ғафур ака бу йиғиндан «қуён» бўлмай занжирлангандек ноилож ўтирибди. Қуённинг тагига дарров: «Бу — Ғафур Ғулом», деб ёздим.

Боя учта савол аломатига ёзганларим тўғри чиқмаса, қизиқчиликка олиш учун икки оғиз гап ҳам ёздим: «Ғафур ака, бу суратлар — Менделеев жадвали. Ҳамма элементлар топилиб, жойига қўйилган. Уша учта бўш қолган каттак — энди топиладиган элементлар». Қоғозни Ғафур акага узатдим. Бир қарадио кулиб юбормаслик учун дарров букламай блокнотининг орасига солиб қўйди.

Чекиш учун танаффусга чиқишганда қоғоз қўлма-қўл бўлиб кетди.

Ғафур ака мени ёнига чақириб: «Қойил, ўйлаганимни топибсан, боқса одам бўласан», деб турган эди, Ҳамид Олимжон келиб қолди.

— Муҳокама мажлисида шунақа ишлар қилиб ўтирибсанми, уялмайсанми?— деб Ғафур акага таъна қилган бўлди.

— Пьесани бундан уч кун олдин Алексей Николаевич менга берган, ўқиб роса мақтаганман.

Бир-бирига ҳадди сифадиган бу икки қадрдон дўст сенлашиб гаплашишарди.

— Шундай бўлса ҳам-да...

Тошкент Революция скверида бир рассом одамларнинг суратини қайчи билан қора қоғоздан қийиб ишлаб берарди. Бир кун ўтиб кетаётганмизда менинг суратимни ишламоқчи бўлди. То рассом менинг суратимни ишлагунча Ғафур ака унинг суратини ишлаб қўйди. Рассом расми кўриб ҳайрон бўлди. Ғафур акадан кимлигини сўради. Ғафур ака: «Мен Самарқандда яшайман, сенга ўхшаб скверда шунақа сурат қийиб, тирикчилик қиламан», деди.

Ғафур Ғулом буюк шоир эди. Адабиётнинг ҳамма жанрларида ажиб бир маҳорат билан қалам тебратарди. Шеър, наср, таржима, адабиёт масалаларидаги муҳим муаммолар ҳақида пухта мақолалар ёзарди.

Бу оташин шоир шарқ алломалари аънаналарини чуқур ҳурмат қиларди.

У доимо: «Ибн Сино фақат табиб эмас, тарихчи, табиатшунос, каттақон шоир, ҳатто жаҳонда биринчи бўлиб нотани ижод этган зўр бастакор. Беруний буюк олимгина эмас, у каттақон шоир, тарихчи...», дерди.

Ғафур аканинг ўзи ўша буюк устозлар изидан боришга интиларди. Шунинг учун ҳам у тарихимизни мукаммал билар, расмлар чизар эди. У рақс тушганда даврандан зўр раққосалар ҳам чиқиб, томоша қиларди. Қўлига тақсимча олиб, халқ термаларини айтганда, ҳамма жимиб қоларди. Дутор чертганда, тингловчилар бош эгиб тебранишарди. Ғафур ака Юсуф қизиқлар билан тенг келиб аския айтишарди. Латифа айтишда унга ҳеч ким тенг келолмасди. Халқ дostonларини бахшидек оҳанги билан, ифодаси билан бошдан-оёқ айта оларди.

Ғафур Ғулом Москва ва қардош республикаларда чиқадиған журналларнинг деярли ҳаммасини оларди. «Вокруг света» журналининг бирон сонини қолдирмай ўқирди. «Техника молодёжи» журналин олиб турарди. «Муштум» редакциясига келиб қардош республикалар сатирик журналларини ўқиб чиқарди. Улардаги карикатураларни завқ билан томоша қиларди.

Ғафур ака редакциядаги ёш рассомлар олдиға кириб, соатлаб улар билан расм тўғрисида гаплашарди. Уларнинг тайёр бўёқларидан фойдаланиб қизиқ-қизиқ суратлар ишлаб кетарди. Ғафур ака журналнинг кекса рассоми Владимир Рождественский билан қалин ўртоқ эди. Умуман, бу талантли рассомнинг карикатуралари унга ёқарди. Рождественский ўзбек урф-одатларини яхши билар, расмларида ҳаётий деталларни жуда усталлик билан ишлатар эди. Кекса рассом Михаил Воробейчиков асарлари унга завқ берарди. Ўзбеклардан етишиб чиқаётган ёш карикатурачиларнинг бирорта асарини қолдирмай кузатар, севинар эди. Айниқса, Тельман Муҳамедовнинг карикатурачиликдаги ажойиб маҳорати унга завқ берарди.

Шу пайтгача яратилган Насриддин афанди портретлари ичида у уста Мўмин ишлаган портретни маъқул кўрарди. «Жуда ёқимтой образ толган», деб қойил қоларди. Ўзи ҳам Насриддин образини яратишға кўп уринган эди.

1947 йилда бир ҳайкалтарош Ғафур аканинг уйига келиб бир ойча уриниб бюстини ишлади. Бюст Ғафур акага унча ёқмаган эди. Ҳайкалтарош кечкурун келганда Ғафур ака бюстининг баъзи жойларини ўзи ишлаб қўярди. Ҳайкалтарош Ғафур ака тузатган жойларини сезмасди.

Ҳайкал битиб, гипсга қўйилганда ҳайкалтарош Ғафур акага бир нусхасини совға қилди. Ғафур ака уни бировға кўрсатмасди, «менинг характеримни топмаган», дер эди.

Ғафур ака босилиб чиқадиған китобларининг муқовасини албатта хомаки пайтида кўрарди. Кўпинча ёқмай, бошқатдан ишлатарди. Нашриёт директорлари унга тегишишарди:

— Корректурани ўқиб бергингиз келмайди, тагин муқованинг жанжалини қиласиз...

Шундай пайтларда у ўзига хос ҳазил билан жавоб берарди:

— Навоий шундай деган экан: «Китобни муқовасига қараб оладилар, ичига қараб баҳо берадилар». Муқова — реклама. Шунисига эҳтиёт бўлиш керак.

Умуман, Ғафур Ғулом билан анчадан буён таниш бўлсам ҳам, деярли ҳар учрашганимда албатта сурат чизганини кўрганман. Ҳатто ўзи айтарди:

— Шоирлик ишқи дилимға тушмаганида, албатта рассом бўлардим.

— Бордию рассом бўлолмаганингизда-чи— деб сўрардим.

— Унда ё ҳофиз, ё дутор чертадиған созанда бўлардим,— деб жавоб берарди.

Ғафур Ғулом санъатнинг барча турларига интилган серзавқ истеъдод эгаси эди. Унинг қўлёзма шеърлари ҳошиясида илҳом кайфиятида чизилган қанчадан-қанча расмлар қолди.

1973—1979 йиллар.





Фозил Зоҳид

ТИРИЛГАН СУРАТЛАР

БАЛЛАДА

«...Отам тўққиз ёшида Хивада Отажон тўра деганга сотилган қул экан. Хат-саводли бўлганидан сўнг девон (хаттот) сифатидатанилган. Мен 1900 йилларда фото ва кино ишларига ҳавасландим...»

(Худойберган Девоннинг таржимаи ҳолидан).

1

«НЕГА чопар келди қозихонадан,
Не ҳодиса экан, тағин не ташвиш?!
Қутулмади бошлар офат, таънадан,
Жонга тегди итоб, адоват, тафтиш.
Гарчанд бедодликка гувоҳман ҳар кун,
Золимлар тингламас жафокаш зорин.
Токай бечора халқ йиғлар жигархун?!
Токай талар улар халқнинг йўқ-борин?!
Эрк бўйнида занжир, куй-ғазал асир,
Зиндон ичра банди исёнкор Аваз.
Қурбон созчи еди бешафқат таъзир,
Ҳақгўй тил кесилар, кезар кин-ғараз.
Наҳот ўтган бўлса мендан-да бир айб?
Ё бир чакки қадам, ё бежо ҳолат.
Ишим девон битмоқ, кўчирмоқ, шеър-байт,
Ёхуд топдиларми хатимдан ғалат?»
Шу ўйлар дилига солиб хавотир,
Хаёли паришон Нурмат Девоннинг.
Билмас, не воқеа бўлганин содир,
Кўнглига не тушди қози калоннинг?!
«Сўзланг, Нурмуҳаммад! Бу не густоҳлик,
Қани шарнатга ҳурмат, эътиқод?»

Йўлдан адашибсиз, басдир гумроҳлик,
 Гумроҳнинг имонин чулғар гирдибод.
 Бетавфиқ учрайди худо қаҳрига,
 Жбйи жаҳаннамдир найранг-жодунинг.
 Болангиз кирибди иблис макрига,
 Суратчилик эмиш ҳунари унинг.
 Бут, санам, суратлар... булар бариси,
 Насроний кофирга хосдир муқаррар.
 Фарзанди айниса, кетса ҳуш-эси,
 Қараб турса лоқайд, у қандай падар?
 Сурат борган жойдан қочар фаришта,
 Макон тутар унда ажина, шайтон.
 Ислом ақидаси йўриқ ҳар ишда,
 Ҳа, ўғлингиз шаккок! Қилсин пушаймон!
 Фарзандин рост йўлга солмаган падар
 Азобин тортади қиёмат куни.
 Биз бормиз, кучингиз етмаса агар,
 Шариат измига топширинг уни!»
 «Суратга жон-дилдан бўлса ишқибоз,
 Ёлғизгина ўғил, мен нима дейин!
 Уйга кирса шайтон, қувар мурч-пиёз,
 Қалбга кирса-чи, у чиқмоғи қийин!
 Биламан, ўғлимнинг дили мусаффо,
 Ўғитим, таълимим мазмуни — поклик
 Хаёли ҳунарда, санъатга шайдо,
 Ундан буткул йироқ шумлик, шаккоклик!»
 ...Қози ўсал бўлди тинглаб бу гапни,
 Бир сесканиб олди чаён чаққандек.
 Силкинди соқоли, буришди афти
 Биров вужудида олов ёққандек.

2

БИР ЗУМ жим қолдилар ота ва ўғил,
 Тўқнаш келди бир дам кўзлар кўзларга.
 Суҳбат оғир эди, масала чигил,
 Сўзлар яқин бормас ечимга зарра.
 «Ўғлим! Сен танлаган қалтис ҳунарда,
 Уйласам, кўринмас бахайр оқибат.
 Дув-дув гап юрибди бутун шаҳарда,
 Қайтмас иғводан ҳам баъзи бадният.
 Биламан, устозинг немис Пеннерни,
 Қўли гул ҳунарманд, ҳар ишга чечан.
 Ўрганолдинг ундан сен бу «сеҳрни»,
 Хуллас, сурат эмас, бир бало экан.
 Ёнингда кўраман, Сашами ўша,
 Ўрус докторнинг ҳам ўғлини бот-бот.
 Таъқибда — сен юрган ҳар йўл, ҳар гўша,
 Шундан дилим хуфтон, менга ором ёт.
 Пандим ол, қўй энди сураткашликни,
 Ножинс одам билан бўлмагин улфат.
 Кескинлик келтирур дилга ғашликни,
 Қайсар ўз бошига солади кулфат».
 Уйлар уммонига ғарқ Худойберган,
 Худди танасини босгандек зил тош.
 Пешонада маржон тизилди тердан,
 Совуқ нафас олди, чимирилди қош.

«Жавоб кутмоқдаман, сўзла, жигарим,
 Тўғри боқ юзимга, бошингни кўтар!»
 «Мен сизни тушундим, азиз падарим,
 «Чакки» қадамимда сезибсиз хатар.
 Аммо, юракдаги орзу чўғини
 Сўндиришга мутлақ қодир эмасман.
 Менга ким отса гар игво ўқини,
 Рўбарў тургайман, қаддим эгмасман.
 Ахир, бизга мақсад эшиги беркми,
 Эзгу ишлар наҳот гуноҳ, залолат?
 Хунарни, санъатни, орзу ва эркни
 Поймол қилмоқ нечун? Қани адолат?»
 «Қўй, болам! Бу савол биз учун оғир,
 Тақдирга тан берган бандамиз, холос.
 Фалак гардишига инсон бетадбир,
 Хушёр бўл, ҳамиша қараб қадам бос!»
 «Дада! Тақдиримни кўрурман синаб,
 Хивага сиғмасам, кетгум олиб бош.
 Ҳа, шудир қарорим, дилдаги матлаб,
 Фақат тиланг менга ирода, бардош!»
 «Замон зайлига боқ, ёшсан, беғамсан,
 Эсинг йиғ, юборма ҳар ён кўнглингни!
 Ёлғиз жигаримсан, нури дийдамсан,
 Илоҳи, кўрмайин ёмон кунингни!»
 ...Хивада миш-миш гап: Девоннинг ўғли
 Ғойиб бўлган, кимдир фол ҳам очганмиш;
 Ана, сурат қурғур касофат туғди,
 Жин-парилар уни олиб қочганмиш...
 Баъзилар дер: Эсиз! Ёшлик — ғўрлик-да!
 Ҳар турли овоза, хуллас, юртида.
 Аммо у бу маҳал Петербургда
 Сафарда юрганди кино дардида.

3

ХИВА бозорида савдо ғалваси,
 Ҳар кимнинг ўз дарди, ҳисоб-китоби.
 Бой ўйлар олтинин, гадо тўрвасин,
 Шу пайт янграб қолди жарчи хитоби:

Бозордаги одамлар!
 Эшитмадим деманглар:
 Бепул томоша бордир
 Қарвонсарой томонда.
 Кўрганлар ақли лолдир,
 Кўрмаганлар армонда.
 Афлотунлар хунари,
 Кашмирнинг сеҳргари,
 Жумла ҳикмат-тилсимлар
 Бўла олмас баробар.

Бирам устаси фаранг,
 Суратлар ҳам ранг-баранг,
 Ҳаракатга кирарлар.
 Жодугарми, жинмикан?!
 Ёлғонмикан, чинмикан?!
 Кўрганлар ҳайрондадир,
 Кўрмаганлар армонда.
 Кўринг текин томоша,
 Қарвонсарой томонда!

Савдо қолиб, ҳамма чопди шу жойга,
 Дарвишлар югурди қўйиб «ё ҳу» ни.
 Шом сингари хира қарвон саройга
 Гўё ой кирди-ю сочди ёғдуни.
 Қолиб ҳайрат ичра халқ донг қотди-ку!
 Ана мўъжиза-ю мана томоша!

Овозлар: «Э, балли! Ҳа, яша! Яша!»
 Ҳазилкаш бир йигит оҳ тортар, «уф»лар:
 «Бай-бай, хўп қиз экан! Ургилсин аканг!»
 Кимдир чўчиб кетиб кўксига туфлар:
 «Турқинг қурсин! Ким у бадбуруш, тажанг?!»
 Ғаройиб бир асбоб нақ ойна каби,
 Ажаб ҳангомалар унда намоён.
 Мана, ишчиларнинг қайнаб ғазаби,
 Заводда кўтармиш ғава-ғалаён.
 Суратга жон берган аломат йигит
 Воқеа шарҳин ҳам айларди равшан.
 Таҳсин ўқир унга барча аҳли дид,
 Баъзилар-чи, гаранг, алаҳсирашган:
 «Афсунми, ҳикматми? Тушми ё ўнгми?»
 «Тавба! Билиб бўлмас, бунинг не сири?»
 «Тилсим дегани шу! Ҳа, тушундингми!»
 Дея изоҳ берган бўлади бири.
 Тушида шайтондан қўрққан одамдек
 Биров вайсаб қолди юзин ўгириб:
 «Охир замон бўлди! Қочинг, турманг тек,
 Озманглар шайтоннинг йўлига кириб!
 Девоннинг боласи Петербург бориб,
 Айниб келибдими?! Паноҳ бер, ёпир!
 Урус бўлибди-я динидан тониб,
 Ё худо, банданга ўзинг инсоф бер!»
 «Ишонманг бу гапга! Илм ҳикмати бу!
 Фарангистон оша етмиш русгача.
 Кино дерлар буни, ҳаётга кўзгу,
 Бир санъатки, руҳбахш, завқли ўзгача.
 Унга дахлдордир на жин, на шайтон,
 Бу — инсон кашфи, ҳа, ақл қудрати.
 Ҳикматга йўл очса, эрк берса замон,
 Нурдек ёйилажак кино шуҳрати!»

«Ёш хиваликларнинг сиёсий активлиги 1917 йил февраль буржуа революция-
 сидан кейин айниқса кучайиб кетди. 1917 йил 5 апрелида Исфандиёрхон консти-
 туцион монархия — мажлис тузиш тўғрисида Манифестга қўл қўйишга мажбур
 бўлди. Ҳокимият қўлдан кетишидан қўрққан хон етти ойдан кейин мажлисни
 тарқатди, ёш хиваликларнинг Матмуродов бошчилигидаги ўн етти раҳбар аъзо-
 сини ҳибсга олди ва қатл қилди».

(Архив материалидан)

4

«Ҳмм, девоннинг ўғли! Сўзла, қалайсан?
 Ривожми дўконинг, сурат бозори?
 Билямиз, кимларга эшсан, малайсан,
 Киночи эмиш-а! Тентак! Безори!
 Иш ташлаш, намойиш... бу ваҳимани
 Тарғиб қилмоқ учун ким берди ҳуқуқ?
 Ниятинг шум экан, фикринг бемаъни,
 Юрт эгасиз дема! Бунга ҳаққинг йўқ!
 Заҳарлаб мусулмон халқинг онгини,
 Исён қўзгамоқми мақсадинг, кофир!
 Ёки Русияни тутган ёнгини
 Хоразмга ёймоқ қасдингми, гапир?!
 Мажлис қандай ўтди? Ёш хиваликмиш!
 Суратга олганинг ростми, гумашта?

Уларни тинчитдим, сен ҳам, боёқни,
 Дорни қўмсадингми? Ҳаддингдан ошма!»
 «Кечиринг, хон ҳазрат! Мақсадим бўлак,
 Ниятим пок, бунга имоним гувоҳ.
 Санъат, маърифатга талпинса юрак,
 Исён эмас-ку бу. Менда йўқ гуноҳ!»
 «Жаллод!» деб бақирди гапи қайтган хон.
 Наҳотки бошидан қилсалар жудо?!
 «Хон ҳазрат, тавбага келур бу ўғлон.
 Бир қошиқ қонидан ўгинг, илтижо!
 Итоатли қулдир отаси Девон,
 Ужарроқ чиқибди, ёлғиз фарзанд-да.
 Ҳой, сен аҳмоқ бола, керак бўлса жон,
 Тавба қил бўлсанг ҳам ёлғиз, арзанда!»
 Вазирга хўмрайиб, силкитиб қўлин,
 Ғазаб ила деди хони Хиванинг:
 «Ун саккиз тиллога сотилган қул-ку,
 Таги паст-да ўша Нурмат Девоннинг!
 Майли, юртимизда бир қулвачча кам,
 Йўқотинг кўзимдан, қилинг бадарға!»
 Начора, шундан сўнг Худойберган ҳам
 Бошин олиб кетди ғайри юртларга...

5

АЖАЛ тўшагида табаррук падар,
 Жудолик ханжари тилар бағрини.
 Қазога рози-ю, ухлалмас саҳар,
 Ризолашсам, дея кутар ўғлини.
 Эшитди: оқподшо қулаб тахтидан,
 Алғов-далғов эмиш Руснинг элида.
 Фарзанди қувғиндир сурон вақтида,
 Хавотир, васваса кезар дилида.
 Кимдир уч нон берди тушида, ўйлар:
 «Нон — дийдор, саришта бўлсин уй ичи.
 Уч кундан сўнг ўғлим келар муқаррар,
 Бошимнинг тагида турсин суюнчи».
 Туш алдаган экан, қайтмади жигар,
 Лекин, бир савдогар келтирди нома.
 Уғлин мактубини интизор падар
 Уқиди кўзидан ёш тома-тома.
 Маъно ахтаргандек ҳар бир сўзидан
 Қоғозга тикилар, дийда намланар.
 Сўнгги нафасгача чиқмас эсидан,
 Умидбахш жумлалар, далда жумлалар:
 «Тақдир экан, юртдан айри тушибман,
 Кечиринг, жон ота, кетдим бедарак.
 Англадим, ҳали ҳам чала пишибман,
 Кураш қозонида қайнашим керак!
 Бутун Туркистонни кезиб мен яёв,
 Шаҳру қишлоқларда туйдим бир туғён;
 Дилларда интиқом ёнмоқда лов-лов,
 Замон хитоб қилар: «Ғофиллар, уйғон!»
 Ҳаётда бўлмаса ҳаракат, одим,
 Ҳаммаси насия, ҳеч ерда нақд йўқ.
 Тўқнашиб, талашиб ҳақ олмаса ким,

Ўзи кон очса ҳам, қолади қуруқ.
 Шу боис курашга камарбастаман,
 Истибдод иродам буколмас асло.
 Эрк деганлар билан мен бир сафдаман,
 «Розиман эл учун қилсам жон фидо».

6

«КУРАШГА отлан!» деб бонг чалди Хива,
 Еру кўк ларзага келди дафъатан.
 Жайхун каби тошиб чайқалди Хива,
 Фарқ бўлди хон тахти — тобути билан!
 Бу тонгда уйғониб оташ қалб Аваз,
 Қутлар ҳур замонни, Амудек жўшар.
 Огаҳий даврада гўё бир нафас
 Шеърият базмига шукуҳ-файз қўшар.
 Чунки бу тонг отиб, қадимий диёр
 Навбаҳорга кирди, бўлди тўйхона.
 Ана, Бола бахши янгротиб дугор,
 Шерозий, Ҳожихон бошлар тарона.
 Қўлда аппарати — Худойберган ҳам,
 Тонгни қаршилади жанговар сафда.
 Иродаси пўлат, камари маҳкам,
 Инқилобга хизмат улуг шараф-да!

7

МАНА, ўтиб борар фасллар, йиллар,
 Баъзан Худойберган ўйга толади.
 Кўз ўнгидан кечар йўллар, манзиллар,
 Умридан сарҳисоб сўраб қолади:
 «Не хизмат қилибман шарафга лойиқ,
 Нечун мен элимда шуҳрат эгаси?
 Не боис олдимда дастурхон ёйиқ,
 Ё ниҳол экдим-у, шуми меваси?
 Прометей эмасман, Олимп тоғидан
 Олов келтирмадим, мен оддий инсон.
 Мана, айланади кино ленталар
 Тарих ғилдираги айлангансимон.
 Курашлар бўрони, халқ инқилоби,
 Биринчи қурултой акси экранда.
 Ёнмоқда паранжи — қуллик ниқоби,
 Гулгун чеҳраларда балқийди ханда.
 Кураш, янги турмуш, янги қадамлар,
 Биринчи трактор, тўнғич интернат.
 Кино ленталарда долғали дамлар,
 Қайта такрорланар сўнмас жасорат.
 Тирилган суратлар билан қўшилиб,
 Мен ҳам бормоқдаман келажак сари.
 Тўлқинлар ичида сузиб, тўш уриб
 Олга интиламан ўрлаб илгари!»

«Урганч шаҳрида яна бир кенг экранли кинотеатр қад кўтарди. У ўзбек киносининг пионери Худойберган Девонов номи билан аталади. Кинотеатр фойе-сида Худойберган Девоновга бюст ўрнатилган».

(Газета хабаридан).
 Хоразм.

Суннатулла Анорбоев

САЙЛИ

РОМАН¹

Ўн бешинчи боб

Йиллар ўтиши билан шаҳар, қишлоқлар ва одамлар баданидаги уруш яралари битиб, руҳий азоблар ҳам унутила борди.

Сайлихон дастгоҳларини тузатиб юрган ўғлига кўзи тушгудай бўлса: «Бўйгинангга қоқиндиқ...» — деб ич-ичидан суюнади.

Ҳамкасблари техника бўйича уста ёрдамчиси вазифасига кўтарилган Ғанишернинг ишидан розига ўхшайди. Биттаси: «Сайлихон опа, ўғлингиз бирам...» — деб гап бошласа, бошқаси: «Ғанишерингизни кўрдингизми?» — деб имо қилади фахрлангандай. Барака топкурлар, нима биландир кўнглини олишни лозим топишади шекилли. «Бугдой нонинг бўлмаса ҳам, бугдой сўзинг бўлсин экан» деб қўйғувчи эди дадаси. Кўнгил хушлигига нима етсин оламда!

«Бўйингга қоқиндиқ» Ғанишер, кичкина боши билан кундузи «Ривожия»нинг механика устахонасида шогирд бўлиб ишлади. Кечқурунлари эса тўқимачилик техникумида ўқиди. Мана, ниҳоят ўқишни битирди. Қўлига технолог деган шаходатнома ҳам тегди.

Бултур баҳор кунларидан бирида у кекса чилангар Еременко билан иккиси механика устахонасидан аллақандай темир дастгоҳни кўтариб келишди-ю, Сайлихоннинг «аэроплан» деб аталмиш қўл дўкони ўрнига ўрнатишди. Электр сим тортиб улашди.

— Буви! — деди дастгоҳни шапатилаб. У ҳаяжонланмоқда эди. — Мана, дядя Миша икковимиз дадам бошлаган ишни охирлатдик...

Ўз отаси Маҳамадшер билан Ғанишер Давлатов воситасида то-

¹ Боши журналнинг ўтган сонларида.

пишган ва унинг таъсирига тушиб, хўп куйдирган эди. Аммо аини пайтда «дадам» дея Жалолхонни айтаётгани Сайлихонга кундай равшан.

Сайлихоннинг эти жимирлашди. «Дадам бошлаган ишни... дадам бошлаган ишни...» Ганишернинг сўзи уни тўлқинлантирар, юрагини ўйнатар, қулоқлари тагида такрор-такрор жарангларди.

— Дадасининг давомчиси-да, гиргиттон...— дея пичирлади у ўпкаси тўлиб.

Кашфиётчилар томонидан яратилган «ПМ» механик тароқлаш автомати қуруққа яхши ишлагани билан олти юз метр атласга мўлжалланган тандани жойлаб, электр кнопка босилганда негадир гоҳ айланиб, гоҳ тўхтаб, тихирлик қила бошлади. Баъзи ипак толалари тигга сиғмай тикилиб қолар, новвой тез айланганига чидаш бермай узилиб кетар эди.

Машинани ўраб олганларни дами ичига тушиб, кўзларида аввалги шуур сўнгандай эди. Сайлихон ўғлига боқди. Назарида Ганишер довдираб қолгандай эди. Қошларининг ўртаси гудда, ўзи зўр бериб оҳор пуркаётган тандага тикилганча турарди.

— Яхши пишитилмаган, қазнаси кўп,— Сайлихон ўғлига далда бермоқчи бўлди. — Текисроқ танда билан алмаштирилса қандоқ бўларкин?

Давлатов у турган томонга кўз қирини ташлаб чимирилди. Чама-си, Сайлихоннинг назарида, дастгоҳ билан ҳаммадан ҳам кўпроқ қи-зиқаётган ва тарафдор бўлаётган киши Давлатов эди.

— Сайлихон ойимнинг маслаҳати чакки эмас, лекин,— деб қўйди.

— Олиб келайми?— деди кимдир орқадан.

Ганишер билан ёнма-ён турган Еременко пешонасини тириш-тирди.

— Зачем? Керакмас.

— Керакмасинг нимаси?— чувиллашди дастгоҳни ўраб турганлар.

Еременко оқ оралаган чакка сочини қашиб туриб, юзини бужмай-тирар ва ундан жавоб кутаётганларга сўз қидирар эди.

— Дядя Миша тўғри айтади, — Ганишер гапга аралашди. — Тандани алмаштириш билан иш битмайди. Ошди-қўшдини ҳам қўл дўкондан механик дастгоҳга айлантириш керак.

— Э-ҳа! — даврадаги кекса усталардан бири ҳафсаласи пир бўлгандай қўл силтади.— Туянинг думи ерга текканда тайёр бўлар эканда-а?

— Причём здесь туянинг думи? — дўриллади Еременко соддалик билан.

— Ҳа, и-е! Туянинг думи шунақаям причёмки! — тароқлаш машинасига суянган жиккаккина оқсоқол уста қизишиб кетиб дастгоҳни шапатилади.— Янглишмасам, уста Жалолхон мановини яшашга урушдан илгари уринган. Ҳа, хайр. Яхшиям, силар бор экансизлар, бошланган ишни охирига етказдинглар. Лекин кетидан ошди-қўшдиси чиқди. Уни яратиш учун ҳам камида ўн йил керакдир ҳали?

Ганишер бу таънани эшитиб туриб бир қизарди-бир бўзарди. Лекин механик устахонага қайтгач, бундай танасига ўйлаб қараса, кекса устанинг жаҳли чиққанича бор экан. Атлас тўқишдаги кўпгина жараёнлар бобосининг замонида қандай бўлса, ҳамон шундай. Барча иш қўл кучи билан бажарилади. Фақат яқиндан бери қўл дўкондаги моки қўлда отилмай оёқ кучи билан, тепки ёрдамида ҳаракат қиладиган бўлди. Тепки тепилса гўланинг оғзи очилади-да, моки ўтади. Энди илгаригидай гупчакдай келадиган иккита новвой кашакка тандани ўраб, узоққа қўйилмайди. Тароқлаш дўкони ихчамлашган. Тўқиш дў-

кони ҳам ихчамлашган. Лекин бари бир қўл дўкони умрининг эговичу! Иш унуми ҳақида қандай гап бўлиши мумкин қўл дўконида имиллаб ўтирилгандан кейин?

У ўз мулоҳазаларини Еременкога айтганида у:

— Мен сенга айтсам, атласга ҳамманингни қўли етавермайди. Кўпчилик учун бундан муҳим муаммолар ҳам бор,— деб қошини бир кўтариб қўйди.

— Ҳей, дядя Миша! Дарров-ла гапни сиёсатга бурасиз!— Ганишер қўл силтади. — Уруш пайти бўлса эканки, илмий-техник кадрлар диққат-этибори душманни янчишга қаратилган янги қирғин қуроллар яратиш билан банд, десак. Одамлар жон койитиб ишлагач, ҳозир яхши кийиниб, яхши ҳордиқ чиқаришни истайдиган замон! Аксинча бозорга бир разм солинг-а, тоза атлас, тоза мол бари чайқовчининг қўлида. Нима учун? Шунинг учунки, халқнинг яшаш шароити яхшиланиб, яхши нарсаларга ҳаваси ҳам, эҳтиёжи ҳам ортиб борапти. Саноат эса етказиб беролмаяпти. Агарда атлас кўллаб тўқиб, дўконга тўп-тўпи билан чиқарилса, савдогар синади!..

Тобора қизишиб бораётган Ганишерга кўзини қисиб, кулимсираганча қараб турган Еременко:

— Ўзингни барча гапингни сиёсат-ку, яна мени сиёсатга бурасан дейсан? — у коржомасининг чўнтагидан гугурт олди. Аллақачон ўчиб қолган махоркасини тутатди-да, тортиб қўйиб сўради: — Ёш бошингни билан кимдан ўргандингни бу гапларни?

— Бувимдан. Ҳазил эмас, чин!— таъкидлади Ганишер.— «Эр-тадан кечгача уч киши базўр икки юз метргина ишни тароқлаб новвой кашакка ўраймиз. Бунақа қўлда тўқилган атлас кўпчиликка урвоқ ҳам бўлмайди»,— дейди бувим.

Еременко қовоғини уйди. Ўтириб-ўтириб бир хўрсиниб қўйди-да:

— Тўғри ҳисоблабди бувингни,— деди сарғайиб кетган йўғон бармоқлари орасида тутаетган махорка қолдиғини оёғи тагига ташлаб эзар экан. — Перекур тугади. Энди ишга.

— Ишга, дядя Миша! — деб хитоб қилди у.

Бир ёш, бир кекса, бирини бири тўлатиб механик ошди-қўшди дастгоҳи яратиш устида бош қотириб юрган кезлари корхонада Қлимовск машинасозлик заводидан келтириб ишга туширилган тўқиш дастгоҳлари анча-мунча эди. Аммо унда атлас тўқилмас, бекор ёгунча айланиб турсин зайлида хомсурп тўқишар эди. Чунки бу станоклар ипаклик учун эмас, ип газламалар тўқишга мосланган эди-да.

Ҳар қайси корхонада болалигида самовардан паровоз, варракдан самолёт ясашни орзу қилган, соат қўлига тушса тит-питини чиқариб, машинани эса ковлаштириб сир-асрорини билмагунча кўнгли ўрнига тушмайдиган синчков ихтирочилар бўлади, албатта. Шундайлардан биттаси Қлимовск заводидан ишланган ип газлама тўқиш дастгоҳининг автомат зарядини механик зарядга айлантдириб ҳаракат тезлигини пасайтирган экан, атлас тўқиш имконияти туғилибди. Бу воқеа бир кечада бутун Марғилонга овоза бўлди. Орадан ҳафта-ўн кун ўтмай ўша ихтирочи, касалхонага тушибди, бечора, деган нохуш миш-миш тарқалди. Ўзи зах ўрада қўл дўконда атлас тўқиган, битган ишини қарич-қаричлай умрини ўтказган косиблардан бир нечтаси ихтирочининг йўлини тўсишган экан...

Ганишер билан Еременко иккови «МР» деб номланган ошди-қўшди машиналарини ниҳоят охирига етказганларида газетада бир очерк босилиб чиқди. Унда ҳаққоний гаплар билан бирга, ҳў ўша калтак еб касалхонага тушган ихтирочи воқеаси қаламкашнинг қулогига чалинган эканми, Ганишерни аллақандай жабрдийда қаҳрамон даражасига чиқариб қўйибди. Янги машина туфайли ишсиз қолиб,

оғзидаги еб турган нонидан ажрашдан қўрққан айрим қолоқ косиблар, эмиш, Фанишер номига таҳдидли хатлар ёзишади; қоронғи, хилват муюлишларда йўлини тўсишади; кекирдагига пичоқ тақашади. Шунда ҳам эмиш, Фанишер йироққа, йилтираб кўринган мақсад чирогига томон интилаверади: йигит сўзидан, шер изидан қайтмайди!

Фанишер дўстлари билан бу очеркни ўқиб роса кулишди. Ҳар қандай янгилик ўз-ўзидан туғилавермайди. Албатта, қарама-қаршиликка учрайди, деган мулоҳазага бориб ёзган-ку, қаламкаш.

«ПР», «МР» дастгоҳларининг яратилишида тўсиқлар бўлмади эмас, бўлди. Ҳеч қандай моддий ёрдамсиз, ишдан кейин, дам олиш, ўйин-кулги, қисман уйқудан кечиб, айрим ускуналарни уйдагиларга билдирмай ўз пешона тери билан топган пулларни сарфлаб олишга тўғри келди. Ҳа, қийинчиликлар бўлган. Камарни қисиброқ боғлашга, озиш-тўзишга тўғри келган. Аммо улар дуч келган тўсиқ қаламкаш тасвирлаган даражада эмас эди.

Фанишер қўлида газета, уйга кулиб кириб келганида, онаси ранги ўчиб:

— Мендан яширдингми? — дея сўроқ қила кетди.

— Сиздан-а? Сиздан яшираманми?

Сайлихон ишонди. Самимият ила боқиб турган бу кўзларга ишонмай бўладими?

— Ҳозир рақобат давримидики, ишчи ёки косиб техника янгилигидан оғзимдаги нонидан ажраб қолмайин, деб қўрқса? «Ривожия»га одам етишмаяпти-ку?

«Фикри тиниқинамдан ўргилай», деб қўйди Сайлихон ичида суючиб. У ўғлидан кўзини узмай термилар, юз-кўзини хаёлан силаб-сыйпаб қўяр, Фанишер эса онасининг бундай қарашларига тоб беролмай типирчиламоқда эди. «Мана шундай ёш бола қилишлари яхши эмас-да!»

Сайлихон ҳамон ўғлидан кўзини узмай бошқа нарса тўғрисида ўйларди: мўйлов ипакдек бўлиб сабза урибди. Яқинда она-бола ишдан бирга қайтишарди. Йўлда битта-яримта кўҳликкина қиз учраб қолса. Фанишери кўзини шамғалат қилиб, қараб-қараб қўяди денг. Вой, буқача бўлмай кетинг! Ҳали бу эшикка кимни бошлаб келаркин у? Дўстними ё душманни?

Ўғли кейинги вақтларда, айниқса, механик ошди-қўшдини темир чархи билан битириб, ишлаб чиқаришга жорий этганидан кейин шунчалик тез ўзгардики! Ҳа, катта киши бўлиб кетгандай эди назарида. Қорхонадагиларнинг ҳам ҳурмати бошқача унга. Ахир илгари уч киши икки юз метр ишни эртадан кечгача базўр тараб ўрашарди. Ҳозир эса, масалан ўзи, шогирди билан бирга олти юз метрлик ишни икки соатга ҳам қолдирмай тороқдан чиқариб, тўқишга тахт қилиб қўйишади. Қорхона бошлиғи қўлига ихтирочилик гувоҳномасини топширганида ўғлининг кўпчилик олдидан айтган сўзларини қаранг-а, қандай бамаъни!

«...Биз дядя Миша икковимиз фақат ҳамкорлармиз. Ҳақиқий автор дадам... Жалолхон Жамолов. У киши бошлаган ишни биз давом эттирдик холос».

Эсласа, ҳали-ҳали эти жимирлашади. У ҳозир Жалолхон бошлаб берган ўша тороқлаш машинасида ишляпти. Унда Тошкент тўқимачилик машиналари ишлаб чиқариш заводининг тамғаси бор. Чунки бу «ПМ», «МР» дастгоҳлари ўша ерда ишлаб чиқарилиб, атлас тўқийдиган корхоналарга тарқатилади.

Ўтган ой планини янги машина туфайли икки юз фоиз қилиб бажарди. Икки норма! Демак бир ўзи икки кишининг ишини бажарди: Жалолхон учун ҳам... Бундан буён ҳар қачон ўзи ва Жалолхон

учун ишлайди. Шунда унинг ўрни бўшлиги билинмайди. Жалолхон ёнида, у билан бирга, доим ҳамроҳи, йўлда йўлдоши, ўй сурса сирдоши, фикр юритса ҳамфикри, ҳамиша маслаҳатдоши бўлади. Ғанишер эса у бошлаган ишни давом эттирди. Охирига етказди. Бу билан мисоли унга бир ёдгорлик мармар тош қўйди.

Сайлихон ўғлига меҳри товланиб, дўнг пешонасига тушган патила-патила сочини панжаси билан силаб, тўғрилаб қўйишдан бари бир ўзини тия олмади.

Она-бола хонтахта атрофида рўбарў ўтириб овқатланишар эди. Тўрга атлас кўрпача солинган. У ерга иккови ҳам чиқмайди. Дахлсиз. Тўр — Жалолхоннинг жойи. Чорпеч хонтахтанинг яна бир томони бўш. Аслида бу жойнинг ҳам ўз эгаси бор.

Қуёшли кундай очиқ Сайлихоннинг чеҳрасига гўёки булут соя ташлади. У бир уй бўлиб, гангир-гунгур тўлиб ўтирган оилаларга ҳавас қилади. Ушаларга ўхшашни орзу қилади. Афсус. Ҳатто Уктамни топганида, не қилсинки, у «ўз бувим бор» деб тан олмади.

Ғанишер онасининг лаҳзада ўзгариб қолганида кўнглини кўтариш учун эркаланиб, у юз-бу юзидан ўпди. Аммо, одатда бир хўрсиниб қўйиб, маъсум жилмайдиган Сайлихон бу сафар бурнини жийирди:

— Ичибсан-а? — деди.

Онасидан ҳеч нарсани яшириб бўлмайди. Тан олишдан бошқа иложи қолмаган эди. Бугун Шодмонова унга ихтироларга келган авторлик гувоҳномасини топшира туриб:

— Сайлихон битта зиёфатга тушадиган бўлди,— деб тегишди.

Бу пайт идорада пайдо бўлган Маҳамадшер:

— Бу ёқда отаси ҳам бор, Тўпахон Шодмоновна! — деди одатдагидай раиснинг сийсифатини ўрнига қўйиб. — Буюринг. Хизматингизга тайёрмиз.

— Тутунган отасининг оши нася эмас, нақд,— деди диванда оёғини чалиштириб ўтирган Давлатов. — Марҳамат, мажлисдан чиқибоқ тўғри бизникига.

Ғанишер, ҳазилдир, деб ўйлаган эди, чинга айланди. Шодмонова бошлиқ Давлатовникига боришди.

Уникига иккинчи бор келиши. Биринчи марта қирқ биринчи йил кузида қўл-оёғини боғлагундек олиб келишган эди. Ушанда унга ўхшаган еттита болани қатор ётқизиб, суннат тўйи қилган.

Зиёфатдан Ғанишер Маҳамадшер билан бирга қайтишди.

— Қалай? — деб сўради Маҳамадшер йўлда.

Зиёфатни сўраётгандир, деб ўйлаб Ғанишер:

— Қуюқ,— деб қўйди кулимсираб.

Тўғриси ҳам шу-да. Умрида бундай тўкин дастурхонни кўрмаган, мураббо ёки овқат ейиш учун қўйилган қошиқларга қадар тилла, кумушдан-а! Қирқ биринчи йили «қўлини ҳалол»лаганларида хотирасига маҳкам ўрнашиб қолган нарса попуққанд бўлган. Ҳа, овунсин деб попуққанд тутқазилган. Шунга ҳам боши кўкка етган.

Маҳамадшер қоронғи тўр ташлаган боғ кўчада ёнма-ён бораётиб, ҳали жудаям гўл-а, дегандай Ғанишерга қараб қўйди ва Давлатовнинг ажойиб хислатлари ҳақида ҳавас билан гапирди:

— ...Ундан кўп нарсани ўрганиш мумкин. Олий мактабда ўқи-магани билан ўнга инженерга етади ақли. Сен ҳам, Довулбек отангни етагидан ушла, ўғлим, кам бўлмайсан. Бутун тутган йўли режалик. Қатта қизини урушдан қайтган бир қаҳрамонга ўраб-чирмаб узатди. Қуёви ҳозир область устунларидан бири. Ҳали яна ўсади. Анави сен билан тенгдош ўғлига Шодмонованинг қизини унаштириб қўйди. Кўрдинг-а? — Маҳамадшер Ғанишерга қараб қош қоқди. Уз заминини мустаҳкамлаш пайида. Замининг мустаҳкам бўлса-чи, вей, унча-мун-

ча зарбани эламайсан. Қавм-қариндошликда ғап кўп, эсингда тут!
Маҳамадшернинг кайфи баландгина эди.

Ғанишер қулоқ солиб бораётиб, бир нимани фаҳмлагандай бўлди. Ҳали Маҳамадшер ундан «қалай?» деганида зиёфатнинг қуюқ ёки суюқлигини эмас, бошқа нарсани — Шодмонова қўлини юваётганда ичкаридан тоза сочиқ олиб чиққан. Давлатовнинг кўҳликкина кичик қизига шама қилган экан. У Давлатовга ихлоси жуда ўзгача эканлигини яширмасди ҳам.

— «Ривожия»ни ривож топтираяпган одам ким? Биласанми? — деб сўраб Маҳамадшер ўзи жавоб қилди: — Давлатов! Кўп мияси ишлайдиган одам. Бошқа артеллар берсанг ейман, урсанг ўламан, деб фақат давлат фондидан ажратиладиган ипаккагина кўз тикиб шумшайиб ўтирганда, «Ривожия» бир маромда ишлайверади. Нима учун? Шунинг учунки, унинг тепасида Давлатовдай қилни қирқ ёрадиган одам ўтирибди.

— Раис, Тўпахон опа-ку?

— Опа — фахрий раис. Ҳамма иш Довулбек аканинг қўлида. Опа ҳурмат тахтасига номи ёзилганга хурсанд. Шунинг учун ҳам Давлатовни маҳкам ушлаб олган. Уруш вақтида ҳам брон олиб асраб қолди.

— Нима, Давлатов йўқдан бор қиладиган жодугарми?

— Э-эй, ўғлим, соддасиз! — Мийиғида кулиб қўйди Маҳамадшер. — Қаловини билсанг қор ёнади! Давлатовнинг сири шунда. Мана, сенга бир мисол. Баъзи артеллар сунъий ипакдан қийиқча, дарпарда, сўзана учун попук тўқийди, шу керакми?

— Бошқа яхшироқ нарсалар кўп-ку, ҳозир?

— Ҳи-и, ана! Истеъмолдан қолган. Лекин артеллар тўқиб чиқараверади. Чунки план бор. План бажарилмаса, раҳбарнинг юқори идорадагилар олдида эътибори қолмайди. Тўқилган, тикилган нарсаларнинг эса бозори касод: магазинларда тиқилиб, омборларда чанг босиб ётаверади. Тўқиб, тикиб чиқараяпганлар маош олмайди. Тўнғиллашади, сўкинишади, сочлари тикка. Лекин илож қанча. Ватан учун, Сталин учун ишлаш керак. Ана шундай критический моментда артель идорасига бир доно одам кириб келади. «Мен ёрдам бераман»,— дейди, даста-даста пул кўрсатиб. Артель раисининг кўзига у бамисоли авлиё бўлиб кўринади. Иккови артель моллари сотиладиган магазинга боришади. «Сунъий ипакдан тўқилган ҳамма молларингизни сотиб оламан»,— дейди авлиё, пулни қийиқчаси билан стол устига ташлаб. «Худо хайрингизни берсин. Ола қолинг»,— дейди мудир йиғламоқдан бери бўлиб. «Йўқ, уларни эмас, мана буни»,— дейди авлиё ҳали келмаган моллар фактурасини кўрсатиб. «Авлиё экансиз-ку, йўқ нарсани қандай сотаман?» — дейди мудир чўчиб. Авлиё фактураси кўрсатилган мол устига яна қўшимча икки сўмдан, яъни ўн минг ўрнига ўн икки минг тўлайди. Шундай қилиб олди-сотди ҳужжатлари расмийлаштирилади. Авлиё одам билан раис артелга қайтишади ва магазинга бориши керак бўлган молларнинг хом ашёсини авлиёнинг машинасига юклашади. У машина эса авлиё раҳбарлигида «Ривожия»га келади. Шундай қилиб касод бўлиб ётган сунъий ипакни табиий ипакка қўшиб юборилган эдики, ундан кўчабузар атлас бунёдга келди. Қарабсизки, ўн сўм йигирма беш сўмга айланади. Тўқигани ҳам оғзи қулогидан, харид қилганнинг ҳам. Давлат бундан фойда кўрса кўрадики, зарар кўрмайди. Сих ҳам куймайди, кабоб ҳам. Қайтага чўмич ҳам мой, қошиқ ҳам мой. Мана буни битта кесак билан учта қуённи уриш, дейдилар.

— Товламачилик демайдиларми? Сифат нима бўлади?

— Эй, ўғлим, соддасиз! Пақирдаги сувга уч-тўрт томчи ёмғир

томчилагани билан таъми ўзгариб қолармиди?— деди саволга савол билан жавоб қилиб...

Ғанишер онасининг ундан қаттиқ ранжиганини сезди. Ичганининг сабабини тушунтиришга, қисман бўлса-да, онаси олдида ўзини оқлашга уришиб кўрди.

— Давлатов?! Ихтиро учун гувоҳномани сизлар олиб, зиёфатни у қилиб берадимми?

— Унга ҳам тегди.

— Ҳеч нарсага тушунмаяпман.

— Уша... бизнинг ихтироларга у ҳам шерик экан. Унинг раҳбарлигида яратган бўлиб чиқдик. Аслида Жалолхон Жамоловга тегишли авторлик гувоҳномасига...

— Бу қанақаси?! — Сайлихоннинг жаҳли чиқди. — Уроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир!

Ўн олтинчи боб

У отасининг маъракаларини бир фарзанд сифатида, балки ўғилдан аълороқ тик туриб-ўтказди.

Жаноза куниеқ тар-тари эшитилиб турган трактор, грейдеру экскаваторлар уста Умарнинг еттисини ўтказаетганларида унинг ҳовлисига пўлат тишларини тақаб келиб қолган эди. Сайлихон ордан икки кун ўтказиб, ўзи учун муқаддас зиёратгоҳ, ота ҳовлисини кўмсаб келса, ундан кесаки у ёқда тўрсин-кесак ҳам қолмапти — теп-текис. Кўнгли бир хил бўлиб кетди. Икки-уч юз метрча этакроқда қудратли техника кетида чанг-тўзон кўтариб, эски шаҳарнинг пастқам гувала-пахса томларини пойдевори билан қўпориб текис, кенг йўл очиб борарди. Орқада ер шиббаловчи трактор сербар гилдирагини аста юмалатар, оғир юк машиналар эса шағал тўкарди.

Сайлихон у ёқ-бу ёққа кўз югуртирди: бу ерда уста Умару унинг ҳовли-жойи, ҳатто маҳалла ҳам бўлмагандай эди. Қуёшда қизиган қуруқ кесак, тош, жимирлаган сароб ва гармсел тўзғитган тўзонгина мавжуд эди.

— Сайли! Ҳо-ой, Сайли! — деб кимдир чақириб қолди.

Юқорироқда, ён кўча оғзида тўхтаган извошда туриб қўл силки-тар эди Анзират хола. У кишини ҳеч қачон аза либосида кўрмаганиданми таний олмапти. Бошига кўк рўмол ўрапти. Эгнида ҳам қора хонатлас кўйлак.

— Сеникига кетяпгандим,— деди яқин борганида извошдан тушиб.

— Юра қолинг.

— Йўлимни қисқартдинг. Энди шу ердан қайта қоламан.

Сайлихон қистамади.

— Шундай ҳовли-жойлар бузилиб кетса-я! — ачинган бўлиб бош чайқади Анзират хола. — Ҳақини тўлар-а, давлат?

Сайлихон индамади. Кўнглига сиғадими бундай гаплар.

— Қўй, кўп куяверма, жиян, бошинг омон бўлса юз чандон яхшироғи тонилади.

«Ё раббий!» Сайлихоннинг юраги сиқилди. Қаёқдан ҳам дуч кела қолди бу молпараст холасига?

— Менга қара, жойи жаннатда бўлгур уста поччамнинг уй-жойи бузилиб кетибди. Йигирмасини қаёда қилиб олиб кетсак, нима дейсан?

Сайлихон ерга қаради. «Миясига қаёқдан келди бу фикр?».

— Биз ҳам савоб деб юрибмиз бу дунёда.

«Охиратни ўйлаб куйиб-пишадиган хотин эмас эди-ку? Қим дилига солди?»

— Ҳо-ой, ўргилай, нимага индамайсан?

Сайлихон ўз ўйи билан банд эди: «Ўғилларни бундай диний маросимдан чўчишади, сўз тегади, деб. Эри отнинг қашқасидай таниқлик одам — бир тийин ортиқча чиқимга тоби йўқ».

— Сан қизи бўлсанг, ман ҳам у кишининг эшигида тарбият топганман ўз қизларидай. Онам билан поччам узатган ўраб-чирмаб. Ҳаққим бор...

Сайлихон сўз қайтармади. Фақат мийиғида кулиб қўйди: шунга ҳам шукур. Ўз қизларидай узатганларини эслади. Бироқ аллақандай косиб уста Умар учун юртга худойи бериш зарур келибдими унга? Йўқ, бу гап ундан чиқмаган... Беихтиёр елкаларга олинган тобут кўз ўнгига келди... Кибр-ҳаволи Маҳамадшер... Яхши кунингда ҳам, ёмон кунингда ҳам мен ярайман, кўриб қўй, дегандай тобутнинг бир шотиси елкасида ҳовлидан ўтиб борарди.

Сайлихон бошини кўтарди. Кўзлар тўқнашди. Йўқ, муғомбирликни эплай олмади, сатанг хола.

— Ҳой, жиян, ўргилай! Нима қипти? — деди ҳам таъна қилгандай, ҳам ялингандай бир оҳангда. Ёт эмасмиз-ку?

— Қўйинг, овора бўлманглар, — деди Сайлихон секин гапирса, ҳам қатъий. — Отамнинг хотираси учун юртга ош-сув бериш керак бўлса, ўз эшигим бор. Еки у кишини танийдиган ҳамкасблари ишлаяпган корхона бор. Ош-сувни ўша ерда тарқатсам ҳам бўлаверади.

— Бирам қайсарсанки! — дея юлқинди Анзират хола.

— Худо берган феъл. Хайр.

Хола-жиян иккови икки ёққа қараб кетди.

Сайлихон уйига келганда Ғанишерни учратмади. Ҳолбуки у Ғанишерни кўриш, бирдан-бир суянчиғи дилбандидан андак бўлса-да, тасалли топиш ниятида уйига шошилган эди. Аммо у йўқ.

Сайлихон бетақот бўлиб бир-икки бор кўчага чиқиб келди. Уй ишларига қўли бормади. Ҳаво дим, ташналик уни қийнардди. Бир чўмич совуқ сув ичиб айвонда Ғанишерни кута бошлади. «Дам олиш кун. Ёш нарса, айлангани чиққандир», — деб ўзини тинчлантиришга уриниб кўрди. Лекин бари бир кўнгли алағда бўлаверди. Жалолхонни ёд этиб мадад сўради. Жалолхон назарида ҳовли этагидаги анорзордан чиқиб келди. Одатдагидай ятакчан, сўри тагига келганда кетмонини елкасидан олиб ерга қўйди-да, қулоғим сенда, дегандай қараб турди.

— Уғлимни отаси айнитмасмикин деб қўрқаман, — дея пичирлади Сайлихон.

— Ғанишер ёш бола эмас. Қайгурма.

«Ҳа, Жалолхон худди шундай», — деди. Сайлихон бунга ўз қулоғи билан эшитди. Унинг киприклари пир-пир учди.

— Тўғри, унинг ақли-ҳуши жойида, гап-сўзи расамадли... — дея пичирлади Сайлихон.

Айни шу пайт кўча эшик очилди. Остонада Ғанишер пайдо бўлди. Унинг эғнида энги калта оқ сурп қўйлак, каламинка шим, оёғида эса энгил брезент туфли бўлишига қарамай тундлиқиб кетибди. Бодомгул дўпписи қўлида. Елпинарди. Бир боқишдаёқ, бувиси уни анчадан бери кутаётганини пайқаб:

— Чақиртирган экан, — деди туфлисини зинада қолдириб кўрпачага чиқаётганида.

— Ким?

Ғанишер ёқтирмайгина чимирилди. Сайлихон дарҳол тушунди-ю,

юраги шув этди. Ажабо, ўзини у ёқда Анзират хола, ўғлини эса бу ёқда Маҳамадшер қидирса?

— Нима иши бор экан?

— Айтувдим-ку?.. истар-истамас жавоб қилди Ғанишер. — Бувам-никидан кечаси бирга қайтаётганимизда бўлган эски гаплар...

— Уша тамагирнинг тили етди бувангнинг бошига!

— Қураянган участкага олиб борди, — онасининг аччиқ даъвосини эшитмагандай сўзида давом этди Ғанишер. — Одамлар шундай данғил-лама уй-жойлар қуришяптики! Пойдевори бетон. Тепаси тунукаланган, подвалу болохонаси билан...

— Ҳавасинг келдими?

— Ҳайрон қолдим. Инсон зоти бўлган сари бўлай дер экан.

— Ҳай-ҳай, ҳасадгўй бўлма. Бахилнинг боғи кўкармайди. Уруш йўқ. Одамлар, яхши яшашни қўмсаб қолган. Бувангга ўхшаб уй-жойи бузилганлардир балки?

— Йў-ўғей! Енма-ён раис опанинг участкаси. Олабаргак. Бир сарой дейсиз. Унинг қанотида Давлатовники. Уғлига атаб қурдирганмиш. Отам ҳам...

— Нима дейди?

— Участкани сенинг номингга ўтказайлик дейди. Шундай қилинса иш пишиқ бўлармиш. Ғаламисларнинг дами ичига тушиб индаёлмай қолаверармиш.

— Сен нима дединг?

— Бошпанамиз бор-ку, дедим:

— У-чи?

— Бувингга айт. Янги уйни атайин силар учун қурдим. Кўчиб ўтинглар, деди.

— Сен нима дединг?

Ғанишер елкасини қисди.

— Ўзларинг биласизлар...

— Сенга бари бирми?

Ғанишер ерга қаради.

— Йўқ... Бироқ ярашсангиз яхши бўлармиди.

— Менга айт-чи, Маҳамад пўрим нимага бунчалик бизга бағримал бўлиб қолди? Яхшиликмас, ёмонлик кўрган-ку, мандан?

Чордана қуриб, дастурхоннинг попугини ўйнаб ўтирган Ғанишер қошини чимирди.

— Ёш ўтиб боряпти, дейди. Сен ўғлимсан. Бу дунёда сендан бошқа менинг яқиним йўқ, дейди.

Сайлихон узоқ ўйланиб, ўғлига зимдан тикилди. «Ваъдаларига учган бўлса-я?!»

— Буви! — Ғанишер пешонасини тириштирди. — Нимага бунчалик ёмон кўрасиз-а? У бизга жонини беришга ҳам тайёр! Фақат ўтган гапларни унутсак, бирга тинч-тотув турсак, менга бошқа ҳеч нарса керак эмас, дейди.

— Одамларнинг бошига тушган офатдан фойдаланиб у мол-дунё, зар тўплаган. Мени ҳам шу йўл билан тузоғига илинтирган, сотиб олган!

— Барига пушаймон. Қилмишига яраша жазосини тортиб оқланибди-ку! Этагини йиғиштириб олгандир?

— Қайдам: Ҳозир оёқ олиши жойида дейсанми?

— Маъмурият олдида обрўси яхши. Одамлар ҳам...

Уғли билан ўрталарида бўлиб ўтган бу баҳсдан Сайлихоннинг ич-ни мушук таталарди. Ғанишернинг ишга жўнаш олдида тахи бузилмаган шимига ҳафсала билан дазмол босиши, кейин апил-тапил нонушта қилиши, ёки кўзгу олдида «бир соат» туриб соч тарашлари ҳам уни ташвишга солар эди. «Ўзига зеб берадиган бўлиб қолди. Отасининг

таъсири уриб, мол-дунёга ҳирс қўймасайди тагин,— деб чўчирди. Лекин ўртоқлари билан боғ сайридами тўй-томошада узоқроқ қолиб кетса ҳавотирланганини яширмай суриштирар, кузатаркан, зинҳор тергамасди. Танбех бераверса ёш нарса жонига тегиши, тўнини тескари кийиши мумкин, деган мулоҳазага борарди. У ораларидаги аҳилликни шу қадар ардоқлар эдики! Суянчиғи, қувончи Ғанишер. Ҳамма умидлари ундан. Унинг кўнглига қарайди. Ана у. Бугун шанба. Эртага якшанба. Оёқ-қўлини узатиб олдида ўтириш, қўлидан бир пиёла чой ичиш ўрнига қаёққадир шошаяпти. Дазмолланган кийимларига қайта дазмол урди. Афти ангорига совун кўпиги чаплаб, соқол-мўйловини олди. Яланғочланиб ювинди. Кийинди-таранди. Кейин сўридан қаҳрабодай ранг олган бир бош ҳусайни узум узди-да, олдига келди.

— Тўйга бормайсизми? — деб сўради.

Шодмонова билан Давлатовникида тўй. Ҳатто Тошкентдан ҳам артистлар келармиш, дейишаётган эди. Лекин у қатнаша олмайди. Аздор.

— Майли, сен бора қол,— деди Сайлихон.

— Раис опа келиб хизмат қил, дегандилар. Кеч қолдим. Куёв ҳам ўртоғим... Ҳайронман...

— Ҳайрон бўлма. Аввал хизмат қил. Кейин вақтинг бўлса куёвни кига борарсан, — Сайлихон ўгли кўча эшикка етиб қолганида тайинлади:— Тонготар қолиб кетмасан, а?

Йўқ, Ғанишер эрта қайтди. Ярим кеча эди шекилли. Сайлихон сўрида ётган эди. Узоқдан тўй нафаси — куй, қўшиқ, қийқириқ эшитилиб турарди. Қўққисдан тепасида Ғанишер пайдо бўлди. У энгашиб:

— Буви, холам келди, — деди овозини пасайтириб.

Ғанишернинг оғзидан ножинс, нордан бир ҳид келарди. Сайлихон беихтиёр бурнини жийирди: «Ярим тунда келадиган қанақа хола экан?» — деди ичида. Яқинлашаётган пошналарнинг тақ-туқини эшитди-ю, сапчиб ўридан турди. «Сотти?!» Унинг пешонасигача жимирлашиб кетди. Аммо шу заҳоти суст бўлиб қолди. Ой ёруғида совуққина ялтйилт этган башанг кийимдаги аёл ўзини қучоғига отиб йиғи бошлади.

— Дадамни бериб қўйибсизлар...

Сайлихоннинг энсаси қотди. Соттихоннинг сўзлари унга отилган таъна тошдай тегди. «Биз бериб қўйган эмишмиз! — деди ичида. — Сенинг аламингни торта-торта ажалидан беш кун олдин кетмадимикан?»

— Телеграмма юбориш қийин эканми?

«Ҳали гинахонлик ҳам қилади бу!» Сайлихон қанчалик жаҳли чиқмасин тилини тийди. «Эшикдан бўйнини хам қилиб, ўзи кириб келди-ку. Эҳтимол қилмишидан пушаймондир?»

Тўғри, ўшанда Ғанишер телеграмма юбормоқчи бўлган эди. «Отасининг тириги керак бўлмади-ку, ўлиги керакмиди унга!» — деб йўлдан қайтарди. Аччиқ устида хато қилгандир балки? Ахир фарзанди эди-ку? Энди умрбод юрагида кек сақлайди.

— Шошиб қолдик, шекилли... Қўққисидан...

Соттихон у юзи-бу юзига лабини тегизиб ўлган бўлди. Шунда ҳали ўглининг оғзидан келган ҳидга ўхшаган ҳид димоғига урилди-ю, энди юмшай бошлаган дийдаси қотди қолди: «Отасига куйса хотин боши билан ичкилик ичармиди?» Сайлихон синглисини куч билан итариб ташлагундек бўлиб унинг қучоғидан чиқди. Очиқ деразадан ҳовлига тушган чироқ ёруғини кўриб, Соттихонни уйига бошлади. Ичкарига кирса, Ғанишер столга дастурхон тузаб, чой дамлаш ҳаракатида экан.

— Дадам ҳеч нима демадиларми,— Соттихон эгнидаги зарбопми, аллақандай гулдор, ялтироқ кўйлагини ғижим қилмаслик иложини қилиб столга омонатгина ўтирди.

Сайлихон бош чайқади. Дадаси «юзи қурсин» дегани билан кўчага

кунига ўн марта чиқиб кирар, ожиз кўзлари йўлда бўларди. Соғинарди шекилли. Ҳар қалай, Соттихон кенжа қизи-да. «Тўти қушим, қумри қушим. Қани битта сайроворинг-чи! Ё ўйнаб берасизми?» — дея эркалатарди кичиклигида.

Синглисига тикилиб қолди. Соттихон бошидан оёғигача ялтирарди. Илгари ҳам бўйдоргина эди-ку, энди ундан бир қаришча баланд, сарвқомат. Чиройи очилиб кетгандай — юзию билаклари оппоқ, худди сутга чўмилгандай. Қулоғида марварид шокилалли қўш сирға. Бўйида қават-қават дур. Қўлларида илоннусха аломат билагузугу узуклар. «Булар бари тилла суви югуртирилган мис билан ялтироқ шишадир? Йўқасам, шунча зеб-зийнатни қандай орттирди? Қим берди?»

— Ёмондан айрилиб, яхшини топгандирсан? — деб узиб олди Сайлихон.

Хафалашб қолишмасайди, деб юрагини ҳовучлаб турган Ғанишернинг дами ичига тушиб кетди. Шўх, очиқ-ёруғ феъл-атвори учун ҳам холасини яхши кўрар эди-да. Узоқ айрилиқдан кейин энди юз кўришганларида-я?! Бахтига чақмоқ чақиб, момақалдироқ гулдирамади. Гўё булут тарқаб кетди. Соттихон ўзига юқтирмай қаҳ-қаҳ уриб кулди.

— Худо олсин. Ҳақиқий эркак йўқ ҳозир.

Сайлихон синглисига ер остидан ўқрайиб қараб қўйди.

— Куйдим-пишдим деганининг ўти кўпи билан бир кеча кундузга этади холос. Ҳа-ҳҳ! — Соттихон бошини қаттиқ силкитди. — Уй-жойлик хотинларга ачинаман. Бари кундошлик...

— Оғзингга келганини гапираверасанми, гап экан деб.

— Бечора хотин кундузи ишлайди. Уйига келгач, рўзгорига қарайди. Қозон қайнатиб, эрини кутади. Унинг ширин сўзига, эркалатишига орзуманд. Эркак бўлса шомдами, хуфтондами қайтгани билан бари бир уйда ҳам ишини ўйлайди. Хаёлида бузади, тузатади. Нима қилсам план тўлади, раҳбаримдан сўкиш ўрнида мақтов эшитаман, дейди. Тошкентга борган кезимда, сиз айтмоқчи, бир «яхши» илашиб қолди.

Сайлихон Ғанишер турган томонга кўз қирини ташлади. Буни сезган Соттихон кулди.

— Майли, жиянчам ҳам эшитсин. Сал юзидан парда кўтарилади-ку, Соттихон Ғанишерни ўзига тортиб, елкасига шапатилади, — лекин фойдадан холи эмас. — Ўша «яхши» бир кун ўралашди, икки кун. Учинчи кунга ўтганда асаларидай ғинғиллашга тушди. Бастакор эди-да. Менга куйлаб беряпти шекилли, деб севинсам, уям Миралимга ўхшаб фикри ёди янги нуҳасида... Ҳа-ҳ! Тўқиялган кўшиғида экан. Шунақа, замон тинчлик, маъмурчилик-ку, лекин хотинларнинг турмушида хузур-ҳаловат йўқ, бари кундошлик...

— Сенга ўз ишига берилганмас, мўмайгина пул топадиган юлғич, қаллоблар ёқар экан-да?

Ғанишер чимирилиб онасига қаради. Гапнинг белига тепмай бепичинг турсалар нима қилар экан? Сотти холаси ахир ўғри, қаллоблар яхши, бошқалар ёмон демаяпти-ку?

—Опа, мана ўзингизни олайлик. Ҳеч ойнага қарадингизми яқин ўртада?

Ғанишер онасининг гангиброқ қолганини кўриб кулимсиради. Сотти холаси бало: чечан бўлиб қайтибди!

— Манг, — Соттихон келганидан бери қўлидан қўймай ушлаб турган оқ, бежирим сумкасидан юмалоқ кўзгу олиб узатди. — Бир қаранг-а? Сайлихон унинг қўлини қайтарди.

— Бекорчи вақт бор эканми?

— Кўрдингизми, ўзингизгаки оро беришга вақт тополмаганингиздан кейин...

— Упа-эликсиз ҳам куним ўтар!

— Ишдан қайтганингизда ювинишга, ақалли кўрпага ётиш олдида ювинишга ҳам вақт йўқдир?

— Мунча суриштириб қолдинг?

— Ийриқ-ямоқ, қозон-товоқ дейсиз. Силлангиз қўриб чўзилганингизда ҳам эртаги ишни ўйлайсиз. Пешонангизнинг ўртаси ҳамиша гудда. Қиёфангиз жиддий. Шундай бўлгандан кейин эркакдан нима фарқингиз қолди?

— Фойдали иш билан шуғуллансак, ҳеч кимга зор бўлмасак, бунинг нимаси ёмон?

— Иш-иш! Машинага айланиб кетинг-э!

— Ҳа, иш, иш, — Сайлихон синглисига бошдан-оёқ яна бир бор ёқтирмайгина қараб чиқди. — Тўйга кепсизлар-да?

— Ҳа... Йўқ. Йўл-йўлакай. Қонцерт бригадаси билан келувдик областга. Анови поччам қўймадилар.

— Қанақа поччанг?

— Ҳа-ҳ-ҳ, собиқ! — Соттихон мийиғида кулиб қўйди. — Лекин ярашсангиз яхши бўларди. Тўйбоши ўзлари экан.

— Сенга ёқиб қопти-да?

— Еққанда қандоқ! — деди Соттихон кесатикни пайқамай ёки шунчаки эътибор қилмай. — Шу қадар яхши бошқардиларки тўйни! Гапгаям чечан, маданият ҳам баланд. Чин юрагимдан айтаяпман, кам бўлмасдингиз опа.

— Тўлиб-тошиб кетармидим? — Сайлихон унинг зеб-зийнатиға ишора қилди.

— Тўлиб-тошиш ҳам гапми! Сизни кафтида олиб юрарди...

— Ҳа, биламан. Бир марта кафтида шундоқ олиб юрганки! — Сайлихон қўл силтаб, чуқур сўлиш олди.

— Бўйингизга қаватқават дур-марварид, қўлингизга қуйма билагузуклар тақарди. Эгнингизни кимхобу зарбоб, крепдешину атлас билан чирмаб ташларди.

— Илондай дегин? — Сайлихон киноя қилди. — Ҳа, ҳали эсимдан чиққани йўқ, ўраб-чирмаб олганлари. Ҳўҳ-ҳў! Шундоқ вазмин эдики таққанлари, нақ бўйиним узилишга оз қолган. Соттиой, сени артиссан десаам даллоллик қунаринг ҳам бор экан-да, а? Бу айтганларинг бари бировнинг сўзига ўхшайди-ку? — у гапга қулоқ солиб жимгина ўтирган Ғанишерга боқди. Ғанишер онасининг синчков назари ўзига қадалганини ҳис этиб ерга қаради.

— Элчига ўлим йўқ, опа. Элчилик қилсам айбми?

— Соттиой, мени зарбоб-кимхобга, шойи-атласга ўраб, дурру тилла тақинчоқлар тақмоқчи бўлган киши бу нарсаларни қайси йўл билан топишини бир ўйлаб кўрмадингми?

— Узумини енг-у боғини суриштирманг.

— Ҳа-а! — Сайлихон ўзича бош ирғаб, Соттихонни бошидан-оёқ зимдан кузатди. — Бутунлай ўзгариб кетибсан. Лекин сен айтган йўл бизга тўғри келавермайди. — У ўғли ўтирган томонга кўз ташлаб қўйди. — Ҳар қандай узум ҳам ўтиб кетавермайди томоғимиздан. Меҳнат билан топилган ҳалол нонни ейишга ўрганганмиз биз.

— Вой-бўй, опа! Мунча тилингиз аччиқ? Илгари бундоқ эмас эдингиз-ку!

— Тўйда қистиришгандир дулдорлар?

— Хизматимизга яраша.

— Ундан чиқди, Марғилонни тарк этганингиздан бери роса хизмат кўрсатибсиз-да, ҳаммаёғингиз дурру зар.

Соттихоннинг ранги бўзарди.

— Шунча йил ишлаб, сиз нима орттирдингиз, хўш?

— Ҳа, мол-дунё орттирмадим... Жалолхондан қолган мана шу бош-пана... Сенингча эски тос, эски тоғора. Лекин-чи, шунча йил ишлаган бўлсам меҳнатим орқасида эл-юрт назарини қозондим...

— Бувим «Ғалаба учун» медали билан мукофотланганлар, — дея гапга аралашди Ғанишер.

— Кўпчиликнинг ҳурмат-эътибори пулга сотилмайдиган бойлик.

— Сафсата! — Сотихон лабини буриб, юзини тескари ўгирди.

— Ҳа-ҳҳ! — Сайлихон қўл силтади. — Отасини арвоҳини беҳурмат қилиб, отарчилик қиляпган сатангдан нима ҳам кутиш мумкин.

Сотихон ўрнидан сапчиб турди. Ҳали Ғанишер кўтариб кириб дөвор тагига қўйган қизғиш чамадончасини олди-ю, ташқарига отилди.

— Хола! — деб чақирди Ғанишер икки сакрашда эшикка етиб.

Ташқаридан узоқлашаётган пошналар тақ-туқи эшитиларди.

— Бувим... — дея ялинди Ғанишер қошини чимириб. — Тўхтата қолинг. Ахир алламаҳал-а?

Сайлихон эса тирсакланиб столга энгашганча қимирламай ўтирарди.

— Э-э-эй! — дея гижинди Ғанишер.

У кўчага чопганча чиқиб бораётганда Сайлихон дераза олдида туриб:

— Қайт! — дея буюрди.

Ўн еттинчи боб

У муман Сайлихон раис опа тўғрисида у-бу гапларни эшитган, лекин кўп нарсани билмас экан. Масалан, ўта мустабид, диндор оилада туғилган пошша қиз бўлгани; шунга қарамай уйдан қочиб кетгани; Самарқандда ўқигани; сочини қирқиб Комсомолга киргани, масъул ишларда ишлагани, қайсидир қурултойда Крупская билан тушган расми газетада чиққани ва ҳоказо тафсилотлардан беҳабар экан.

— ...Тўпахон Шодмонованинг бутун онгли ҳаёти халқ хизматида ўтди. Халқ учун чинакам туҳфадир — дея хитоб қилди нотиқ.

Залда гулдурос чапакбозлик бошланди. Олдинроқда ўтирган кимдир: «Яшасин номзодимиз Шодмонова!» — дея шиор ташлади. Олқишлар яна авжига чиқди. Сайлихонга бу жарангдор овоз таниш. Маҳамадшернинг овози. У қора, қотма қўлини боши узра кўтарганча залдагиларни рағбатлантириб қарсак урарди. Айни шу пайт жуда бахтиёр эканлигини сездириб, чеҳраси яшнаб турарди. Унинг ёнида раис опанинг кичик қудаси Давлатов. У одатдагидай сипо, қаддини ғоз тутганича виқор билан ўтирибди. Опанинг катта қизи билан куёвини Тошкентда туради дейишади. Негадир улар Марғилон билан алоқаларини узиб қўйишган.

Мажлисга раислик қилаётган Болтабой ака:

— Музокарага чиқадиغانлар борми? — дея залга мурожаат этди.

Ҳеч кимдан садо чиқмагач, кимдир:

— Опани яхши биламиз. Сайла десангиз сайлайверамиз-да! — деб қўйди.

Мажлис ҳайъатида ўтирган Қаромат чевар Сайлихонга қараб жилайди-да:

— Сиз Тўпахон Шодмоновани ҳў, ўша 8 Март байрамида минбарда кўргансиз-а? Эсингиздами, ўттиз тўртинчи йил? — деди худди кўчада учрашиб қолиб ўзаро сўзлашгандай.

— Ҳа, опани илгаритдан таниганлар гапирсин, — дея Болтабой ака уни музокарага даъват этди.

«Дабдурустан-а?» Сайлихон уялиб-қимтиниб турганида олдинги қатордан Маҳамадшер қўл кўтариб сўз сўради.

«Нега энди?!» Сайлихоннинг юрагини рақобатга ўхшаган бир нима жизиллатди. Унга берилган минбарни «Ривожия»га кечагина келган аллақандай эгри оёқ эгаллайверсинми?» Сайлихон дик этиб ўрнидан турди-ю, саҳнага қараб юрди. Хушомад ила унга йўл бўшатган Маҳамадшерга қия боқмади, ўтиб кетаверди.

— Чевар ая тўғри айтдилар... — Шундай деди-ю, нафасини ростлаш учун тўхтади. Залдагиларнинг кўзи ўзига қадалиб турганини кўриб, кўпчиликнинг сири босди: нимани айтади? Сайлихон Қаромат чеварга қараб қўйди. Аянинг очиқ-ёрқин чеҳрасига кўзи тушганда у йўқотганини топгандай бўлди. — Мен раис опамиз Тўпахон Шодмоновани биринчи марта ўттиз тўртинчи йили жаҳон хотин-қизлар озодлиги куни 8 Март байрамида кўрганман. У кишининг мазлум хотин-қизлар озодлиги тўғрисида, паранжи-чимматни ўтга ёқишга чақириб сўзлаган нутқлари ҳалигича эсимдан чиқмаган. Мен сизнинг чақирингизга биноан юзимни очиб, кўча хандон, уй зиндон эркақлар тоифасидан бўлган ҳожамнинг эшигини тарк этганман ва «Ривожия»га ишга кирганман.

У ҳаяжонланарди. Шунга қарамай, энди унга тикилган кўзлар кўрқитмас, балки ҳамсуҳбатларга айлангандай эди.

— Тўпахон опанинг сўзигинамас, ўзи — йигитлардақа эғнидаги кўкрак чўнтаклик гимнастёркаси, белини қисиб бойлаган камари, қирқилган калта сочи... бутун туриш-турмуши мени ҳайратга солган. Ахир сочини қирқиб очиқ юриш хотин-қизларнинг эркак зоти ҳукмронлигига қарши дангал исёни эди-да, ўша замонда! Опани 8 Март митингидан кейин кам учратган бўлсам ҳам, у кишининг қаерда, нима қилгани оғиздан оғизга афсонадай ўтиб юрарди. Биз у киши билан фахрланардик. Уруш вақтида ўзимизнинг «Ривожия»га раис бўлиб келиб яхши ишладилар. Атала, ёвғон мошава ичиб, қорнимиз қора нонга тўймаса ҳам опанинг раҳбарлигида худди Гитлерга гўр қазияпгандай туну кун ғайрат қилганмиз.

Бехосдан олдинги қаторда ўтирган Маҳамадшер билан кўзи тўқнашди-ю, сўзи бўлинди. Чимирилганча андак туриб қолди. Негадир Шодмоновадан илк бор қачон кўнгли қолгани эсига тушиб кетди. Қайсидир районда ишлаб юрганида, бола-чақасидан ажратиб ёшгина ўринбосарига тегиб олганмиш, деган миш-миш тарқагани ўшанда. Айтгандай, «Ривожия»га келиб қолишига ҳам шу оилавий можаро сабаб бўлди шекилли? Артелда опа чакки ишламади. Ўзидан каттани опа-ака, кичикни сингил, ука дер эди. Уруш туфайли жабр тортган оилаларга қўлидан келган ёрдамни аямади. Озиб-тўзиб кетгани опа уруш пайтлари. Шодмонованинг эл оғзига тушган қилмиши хаёлидан деярли кўтарилган ҳам эди. Фақат манави тасқара Маҳамадшер... Ҳа, уни қанотига олди. Ҳозир опанинг ўнг қўли Давлатов, чап қўли Маҳамадшер. Ҳамма ишни уларга ташлаб қўйган. Лоқайд... Опа яна тўлишди. Лекин энди ёшлигидаги тароват қолмаган. Киши қариган сари мақтов талаб бўлиб қаларканми-а? Қорхонага, ишлаб чиқаришга оидми, қандай мажлис бўлмасин, албатта, Шодмонованинг номи турли рангда турланмасдан қолмайди. Маҳамадшер ва унга ўхшаганларга-ку, худо берди деяверинг. Улар расмият учун аввал доҳийни тилга олишади. Кетидан раис опанинг фаолияти, фазилатларини шу қадар лаганга солишадими, эркак кишиларнинг бу қадар ялтоқланишини кўрганда уялиб кетасан киши. Товонини яла-е!

— ...Тўпахон опа Шодмонованинг партия, Ватан олдида хизматлари катта. Буни ҳаммамиз яхши биламиз.

Сайлихон бир лаҳза сукутга толди: ҳозир сайловчилар номзод билан учрашяпти. Талаб қўйса бўлаверади. Танқид қилса-чи? Уринли

бўлармикин? Аммо нуқсонлардан кўз юмса унинг анави олдинги қатордаги лаганбардорлардан нима фарқи қолади? Сайлихон шуларни кўнгилдан ўтказганида юраги уриб кетди-ю, тилини тия олмай қолди.

— У кишининг яхши томонлари кўп. Буни ҳамма билади, — дея тақрорлади Сайлихон вақтдан ютиб, фикрини тўплаш учун.

— Ҳа, ия! Йўғасам-чи! — дея қувватлади олдинги қаторда Давлатовнинг пинжида ўтирган биққа семиз уста.

У залга қараб, ҳа, дегандай бош ирғаб қўйиб чапак чалган эди, бироқ унга эргашувчилар кам бўлди.

Сайлихон ғижиниб ундан юзини ўгирди.

— Ичимда йиғилиб қолган сўзларим бор. Рухсат берсанглар, шуларни айтсам, — мажлис ҳайъати тасмон боқди.

Сочлари оппоқ муштипаргина Қаромат чевар ҳамкорлик билдириб жилмайди. Шодмонова ундан мамнун эканини сездиргандай салобат билан бош ирғаб қўйди. Раислик қилувчи Болтабой ака ўрнидан турди:

— ...Берилсин! — деди залда ҳозир бўлганлар.

— Қишда ўзларинг касаба ташкилотининг область кенгашига юборган эдинглар. Кенгаш Фарғона тўқимачилик комбинатида ўтди. Бўш вақтимизда цехларни айландик. Илғорларнинг иш тажрибаси билан танишдик. Ушанда корхонамизни комбинатга солиштириб қарасам, бизники номигагина «Ривожия» экан... — Сайлихоннинг миясида бундай фикр туғилишига корхоналаридан кўнгли тўлмай ўғлининг аҳён-аҳёнда минғирлаб қўйишлари туртки бўлган эди. Йўқ, тўпланганларга буни айтиб ўтирмай тўғри мақсадга кўча қолди. — Аслида-чи, ҳақиқий янги ривожия ўша комбинат экан! Артелимиз ташкил топганда «меҳнаткашларнинг баданидаги зулук» деб тамғаланган ўша эшон бува тиклаган мадраса-мачитга ўрнашган бўлса, ҳамон шу қоронғи, нураган иморатга тиқилиб, чапг ютиб, захлаб ётибмиз. Бунақада ҳали ишончли вакил ўз нутқида чиройли сўзлар билан: «Ипақдан ҳам майин, меҳнатда йиғитлардан, ҳуснда Зухрою Шириндан қолишмайдиган...» деб таъриф-тавсифлаган хотин-қизларимизни атласга ўрашнинг урдасидан чиқармикинмиз?

Менга ўхшаган тоқавачию тароқловчи, тўқувчилар номидан номзодимиз, корхонамиз маъмурияти ҳамда шаҳар партия комитети олдига қўядиган талабим шуки, корхонамиз ибтидоий қўл дўконлари ўрнига электр кучи билан ишлайдиган машина, дастгоҳлар билан тезроқ бошқатдан ускуналанса, кенгайиб ривож топадиган ҳақиқий янги ривожияга айланса!

Қаромат чевар кўп ажойиб аёл-да. Ўрнидан туриб чапак чалса денг, бутун зал унга эргашди. Сайлихон тўлқинланиб кетди. У пастдагиларнинг: «Иштаҳалари карнай-ку, а?» «Ўғлининг ихтироларига шама қиляпти», — деган шивир-шивирларини эшитиб қолиб, қизишди:

— Нимага энди шама қилар эканман? Ўғлимнинг ихтироларидан уяладиган жойим йўқ! Комсомоллар уни ўз қурултойларига бекор юборишмагандир? Дангал айтавераман: нимага ўша машиналар кўплаб ишлаб чиқарилмайди? Нима сабабдан сусткашлик қилиняпти? Кўрғазмага қўйгандай бешта-ўнта чиқариб, кўз-кўз қиладиган пайтми ҳозир? Бизгагина эмас, ҳамма атлас тўқийдиган корхоналарга ҳам керак... — Сайлихон айтсамми, айтмасамми, деб иккиланиб андак тўхтади. Аммо шу заҳоти андишани ичидан гупуриб келган ғурур босиб кетди: «Нимаси уят экан? Елғон гапириш, уят!» — Тайёрлаш цехида турган қўл дўконлар Ватан учун жон фидо этган жангчи эрим Жалолхон бошлаган, ўғлим Ғанишер билан Еременко охирлаган (у атайин Давлатовни тилга олмади шаҳодатномаси бўлса ҳам) янги машиналар билан қанча тез алмаштирилса шунча яхши!

Сайловчи ўртоқлар, яқинда бир гапни эшитиб ҳайрон қолдим. Қай-

сидир артелнинг экспедитори Климовск заводидаги бир мартабали шахсга пора тиқиштириб, тўқиш дастгоҳи олмоқчи бўлган экан, қўлга тушишига сал қолибди. Нима, қонуний йўл билан олиб бўлмайдими? Агар артелларни дастгоҳ билан таъминлаш режада йўқ экан, бирлашиб фабрика бўлайлик. Қачонгача тошбақа юриш қилиб имиллаймиз?

Биламан, раис опага ортиқча ташвишлар ёқавермайди. Оёқлари оғрийди. Қон босимлари бор, кексалик. Лекин...

— Ачинар экансиз, нима қилардингиз танқид қилиб? — пастдан туриб луқма ташлади Давлатов.

У ер-бу ерда ҳиринг-ҳиринг кулги кўтарилди. Кимдан кулишяпти? Нимага? — Сайлихон залдагиларга кўз югуртирди.

— Жоним ачинганидан гапираяпман. Ахир менинг бу ерда салкам йигирма йиллик умрим ўтди! Эрим ишлаган. Уғлим ишляпти. Қолаверса отам ҳам ишлаган бу артелда! Мақташ бўлса... Шодмоновани бошқалар етарли мақтади. Агар камлик қилса, пастда сўз берилишини чидамсизлик билан кутаяпганлар бор. Улар мақтовнинг хўп кифтини келтиради! — Сайлихон биринчи қатордагиларга кўз қирини ташлаб қўйди.

Маҳамадшёр ранги ўчиброқ ўтирарди. Давлатовнинг ҳам тинчи бузилгандай эди: чалиштирган оёғини тушириб, Маҳамадшёрнинг қулоғига ниманидир шивирлади-да, яна оёғини чалиштирди. Сайлихон парво қилмай гапида давом этди:

— ...Шукур, турмушимиз йилдан-йилга фаровонлашиб боряпти, кўкрагига шабада теккан хотин-қизларимизнинг атлас, айниқса, лов-лов ёнган шўх атлас кийгилари келади. Буваларимиз, бувиларимиз: «Бўзчи бўзга ёлчимас», — деб ўз турмушларидан нолиган бўлсалар биз ҳам: «Атласни кўрмоқ бор, киймоқ йўқ», деб айтсак хато қилмаймиз. Чунки саккизтепкининг бозори чаққон, магазинда йўқ, енг ичида кетади. Харидор ҳатто сифатига ҳам қараб ўтирмайди. Айрим ишбоши усталар бундан фойдаланиб, ипакдан уриб қолиб, сунъий ипакдан кўпроқ аралаштириб юбораяпганга ўхшайди. Тўқувчилар орасида шундай мишмиш юрибди.

— Фисқ-фасод! — тўнғиллади пастдан туриб Давлатов.

— Шамол бўлмаса теракнинг учи қимирламайди! — дея шарттакилик билан жавоб қайтарди унга Сайлихон.

— Исбот қани?

— Шунинг учун ҳам мажлисга соляпман-да! — деди Сайлихон ўзини қўлга олиб. — Раис опанинг бундан хабарлари борми-йўқми? Агар хабарлари бўлмаса, текшириб кўрсалар бўлармиди...

Маҳамадшёр дик этиб туриб, Сайлихоннинг сўзини бўлди:

— Вискоз арқоқ ўрнида ишлатиляпти. Буни ўзингиз ҳам биласиз! Мажлисга раислик қилувчи тартибга чақириб, қалам билан столни тақиллатди.

Мажлис ҳайъатида шаҳар партия комитетининг вакили билан ёнма-ён ўтирган Шодмонова бугунги тантана учун махсус тикдирган хитойча жужунча кўйлаги иссиқлик қилдими, бўртиб кетган юз-кўзини рўмолчаси билан тинмай артар эди.

— ...Ишлатиш ҳар хил бўлади, — Сайлихон босиқлик билан жавоб қилди. — Нормадаги бир метр ўрнига, ипакдан чегириб қолиб, икки метр, бир кило ўрнига уч кило ишлатишяпган бўлишса-чи?

— Соф виждонли ходимларга...

— Ҳа, шундай! — Сайлихон пастдан луқма ташловчиларнинг сўзини шартта бўлди. — Раис опанинг кўнгилчанлигидан фойдаланиб атрофида гирди-капалак бўлаётганлар виждонининг софлигига ҳечам ишонгим келмайди! Агар ундақаларнинг қўли эгри бўлмаса, қултомоқларини ўйлашмаганда, бунчалик лаганбардорлик қилишмасди!

— Уялинг-э!

Минбарда турган Сайлихон тош теккандай бир чайқалди-ю, президиум томонга ўтирилди. У ерда жаҳли чиққанидан қорайиб, тундликки кетган Шодмонова икки қўли билан столга суянганча энайиб ҳарсиллар эди.

— Бошқа жой қуриб қолганмиди шахсий адоватингизни бу ерга кўтариб келмасангиз? — Шодмонова мажлис раисига чимирилиб боқиб амр этди: — Етар бу ойимнинг шунча гап сотганлари! Асосий масалага ўтинглар! — Сайлихон гангиб қолди: «Қандай шахсий адоват?! Тавба. Бу эркакшавандани кўнгли тортган эркакка ҳам ҳайронсан». Шодмоновани зимдан кузатиб турган Сайлихон яна бир нуқсонини пайқаб, ундан бутунлай кўнгли қолди.

Болтабой ака теварагига қараб-қараб қўйиб, қўлидаги қалами билан нуқул столни тақиллатар эди. Залда бири билан бири даҳанаки жанг қилаётганлар сал тинчигач:

— Уртоқлар, тартиб сақлансин! Музокарага чиққанларнинг сўзи бўлинимасин, — дея таъкидлади. Кейин у Сайлихонга давом этинг, дегандай ишора қилди.

Сайлихон узилиб қолган сўзини нимадан бошлашни ўйлаб зални бир карра кўзи билан сузиб чиқди.

Олдинги қаторда ўтирганларга назари тушди. Улар илгаригидай бир-бирлари билан шивирлашмас. Ҳа, сеними, дегандай ерга қараганча миқ этмай ўтиришарди. «Манавиларнинг паноҳи, кеккайган эркакшавандага овоз бераманми?» — деди Сайлихон ичида. Унинг ғазаби қўзиди. Вужудига аччиқ заҳар ёйилгандай титраб кетди.

— Шодмоновага овоз бераманми? — пичирлади Сайлихон.

У қанчалик секин гапирмасин кўпчилик эшитган ва ҳанг-манг бўлиб қолган эди.

— Шу одамга-я? — Сайлихон аста бош чайқади. — Илгари ҳавасим келарди. Энди ҳавас қиладиган жойи қолмапти. Бу Тўпахон опа илгариги Тўпахон эмас. Энди ҳамманиям бирдай кўравермайди. У кишининг кўзларини жир босибди.

Шундай деди-ю, Сайлихон минбардан тушди. Одамлар чапак чалишини ҳам, чалмаслигини ҳам билмай бири бирига қаради. Фақат Каромат чевар билан Болтабой акагина чапак чалди.

— Яна кимга сўз?

Сайлихон жойига ўтиргани борганида ёнидагилар қўрқа-писа суринлиши.

* * *

У аллақандай шарпадан чўчиб уйғонди. Қоронғи хонада кимдир юргандай эди. Қайта кўзини юмди. Дарҳақиқат кимдир бор! Полос остидан солинган бўйра қисирлар — ўғринча қўйилган оҳиста қадам аниқ эшитилиб турар эди.

— Ким? — деди сапчиб турган Сайлихон.

— Менман, буви. — Уйғотмай қўя қолай девдим.

Ғанишер чиндан ҳам вақт ярим кечадан оққан, балки саҳар пайти бўлгани учун ҳам онасини безовта қилишни истамай девордан ошиб тушган эди. У чироқ ёқди.

Сайлихон ўғлининг нашъаси паст, эгни-боши чанг, кўзлари киртаийиб қолганини кўриб:

— Қорнинг очми? — деб сўради.

Ғанишер бош чайқади.

— Машинада келдик.

Тошкентдан Марғилонгача юк машина устида келгани рост. Аммо олис йўлдан ҳам кўра кўпроқ тўрт соатча милиция идорасида ўтириш унинг учун азоб бўлди. Ғанишер қалбини кемираётган бу виждон азоби ҳақида оғиз очишдан қўрқди. Тўғриси, юрак ўйноғи бўлар ҳолатда чўчиб уйғонган онасини ортиқ хафа қилишни истамади. Айниқса

бир кеча-кундуз кутишга ҳам сабри чидамай онасига тезроқ етказиш учун шошилган хушxabарни қандай айтсам экан, деб ўйланиб қолди.

— Буви, — деди у жилмайиб.

— Нима? — Сайлихон ўғлининг афти-ангорига қараб туриб яна юраги ачишди. — Кечки овқатдан бор. Шивағанни олиб қўйганман. Хўп десанг иситиб берай? Унгача сен чангингни қоқ, ювин.

— Буви...

Бошига рўмол ўраб ташқарига чиқишга ҳозирланаётган Сайлихон унга қайрилиб қаради. Фанишер бўлса айтмоқчи бўлганини айта олмай ҳаяжонланар эди. У лаби учаётганини ҳис этиб бармоғи билан босди.

— Акамни топдим, — дея шивирлади. Қувонганидан юраги ёрилмасайди, деб қўрққан эди Фанишер. Йўқ, аксинча, онаси хомуш бўлиб, ўтириб қолди. Негадир ранги ўчди.

Фанишер онасининг аҳволини ўзича тушунди. Акаси билан қандай топишгани тўғрисида узук-юлуқ гапира кетди.

Воқеа бундай бўлган эди. Тошкентга эрталаб етиб келди. Поезддан тушибоқ, тўғри Ўзбекистон Қомсомоли Марказий Комитетига бориб рўйхатдан ўтди. «Зарафшон»дан жой беришди. Меҳмонхона бир қаватлик. У жойлашган хужра қоронғи. Шунинг учун поездда уйқудан қолган бўлишига қарамай ётмади. Қўйлакчан бўлиб шаҳар айлангани чиқиб кетди. Қурултой кечқурун очилади. Ҳали вақт эрта.

Бу унинг биринчи сафари. Юра-юра бозорга рўбарў келди.

Фанишер бозорга кириши билан онасини эслади. Қалиш, маҳси, рўмол, ипаклик, иплик кийимликлар. Бири қўлтиғи тагидан, бошқаси паранжи ичидан чиқариб, олинг, деб қистайди. Бундай нарсалар Марғилонда ҳам бор. Онасига нима ёқади? Қандай совға олса экан?

Ундан ўн-ўн беш қадам олдинроқда Марғилонда тикилган янги бодомгул дўппи кийган новча йигит кетиб борарди. Унинг дала боласи экани қуёш қорайтирган гардани-ю, қанқайган қулоғидан маълум. Айтгандай, эрталаб меҳмонхонанинг ғира-шира, узун йўлагига дуч келмаганмиди унга? Ўзига ўхшаб қурултойга келганлардан бўлса керак.

Бир оздан кейин яна ўша йигитга кўзи тушди. Унинг теварагидагилар шубҳали кўринди. Дарвоқе, фақат шаҳарда, одам гавжум жойларда ўралашадиган нусхалар эди. Шапкасини қийшайтириб кийган мўлтонинамо биттаси чўзилиб, йигитнинг қулоғига шивирлаб, ниманидир мақтар, сочи кўзигача тушган биттаси кун иссиқ бўлишига қарамай қора йўл-йўл костюмини эгнидан ташламаган йигитнинг елкасига қоққан бўлиб у ёқ-бу ёғини пайпаслар:

— Олаверинг, оғайни, кейин хурсанд бўласиз, — дея қистар эди.

Фанишер яқинлашганда йигит ички чўнтагига қўл солаётган, харид қилмоқчи бўлган нарса шапкаликнинг кафтида йилтилар эди.

— Келинбоп нарсалар ҳам бор. Хўп десангиз уйдан олиб берамиз, — дея кўз қисди у.

Фанишер, дўлвар қишлоқ йигити шаҳарлик товламачилар қўлига тушганини, агар олдини олмаса оқибати ёмон бўлишини сезди-ю:

— Қурултой бошланди-ку? Ҳе, бу ёққа юринг-э! — деди эски танишлардай тирсагидан тортиб.

Шапкалик кафтидагини бодомгул дўппили йигитга узата туриб, Фанишерга пўписа қилди:

— Пишган савдони бузма, бола! Қоч, тумшуғингни тикма!

— Бувингга бер сийқаси чиққан узугингни! — Фанишер ҳам бўш келмади. — Е милиция чақирайми?

Шапкаликнинг попуги пасайиб тиржайди.

— Ҳе, жигар! Бетни бозор дейдилар. Моли бор сотади. Пули бор олади. Милицияни нима қиласан ўртага тикиб? Олмасанг, мол эгасига тан, вассалом.

Четга чиққанларида бодомгул дўппили деҳқон йигит:

— Чатоқ бўпти-ку? — деди қошини чимириб.

— Нима?

— Қурултой...

— Ҳе, йўқ! — Ғанишер кулди. — Кечқурун очилади. Мен шунчаки, қарасам, ўзимга ўхшаган фарғоналиксиз. Товламачилар товламасдан тезроқ қутқарайин, дедим-да.

— Ҳалигилар-а? — йигит ҳайрон қолиб жилмайди. — Қаёқдан билай. Олинг-олинг қилишиб қўйишмагандан кейин... Тилласи тоза дейишди-ку?

— Дейишат-та!

Йигит соддалик билан кулди. Шу билан уларнинг бозори тугади. Меҳмонхонага қайтишди.

Ғанишер бозорда танишган танишидан кимлиги, қаерлик эканини сўрамади. Тўғриси, сўраш эсига келмади. У ҳам сўрамади. Бошидаги марғилон нусха бодомгул дўпписидан-у афти ангоридан фарғоналик экани кўришиб турибди. Унинг исми шарифини эса фақат қурултойда билди. Раислик қилувчи: «Фарғоналик комсомол ёшлар бригадасининг бошлиғи, чинободлик чўлқувар пахтакор Соҳибжон Маллаевга сўз берилди», — деганда ёнида ўтирган ўша йигит ўрнидан турди. «Соҳибжон...» қаерда эшитган экан бу исми? Ғанишер минбар томон кўпчиликнинг сирри босганиданми энкайиброқ бораётган давангирдай «чинободлик чўлқувар» кетидан тикилганча эшлагга ҳаракат қилиб кўрди.

— Ака-укамисизлар? — деб сўраб қолди ёнма-ён ўтирган олтин сочили қиз.

Ғанишер қўққисдан берилган бу саволдан ажабланди. Ўзининг бировга ўхшаш ёки ўхшамаслигини ҳеч ўйлаб кўрмаган экан. Ғанишер минбардаги Соҳибжонга боқди. У қўғай, қамиш босган чўл бағридан қандай қилиб ўз улушини узиб олгани — янги ер очгани ҳақида залдагиларга сўзлар эди.

Соҳибжоннинг бўйи ундан бир қарич баланд. Қулқ-бурнини гармсел ялаб қанқайтирган, афти-ангори қайрақи буғдойдай чўлда пишган, чайир дала боласи. Ўзи бўлса эртаю кеч корхонада офтоб емай ўсган шаҳар боласи. Икковининг ўртасида қандай ўхшашлик бўлиши мумкин? Ишлаб чиқаришга оид сўзлар кўнглига тегиб зерикканидан айта қолган-ку, оппоқ қиз. Бироқ нима дейиши керак.

Ғанишер ўнг ёнида ўтирган қизга сал энгашиди-да кўкрагидаги комсомол значогига тикилганча шивирлади:

— Тўғри, биз жисман бўлмаса ҳам, маънавий томондан ака-укамиз.

Қиз жилмайди. У мажлисда эканини унутгандай олтин сочини силкиб қўйиб ўз фикрида қаттиқ турди:

— Йўқ, чиндан ҳам ўхшайсизлар.

Соҳибжон Маллаев кимга ўхшашлигидан беҳабар, минбарда туриб, ўз бригадасининг тажрибаларидан келиб чиқиб, деҳқончилик ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини ўртага ташламоқда эди.

Ғанишер беихтиёр қўйлагининг чўнтагини пайпаслади. Сўз берсалар унинг ҳам айтадиган фикрлари бор.

Иттифоқда тан олиниб, жерий этилган ихтиролари ҳақида икки оғиз сўзлайди. Кейин нутқи асосан «Ривожия» мисолида шоҳи-атлас артеллари ҳақида бўлади. Ҳа, унинг бундай ишлаб чиқариш корхоналарига оид ўз мулоҳазалари бор. Саноатда ишлаб чиқаришнинг артель шакли ёши-ни яшаб бўлмаганмикан? Ғанишерга сўз тегмади.

Қурултойнинг охириги куни концертдан чиқиб, меҳмонхонага қайтаётганларида:

— «Муножот»га ўйнади-ку, — деб қолди ёнма-ён бораётган Соҳибжон, — ўша раққоса марғилонлик бир чеварга жуда ўхшаб кетар экан.

«Энди бу ўхшатыпти», — деди Ғанишер ичида. У хаёлан ҳамшаҳарлари ичидан Соттихонга сал бўлса-да, ўхшайдиганларини кўз ўнгидан ўтказди. Ким экан у «жуда ўхшаб кетадиган? Аммо кўчадаги шов-шув, ялт-юлт этган катта шаҳар чироқлари, физ-ғиз ўтиб турган машиналарга алаҳсиб буни унутди. «Зарафшон» меҳмонхонасидаги ҳужрасига етганда эртанги кун ҳақида ўйлай бошлади: кундузи Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасига экскурсия, тўқимачилик институти студентлари билан учрашув. Кечқурун эса поезд — Тошкент билан хайрлашади. Ғанишер ечи-наётганда эшикни чертиб Маллаев кириб келди.

— Ошна, гаплашиб ўтирайлик ё чарчадингизми? — деди.

Қўққисдан Ғанишер миясига: «Холамини яхши кўриб қолган бўлса-я?» деган фикр келди. Эшик кесақисига боши теккундек новча бу «чўлқувар»нинг «Муножот»га қийиб ўйнаган Соттихонни севиб қолиши муқаррардай туюлди. Фақат у билан бу ҳақда сирлашмаса эди.

Маллаев тугмаланмаган оқ кўйлаги ёқасига қўлини тиқиб кўкрагини ишқалар эгал:

— Сизга қизиғи йўқ. Лекин-чи, ичимдагини айтмасам ёрилиб кетадигандайман, — деди.

— Майли, айта қолинг, — жавоб берди истар-истамас.

Маллаев унинг таклифини ҳам кутмай тўрға ўтди. Бориб деразани очиб юборди. Ташқаридан ёпирилиб кирган тун товушига қулоқ солаётгандай бир оз қаққайганича турди-да, қайрилиб Ғанишерга боқди.

— Ошна, сизнинг ота-онангиз ҳаётлар-а?

Қаравот четида майкачан ўтирган Ғанишер бош ирғади. Маллаев унга ҳаваси келгандай жилмайди.

— Бахтингиз бор экан. Мен бўлсам чақалоқлигимдан бировларнинг эшигида ўсганман. Асранди эканман. Мени боқиб олган, катта қилган, мен отам деб билган кишим отамнинг қотили бўлиб чиқди!

Ҳозиргача эснаб ўтириб, ноиложликдан қулоқ солаётган Ғанишер:

— Йўғ-эй! — деди ҳушёр тортиб.

— Ҳа-да! Ўз оғзидан эшитдим, қўлимда жон бераётиб айтди. Ушанда алаҳлаяптига чиқаргандик. Кейин... Ҳаҳ-ҳ! — Маллаев эшикка қараб юрди. Яна кетига қайтди — Гапираверсам гап кўп. Зериктириб қўймадимми?

— Ҳеч!

Ғанишер ўрнидан туриб кетди. Танишининг қисмати уни ҳаяжонга солиб қўйган эди.

— Бундан уч йилча бурун чўлда бир хотинга дуч келдим. Ҳеч нимадан ҳеч нима йўқ, сенинг бувингман, деб даъво қилди. Уша кунга қадар дўппи чаккада, ашула ванг, чўлда ўз улушини чангалиминан узиб олиб қўриқ счган Сойиб чангал марҳум Маллабой боғбону Ҳидойбунинг як-каю ёлғиз кўз қорачиғи бўлиб келган эди... Мен учун бамисоли зилзила бошланди.

Бувимдан суриштириб билайин деб, қишлоққа борсам тоби қочиб қолган экан. Шунақа, нафаси қисадиган дардга чалинган. Докторга чопишга тўғри келди. Ана-мана деб юриб вақт ўтди.

Ийғим-терим бошланди. Бош қашлашга вақт йўқ, лекин бари бир сўрадим. Тўғри бўлиб чиқди. Асранди эканман. Уша маргилонлик хотин туққан экан мени. Назаримда ҳамма мени қўли минан кўрсатиб: «Асранди! Асранди келаяпти!» — деяпгандай бўлаверарди. Яхшиям армияга чақириб қолишгани. Кетдим. Кетгандаям жуда олисга — Узоқ Шарққа кетдим. Катта дарёларга понтон кўприклар қураддик. Қўшин, техникага йўл очиб берардик. Шунақа эди бизнинг хизматимиз. Бир кўнглим, ўша ёқларда қола қолсамми, деб ўйладим. Алам қилар экан-да, туққан онанг тирик бўлса-ю, бировлар сени асраб олса!

— Сабаби бордир!

— Сабаби? — Маллаев заҳарханда қилди. — Эрга теккиси келган. Бола кўзга кўринадими бундай пайтда? — Маллаев биров билан уришаётгандай жазавали эди. У шартта орқа ўгириб, дераза рахига суянди. Бехосдан панжалари асабий типирчилади. Шимининг чўнтакларини ковлаштирди. Хужра ўртасидаги бўш столга кўз югуртирди. Ниманидир сўрамоқчи бўлди-ю, сўрамади. Қоронғи кўчага тикилганча туриб қолди. У чуқур сўлиш олди-да, мийиғида кулди:

— Шунча ёшга кирса ҳам ҳусини йўқотмаган. Ҳа, ҳалиги... — у Фанишер томонга қия боқди, — раққосага ўхшайди. Худди ўзи!

Фанишернинг юраги шиг этди.

— Оти нима экан? — деб сўради.

— Сайли чевар дейишар экан, — Маллаев яна очиқ деразадан қоронғи бўшлиққа тикилганча орқа ўгириб туриб олди. — Радиодан овозимни эшитиб қидириб келган эмишлар! Балки овозамни эшитиб келгандирлар қариганимда нафи тегар деб?

Фанишернинг ранги ўчди. «Сайли чевар»... Марғилонда яна қандай Сайли чевар бор Сотти холасига ўхшайдиган? Тўхта, онаси бир вақт, қидириб... Лаҳзада унга бари аён бўлди. Бироқ ўгай акаси бўлмайдиган ундан яқинроғи бўлганда ҳам онасини ҳақорат қилдириб қўймайди! Фанишернинг юраги бежо урди. Панжалари ўз-ўзидан қисилди-ю, ўрнидан туриб кетди.

— Сизнинг овозангиз-у, ёрдамингизга зор эмас!! — Фанишер дир-дир титрар, вужудидан ғазаб ёғилаётган эди. Унинг авзойини кўриб Маллаевнинг юраги орқасига тортиб кетди.

— Ия?! — у елкасини қисди. — Сизга нима?

— Менгами? Уша сиз айтган Сайли чевар, Уктам деган тўнғичидан очарчиликда айрилиб қолиб, умр бўйи доғида куйиб ўтпаган Сайли чевар, чўлга ўғлини излаб бориб, тепки еб қайтган Сайли чевар менинг бувим бўлади, онам! Қандай қилиб тилингиз борди ҳақорат қилишга!

— Ия, қандоқ бўлди! — Маллаев ўзини йўқотиб жаланглади. — Мен ҳақорат қилмадим-ку? Шунчаки, мен... мен...

— Ҳақорат бундан ортиқ бўладими? Ҳаққингиз йўқ! Йўқ!! — Фанишер хужра ўртасидаги столга устма-уст мушт туширди. Унинг кўзидан ғазаб билан бирга тирқираб ёш отилди.

Маллаев бир оқарди, бир қизарди. Оғирлигини у оёғидан бу оёғига солди. Ҳайрон қолганидан олайган кўзлар пир-пир учди. Жилмаймоқчи бўлганида лаблари қалтираб кетди.

— Ҳи, отинг Уктам деган эдилар. Тўғри, Уктам... — дея эшитилар-эшитилмас сўзланди Маллаев. Унинг гапиришига томоғи, лаби халақит берар. Дам-бадам ютинишга мажбур бўлар эди. — Кейин Сойиб... ундан чиқди, сиз минан мен... Шукур-э, мениям укам бор экан. Ёлғиз эмас эканман. Ука... — у қучоғини очиб олдинга талпинди.

Улар қучоқлаша кетишди. Кўз ёшларини тия олмай кулишди. Туриб сўзлашди. Утириб сўзлашди. Ён девор дукиллади — қўшни безовта бўлди шекилли.

Улар жим бўлиб қолишар эди-да, яна гапга тушиб кетишар, Соҳибжон савол берар, Фанишер жавоб қайтарар эди. Соҳибжон ўзини туққан онаси тўғрисида ҳамма нарсани билгиси келар, Фанишер эса сўзлаб чарчамас. Гап орасида: «Бувим билсалар жуда хурсанд бўлалар», — деб қўярди-да, бу хушxabарни тезроқ етказиш тўғрисида ўйларди.

— Мен қандай кўринаман? — дея Соҳибжон бошига урар. — Эҳ, хом калла! Хафа қилганман. Кечирмасалар керак...

— Йўқ, ундай деманг! — Фанишер сўзини бўлар. — Бувим юрагида

кек сақлайдиган хотинмас. Оққўнгил, эшикдан ўзингизни кўрсатсангиз тамом — шу заҳоти ҳамма нарсани унуталлар, фақат тезроқ...

Ака-ука бир-бирининг сўзи, меҳрига тўймай тонг оттиришди. Соат 9.00 да меҳмонхона олдига автобус келди. Экскурсия. Шунинг учун шошилиш керак. Қўпи билан ярим соатда соқол олиши, ювиниш, кийиниш дегандай икир-чикирларни тугатиб, нонуштага отланишганда Маҳмадшерга дуч келишди. У ўзининг одатдаги ёзги формасида эди. Бошида каламинка шапка, китель, галифе шим, оёғида оч-қўнғир брезент этик, чап қўймунчида портупея.

— Суриштирсам сени шу меҳмонхонада дейишди. Қандай, Тошкент ёқдимми?

— Раҳмат. Шаҳарни тузукроқ кўрмадик ҳам. Лекин Тошкентга келиб Уктам акамни топдим! — Ғанишернинг кўзлари қувончдан парпирарди. У орқароқда турган Маллаевни тирсагидан тортиб олдинга тортди. — Яна бошқа отлари ҳам бор Сойибжон.

Ғанишер эти жимирашиб, ҳозир қучоқлашади, деган эди. Кутгани бўлмади. Маҳмадшер совуққина қўл бериб кўришди.

Ғанишернинг назарида бу хушxabарга ҳамма севиниши керакдай эди, лекин...

— Кеча келгандим. Бугун қайтаман: Хоҳласанг бирга олиб кетай, машина бор, — деди Маҳмадшер.

Ғанишер ялт этиб Соҳибжонга боқди.

— Кетамизми?

Тезроқ, тезроқ Марғилонга етиши, онасидан суюнчи олиши керак ахир! Поезд эса кечаси жўнайди, эртага етиб боради. Бир кеча-кундуз кутишга тўғри келади.

Соҳибжон бош чайқади.

— Бугун қишлоқ хўжалигига оид техника янгиликлари билан таништиришади. Кўрмасам бўлмайди.

— Сени Тошкентлик ўртоқлар ҳузурига бошлаб бораман, — Маҳмадшер бу ташриф иккови учун ҳам жуда муҳим эканлигини алоҳида қайд этиш учун ўзини сипо тутиб, ҳар бир сўзини чертиб-чертиб гапирди.

— Майли, бора қолинг. Сизга қизиғи йўқ, — Соҳибжон Ғанишернинг елкасига дўстона қоқди. — Бувингизни кўргани мен ўзим ўтаман.

— Қачон?

— Пахта теримга тушишдан олдин... — Соҳибжон алдаб қўйишдан қўрқидими андак иккиланди: Чимирилиб бир қўкка боқди, бир ерга. — Чўлга қовун сайлига олиб кетаман ҳаммаларингни. Айтгандек, бирга нонушта қилмаймизми?

— Шошиб турибмиз, — Ғанишер учун Маҳмадшер жавоб қилди унинг қўлидан тортиб. — Хайр, биз учун ҳам томоша қилинг механизация янгиликларини.

Улар меҳмонхона олдида тўхтаган бўш таксига ўтириб, эски шаҳар томонга қараб кетишди. Ғанишер билмайдиган аллақандай кўчалардан ўтишди. Аҳоли учун кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган артелнинг идораси, омборида бўлишди. Маҳмадшер: «Ўғлим Ғанишер» деб басавлат ўртоқлар билан таништирди. Артель омбори олдида турган уч тонналик «ЗИС»га аллақандай той-той юкни орттиришди-да, жўнаб кетишди. Фақат Бўкадан ўтганда йўл четигаги хилватроқ бир чойхонада тамадди қилишди.

Шофер моторни ўт олдирганда Маҳмадшер кабинада ўтирмай кузовга чиқди.

— Гаплашиб кетамиз, — деди юмшоқ той устига ёнбошлаб.

Машина дарахт панасидан чиқиб, катта йўлга тушганда:

— Таниб олдинг-а? — деди қош қоқиб Маҳмадшер.

Ганишер гап кимлар ҳақида бораётганини сўзсиз тушунди.

— Керакли одамлар, — деб қўйди Маҳамадшер, — эсингдан чиқарма. Бундан буён уларга ишимиз кўп тушади. Тошкентга ўрнимга сен келиб кетишингга тўғри келади. Ҳа, иссиқ жон. Ёш эмасман. Бир кун ундоқ, бир кун бундоқ. Довулбек ака ҳар кимга ҳам ишониб топширавермайди бундай нозик ишларни.

Маҳамадшер кузовга қатор тахланган тойлар устига узала тушиб ётди-да, юзини шапка билан ёпаётиб:

— Одам таний билишлик ҳам мен сенга айтсам, катта ҳунар, — деб қўйди. У шу заҳоти қиялаб қараб қўққисдан сўради: — Институтга кирганмисан? Кечкисигами ё сиртқисига?

— Энди... шунақа ният... — Ганишер каловланиб турганида Маҳамадшер яна насиҳат қила кетди.

— Отни қамчила. Киришингга ўзим ёрдамлашаман. Танишлар бор. Улар ҳам эплашолмаса, Давлатовдан илтимос қиламиз. Водийда унинг сўзи сўз.

— Ўзим... — эътироз билдирмоқчи бўлди.

— Сен «ўзим» деб инқиллаб юрганингда ўрнингни бирорта оғзи каттанинг ёки ўша институтда ишлайдиган домланинг боласи, қариндоши, таниш-билишининг ўғил-қизи эгаллайди. Сен биласан, у билмайди. Сен ўз кучингга ишонасан, у ишонмайди. Лекин бари бир у киради. Сен оғзингни очиб қолаверасан. У беш-олти йил институтда лақиллаб юриб, ҳеч қандай илм олмаса ҳам диплом олиши, ҳатто ўша институтда ишлаб қолиши, ўзига ўхшаган чаламуллаларни дўжналаб тайёрлаб чиқариши, ҳатто илм-фан тараққиётига «ўз ҳисса»ларини қўшишлари ҳам мумкин.

Ганишер ажабланди. «Ўз ҳиссаларини қўшармиш. Қандай қилиб? Жуда ошириб юбормадилармикин?»

— Мендан сенга битта насиҳат, — Маҳамадшер машинанинг гуриллаши-ю, чайқалишига эътибор этмай гапида давом этди. — Партия сафига ўт. Қўлингда олий маълумотли мутахассис деган диплом, чўнтагингга қизил дафтарча — ана унда сен учун ҳамма йўл очиқ. Фақат лалаймасанг, оғзингдан сўзинг тушиб кетмаса, пайтида чангал уришни билсанг бас — мартаба поғоналари бари сеники. Лаб-даханда, — Маҳамадшер кўрсаткич бармоғи билан оғзига ишора қилди, — нутқ сўзлай билишда, гап кўп...

Унинг насиҳатлари Ганишернинг кулгисини қистатди. «Нутқ сўзлай билиш эмиш. Нима, ҳар қандай маҳмадоналару амалпарастлар ҳам партия сафига қабул қилинаверилса...» Йўғей, партия унинг тасаввурида бир... бир...

— Ҳар қандай имонини ютганни ҳам...

— Қўй, бунақа диний гапларни! Сен ўсадиган одамсан, ўғлим, — дея шивирлади Маҳамадшер пешонасини тириштириб.

— Ахир эътиқод...

— Сўзимни бўлма, ўғлим. Ҳали сен гўрсан. Турмуш-чи, бу... бу катта китоб. Кўп нарсани ўқитардим-а, ҳап, ёнимда олиб юролмадим. Бувингдан нима ҳам ўрганардинг? Қаттиқ нону сув бўлса бас, ҳаёт шу экан, деб қаноат қилиб ўтиб кетаверади. Яна ўзи ўрганган, билган иш, ширин сўз бўлса — бу унинг учун ҳақиқий бахт!

Ганишернинг кўз ўнгида онаси пайдо бўлди. Дийдаси балқиб:

— Тўғри, бувим камсуқумлар, — деб қўйди кулимсираб.

— Мени билмайди дейсанми? Биладан, — деди Маҳамадшер. — У шу феъли орқасида обрў орттирди. Шаҳар Советига опанинг ўрнига депутат бўладиям! Ҳали республика, ҳатто Иттифоқ Олий Советига ҳам сайланиши мумкин ундайлар. Чунки, сен тузук, деб қўйсанг бас, ишлайверади. Ўзини ўйламайди. Сенам чаккимассан, ўғлим. Мен бўлсам... У

Ўқсинди шекилли қўлида қиялаб ушлаб турган шапкаси билан юзини ёпди.

Ғанишер ухлаб қолган экан, машина тормози жаҳл билан пишқирганида уйғониб кетди.

— Уялиб қоласиз, ҳей, менга қаранг! — қоронғида Маҳамадшернинг товуши эшитилди.

— Сиз учун яна бир карра уялсам уялибман-да. Ҳайданг отделе-нияга!

Бу товуш эгасини Ғанишер кўрмаса ҳам дарров таниди — Норқўзи тоға.

— Жуда қайсарсиз-да.

— Бўлганим шу!

— Ярим кеча. Қийнаманг, инсон! Ҳужжатларни йиғиштириб ўзим бораман эрталаб.

— Из олибман шекилли-а, жиғиллашингдан маълум,— Эсонбоев кулди.— Утган сафар доғда қолдирувдинг. Энди қутулиб бўпсан. Туш олдимга!

Машина шаҳар милицияси ҳовлисида тўхтади.

Ғанишер кузовдан тушиб дарвозага қараб юрганида орқадан Эсонбоев!

— Қаёққа? — деб бақирди.

Чиндан ҳам Ғанишер бу англашилмовчиликка ўзининг ҳеч қандай дахли йўқ, деб билган эди.

— Қаёққа бўларди? Уйга.

— Отанг билан биргамисан? Бирга ўтирасан! Бу ёққа! — деди қўли билан ертўлани кўрсатиб.

Қоронғида қорайиб кўринган ертўланинг тунука қопланган эшиги-га кўзи тушганида Ғанишер беихтиёр сесканди.

— ...Агар шошмаганимда поезддан ҳозир тушган бўлардим. Бу можаролар ҳам йўқ, ертўладаям ўтирмасдим. Тергов ҳам бермасдим.

Ғанишер онасига қараб кулди. Бу билан у ўзини бепарво қилиб кўрсатмоқчи эканини Сайлихон сизди албатта.

— Айтгандим-а, сенга! Ҳей, қозонга яқин юрсанг қароси юқади, ёмонга яқин юрсанг балоси юқади, деб. Қулоқ солмадинг. Отам, дединг. Сўзига учдинг...

У бир ловиллаб сал босилгач, ўғлининг кўзига тикилиб туриб сўради:

— Нимага ушлашибди?

Ғанишер ердан бошини кўтармай:

— Ким билади! — деб қўйди. — Лекин дадам ҳужжат кўрсатди шекилли олиб келган молнга.

— Сен нима дединг?

Ғанишер елка қисди.

— Ёлғон гапирма. Аниғини билмасанг ҳам сезгансан. Шундайми?

Ғанишер ёқтирмагандай юзини бужмайтирди.

— Наслингга тортмасанг эди. Майли ҳимоя қил. Қилавер! Лекин билмайман, деб оёқ тираганинг билан ўзлари билиб олишади.

Бу кеча Сайлихон битта эмас, гўё иккита эди. Биттаси ака-уканинг топишганидан, тўнғичига «худо инсоф бериб» кўргани келмоқчи бўлганидан қувонса, бошқаси Ғанишернинг «этагига фалокат илашгани»дан доғда эди. Шунгами, у эрталаб «Ривожия» дарвозасидан кириб келганида ҳали иш бошланмасиданоқ уриб, эзиб ташлангандай ҳорғин эди.

— Сайлихон!

Орқадан Каромат чеварнинг овози эшитилди. Тўхтади.

— Бир машина вискозминан қўлга тушганмиш-ку, Маҳаммад пўрим?— деди етиб келиб кўришар-кўришмас.— Воей, нимага қўшасиз-а, ўғлингизни?

Усиз ҳам бўлганича бўлиб турган Сайлихон Каромат чеварнинг таънасини эшитгач худди бир энлик этдан тушди.

Идорага қараб келаётган Болтабой ака уларни кўриб қайрилди.

— Юзхотирсиз танқид бекорга кетмади, а? Исбот талаб қилишди, жириллашиб! Мана сенга исбот! — Болтабой ака мамнун эди.

«Юзхотир»... Ҳа, бу бор гап. Сайлихон маънос кулимсиради. Давлатов билан Маҳаммадшернинг қўли эгрлиги, Шодмонованинг уларга ҳомийлик қилишини ким билмайди? Билишади. Фақат андиша қилишади, ўз тинчини ўйлашиб индашмайди. У ҳам андиша қилиб келмаганмиди шу чоққача? Тўпахон опани Марғилонда биринчи бўлиб паранжи ташлаганлардан, аёллар орасида биринчи бўлиб фирқага кирган, биринчи бўлиб янгичага саводини чиқарган ўқимишли аёл дебоқ обрўсини сақлар эди. Давлатовнинг қилмишлари тўғрисида оғиз очгундай бўлса, калтакнинг бир учи опага бориб тегишини сезар эди. Йўқ, охири...

Маҳаммадшер қўлга тушган ҳамон Довулбекни кечаси кўрпада ётган жойидан олиб кетишибди. Ҳозир иши терговда экан. Улар энди бир-бирини секин-секин ёнларига чақираверишади. Шаҳарда: «Давлатовнинг-чи, деворларининг орасигача хазина экан, қоп-қоп пул, қимматбаҳо буюмлар чиққанмиш. Киши билмас миллионер бўлиб кетган экан-да»,— деб айрим ёшроқлар лоп қилишса, художўй кексалар: «Мачитга гилам ҳадя қилганди. Ёмон бўпти, бечорага»,— деб ачинишади. Тўғри, Довулбекнинг айрим ҳотамтойликлари йўқ эмас, бор, аммо тамагир ҳам эди. Уруш пайти ўз кенжасига қўшиб, бошқа етимчалар қатори Ғанишернинг ҳам қўлини ҳалоллаганидан кейин унга ўзининг ўтказиб қўйганини очиқчасига сездириб, юзсизлик қилган. Бир кун тугай қолсин-тугай қолсин билан ишхонада кечроқ қолиб кетган экан, орқасидан келиб бирдан кучоқласа бўладими. Жон-пони чиқиб кетди. Гойибдан куч келдими қайдам итариб юборган экан, анавиндай жойга бориб ўтириб қолди. «Уялмайсизми хотин, бола-чақалик одам!»— деб дашном берди. Йўқ, юзидан шарм кўтарилган наҳс киши уятни билладими! Узи ўйнашиб юрадиган енгил табиатли жувонларга ўхшатдим, кунлардан бир кун яна ёпишди. Бу сафар андишага бормаи мўйловига чанг солди. «Манавини асраб қўяман,— деди панжасидаги бир тутам мўйловни тумшуғига тутиб.— Агар яна қайта ҳангилик қилсангиз, ҳаммага, ҳатто хотинингизга ҳам кўрсатиб, шармандангизни чиқараман!» Шундан кейин ҳайиқадиган бўлди. Юзма-юз келганда ёлғон манзират қилиб тиржаяди. Аммо эри фронтга кетиб, ўзидай есир қолган бева-бечораларга ундан етган хўрликлар кўпдан кўксига тўплана-тўплана қийналиб келади. Ниҳоят, адолат ўз ўрнида қарор топадиган пайт келди. Лекин Маҳаммадшернинг муносабатига ҳайрон. Биринчи қамалганида: «Тилинг узунлиги бошимга етди. Хап сеними!»— дея яниб кетган эди. Қайтгач, шу ниятини амалга оширишга урниб ҳам кўрди. Лекин кейин «ярашайлик»ка тушиб қолди. Мақсади нима? Ёки ўзича авлиёлик қилиб ёмонликни яхшилик билан енгмоқчимиз? Балки ярашгач ўтмас пичоқда сўйгандай киши билмас қийноққа солишни ният қилгандир? Мана, ётган жойидан яна: «Сизлардан бошқа яқин кишим йўқ бу дунёда. Бир келиб кетинглар»,— деб илтимос қилиб хат чиқарибди.

Анчадан бери деразадан ҳовлига қараганча онасининг ҳукминни кутиб ичидан эзилиб ўтирган Ғанишер:

— У ёмонми, яхшими, ўғрими ё тўғрими бари бир менинг отам экан. Эшикни тақиллатган тиланчиниям қуруқ қайтармаймиз-ку — деди.

Сайлихон қўлида ярим бет қоғозни ғижимлаётганини пайқаб қайта текислади-да, Ғанишернинг олдига суриб қўйди:

— Кеч қолма! — деб тайинлади ўрнидан тураётиб.

Маҳамадшер қадамини илдам босиб, Ғанишернинг олдига келди-ю, ўзини унинг устига ташлади. Пиқ-пиқ йиғлади шекилли, лекин кўз ёшини кўрмади. Ғанишер илгари ҳеч қачон отаси билан бу хилда кўришмаган эди. Эти жимирлашди.

— Раҳмат, — дея шивирлади Маҳамадшер елкасидан қучиб омонлашаётиб. — Бувинг юбормасмикин деб қўрқувдим.

«Нимасига раҳмат? Ёт одамлар ҳам кўргани келади».

— Раҳмат, раҳмат сенга. Яхши кунингда теварагингда ўралашганлар бошингга иш тушганда лип этиб ўзларини четга олишди, — дея шивирлади Маҳамадшер. — Ёт — ёғ ичганинда, қариндош — қон ичганинда керак, деб бекорга айтишмаган экан. Кўнглимни кўтардинг келиб.

Ғанишер ерга қаради. «Овози бўғилмаганми? Нега шивирлайди?» Бироқ сал энкайиброқ юриши демаса касалга ўхшамайди. Умуман туриш-турмушида ўзгариш йўқ. Илгари қандоқ бўлса шундай. Эғнида каламинка китель, галифе шим. Бошида ҳам каламинка шапка. Оёғида ўша-очқўнғир брезент этиги. Фақат пешонаси тиришиброқ торайгандай. Чуқур тушган кўзлари бежо.

— Сен меним тўғримда ёмон фикрларга борма, ўғлим. Биттаю битта айбим яхши яшашни истадим. Уй-рўзғор бут, ҳеч кимга зор бўлмасак, дедим. Ҳамма ҳам яхши яшашни истайди. Ё гапим хатоми? Бўйнимизга қўйишяпган айбга келсак, давлатга бир тийин ҳам зиён етказмадик. Аксинча атласга талаб каттами? Катта. Биз шу талабни қондиришга ҳаракат қилдик. Фақат бир қатим вискоз ортиқ кетди нима-ю, кам кетди нима? Харидор бунинг фарқига бормаиди. Уғлим, сен менга бундай қарама. Тушунгин-да! Давлатов бошчилигида атлас тўқиш технологиясига ўзгартиш, яъни озроқ ипак тежаб, ўрнига вискоз қўшилган экан, бу иш яширинча, берухсат қилингани учун ҳам жиноят саналапти. Энди бу сир сир бўлмай қолди. Эртага саноатда бу технологик жараён кенг жорий этилади. Ҳа, мени айтди дерсан. Бугун жиноят саналган нарса эртага кашфиётга айланади. Ахир сунъий ипак бўлмиш вискоз нима учун яратилди? Ипак ўрнида ишлатиш учунми? Ё бошқа нарсагами? Бозор кўтарса-чи, вей, ипак у ёқда турсин фақат вискоздан атлас тўқишади ҳали! Довулбек амакинг, мен сенга айтсам, кў-ўп ишбилармон одам. Унинг бошига ўзининг шу донолиги етди. Уни ўлдиришлари мумкин. Лекин иши ўлмайди.

Ғанишер мийиғида кулиб қўйди.

— Нимага куласан? — деди Маҳамадшер.

— Сизнингча қалбакиликлар умрбоқий экан-да?

— Ҳали ёшсан. Кўрарсан, пишарсан. Шунда ҳақ, дадам айтганди-я, дерсан.

Ҳозиргача ота-бола бурчакка тиқилиб тикка турганларича суҳбатлашаётган эди. Маҳамадшер қабулхонадаги ёлғиз стол бўшаганини кўриб, Ғанишерни шу ёққа етаклади. У келтирган тўр халтадаги совға-саломларни ўртароққа суриб қўйиб, курсига ўтираётганида шивирлади.

— Янги участкам сеники... ихтироларингга теккан пулга қурилган, дедим. Йўқ дема. Уй сеники. Чиндан ҳам сенга атаб қурганман.

Ниятларим бошқача эди: тўй қилсам, келинни янги участкага туширсам, деб юргандим. Аттанг, мана, кетяпман. Ёш ҳам анчага бориб қолди. У ёқдан тирик қайтаманми-йўқми, дийдор кўришиш насиб этадими, буни худо билмаса, бандаси билмайди.

Илгари худони тилга олиш одати йўқ эди унинг. Кафтини юрагига қўйиб: «Бу ерда большевик қалби уриб турибди», — дея нутқ сўзлаганини кўрган. Энди бўлса... Ғанишерга эриш туюлди унинг художўй бўлиб қолгани.

— Ўзимдан орттириб сенга тузукроқ бир нима қолдирмай кетяпганимга ачинаман. Лекин янги участка... — у атрофга олазarak қаради-да, бўйинни чўзиб яна тайинлади. — Менинг пулимга қурилган, деб гувоҳликка ўт. Хўлми? Йўқасам, бари мусодара бўлади. Хап, хом-калла. Ҳеч пишмади-пишмади. Чап берса бўларди. Бўларди! Ҳаҳ-ҳ! — Маҳамадшер қўл силтади. — Ачинган билан фойдаси йўқ энди. Кеч. Буларни сенга ҳисобга ол, деб айтяпман. Ёшсан. Бувингдан эшитмайсан бундақа насиҳатни. Лекин бувинг ҳалол хотин. Ҳаммани ҳам ўзидай тўғри деб билади. Беш панжанг бир хилми? Қара, — у ушук урган қинғир-қийшиқ панжасини ёзиб кўрсатди. — Одамлар ҳам худди шундай, ҳар хил. Бири ақлли, бири нодон. Бири аммамнинг бузоғидай бўшаган. Бошқаси тутган ерини узадиган. Ҳалво деган билан оғзинг чучимаганидек, совет кишилари деганинг билан бари пок, тушунган, бари меҳнаткаш бўлиб қолмайди. Лекин ҳаммалари ҳам яхши ейишичиш, яхши кийинишни хоҳлайди.

Бундайлар, мең сенга айтсам, олимлар, китоб ёзадиганлар, кўрак чўнтагида қизил дафтарчаси борлар, ҳатто қонуншунослар ўрта-сида ҳам кўп. Ҳа, дуч келганман уларга. Нафақ олишларидан пайқанман. Улар бизга ўхшаган хўжалик, коммерсия ходимларини юлғичлар, ўғрилар деб сўкишади-да, ўзлари, оҳ қармоғимга каттароқ лаққа илинармикин, деб кўзларини лўқ қилиб пойлоқчилик қилишади. Биз уларнинг олдида-чи, бир кичкина чавақмиз, холос,— у ўксингандай уҳ тортди. Анчадан кейин хомуш шивирлади: — Сени кўрганимда қувонардим. Қолган умримни паналарингда тинчгина ўтказарман, деб умид қилувдим. Лекин ўйлама... қарисам ҳам сизларга фойдам тегса тегадик, зарарим тегмайди. Чунки, ҳар қалай бу замонда қандай яшаш кераклигини сизларга қараганда мен кўпроқ биламан. Анави участкани ҳам биргаликда тинч, ҳузур-ҳаловатда яшасак деб қурганман. Хап...

Орқа эшикда соқчи кўринди.

— Вақт тугади!

Унинг овозини эшитганда Маҳамадшернинг ранги ўчди.

— Эсингдан чиқмайди, а, ҳалиги?— У столдаги тўр халтани олди-ю, кетига аста тисарилаётиб, шивирлади: — Қимнинг ёмон яшагиси келади? Лекин...— у қўлидаги сариқ тўр халтага синиқ кўнгиллик билан қараб қўйди. — Билиб қўй, сизлардан бошқа менинг ҳеч кимим йўқ.

Орқа эшик ёпилаётганда чуқур тушган икки кўз ўзига тикилганча мўлтираб турганини ҳис этганида, Ғанишер бир хил бўлиб кетди.

У кўчага чиққанида, боши ғовлар, қулоғи шанғиллар эди. Қуёш аллақачон ботганига қарамай кун билан қизиган тошқўчадан иссиқ ҳаво кўтарилар, туйнуқлардан эса тутун. Ҳаво нафасингни қайтаргундек ҳидли, ғуборли эди.

Ғанишер кўча эшикни очганида айвонда чироқ кўринди. Лекин онаси кўринмади. Зинапоядан кўтарилаётганида у дармони қуриб бораётганини ҳис этди. Ҳатто оёғидаги туфлисини ечишга ҳам эриниб, кўрпачага ёнбошлай қолди. Йўл-йўлакай таъқиб этган отасининг кўзлари ҳамон хаёлидан нари кетмасди. «Умри қамоқда чирийди», —

деган фикр ўтди кўнглидан. Онаси, онасининг отасига муносабати ҳақида ўйлади. «Жуда ёмон кўрадилар», — деди ичида хафа бўлиб. Учоқбоши томондан Сайлихон кўринди. Пастда туриб, коса узатди. «Мунча тўлатмасалар». Қорнида ҳеч нима бўлмагани билан иштаҳаси йўқ. Кўнгли ҳам гаш эди Ғанишернинг.

Сайлихон келиб дастурхонга ўтирди.

— Буви, — деди Ғанишер бошини кўтармай эринчоқлик билан шўрвасини ахтара туриб, — нимага бунча ёмон кўрасиз дадамни?

Сайлихон нон синдиришдан тўхтаб, ўғлига синчковлик билан боқди.

— Ачиндингми?

— Қариб қопти, — Ғанишер қошиқни қўйиб, бошини кўтарди. Янги участкани бизга атаб қурганмиш.

Сайлихон ўғлининг товушида қувончга ўхшаш бир нимани пайқаб, ҳадиксиради. Дарвоқе, қиёфасидаги айрим ўхшашликларни сезганига кўп бўлган. Фақат феъли ўхшамасин-да, эй худо, деб тилак тилар эди.

— Терговдаям, Ғанишернинг ихтироларига теккан пулга қурилган, деганмиш.

Сайлихон безовталанди.

— Хўп, у шундоқ деган экан, сен нима дейсан?

Онасининг ўтқир нигоҳига тоб беролмадими, Ғанишер яна ерга қараб, шўрвасини аста шопиришга тушди. Бир оздан кейин у мийиғида маъюс жилмайиб қўйиб, иккиланибгина деди:

— Аммо, лекин сиз ёмон кўрганингиз билан у сизни... Рост, бутунлай бошқача фикрда...

— Гапирма!

— Ҳалол аёл...— деди.— Ғанишер онаси оғзига уришидан қўрққандай шошиб-ҳовлиқиб гапира кетди: «Мендан ҳам рози... Ихтироларим тузук эмиш. Яна... яна қариганимда сизларнинг паналарингда тинчгина юрсам девдим, дейди.

«Ҳа-а», деб қўйди Сайлихон. Унинг хаёл суриб қолганини кўрган Ғанишер: «Бувим ачинаптилар», деб ўйлади. Аслида эса Сайлихон ўзи қанча рад этмасин, Маҳамадшернинг зўр бериб ярашишга интилишининг сабабини энди тушунгандай эди. Тўғри, у катта қилмаган эса-да, Ғанишер ўғли. Бир неча бор уйланишига қарамай, у хотинларидан бола кўрмади. Бошқа фарзанд кўришга кўзи етмаса керак — ёши ҳам бир жойга бориб қолди. Шундай бўлгач, унинг бутун умиди Ғанишердан.

Сайлихон ҳорғин сўлиш олди-да, аста бош тебратди. Кейин ўғлига синовчан кўз ташлаб сўради:

— Энди нима қилмоқчисан?

Ғанишер дарҳол тушунди. Аммо аниқ узил-кесил бир қарорга келолмай, елкасини қисди. Ичи-сирти ганч, деразалари сокин кўл бетидай ялтиллаган, оппоқ олабаргак, кўкракдор иморат кўз ўнгига келди. Роҳат-ку бундай уйда яшамоқ. У беихтиёр томоғини тақиллатди. Аммо айни пайтда онасининг товушидан ҳушёр тортди.

— Қадамнингни ўйлаб бос. Қинғир ишнинг қирқ йилда ҳам қийиғи чиқади, — дея жиддий тайинлади. — Агар Маҳамадшер янги участкасини пешона тери билан топган пулига қурганида, сенинг панангга яширинмасди. Рўй-рост айтиб, исботлаб берган бўларди. Елғон гапирбидими — ўмарган. Жамоат чўнтагига қўл солган! Наҳотки шунга ақлинг етмаса?!

Ғанишер индамай косани бир чеккага суриб қўйди. Оғзини сочиқ билан артди. Онаси ўтирган томонга ер остидан қараб:

— Ҳарна қилгандаям отам. Ачинар экансан киши. «Кимнинг ёмон яшагиси келади?» дейди.

Сайлихон чимирилди-ю, ҳеч нарса демай идиш-товоқларни йиғиштира бошлади. Ганишер онасининг хафа бўлганини пайқаб, эмаклаб ёнига ўтди. Бўйнидан қучоқлаб суйканди.

— Отанг тўғри айтибди. Ҳамма ҳам яхши яшасам дейди. Уша фашистлар ҳам яхши яшасак, деб Ватанимизга ҳужум қилган, талаган, қирган! Сенинг ўғай отанг... ҳа, илгари ўғайлигини билмас эдинг, Жалолхон ҳам яхши ҳаёт деб жонини фидо қилди. Сенам, менам яхши яшасак, деймиз...

— Буви! Еш бола эмасман-ку? Тушунаман.

— Тушунишга тушунасан-а, бироқ, эс-ҳушингни ғулғулага солган балои нафсга қулоқ солаяпсан! Отанг ваъда қилган олабаргак участкани манави эски, пахса уйимизга солиштириб, кўнглинг сует кетаяпти! Ҳалол билан ҳаромнинг, виждон билан виждонсизликнинг фарқини унутиб қўяяпсан!

— Буви!

— Нима буви? — Сайлихон Ганишернинг қўлини бўйнидан олиб ташлади-да, ўзича сўзланди. — Катта бўлган сари ташвиши ҳам катталанаяпти. Ким бўлаяпти бу? Ким?

Сайлихон Жалолхон билан шу кечаси тонготар маслаҳат қурди. Эрталаб таранаётганида, бундай қараса, сочининг оқи илгаригидан ҳам кўпайибди. Бунга Ганишер ҳам пайқади. Ачинди. Кўнглида шу ҳис, чой дамлади. Ўзи қуйди. Чойида чўп турди. Чўзинчоқ, қоп-қора шама пиёланинг қоқ ўртасида аста чайқаларди.

Ганишер кулимсираб онасига қаради. Сайлихон шамадан кўзини узмай пичирлади:

— Меҳмон келади.

(Тамом).

Марғилон — Тошкент, 1973—1978.



Константин Теньякшев

ОДИН ОПЕРАЦИЯ

Русчадан Ҳ. НИЕЗОВ таржимаси

ҚИССА

Қисса қаҳрамонлари — махсус топшириқ билан душманнинг орқа томонида қолдириб кетилган совет разведкачилари учун бу жанг: ҳарбий маълумотлар тўплаш, душман агентурасини фош қилиш... — оддий операция бўлган эди.

Генрихнинг таниши кечқурун яна келди. Уни ҳеч ким кутмаган, кутиши ҳам мумкин эмасди, чунки учрашув бошқа кунга келишилган, ўша бошқа кун эса, ҳали келмаганди. Маргарита Францевна, табиийки, кўча эшикни, келишиб олингандек, занжирлаб қўйганди, шунинг учун у деразани чертишга мажбур бўлди. У эҳтиёткорлик билан, ҳар бир чертганидан кейин бир лаҳза тўхтаб-тўхтаб чертарди.

Маргарита Францевна уни ҳавотирланиб киритди, у: «Пешайвондаги чироқни ёқманг» деб қулоғига пичирлаганида ҳавотири баттар кучайди.

Улар деворни ёнлаб кетган йўлқадан бориб, йўлакка чиқиладиган зинадан кўтарилишди-да, қоронғи пешайвонга ўтишди.

— Мен келишилган кунни ўзгартиришга мажбур бўлдим. Краснодарга поезд эрталаб ўтар экан. Ўзингиз тушунасиз...

Маргарита Францевна меҳмонни хонага ўтказиб юборди, ўзи бўлса эшик олдида жиндак ҳаёл суриб қолди. Назарида бу хатони бир амаллаб тузатиши мумкиндай бўлиб туюлди, гарчи бунинг учун аниқ имконият бўлмаса ҳам, Генрихнинг таниши келиб қолиши мумкинлигини шамма қилиб қўймоқчи бўлди. Агарда у пешайвоннинг чирогини беихтиёр суратда ёқиб юборган ёки қаттиқ гапирган тақдирда ҳам ҳеч ким кўрмас, ҳеч ким эшитмасди — ўша соатда кўча бўм-бўш, ҳатто чумоли ҳам ўримасди.

— Бу ерда чироқ ёқиш мумкин, — дея рухсат этди меҳмон. — Фақат эшикни зичлаброқ ёпиб қўйинг.

У эшикни ёпди. Учирғични айлантирди. Шифтдаги чироқ ярақлаб ёнди ва меҳмон, Генрихнинг ошнаси, оний муддатга кўзларини қисди, Кўзларини қисибгина қолмади, балки нурни тўсиш учун қўлларини кўтарди.

Маргарита Францевна эрталабгидай, унинг юзида ҳам, қўлида ҳам эса қоладиган бирон алоҳида белги кўрмади. Юз ифодасидан ҳеч нарса, мамнунликми, пушаймонми — билолмади. Дарвоқе, Маргарита Францевна бирон алоҳида белгини қайд қилолмаслиги ҳам мумкин эди. У бундай ўзгаришларни пайқаб ола билмасди.

Улар хонада столда бир-бирларига қарама-қарши ўтиришгач, у нотаниш меҳмон қиёфасида ниманидир топишга муяссар бўлди, ҳатто ўша белгиларни фикран санокдан ўтказди: буғдой ранг, пешонаси ясси, кенг бурни қирра, юзи чўзинчоқроқ, лаблари юпқа. Тўғри, буларнинг барчаси меҳмонни бошқалардан ҳеч нима билан ажратиб турмасди — оламда буғдой ранг, қирра бурун, юпқа лаб одамлар қанчадан-қанча! Лекин Маргарита Францевна бу топганини ўзича қайд қилиб қўйди. У ўз-ўзига шуни қатъий аниқлаб олдики, Генрихнинг ошнаси немис эмас, ва у, эҳтимол, ҳозир Генрих турган жойда ҳатто бир маротаба ҳам бўлмаган. Айни пайтда бу ерлик ҳам эмас, бу шаҳарда туғилиб ўсмаган, ҳозир бормоқчи бўлаётгани Краснодардан ҳам эмас. Маргарита Францевна у билан немисчалаб гаплашишга уриниб кўрган эди, у ўша заҳоти уни тўхтатди:

— Бунинг ҳожати йўқ... Келажакда ҳам... ҳеч қачон керак бўлмайди,— деди.

Маргарита Францевна бир пиёла чой таклиф қилган эди, у дарҳол рози бўла қолмади, ўйлаиб қолди, соатга қаради. Кечки ўн бўлган эди. Маргарита Францевна учун анча кеч бўлиб қолган эди: у ўндан ўтар-ўтмас ўрнига ётарди. Одат-да!

— Агар қайнатиш керак бўлмаса...

— Самовар ҳали қайноқ,— дея изоҳ берди у.

Маргарита Францевна дастурхон ёзиб, эшиклари ўймакорлик билан ишланган, қалин ойналар билан жиҳозланган кўҳна жавондан у-бу нарсаларни олиб келиб столга қўйиб, рўпарасига ўтиргунча меҳмон уни орқасидан кузатди, ниҳоят у рўпарасига келиб ўтиргач, деди:

— Сиз синглингизга унча ўхшамайсиз, лекин ўрталарингизда қандайдир умумийлик бор.

У, чиндан ҳам Хильдага озгина ўхшаб кетарди. Вандага ҳам шундай кам ўхшарди. Аммо меҳмоннинг кашфиёти у унинг синглисини танишига ёки қачондир уни кўрганлигига ишонтирмасди.

Меҳмон спектаклда роль ижро этар, бу сўзлар эса, у ўйнаётган роль текстига кирар эди.

Чойнинг ҳожати бўлмади. Генрихнинг «дўсти» унга қўлини ҳам урмади. Фақат қошиқчани стаканга солиб, чойни аралаштирди. Бирдан томдан тараша тушгандай шошиб шундай деди:

— Генрих келиб сизни кўриб кетмоқчи...

У кўриб кетди. Генрих Штиллер Россиядан кетиб қолганидан буён йигирма йил ўтди. Улар бир-бирларини йигирма йил бўлдики, кўришмайди, ўн йилдан буён эса, хат олиб, хат беришмайди. Маргарита Францевна ўзини синглисининг оиласидан бутунлай жудо бўлган ҳисобларди. Жудо бўлганига ачинмасди ҳам. Хильда билан тикланадиган алоқа фақат бахтсизлик келтириши мумкин холос.

— Гапингизга мен тушунмадим! — деди Маргарита Францевна сидқидилдан тан олиб. Хильданинг эри Генрих бу ерга қандай қилиб кела олишини чиндан ҳам тушунмаганди у.

— Кўриб кетмоқчи,— дея такрорлади меҳмон.— Хизмат бурчи бўйича у Россияга командировкага келиши керак. Қисқа муддатга.

— Лекин Генрих бу ҳақда ҳеч нарса ёзмади-ку, Хильда ҳам!— деди Маргарита Францевна баттар таажжубланиб.

Меҳмон кинояомуз кулиб қўйди.

— Ҳозир ким хат ёзишади, ўз ҳаловатини йўқотиш кимга ҳам керак дейсиз. Бу ҳаловатни сиз осонликча қўлга киритмагансиз. Мен шундай деб биламан, Маргарита Францевна. Ё гапим нотўғрими?

— Рост, рост,— деб бошини силкиб тасдиқлади у.

— Ана кўрдингизми.

Меҳмон аллақачон совуб қолган чойни яна қошиқ билан айлантди.

— Иссиғидан қуйиб бераман,— деди Маргарита Францевна бундай мушкул суҳбатни давом эттиргиси келмай.

— Менга мана шу совуғи ёқади,— деди меҳмон уни қайтариб.

— Ундай бўлса, майли,— дея рози бўлди Маргарита Францевна, яна нима дейишини билмай.

— Генрих сизни кўриб кетгани келади,— деди меҳмон, кейин бир лаҳза жимиб қолди, Маргарита Францевнага тикилиб турди-да, қўшиб қўйди: — Сиз, яна қайнисини кўриб кетмоқчи.

— Василийними?

— Ҳа-да! Топдингиз,— деди меҳмон таъкидлаб.

— Лекин у бу ердан узоқда туради-ку, жудаям олис.

Меҳмон яна кулиб қўйди.

— Поездлар тўхталиб қолганми ёки самолётлар учмаяптими? Кадрли Вандага, холаси, яъни сиз, жиянингизни кутаётганингизни, уни жудаям соғинганингизни, ўзингиз уйни ёлғиз ташлаб кетишга иложингиз йўқлигини, бунинг устига, ёшингиз ҳам бир жойга бориб қолганлигини ёзсангиз бас...— меҳмон Маргарита Францевнанинг оқ оралаган сочларига, анча сўник кўзларига тикилиб турди-да, бошини тебратди.— Ҳа, ёшлик ўтиб кетди... Аттанг, Василий келсин.

Маргарита Францевна сесканиб кетди.

— Нега?

— Айтдим-ку, холасиникига меҳмондорчиликка, деб.

— Йўқ, йўқ... Генрихга Василий нега керак бўлиб қолди?

Меҳмон ўзининг ҳеч нарсани уқиб бўлмайдиган юзидан таажжуб белгисини акс эттирди.

— Почча ҳам холаси каби жиянини соғинган.

— Генрих уни ҳеч қачон кўрмаган. Ҳеч қачон.

— Нима бўпти? У Василийни яхши билади, унинг қобилиятини, ахлоқий фазилатларини қадрлайди. Василийнинг келажаги бор. У фанга қизиқади.

— Қанақа фанга қизиқади! У оддий инженер.

— Ҳозирча,— деди меҳмон, Василийнинг бундан буёнги тақдири гўё унинг ёки Генрихнинг қўлидадек тагдор қилиб.— Ҳамма оддий нарсадан бошлайди, баъзан шунчаки тугалламайди. Ҳар хил вазиятларга дуч келади, шунга мувофиқ тугаллайди.

— Сиз олдин қобилиятлар тўғрисида гапиргандингиз.

— Улар ҳисобга олинади.

— Хўш, агар Василий, Генрих айтгандай, чиндан ҳам талантли бўлса, у ҳолда, балким, муродига етар. Мен жиянимнинг майллари ҳақида ҳеч нарса билмайман. Унинг фанга қизиқиши ҳам менга номаълум. Генрих яхши хабардор...

— Балким.

— Ундай бўлса Генрих меникига кириб ўтмасдан, нима учун тўппа-тўғри Ванданикига бориб, қайниси билан кўришиб қўяқолмайди?

Меҳмоннинг юзидан енгилгина, ҳозирча енгилгина алам ифодаси сирпаниб ўтди. У бундай саволни кутмаганди.

— Ванда Францевна синглиси билан хат ёзишиб туришни сиздан сал олдинроқ узиб қўйган. Унинг эри, Германияда ўзининг қариндошлари йўқ, деб ҳисоблайди. Генрих Штиллер Золенбауэрлар хонадонига боришни ўзига эп кўрмайди. Одамлар ҳам ҳар хил хаёлга боришларини андиша қилади. Бунинг устига Штиллернинг ҳозирги иши бундай узоқ сафарга боришни истисно қилади.

— Бўлмаса Генрихнинг бу ерга келишини нима деб ўйлашади?

— Хотинининг опасини бир ров кўргани келибди, мунис, меҳрибон опасини бир ров кўргани йўлакай кирибди, дейишади... Сиз бир вақтлар Генрих Штиллерга жуда меҳрибон бўлгансиз.

Маргарита Францевна алам билан пешонасини тириштирди: меҳмонга унинг қизлик майллари ҳам маълум. Фақат маълумгина эмас, ундан фойдаланишмоқчи. Унинг сафари билан боғлиқ бу ўйин бежиз эмасга ўхшайди.

— Генрих яхши хотираси билан ҳамиша ажралиб турарди.

— Сиз-чи?

— Менинг хотирамга ёшим таъсир қияпти.

— Вақт, демоқчимидингиз?

— Вақт...

— Вақт хотирага таъсир қилмайди, балки хайрихоҳлик кўрсатиш имкониятига таъсир этади. Вақтни улоқтириб ташланг. Ванда билан Хильда — сизнинг жигарларингиз, қони ва жони билан сизга яқин кишилар, шундай экан, табиат қонунини ҳеч нарса ўзгартиролмайди... — Меҳмон стакан бекани яхшироқ кўриб олишга халақит бераётгандай, уни нари суриб қўйди. — Уша қонунни ўзгартиришга уриниш керак эмас. Керак эмас!

Меҳмон охирги иборани насиҳат тариқасида айтмади, балки талаб сифатида ва ҳатто буйруқ тарзида айтди. Чамаси, у Маргарита Францевнанинг ички қаршилигини сезиб қолган эди.

Унинг кўнглида чиндан ҳам қаршилик уйғонган ва исён даражасига ўсиб етиши мумкин эди. Меҳмоннинг дўқи Маргарита Францевнанинг тарвузини қўлтиғидан тушириб юборди. У насиҳатни эслади: «Қаршилик энгилгина, табиий бўлиши ва унчалик узоқ бўлмаслиги лозим. Токи меҳмон сизга ишонсин, қариндошлик туйғулари кучига амин бўлсин».

— Керак эмас, — деди Маргарита Францевна рози бўлиб. — Нима ҳожати бор? Биз ота-онадан бор-йўғи учтамыз... Яна, мана бу Василий ҳам бор.

Меҳмон бирдан тинчланмади. У Маргарита Францевнанинг кўзларига синовчан қараб қўйди. Улар унга меҳрибон, самимий бўлиб туюлди. Қандай бўлиши лозим бўлса шундай кўринди...

— Фақат учалангиз, — дея бошини силкиди у. — Энди худо хоҳласа, сизлар яна бир оила атрофида тўпланасизлар. Бу оламда ҳамма нарса ўзгарувчан.

Меҳмон бирдан шошилиб қолди.

— Жиянингиз келган заҳоти мана шу адресга маълум қилинг. Ёзиб олинг!

Маргарита Францевна адресни меҳмоннинг ўзи ўз қўли билан ёзиб, столнинг устида қолдиради, деб умид қилганди. Лекин ўзининг ёзиб олишига тўғри келди.

— Яна битта илтимос. Гули билан мана бу гулдонни жиянингиз келган куни кўча эшик томондан биринчи деразага қўйиб қўйинг...

Опа-сингиллар

Г. шаҳари Россиянинг жанубидаги район марказларидан деярли ҳеч нимаси билан ажралиб турмасди. У бир қаватли иморатлардан иборат бўлиб, гавжум эмасди. Совет ҳокимияти йилларида Г. шаҳари ўсиб кенгайди. Марказда тошдан ясалган уч қаватли шифохона, баландлиги икки қават қеладиган маъмурий бино пайдо бўлди ва унга райижроком, райкомпартия, район халқ маорифи жойлашди. Асфальт йўқ эди. Байрам намойишлари ўтадиган шаҳар майдони ва асосий кўчаларга ҳафсала билан тош терилган эди. Шунинг учун ҳам уларни «тош кўчалар» деб аташарди.

Шаҳарда энг кўп нарса, бу ҳам бўлса яшил дарахтлар эди. Айниқса ёз палласида у гўё яшил денгиз ичида чўкиб ётарди. Шаҳарликлар ўзларининг мункиллаб қолган боғбонлари Иван Петрович Черкашиннинг: «Умрингда битта ҳам дарахт ўстирмасанг, сен одам бўлиб қаёққа борардинг», деган гапини такрорлашни яхши кўришарди. Бу яшил хиёбонларни у ва унинг кўп сонли ёрдамчилари яратишар, гуллар кўр-газмаси ўтказиб туришар эди. Голландиядагига ўхшаш лолаларни бу ерда ўстиришмасдию, лекин бошқа гулларга келганда, голландияликлар билан баҳслашар эдилар.

Шаҳар чўл сарҳадида қад кўтарган эди. Қаёққа қарама — бепоян кенглик, фақат узоқ-узоқлардаги уфқда қорайиб ўрмон кўринади.

Г. шаҳари ҳар томондан яхши эди. Биргина камчилиги, у ҳам бўлса темир йўлнинг йўқлиги. Инженерлар бу обод яшил даргоҳнинг ҳаловатини поездларнинг гулдуриси билан гўё бузишга кўзлари қиймай, жўрттага уни четлаб ўтиб кетган эдилар. Агар темир йўл йўқлиги шаҳарликларни ортиқ даражада хафа қилади, деб айтилса, бу ёлғон гап бўлур эди. Улар паровозларнинг ўкиришию, вокзалдаги бағир-буғирларга ишқивоз эмасдилар. Бордию жимжитлик бирон кимсанинг юрагини сиқса, станциягача етти чақирим юриб бориб, у ёқ-бу ёққа ўтиб турувчи поездларни томоша қилиб, юрагининг чигилини ёзиши, жудаям ғайрати кўзиб кетса, пассажир ва ёки тезюар поездга ўтириб, Москвага ёки Кавказга ҳам жўнаб кетиши мумкин эди.

Г. шаҳари айниқса баҳорда, майсалар кўкариб, боғлар гулга кирган пайтда яхши бўларди. Бу пайтда у ҳайратомуз яшнаб кетар, ҳамма ёқ севинч-қувончга тўлиб-тошарди.

У қирқ биринчи йил баҳорини ҳам шундай қарши олди. Кўкатлар барвақт кўкарди, олчалар салладай оппоқ тусга кирди. Худди ўтган йилдагига ўхшаб ҳовлиларда белкураклар тақиллади, ўроқлар жаранглади.

Тонг ёришиши билан Маргарита Францевна Васкиндер ҳам боғчасига чиқди. Шафқатсиз тақдир эридан айирганидан буён олма, олхўрилари парвариш қилиш ишлари ёши бир жойга бориб қолганида унинг гарданига тушди. Маргарита Францевна эликларга бориб қолган эди, шу ёшга борганларнинг барчаси умрининг бу палласида ёшини деярли яшаб кўйгандек бўлади. Тўғри, шунча ёшга кирганига қарамай ҳали ёш кўринарди, бунда унинг ипакдай қўнғироқ сочлари ва бутун қоматининг таранглиги, келишганлиги гуноҳкор эди.

Боғча унча катта эмас — ўттиз тупга яқин мевали дарахт, йигирма тупча келадиган малина, қора, қизил қорағат бутасидан иборат эди. Боғнинг этак томони Октябрь кўчасига ёнма-ён чиқарди. Бу ерда, қалин ғишт деворда кичкина эшикча бўлиб, уни малина буталари, ёввойи ток ҳамда ачитқи буталари кўмиб ташлаганди. Бу эшикдан кўп йиллардан буён фойдаланилмас, қўшнилари, Маргарита Францевнанинг ўзи ҳам унинг борлигини хаёлларига ҳам келтиришмасди.

Маргарита Францевнанинг эри — Васкиндер Карл Иванович шаҳарда ҳурматли одам бўлган эди. Москва университетини битириб, бу ерга келгач, у, инженер-гидролог сифатида, шаҳарни сув билан таъмин этиш муаммосини ҳал этишга дарҳол киришиб кетди. У пайтларда бу унақа осон иш эмасди. Маблағ, механизм йўқ эди. Аммо ёш гидролог қийинчиликлар олдида тўхтаб қолмади. Сув билан таъминлаш режаси амалга оширилди. Шаҳар аҳли ундан миннатдор бўлиб, Карл Ивановични аввал район Советига, кейин шаҳар Советига сайлади.

— Маргарита Францева! — деб чақирди уни қўшни аёл Анна Андреевна Фокина. — Сиз ҳамишагидай аллақачоноқ ўрнингиздан туриб олиб, ишга киришиб кетибсиз. Бундай боғни парваришланинг ўзи бўлмаса керак?

— Кўникиб кетганман. Ҳатто бундан роҳатланаман ҳам. Сиз ҳовлида негадир кўринмай қолдингиз.

— Эримни ишга кузатдим.

— Шунақа эрта кетадими ишга?

— У шунақа, тундаям кетишга тайёр, агар қўйиб берилса, молиявий ҳисобот, дейди, душанбада топшириш лозим, дейди. Унинг бухгалтерияси жонимга ҳам тегиб кетди.

— Ундан чакки ранжияпсиз, Анна Андреевна! Прокофий Филиппович ҳалол одам, ишнинг ғамини ейди.

— Ундан кўрасига боғнинг ғамини есин. Баҳор, ҳали ҳеч балоқилингани йўқ. Дарахтлар нобуд бўлиб кетади.

— Келинг мен сизга қарашиб юбораман.

— Вой савил-э... Олдин ўзингизникини эвлаштиринг.

Кўча эшикни кимдир тақиллатди.

— Почта! Буюртма хат!

Маргарита Францева қўшниси олдида узр айтди-да, кўча эшик томон шошилди. Юраги хавотир билан уриб кетди. Хат оладиган кун ҳам бор экан-ку, ахир! У бу муждани қачондан буён кутарди.

Хат ташувчи Маша, ҳориб-чарчашни билмайдиган, ҳамда сермулозамат қиз, Маргарита Францевнага конвертни узатди-да, имзо чекишини илтимос қилди.

Маргарита Францева дафтарчага «В» ҳарфига ўхшаш бир нимани чизди-да, Машага миннатдорчилик билдириб, конвертни очиб ўқиш учун ичкарига шошилди.

«Ванда синглизидан!»

... Маргарита Францевнанинг иккита синглизиси бор эди. Каттаси Хильда, эри Генрих Штиллер билан Германияга кетишган эди. Генрих у ерда унча катта бўлмаган ҳовли-жойни меросга олди. Кичиги, Ванда, мактабни тугатгач бир неча вақт ота-онаси билан турди, бироқ унга васийлик қилувчиларнинг туриш-турмуши қаттиқ зериктирди. У пастбаланднинг фарқига бориш билан ажралиб турмайдиган, тутган еридан кесадиган, ҳар нарсадан таъсирланиб, кўнгил қўядиган қиз эди. Ванда, опалари айтганидай, рўпарасидан чиққан биринчи одамга «тегиб кетди». Куёв мол-мулки, ҳеч ким билан борди-келдиси, келажакда суяниши мумкин бўлган нарсаси ҳам йўқ бир йигит эди. Ёш хотини унга омад келтирди. У ўша пайтда. Туркистон ўлкасида машҳур «Зингер» фирмасининг вакили лавозимини олди. Бир тупканинг тагидаги бундай хилватга етиб олиш учун қаттиқ азоб тортишга тўғри келди, бироқ ўзларининг мустақил фаровон турмушларини қуриш имконияти — маъши катта эди — ёш эр-хотинга куч-қувват, дадиллик бағишлади. Шундай қилиб Ванда, энди бўлса Золенбауэр, Бухорои «шарифга» бориб қолишди.

Золенбауэрларнинг ишлари яхши юришиб кетди. «Зингер» фирмасининг вакили бу ерда бир неча йил ишлаб пул орттириб, Қора денгиз

ёки ҳеч бўлмаса Азов соҳилларига қайтиб боришни, бир бўлтак ер сотиб олиб, агар узумзор бўлса янаям яхши, уй қуришни ва кейин роҳат-фароғатда умр ўтказишни ният қилиб юрарди.

Ванда Францевна эрининг бу режаларини қувватлардию, лекин бу орзулари қачон бўлмасин рўёбга чиқишига нима учундир қалбан ишонмасди. Оила учун чинакам бахт — болалар, Золенбауэрларда эса фарзанд йўқ эди. Улар бир-бирларидан сир тутиб иккаласи ҳам европалик шифокорларда даволаниб юришди. Ванда ҳатто табибга ҳам кўрсатмоқчи бўлди, лекин бунга юраги дов бермади. Бундай аҳволдан қандай қилиб чиқиб олиш йўлини ҳаётнинг ўзи ўргатди. Бу воқеа улар Туркистонга келгач, тахминан ярим йилдан кейин содир бўлди. Кейинчалик Ванда буларни опаси Маргаритага ёзиб юборди, у бунга унчалик ҳайратланмади, фақат «Мен бошқача бўлишини кутмаган ҳам эдим. Унинг, ҳар галгидек омади келибди»... деб қўяқолди.

... Ванда Францевна эрининг корхонасига бориб, нонушта тугилган тугунни унга ташлаб келиш учун уйдан чиқди. Кўчада у карвонни кўриб қолди. Узоқ йўл босиб, ҳориб-толган ҳайвонлар билан одамлар оёқларини аранг кўтариб босар эдилар. Ванда Францевна йўловчиларга раҳми келиб, кузатиб турди ва уларнинг манзилларига эсон-омон етиб олишларини тилади. Агар у туялардан бирида гўдак бола қўйилган бешикни кўриб қолмаганида, карвон олдида ўралашмай, ўз йўлига кетаверган бўлармиди. Гўдак икки-уч ёшлар чамасида бўлиб, атрофга қўрқув билан олазарак қарар, ниманидир сўрар эди. Нима сўраётганини Ванда Францевна тушуна олмасди, лекин қўрқшаб қолган лабларини зўр-базўр қимирлатиб яланишидан сув сўраётганини фаҳмлаб қолди. Болани ташналик азоблар эди.

Ванда Францевна шу заҳотиёқ гўдакка чой, эрига атаб пиширган гўшти сомса бермоқчи бўлдию, лекин карвон юриб бораётган пайтда бунинг иложини килолмади. Шундан сўнг у, карвон бирон яқинроқ ерда тўхташидан умидвор бўлиб, унга эргашиб бораверди. Унинг ўйлаганича бўлди. Шу яқин орадаги карвонсаройда йўл юриб толиққан туялар тўхтаб, ерга чўкишди. Энди Ванда Францевна гўдакка ҳар қанча қараса, меҳрибонлик кўрсатса бўлар эди. Уни боланинг кўзлари ҳайратда қолдирди: ўйчан ва ҳадикли. Ҳаммадан ҳам қизиги улар мовий кўзлар эди!

«Ахир бу рус-ку!» — деган фикр Ванда Францевнанинг кўнглидан ўтди-да, унга русчалаб гапирди.

— Исминг нима? — дея сўради уни эркалатиб.

Лекин бола жавоб бермади. Унинг гапига тушунмади. Шундан кейин у қийнала-қийнала сўз танлаб, ўзбекчалаб гапирган эди, боланинг юзида жонланиш аломатлари пайдо бўлди.

Ванда Францевна унга чой қўйиб ичирди, сомса берди, буларни у қанчалик очофатлик билан бир лаҳзада йўқ қилиб ташлаганини кўрсангиз эди. Ҳайдовчилардан карвон бугун Бухорода тунаб қолишини билиб олиб, у эрининг олдига югурди ва болани олиб қолишни ундан ялиниб-ёлбориб сўради. Иосиф Карлович хотини илтижо қилиб, сира қўймагач, унга ён бериб, карвонсаройга йўл олди. Аммо Ванда Францевнанинг ниятини амалга ошириш унақа-бунақа жўн ишлардан бўлиб чиқмади. Иосиф Карлович болани бешикдан ажратиб олиш учун катта пул тўлашга мажбур бўлди. Музокара давомида маълум бўлдики, унинг ота-онаси — Орол балиқчилари вабодан ўлиб кетишган, карвонбоши эса болани тасодифан топиб олган экан.

Шундай қилиб улар уч киши бўлиб умр кечира бошлашди.

Йиллар ўтди. Амирлик тахтдан қулади. Бухорода Совет ҳокимияти ўрнатилди. Иосиф Карлович «Зингер» фирмаси билан алоқани узди ва немис маъмурияти олдидаги барча мажбуриятларни ўзидан со-

қит қилганлигини билдирди. Фирма унга доимий истиқомат қилиш учун Германияга қайтишни таклиф этганида, унинг энсаси қотди. Уз оиласи номидан (ҳа, энди унинг оиласи бор эди!) у қатъий рад жавобини ёзиб юборди. «Менинг Ватаним битта — Россия,— деб ёзди у,— Ватаним эса, ҳаммага аёнки, алмаштириб бўлмайди!»

Золенбауэрлар Бухорода бутунлай қолишга қарор бердилар. Иосиф Карлович шаҳарда кўзга кўринарли вазифани эгаллади, одамларнинг ҳурмати қозониб, обрў орттирди. Ванда Францевна бутун меҳр-муҳаббатини эрига бағишлади, ўғлини беназир тарбиялади. Унинг яна бир яқин одами — опаси Маргарита эди. Гарчи у олисда турса ҳам, уни ўйлашар, уни тилдан туширишмас, байрам зиёфатларида унга атаб қадаҳ кўтаришар эди.

Опа-сингиллар хат ёзишиб туришарди. Бу ёзишмалар уларни бир-бирларига боғлаб турган қандайдир ягона иплигини тушуниб, хатни алоҳида ҳафсала билан ёзишарди. Гарчи Ванда билан Маргарита ёзган ҳар бир хатларида дийдор ғаниматида бир-бирлариникига меҳмонга бориб, кўриб келишга сўз берсалар ҳам, дийдор кўришиш мушкул эди.

Ҳозиргина олинган хатни, олдингиларига ўхшаб, ип билан ўраб, қутичага солиб қўйиш керак эди, лекин Маргарита Францевна бундай қилолмади. Унинг учун синглиси юборган мактуб ортиқ даражада муҳим эди. Ванда ўғлининг Г. шаҳрига бораётганидан опасини огоҳлантирган, уни оналик меҳри билан кутиб олишни илтмос қилган эди.

Ҳаяжонланиб кетган Маргарита Францевна мактубни яна бир бор ўқиб чиқди-да, ўйланиб қолди: «Бола неча ёшда экан? Айтганча, қанақасига бола у? Ҳозир у йигирмадан ошиб кетган бўлса керак! Катта одам бўлиб қолган. Институтни тугатган, мутахассислиги бор. Қандайдир бурғида ишлайди. Меникида у зерикиб қолади... Мен инженерлик ишларига тушунмайман-ку, ахир. Қаранг-а, агар Карл тирик бўлганида уларнинг гаплари бир-бирига қовушарди... Дарвоқе, ҳозир буларнинг нима аҳамияти бор. Василий бутунлай бошқа мақсадда келади-ку, бу ерга».

Ниҳоят Маргарита Францевна хатни буқлади, кўк қалам билан олган вақтини қайд қилди-да, қутичага солиб қўйди. Ҳаяжони босилмай, боғчасига қайтиб кирди, албатта, қўшнисини Анна Андреевнага янгиликни ҳозироқ айтиб берди:

— Жияним келяпти бизникига! Ўзингиз тасаввур қилиб кўринг-а, мен хатларимда уни ҳамиша балакай деб атардим. У эса, кап-катта йигит бўлиб қолибди. Худойимдан ўргилайки, умр елдек ўтиб кетяпти!

— Нимасини айтасиз,— дея хўрсинди Анна Андреевна.— Агар жиянингиз йигирмадан ошиб кетган бўлса, унда сиз неча ёшга кирган бўласиз?

— Шуни айтинг,— дея тан берди Маргарита Францевна.— Ёшимиз бир жойга бориб, умр ўтиб кетганини сезмай қолибмиз...

Уша куниёқ Маргарита Францевна иккита адресга хат жўнатди. Мазмунини бир хил эди: «Ўз қувончимни сизга изҳор этаман. Мен деярли йигирма йил мобайнида кўрмаган қимматли жияним, ниҳоят келадиган бўлди. У уйни тартибга солишда менга кўмаклашади, бир ўзим удалаб ололмаётган эдим. Июньнинг биринчи кунини етиб келишга ваъда қилибди. Ўйлайманки, алаҳсиб қолмайди. Бошқа янгиликлар йўқ. Бир амаллаб тирикчиликни ўтказиб турибман. Қасал бўлмасликка ҳаракат қиляпман. Бизнинг ёшимизда хасталикдан ўзи асрасин...»

Василий Шчеглов ва Василий Золенбауэр

Бугун эрталаб Юрий Васильевич бошқарма вестибюлига одатдан ташқари ҳаяжон билан кириб келди.

— Сизнинг гувоҳномангиз! — дея талаб қилди қоровул, гарчи Добрининни яхши билса ҳам, — хизматчилик экан-да. Иш куни шундан бошланади.

Ички ишлар халқ комиссарлигининг ходими Добринин мана икки йилдан буён полковник Горелик қўл остида ишлаб келяпти. Яна кўпроқ ишлаши ҳам мумкин эдию, лекин... Полковник уни ҳурмат қилар, ёш ходимни ишга ўргатар, тажрибасини у билан баҳам кўрар эди. Гореликнинг бой тажрибаси ҳам бор эди, лекин кутилмаганда ўзгаришлар содир бўлиб қолди. Тўғрироғи, содир бўлиши лозим эди.

У кабинети эшигини очишга улгурмай телефон жиринглади.

— Юра, менинг ҳузуримга киргин! — дея илтимос қилди бошқарма бошлигининг муовини. — Марказдан бир ўртоқ келган, сен билан гаплашмоқчи.

Муовиннинг кабинетига Добрининни гражданча кийинган, сочлари бутунлай оқариб кетган, кўзлари меҳр билан мулойим боқувчи кекса киши қарши олди.

— Утир, Юра. Мен сени шундай аташимга ижозат этасанми? — дея сўради марказдан келган ўртоқ. — Мана, буни ҳам келишиб олдик, раҳмат. Энди очилишиб гаплашаверамиз. Суҳбатимиз жиддий бўлади. Яшириб ўтирмайман, уни бошлашдан олдин, бир гуруҳ ўртоқлар билан маслаҳатлашиб олдим. Энди сен билан маслаҳатлашмоқчиман. Одатдагидан бутунлай бошқача иш чиқиб қолди. Тушуняпсанми? Қулай бўлсин учун менни Николай Михайлович деб атайвер.

— Олдин бир нарсани сўрасам майлими?

— Ҳа, марҳамат.

— Бу суҳбат менга кўрсатишган буйруққа алоқадорми?

— Худди шундай.

— Агар ундай бўлса, мен энди Василийман... ёки ҳали, бундай исм билан аталишимга эртами?

— Эрта эмас. Шчеглов билан учрашдингми?

— Икки марта.

— У сенда қандай таассурот қолдирди?

— Яхши, — Юрий ўйлаб туриб қўшимча қилди. — Жуда яхши таассурот қолдирди.

— Бухоро қалай?

— Иссиқроқ.

— Юмшатиб юбординг, — дея кулди Николай Михайлович. — Қизиган тандир. Тасвирлаб бера оласанми?

— Уриниб кўраман. Сифатлари етарли. Биргина минораларининг ўзиёқ ҳазилакам эмас.

— Шчегловнинг таржимаи ҳолини сингдириб ололдингми?

— Назаримда, мен энди Василийман.

— Ишонтиргин-чи!

Юрий Васильевич, худди бир нимани эсламоқчи бўлгандек, пешонасини артди, кейин хотиржам ва ишонч билан ҳикояни бошлади:

— Узоқдан бошлашга тўғри келадиганга ўхшайди. Болалик таассуротларини назарда тутяпман. Сал-пал эсимда бор... Отам жудаям новча, тақирбош одам бўлган, онам эса, қорамағиздан келган аёл эди.

Отамни Артем деб аташар, онамни эса, Убайда. Қаердадир денгиз соҳилида яшардик. Отам балиқ овлар, онам балиқ дудлайдиган ерда ишларди. Тўсатдан одамлар ўла бошлади. Бутун бола-чақалари билан ўлиб қолишарди. Вабо кириб борган уйларни ёқиб юборишарди. Отам билан онам ўлиб қолди, мени ҳам ўлдига чиқариб қўйишганди, мен эса, тирик қолгандим. Қишлоқдан кумга қочиб кетдим. Итларнинг ҳурган овозидан уйғониб кетдим. Кейин одамларнинг овозини эшитдим. Ўзбекча гаплашишарди. Баҳслашарди. «У тирик. Оппоққина бола экан. Келинлар ўзимиз билан бирга олиб кетамиз!», «Бордию у касал бўлса-чи! Унда ҳаммамиз қириламиз. Уни деб ўлиб кетгандан кўра, чиябўрилар еб кетсин». «Мен касал эмасман соғман-ку! Мени олиб кетинглар! — дея ялиниб-ёлбордим, кейин қаттиқ йиғлаб юбордим. — Менинг ҳеч кимим йўқ! Отам билан онам ўлиб қолишди!» — «Олиб кетамиз. Бола бечорага раҳм қилайлик, — деди оппоқ соқолли чол. — Савоб бўлар, ахир». Мен шундай қилиб Бухорога келиб қолдим. Билмадим, савоб бўлдимми-йўқми, лекин бошпанасиз болани асранди қилиб олиш учун ҳозирги ота-онам карвонбошига анча-мунча пул тўлашига тўғри келганлиги рост. Шу тариқа мен, Иосиф Карлович Золенбауэрларнинг уйида тарбиялана бошладим. Менинг болалигим яхши ўтди. Золенбауэрлар камтаргина, аҳил яшашарди. Улар бир-бирларини севишарди. Мен мактабни битирдим. Урта Осие Давлат университетининг химия факультетига кирдим. Ўзимни илмий ишга бағишламоқчи эдим. Аммо буни рўёбга чиқариш насиб бўлмади. Мени нефть ҳамда газ конларини излаб топиш бўйича ишга тақлиф қилишди.

— Сенинг таржиман ҳолингни Маргарита Францевна биладими?

— Яъни, Василий ташландиқ болалигиними?

— Ҳа.

— Билади.

— Хильда Францевна-чи? Хўш, дегандек, табиийки, Генрих Штиллер-чи?

— Йўқ, улар билишмайди. Василий менга айтдики, хатда бу тафсилотлар ёзилмаган экан. Умуман, Василий Шчегловнинг сири Золенбауэрлар оиласининг сири бўлиб қолаверган. Маргарита Францевнага боланинг асрандигилигина маълум.

— Энди менга фамилиянг алмашиб қолганлиги билан боғлиқ воқеани тушунтириб бер.

— Бу ерда ҳаммаси равшан. Менинг ҳозирги отам Иосиф Карлович Золенбауэр — ақлли, илғор одам. У ҳақиқат қаердаю, ноҳақлик қаердалигини, ким яхшию, ким ёмонлигини қандайдир ички бир туйғу билан беҳато топиб оладиган одамлар тоифасига киради. Мен унга тақлид қилишга интиламан ва тақлид қиламан. Бу — энг асосий масалага дебоча. Бусиз бу ёғита тушуниш мумкин бўлмаган бўлур эди. Отамнинг ўзи менга гапириб берганига кўра, биринчи қилган иши мен оиласига келиб қолганимда менга, ҳақиқий ота-онамга дахлдор барча нарсаларни аниқлашга ҳаракат қилди. У денгиз соҳилига бориб, биз яшаган қишлоқда бўлди, вабодан омон қолган балиқчилар билан суҳбатлашди. Архив ҳужжатларини ҳам ағдар-тўнтар қилиб кўздан кечирди. Бу қидир-қидирлар Ванда Францевнага хуш келмасди. Бунинг сабабини осонгина билиб олиш мумкин. У мени оқ ювиб, оқ таради, тарбиялади. Шундай пайтда бирдан ҳақиқий ота-она чиқиб қолса, мени уларга қайтариб бериши керак бўлиб қолади. Алам қилади-да, албатта. Отамнинг денгиз томон қилган ҳар бир сафари онамнинг кўз ёшига сабаб бўларди. Бари бир отам сафарга жўнаб кетарди. Отам айтганини қиладиган бир сўзли одам эди... Жудаям зерикарли қилиб гапириб бермаяпманми?

— Зерикарлигина эмас, балки жуда қизиқарли. Агар бу ёғи ҳам

шундай кетадиган бўлса, эрталабгача эшитишга тайёрман,— дея жавоб қилди Николай Михайлович ва ўзича «Ақлли йигит: У аъло даражадаги ходим бўлиши мумкин», деб қўйди.

— Ундай бўлса мен давом этдираман. Афтидан, Иосиф Карлович, архив материалларидан шуни аниқладики, Туркистон ўлкасида марксизмнинг биринчи тарғиботчилари революцион фаолиятлари учун Россиядан сургун қилинган социал-демократлар бўлганлар. Уч йил давомида, 1897 йилга қадар Верний шаҳрида Кочаровская сургун муддатиғи ўтаган. Тахминан 1895 йилда социал-демократик тўғаракнинг иккита қатнашчиси — Кирюшин билан Бахарев Тошкентда туришган. Иккаласи Қозон заводларининг ишчилари бўлишган. Луговский Пржевальск шаҳрида яшаган. Сургун қилингуна қадар у Шлиссельбург қўрғонида ўн йил ўтирган. Бу ерда «Ишчилар синфини озод қилиш учун кураш союзи»нинг собиқ аъзоларидан Леонов ва Иванов ҳам армияда жазо муддатларини ўтардилар. Айниқса Москва, Киев, Харьков, Петербургдаги студентлар ғалаёнлари бостирилгандан кейин Туркистонга сургун қилинган сиёсийларнинг оқими зўрайган. Менинг отам ҳам мана шу гуруҳ билан 1903 йилда келган. У ва яна учта студентни (биттаси Киевдан, иккитаси Москвадан) Сирдарё областининг Амударё бўлимига қарашли Кук қишлоғига юборишган.

Иосиф Карлович тўплаган маълумотлар билан университет ўқитувчилари қизиқиб қолишади, уларнинг илтимослари бўйича. Иосиф Карлович маълумотларни муфассал ёзиб чиқади. Ўлка тарихчиларига ёрдами текканидан у ниҳоятда фахрланарди.

— Сен қизиқ нарсаларни айтиб беряпсан, Юра, лекин жуда ҳам узоқдан бошладинг,— деди Николай Михайлович.— Фамилиянг хусусида қандай?

— Фамилиям шундай бўлган. Иосиф Карлович мени мактабга беришдан олдин шундай деди: «Биласанми, Юра. Отанг Артем Шчеглов ажойиб революционер одам бўлган, онанг ҳам яхши замонлар келишига ишонган. У диний ақидалар занжирини узиб ташлаб, сургунда юрган рус кишисига турмушга чиқишга журват эта олган бебаҳо аёл бўлган. Бундай ота-она билан фахрланиш керак. Улар ўлиб кетишган, лекин уларнинг хотираси одамларнинг ёдида, сенинг қалбингда қолиши лозим. Халқ бахти-саодати учун жонини қурбон қилган одамнинг исмини ўчириб ташлаш пасткашлик ва ҳатто инсофсизлик бўлар эди... Мени тўғри тушун, бола,— деди Иосиф Карлович,— бу гапни бошлашдан олдин мен узоқ ўйладим. Мен сени тарбияладим, ишонаманки, сени ёмон одам қилиб ўстирмадим, мана энди сени, менинг исмимдан воз кечишинг кераклигига ишонтимишим лозим. Биз хотирасини ҳурмат қилишимиз керак бўлган одамнинг ўглини тортиб ололмаймиз. Мени бундан буён ҳам ота деб аташингни жуда-жуда хоҳлардим, аммо ўзингга биринчи отангнинг фамилиясини қабул қилгин. Сен у билан фахрланишинг керак...»

— Ҳа, Василий ҳар иккала отаси билан фахрланса бўлади. Иккинчи отаси Иосиф Карлович ўзининг олижаноблиги билан биринчисидан ҳеч нарсада қолишмайди. Ажойиб таржимаи ҳол. Бироқ у тўла ҳолатда фақат сен билан менга керак. Штиллар учун сен асл немис Иосиф Карлович Золенбауэрнинг ўғлисан. Қолган ҳаммаси истисно қилинади. Энди яна битта савол. Суҳбатимизнинг бошида бир-иккитаси билан гаплашиб олганимни айтган эдим. Бир қатор ўртоқлар ҳақида муайян таассурот пайдо бўлди менда. Улар тўғрисида сенинг фикрингни билмоқчи эдим. Масалан, бўлим бошлиғи Ўразбоев ҳақида сен нима дейсан?

— Бу ерга биз деярли бир вақтда келганмиз. Тўғри, лавозимимиз ҳар хил. Мен оддий ходимман, у раҳбар. Агар очиқ айтадиган бўл-

сам, бундай ишни мен уддалаб кета олардим. Нима учун бундай ишонч билан айтяпсан, дерсиз? Биз у билан дўстмиз. Бир-биримизникига бо-риш-келиш қилиб турамыз. Сидқидилдан гаплашамиз, баъзида баҳсла-шиб ҳам қоламиз. Ўртоғинга ўзинг хато деб ҳисоблаган гапини ёки хатти-ҳаракатини тўппа-тўғри юзига айтишингга тўғри келади. Ахир Ҳамид бўлим бошлиқлигига яқингинада, бундан беш-олти ой муқаддам тайинланди-да. Уни четдан кузатиб юриб, шундай фикрга келдим, у ўзини излаяпти, бўлим бошлиғи сифатида ўзининг шахсий ҳаракат йўлини «ишлаб чиқяпти». Бунга эришармикан? Баъзан ишонасан, баъ-зан иккиланасан киши. Сиз мени кечиринг, Николай Михайлович, ҳур-мат қиладиган одамингга нисбатан талабчан бўларкансан киши... Уму-ман олганда, Ҳамид Ҳазратов ажойиб одам, яхши дўст. Агар мендан, Ҳазратовга қанчалик ишонасан, деб сўрасалар, мен, «У билан развед-кага боришга тайёрман!» деб жавоб берар эдим.

— Раҳмат сенга, Юра. Гапимиз жиддий ва очиқ бўлди. Энди ан-кета, справка бланкаларини олгин-да, шу бугуноқ тўлдир. Яқин ўн кун-лар орасида бизнинг масъул ходимларимиз билан шахсан танишиш учун, афтидан, Москвага жўнаб кетишингга тўғри келар... Ҳа! Яна бит-та савол. Сенинг шахсий деланг материалларида, онлавий аҳволи де-ган бандида: бўйдоқ, дейилган. Агар иложи бўлса, ўша гапни ҳозирча ўзгартирмаслигини сўрайман. Қайтараман, агар иложи бўлса...

— Иложи бор,— дея жилмайди Добринин.— Ҳозирча бу гап ўз-гартирилмайди.

Икки кундан кейин Юрий Васильевич Добринин, янги таржимаи ҳол бўйича эса, Василий Иосифович Золенбауэр Москвага жўнади. Иосиф Карлович Золенбауэрнинг ҳақиқий ўғли Василий Артемович Шчеглов ҳам худди ўша поезд билан қайтиб кетди.

Фокин топшириқ, олади

Қош қораябошлади дегунча, шаҳар гўё эгаси кўчиб кетган ҳовли-дай ҳувиллаб қоларди. Кўчада жон зоти ўрмасди. Эшикларнинг зан-жири илиб қўйилар, дарвозалар тамбаланарди. Илгаригига қараганда итлар ҳам кам вовуллайдиган бўлиб қолгандек туюларди. Худди немис патрулига йўлиқиб қолишларини сезгандек, ҳар ҳолда ичкаридан югу-риб чиқишмасди. Босқинчилар Г. шаҳарини тасаввур қилганларидек кўрмадилар. Уйлар, боғлар, чамаси, уларнинг парвойига келмасди. Уларга аҳоли керак эди! Лекин бадқовоқ аҳоли, улар кутганларидек, «асл одамларнинг» кириб келишлари муносабати билан шод-хуррам-лик туйғуларини инзор қилмади, ғолибларни нон-туз билан кутиб ол-мади, уларга пешвоз чиқиб, меҳмондўстлигини кўрсатмади.

Г. шаҳри аҳли штурмбанфюрер Курт Келлерга ёқмади. У «янги тар-тиб» намояндаларига, гестапо бошлиғи сифатида шахсан ўзига, улар-дан иззат-икром талаб қилмади. Энг оддий ҳурмат-эътиборни талашиб ўтирмади. Лекин одамлар яшашни исташади, бу табиий, агар яшашни истасалар, у пайтда тақдирлари кимнинг қўлида бўлса, ўша одамга хизмат қилишлари лозим эди. Курт Келлер ана шу хоҳишни тополмай турган эди.

Қўшин Г. шаҳрига кирмасдан олдин у бу шаҳарда кўпгина немис оилалари яшашини билар ва уларнинг ёрдамига умид боғлаган эди.

Аммо шаҳар бошқармасига немис миллатига мансуб кишиларни жалб қилиш тентаклик, ҳатто зарарли эди. Агар бундай қилинса, бунинг бир томондан, немис қўмондонлигининг ожизлиги деб тушунишлари, бошқа томондан эса, русларнинг буюк рейх байроғига ишончсизликлари сифатида талқин қилишлари мумкин эди. Немислар бургомистр сифатида ҳам, уларнинг ёрдамчилари сифатида ҳам умуман керак эмасдилар. Фақат маслаҳатчи ва таржимонликда улардан фойдаланиш кўзда тутилardi.

Лекин мана на руслар, на немислар келишяпти, шаҳар коменданти Хайнц Шварцман, гестапо бошлиғи Курт Келлер ҳузурига ҳеч ким қўл қовуштириб, салом бериб келмаяпти.

Фақат учинчи куни комендатура остонасини Васкиндер хонимнинг жияни, немис, ҳатлаб ўтди-да, таржимон сифатида ўз хизматини таклиф этди.

Табийки, гарчи таржимон керак бўлса ҳам, бу Келлерни қувонтирмади. Золенбауэрни қабул қилишди-да, шаҳарнинг ҳақиқий вакилларини, бир сўз билан айтганда, унинг нуфузли кишиларини кута бошлашди. Ёш Золенбауэр комендантни, ўша «нуфузликлар» маълум фурсатдан кейин, албатта келишади, одамлар қўрқиб қолишган, юрак олдириб қўйишган, бирданига эс-ҳушларини йиғиб ололмаётдилар, деб ишонтирди. Унинг гапи тўғри келди, бир ҳафтадан сал кўпроқ вақт ўтганда комендант эшигини Васкиндер хоним ва Золенбауэрнинг қўшнисини — Прокофий Филиппович қоқди.

Прокофий Филипповичнинг бу қарорга келиши осон бўлмади. У уйининг эшик дарчаларини ёпиб олиб кўп ўйлаб кўрди, у мураккаб вазиятда ўзини қандай тутиш кераклигини ўздан сарторози қилди.

Хотини Анна Андреевна уни гиж-гижлади:

— Сен нима, қари лўттибоз, печкада ўтираверасанми? Бор, ўзининг халоскорингга, лаънати санамларингга ёрдам бер. Бор, бўлмаса, кечикиб қолсан! Ҳамма яхши жойларни эгаллаб қўяди-да, сен уларга дастёрлик қилиб юрасан. Бор, қуриб кетгур!

— Бўлмаса-чи, чиндан ҳам яхши жойларни эгаллаб қўйишади-да, икки қўлингни бурнингга тиққанингча қуруқ қолаверасан. Ким олдин борса, унга иззат-ҳурмат кўрсатишади. Бориш керак...

— Бор, шайтон, бор...

— Борсам боравераман-да, нима қипти?

Буларнинг ҳаммаси хаёл, бамисоли ўйинга ўхшаган хомчўт эди. Аммо бу ўйинни олиб бориш осон бўлмади. Прокофий Филиппович жуда чарчади. Ориқлаб қолди, ранги сўлиб, кўзлари остидан халтачалар пайдо бўлди, кўзларидаги олдинги нур сўнди. Анна Андреевна билан навбатдаги олишувдан кейин, у, ниҳоят, қўлини силкиди-да, комендатурага йўл олди.

Зинадан юқори кўтарилиб, комендантнинг олдига кетаётган эди, кимдир уни чақирди:

— Прокофий Филиппович!

У бошини кўтариб Маргарита Францевна Васкиндернинг жиянини кўрди.

— Келаверинг, қўрқманг. Сизни кутиб ўтиришибди.

— Мени мазах қилишни сизга ким қўйибди, йигитча! Мен у ёшдан ўтиб кетганман,— деб жеркиб берди Прокофий Филиппович. Бу унга мадад берди. У юқорига шаҳдам кўтарилди-да, Васкиндернинг олдига бориб, энди буйруқ оҳангида қўшиб қўйди:

— Мени вазифага тайинлаш учун энг катта бошлиқнинг олдига олиб боринг! Кечикиб қолмаган бўлсам керак?

— Ўйлайманки, кечикмадингиз. Сизга ўхшаган одам бу ерда кўп эмас. Ҳар ҳолда лавозимларга қараганда оз.

Прокофий Филиппович илгари кўп юрган йўлакдан боришди. У пайтда турли мажлисларга чақириб туришарди. Бошқарманинг бош бухгалтери сифатида, қолаверса, шаҳардаги ҳурматли одам сифатида ҳам, албатта. Мана ҳозир у яна шу бинода, лекин бу сафар ўз ёрдами, билимини энди бошқа ҳоқимиятга, босқинчиларга таклиф қилгани келди. «Бу — босқинчилар деган сўз қандай хунук,— деб кўнглидан ўтказиб қўйди Прокофий Филиппович.— Мен эсам, бундан чиқдики, уларнинг ювиндихўри эканман-да?..»

— Бу ердан орқага йўл йўқ,— деди йигит худди унинг уйга қайтиш ҳақида кўнглидан ўтган фикрини уққандай.

«Ана сизга жавобу мана жавоб: Кечикдинг!— дея тугаллади Прокофий Филиппович ўз-ўзи билан баҳслашувни.— Энди кеч! Ишлашга, бу босқинчиларга хизмат қилишга тўғри келади».

Дерматин қопланган катта эшик олдига боришди. Маргарита Францевнанинг жияни уни очди-да, остонадан ўтиб, комендантга хабар қилди:

— Жаноби майор! Шаҳарнинг энг обрўли одамларидан бирини сиз билан таништириб қўйишга ижозат беринг. Бу киши бизнинг қўшнимиз, Фокин Прокофий Филиппович бўладилар. Холамнинг гапларига қараганда, бу киши бизга жуда фойдали одамлар.

— Киришлар!— дея ичкарига таклиф қилди комендант.— Ўзингиз-чи, жаноби Золенбауэр, унга кафолат бера оласизми?

Ҳарбий комендант Хайнц Шварцман типик кадр офицери эди. Новча, келишган, кийимлари ўзига қўйиб қўйгандек, ўнг кўзида бир кўзга тутиладиган кўзойнакли одам бўлиб, кишида яхши таассурот қолдирарди. Фақат унинг овози ёмон — худди кун қизигида муз ютгандек бўйиқ, хирилдоқ эди.

— Мен Фокин жанобларини атиги бир неча маротабагина кўрганман холос. Шунинг учун менда у ҳақда маълум фикр пайдо бўлганича йўқ.

— Сиз одамлар тўғрисида жуда эҳтиётлик билан фикр билдирасиз. Бу менга ёқади,— деди майор.— Биз қанчалик эҳтиёткорлик билан иш тутсак, хатога йўл қўйиш хавфи шунчалик озроқ бўлади. Хатога йўл қўйиш эса, бизнинг ҳолатимизда катта нарсани бой беришга теппатеңгдир. Нега тик турибсизлар, жаноблар? Утиринглар, марҳамат.

— Сиз немисчани биласизми? — дея сўради комендант Фокиндан.

— Жуда ва жуда ёмон,— деб жавоб берди Прокофий Филиппович.

— Афсус, агар билганингизда яхши бўларди. Узр, мен кўнғироқ қилишим лозим... Штурмбанфюрер жаноблари! Менинг ҳузуримга бир кириб кетолмайсизми? Бизни маълум даражада қизиқтирадиган битта киши келган эди.— Комендант Фокинга қаради: — Бу ерда анчадан бери турасизми?

— Сизга нима десам жан... Оилали бўлдим, ўшандан бери...

Шу пайт эшик очилди-да, қимматбаҳо матодан тикилган кулранг костюм кийган эркак киши кириб келди. Ундаги барча нарса кулранг эди. Гарчи у кирган ҳамона ҳаммани кўрган ва ҳаммага назар солган бўлса ҳам, гўё атрофда ҳеч ким, тикиладиган бирон нуқта йўқдек, қаргадир, бўшлиққа қараб қолган кўзлари ҳам ҳатто шу рангда эди. Бу Курт Келлер эди. Комендантдан кейин шаҳарда иккинчи, баъзи маънода — биринчи даражали одам эди.

— Жаноби Фокин ўз ҳаётини гапираётган эди,— дея ҳозир кирган одамга қаради комендант.— Ҳар бир саргузашт қизиқ бўлгани каби, у ҳам қизиқ бўлса керак ва ўйлайманки, бу ҳақда бор гапни рост айтавериш лозим. Буни мен билан биргалашиб эшитсангиз дегандим.

Курт Келлер шошилмасдан хонанинг Прокофий Филиппович яхши

кўриниб турадиган қисмига ўтди-да, креслога ўрнашиб ўтириб олди. Буни у индамасдан, қандайдир хўжакўрсин лоқайдлик билан қилди.

— Шундай қилиб, қулоғимиз сизда, жаноби Фокин!

— Сизга ҳам айтганимдек, бу ерда, шаҳарда яшаётганимга йигирма йилдан зиёдроқ вақт бўлди. Дарвоқе, йигирма икки йил. Тўйни ўтказганмиз-у, бу ерга келганмиз. У пайтда шаҳарча кичкинагина, нимасини айтай, казак станциясидай гап эди. Сен нима учун бошқа ерга эмас, бу ерга келишга қарор бердинг? — деб сўраб қолишингиз мумкин. Жавоб бераман. Биласизми, Майкоп шаҳридаги мулкдор, эътиборли одамнинг фарзандиман. Бу ажойиб шаҳар тўғрисида бирмунча муфассалроқ тўхтаб ўтмоқчиман. Маъмурий бўлиниш жиҳатидан Майкоп Кубан областига кирар ва савдо шаҳари ҳисобланарди. У Кубанга қуйиладиган Белаянинг ўнг соҳилига жойлашган. Унинг аҳолиси революцияга қадар эллик беш мингдан ортмасди. Шундай бўлса ҳам, у Россиянинг жанубидаги кўзга кўринарли савдо маркази эди. Бешта банкининг йиллик обороти бир юз саксон миллион сўмни ташкил қиларди...

— Сиз бундан буёғига ҳам бизга Майкопни тавсия қилмоқчимисиз?— дея Фокиннинг гапини шартта бўлди Келлер.

Прокофий Филиппович буни кутмаганлиги учун ўзини йўқотиб қўйди.

— Тугатяпман... Майкопсиз менинг нима учун бу ерга келганим тушунарли бўлмайди... Шундай қилиб, Россия банкининг Майкопдаги бўлимларидан бирининг бошлиғи менинг отам эди. У мени молиячи қилмоқчи бўлиб, менга керакли маълумот берди. Бироқ революция буни чалкаштириб юборди, бизнинг умидларимизни чиппака чиқарди. Яшаш қийин бўлиб қолди. Ун икки хонали уйимизни мусодара қилишди, ўрнига икки хонали уй беришди. Иш йўқ эди, мени — буржуйнинг ўғлини ҳеч ким ишга олгиси келмади. Шунда отам менга шундай деб насиҳат қилди: «Ҳали кўрасан, ўғлим, янги замонлар келади. Мослашавер...

Қилаётган ишларига қараганда, большевиклар — жиддий одамлар, ҳокимиятни дарров қайтариб бериша қолмайди. Менга ишонма. Мен сенга фақат дардисарман. Ҳали менинг ўзимни ўтмишим учун жавобгарликка тортишмаса ҳам жон худо дейман. Маслаҳатим шуки, «Майкопдан кет, бошқа жойда яша». Шундай қилиб, мен бир соддароқ қизни танладимда, тўйимизнинг иккинчи кунини Майкопдан нарироққа чиқиб кетдим...

— Келинни ҳам отангизнинг маслаҳати билан танладингизми? — деб кинояомуз сўради Келлер.

Ҳазилни Прокофий Филиппович яхшилик аломатига йўйди.

— Баъзида мен маслаҳатларсиз ҳам ишлай оламан.

— Хато қилмайсиз ҳамми?

— Ҳозирча хатога йўл қўйганим йўқ. Уйлайманки, бугун ҳам тўғри қилдим бу ерга келиб.

Прокофий Филипповичнинг дадиллиги комендантни лол қолдирди.

— О! Сиз чиндан ҳам бировдан маслаҳат сўраб ўтирмас экансиз. Баракалла!

Комендант Келлер томон ўгирилди.

— Сиз нима дейсиз, жаноби штурмбанфюрер?

— Мен ҳали бирон фикрга келганим йўқ. Мен фақат бу жаноб рост гапираётганини тасдиқлашим мумкин. Унинг отасини танийдиган одамлар билан Германияда ҳам учрашганман. У чиндан ҳам Майкопдаги банк бошқарувчиларидан бири бўлган.

— Рост гапириш, самимий бўлиш хусусияти,— деди Шварцман,—

шу топда сиз билан мен қадрига етишимиз лозим бўлган нарса — шу эмасми? Қолганлари унчалик муҳим эмас. Бунинг устига Васкиндер хоним ўз қўшниси ҳақида яхши гапларни айтяпти, у ишонса бўладиган одам деяпти... Балким уни бургомистрга муовин қилиб қўярмиз?

— Бўлади. Кузьма Петрович Сердечный ёнида бўлса, у уддалаб кетади. Хўжалик ишларини билади. Жаноби Золенбауэр, Фокинга унинг шаҳар бургомистрининг муовини қилиб тайинланганини айтинг. Эртага келиб ишига тушаверсин.

Золенбауэр Келлернинг сўзини таржима қилди-да, энди улар бирга ишлашларини қўшиб қўйди.

Фокин пастга эгилиб, таъзим қилиб кабинетдан чиқиб кетди.

Комендатурадаги ишлар анча силлиқ, ҳеч қандай дўқ-пўписасиз битди. Прокофий Филиппович кўчага яхши кайфиятда чиқди. Аммо уйига қайтиб бориши, қилиб келган иши тўғрисида Анна Андреевна олдида ҳисоб бериши эсига тушиши билан таъби тиррик бўлиб кетди. Хотини Фокин қандай одамлигини тушунтириш учун, албатта, керакли сўзларни бировдан қарзга олиб ўтирмайди.

Шундай бўлди ҳам.

Прокофий Филиппович ўз остонасидан ҳатлаши биланоқ, Анна Андреевна унинг ёқасидан олди.

— Сотилдингми, мараз! Агар сенинг кўнглинг бунчалик кирлигини билган бўлганимда, сенга ҳеч қачон тегмаган бўлардим. Энди одамларнинг кўзига қандай қарайман!

— Қўй, койима! Бўлар иш бўлди,— дея қўлини кўтарди Прокофий Филиппович.— Битта мен эмасман. Маргарита Францевнанинг жияни анчадан бери ишляпти комендатурада.

— Топган баҳонасини қара! Унинг фамилияси қанақа — биласанми?

— Қанақа экан? — деди ҳайрон бўлганича Прокофий Филиппович елкасини қисиб.— Золенбауэр.

— Ҳамма гап унинг Золенбауэрлигида-да. Сен бўлсанг — Фокинсан, рус кишисан. Фарқни кўряпсанми?

— Гап фамилияда эмас,— деб қўлини силкиди Прокофий Филиппович.— У шунчаки яхши, фаросатли одам.— У бармоғи билан пешонасини тўқиллатди.— Боши керакли томонга қараб ишлайди.

— Оқил бўлиб қолганини қаранглар! Йигирма йил бирга туриб сенинг бунақа оқлавонлигинини билмаган эканман. Ёки хотинингдан яшириб келганмидинг?

— Яширгандим.

— Немисларга асраб қўйган экансан-да, ундай бўлса! Узингнинг донишманд каллангни у ерга қўлтиқлаб борганинга, улар росаям севиниб кетиб, сени шаҳарга ҳоким қилиб қўйишгандир!

— Ҳоким қилиб тайинлашмади, балки бургомистр муовини. Сен ҳам энди, Анна, жудаям тилингни бир қарич қилавермай, сал тортиб юр. Бизга энди ҳамма қарайди. Билдингми?

Анна Андреевна кўрқиб кетган бўлмаса ҳам, анча пастга тушди ва эрига энди қандайдир бошқачароқ қаради. Кўзига у илгаригидай мўмин-қобил бўлиб кўринмади.

Хотини билан бўлган баҳс Прокофий Филиппович учун унчалик йўқотилмадан иборат бўлиб ўтмади, ҳар қалай тор-мор қилинмади ва ҳатто чекинишига ҳам ҳожат бўлмади. Унга Анна Андреевна эрининг янги вазифасига кўникиб кетадигандек, баъзи нарсаларда унга ёрдам берадигандек туюлди. У эса, ёрдамга муҳтож эди.

Кечқурун чой ичишиб ўтирганларида у Маргарита Францевна ҳақида гўё тасодифан гап очди.

— Унинг аҳволи қалай, қандай тирикчилик қияпти?

— Илгари қандай бўлса, шундай,— дея жавоб қилди Анна Андреевна.— Эртадан то кечгача боғида ишлайди.

— Гаплашиб турасизларми?

— Нега гаплашиб турмас эканмиз. Ҳамиша у ёқ-бу ёқдан гаплашамиз.

— Нима ҳақда?

— Ҳамма нарса тўғрисида. Шаҳарга гўё немислар кирмаган ва улар йўқдай, ҳозир ҳамма ёқда уруш бўлмаётгандай, ўзимизни ҳеч қандай воқеани кўрмаётганга соламиз.

— Бўлмаса, ташқи дунёдан ажратиб қўйилган экансизлар-да...

— Биз-ку, чиндан ҳам ажратиб қўйилганмиз-а, у бўлса олам билан алоқа қилиб турибди. У Германиядаги синглисидан хат олди.

— Нима деб ёзибди синглиси?

— Айтмади. Хат келганини почтачи қиздан билиб олдим.

— Бўлмаса, сир экан-да... Жияни ҳам индамадими?

— У бу ерга келган кунидан бошлаб лом-мим деб оғиз очмайди, оғзига кулф солиб олган! Аллақандай содда муғамбир!

— Қўй-э, мен бундай демаган бўлардим,— дея бошини тебратди Прокофий Филиппович.— Комендатурада у гапдон, кўзи ҳам яхши кўради. Мени дарҳол таниди. Шварцманнинг ҳузурига бошлаб борди, қўшниси сифатида таништирди, яна Маргарита Францевна номидан кафолат берди.

— Ювиндихўр, вассалом. Уям ўлгидай писмиқ экан. Шунча йил бирга турамыз-а! Васкиндерлар душманга хизмат қилишади, деб ҳечам ўйламагандим. Тагин у ўқитувчи-я!

— Ҳа,— дея хўрсиниб қўйди Прокофий Филиппович.— Одамнинг ичидагини билиш учун у билан нон-қатиқ бўлиш керак,— деб тўғри айтган эканлар.

Ғалати феъли одам

У руш бошланишидан сал олдин маҳаллий газетада пенсионер Кузовкин тўғрисида мақола босилган эди. Мақола мақтовдан иборат эмас, лўнда қилиб айтганда, у Тимофей Сидоровични шакарпаз сифатида кўкка кўтармасди, ҳолбуки, Тимофей Сидорович бутун шаҳарга машҳур шакарпаз бўлиб, у ясаган торт ҳамда пирожнийлар байрам дастурхонларидан кўпини безарди.

Тўғри, мақола автори Кузовкинни мақташга уринмасдию, лекин бутун мақоласига худди устма-уст шакар сепгандек, баландпарвоз сифатларни ҳеч аямай ишлатиб, Тимофей Сидоровични ҳатто рицарь деб атаган эди. «Соч-соқоли оппоқ оқариб кетган бу пенсионер қиличини силташдан қандай қилиб чарчамас экан?»— деб хитоб қиларди автор. Албатта, бу баландпарвоз сўзларнинг ҳаммаси киноя билан айтилар, Кузовкин бу «қиличини» ғирром одамларга қаратмаётгани, у адолат учун курашмай, балки тухмат, уйдирмалардан иборат фош этувчи хатлари билан бутун шаҳардаги идораларни тўлдириб ташлаганлиги айтиларди. Мақола шундай тугалланар эди: «Ҳаммамизнинг ғалати томонларимиз бор, лекин булар атрофдагиларнинг яшашларига халақит бермайди. Кузовкиннинг ғалатиликлари эса, халақит бермоқда. Ғалати ғалатиликлар!»

Пенсионер Тимофей Сидоровични кўп одамлар танир эдилар, бу мақоладан сўнг эса, унинг шуҳрати бутун шаҳарга ёйилиб кетди. Газетанинг бу ишини ҳар ким ҳар хил тушунди. Ким хижолатга қўйган «шикоятчи» устидан кулди, ким шаҳар жамоатчилигига камчиликларни

тугатиш йўлида кўмаклашишга интилган одамдан ўч олинганига газаби қайнаб-тошди. Яна кимлар «кекса шакарпазнинг» ёнини олиб чиқди ва газетага раддия ёзиб юборди. Редактор горком секретаридан дакки эшитди, фельетон автори хайфсан олди. Бироқ мақола мақолалигича қолаверди. Тимофей Сидоровичга ёпиштирилган ёрлиқча кўчириб олиб ташланмади. Шу-шу одамлар уни «ғалати фельли одам» дейдиган бўлишди.

Тимофей Сидоровичнинг саломатлиги айтарли даражада яхши эмасди, юраги шўхлик қилиб турарди. Мақола босилиб чиққунга қадар ҳам у ҳар замон-бир замонда юрагини чангаллаб қоларди. Энди бўлса, врачлар инфаркт бўлганлигини аниқлашди. Фақат аниқлабгина қолмай, касалхонада ётти ой тутиб туришди. Яна ушлаб туришлари мумкин эдию, уруш бошланиб қолди. Касалхона ярадорларга тўлиб кетди, ҳар бир ўрин ҳисобда эди. Бунинг устига касалхонани кўчириб олиб кетиш мўлжалланарди. Шаҳарга немис қўшинлари яқинлашиб келишмоқда эди.

— Бошқа вақт бўлганда мен сенга сираям жавоб бермасдим,— деди бош врач.— Нимжонсан ҳали. Гуноҳчи ўзимга оламан.

— Қанақа гуноҳ! Мен ўлмайман. Агар ўлсам ҳам юрак касали билан ўлмайман... Мен учун уйда ётиб турганим яхши. Менинг жойимни фронтда қон тўккан ярадорларга беринглар...

Касалхонада, уйга қайтиб келганида ҳам, Тимофей Сидорович кўз олдида содир бўлаётган воқеаларга нисбатан қандай муносабатда бўлиши кераклиги тўғрисида бош қотирди. «Уйимдан гўрим яқин қолган бўлсаям,— дея фикрларди у,— қолган озгина умримни ҳам бекорга ўтказмай, одамларнинг, Ватаннинг фойдаси учун сарфлашим керак».

Эвакуация бошланган эди. Одамлар жойларидан ҳали қўзғалишмаган, лекин корхоналарнинг ускуналари, хомашё мамлакат ичкарасига ташиб кетилмоқда эди. Юк ортган машиналар Шарққа қараб борардилар.

Тимофей Сидоровичга мана шу машиналар туртки бўлди. «Айни хонаси келди!»— деди у ўзига-ўзи. Столга ўтирди-да, горкомнинг иккинчи секретарига хат ёзди.

— Никитична,— дея илтимос қилди қўшни аёлдан,— мана шу қозғони Фёдор Васильевич Петровга элтиб бергин.

— Яна нималарни истайди кўнглинг,— дея қўлини ёзди қўшни аёл.— Тушлик овқатингни қилиб бераман, бозорга тушиб чиқаман. Яна Петровнинг олдига бориш...

— Ахир мен уни излаб топ демаяпман-ку! Сен фақат навбатчининг олдига бор, бу хатни Петровга бериб қўйишни ундан илтимос қил. Вассалом! Кўндиролдимми?..

Тимофей Сидорович горком секретарига ҳеч қачон ҳеч қандай хат билан мурожаат қилмаган эди. Қилса бўларди. Ҳуқуққа эга эди. Гражданлар уруши пайтида Орловда бирга хизмат қилишган эди. Хизмат қилишганди дейиш унча тўғри бўлмайди. Кузовкин жангчи, Петров эса ўн тўрт ёшли ўсмир бўлиб, полк уни ўз тарбиясига олган эди. Шундай бўлса ҳам улар полкдош эдилар. Буни унутиб юбориш мумкин эмас.

Петров Кузовкиннинг хатига жавоб қилди. Бошини қашишга қўли тегмас даражада банд бўлса ҳам, лекин бир соатни ўзига кўриб, уникига машинада келди.

— Нима учун касалхонадан кетиб қолдинг?

— У ерда мен нима иш қиламан? Менинг ҳам, бошқаларнинг ҳам касал бўлишимиз мумкин эмас. Фурсат йўқ.

— Бу хусусда сен ҳақсан. Бардош бериш керак. Эвакуацияга тайёрланиб тур, Тимофей Сидорович. Сен учун менинг машинадан битта жой банд қилиб қўйилган.

— Мен ҳеч қаёққа кетмайман.

— Бу нима деганинг?

— Қоламан!

— Ахир сен, эсингни едингми! Сени фашистлар биринчи куниеқ отиб ташлашади.

— Шошма, Федя, қизишма. Нима учун мени биринчи куниеқ отиб ташлашлари керак экан?

— Шунинг учунки, сен Отлиқ Армиянинг жангчисисан. Сени деворга тираб отиб ташлашлари учун шунинг ўзи кифоя.

— Мен Отлиқ Армияда хизмат қилганимни ким билиб ўтирибди? Полкдошлардан тирик қолганлар ҳозир йўқ. Битта сен борсан. Менинг айниб қолганлигим кифоя эмасми? Мен тўғримдаги мақолани ўқиган бўлсанг керак?

— Ўқиганман! Мен редакторга шундай дакки бердимки, бунақасини ҳеч кимдан эшитмаган!

— Қизишасан. Ўтган ишга салавот, уни ковлаштиришнинг фойдаси йўқ. Мен мақола ҳақида бошқа сабабга кўра гап очдим. Агар эсласанг, менинг таржимаи ҳолим баён қилинган унда. Муфассал. У ерда Қизил Армияда хизмат қилганимдан бошқа, ҳамма нарса бор. Мақола автори Рябухин буни билмаган ё атайлаб тушириб қолдирган. Ана кўрдингми, демакки, мен гражданлар урушининг қаҳрамони эмас, Совет ҳокимиятидан озор топган одамман. Мен сенга яна битта шунақа мисол келтираман. Мана эшит. Бундан беш-олти кун олдин мен ўз уйим олдидаги пештахтада ўтирибман ва эвакуация қандай бораётганини кузатяпман. Ёнимга заготзернода ишлайдиган бор-ку, Пашка Митрошкин, ўша келиб ўтирди. Ўтирдию шундай деди: «Сиз-чи, Тимофей Сидорович, қоласизми?» «Нега ҳам қочиб кетишим керак экан ўз уйимдан», деб жавоб қиламан. «Тўғри,— дейди у,— ўз еримиздан қочиб кетишга бизга зарур кептими. Биз кўрган кунлардан ёмони бўлмайди. Менинг отам, агар эсингизда бўлса, шаҳарда ўзининг ресторани бўларди. Эҳтимол, менга ҳам бахт кулиб боқар, дўкон очаман. Иззатли одам бўламан...» Буни нега айтяпман сенга? Шунчаки, Митрошкин тоифасидаги ҳар хил увадалар — нокаслар мени немисларга ўтиб оладиган ўз одамлари деб ҳисоблайдилар. Фаҳмляяпсанми?

— Фаҳмляяпман.

— Қувватлайсанми?

— Бу, Тимофей Сидорович, осон иш эмас. Бу ерда ҳаваскорлик тўғри келмайди. Бутунлай тўғри келмайди. Бунинг устига, биргина мен қувватлашимнинг ўзи билан иш битмайди. Тегишли одамлар билан маслаҳатлашиб кўриш керак. Бу гапни эртага давом эттирамиз. Ҳаммасини эртага ҳал қиламиз.

Эртасига Кузовкинникига Федор Васильевичнинг «ошнаси» келди. У ўрта ёшлардаги, яғриндор, кўзлари йирик-йирик одам эди. У чолнинг гапини ўбдан эшитди. Узоқ эшитишга тўғри келди. Тимофей Сидорович касаллиги пайтида асоратда қолган шаҳарда яширин иш олиб бориш режасини ишлаб чиққан эди. Режанинг кўп ўринлари жўн, ҳатто кулгили эди. Аммо баъзи нарсалар диққатга лойиқ бўлиб, Петровнинг «ошнасига» маъқул бўлиб қолди. Чолнинг ғоясини у, умуман, маъқуллади. Кейин Тимофей Сидоровичга немислар келгандан кейин у ўзини қандай тутиши кераклиги, нималарга қизиқиши тўғрисида йўл-йўриқ кўрсатди. Кейин хулосасида шундай деди:

— Олдингизга бир аёл келиб, ўзини сизнинг келинингизман деб таништиради. «Мен Николайдан салом ва совға олиб келдим» дейди. Бу — пароль. «Келинчак» сизнинг ишингиз ачиқ нимадан иборат бў-

лишини, ўз олдингизга қандай мақсад қўйиб олишингизни тушунтиради. Биттасини айтишим мумкин, у оддий иш бўлмайди, балки ҳаётингиз учун хатарли бўлади.

«Келинчак» немислар шаҳарга кирмасидан уч кун олдин келди. У олиб келиши лозим бўлган «совға» бир пуд оқ ёғ, бир қоп ундан иборат экан. Еш жувон рўзгорбоп ва сергайрат чиқиб қолди. Уйни бошдан-оёқ кўздан кечирди, озиқ-овқат запасини ҳисоблаб чиқиб, ишончли ерга яшириб қўйди. Унга Аграфена Никитичнанинг ҳужумини дарҳол қайтаришга тўғри келди. Қўшни аёл рўзгор бийлигини бегона қўлга бериб қўйишни ҳечам истамасди. Иш кўз ёшигача бориб етди. Аммо Валентина, «келинчак»нинг исми шундай эди, Аграфена Никитичнага рўзгорни унинг ёрдами ва маслаҳатисиз уддалаб бўлмаслигини айтиб, уни ишонтирган эди, у бўйсинди.

Немисларнинг шаҳарга кириш арафасида «қайнота» билан «келин» ўртасида, Кузовкин интиқ бўлиб кутаётган, ростини айтганда, юраги бетланқирамай келаётган суҳбат бўлиб ўтди. Режа тузиш бошқаю, уни амалга ошириш бошқа. Суҳбатнинг боши, тўғри, унчалик хавотирли эмасди.

— Тимофей Сидорович,— деди Валентина Ивановна.— Биз вазифамизни тақсимлаб олишимиз керак. Мен келинман. Демак, кир ювишим, овқат пиширишим, боғни парвариш қилишим лозим. Сиз бўлсангиз, бозорга бориб, озиқ-овқат харид қилиб келасиз. Шаҳардан ташқарига чиқиш қатъиян тақиқланади. Кечқурунлари биз уйда бўламиз ва одатдаги ишларимиз билан шуғулланамиз — китоб ўқиймиз, чой-хўрлик қиламиз, гаплашиб ўтираемиз. Мен тўр тўқийман. Менинг бу машғулотимдан ҳамма қўшнилар хабардор бўлишлари лозим. Фақат қўни-қўшнилар эмас, барча таниш-билишлар хабардор бўлсинлар.

— Хўш, мен-чи? Мен нима қилишим лозим... Зерикиб ўлайми? — дея сўради Тимофей Сидорович, суҳбатнинг бошидан ҳафсаласи пир бўлиб.

— Сизнинг асосий вазифангиз — мени қўриқлаш,— деб жавоб берди Валентина ва бу билан бирга негадир жилмайиб қўйди.

— Ҳазил қилма! Менинг юрагим хаста-я!

— Мен сираям ҳазиллашаётганим йўқ. Сиз чиндан ҳам мени бало-қазодан қўриқлашингиз керак. Қўриқлаганда ҳам жон-жаҳд билан қўриқлайсиз. «Келинингиз»нинг ҳаёти учун бошингиз билан жавоб берасиз.

— Шу холосми?

— Шунинг ўзи мутлақо кифоя. Сизнинг ҳимоянгиз остида мен иш олиб бороламан. Мен радисткаман. Чамадонларимдан иккитасида радиостанция билан уни ишлатадиган «озуқаси» бор. Кичкинагина детали йўқолса рация ишдан чиқади, ва бизнинг, биз сингариларнинг бутун ҳаракатларимизни йўққа чиқаради. Хўш Тимофей Сидорович Кузовкин зиммасига юклаган вазифанинг муҳимлигини энди тушунган бўлсангиз керак?

— Сен ўзинг чиқиб турасанми уйдан?

— Баъзан.

— Одамлар билан гапласан ҳамми? Чунончи, қўни-қўшнилар билан?

— Агар уларнинг ўзлари гапга солишса.

— Албатта, гапга солишади. Улар ҳар нарсага қизиқишади, гап сотишни яхши кўришади. Дарвоқе, улар «эринг», менинг ўғлим Николайни сўраб қолишлари мумкин. Унда нима деб жавоб қиласан?

— Бирон нарса ўйлаб топарман.

— Бирон нарса — бу бўлмайди. Ахир «эринг»ни сенинг қўшниларинг билишади, у ҳақда бир неча бор гапирганман. У билан қаерда топишдинглар?

— Москвада.

— Бўлмаган гап! Уралда! Тўғри, у Москвада ўқиган Бауманскийда. Кейин, урушдан икки йил олдин, Уралга ишга юборилган. Сизлар ана ўша ерда учрашгансизлар.

— Бу менга тўғри келмайди. Мен Урални билмайман-ку,— дея эътироз билдирди Валентина Ивановна.

— Билмасанг нима бўлибди. Мен ҳам сени билмасдим, мана тақдир учраштирди. Урал тўғрисида икки-уч оғиз сўз айтсанг — бас. Қолганлари Москва ҳақида кетаверади, сен у ерда туғилгансан, ўқигансан, кейин Николай ишлаётган ерга йўлланма беришган, уни йирик саноат қурилишига юборишган. У ерга бутунлай кўчиб бормоқчи бўлиб турганингда, уруш бошланиб қолди. Ундан охириги хатни Старая Руссадан олдинг. У ерга қандай бориб қолганини билмайсан. Уша хатида отаси олдига кўчиб бориб, чолга далда бўлиб туришингни тайинлаган. Тушунарлими?

— Деярли...

— Хўш, дегандек, сенинг ҳақиқий ҳаёт йўлинг қандай кечганлигини мен билмайман, билишим мумкин ҳам эмас.

Валентина Ивановна хўрсиниб қўйди. Афтидан, унинг ҳаёт йўли осон ўтмаган эди. Ҳар қолда, Николайнинг ҳақиқий хотининикидек осон бўлмаганди. Узининг йигирма олти йиллик умрида у бошидан кўп мусибатларни кечирди, кўп нарсасини йўқотди. Бўлғуси эридан жудо бўлди. У учувчи эди — ўтган йили сентябрь ойида кучлар нисбати тенг бўлмаган жангга ҳалок бўлди... Ҳали эр-хотин бўлмай туриб ажралиб қолди. У бундан жуда ҳам севарди, бу ҳам уни қаттиқ севарди. Аҳмоқона ажралди, бунда ўзини айбдор деб билди ва ўзини кечиролмади... Исми Юрий эди. Кейин тақдирим — фронт деб ўйлади. Ялинди, талаб қилди, военкомат остонасига қатнайвериб охурча қилиб юборди. Қўйишмади. Алоқачи сифатида махсус курсга йўлланма беришди. Уша ердан тўппа-тўғри Г. шаҳрига, Тимофей Сидоровичнига келиб қолди.

— Ҳа, ман этилган,— дея тасдиқлади Валентина Ивановна.— Балким, қачондир, урушдан кейин...

— Мен ҳам шундай деб ўйлагандим. Хўш, кел энди, хўжаликни ўзлаштирайлик. Уйимда баъзи бир сирлар бор.— Тимофей Сидорович эшикни ичидан қулфлади, чироқни ёқди.— Кетдик, қизалоғим.

У қопқоқни кўтарди-да, ертўлага олиб тушадиган нарвончага биринчи бўлиб оёғини қўйди. Дарҳол салқин ва зах ҳиди димоққа урилди.

— Бу нима ўзи, ғорларми? — дея сўради Валентина Ивановна.

— Қанақа ғорлар? Шунчаки кўҳна кон қазилмаси. Ура ковлаётганимда унга тасодифан дуч келиб қолдим. Аввалига, мен гуноҳкор бандда, қандайдир кўчманчиларнинг қабрларига дуч келиб қолдим, деб ўйладим, ҳатто олтин безаклар топишни ҳам кўнглимга тугиб қўйдим. Бутун умрим бўйи, болалигимдан мен бирон нима билан шўхрат қозонишни ёки бирон бир кашфиёт қилишни, ёки жасорат кўрсатишни, ёки яна нимадир қилишни орзу этиб келардим... Лекин мен топган нарса қабр эмас, ўйлаганимдек, олтин кони ҳам эмас; оддий темир маъдани қазилмаси экан. Унинг узунлиги боғимнинг этагигача чўзилиб борди-да, у ерда аста-секин юзга кўтарилади. Сен, қизалоғим, йўллари-ни ўрганиб чиқ. Балким ишингга яраб қолар.

Узига хос йўлак деворларига турли хўжалик ғамламаларини сақлаш учун токчалар қилинган эди. Бу ерда олма яшиклари ҳам турар эди. Йўлак охирида дуб тўсинлари солиниб ёпилган том бўлиб, унга нарвон билаң чиқилар эди.



Расмларни Ж. Умарбеков чизган.

— Мана бу ер алоҳида жой, — деди Тимофей Сидорович, — палахса тошни кўрсатиб, — хуфияхона. — Бўртмалардан бирини босган эди, тош палахсаси осонгина силжиди-да, аппаратуруни яширишга бемалол кифоя қиладиган чуқурлик очилди.

— Мана бунингиз учун мен сизни ўпишга тайёрман! — дея хитоб қилди Валентина Ивановна.

— Ҳай, ҳай! — дея муғамбирона ман қилди Тимофей Сидорович. — Сен эҳтиёт бўл! Менга ўпишинг ёқиб қолса, бунақа кашфиётларнинг кети бўлмай қолиши мумкин-а...

Икки оғиз ҳазил-мутойибадан кейин қазилманинг қарама-қарши томонига йўл олишди. Етмиш метрлар чамаси юриб охирига етишди.

Валентина Ивановна ертўлани мақтаб қўйди:

— Бу ерни тошқўрғон деяверинг. Немислар топишолмайди.

Эвакуация тугади.

Горкомнинг иккинчи секретари Федор Васильевич Петров билан қўмондонлик вакили Родион Михайлович Князев шаҳарни энг охирида тарк этишди. Биринчи секретарь бундан икки кун олдин чақириқ қоғози билан Москвага учиб кетган, у ҳаракатдаги армияда ишга тайинланган эди...

Машина аста юриб борарди. Иккаласи ҳам индамас эди. Ўз шаҳарларидан чиқиб кетиш оғир эди.

— Менинг Кондрат Ермолиним сенга қандай ёқди? — дея гап очди Федор Васильевич, зил жимликни бузишга уриниб. — Менимча, у сен сўраган одамнинг худди ўзи. Еш. Бақувват, пролетардан чиққан, меъёрида. Жиддий, босиқ ва энг муҳими, армия хизматини ўтаб келганига ҳали ҳеч вақт бўлгани йўқ. Ишон, бу талабларнинг барчасига жавоб бера оладиган йигитни топиш осон бўлмади! Дарвоқе, мен нега Кондратни сенга мақтаяпман? Ўзинг ҳам уни яхши биласан: цемент заводининг бош инженери, горком аъзоси ва, ниҳоят, бизнинг энг яхши лекторларимиздан биттаси.

— Иккаласи ҳам олдимда бўлган — Кондрат Семенович Ермолин ҳам, унинг сиёсий бўлим бўйича муовини Роман Николаевич Васильев ҳам. Яшириб ўтирмайман! Иккаласи ҳам мушкул пайтларда суянса бўладиган одамлардан. Ермолиннинг партизанлар урушини авж олдириб юборишга интилиши мени ўйлатиб турибди. От-аравалар сингари ортиқча юки бўлмаган, чаққон ҳаракат қила оладиган 20—25 кишидан иборат кичик партизан гуруҳини тузиш зарурлигини унга узоқ тушунтиришимга тўғри келди.

— Бу ерларда «уй-жойларга жойлаштирилган» бизнинг одамларимиз билан алоқа қилиб туриш вазифасининг ўзи озлик қилмайдими?

— Ҳеч қанча. Вазифа жуда мураккаб ва хавфли. Агар Ермолин ортиқча ташаббус кўрсатиб юборса, ўзини тезда сездириб қўяди ва бутун тармоқларни Марказ билан алоқадан маҳрум қилади. Бизнинг ишимизда эса алоқа — муҳимнинг муҳими.

— Васильев бунга йўл қўйдирмайди.

— Мен ҳам шундай деб ўйлайман...

Тўқ кулранг «Эмка» қанчалик секин юраётган бўлса ҳам у катта колоннанинг думига бориб тақалди. Шофер колоннани айланиб ўтиб кетишга уриниб кўрдию, лекин бундан ҳеч нарса чиқаролмади — у битун йўлни эгаллаб қўйганди. Бунинг устига олдинда осмонбаравар қилиб қандайдир папкалар ортилган юк машина ҳаракатни тўсиб қўйган эди.

— Штихман эвакуацияни нега бунчалик чўзиб юборган экан? —

деди Федор Васильевич, папкалар тоғига қараб.— Бу, ахир, ЗАГСнинг архиви-ку!

— Бошқа йўл йўқми? — дея сўради Родион Михайлович, машинадан чиқиш учун эшикни очар экан.

— Бор,— деб жавоб берди шофер.— У бундан ҳам баттар, лекин ўтиб олса бўлади. Агар Федор Васильевич майли десалар, машинани қайтараман.

— Бошқа йўлдан бўлса, бошқадан-да,— деди Петров лоқайдлик билан.

Князев эшикни ёпган заҳоти машина олдига, ҳаво қайноқ бўлишига қарамай, жундан тўқилган иссиқ кофта кийган бир аёл югуриб келди. Гарчи аёлнинг юзи ёш кўринса ҳам, гулли рўмоли остидан оқариб кумуш рангга кирган соч толалари чиқиб турарди.

— Сен ҳам, Федор Васильевич, немислардан қочиб кетяпсанми? — деди баланд овоз билан ҳалиги аёл.— Айтмоқчи, мен нега бунни сўраяпман! Секретарь биринчи навбатда кетиб олиши керак. Кетиб олақол, Федор Васильевич! Ха-ха-ха! — у бирдан ха-холаб кулганича олдинга югуриб кетди.— Ха-ха-ха!..

— Кетдик, Константин Павлович! — деди Петров.

Машина орқага ўгирилди-ю, яқин бурилишлардан бирига лип этиб шўнғиди-да, ўн минутлар чамаси адашиб юриб, шаҳарнинг четига чиқиб олди.

— Бу хотин ким? — дея сўради Родион Михайлович.

— Константин Павлович айтақолсин,— дея шофер томонга боши билан ишора қилди секретарь.— У мендан яхшироқ билади уни.

— Нимасини ҳам айтардим,— дея елкасини қисди шофер.— Унинг эри станцияда стрелкачи, юк бўлимида ишларди. Бир куни қандайдир байрам келди. Хотинига станцияни томоша қилдирмоқчи бўлди. Хотини эса, оғироёқ эди. Улар темир йўлдан оҳиста боришарди. Атрофда болалар ўйнашар. Улардан бири тўпни тўғри рельс бўйлаб тепди, бошқаси унинг орқасидан югурди, бу орада маневрчи паровоз пайдо бўлдию боланинг устига бостириб келабошлади. Никифор болакайни йўлдан итариб юбордию, ўзи улгуролмай қолди. Бун хотини кўриб қолиб, чинқириб юборди, ҳушидан кетиб йиқилди-да, бола ташлаб қўйди. Бола кўп ўтмай ўлди... Шундан кейин эси кирарли-чиқарли бўлиб қолди. Урушдан олдин, тўғри, Зубковадаги бу ҳолатни ҳеч ким сезмасди, мана, ҳозир эвакуацияни эълон қилишгач, у яна бошланибди.

— Олдин ким бўлиб ишларди у?

— Бунга у мени қаердан танишини ҳам қўшиб сўра,— деди Петров гапга аралашиб.— Бу ерда ҳам ҳеч қанақа жумбоқ йўқ. Татьяна Александровна Зубкова илгари, худди менга ўхшаб, мактабда муаллим бўлиб ишларди, ундан олдин эса, пионервожатий. Яхши тарбиячи эди.

— Наҳотки соғайиб кетишига умид бўлмаса? Врачлар нима дейишади?

— Врачларга ҳам тушуниш қийин, биттаси, Зубкова тузалиб кетади, деса, бошқаси, йўқ, дейди. Бу дардга чалингандан кейин қийин бўлар экан...

Душман шаҳарда

Бутун кунни Шварцман ҳаяжонланган ҳолда ўтказди. Эрталаб қўшни станцияларга танк бўлинмаларини ортган бир неча эшелон келиши ҳақида телеграмма олди. Роппа-роса бир соатдан сўнг унинг номига Берлиндан иккинчи телеграмма келди. Амакиси генерал фон

Люткега ҳурмат-эътибор кўрсатишни сўрарди. Амакисини яхши билган кичкина Шварцман телеграммадан кўпроқ нарсани уқди. Чунончи, фон Лютке катта одам. Унга, майор Шварцманга, кўп фойдаси тегиши мумкин. Шунинг учун генералда яхши таассурот қолдириши керак. «Бундай пайтларда,— фикрларди комендант,— тақдирни тубдан ўзгартириб юбориш учун одатда бир оғиз сўз кифоя қилади. Берлинга боришимга фурсат етган бўлса қани энди, Хильга ҳам кутавериб кўзи тўрт бўлди. Мени бу томонларга командировка қилишганига, бошқача қилиб айтганда, қайта тарбияланишга жўнатишганига яқинда бир йил бўлади. Менинг тилим — менинг душманам. Юксак сиёсатга бурнимни тикишни менга ким қўйган экан! Агар ҳурматли амакимнинг гапига ишонилса, ҳалиям мен осон қутулганман. Қаранки, ким билан баҳслашиш ўтирибман-а? Келиб-келиб анави мансабпараст Генрих Штиллер билан тагин!

Унинг танасида қайси қон кўпроқ — орийларникими ёки яна бирон бошқаникими,— бу ҳали жумбоқ! Айтишларича у, Россияда аллақандай шубҳали ишлар билан шуғулланган... Қани энди, агар ўша юксакликка яна чиқиб ололсам. Биринчи қиладиган ишим — уни отдириб юборишга олиб борардим. Йўқ, уни менинг ўзим отиб ташлардим, қўлларим қалтирамасди ҳам...»

Ўз хаёлларига фарқ бўлиб кетган майор кабинет ичида гоҳ қадамини тезлатиб, гоҳ секинлатиб, у ёқдан-бу ёққа бориб келиб турарди. Уни бу ҳолатдан телефон кўнғироғи алахситди.

— Ҳа, мен, эшитаман! Вайс, бу сизмисиз? Нега миқ этмайсиз? Ҳа-ҳа! Олдимга киринг. Зарур иш бор.

— Нима янгиликлар бор, Вайс? — деб сўради Шварцман, офицер кабинет эшигини очганда.— Сиз 22-бис эшелоннинг ҳаракатини кузатишсизми?

— Худди шундай, жаноби майор! Агар ҳеч нарса халақит бермаса, тўрт соатлардан кейин у станцияда бўлади.

— Нима халақит бериши мумкин?

Вайс эшикни ичидан ёпиб қўйди-да, остонада қотиб қолди.

— Мен сиздан сўраяпман, эшелонга нима халақит бериши мумкин,— дея такрорлади Шварцман.— Бундай хавотирланишингизга нима сабаб бўлди?

— Мен ҳеч қанақа хавотирни айтганим йўқ. Шунчаки офицерлардан кимдир тушлик қилаётганимизда атрофда партизанлар пайдо бўлибди, деб айтди. Шундан кейин ўйлаб қолдим...— Вайс ўзининг бошлиғига садоқатли кўзлари билан қаради.

— Яхши, сиз бўшсиз, Вайс.

Ростини айтганда, у бундай осон қутулишни кутмаганди. Одатда комендант Вайсни сўкар, фронтнинг олдинги маррасига юбораман, деб қўрқитар ва бу олдинги марра бир неча бор буйруқ текстиди акс этиб, амалга ошишга сал қоларди. Уни фақат нуқул тасодифлар қутқарарди. Обер-лейтенантнинг ожиз томонлари ҳаддан ортиқ кўп бўлиб, биринчи ожиз томони, комендантнинг айтишига кўра — оғиз бузуқлиги эди. Вайс ҳамаша Шварцманнинг капалагини учираб юборадиган гапларни гапирарди. Мана бугун ҳам партизан сўзи чиқиб кетди. Ким унинг тилини қичитди? Унинг, Вайснинг, партизан билан нима иши бор? Комендант ёпишиб олмай, қўйиб юборганига шукур...

Сафсатовозликдан ташқари, Вайснинг яна бир ожиз томони — қарта ўйинига ўчлиги эди. У қарта ўйнамасликка аҳд қилиб, бир неча марта оғзига сўз олган, лекин даврага қўшилиш ҳақида таклиф қилишдими бўлди, ичган қасамини ўша заҳоти унутиб юбораверар эди.

Вайс ўзининг навбатчилик хонасида таржимон Золенбауэрни учратиб қолди. Уни тақдирнинг ўзи бу ерга олиб келгандай бўлиб туюл-

ди унга. Бу йигит Вайсга ёқар эди. Босиқ, мулозаматли, қўли очиқ. Сўнггиси энг муҳим эди. Ютқизиб қўйиб, Вайс ҳамиша ютқизарди, ёрдам сўраб Золенбауэрнинг олдига чопарди. Мана ҳозир обер-лейтенант ялинишга тушди.

— Ердам бер, дўстим! Аллақандай арзимаган қоғозни деб ҳаммасидан маҳрум бўламан. Менга бор-йўғи уч юз марка зарур бўлиб қолди. Албатта, олдинги галдагидек, доллар бўлса, янаям яхши бўларди. Лекин бугун маркага ҳам рози бўлавераман...

— Азизим,— деди ҳамдардлик билан Золенбауэр,— биласан-ку сен — менда пул йўқ. Нуқул холамга мурожаат қилавериш эса, ноқулай... Бунинг устига унинг пули қолдими-йўқми — билмайман...

— Шундай ўйин мўлжалланияптики! Мен албатта ютишим лозим. Сенга бир сирни айтаман: бир неча соатдан сўнг йирик танк қўшилмалари етиб келади. Офицерлар шаҳарга жойлаштирилади. Ана ўшалар билан биз ўйнаймиз!..

— Афанди,— дея кулди Золенбауэр.— Офицерлар келишса, бир кун туришар, жуда нари борса, икки кун туришар. Қарта ўйнашга фурсатлари бўларканми.

— Ҳақиқий ўйинчига бир кечаям етарли қарта печатини очиш учун,— деб ишонч билан эътироз билдирди Вайс.

— Бир қўл ўйин учун таваккал қилиш ярамайди. Ҳатто қўл олишга улгуролмайсан.

— Нима учун бир қўл бўларкан? Бирин-кетин ўн бешта эшелон етиб келади. Ҳар бири билан ўйин бўлади. Энди тасаввур қиляпсанми, дўстингнинг қанақа имконияти борлигини? Қаердан бўлсаям топ ўша лаънати уч юз маркани... Ке, энди, йўқ дема. Холагни йўлга сол...

Телефон жиринглаб қолди.

— Бир дақиқа ҳам тинч қўйишмайди!.. Комендатура бўйича навбатчи обер-лейтенант Вайс эшитади? Айбдорман, жаноби майор! Хўб бўлади. Кетяпман.

Вайс чиқиб кетиши билан Золенбауэр деразага яқин келди. Навбатчилар хонаси комендантнинг кабинетини билан ёнма-ён бўлиб, фақат Шварцманнинг гапинигина эмас, балки унинг ҳамсуҳбатлариникини ҳам очиқ деразадан эшитса бўларди.

— Шаҳар атрофида партизанлар пайдо бўлибди, деган миш-мишлар тарқалибди. Бу рост гапми, ёлғонми — ваъда қилолмайман. Бу сизнинг ҳуқуқ доирангизга киради, Келлер!

— Эслатиб қўйганингиз учун миннатдорлик билдираман.

— Гап бундай, бизнинг шаҳримизга генерал фон Лютке ва унинг офицерларининг келиши фавқулодда ҳодисалар билан дилихираликка сабаб бўлмаслигини истардим.

— Менинг бевосита бошлиқларим ҳам шундай хоҳиш билдиришган.

— Буни амалга оширишгина қолади. Генерални кутиб олиш, унинг станциядан шаҳаргача ҳаракати ҳавфсизлигини таъминлаш керак.

— Сиз кутиб олишингизга тўғри келади, жаноби комендант. Хавфсизликни эса, менга қўйиб бераверинг.

— Курт, бунақа расмиятчиликнинг нима кераги бор? Биз бир-биримиз билан анчадан бери синашта одамлармиз, шундай экан, бу сеники, бу меники деб ўтирсак, иккаламизга уят бўлади. Бирга бориб кутиб оламиз. Қаршилигингиз йўқми? Гап бундоқ бўпти, келишдик... Вайс, ҳалиям шу ердасиз? Комендатуранинг бутун офицерларини ҳузуримга чақиринг.

«Қалдирғоч» жавоб беради

Кечаси соат ўн бир, шаҳар ҳувиллаб қолди, уйларда чироқлар ўчди, хилват тор кўчалардан биридаги ташқари эшик аранг эшитиладиган бўлиб ғийқиллади. Ундан қора куртка кийган ўрта ёшлардаги эркак киши чиқди, олдин атрофга аланглаб қараб олди-да, уй ва деворларнинг соясида яшириниб марказга қарама-қарши томонга юрди. Ташқари эшик ғийқиллаб дарҳол ёпилди, боғ томондан бошқа эркак киши уйга ўтиб келди, ўша эшик унга катта очилиб, уйга киритдию, дарҳол ёпилди. У киши ёғоч тамбани тақирлатди.

— Хонага тезроқ кириш,— деган аёл кишининг паст овози эшитилди.— Сизни боғда ҳеч ким кўриб қолмадимиз?

— Ҳеч ким. Хавотир қилманг, Маргарита Францевна. Боғда, кўчада ҳам ҳеч ким йўқ!

Сухбатдошлар уй эгасига кабинет ўрнида хизмат қиладиган хонага киришди. Девор бўйлаб қатор ўрнатилган жавонларга китоблар тегиб қўйилганди. Қорешокларидаги ёзувларига кўра, махсус касбга тааллуқли, кўпроқ мелиорацияга оид эди улар.

Маргарита Францевна ҳалиги одамни креслога ишора қилиб, қаршисига ўзи ўтирди.

— Ташқари эшикнинг ошиқ-маъшуғини ёғлаб қўйиш керак. Сиз ҳам сездингизми, Юрий Васильевич!

— Эҳтиёткорлигингиз мени қувонтиради, лекин паришонхотирлигингиздан хафа бўлдим: сиз мени яна Юрий Васильевич деяпсиз. Мен ахир жиянингиз Василий Иосифович Золенбауэрман-ку. Энг яхшиси — Вася.

— Лекин биз уйда бир ўзимиз-ку! — дея ҳайрон қолиб сўради Маргарита Францевна.

— Барибир. Одат деган нарса салга панд беради: Одамлар олдида «Василий» ўрнига «Юрий» деган сўз чиқиб кетса... Сиз билан бизнинг ҳолатимизда бир оғиз сўз одамни ҳам, ишни ҳам ҳалок қилишга қодирдир...

— Гуноҳқорман. Тавба қилдим,— деб хижолат тортди Маргарита Францевна.— Мен фақат бегоналар олдида ролга кириш керак, деб ўйлабман.

— Энди ҳеч қанақа роль-поль йўқ — бу сиз билан бизнинг ҳаётимиз.

— Ҳа, ҳа... Мен тушунаман. Бу ҳаёт...

Бу кекса, ҳориб-чарчаган аёлга Василийнинг раҳми келиб кетди-да, сўради:

— Балким кўрқаётгандирсиз?

Маргарита Францевна ғамгин жилмайди.

— Озгина. Бироқ хавф-хатарга ҳам кўникиб кетса бўлади... Мен сиздан сўрамоқчи эдим... Василий... Яна чалкаштириб юборишига сал қолди. Уртоғингиз қачон қайтиб келади?

— Агар ҳаммаси яхши ўтса, унда эртага кечаси. Хавотирланманг! Василий — яъни Артем тажрибали одам. Хўжжатлари ҳам аъло даражада.

— Бу хавфлими? — дея сўради Маргарита Францевна.

— Ҳамма нарса хавфли. Ҳатто ҳозир биз сиз билан суҳбатлашиб ўтиришимиз ҳам.

— Мен тушунаман... Ҳар ҳолда...

— Албатта, хавфли: Худди тубсиз жар ёқасида тургандек: қоқилиб кетдингми — тамом.

Маргарита Францевнанинг саволлари уни хавотирга солди: У ба-

мисоли четдан қаради ва хавф-хатарни кўриб қолди. Тўғрироғи, сезиб қолди уни. «Ўзим борсам яхши бўларкан»,— деб кўнглидан ўтказиб қўйди Юрий Васильевич.— Шаҳарни, унинг теварак атрофларини билламан, у эса, янги. Бироқ мен, комендатуранинг таржимони, шаҳардан ташқарида патрулга дуч келиб қолсам, кечаси нега ва қаерга кетаётган эдинг деган савол туғилади. Артемга унинг янги ҳужжатлари билан патруль қўрқинчли эмас. Вагонларни ремонт қилишда поезд бригадаларига ёрдам бериш учун слесарь сифатида станцияга кетяпман, у ерга эрта билан барвақт етиб бориш учун кечаси бўлишига қарамай шошилиш суратда йўлга чиққандим, деб қўя қолади.

Юрий Васильевич, айни чоқда Василий Иосифович Золенбауэр, эшелонлар билан келган танкларнинг миқдорини Вольфганг Вайснинг ёрдамида комендатуранинг ўзидаёқ билиб олишга уриниб кўрди. Вайс комендантнинг олдида муттасил айланишиб юрди, унинг олдида кўп нарсалар гаплашишди.

Генерал ҳамда унинг шотирлари комендатурага етиб келишларига ўн минут қолганда Золенбауэр обер-лейтенантнинг кабинетига кирди. Ҳамиша озода қийиниб, эгарланган отдай бўлиб юрадиган Вайс ҳозир ундан ҳам ошиб кетган эди. Кийим-бошлари ҳафсала билан дазмолланган, этиги ярақлайдиган қилиб артиб тозаланган.

— О-о-о! — деб юборди Золенбауэр бошқа сўз тополмай.

— Ҳайрон бўлма,— деди Вайс.— Бу кунжақларда ҳам ҳақиқий немис офицерлари борлигини кўрсатиб қўйиш керак-да, ахир уларга.

— Кўрсат, кўрсат,— дея жилмайди Золенбауэр.— Ҳа, шошил. Меҳмонлар етиб келишди! Кутиб ол! Сен учун мен навбатчилик қилиб турман.

Вайс чиқиши билан, Золенбауэр дераза олдига борди-да, уни очиб юборди. Комендантнинг деразасига кўз ташлади, ёпиқ эди. «Ҳаммаси барбод бўлди! Ҳеч нима эшитолмайман!»

Коридорда оёқ товушлари эшитилди. Василий деразадан ўзини четга олди. «Агар эшикни очса,— деб кўнглидан ўтказди у,— дарҳол «Хайль Гитлер!» дейман. Бу керакли таассурот қолдиради». Лекин эшик очилмади, комендант меҳмонларни тўппа-тўғри ўз кабинетига олиб кирди.

Вайс севиниб кетганидан кабинетга учиб кирди. Унинг оғзи қулоғида эди.

— Золенбауэр! Мен Генералнинг назарига тушдим, ҳатто у комендантга ҳазиллашиб: «Агар офицерларингизнинг ҳаммаси шунақа бўлишса, сизга менинг ҳавасим келади!» деди.

— Хавфли ҳазил,— деди Василий тагдор қилиб.— Агар сен унга ёқиб қолсанг, сени ўзига олиб қўйиши мумкин. Менинг билишимча, обер-лейтенант Вайс фронтнинг олдинги маррасига боришга унчалик хоҳиши йўқ.

Вайснинг юзи тундлашди.

— Сен ҳамиша менинг кайфиятимни бузасан...

Вайс телефонлар турган стол томон ўтди. Улар еттига ёки саккизга эди, лекин фақат иккитаси ишларди. Қолганлари «хўжа кўрсин» учун эди. «Кўп телефон фақат жудаям иши кўп одамда бўлади» деб кўпиришни яхши кўрарди у. Йигирма беш ёшида ким ҳам иккинчи бири бўлишни истамайди дейсиз?

— Холанг билан гаплашдингми? — деди Вайс.

— Нимани? — дея унга бақрайиб қаради Василий.

— Нимани бўларди, пулни-да.

— Пулни? Мен ахир сенга бўлар-бўлмасга ундан пул сўрашга ор қиламан, деб айтувдим-ку. Агар пул сенга чиндан ҳам зарур бўлса, майли, ўшанда ҳам фақат сен учун бир ялиниб кўраман.

— Керак, Василий.

— Сен барибир ўйнамоқчимсан?

— Албатта ўйнамоқчиман-да!

— Ким билан? Офицерлар йўқ-ку. Генералнинг ўзини ўйинга таклиф қилмоқчимсан, дейман? Дарвоқе, бугунги ҳазилидан кейин бунга умид қилса бўлади.

— Кесатма,— деди аччиғи келиб Вайс.— Генерал ҳам ўйнаши мумкин. Аммо усиз ҳам шерик топилади. Офицерлар бугун кечқурун етиб келишади. Кейин шу ерда қолишади.

Золенбауэр Вайсга диққат билан қаради.

— Бутунлай-а?

— Ҳар ҳолда анча туришади.

— Демак, сен ютқизишга улгураркансан-да?

— Ютишга ҳам вақт бўлади. Катта пул ютаман ҳали. Кўрасан.

Ниҳоят Вайс оёққа туриб олади!

— Бундан чиқдики,— дея кулиб қўйди Василий,— бизга танк группаси офицерлари эмас, балки миллионерлар келишар экан-да.

— Маълум маънода — миллионерлар.— Вайс тагдор қилиб кўзини қисди.— Улар катта пулга ўйнайдиганлардан. Агар одам эртага икки қўли, икки оёғи, бошини гапирмаёқ қўяй, соғ қоладими-йўқми — билмаса, у пулнинг бетига қараб ўтирмайди. Ҳеч нарсани аямайди. Фаҳмлаясанми, Василий, қанақа одамлар билан товка қуришга тўғри келишини бизга?

— Бундан чиқди, уларнинг ҳаммаси бизнинг шаҳаримиз учун бошларини тикишибди-да?— деди ўзини гўлликка солиб Золенбауэр.

— Нима учун ҳаммаси? Кўпчилиги. Катта жангга тайёрланаётган пайтда, ҳар бир киши бу дунёдан нариги дунёга ўтатуриб, ўзини нимадан халос қилиши кераклиги тўғрисида ўйлаб кўриши лозим. Кетишдан олдин эса, ҳамма ҳам бу дунёнинг кайф-сафосини тўйиб суриб қолишни истайди. Уйинчи эса инчунун.

— Энди аниқлаб олдим,— деди Василий, ошнасининг қўлтиғига пар тикқиси келиб.— Обер-лейтенант Вайсга пул жиддий иш учун керак. Охирги ўйин ҳамиша ҳал қилувчи бўлади.

— Охиргисилигини қаердан билдинг?

— Сенинг ўзинг ўша шерикларингнинг бу дунёдан бошқа дунёга ўтишини шама қилдинг-ку.

— Иблиссан! Тилинг ўзи қанақа, Василий. Албатта дилни хира қиласан. Отланаётганим йўқ! Бу дунёда ҳам шериклар тўлиб ётибди...

Яқинда бой бўлиб қолиш хаёлига муккасидан шўнғиб кетган Вайс тобора очилиб борарди.

— Мен ҳали турклар билан қарта ташлашмоқчиман.

— Турклар билан?!

— Сен нима деб ўйловдинг! Генерал айтдики, туркларнинг йигирма бешта дивизияси Кавказ чегарасига келтириб қўйилган, олдинга юриш учун буйруқ кутишяпти. Ана ўшанда хумордан чиқамиз ўйнаб.

— Турклар қарта ўйнашига аминмисан? Улар аллақандай ошиқ ўйнашармиш деб эшитгандим...

— Бўлмаган гап. Ҳозир ҳамма қарта ўйнайди. Шарқлик халқлар қизиққон бўлишади. Улар юз-юз марка ёки доллар-поллар билан чекланиб қўяқолишмайди. Олтин! Фақат олтин тикишади!

— Ҳа, Вольфанг, сенга худо берай деб турган экан ундай бўлса.

Обер-лейтенант учун хижолат бўлгандек қўлларини ёзишдан бошқа нарса қолгани йўқ.

— Тақдир экан!

— Начора, мен бориб, холам билан гаплашай бўлмаса,— дея бо-

шини силкиди Василий.— Бунақа иш учун мен сўзни ерда қолдирмайман.

Вайс стулдан сакраб турди-да, Василийни эшиккача кузатиб қўйди.

— Ҳа, сал бўлмаса эсимдан чиқай дебди. Штурмбанфюрер сени олдимга кирсин деган эди. Унда холангга Берлиндан келган хат бор экан. Уни, афтидан, хизмат почтасидан юборишибди. У қариндошларинг ким ўзи?

— СД хавфсизлик хизматида! Гарчи бутунлай амин бўлмасам ҳам, кимданлигини фаҳмлаяпман.

— Ҳоҳ-ҳо!— деди Вайс чўзиб.— Сен каттароғига дов қилсанг ҳам бўларкан унда!

— Мен қарта ўйнамайман.

— Бу қарта эмас, бу мартаба.

Василий кулиб юборди.

— Эҳтиёт бўл, Вольфанг, сендан ўзиб кетаман! Менга адъютант бўлармидинг?

«Ҳар ҳолда бу уриниш унчалик фойдасиз бўлмади,— дея кўнглидан ўтказди Василий.— Баъзи нарсаларни билиб ололдим! Биринчидан, бу районда ҳужумга тайёргарлик кўришяпти. Бу ерга, танк қисмлари олиб келтирилган. Ахборотда чегарада буйруқ кутиб турган Туркиянинг йигирма олти дивизиясини ҳам эслатиб ўтишга тўғри келадиганга ўхшайди...»

— Василий, сиз ҳозир хаёл қанотида шунчалик олисларга учиб кетдингизки, сизни чақирришга кўзим қиймади. Агар сир бўлмаса, айтингчи, қаерларда бўлдингиз? — деб сўради Маргарита Францевна оналик меҳри билан йигитга термилиб.

— Қаерда бўлдинг дейсизми? Нима десам экан сизга! — У бир фурсат ўйланиб қолди.— Ҳар қалай, шаҳар ташқарисига чиқмадим. Бугун кўрган-кечирганларимни сарторози қилдим. Шахматчига ўхшаб, кейинги юришларимни ўйлаб олдим...

— Айтинг-чи, Артемни ўйладингизми?

— У бажараётган топшириқни ўйладим.

— Демак, сизнинг ундан кўнглингиз тўқ?

— Тўқ ҳам, акси ҳам. Хотиржам бўлиш, амин бўлиш сингари умуман олганда, мумкин эмас. Лекин ҳар қалай мен деярли хотиржамман...

— Мен ўзимнинг педагогик фаолиятимда юз берган бир қизиқ воқеани айтиб берсам майлими? Сиз ҳам, агар янглишмаётган бўлсам, педагогикага алоқадор одамсиз.

Маргарита Францевна креслога ўрнашиброқ ўтириб олди.

— Бу воқеа.— дея гапини бошлади муаллима,— менинг бу шаҳарда ўқитувчилик қилаётганлигимнинг иккинчи... йўқ, учинчи йилида бўлганди. Унгача немис тилидан дарс берардим, энди эса адабиёт ҳамда рус тилини олиб борардим. Ўз предметимни мен жонимдан ҳам яхши кўрардим. Бу севги беихтиёр суратда болаларга ҳам юққан эди. Китоб улар учун энг яқин дўст бўлиб қолганди. Шундай кунларнинг биринда мен саккизинчи «б» да адабиётдан дарс ўтардим. Синф яхши эди, болалар қобилиятли, фаол эдилар. Ёдимда, «Евгений Онегин»ни ўтардик, ўша кунга роман асосий қаҳрамонини характерлайдиган парчани ёдлаб келиш топширилган эди. Эсингизда бўлиши керак, албатта, унда шундай мисралар бор:

Кўпларнинг наздида Онегин —
(Ҳакамлар кескин ва талабчан),
Олим йигит, аммо олифта эди...

Коля Кузовкинни чақирдим. Унинг отаси Тимофей Сидорович биздан сал нарида туради. Николай ҳофизаси ғоят бой, айтиш мумкинки, беқиёс хотирага эга қобилиятли ўқувчи эди. Урушдан олдин менга хат ёзиб, аллақандай «мураккаб лабораторияда» ишлаётганини ёзганди. Шундай қилиб, Николайни чақирдим, у бўлса, афтидан, бу сатрларни шошиб-пишиб атиги бир марта ўқибди-ю, ёдлаб келмабди. Унга «ёмон» баҳо қўйишга мажбур бўлдим. Ўзингиз ўйлаб қаранг, энг яхши ўқувчимга шундай баҳо қўйдим! Бутун синф жимиб қолди. Бу душанба куни бўлган эди. Адабиётдан келгуси дарс ҳафтанинг охирида — жума ёки шанба куни бўларди. Мана ўша кун етиб келди. Ҳар бир машғулотга мен уч-тўрт банддан ёдлаб келишга вазифа берардим. Кузовкин, бу ҳам яхши эсимда, ўрта қатордаги иккинчи партада, ўқитувчи столининг шундоққина рўпарасида ўтирарди. Мен дарсни уй вазифасининг бажарилган-бажарилмаганини суриштиришдан бошладим. Николай қўлини шундай қатият билан кўтаравердики, уни рад этишга илож қолмади. Мана у ўрнидан турди-да, ўқий бошлади, биз ўргатганимиздай, танлаб-танлаб эмас, балки қаторасига сатрма-сатр ўқирди. У жуда бемалол, эркин, ифодали қилиб осон ўқирди. Бундан ўзи ҳам завқланаётганлиги шундоқ сезилиб турарди. Ун минут, ўн беш минут ўтди... У ҳамон ўқирди. Ярим соат ўтди! Шу пайт кўнглимдан: «Бу таҳқирлаш эмасмикан!» деган фикр ўтди. Мен Кузовкинни тўхтатдим.

— Етарли, Николай! «Евгений Онегин»ни яхши ёдлаб келибсан. Утир! — дедим.

Бутун синф театрадагига ўхшаб, гулдурас қарсақлар билан олқишлай бошлади. Мен эсам дарсни аранг тугатдим у ўқитувчилар хонасига шошилдим...

— Менимча, Николайнинг бу қилиғида ҳеч қандай ғараз бўлмаган, — деди Золенбауэр. — Шунчаки, йигитнинг иззат-нафси койиган: биринчи бўлиб юриб, бирдан «ёмон» баҳо олиши унга алам қилган. Шундан кейин ўзининг нимага қодир эканлигини кўрсатиб қўйгиси келган. Кейин нима бўлди?

— Ўқитувчиларга синфда бўлган воқеани битта қўймай гапириб бердим. Аввалига улар индашмади, кейин баҳслашиб кетишди. Бунга ортиқча эътибор беришмаса ҳам, лекин ҳар ким шахсий нуқтаи-назарини айтишни ўз бурчи деб ҳисобларди. Мулоҳазаларини ўртоқлашишди. Бирлари, — бу — ўқитувчини масхара қилиш, назокат билан билдирилган норозилик, деса, бошқалари, сизга ўхшаб, Кузовкиннинг бу қилиғини оддий болалик шухратпарастлигининг кўринишига йўйишди. Салдан кейин мен ҳам ўзимнинг, Николай ўқитувчисини масхара қилмоқчи бўлди, деган олдинги фикримдан воз кечдим. Бу ҳақиқатга унча тўғри келмайди... Эсимда, биз Николайнинг қилиғини узоқ вақт ва қизғин муҳокама қилган эдик. Лекин ҳеч ким ҳеч кимни ишонтиролмади. Ҳар ким ўз фикрида қолди... Бу воқеани сизга нима сабабдан айтиб бердим? Балки шунинг учундирки, ҳаётда кўпинча шундай бўлади: муаммо битта, нуқтаи-назар эса, бир неча. Бордию бирон фалокат юз бериб, Артемга хавф таҳдид қилса, ундан осон қутулиб кетишига сиз аминмисиз? Менинг хаёлимга қандайдир даҳшатли... ҳатто фожиали фикрлар келяпти...

— Бу унинг ишидан беҳабарлигингиздан, — деб қўйди Золенбауэр.

— Балки шундайди... Аммо ўзимни тинчлантиролмаймам.

Эски дўстлар яна учрашадилар

Тимофей Сидоровичнинг уйига «келини» кўчиб келганига бир ойча бўлиб қолди. Ҳамма нарса яхши ўтаётгандек эди, аҳил, тинчгина кун ўтказиб турардилар. Кузовкин кундузи шаҳарни айланиб, озиқ-овқат топиб келар; Валентина Ивановна хўжаликка қарар, боғдаги ишлар билан куйманар; кечқурунлари иккаласи самовар қайнатиб, кўрган-кечирганлари, уруш туфайли маҳрум бўлган нарсалари ва улар қалбларида ёрқин хотира қолдирганлиги ҳақида узоқ гаплашиб ўтиришарди. Улар бир бошпана остига олиб келган сабаб ҳақида лом-мим дейишмасди — бу ман этилган мавзу эди. Ҳожати бўлмагандан кейин нега ҳам керак бундан гап очиш. Передатчик ертўлада турар, топшириқ келмасди...

Агар бир ҳодиса рўй бермаганида, иккинчи ой ҳам, учинчиси ҳам шундай ўтарди...

Бир куни Валентина Ивановна дераза олдида тўрини тўқиб ўтириб кўчага қараган эди, бургомистрнинг муовинини кўриб қолди — у ташқари эшикдан кириб келарди.

— Дада! — дея қичқирди у. — Бизникига Фокин қадам ранжида қилди!

Тимофей Сидорович иккинчи хонада дам олиб ётарди.

— Нима деяпсан ўзи, Валя... Адаштиряпсанми? У бизнинг остона-мизга ҳеч қачон қадам босмаганди-ку.

— Адаштирганим йўқ! Кутиб олинг!

Тимофей Сидорович ўрнидан турди, тилининг остига валидол таблеткасини жойлади-да, учига резина қопланган ҳассасини олиб, катта хонага чиқди.

Эшик тақиллади.

— Эшик очиқ. Кираверинг! — деди Тимофей Сидорович, стол ёнига ўтираётиб.

Фокин қандайдир ийманиб, эҳтиёткорлик билан кирди. Тимофей Сидоровични у анчадан бери биларди. У билан Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Грознийда — бир намоиш пайтида танишган эди. Кейин уларни тақдир ҳар томонга элтиб ташлади, орадан неча йиллар ўтиб кетди, мана ҳозир Г. шаҳрида учрашиб қолишди. Иккаласининг иши бошидан ошиб кетиб, кўришишга фурсат топишолмасди, лекин бир-бирлари ҳақида нимаики бўлса, деярли ҳаммасини билишарди. Мана Фокин ниҳоят ўзининг эски танишиникига кириб келди.

— Салом, Тимофей Сидорович! — дея бошини силкди Фокин хўжайинга қараб. Стол томон ўтиб келди-да, мулозамат кўрсатишини кутиб ўтирмай, ўтирди. — Сенга нима бўлди, заҳар одамдек индамайсан, ҳатто саломлашгинг ҳам келмайди! Мен ҳар қалай бошлиқман-а!

— Қандай саломлашишни ўйлаяпман — таёқ биланми ёки икки оғиз аччиқ гап биланми? Бошқа истаган одамимдан кутсам ҳам, фақат сендан, Прокофий Филиппович, бундай қабиҳликни кутмагандим. Демак, сенга отангдан нимадир юққан экан-да. Ахир сен эмасмидинг ким кўрганга: ота-она учун бола жавобгар эмас, деб қичқириб юрган...

— Балки шунинг ўзи етар энди, — деди Фокин уй эгасини тўхтатмоқчи бўлиб.

— Йўқ, ўзинг кирибсанми, бу ёғини ҳам эшитасан! Сенинг уйингда бўлсам, оғзимни ҳам очмасдим, ўз уйимда эса, очдимми — ёпмайман. Мен сени чақириб келганим йўқ. Шундай бўлгач, ҳақиқатни билиб ол, афтидан, сенга буни ҳали ҳеч ким айтмаган бўлса керак...

— Тўхта! — деди Фокин зарб билан столни уриб. Столдаги сув тўла пиёла ағанаб кетди, дастурхонга сув тўкилиб, паства тома-бошлади.— Мен сенинг гапингни эшитдим. Энди қулоғингни очиб туриш сенинг навбатинг. Менинг иккита саволимга жавоб бер. Уйда ким бор?

Тимофей Сидорович довдираб қолди.

— Келинимдан бўлак ҳеч ким йўқ.

— Иккинчи савол. «Сен қўзиқорин солиб, кўк мармаладли торт пишириб беролмайсанми?»

Тимофей Сидоровичнинг кўзлари катта-катта очилиб кетди. Фокин бўлса, чолнинг эсанкираб қолганини кўриб ва бундан қувониб, давом этди:

— Ол буни, «келининг» учун. Зудлик билан Марказга етказиш керак. Мен ишга ҳар куни сенинг уйинг олдидан ўтиб бораман. Агарда менга, бинобарин, раҳбарларга айтадиган зарур иш чиқиб қоладиган бўлса, сен...— Прокофий Филиппович хонага назар ташлаб чиқди,— сен деразанинг ўнг томонига алое гулни қўйиб қўясан. Анави жавонда турган гулни. Тушунарлими? Дераза парда ҳамма вақт тушириб қўйилган бўлиши лозим. Агар очиқ бўлса, бу — ишора: менинг сенинг ҳузурингга киришим мумкин эмас. Хавфли... Буни ҳам билиб олдингми? Энди бўлди. Зарурат турилса, келиб тураман. Шундай қилгинки, сенга шаҳардаги кўзга кўринган бошқа одамлар ҳам тортга буюртма беришсин. Агар мижозлар орасида немислар ҳам бўлишса, янаям яхши. Ҳа, яна бир нарса! «Келининг» кўчага камроқ чиқсин. Одамларни тутиш бошланади. Қиз-жувонларни Германияга жўнатишади. Мана энди, ҳаммасини айтдим, чамаси. Хайр.

— Йўқ, шошмай тур. Мен сенга айтишим керакки... мен айтишим лозим...

— Муносабатларимизни бир-биримизга тушунтириб ўтиришга менинг фурсатим йўқ.

— Ахир мен...

— Менга айтган таъналарингни виждонингга ҳавола қилдим.— Фокин бир дақиқа ўйлаб турди-да, жилмайиб қўшимча қилди:— Хайр Айтгандай, кўришгунча.

Бургомистрнинг муовини чиқиб кетиши билан хонага Валентина Ивановна югуриб кирди. У ҳамма гапни эшитганди. Тимофей Сидорович хонанинг ўртасида ўзини йўқотиб, маъюс турарди. Валентина Ивановна унинг қўлидан ушлаб диван томон олиб борди.

— Мана кўрдингми, у, Прокофий, ҳамиша шунақа,— деди Тимофей Сидорович.— Мундоқ бемалол гаплашмайди ҳам. Шунақаям бўладими? Мени сал бўлмаса тобутга тиқиб кетаёзди... Мен ҳам авлияман... Анавнақа деб ўтирибман-а...

— Дада, маълумот қани? Уни зудлик билан етказиш керак! — деди «келинчак» Тимофей Сидоровичнинг гапини бўлиб.— Тезроқ берақолинг. Ниҳоят ҳақиқий иш бошланыпти!— Маълумотнинг қисқа қилиб ёзилган жумлаларини тезда ўқиб чиқди.— Битта ҳам ортиқча сўз йўқ! Бамаъни одам ёзибди. Энди кунларингни кўрасанлар, жаноблар!— Валентина Ивановна «қайнотаси»га диққат билан қаради.— Ишни бошлаймиз. Мен пастда, сиз юқорида. Ҳушёр бўлиб туринг! Менинг ҳаётим сизнинг ҳаётингизга боғлиқ.

— Бўпти! Бидир-бидир қилиб юбординг жуда,— деди Тимофей Сидорович, аччиғи келиб.— Сен айтмасанг ҳам биламан. Чироқни ёқ, мен қопқоқни очатураман.

Иккаласи ҳаяжонланарди. Ҳар қалай алоқага биринчи марта чиқишаётган эди-да. Тўғри, бир неча контроль алоқа бўлган... Лекин улар санокқа ўтмайди. Ҳақиқий иш фақат энди бошланаётган эди... Тимофей Сидорович қопқоқни кўтарди. Валентина эса, чироқни олд томонга тут-

ган ҳолда, нарвонга эҳтиёткорлик билан оёғини қўйиб, пастга туша бошлади.

Дақиқалар узоқ чўзилиб кетди. Узоқдагилар — Катта Ермагилар маълумотни қандай қарши олишларини тезроқ билгиси келарди. Ниҳоят келишиб олинганидек, қопқоққа уч бор урилган зарб овози эшитилди. Тимофей Сидорович уни кўтарди ва Валентина Ивановна хонага кўтарилди.

— Хўш қалай?— дея «келинчакка» тикилиб қолди Тимофей Сидорович.

— Ҳаммаси жойида. Катта раҳмат айтишди.

— Бошқа ҳеч нарса дейишмадимиз? — дея сўради чол ҳайрон бўлиб.

— Яна нима дейишлари керак? — деди Валентина Ивановна елкасини қисиб.

— Хўш, савол беришмадимиз?.. Биз бу ерда қандай ҳаёт кечиряпмиз, нима иш қиляпмиз.

— Мен ахир телефонда гаплашмадим-ку, ахир. «Зуммер»да кўп нарсани айтиб бўлмайди. Айтганча, битта илтимос қилишди. Биз турган жойнинг об-ҳавосини айтишимни сўрашди.

— Ана кўрдингми, яна нима дейишлари керак, дейсан-а менга. Боракан-ку, қўшимча қиладиган сўз,— деб қувониб кетди Тимофей Сидорович.— Улар, кўриниб турибдики, об-ҳавони бекорга сўрашаётгани йўқ, бекорга эмас, азиз қизалоғим...

— Бекорга сўрашаётганлиги тушунарли. Урушда ҳеч нарса билан бекорга қизиқишмайди. Фақат бу билан бизнинг ишимиз бўлмаслиги лозим. Гумонларга бориш қатъиян ман этилган, Тимофей Сидорович. Қатъиян ман этилган.

— Тушунарли. Юр, қизим, бу муҳим кунни нишонлаймиз.

— Чой иситайми?

— Қанақа чой! Мен ундан кучлироқ бир нарса ғамлаб қўйганман.

Тимофей Сидорович буфет томон йўналди.

— Фақат озгина, бир қултумгина. Сизга ортиғи мумкин эмас,— деди Валентина Ивановна қатъий қилиб.

Шу пайт кимдир эшикни тақиллатди...

Тимофей Сидоровичникидан Фокин кўтаринки руҳда чиқди, айни чоқда у хавотирда эди. У ўйнаётган хоин роли оғир роль эди. Шаҳарликларнинг ёвқарашлари чидаб бўлмас даражада уни ўртарди, назарида шартта тўхтаб, «Мен хоин эмасман! Мен ҳам сизларга ўхшаб, ватанпарварман!» деб қичқиргиси келарди. Лекин бундай деб қичқириб бўлармиди. Дамингни чиқарма. Сабр қил. Кузовкин ҳам сени сотқин деб хаёл қилди. Оббо ичи тушган қовун-а! Сўкканини қаранг. Кейин қандай севиниб кетди! Юзларида нур ўйнади. Яхши одам у, ҳалол ва самимий...»

Фокин кўчадан худди ғознинг эркагидай лапанглаб гердаиб ўтиб борарди. Қалта қўлларини бўксасига қўйиб олган, шу туфайли қорни яна олдинга туртиб чиққан. Унинг бу савлатдорлигига бирга ишлайдиганлар, айниқса ундан юқориқоқ мансабдагилар ҳамма вақт ҳасад қилишарди. Бу немисларга ҳам юқди. Улар бургомистр билан унинг муовини ўз ташқи кўринишлари билан одамларга муайян таъсир қилишларини истардилар. Шунинг учун ҳам унга амални тез берақолган бўлсалар ажаб эмас.

«Нима учун бизникилар мени танлашди экан? — дея ўйлади Фокин.— Бу ерда савлатдорлик ҳеч қанақа аҳамиятга эга эмас. Афтидач, ҳамма гап ўтмишимда, Майкопнинг бадавлат кишисида бўлса керак. Тимофей ҳам шунга шама қилди. Отаси шундай бўлгандан кейин бола-

сидан нима яхшилик чиқарди, деб ўйлади чамаси. Кейин ҳайрон қолди. Кўзлари косасидан чиқиб кетаёзди. Айтгандай, менинг кўзларим ҳам косасидан чиқиб кетаёзган эди Золенбауэрни кўриб, паролни эшитганимда...»

Ҳақиқатан ҳам худди шундай бўлган эди. Бир куни Фокин ишдан сўнг уйига қайтиб келаётган эди. Уйга етиб келай деб қолганида комендантнинг таржимони, маҳаллий немислардан Василий Золенбауэр унга етиб олди.

— Яхшимсиз, Прокофий Филиппович? — дея одатдан ташқари мулойимлик билан сўради Золенбауэр бургомистрнинг ўринбосаридан.

— Раҳмат, яхши, — деб жавоб берди Прокофий Филиппович, таржимонга шубҳа билан ер остидан қараб қўяр экан.

— Агар рози бўлсангиз, бир оз сайр қилсак, — дея таклиф қилди Золенбауэр.

Фокинга рози бўлишдан бошқа илож қолмаганди. Рад этадиган бўлсанг, таржимонни ранжитиб қўйсанг, комендантнинг ишончли одами билан ўчакишиш кимга ҳам керак.

— Менинг сизга озгина гапим бор эди, — дея гапини бошлади таржимон, теваарак-атрофга олазарак қараб.

Прокофий Филиппович ҳушёр тортди. Золенбауэрнинг хулқида унга аллақандай ғалати бир ҳол сезилди.

— «Родион Михайлович, сиз боғингизга яхши қарамасангиз, уни сассиқ алафлар босиб кетади, деб айтиб қўйишимни тайинлади».

Фокин ўз қулоқларига ишонмади. Золенбауэр паролни айтди! Уша пайтда, бу иборани айтган одамга Прокофий Филиппович ишониши ва дахлсиз бўйсунушини унга тўппа-тўғри айтилган эди.

— Прокофий Филиппович! Мен яна бир марта қайтараман. «Родион Михайлович, сиз боғингизга яхши қарамасангиз, уни сассиқ алаф босиб кетади, деб айтиб қўйишимни тайинлади».

— Родион Михайлович янглишади, — деб жавоб берди Фокин. — Сассиқ алаф биз томонларда ўсмайди».

— Эй боракансиз-ку, худога шукур! Ниҳоят, юрак бетлатдингиз. Сизнинг шубҳангизни мен тушунаман. Қандай қилиб немисга ишониш мумкин? Лекин, биринчидан, немислар ҳар хил бўладилар — фашистлар бор, коммунистлари ҳам бор. Иккинчидан, сиз қандай бўлсангиз, мен ҳам ўшандай немисман. Энди иш юзасидан гаплашайлик...

— Яна ким экан? — дея сўради Тимофей Сидорович. — Сен қандай деб ўйлайсан?

— Ўйлаб-нетиб ўтирадиган жойи йўқ! — деб жавоб берди «келиндяк». — Эшикни тақиллатишаётган экан, очиш керак, вассалом.

Икковининг миясидан бир хил фикр ўтди: «Наҳотки биринчи сенсдаёқ рацияни сезиб қолишган?»

— Саломатмисизлар! — деган овоз эшитилди йўлакдан. Кузовкин Митрошкиннинг овозидан дарҳол таниди. «Бу нусхага нима керак бўлиб қолган экан?»

— Саломатмисиз, ҳурматли Тимофей Сидорович! — дея Митрошкин иккала қўлини узатиб, уй эгасининг истиқболига қараб йўналди. — Анчадан бери кираман дейману, нуқул ноқулай бўлиб туюлаверади.

— Биз ахир қўшнимиз-ку, Павел Гермогентович. Нега ноқулай бўлар экан, — деди Тимофей Сидорович, меҳмоннинг ялтоқилигига жавобан. — Лекин сезиб турибман, қандайдир иш чиқиб қолган.

— Яширмайман, Тимофей Сидорович, — деди Митрошкин, — менинг чиндан ҳам сизга ишим тушиб қолди. Кўриб турибман, сизнинг ёлғиз ўзингиз билан келингизга осон бўлмаяпти. Замон қандайлиги маъ-

лум... Шундоқ келиб, ўз хизматини тавсия қилиш унчалик қулай эмас. Лекин ҳозир жиддий ният билан олдингизга кирдим. Мен кондитер магазини очишга ижозат олдим.

— Э, гап бу ёқда экан-да!— дея илжайди Кузовкин. «Кондитер ишлаб чиқариш... Яхши ўйлаб топилган. Валентина Ивановна билан бизга бу тўғри келади. Фақат олдибердисини очик савдолашиб олиш керак».

— Таклиф, тўғриси айтсак, ўзига ром этади,— деб жавоб берди Тимофей Сидорович.— Менинг одессалик денгизчи ошнам бундай вазиятда: «Хўш, бундан менга қанчаси қолади?» деб савол берган бўлур эди. Магазин очилади. Биз, айтганларидек, моддий бойлик ишлаб чиқарамиз. Сиз-чи, Павел Гермогентович, сиз нима иш қиласиз? Ўйлайманки, бизнинг меҳнатимиз мевасидан фойдаланибгина қолмангиз керак?

— Бу виждонсизлик бўлур эди,— деб пешонасини тириштирди Павел Гермогентович, ўзининг ўнг оёғини силаркан. Номаялум сабабга кўра ўша оёғи қовжираб қолган эди.— Мен озиқ-овқат билан таъминлаб тураман.

— Мана шунинг учун биз сизнинг таклифингизни қабул қилсак керак. Лекин мен ўзимга қарашли одамларим — келиним ҳамда Аграфена Никитична билан маслаҳатлашиб олишим лозим, уларсиз мен уйда қилолмайман, ўзингиз тушунасиз. Ҳеч ким камситилмаслиги керак. Сиз, кўрииб турибднки, хўжайинлик ролига талабгорлик қилясиз, соддароқ қилиб айтганда — эксплуататор бўлмоқчисиз.

— Бундай дегани уялмадингизми,— деди Митрошкин уялиб кетиб.— Мен ахир жон-дилимдан ачинганимдан айтяпман! Одамларнинг силласи қуриб бораётганини кўриб юрибман. Сиз бўлсангиз... Мен қанақасига эксплуататор эканман! Ҳолбуки янги бошлиқлар елкамга миниб олиб, югуртиришяпти. Рус кишисини улар ҳеч аяшмайди. Шунинг учун ҳам биз бир-



биримизга ғамхўрлик қилишимиз лозим. Хўш нима дейсиз Розимиз?

— Бизнинг улушимиз-чи? — дея сўради Кузовкин.

— Ҳайламанки, хурсанд бўласиз,— мужмал жавоб қилди Митрошкин.

— Процентга чаққанда-чи?

— Соф фойдадан сизга қирқ, аёлларга ўн процентдан!

«Рози бўлайми ёки рад қилайми? — дея ўйлади Кузовкин.— Нега ҳам савдолашмас эканман?»

— Йўқ, нима деяпсиз! Қирқ процентга ҳам маҳсулот тайёрлаш, ҳам сотиб пуллаш? Оз. Бизга етмиш, сизга ўттиз. Оборотдан чиққан сармоя сизга бўлақолсин.

Бундай жавоб Митрошкинни бир оз каловлатиб қўйди. У кекса Кузовкиннинг савдо ишларига шуди йўқлигига умид қилганди. Тимофей Сидорович яхши уста, лекин хўжалик ходими сифатида ношуд одамлиги ҳаммага маълум эди. Уни раҳбарлик лавозимига бир неча бор сайлашган, аммо ҳар гал ўзининг илтимосига кўра аввалги вазифасига ўтказишган. «Мен савдолашишни удда қилолмайман,— деб тан оларди.— Пиширганим, ёшларни ўргатганим яхшироқ менга».

Митрошкин ўйлаб кўрди, бошини силкиди-да, рози бўлди.

— Майли, Тимофей Сидорович. Олтмиш беши сизники, ўттиз беши меники. Ўзингизнинг олтмиш бешингизни ўртада қандай тақсимлайсиз — бу сизнинг ишингиз.

— Ҳай майли, энди тўғри келса керак. Фақат уйдагиларим билан маслаҳатлашиб олишим лозим. Бугун сешанба, келинг, жума куни узил-кесил келишиб оламиз, майлими?

— Жума куни бўлса жума куни-да,— деб жавоб берди Митрошкин, эшик томон йўналиб.— Мен унгача магазинни қаерга очиш яхши бўлишини билиб қўяман.

Кўчада у хаёлга толди. «Ўттиз беш процент унчалик оз эмас. Фақат немис маркасини дарҳол олтинга айлантириб қўйиш керак. Олтин ўлмайди, чунки у олтин. Оқ дарпардалар тутилган уй — менинг келажаким унда... Ҳа-я ўзи нима гап? Мен Кузовкиннинг уйига кириб кетаётганимда деразада ҳеч нарса йўқ эди, ҳозир эса, гул турибди! Нима учун? Эй қуриб кетсин! Мен қандай ғаразгўй бўлиб қолдим-а, ўзи! Тфу! Гул деразада турмаса, қаерда туради? Ахир унга ёруғлик, қуёш нури керак-ку... Аммо нима учун худди шу бугун бу гулни деразага қўйиб қўйишди?...»

Бургомистр Сердечний

— Пашка! Ситилиб оққур! Митрошкин! Итвачча қаерга гумдон бўлақолди?— деб бақирди бургомистр, иккала қўли билан панжарани тираб турган устунни қучоқлаб олган ҳолда. Ўзининг оёқлари бургомистрни кўтаролмай қолган эди.— Терешка, менга Митрошкинни топиб бер! Уни ер остидан бўлсаям топиб келтир.

— Илтимос, ҳақорат қилманг. Бунақа муомала кўнглимга ўтирмайди,— деди қовоқ-тумшугини осилтириб полициячи ва айни пайтда бургомистрнинг шахсий соқчиси Духовников.

— Нима? Нима? — дея даҳшат билан ўшқирди Сердечний.

— Дағдаға қилманг! Қўрқадиган вақтим ўтиб кетган. Сиздан илтимос қиламан, бундан буёқ мени Терешка деб атаманг. Менинг исми шарифим Терентий Лукьянович.

— Шунақами ҳали, ит! Олтинга айланишиб кўрсатган ўйинларинг

учун отишга ҳукм қилинганинда, қутқариб қолганимни унутдингми? Немислар ҳалиям мўлжаллаб юришибди, лекин сен, Терешкани улардан менинг елкам тўсиб турибди. Қаранг-а, уни ҳурмат қилиш керакмиш! Итни қандай ҳурмат қилиш керак?

— Йўл қўймайман! — деди кескин қаршилик кўрсатиб Духовников.

Шу пайт Сердечний сал-пал ўзига келиб, онги ёриша бошлаган эди. Ногоҳ хаёлига хавотирли бир фикр келди: «Борди-ю, у шартта кетиб қолса-я! Ёлғиз қолиб кетаман-ку. Бутунлай ёлғиз. Терешка ҳалол одам. Ўзига яраша диёнатли ҳам. Ҳеч вақт менинг қимматбаҳо нарсаларим йўқолмаган. Майда-чуйдалар бунга кирмайди. Бунақа майда-чуйдалар ҳар куни ғойиб бўлиб туради... Лекин мен ўзимни ҳурматли Терентий Лукьяновичнинг ўрнига қўядиган бўлсам — ахир у зеб-зийнатни қандай қилиб ўғирламай тура олади?! Бирон нимани чўнтагига тикмаса, уйқуси келмайди. Йўқ, бу нотавоннинг шартини қабул қилиш керак. Начора?..»

— Агар сиз, Терентий Лукьянович, шуни истасангиз, мен сизни шундай деб ҳурматлашга розиман. Бундан ташқари, ўз тобеларим, биринчи навбатда полициячилардан ҳам шуни талаб қиламан! Хўш, қалай, хурсандмисиз? — деб сўради бургомистр, кейин Духовников олиб келиб, ҳурмат юзасидан қўйиб қўйган курсичага ўтирди.

— Нима деб сизга миннатдорчилик билдиришни ҳам билмай қолдим. Менинг ҳамма нарсам бор, лекин одамлар томонидан ҳурмат-эътибор йўқ. Ана шу ҳурмат-эътиборни ҳис қилиш учун ҳеч нарсамни аямай, берган бўлардим.

— Ҳа, Терентий,— деб қўйди бургомистр, дарҳол маъюсланиб,— мен ҳам уни унутиб юбордим. Бунга анча вақт бўлди. Урушдан олдин...

Бургомистр панжаранинг бир қанотига оғир суянди, бошини эгиб ўйга толди. Кейинги пайтларда у тез-тез шу ҳолга тушиб турарди. Йўқ, йўқ, ҳам ўйга толарди, ўтмишига шўнғиб кетарди.

Унинг бутун ҳаёти Львовда ўтди. У ўша ерда туғилди, ўсиб-улғайди, университетни тугатди, хизматга кирди ва ниҳоят уйланди. Университетдалигидаёқ унинг ажойиб келажаги ҳақида башорат қилишган эди. Отаси ломбарднинг олди хизматчиларидан эди, ҳалолликда бенуқсон одам сифатида донг қозонганди. Чиндан ҳам шундаймиди? Одамлар шундай деганларидан кейин, афтидан, шундай эди — уларга сиртдан яхшироқ кўринади. Бироқ кекса Сердечнийга ўша ҳалоллик ўғлига анча каттагина пул — олтин билан 70 минг, бунинг устига хотинининг 50 минг сўмлик сепи ҳам қўшилади, қолдиришга монелик қилмади.

Шу тариқа Кузьма Петровичда юз мингдан зиёдроқ сармоя тўпланиб қолди. Лекин улар нақд пул эмасди, балки қимматли қоғозлар, Львов ҳамда Польша украинасидаги бошқа шаҳар муассасаларининг акциялари эди.

Университетни тугатгач, отасининг ошна-оғайнилари ёрдами билан Сердечний хусусий адвокатлик идораси Фольксмахерга ишга жойлашди. Кузьма Петрович иккита катта муваффақиятли суратда охирига етказишга эришди ва у одамларнинг назарига тушиб, шаҳарнинг ҳамма унга интиладиган адвокати бўлиб қолди. Фольксмахернинг ўзи қариб мункиллаб қолган эди. Мижозлар, идоранинг барча иши аста-секин ёш, сергайрат Кузьма Петровичнинг қўлига ўтиб қола бошлади, уни энди Кузьма эмас, Казимир деб атайдиган бўлишди.

Кўпгина бадавлат одамлар қариндош бўлиш учун Сердечнийни кўз остиларига олиб юришди. Уларнинг аксарияти бўйга етган қизларнинг оталари эди. Улар жумласига Бачевендаги Польша вино магнатининг бошқарувчиларидан бири пан Книшевский ҳам кирарди. Жуда ҳам эҳтиёткор ва бир ишни келажакни ўйлаб қиладиган пан Кни-

шевский ўз сармоясининг асосий қисмини ёлғизгина қизи Ядвига номига ёздириб қўйган эди.

Пан Книшевский қизини Сердечнийга унаштиратириб, бўлғуси куёвини, у қизи Ядвига номига банкка қўйилган сармоядан фақат ноилж қолган пайтадагина фойдаланиши мумкинлигини олдиндан огоҳлантириб қўйди. Бу пуллар эса, ўғилдир, қиздир — набирасига аталган бўлиб, у балоғатга етгач, ундан фойдалана оларди. Нафсиламрини айтганда, у, Қазимир Петрович, бу гоёга қарши эътироз билдирмади. Омилкор одам эмасми, нарёқда гамлаб қўйилган нарса турса ёмон бўлмайди деб ўйлади. Агар зарур бўлиб қолса, — дея ўйлади у, — мен ҳамма вақт хотинимни қанча керак бўлса, шунча олишга кўндираман».

Қазимир Петрович Сердечнийнинг пухта ўйланган режасини амалга ошириш насиб этмаган экан. Фольксмахернинг вафотидан кейин контора иши таназулга юз тутди. Ташқи томондан бағоят латофатли Ядвига ўзига ҳаммаша эътибор, энг асосийси, катта харажатлар талаб қиладиган бўлиб қолди. Меҳмон кутиш, пардоз-андознинг ўзига адвокатлик конторасининг деярли ҳамма даромади кетиб турарди. Баъзан Сердечнийга хотинининг қарзи учун ўз сармояси ҳисобидан тўлаб юборишга тўғри келиб қоларди.

Хотинининг ҳаддан ошиб кетаётган бемаъни харажатларидан юрак олдириб қўйган Сердечний бир куни, агар пулни шундай совура-верадиган бўлса унга ишонмаслигини айтди. Жавоб ўрнига хотини жанжал-тўполок кўтарди, бунга Қазимир Петрович мардонавор бардош берди. Шундан кейин қандайдир сокинлик бошланган эди. Лекин бу оилавий жанжалнинг оқибати эмасди. Ядвига тез орада она бўлишини сезиб қолди, бу ҳақдаги хабар уни эри билан бир оз келиштириб қўйди — улар бир-бирларининг хархашаларини анча кўтарадиган бўлиб қолишди.

Ядвига қанчалик исрофгар бўлмасин, у Сердечнийнинг рақиблари етказганчалик зарар етказа олмади. Улар конторанинг обрўсини тўкишга ва бу билан Қазимир Петровични эгардан йиқитишга қасд қилдилар.

Қунларнинг бирида Сердечний кўчада бир жанобни учратиб қолди. У билан сал-пал танишлиги бор эди. Жаноб, ўзининг сурбетлиги учун олдиндан кечирим сўраб, ўсмоқчилади:

— Айтинг! Сиз Фольксмахер адвокатини ўлдирганингиз ростми?

— Бу қанақа бемаънилик? — деди Сердечний аччиғи келиб.

— Нима учун бемаънилик бўлар экан? — дея хафа бўлди жаноб. — Факт шубҳаланишга йўл бермайди. Сизнинг яхшилиқни билмаслигингиздан ҳамма ғазабда. Кекса немис сизга қанча яхшиликлар қилган эди бечора...

— Ахир мен ўлдирмадим уни, — деди Қазимир Петрович, бақириб юборишига сал қолиб. — Ўлдирмадим!

— Ҳа-ҳа-ҳа! Сиз нима, бизларни ғирт аҳмоқ деб ўйлайсизми? Бўлмаса ёриб кўрмасликларни учун нега пора бердингиз?

— Мен Фольксмахернинг васиятига амал қилдим. У, мени ёриб-ветиб ўтиришмасин, одамлардек дафн қилинглр, деган эди.

— Васиятда бу айтилмаган.

Энди Сердечнийга нима учун мижозлари ғойиб бўлиб қолганлиги, нега конторага ҳеч ким йўламай қўйганлиги равшан бўлди. У ишни йиғштириб қўйиш ҳақида ўйлай бошлади. Ҳеч қанақа даромад бўлмагач, хизматчиларни таъмин этиб туриб бўлмайди-да, ахир. У шундай қиларди ҳам-у, лекин контора ўз-ўзидан ёпилди — бунга зарурат қолмади.

1939 йил 1-сентябрда Германия Польшага бостириб кирди, 3-сентябрда эса Гитлер Франция билан Англияга уруш эълон қилди. Ик-

кинчи жаҳон уруши шундай бошланиб кетди. Фарбдан фашист Германияси қўшинлари олдинга силжирди. Шарқдан панлар зулмидан озодлик келарди. Қизил Армия қисмлари Львовга яқинлашиб қолишди.

Вазият ниҳоятда жиддий эди. Сердечний эсанкираб қолди. Бу етмагандек, яна бир бахтсизлик юз берди — унинг икки ойлик ўғли Витольд ўлиб қолди. Қазимир Петровични Ядвига билан боғлаб турган ҳалқа ғойиб бўлди.

Германиянинг Польшага нисбатан қилган тажовузининг иккинчи кунни пан Книшевский Сердечнийникига келиб, қизи Ядвига билан бирга Руминияга у ердан эса, Швейцарияга кетаётганини хабар қилди. Узининг бутун капитали ва қизининг сепини у Швейцария банкига ўтказиб қўйганига анча бўлган эди.

— Қимматбаҳо қоғозларни ўз вақтида олтинга айлантириб қўйиш керак бўлиб қолди, барибир сиз қилмадингиз, — деди чол. — Энди эски тос, эски ҳаммомда ўтирибсиз. Аммо мен сизларнинг оилангизни бузадиган даражада тош юрак эмасман. Биз билан бирга кетишингизни таклиф қиламан.

Сердечний таклифни қабул қилмади. Кетиш — ҳамма нарсадан маҳрум бўлиш, қарамлик, Книшевскийга хизматкорлик, деб ўйлади. Оқибат натижада бошқа ҳокимият билан ҳам топшииб кетиш мумкин-ку...

Шаҳарга Қизил Армия қўшинлари кириб келишди. Меҳнаткаш халқ халоскорларни байроқлар, қўшиқлар билан қарши олди.

«Нима қилишди мени? Ҳеч нима. Мен холис одамман. Қанақа ҳокимият бўлса, менга барибир. Қандай адвокат бўлсам, шундай бўлиб қолавераман, — дея ўзини ишонтирарди Қазимир Петрович. — Рақибларим ҳар қаёққа қочиб кетишди, душманларим яширинишди. Энди эркин нафас олса бўлади».

Орадан икки йил ўтди. Совет ҳокимияти тиклангандан кейин адвокатлик конторасини очиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Хусусий муассаса рағбатлантирилмасди. Унга давлат хизматиغا киришини маслаҳат беришди, лекин Сердечний бунга лоқайд қаради. У кутарди.

Қазимир Петровичнинг Фарбий Украинага 1941 йили бостириб кирган немислар билан алоқаси муваффақиятсизликларга учради. Уни тутиб олишди-да, турмага қамашди: Босқинчилар у, Сердечний, ким ўзи, ундан қандай фойдаланиш мумкинлигини то суриштириб аниқлаунларича қамоқхонада икки ой қолиб кетди. Қазимир Петровични шаҳар идорасига ишга тайинламоқчи бўлишди, лекин кимдир шубҳа билдирди — мувофиқ келармикан, деди. Унинг номи қотиллик билан боғлиқ эди. Бироқ босқинчилар Қазимир Петровични кўз остига олиб қўйишган эди. Фойдаси тегадиган одамдан юз ўғирмоқчи эмасдилар. Сердечний Львов яқинидаги шаҳарчалардан бирига бургомистр қилиб тайинланди. Машҳур адвокат — бирдан қандайдир хароба шаҳарчанинг бургомистри бўлиб қолди. У ранжиши мумкин эди, албатта. Аммо Қазимир Петрович хафа бўлмади. У шундай ўйлади: ўлишга ҳали эрта, бинобарин мослашиш керак. Хўжайинларга хизмат қилиш, хизмат қилгандан ҳам яхши хизмат қилиш керак...

Немислар Германиядаги заводлар, шахталар учун ишчилар етказиб беришни талаб қилдилар. Янги бургомистр Фарбога уч юзта украин ва полякларни жўнатди. Коммунистлар ва яҳудийларни аниқлаб билиш буюрилган эди, Сердечнийда гайёр рўйхат бор экан. Немислар бургомистрнинг қобилиятини тезда баҳоладилар. Бунинг устига Қазимир Петрович украин, поляк ва немис тилларини биларди. Бу нарса маъмуриятни воситачилардан халос этди. Маҳаллий аҳоли билан олиб бориладиган ишда бу ниҳоятда муҳим эди.

Немислар Сердечнийга ишонибгина қолмай, уни яширин ишларига тортардилар. Киев яқинидаги қишлоқлардан биридаги аҳолини отиш пайтида у ана шу йўл билан иштирок этди. Унинг кўз олдида даҳшатли воқеа юз берди. Лекин шуниси таажжубланарлики, беҳуда ўлиб кетётган бечораларга унинг ҳатто раҳми келмади. Мана шундай хуфия ишларнинг биридан кейин иккинчиси, учинчиси бўлиб турарди. Булар қалбни бўм-бўш қилиб қўярди. Бу эса ўрнини босадиган нарсга топишни талаб қиларди. Сердечний уни ичкиликдан топди.

Киев яқинида Казимир Петрович Шварцманга дуч келиб қолди. Шварцман ўз шогирдининг қадрига етди. Г. шаҳрига ишга тайинлагач, ўзи билан «таппа-тайёр бургомистрни» бирга олиб кетди.

Кечқурунлари ёлғиз ёки ўзининг садоқатли шахсий соқчиси Терешка билан қолиб, бургомистр ичарди. Ҳеч суриштириб ўтирмай ичарди, то эсини йўқотгунча ичарди. У, Терентий Лукьяновичнинг айтишича, мастликнинг уч босқичидан ўтарди. Биринчи босқичда Кузьма Петрович гапирар, ўзининг парвозлари, муваффақиятларини эсларди. Иккинчи босқичи — бошдан-оёқ кўз ёши бўлар — у жувонмарг қилинган умрига, хотинига, ўғлига ачиниб йиғларди. Учунчиси — энг қизиқ босқич. Сердечний ҳушёр тортар, унга муҳокама, ақл-фаросат, ният-мақсад қайтарди. Агар тўғриси айтганда, бу муҳокамаларнинг кўпгина қисми мантиқли бўларди. Шу ерда уни уйқу элтарди. Иродаси бўшашар, баъзида у ҳатто эс-ҳушини ҳам йўқотарди.

...Сердечнийни хаёлпарастлик ҳолатидан яна ўша Терентий Лукьянович олиб чиқди. Ҳовлига кириб келаётган Митрошкинни кўриб қолиб, у бургомистрни силкита бошлади.

— Казимир Петрович, Митрошкин топилди!

— Қанақа Митрошкин?

— Қанақа бўларди, оддий, сиз топишимизни талаб қилганингиз Митрошкин-да.

— Аҳ-ҳа... Қани у?

— Мен рўпарангиздаман, Казимир Петрович,— деди мулойим овоз билан сайраб Митрошкин.— Мана ман...

— Кўряпман... Нима бўпти? — Сердечний Митрошкинни нега сўраганини унутиб қўйди.

— Сизга бир илтимосим бор эди.

— Илтимос? Яна қанақа илтимос?

Митрошкиннинг тили галдираб, бир оз каловланиб турди-да, кейин деди:

— Менга бир оталик қилиб юборишингизни сўраб келган эдим. Дўконча очсам деган эдим.

— Уғриликдан орттирган ўлик молларни сотиш учунми? — дея сўради бургомистр энсаси қотиб.

— Нега одамни хафа қиласиз, Казимир Петрович! — Митрошкин бургомистрга отини полякча аташ хуш келишини анчадан бери сезиб юрарди.— Кондитер дўкони очмоқчиман. Пирожник, тортлар, бубликлар ва пряниклар тайёрлаймиз.

— Эҳ-ҳа, балюсан-ку! — ҳайратда қолди Сердечний.— Наҳотки удасидан чиқасан?

— Ҳаммасини гаплашиб қўйдим,— дея бошини кибр билан кўтариб қўйди Павел Гермогентович.— Фақат сизнинг фотиҳа бериб юборишингиз ва комендантдан руҳсат олиб беришингиз қолган.

— Нима бўпти, ёрдам қилсам қилавераман. Сендақа айёрга ёрдам бермай бўладими,— деди бирмунча жонланиб Сердечний.— Бу шаҳарга ҳам яхши бўлади, бизга ҳам ёмон бўлмайди... Яна нима гапнинг бор?

— Мен комендатура олдидан ўтиб келдим, у ерда шовқин-сурон—

ит эгасини танимаиди... Бунга кечаги ҳаво ҳужуми сабабчи бўлса керак?

— Қанақа ҳужум? — Сердечний ўзининг шахсий соқчисига, бундан унинг хабари бор-йўқлигини билмоқчи бўлгандай, қаради. У индамай бошини силкиб тасдиқ жавобини берди. — Нега бўлмаса индамадинг? — дея ғазабланди бургомистр. — Балким иш жиддийдир?

— Нимасини айтасиз! Темир йўл станциясига рус бомбардимончилари ёпирилиб ҳужум қилган. У ерда нималар бўлганини айтишдан одам қўрқиб кетади.

— Сен у ерда бўлдингми? — сўради бургомистр.

— Йўқ, фақат аланга шуъласини кўрдим. Бензин солинган цистерналар, бочкалар ёниб портлаб кетибди.

— Терентий Лукьянович соқол-мўйловингни қир! Ювиниб ол! Тез бўл!

— Шу аҳволда сиз қаерга бормоқчисиз ахир! — деди қўлини паҳса қилиб Терентий, кескинлик билан.

— Ҳозир аҳволга қараб ўтирадиган вақтмас...

Бургомистр йигирма минутлар чамаси ўтгач, соқол-мўйлови қиртишланган, сочи таралган ва бутунлай ҳушёр тортган ҳолда уйдан чиқиб келди.

— Маҳкамамизга шошилайлик, — деди у ҳеч кимга қарамасдан. — Бўлмаса менинг буюк муовиним, худонинг мўмин бандаси Прокофий Филиппович, балки қийналиб кетгандир, ҳамма иш бир ўзига қолиб кетиб.

Сердечний, ўзи ҳам нималигини билмайдиган сабабга кўра, Фокинни унча ёқтирмасди. Орқасидан, баъзан эса кўзига қараб туриб уни олифта, худонинг бандаси, махсумча деб атарди.

— Мен сизга айтишни унутибман, Казимир Петрович, — дея бургомистрни тўхтатди Митрошкин, ташқари эшик ёнидан кўчага чиқишгач, — сизни кечадан бери аллақандай битта қора одам кутиб ўтирибди. Қийимлари ғалати — эгнида тўн, бошида дўппи, русча яхши гапиради, лекин сал-пал тили кетиб қолади.

— Бу яна қанақа одам бўлди? — дея сўради Сердечний қулоғи диккайиб. — Қаердан келибди? Кавказдан эмасми?

— Унга ўхшамайди. Лекин кўринишидан — шарқлик бўлса керак...

— Қўлида бирон нима борми?

— Кўрмадим.

Киевдалиқ давридан бошлаб Сердечний йўқлаб келган номаълум одамлардан юрак олдириб қўйган эди. Киев яқинида унинг хаётига бир неча марта суиқасд қилинганди. Шварцман уни ана шу сабабга кўра ҳам у ердан олиб кетган эди.

— Агар қўлида ҳеч нарса бўлмаса, — деди Сердечний, — уни бу ёққа олиб кел. Кўчада гаплашиш ноқулай.

Очиқ кўча эшикка тахминан йигирма беш ёшлардаги эркак киши кириб келди. Солдатча кийим-боши устидан узун қавима тўн кийиб олган эди. Қоп-қора сочлари, худди шундай мўйловчаси унинг юзи оқлигини бўртдириб турарди. Кўзлари қоп-қора, ўйчан, ҳадикли.

— Ассалому алайкум! — дея шарқликлар одати бўйича ўнг қўлини кўксига қўйиб салом берди у бургомистрга эгилиб таъзим қилиб.

— Қаердан келдинг, чиройли бола? — дея сўради Сердечний, талтайиб, лоқайдлик билан.

— Албатта, ўрмондан-да. Биласанми, ота, ўғирлашяпти, мен бўлсам, нарироқ кетаман, — деб жавоб берди «меҳмон» Сердечнийга муносиб қилиб.

Жавоб бургомистрнинг кўнглини очиб юборди.

— Кимсан ўзинг, нима қилиб юрибсан?

— Узбекман. Қўқондан. Шунақа шаҳарни биласанми? Эҳ, қандай шаҳар. Қадим замонларда ҳам ҳамма йўллар Қўқонга олиб борган. Шарқнинг, ҳатто жаҳоннинг барча савдогарлари ўша ерда савдо қилганлар. Ҳиндистондан келганлар, Қашқардан, Кобулдан... Ана қандай шаҳар бизнинг Қўқон!

— Энди кимдигингни ва бу ерга қаердан, нега келганингни гапириб бер.

— Мен ўз юртимга, Ўзбекистонга кетяпман. Бу ёқда бўлса, балки ҳозирча уруш кетаётган бўлса керак. Тоғларда. Чекинавериш жонга тегди. Немисдан барибир қочиб қутулолмайсан, етиб оладида, яна ўлдириб қўяди. Менсиз, русларнинг ўзлари урушаверсин...— У салмоқлиниб, шошилмай гапираркан, афтидан ўзини ерга уриб юбормасликни ўйларди.

— Демак, одамлардан, ўзингдан қочиб кетяпсан,— деди Сердечний ўйчанлик билан.— Бўлмайди. Ҳеч нарса чиқмайди... Мен ҳам ўз вақтида четда қолмоқчи бўлган эдим. Ҳеч нарса чиқмади!.. Мулоҳаза қилиш етар! Яхсиси, ўзинг тўғрингда гапир.

— Менинг таржимаи ҳолим бунақа, жудаям кичкина. Қўқонимизда туғилдим. Мен бу шаҳарни жонажон шаҳрим бўлгани учунгина мақтамаяпман, балки яна шунинг учун мақтаяпманки, у чиндан ҳам подшоҳ узугидаги гавҳардай, тоғлар орасидаги мусаффо чашмадек чиройли жой. Битта шоир менинг шаҳримни бахт-саодат, хайру-саховат водийсидаги ажойиб гулга ўхшатади... Бизнинг Фарғона водийсини шундай деб аташади. Бу Ўрта Осиёда энг гўзал жой. Унинг ерлари серҳосил. Агар битта калтакни ерга тиқиб қўйсанг, у кўкариб, мева беради!

— Сен ўзинг тўғрингда гапир,— деди унинг гапини бўлиб бургомистр.— Сенинг ватанингни буюк фюрер қўшини билан борган пайтимизда ўзимиз кўриб, томоша қиламиз.

— Нимани гапираман, гапирадиган гап бўлмаса. Менинг таржимаи ҳолим кўпчилик ватандошларимники қанақа бўлса, шунақа. Армияга ўтган 1941 йилда келдим. Ҳарбий комиссариат бизлардан катта гуруҳимизни Ашхободга юборди. Бу шаҳар Туркменистонда. У ерда бизга ҳарбий ишни, отиш, қадам ташлаш, бошлиқларга бўйсуннишни ўргатишди. Икки ой югуртиришди, «есть» ва «так точно» деб гапиришни ўргатишди. Кейин бизларни эшелонларга юклаб, фронтга олиб кетишди. Кўп юрдик. Бир жойга етиб келдик, поезддан тушдик, бир оз у ерда яшаб турдик, кейин тагин эшелонга ўтирдик, яна бир ҳафтача йўл босдик. Бир неча марта бомбардимон қилишди. Лекин битта ҳам жангда қатнашишга тўғри келмади. Худога шукур, ўқ мени четлаб ўтиб кетди... Лекин йигирмата қўқонлик йигит ҳалок бўлди. Мен қатъий қарорга келдим: менинг руслар билан йўлим бир эмас. Руслар Волгасига борсин, мен Қўқонга, қариндошларим олдига борай, деб йўлга тушдим. Узоқ йўл босдим... Кечаси-ю, кундузи юрдим...

— Бундан чиқди, дизертир экансан-да?

— Шундай деса ҳам бўлади...

— Қўлингдан нима иш келади? — дея қизиқиб сўради Митрошкин.— Мабодо сен нонвой эмасмисан?

— Йўқ. Мен шофер-механик. Мен ҳамма машинани биламан: юк машиналарни, енгил машиналарни, русларникини ҳам, немисларникини ҳам...

— Казимир Петрович, бу сиз айтиб юрган одамнинг худди ўзгираси-ку,— дея Терентий Лукьянович оғиз очган эди, Сердечний уни тўхтатди.

— Жим бўл! Нуқул бировларнинг гапига бурнингни тиқасан,— деди бургомистр.— Механикман... дедингми? Ҳамма машинани яхши

биласанми? Шаҳар идораси ҳовлисида битта енгил машина турибди. Агар уни ремонт қилиб юргизсанг, сени доимий ишга тайинлайман, ойлиги ҳам яхши бўлади. Бир шартим бор. Агар алдамаётган бўлсанг... Биз текширамиз!

Сердечний зинадан тушди-да, ташқари эшик томон деярли қатъий қадам ташлаб, идорасига йўл олди.

Шаҳар бошқармаси олдида унга комендатура югурдаги дуч келди.

— Сизни... Сиз...— деди югурдак ўпкаси оғзига тиқилиб,— сизни зудлик билан чақиряпти... Жаноб ҳарбий комендант... майор Шварцман.

— Менинг муовиним ўз жойида йўқ эканми? — дея қовоғини уюб сўради бургомистр.

— Прокофий Филиппович интизомли одамлар,— деди югурдак чиндан ҳайрон бўлиб.— Ишга ҳамиша ҳаммадан олдин келадилар... Ҳаммадан кейин кетадилар... Бу қиёмат-қойим бошланганида, худоё ўз паноҳингда асра, у киши биринчи бўлиб югуриб келдилар. Ҳозир жаноб ҳарбий комендант ҳузуридалар.

Йўлакда Сердечнийга навбатчи офицер Вайс пешвоз чиқди.

— Жаноб майорнинг олдига киринг,— деди-да, яна узлуксиз жинглиётган телефонлари томон кетди.

Шварцманнинг кенг-мўл кабинетида Сердечний комендантдан ташқари, ўз муовини Фокинни ҳамда гестапо бошлиғи Курт Келлерни учратди.

— Келдингизми ахир! — деди майор бургомистрга қараб қовоқ-тумшуғи осилиб.— Мен рус арағидан ёниб кетган бўлсангиз керак, деган хаёлга бораётгандим сизни энди. Ҳатто — киноямуз қўшиб қўйди у,— православ черковидан... нима дейилади? Шунини буюртироқчи ҳам бўлиб ўтирувдим.

— Ибодат,— деб жавоб берди Прокофий Филиппович.

— Ибодат эмас, бу черков маросими қандайдир бошқача айтилади...

«Наҳотки, жаноза деб юборса? — Сердечний қовоғини уйди.— Агар айтса,-вақти келиб, эсини киритиб қўйишга уриниб кўраман, айтмаса — балким у билан дўстлашиб кетарман ҳам...»

— Демак, эслаёлмайсиз? Афсус. Бу ибодатни одам ўлганда қироат қилишади,— деди ниҳоят майор.— Энди ишдан гаплашайлик. Нима ҳодиса содир бўлганини сиз, балким, эшитган бўлсангиз керак. Руслар станцияни бомбардимон қилишди. Улганлар бор... Кўп ярадорлар бор... Уларни армия госпиталига дарёдан ўтказиб юбориш керак. Улов керак. Шаҳарда борини биз станцияга жўнатдик. Сиз яна нима маслаҳат берасиз?

— Қўшни қишлоқларни ковлаштириб чиқиш керак,— деди бургомистр.— У ерларда балким отлар, аравалар қолгандир..

— Гут! Бу имкониятдан ҳам фойдаланамиз.

— От-араваларга Митрошкинни юборамиз. У корхона очишни илтимос қилиб юрибди. Агар от-арава топсанг, рухсатнома берилади, деб шарт қўямиз.

— Сиз молодецсиз, Казимир Петрович! — деди комендант, бургомистрнинг таклифидан хурсанд бўлиб кетиб.— Митрошкинни ҳозироқ юборамиз. Жаноби Фокин, Митрошкинни топинг-да, қишлоққа бориши ҳақида унга бизнинг гапимизни айтинг.

Фокин, Казимир Петровичнинг ишораси билан ўрнидан турди-да, кабинетдан чиқиб кетди.

Бургомистрнинг ўринбосари ғойиб бўлгач, шу пайтгача индамай ўтирган Келлер тилга кирди:

— Жаноби Шварцман рус бомбардимончиларининг ҳужумидан кейин биз тушиб қолган вазиятни тавсифлаб берди, барча госпиталлар,

яқин ўртадагилари ҳам назарда тутилади, тўлиб кетган. Кўпгина немис офицер, солдатлари оғир аҳволда ётишибди. Қон керак! Кўп қон керак...

— Ҳа, ҳа, — дея қўшилишди Кузьма Петрович. Бу гапнинг охири қаерга бориб тақалишини у ҳали билмасди.

— Энг яхши донорлар, тажрибанинг кўрсатишича, бу — ёш болалар, — деб давом этди Келлер, Сердечнийга узоқ тикилиб қолиб.

— Ёш болалар? Аммо бу... — дея ўз-ўзидан такрорлади бургомистр ва шу заҳоти дами ичига тушиб кетди. У ўз ўғлини, касаллик чоғида тортган азобларини эслади. — Ахир бу жимитдай ҳимоясиз жонлар-ку!

— Сиз нима, немис қўмондонлигига ёрдам беришдан бош тортяпсизми?! — деб сўради Шварцман. — Буни инсонпарварлик деб ўйламайсизми? Сизнингча, фюрер жангчисини ўлимдан қутқариб қолиш ёш гўдакдан озгина қон олиш, одамларни отишга қараганда, инсонийлик эмасми? — деди Шварцман нима учундир Сердечнийнинг қўлига қараб қўйиб.

— Мен одамларни отган эмасман! — деб хитоб қилди бургомистр. — Отмаганман. Менга томошабин бўлишимни буюришган.

— Автоматчининг ёнида турган одамнинг кишиларни ўлдирмаганлигига, балки бошқалар сингари кузатувчилик қилиб турганига ким ишонади. Фотография эса, сизни автоматчи билан ёнма-ён турганингизни суратга олган, жаноби Сердечний. Унга бир кўз ташлашни истайсизми?

— Йўқ, худо ҳаққи, керак эмас! — деди Кузьма Петрович, терлаб кетган пешанасини артиб.

— Хўш, қалайсиз энди?

«Қурашиш бемаънилик, — деб қўйди Сердечний фикран. — Қучлар биринчидан, тенг эмас, иккинчидан, эса, мен немисларга энди маҳкам боғланиб кетганман... Қанча гуноҳлар қилдим! Саноғи йўқ...»

Шварцман билан Келлер, бургомистр нима деркин, деб индамай кутиб туришарди. Улар Сердечний қўрқиб, каловланиб қолганини кўришди.

— Яхши. Мен розиман. Нима қилиш керак? — деди ниҳоят Сердечний.

— Буни сиз айтишингиз лозим, нима қилиш кераклигини.

— Ҳа, шундайми! Кечиринг. Ахир сиз савол бердингиз-а, айтмоқчи. Бургомистр ўзини йиғиштириб олгунига қадар бир-икки минут ўтди.

— Ҳозир биз аёлларни Германияга жўнатяпмиз, — дея гапини бошлади Сердечний. — Асосан улар эрга чиқмаган қизлар. Лекин болалари ҳам бор. Болалар кўп эмас, ҳаммаси бўлиб ўн ёки ўн бешта... Шундоқ қиламиз, хотинларни биринчи эшелонда жўнатиб юборамиз, болаларни эса госпиталга. Оналарига, фарзандларингизни болалар уйига жойлаштирдик, деб айтамыз.

— Мен айтганман-ку, ахир жаноби Сердечнийнинг калласи қалла эмас, балки рейхминистрнинг идораси деб...

Муваффақиятсизлик

«Ауто-унион» маркали усти ёпиқ машина олдинга секин юриб бормоқда.

Чўлдаги йўл қуйиб кетган автомашина, арава, қўл арава ҳамда болалар аравачалари билан тикилиб ётибди. Бу ерда уруш бўлиб ўтганди. Бир неча ерда бомба ва снарядларнинг портлашидан ҳосил бўлган чуқурликлар оғзини очиб ётар, катта йўл ёқасида янгигина қабр-тепачалар чўзилиб кетган эди.

Машина вайроналик уюмлари олдидан айланиб ўтиб, бир ўнга, бир чапга бурилди-да, тормозланиб, охирида бутунлай тўхтаб қолди.

— Нима бўлди?— деб сўради бургомистр шофердан немис тилида.

У йўлни тўсиб турган шлагбаумга ишора қилди.

— Олдиндаги кўприк портлатилган, ўрнига понтон кўприк қилишганди, мен кўргандим. Ҳозир уни ҳам олиб кетиб қолишибди. Кечик изласамми ёки бошқа йўлга чиқиб олсаммикан.

— Шу яқин ўртадан йўл топишга ҳаракат қилинг. Бизнинг жудаям узоқлашиб кетишимиз мумкин эмас! — деди Кузьма Петрович.— Юкни сабрсизлик билан кутишяпти.

Сердечний билан унинг муовини Прокофий Филиппович кенг-мўл кабинадан чиқишди.

Прокофий Филиппович, кузов олдига келди. Брезент чодир остига солинган похол устида болалар ўтиришарди. Бортга яқин ердаги яшикларга немис солдатлари ўрнашиб ўтириб олишган. Биттаси сигарет чекар, ҳар замонда лоқайдлик билан ёнига туплаб қўярди.

— Чарчамадингларми, болакайлар?— дея сўради Прокофий Филиппович. Унинг овозида қанчадан-қанча илиқлик, меҳр бор эди, болалар жавоб бермай иложлари қолмади.

— Чарчамадик, амакижон,— деб жавоб берди дарҳол бир неча овоз.

Фокин болаларни йиғишда иштирок этмади. У «донорларни» госпиталга элтиб қўйиш ҳақида буйруқ олганида уларни машинада кўрди. Уларни Сердечний йиғиштирган эди. Комендатуранинг хуфия иши тўғрисида ҳам у ўз муовинини огоҳлантирган ва ёрдам бериб юборишини илтимос қилганди. «Ёрдам бериб юбориш» шундан иборат бўлдики, Прокофий Филиппович кечқурун қўшниси Маргарита Францевна-никига кириб, билиб келган нарсаларининг ҳаммасини Золенбауэрга хабар қилди.

Прокофий Филиппович, Золенбауэр бу гапни эшитиб ҳайрон қолади деб ўйлаганди, лекин у бу хабарни вазминлик билан тинглади.

— Бундан хабарим бор,— деди Золенбауэр.— Болаларни жўнатиш вақти номаълум. Агар билиб олсангиз — хабар қилишга урининг. Яна илтимос, жудаям ҳовлиқиб кетманг, ўзингизни қўлга олинг.

Жўнатиш соатини Золенбауэрга Прокофий Филиппович хабар қилолмади. Машина кутилмаганда йўлга тушди. Мана энди ўйланиб ўтирибди: «Улгурармикан ёки улгурмасмикан?»

Гўдаклар ўзларини булар нима қилишмоқчи эканликларини билишмас, умуман болалар уйига «кўчириб кетишаётганига» ишонардилар. Шунинг учун уларнинг кўзларида қўрқув ҳам, хавотир ҳам йўқ эди. Бортга яқин ўтирган қизалоқ Фокинга қараб, ҳатто кулиб қўйди.

— Отинг нима сенинг? — деб сўради Прокофий Филиппович ундан.

— Тамара.

— Фамилиянг-чи?

— Иноземцева.

— Сен шаҳарда турармидинг?

— Йўқ, совхозда. Дадам билан ойим тракторда ишлашарди. Дадам урушга кетди, кейин у қайтиб келди... Кеча кечқурун ойимни, дадамни ва мени олиб кетишди.

«Кимдир менга: «Болаларимиз бутунлай катта бўлиб қолишди» — деганди,— дея эслади Прокофий Филиппович.— Мен кулгандим ўшанда. Ҳозир улар ҳақиқатан ҳам катта киши бўлиб қолганликларини кўриб турибман... Нима қилсам экан? Нима қилиш керак? Наҳотки бизникилар улгуришолмайди?»

Шофер Герберт кўринди, у кечик излаб, қайтиб келаётган эди. Афтидан топган бўлса керак, сеvingанидан қўлларини ҳавола қилиб сил-

китди. Сердечний унинг истиқболига шошилди. Бургомистр кечув яхшими ва унга бориш яқинми эканлигини билишга энтикарди.

«Ҳаракат қилиб қолиш керак! — деди Прокофий Филиппович фикран. У чўнтагидан чоғроқ бир пичоқни олди-да, сездирмай баллонга санчди. Баллоннинг аста-секин дами чиқиб кета бошлади. Фокин ҳеч кимга билинтирмай чаққон ҳаракат билан пичоқни четга улоқтирди.

— Ҳаммаси жойида! — деди Кузьма Петрович, машина олдига қайтиб келгач. — Йўлда давом этамиз.

Сердечний, унинг орқасидан Фокин кабинага чиқиб ўтиришди.

— Абфарен! — деди немис жилмайиб. Машина ўрнидан жилдию, лекин ўша заҳоти тўхтади.

Герберт эшикчани ланг очиб, пастга сакраб тушди.

— Лаънатилар! Баллон капут! Машина олдига ким келувди? — деб сўради у солдатлардан.

— Кабинада ўтирганларнинг иккови.

Шофер бургомистр билан унинг муовинини пастга имлади.

— Пастга тушишларингни сўрайман!

Улар пастга тушганларидан кейин у шаҳар бошлиқлари чўнтақларини ағдариб кўрсатишларини талаб қилди.

— Ағдариб бўпман! — деди ғазабланиб Сердечний. — Мен бургомистрман! Тушунарлими ёки йўқми? Бургомистр!

Герберт солдатлардан бирининг автоматини олди-да, Сердечнийга ўхталди.

— Тез бўл!

Сердечнийнинг ранги оқариб кетди.

— Хўп яхши. Қараб турларинг ҳали!

У чўнтақларини ағдара бошлади. Шу пайт бирдан... ерга пичоқ тап этиб тушса бўлади. Ҳамманинг дами ичига тушиб кетди. Герберт энгашиб, пичоқни қўлига олди.

— Оҳо! Жаноб бургомистр.

— Резинани мен кесдим демоқчи бўляпсизми? — деб сўради Кузьма Петрович ва қизариб кетди.

Шофер билан Фокин унинг уялиб кетганини сезишди.

— Пичоқ ўткир экан, — дея гўлдиради Герберт. — Энди нима қилармиз?

Бу сўроққа жавоб беришга ҳеч ким шошилмади. Унча катта бўлмаган ўрмонзор орқасидан солдатлар билан иккита юк машинаси бирин-кетин чиқиб келди. Улар кўприк сари физиллаб боришар эди.

Сердечний қўлини кўтарди. Машиналар бурилишди-да, бир лаҳзада юк машина олдига келиб тўхташди.

Кабинадан Вайс бошини чиқарди.

— Нима гап?

— Машинамизнинг гилдираги тешилиб қолди, — дея изоҳ берди бургомистр, — биз болаларни зудлик билан госпиталга олиб боришимиз керак. Шварцманнинг буйруғи.

— Уларни бу ёққа ўтқазақолинлар, — дея таклиф қилди оберлейтенант. — Бизда жой бор. Тез бўлинглар. Ўрмондаги сўқмоқда бегона машиналарнинг изини кўрдик.

«Бизникилар яқинда экан, — дея кўнглидан ўтказиб қўйди Прокофий Филиппович, — қутқариб қолишга шошилишяпти! Лекин энди иш мушкуллашди. Тўқнашув бўлиб қолса, болалар зарар кўради...

Вайснинг солдатлари тезда болаларни ўз машиналарига олиб ўтишди. Сердечний билан Фокин кабинага чиқиб, оберлейтенантнинг ёнига ўтиришди, у команда берди:

— Кечувга!

Келлер ишга киришади

— А хборот беринг, Вернер! Станцияда нимани аниқлашга муяс-сар бўлдингиз?

Елкалари кенг, буқа бўйин, кичкинагина бошидаги сийрак сочлари бир ёнга ётқизиб таралган Ганс Вернер Келлернинг қаршисидаги креслога чўкди.

— Бу ишни мен икки кеча-кундуз текширдим,— деб гап бошлади у шошилмасдан.— Капитан унвонидаги офицер чиндан ҳам станция территориясида бир неча марта пайдо бўлибди ва сизнинг номингиздан поездларнинг ўтиши ҳақида маълумот беришларини талаб қилибди.

— У одам ким? Русми, немисми? Белгилари!?

— Ҳамма унинг немислигини тасдиқлаяпти. Рус немисчалаб бундай гапиролмайди, дейишяпти.

— Ганс, сиз бу офицернинг келиши билан рус авиациясининг ҳужумини бир-бирига боғлашга уриниб кўрмадингизми? — деб сўради Келлер.

— Мен ўзимнинг текширишларимни худди мана шундан бошладим-да,— дея жавоб берди Вернер.— Капитан келиб кетгандан кейин ҳужум қилинган станцияга. Шу билан бирга вазиятни билиб, худди мўлжалга бомба ёғдиришган.

— Шундай,— дея Келлер ўйланиб қолди.— Алоқаси борлиги очиқ кўришиб турибди. Офицер душман самолётларига маълум вақтда маълум вазифани бажаришни айтиб турган. Тагин бу офицер — немис. Сиз нима дейсиз, у Германияданми?

— Мутлақо. Афтидан у коммунист. Урушгача мен бунақа одамларга бир неча бор дуч келганман. Мутаассиблар..

— Шундай бўлгач, биз икки йўналишда ҳаракат қилишимиз керак бўлади. Биринчиси — яқин орадаги қисм ҳамда бўлинмаларнинг бутун офицер составини текшириб чиқиш. Иккинчиси — бизнинг одамизни партизан отряди ичига ташлаш. Капитан ўша ердан келмаганмикан? — Келлер столдан турди-да, гилам йўлка устидан кабинетнинг у ёғидан бу ёғига бориб кела бошлади.

— Бир зарб билан отрядни ҳам, ўша капитанни ҳам йўқ қилиб ташласак бўлмасмикин, жаноби штурмбанфюрер?

Келлер кинояомуз жилмайди .

— Сиз русларнинг оккупация қилинган районларидаги иш шароити билан танишиб чиқишга улгурмаганлигингиз шундоқ кўришиб турибди. Бу сизга Франция ва Италия эмас. Бу ерда ҳамма нарса бошқача. Партизанлар — бу сўнгги ўқ, сўнгги солдат қолгунча жанг қилинадиган фронт. Бу ерда, агар биз ғалаба қозонишни истасак, алоҳида, янги тактика қўллаш керак. Бетма-бет бориб бўлмайди. Рўпарадан зарба бериб фойда топмайсан. Сиз Украинадан чиққан Чернодушнин деган одамни эшитган бўлсангиз керак? У бизнинг одамимиз эди. У ўзини партизан отрядининг командири деб эълон қилди. Одамлар унга эргашишди, биз эса уларни тутиб олавердик... Бизнинг ишимизда бошқа янгиликлар ҳам бор эди. Лекин буларнинг барчаси дастлабки пайтларда иш берганди. Лекин вақт ўтган сари кишиларни бурнидан боғлаб етаклаш қийинлаша борди, охирида Чернодушниннинг ўзи ва одамларининг ҳам ҳақиқий партизан отрядларидан эҳтиёт бўлишларига тўғри келиб қолди.

Келлер дераза олдида турган столча олдида борди, қадаҳга коньяк қуйди-да, ютоқиб ичди.

— Бу ваҳшийлар мамлакатида,— дея давом этди у,— ишлаш қи-

йин. Национал-социалистлар ғоясига ҳайрихоҳлар деярли йўқ. Бизнинг иттифоқчиларимиз — бу фақат — ипринди-сиприндилар, булардан айримларигина ўтмишда қандайдир нуфузга эга бўлганлар. Агар мана шу айримлар бизга сиғиниб келсалар, уларга жуда ҳам эътибор беришга тўғри келади...

Келлер ўзига қадаҳга, Вернерга стаканга коньяк қуйиб, узатди.

— Олинг, ичинг, Ганс,— деб қадаҳ сунди.— Мен сизнинг одатингизни биламан.

Вернер юмшоқ чарм креслодан турди-да, стаканни қўлига олди.

«Қизиқ,— дея кўнглидан ўтказиб қўйди Келлер, ўзининг ёрдамчисини худди энди кўраётгандек.— Бу паҳлавон гавда кишида яхши таассурот уйғотмайди... Ҳар ҳолда, қоронғи ғорларда, ўрмоннинг хилват жойларида яшайдиган ажиналар ҳам, балким, ўзларича гўзал бўлсалар керак...»

Вернер коньяк қуйилган стаканни қўлига олиб, у кафтидан бунисига ўтказа бошлади. Афтидан ичимликни иситарди чамаси. Кейин стаканни бурни тагига олиб борди-да, ҳидлади. Паҳлавоннинг танаси ёқимли ҳиддан яйраб кетди.

— Бунни қаранг-а, инсон қандай гўзалликларни яратишга қодир эмас!

«Ўзини оқсуяк қилиб кўрсатмоқчи,— дея ўйлади Келлер энсаси қотиб,— аслини суриштириб қарасанг — колбасачининг ўғли».

Вернер стаканни оҳиста кўтарди-да, нафас олмай ичиб бўшатди.

— Утиринг, Вернер. Биз ҳаракатимизнинг аниқ режасини тузиб олишимиз керак. Бу яна шунинг учун ҳам зарурки, мен Берлинга сиз айтган ўша коммунист-капитаннинг пайдо бўлганлиги тўғрисида дарҳол хабар қилишим лозим. Бу фавқулодда ҳодиса. Агар биз янглишганимизни аниқлагудек бўлишса, биз билан сизни кам деганда оталарча қойиб қўяқолишади. Башарти у ҳақиқатан ҳам Берлиндан келган коммунист бўлиб чиқса, бунинг устига эса, худди тумшугимиз тагида ўз ишини бемалол қилиб юрган бўлса борми, ҳар иккаламизнинг калламиз кетиши турган гап. Мана шунақа, менинг азиз ва навқирон дўстим! Келинг, ўйлашиб кўрайлик, ҳар қалай ким экан у одам.

— Кичик станцияларда ҳарбий, комендатуралар состави муттасил ўзгариб туриши ёмон, жаноби штурмбанфюрер.

— Агар биз унинг фотосуратини, албатта, қўлга киритсак, уни кўрсатадиган одамни тополмаймиз дейсизми?

— Худди шундай. Капитан, бизнинг тахминимизча, станция яқин ўрталаридаги қисмлардан бирининг офицери. Бироқ ҳозир деярли барча қисмлар олдинга силжиб кетишган. Бу афсонавий офицерни излаганимиз билан бирон иш чиқара олармиканмиз? Ахир у ҳозирча фақат хаёлан мавжуд бўлса, у ҳақда Германияга хабар қилишнинг, менимча, ҳожати йўқ.

— Шундай денг. Нима, у ҳақда бошқалар хабар қилсин демоқчи бўласизми? Ана ўша бошқалар уни излаб топишсинми? Йўқ, азизим, бунингиз хавфли фалсафа. Ишлашимиз керак. Мен шуларни таклиф қиламан. Биричи тахминимизни текшириб кўриш билан сиз шуғулланасиз. «Капитан»нинг оғзаки портретини тузинг, сизга станцияда айтганларнинг барчасини жамланг. Шундан кейин офицерларнинг ана шу оғзаки портретга тўғри келадиган фото-суратларини қўлга киритинг. Иккинчиси, «капитан»ни кўрган шахслар қаерда туришларини аниқланг. Ва ниҳоят, учинчи босқич — «капитан»ни станцияда кўрган одамларга офицерларнинг фото-суратларини кўрсатинг.

— Ишга киришишга ижозат беринг,— деди Вернер бирмунча ранжиб. Унга штурмбанфюрернинг панд-насихати ёқмади. У ўзини тажрибали контрразведкачи деб ўйларди.

— Муваффақият тилайман, Вернер!

Хонада ёлғиз қолгач, Келлер қўнғироқ тугмачасини босди, бир дақиқа ўтар-ўтмас эшикда ефрейтор пайдо бўлди.

— Хизмат, жаноби штурмбанфюрер!

— Хюгелни менинг олдимга чақиринг!

Орадан уч дақиқа чамаси вақт ўтгач, эшик қўрқа-пуса тақиллади-да, остонада ҳарбий формали одамнинг ғалати гавдаси кўринди. У шу ерда донғи кетган Франц Хюгель эди.

— Йигитнинг эсини киритиб қўйдингизми? — дея сўради Келлер.

— Киритиб қўйдим, — деди Хюгель қандайдир ҳарбийчасига жавоб қилмай.

— Сиз, ахир, қачон ўрганасиз қоида бўйича жавоб беришни?

— Кечиринг.

— Уйлайманки, ҳеч қанақа из қолмаган бўлса керак-а?

— Нима деяпсиз, жаноби штурмбанфюрер. Ёстуқчалар билан ишладим. Битта ҳам яра-чақа йўқ, бир жойи ҳам эзилиб-ситилмади. Топтоза чиқди...

— У гапира оладими?

— Озгина вақт ўтди. Бир оз кутиш керак. Ҳали алам-оғриқлари босилганича йўқ.

— Босилармикан?

— Шубҳа қилмасангиз ҳам бўлади, жаноби штурманфюрер. Гаҳ десангиз, захчадек қўлингизга қўнадиган бўлади.

«Оббо! Буниси яхши фикр! — Штурмбанфюрер қўлини артди. — Балким бу солдатдан бирон иш чиқар...»

...Шаҳар атрофидан бола йиғиш бўйича группалардан бирига Келлернинг ўзи раҳбарлик қилди. Қишлоқни ғалвирдан ўтказиш пайтида тасодифан рус солдатини топиб олишди. У Иноземцев эди. У хашакхонада яшириниб ётарди. Табиий, уни қўлга олишди ва бир йўла хотини билан кичкина қизчасини ҳам олиб кетишди. Қиз болани бошқа болалар билан бирга госпиталга жўнатиб юборишди, она билан отани эса қамоқхонага, онасини бир кишилик, отасини бўлса, умумий камерага қамаб қўйишди.

Қамоққа олиб кетишаётган пайтда Иноземцев хотинига йўл-йўлакай таскин бериб келди.

— Ҳаммаси яхши бўлади, Клабочка. Мени айтди дейсан! Қизимиз ҳам бағримизда бўлади. Ахир улар ҳайвон эмаслар-ку, болаларни нобуд қилишга йўл қўймаслар.

— Кейин мен уни қаердан топиб оламан? — дея йиғи аралаш сўради Клавдия Петровна.

— Биргалашиб излаймиз, — дея жавоб қилди Иноземцев. — Қаердан бўлмасин, Тамарочкамизни топиб оламиз...

Қамоқхона ҳовлисида ҳибса олинганларни камераларга ажрата бошлашди. Иноземцевга навбат келганда, Лукьян Понкратович хотинини ўпди.

— Тинчлан, Клава, ҳаммаси яхши бўлади. Гапимга ишон!

Келлернинг ёнида турган кекса солдат, ҳеч кимга қарамасдан деди:

— Жудолик улар учун оғир бўлади. Бутун йўл бўйи каптарнинг модасига ўхшаб ғу-ғулашиб келишди.

— Демак, каптарнинг модасидай ғу-ғулашиб келишибди-да! — дея ҳижжалаб сўради Келлер ва тасдиқ жавобини олгач, қўшимча қилди: — Ҳар эҳтимолга қарши буни ҳам эътиборга олиб қўямиз...

— «Капитан»ни излаш билан боғлиқ бўлган фурсат келганга ўхшайди.

— Хюгель, бу «захча» ҳушига келгунча у билан гаплашишга тайёргарлик кўриб туриш керак. Умумий камерадан бир эркак билан уч аёлни танлаб олиб чиқинг, уларнинг тақдирлари ҳал қилиб қўйилган. Тўртинчиси Иноземцевнинг хотини бўлади.

— Бу, ҳалиги, бир маҳбуслик хонада ўтирган оқ-сарикдан келган хотинми?!

Бу асира Хюгельга ёқиб қолган ва у шахсаъ ўша асира билан шуғулланишни кўнглига туғиб қўйган эди. Хюгель кўпинча чиройли, ёш кишиларни таҳқирлашдан роҳатланарди. У ҳар сафар шундай қилганида, ўзича ёки қурбонининг тўппа-тўғри кўзига бақрайиб қараб туриб шундай дерди: «Мана, сен чиройлисан, мен бўлсам бадбашараман. Шундай бўлса ҳам мен сенга буйруқ бераман, кўнглим хоҳлаганини бажаришга мажбур қиламан. Демак, бахт гўзалликда эмас, балки бировнинг устидан ҳукмрон бўлишда».

— Ҳа, у малла соч бўлса керак,— дея тасдиқлади Келлер.— Бутун группани дарвозадан ташқарига олиб чиқинг-да, кўздан нарироқ тор кўчага бекитиб қўйинг...

Штурмбанфюрер Хюгельга бир соатдан кейин гестапо деразаси остидан амалга ошадиган инсценировканинг планини батафсил баён қилди.

— Ишга киришаверинг.

— Хўп бўлади!

Хюгель ўзининг бесўнақай гавдаси имкон берган қадар шошилиб, эшикка аранг сиғиб ташқарига чиқди-да, кўздан ғойиб бўлди.

«Хюгель — бу қўлини совуқ сувга ювмайдиган Вернер эмас,— дея ўйлади штурмбанфюрер.— У билан кўп ишлар қилса бўлади».

Келлер кабинетда ҳаяжондан бармоқларини букиб, очиб, бир фурсат у ёқдан-бу ёққа кезинган бўлди-да, кейин унча катта бўлмаган балкон эшигини очди. Бу ердан Хюгель маҳбусларни яшириб қўйиши лозим бўлган ўша тор кўча шундоқ кўриниб турар эди. Олдинда икки қаватли маъмурий бино бўлиб, урушга қадар уни шаҳарнинг турли ташкилотлари эгаллашганди. Ҳозир бу ерда казармалар ўрнашган... тротуарларига пишиқ ғишт, кўчанинг одамлар ўтадиган қисмига тош терилганди. Ёмғир майдалаб ёғар, тош йўл солдатларнинг яхшилаб артилган этикларидай йилтирларди.

Казармадан эгнига ёмғирпўш кийган йигирмага яқин эсэсчи чиқиб келди. Лейтенантнинг командасини бажариб, улар икки бино ўртасида саф тортишди. Уларнинг ўнг томонида комендатура, чапда казармалар. Тор кўчани эллик метрлар наридан икки томонига дарахтлар ўтказилган кенг магистрал кўча кесиб ўтади.

Телефон жириглаб қолди. Келлер стол олдига қайтиб кирди-да, трубкани олди.

— Бу мен, жаноби штурмбанфюрер,— деган Хюгельнинг овози эшитилди.— Ҳаммаси тайёр. «Тўйболани» олиб чиқаверайликми?

— Майли. Сизнинг ўзингиз казармага ўтинг-да, кўчанинг нариги томонида туринг. Сизга менинг балконим эшиги яхши кўриниб туриши лозим. Ҳушёр бўлиб туринг. Фақат менинг ишорам билан отилсин. Тушундингизми?

— Тушундим.

Ун минутлардан кейин кабинетга Иноземцев ихраб-сихраб кириб келди. У новчадан келган ориқ одам бўлиб, сочлари зигирпояга ўхшаб оқариб кетган эди. Узун ингичка қўллари уни қандайдир бесўнақай кўрсатиб турарди.

— Ўтиринг, жаноби Иноземцев!— деди Келлер ва илтифот кўрсатиб, стулни хона ўртасига суриб қўйди.

— Раҳмат,— дея оғир хўрсиниб қўйди Иноземцев.— Оёқларим ўзимникимасга ўхшайди.

— Сиз кечиринг, жаноби Иноземцев, сизни олдинроқ чақирмаганим учун. Командировкада эдим.— Келлер рус тилида ёмон гапирмасди, шунинг учун масъулиятлироқ терговларни таржимоннинг ёрдамига орқа қилмай ўзи ўтказарди.— Сиз касалмисиз, шамоллаб қолдингизми?.. Э-ҳа, шундайми? Ўзбошимчалар! Сиз билан бундай муомала қилишга буйруқ берган одамнинг таъзирини ўзим бериб қўяман ҳали.

— Кўриниб турибдики, сизнинг Хюгелингиз бунақа ишларга устаси фаранг экан. У шундай адабимни бердики, битта ҳам изини қолдирмади, менинг эса, бутунлай абжағим чиқиб кетди.— У Келлерга диққат билан қараб турди-да, қўшиб қўйди:— Сиз менинг хотиним қаердалигини айтмайсизми?

— Биз бунга яна қайтамыз,— деб жавоб берди Келлер.— Ҳозир эса сиз ҳақингизда гаплашамиз. Олдинги суҳбатимиздан мен сизни ақлли, билимдон одам, деган хулосага келдим. Сиз механик бўлсангиз керак. Техника мутахассисларини мен ҳамиша ҳурмат қиламан. Улар тўғри фикр қилишади. Уларга ишониш мумкин. Бу гапнинг сизга ҳам бошдан-оёқ тааллуқлиги бор. Мен аминманки, Сиз айтган ҳамма гаплар ҳақиқатга тўғри келади. Сиз чиндан ҳам ўз уйингиз олди-дан ўтиб кета туриб, чидолмай оилангиз олдига қочиб кирдингиз. Ишингизнинг ўнгидан келмаганини қаранг— қўлга тушдингиз. Ҳамма учун ва асосан ўзингизникилар учун... э-э... хизматдошларингизга сиз— дизертирсиз! Сиз бунга хоҳлайсизми ёки йўқми, лекин бунақа тавқилаънатни аллақачон бўйингизга осиб қўйишган.

— Тўғримас! Агар мен борсам, менга ишонишади. Менинг ҳалол одамлигимни ҳамма билади!— дея қаршилик кўрсатди Лукьян Понкратович.

— Сизнинг ҳалол одамлигингиз— бу яхши, жуда ҳам яхши. Иноземцев Келлерга ер остидан қараб қўйди.

— Ҳалоллик учун мақташ керак эмас. Ҳар бир одам ҳалол бўлиши лозим.

— Балким,— дея бошини силкди Келлер,— сиз тўғри гапирдингиз. Лекин «лозим» деган сўз билан «дир» ўртасида катта фарқ бор.

— Мен ўзимнинг ҳалоллигимга шубҳа туғдирадиган гап айтдимми?— дея сўради Иноземцев.

— Йўқ, йўқ, нима деяпсиз ўзи! Ҳеч қанақа шубҳа йўқ. Биз сизга ишонамиз. Мен фақат сизнинг дўстларингиз Иноземцевнинг ўз уйига келиб қолиши тасодиф эканига ишонмасликларини таъкидламоқчи эдим, холос. Уруш тасодифларни тан олмайди. У шафқатсиз. Собиқ совет офицери сифатида, мен ҳам сизга ишонмаган бўлардим. Сизни отиб ташлар эдим. Хиёнат бутун оламда бир хил жазоланади. Шундай қилиб биз сизга ишонамиз. Сиз ҳам, жаноби Иноземцев, бизга ишонишингиз лозим. Биз сизни ўз одамимиз деб ҳисоблаймиз. Бутунлай ўз одамимиз эмас. Лекин бир-бирини тушунишга умид қилиш учун яқинликнинг ўзи кифоя.

— Бунча кўп сўз нега керак, жаноби штурмбанфюрер,— дея ялинч билан сўради Иноземцев.— Мендан нима талаб қилаётганингизни лўнда қилиб айтсангиз.

— Арзимаган нарса... Қичкина хизмат. Бунинг устига шахсий хизмат.

— Шахсий?— дея ҳайрон бўлди Иноземцев.— Мен гестапода эмас, жаноби Келлерникида меҳмонда ўтирибманми ҳали?

— Меҳмонда десак ҳам бўлади. Ҳалиги хизмат чиндан ҳам шахсий хизмат. Менга бир одамни, яъни немис офицерини топишни юкла-тишган. Сизнинг ёрдамингизсиз бунга эплаштиролмайдиман.

— Ходимларингиз етишмаяптими?

— Аксинча, улар керагидан ҳам кўп. Лекин ходимларнинг бу ер-

да фойдаси тегмайди. Иш жуда ҳам нозик, бунинг устига бизнинг ички муносабатларимизга, фақат немисларга тааллуқли...

— Жудаям дудмол...

— Мен тушунтириб бераман. Бу ердан сал нарида, биз биламиз, унча катта бўлмаган партизан отряди бор. Улар орасида немис коммунисти бор. У офицер формасини кийиб олиб, немис қўмондонлиги номидан иш кўрмоқда. Сотқинни тутиб олиш мен учун профессиональ шараф агар истасангиз миллий заруратдир.

«Қара-я, ҳаммасини нимага олиб борди! Уларнинг ички ишларига-я!— ҳайрат билан ўйлаб қолди Иноземцев.— Оқил экан, қойил бўлмай иложинг йўқ».

— Буни қандай тушуниш керак? Сиз уни тутиб олиб, оёқ-қўлини боғлаб ҳузурингизга олиб келишни менга топширяпсиз. Шундайми?— дея ўзини гўлликка солиб сўради Иноземцев.

— Жудаям унчалик эмас. Анча жўн иш. Бу офицернинг фотосуратини топиш керак ёки яқин орада қаерда пайдо бўлиши ҳақида хабар қилиш керак.

— Нима деб хаспўшлама, барибир мен сизнинг айғоқчингиз бўлиб қоламан,— дея хўрсинди хафа бўлиб Иноземцев.— Мен бунақа ишга боролмайман...

— Начора, боролмасангиз, боролмайсиз-да. Мажбур қилишга ҳаққим йўқ. Бу шахсий илтимос эди. Тагин ўзингиз биласиз.

Келлернинг юзи оқариб кетди. Еноқларида гуддалар пайдо бўлди. Афтидан унинг ичи қутирарди, лекин у ўзини босиб турар, мулозатли мезбон ролини ўйнашда давом этарди.

— Жиддий гапларни энди бас қилайлик... Ахир сиз менинг меҳмонимсиз-а, Лукьян Понкратьевич. Сизга томоша кўрсатиб, баҳри-дингизни очиш менинг бурчим. Балконга ўтиб, ҳозир битта кичкина томоша кўрамиз.

Келлер Иноземцевнинг тирсагидан ушлаб туришига ёрдам берди.

Нимадир кўнгилсиз ҳол юз беришини Лукьян Понкратьевич олдиндан сезиб, бўшашиб кетди. У Келлернинг орқасидан боргиси келмаётганини билдириш учун бошини сарак-сарак қилди. Бироқ уни Келлер куч билан балконга итариб олиб чиқди.

— Сизнинг рухсатингиз билан, Лукьян Понкратьевич, ҳозир бўладиган томошани сизга шарҳлаб тураман.

Келлер ишора қилди, ўз бошлиғидан кўз узмай қараб турган Хюгель комендатуранинг ташқи эшигидан битта эркакни чиқарди.

— Эътибор беринг, ҳибсга олинганлардан бири қандайдир иложини қилиб, авахтахонадан қутулиб чиқишга муваффақ бўлди.

Иноземцев Хюгелнинг қичқираётганини эшитиб турарди.

— Шнель! Шнель!

— Сиз кўряпсизми,— деб изоҳлашда давом этди Келлер, хотиржамлик билан.— У одам қочиб кетиб, яширинишга уриняпти. Аммо посбонлар ҳамма вақт хушёр.

Келлер дастрўмолини силкитди, шу заҳоти ўқ овози эшитилди. Худди ўқлар илма-тешик қилиб юборгандек у одам ер тишлаб қолди. Жасад тош йўлда ёмғир сувига ювилиб ётарди. Қон сувга араллашиб, йўлка томон сизиб борарди.

Яна ишора. Ташқари эшикдан кекса аёл чиқди. Иноземцев унинг оппоқ сочларини яхши кўриб турарди. «Наҳотки булар аёлни ҳам ўлдиришади?»— дея ўйлади Иноземцев даҳшатга тушиб.

Автоматдан бир сидра ўқ узилди... Улаётган одамнинг жонҳолатда қичқириғи эшитилди...

«Э, парвардигор, бу ишни одам қиляптими?! Мумкин эмас!...»

Иноземцев Келлерга қаради. Штурмбанфюрернинг йилтироқ юзла-

ри вазмин эди, даҳшатли манзара уни ҳаяжонлантирмас, балки аксинча — тинчлантирар, у роҳатланарди.

«Мана улар, ер юзида янги тартиб ўрнатувчилар қанақа одамлар экан! — қалтираб кетди Лукьян Понкратьевич. — Қотиллик — улар учун роҳат!»

Иноземцев фронтда деярли бир йил бўлди, немисларга эса дуч келмади: нуқул иккинчи эшелонда бўлди. Техниканинг тилини жуда яхши биладиган инженер-механикни устахонадан қўйиб юборишмади. «Бизнинг Лукьянга ўхшаган бунақа мутахассиси минг қақиримдан изласанг ҳам тополмайсан, — деб мақтанишни яхши кўрарди ремонт ротасининг старшинаси.

— Энди эса, жаноби Иноземцев, алоҳида эътибор беринг! — дея огоҳлантирди Келлер.

Ташқи эшик яна очилди, ундан, қўрқа-писа бир аёл чиқди.

Майда, юракни сиқувчи ёмғир ҳамон шиваларди. Аёл бир неча одим ташлади-да, кўчанинг ўртасида тўхтади. Унинг рўмоли елкасига тушиб, илиниб қолди, сочлари тўзғиб кетди. Иноземцевга асиранинг қиёфасида нимадир таниш, нимадир кўнглига яқин кўриниб кетди.

— Эй, хоним! — деб чақирди Келлер.

Аёл беихтиёр ўгирилди.

— Клава — деб қичқириб юборди Иноземцев. — Тавба! Клава!..

— Ҳа, бу сизнинг хотинингиз, — деди Келлер, Лукьян Понкратьевич томон энгашиб. — Уйлаб кўринг, жаноби Иноземцев. Унинг тақдир сизнинг қўлингизда.

Келлер нима дейётганини Лукьян Понкратьевич яхши тушунмади. У фақат гестапочи балкон панжараси устидан шошилмай аста юқорига кўтараётган дастрўмолчасини кўриб турарди холос.

— Йўқ, йўқ, керак эмас. Мен ҳаммасини бажараман. Ҳаммасини! — Иноземцев азобга чидамай ерга ўтириб қолди.

Отиш қолдирилди. Аёл ташқари эшикдан комендатура ҳовлисига қайтарилди.

Ёмғирли кунлар

— Мени болаларни қутқариш операцияси нима учун барбод бўлганлиги қизиқтиради, — деди Золенбауэр. — Нима, алоқа бўлмади қолдимми?

— Йўқ, алоқа яхши йўлга қўйилган, — дея эътироз билдирди Артем. — Сенинг кўрсатмаларинг Фокин орқали Татьяна Александровна Зубковагача бориб етган... У жинни ролини уйнашда давом этапти. Уни шаҳарда патруль хизматини адо этувчи немис солдатларининг кўпчилиги билишади, ҳатто кечаси ҳам у билан ишлари бўлмайди. Зубкова буйруқни ўз вақтида етказган. Уша заҳоти болаларни олиб кетаётган машинани қўлга тушириш учун группа юборилган.

— Кўприкни сизлар бузиб ташладингларми?

— Ёғоч кўприк илгари йўқ қилинган, бу операция муносабати билан эмас. Лекин понтон кўприкни ким тешиб кетган — номаълум...

— Буёғини гапир!

— Соҳилдан уч қақиримча нарида немис солдатлари тушган учта юк машинасини кўриб қолишган. Жаноби бургомистрнинг «экипажи» билан яккама-якка учрашиш учун уларни ўтказиб юборишган. Кечувга келиб, бу ерда учта машина турганлигини кўриб қолишган. Иккитасида немис солдатлари, биттасида болалар бўлган. Бузилиб қолган шекилли, болаларни солдатлар тушган машинага олиб ўтқазилган. Балони тешилиб қолган бўлса керак...

— Буни Фокин тешган,— деди Золенбауэр.

— Кўрдингми, қандай бўлган! Кимдир немисларга ҳужум қилиб, болаларни уларнинг қўлидан тортиб олишни таклиф қилди... Лекин ўзинг биласан, Ермолин қалтис ишга қўл уришни жинидан ҳам ёмон кўради, қизиққонларни ҳовридан тушириб қўяди. Жангда болалар нобуд бўлиб кетишлари мумкинлигидан андиша қилди...

— Шу ишимиз ўнгидан келмади,— деб қўйди Золенбауэр.

— Бундан бадтари бўлмайди... Лекин нима бўлганда ҳам болаларни қутқариш керак. Балким буни менга топширарсизлар?

— Бу янги таклиф эмас. Мен бу ҳақда олдин ўйлаб кўрганман. Лекин сени хатарга қўйиш қандоқ бўларкин? Бу операциянинг қўмондонлик бизга топширган вазифага тўғридан-тўғри алоқаси йўқ.

— Истисно сифатида. Болаларни ҳарқалай қутқариш керак. Немис тилини яхши биладиган одам учун бу ишни амалга ошириш осон.

— Яхши, мен розиман. Аммо фақат бутун икир-чикиригача пухта ишлаб чиқилган режани кўрсатганингдан кейингина рухсат бераман.

— Раҳмат, Юрий Владимирович!

— Сизларни афсона доирасидан чиқмасликка ўргатолмадим-ўргатолмадим-да! Гоҳ униси, гоҳ буниси бузиб қўяди қондани.

— Кечиринг, Василий!

— Энди бошқа иш ҳақида. Кеча мен Хюгель билан гаплашдим. У даҳшатли махлуқ. Келлернинг малайи. Улар ўртасидаги фарқ шундан иборатки, биттаси ўзининг қабиҳлигини оқсуяк ниқоби остига яширади, иккинчиси эса шафқатсизлиги билан ботирлигини кўрсатмоқчи бўлади. Гап шундай, ана ўша Хюгельнинг ўзи менга бошлиғи битта маҳбусга теша тегмаган усул билан қандай ишлов бериб, душмандан дўстга айлантирганини гапириб берди.

— Қандай усул экан?

— Айтдики, агар маҳбус ҳамкорлик қилмаса, унинг хотинини ҳозирок отиб ташлашади, деб кўрқитибди. Ўзинг кўриб турганингдек, теша тегмаган усул йўқ. Бу гестапочиларнинг одатдаги усуллари

— У рози бўлибдими?— дея сўради Артем ҳаяжон билан.

— Рози бўлибди,— деб жавоб берди Василий. Унинг овозидан жиноятга қўл уришга мажбур бўлган одамга ачинганини ҳам, ҳамдардлигини ҳам билиб бўлмасди.

— Фамилияси маълумми?

— Афсус! Келлер рус тилини жуда яхши билади, терговларни таржимонсиз олиб боради. Тўғри, шуни аниқлаб олиш мумкин бўлдики, қишлоқда облава пайтида хотини, бола-чақаси билан Туркин билан Иноземцевни қўлга туширишган. Улардан қайси бири гестапо билан ҳамкорлик қилишга розилик берганлиги ҳозирча номаълум. Ермолинга иккала фамилияни бориб айтиб қўй. Келлер улардан биттасини партизанларнинг олдига юборади.

— Қандай вазифа билан?

— Афтидан, отряднинг турган жойини билишмоқчи. Яна битта фикр бор... Аммо бу ҳақда гапиришга ҳали эрта.

Эшик қаттиқ очилиб, Маргарита Францевна кириб келди. У ўзининг келаётганидан квартирантларини огоҳ қилиш учун эшикни ҳаминша қаттиқ очиб ёпарди.

— Мен печкага ўт қаладим, уй исиб, тана яйрайдиган бўлади,— деди бека.

— Чиндан ҳам, об-ҳаво юракни сиқаетган эди,— деди Артем.— Узиям ҳаво анча совиб қолди-да...

— Ҳали яна иссиқ бўлади,— деди Василий.— Биз ҳар қалай жанубда яшаймиз.

— Ҳа, биз иссиқ ўлкаларда яшаймиз,— дея гапга аралашди Мар-

гарита Францевна.— Мен бўлсам буни унутибман... Бундай ҳаводан менинг бутун суякларим сирқираб оғрийди.

— Бўш келманг, Маргарита Францевна!— деди Василий.— Унинг сўзлари қатъий ва буйруқ оҳангда янгради.— Сизнинг соғлигингиз бизга ўзимизникидан ҳам қимматлироқ. Фақат биз учунгина эмас. Бугун, чунончи, Келлер сизнинг кайфиятингиз қандайлиги билан қизиқди. «Холангиз яхшимилар?»— деди.

— Сиз бу маълумотни айтишга кечикдингиз, жонгинам Вася. Бу саволни шахсан Келлернинг ўзи берди.

— Шахсан? Қачон?

— У бу ерга келиб кетди. Менинг меҳмоним бўлди. Бугун кундузи. Сиз ишда эдингиз, Артем эса, одатдагидек, тунги бедорликдан кейин ўз хонасида ухлаб ётар эди. Қўшним Анна Андреевна, эрталаб мотоциклда хат ташувчи келиб, менинг уйда бор-йўқлигимни билиб кетганини айтди. Шундан кейин Келлернинг ўзи қадам ранжида қилди. У менга Берлиндан келган хатни топширди.

— Берлиндан?

— Ҳа, Берлиндан.

Василий ўридан туриб, Маргарита Францевнанинг олдига келди. Бу хабар уни ҳаяжонлантириб юборганлиги шундоқ сезилиб турарди.

— Сиз нега бу ҳақда индамадингиз?

— Мен сизни излаб чиқдим, лекин учратолмадим. Тезда изимга қайтдим. Келсам, сиз бу ерда экансиз...

— Хат кимдан кепти?

— Хатми? Синглимдан.

— Келадиган кун бор экан-ку, ахир!— деди Василий, енгил нафас олиб.

— Чиндан ҳам... ниҳоятда, келар экан-ку, ахир. Гарчи Хильдадан эмас, Генрихдан кутаётган бўлсак ҳам. Тўғрироғи, Генрихнинг ўзидан кутмаётган бўлсак ҳам.

— Вазият ўзгарган,— деди Василий, Штиллернинг бу ишини оқлашни лозим кўриб.— Ахир улар менинг бу ердалигимни билишмайдиди-да.

— Ҳамма гап шундаки, буни у ердагилар билишади.

Маргарита Францевна шкаф эшикчасини очди-да, бир боғлам хатни олди. У одати бўйича, келган хатларни ўқиб бўлиб, олдингиларга қўшиб, лента билан боғларди-да, шкафга эҳтиётлаб қўйиб қўярди. Хильданинг хати бир даста хатнинг гулчамбари бўлиб турарди.

— Мана,— деди Маргарита Францевна, конвертни тортиб чиқараркан.— Хильда бизларни келиб кўрмоқчи... Шундай дейилган: «Тез кунларда, насиб бўлса, сизларни қучаман, азизларим...»

— Бу қандайдир, дудмол гап,— деди Василий, хуноби чиққанидан қошини чимириб.— Балким у сизларнинг иккалангизни — сиз билан Ванда холамини назарда тутаётгандир? Штиллер сиз иккита адресга юборган анави хатларни олмаган бўлса керак.

Артем гапга аралашишни лозим топди:

— Даргумон... Агар мактублар қандайдир сабабларга кўра ҳатто етиб бормаган бўлса ҳам, гестапо ўзининг алоқа йўллари орқали штандартенфюрер Генрих Штиллернинг қариндошлари ҳақида аллақачон хабар қилган.

— Мантиққа тўғри келади,— дея рози бўлди Василий.— Лекин нима учун Штиллернинг ўзи жавоб қилмади экан? Қайниси билан учрашиш ахир унинг ўзидан чиққан гап эди-ку.

— Сен ўзинг ҳозир айтдинг-ку: вазият ўзгариб қолган, деб,— деди Артем.— Мана шу ўзгариб қолган вазиятда энг яхшиси опа-сингил-

ларнинг ўзаро меҳрибонликларидан бошлаш керак. Поччаларга қараганда улар бир-бирига яқин. Чунки харна қилганда ҳам улар жигар.

— Балки биринчи юриш бўлар бу! Аммо улар бизнинг мантиғимизга амал қилишармикин? Бордию, буларнинг барчаси қариндошларнинг одатдаги оҳ-воҳлари ва бизнинг бутун операциямиз фақат биргина хомхаёлларга асосланган англашилмовчиликдан иборат бўлиб чиқса-чи? Биз, Штиллерга агент керак, деб ўйлагандик, аслида эса у, фақат қариндошини, қадрдон қайниси Васяни излаяпти.

Золенбауэр Артема Генрих Штиллернинг кайфияти ўзгариб қолганлигига худди у айбдордек, гинахонлик билан қараб қолди.

Артем ўзини йўқотиб, елкасини қисди.

— Ҳамма нарса бўлиши мумкин.

— Тўппа-тўғри — ҳамма нарса бўлиши мумкин, шунинг учун ёмон нарсани ҳисобдан чиқариб ўтирмаймиз. Штиллер хатларни олмаган!

— Тавба!— деди Маргарита Францевна, фожиа юз бергандек қўлларини кўксига қўйиб.— Қандай қўрқинчли гапларни гапиряпсиз. Наҳотки, буларнинг барчаси иғво бўлса...

— Истисно қилмайман. Яқин кунларда равшан бўлиб қолади, Штиллер жиянлар можаросига шерикми ёки йўқми. Келлер ўзини қандай тутди?

— Ўзини қандай тутарди?— деди Маргарита Францевна, бирмунча ҳайрон бўлиб.— Жудаям сипо. Юмшоқ кўнгил, башанг. Менинг қўлимни ўпди.

— Қўлингизни ўпди,— дея жилмайиб қўйди Артем.— Ўз ҳурмат-эътиборини тасдиқлатиш учун келмадими ишқилиб?

— Мен ҳам шундай деб ўйловдим. Штиллердай нуфузли одамнинг қариндошида Келлер нега ҳам яхши таассурот қолдирмаслиги керак экан. Ахир Генрих хизмати бўйича юқори мансабга кўтарилган, доктор Гиммлернинг ўзи уни қабулига чақирган-а, Буларнинг ҳаммаси хатда ёзилган, хатни эса, ўйлайманки, Келлер ўқиб чиққан. Қандай қилиб ўқиган, билмайман. Гестапочилар тамгаланган хатларни ўқишни билсалар керак.

— Эҳтимол,— деб бошини силкди Василий.— Агар конвертнинг юпқа пўсти ичидаги нарсани кўролмаса яширин хизматнинг баҳоси уч пул. Улар нанки конверт ичидаги хатни ўқийдилар, балки қалин девор ичидагини ҳам кўрадилар.

— Девор дейсизми?— деди шубҳаланиб, Маргарита Францевна.— Агар шундай бўлса, Келлер Артеми ҳам кўролган бўларди. У эса, кўрмади. Бунга мен аминман! Келлер Штиллернинг қариндошлари билан танишиш ташвишида юрибди. Сиз буни ҳисобга олишингиз керак, азизим Василий.

— Яшанг, Маргарита Францевна! Сизга жиянингиз билан бирга туриш яхши таъсир қилмоқда.

Маргарита Францевна кулиб юборди.

— Ҳаммасини қўяверинг, унинг панд-насихатларини сўрамайсиз ҳам. Ё ишонмайсизми?

— Билмадим.

— Бўлмаса билиб қўйинг. Дарвоқе, печни бекорга иситмаганман. Мен уйни иситиш билан немислар босиб олган жойдаги шахсларнинг ўзларини қандай тутишлари тўғрисида қоидалар ҳақидаги суҳбатга илҳомлантириш мақсадини назарда тутганман.

— Буни қандай тушунса бўлади?— деб сўради Василий, очиқданочиқ ранжиб.— Умид қиламанки, бу бошқалар шаънига айтилган танқид бўлмаса керак?

— Мутлақо. Бу — шунақа суҳбат қилмасликнинг иложи йўқ деганимдир. Ўйлайманки, Келлернинг бу ташриф буюриши шу билан

тамом эмас, гестапонинг ташрифини эса, кексайиб бораётган аёлга ҳайрихоҳликни намойиш қилиш сифатида баҳолаб бўлмайди.

— О-о!— дея қўлларини ёзди Василий.— Менинг суҳбатларим чиндан ҳам зое кетмапти. Давом эттиришга тайёрман.

Маргарита Францевна чироқнинг пилгини кўтарди, уни столнинг бир бурчагига суриб қўйди. Хона анча ёришди. Ҳамма ўзини самимий суҳбатга чоғлади.

Бека чуқур креслога ўтирди-да, қўлларини икки ёндаги суянчиққа қўйди.

— Хўш, нимадан бошлаймиз?— дея савол берди Василий, очиқдан-очиқ муғомбирлик билан.

Маргарита Францевна асабийлашарди.

— Келлер хатни келтириб бериб, Генрихнинг қариндошлари билан қизиққанидан бошлаймиз.

— Бу нимада ифодаланади?

— Ванда билан эрининг портретига, менинг ўтмишдаги фотосуратларимга қизиқиб тикилганлигида кўринади. Оилавий альбомни кўрсатишга тўғри келди. Умуман-ку, аввалига иккиландим, кейин кўрсатишга қарор бердим, чунки, акс ҳолда, менинг бу ҳаракатимни Келлер, қандайдир сирни мендан яширишга уриняпти, деган хаёлга бориши мумкинлигини ўйладим. Сир йўқ-ку, ахир.

— Хўш, альбомга тўпланган суратларга у қандай муносабатда бўлди?— деди Василий хавотирланиб.

— Одатдагидек. Бошқалар қандай бўлса, у ҳам шундай. Менинг қиз болалик пайтимдаги портретимдан ҳайратланди, мақтов гаплар айтди.

— Ҳар қалай, гестапо кексайиб бораётган аёллар билан қизиқиши мумкин экан,— деди Артем.

— Умуман шундайку-я— деди Маргарита Францевна,— аммо мақтов гапларни айта туриб, Василийнинг суратига диққат билан тикилиб қолди. Альбомда шунақа фотосурат бор. Беш яшар Вася кўйлакчада туширилган...

— Мен унга ўхшайман шекилли,— деди Василий Золенбауэр хавотирланиб.

— Ухшайсиз, лекин Артем кўпроқ ўхшайди.

— Бўлмаса-чи!

— Хўш, Келлер суратга узоқ тикилди, кейин эса, шунчаки сўраётгандек, «Бу ўғлингизми?»— деб сўраб қолди. «Йўқ, бу синглимнинг ўғли, штандартенфюрернинг қайниси»,— деб жавоб бердим мен «Сиз яхши эътибор билан қарамадингиз, жаноби Келлер. Диққат билан қараганингизда холини кўрардингиз... Бу биз учун туғма».

— Боплабсиз!— дея жилмайди Василий.— Аммо фотосуратда хол қаёқдан пайдо бўлди? Артемда у йўқ-ку.

— Артемда, тўғри, хол йўқ. Сизда эса бор... Сиз меникига келган онингиздаёқ мен уни туш билан қўйиб қўйганман.

— Сиз даҳосиз. Маргарита Францевна!— деди Василий, ўзини тутиб туролмай.

— Севинишга ошиқманглар,— деди Маргарита Францевна, «жиянини» тўхтатиб.— Келлер фотографияни штандартенфюрерга совға қилиш учун уни катталаштиришни илтимос қилди. Мен уни бермадим. Синглимнинг келишига биз ўзимиз катталаштирамиз, дедим.

— Даҳо! Даҳо!— деб давом этди Василий.— Дарҳол нусха кўчириш керак.

— Сиз бунга ўз зиммангизга оласизми?

— Уриниб кўраман.

— Уриниб кўриш керак эмас,— дея эътироз билдирди Артем.— Сен фақат фото-қоғоз топ, аппарат отрядда бор, плёнка ҳам. Узим катталаштираман.

— Бу энг тўғри йўл бўлса керак,— дея маъқуллади Василий.— Шаҳар фотографларини жалб қилиш хатарли. Келлер текшириб қолиши ва негативни қўлга тушириши мумкин. Унда асл нусхасига солиштириши турган гап. Туш билан қилинган нуқта бизнинг сиримизни очиб қўйиши мумкин.

Келлер — одамнинг ичига кириб оладиган нусха. Қўрамиз, энди у қаергача борар экан. Биз учун энг муҳими — эҳтиёткорлик ва эҳтикорлик. Бу, даставвал, сизга тегишли, Маргарита Францевна. Келлер, балким, яна келса қаради.

Артем соатига қаради.

— Менга ҳам, Маргарита Францевнага ҳам ҳамма нарса тушунарли. Хайрлашадиган вақт етди. Бу иссиқ, оромбахш уйни тарк этгинг келмайди киши.

— Сиз биз билан узоқ муддатга ажрашаётганингиз йўқ-ку,— деди Маргарита Францевна.— Қўлингиз тегди — келаверинг, ҳамиша хурсанд бўламиз.

— Раҳмат.

— Фақат, Артем, худо хайрингизни берсин, эҳтиёт бўлинг. Мен сиздан шундай хавотирланяпман...

— Беҳуда хавотир қиласиз,— деди Василий.— Қайтага у биздан хавотир олиши лозим. Бизда Артемникидай ҳужжатларимиз йўқ.

— Лекин ундай ҳужжатларимиз бўлмаса ҳам, бизга Келлернинг ўзи ҳомийлик қилиб турибди.

Маргарита Францевна қўлларини бир-бирига уриб қўйди.

— Ҳомийлик қилмагани яхши эди.

— Бахтдан юз ўгирманг, Маргарита Францевна. Келлер — бу ернинг худоси-ку.

— Бўлса бордир. Лекин худомас, балки иблис... Энди, Артем, бир дақиқа тўхтаб туринг. Йўлга у-бу йиғиштириб бераман.

— Сиз бизни эркалатиб юборяпсиз. Маргарита Францевна, отряддагилар мендан кўра сизнинг тортиқларингизни кўпроқ кутишади.

— Хафа бўлманг. Совға одамларга қувонч бағишлайди. Бизнинг мушкул замонамизда бу шундай зарурки, буни ўзингиз ҳам яхши биласиз. Мен ҳозир...

Маргарита Францевна қўшни хонага шошиб чиқиб кетди.

— Эсингизда бўлсин, Артем. Болалар билан боғлиқ бўлган операцияни чўзиш мумкин эмас,— деди Василий.— Ҳар бир кун болакайларнинг ҳаёти учун фанимат...

Механик

— Айтиб беролмайсизми, бу ернинг бошлиғи ким бўлади?— дея сўради Асқар, эрта билан гаражга кириб келиб.

— Хўш, айтайлик, мен бошлиқман,— дея олдинга чиқди ўрта ёшлардаги, юзи офтобда қорайган, сочлари оч сариқ йигитча.— Ким билан суҳбатлашиш шарафига мушарраф бўляпман?— Гараж бошлиғи, кўриб қўй, биз ҳам зиёлича гапиришни биламиз!— дегандек, бир лаҳза атрофини ўраб олган ўртоқларига обрў сақлаб қараб қўйди.

— Менинг исмим — Асқар, фамилиям — Тўхтабоев. Бу ерга жаноби бургомистр юборди. Эски автомобиль билан танишиб чиқишни буюрди. Сизнинг исмингиз нима?

Гараж бошлиғи бирмунча доврираб қолди. Бундай саволни мутлақо кутмаганди.

— Борис Николаевич Сурков. Демак, машиналарни кўрмоқчисан? Юр, бўлмаса, кўрсатаман.

Машиналар немисларники эди — биттаси — «Мерседес-бенц», иккинчиси — «Штеер 220» ва сўнги учинчиси, «Адлер» деган енгил кичкина машина. Уччаласи ҳам ачинарли аҳволда, бузилиб ётарди. Лекин Асқар чекинолмасди.

— Иш кўп экан, лекин уларни тирилтирса бўлади, — деди у.

Асқар «Мерседес-бенц»нинг бутунлай моторини олиб ташлашни, «Адлер»нинг эса, блоки қопқоғидаги прокладкани алмаштиришни айтди.

— Демак тузатасан, шундайми? — деб сўради Сурков.

— Тузатаман.

Эртаси куни Асқар ишга ҳаммадан илгари келди. Шоферлар, механиклар келиб, «Мерседес»нинг мотори ечилиб, қисмларга ажратиб қўйилганини кўришди. Асқар эски-тускига қарши уруш очган, уруш очганда ҳам муваффақиятли уруш қилган эди.

Янги механикни назарларига илмай қарши олган немис-механиклар, энди унинг ишини қизиқиб, ҳатто ҳурмат билан кузата бошлади-лар.

— Гут, зер гут, — деб гувраниб қўйишарди улар.

Соат кечки бешларда Асқар «Мерседес-бенц»нинг кирларини то-залаб ювиб, артиб, рулга ўтирди-да, бургомистрнинг уйига ҳайдади. У Сердечнийни ҳайрон қолдирмоқчи эди.

— Терентий Лукьянович, хўжайинга айт, машина тайёр, — деди у Сердечнийнинг хос соқчисига. Духовников эшик олдида қандай ўтирган бўлса, қимир этмай ўтираверди.

— Айтолмайман, — деган жавобни берди у.

— Бу нима учун?

— Бургомистрнинг ҳуши ўзида эмас ҳозир.

— Тушунмадим.

— Мана қулоқ солгин, тушуниб оласан!

Уй ичидан бургомистрнинг йўгон овози момақалдироқдек гудди-раб эшитилиб турарди. Сердечний кимнидир энг уятли гаплар билан бўралаб сўкар эди.

— Сен деразадан нарироқ тур, — дея маслаҳат берди Духовников Асқарга қараб. — Бўлмаса бир нима билан каллангга тушириб қолиши мумкин.

— У ким билан бунчалик шанғиллаб гаплашяпти?

— Э, ҳеч ким билан. Олдин у мен билан гаплашди. Ҳозир эса, шундай тобга келдики, ўз-ўзи билан гаплаша бошлади.

— Афтидан, бирон оғир мусибат тушган бўлса керак-да, бошига?

— Нимасини айтасан, азизим! Оҳ, унга қандай оғирлигини билсанг эди! — Терентий Лукьянович хўрсиниб қўйди. — Болаларга ичи ачяпти билсанг.

— Қандай болаларга? — деб сўради Асқар. — Унинг нечта боласи бор?

— Э, ҳеч қанча. У бефарзанд. Бу гап бутунлай бошқа ёқда. Пештахтага ўтир, бир бошидан гапириб бераман... Келлер: «Русларнинг бомбалари бизнинг солдатларимизни ярадор қилди, бунинг учун рус гўдаклари ўз қонлари билан хун тўласинлар», — деб буйруқ берди. Болаларни йиғишга тушишди. Қишлоқларга боришди, шаҳардан ҳам баъзи бировларни тутиб олишди. Гўдакларни Кузьма Петрович Прокофий Филиппович билан бирга госпиталга олиб боришди. Улар у ерда кўрганларини эшитсанг, лабингга учуқ тошиб кетади. Турган-битга-

ни даҳшат. Мен Кузьма Петрович билан анчадан бери биргаман, кўп нарсани кўрдим, одамларни ҳар хил йўллар билан отиб ташлаш, қотиллик, аммо бунақасини...

— Ҳаммасини ўлдиришибдими?— сўради Асқар, қўрқиб кетиб.

— Ундан ҳам баттар, агар ўлдиришсаю... Мен ҳам олдинга; гўдакдан қон олгандан кейин, у тинчгина ухлаб қолади, деб ўйлагандим. Йўқ, қаёқда! Улар ўлиб қолмаслиги учун озгина қолдиришаркан... Шунақа ҳам ҳайвонлар борки, ўз қариндошини қаматтиришдан тойишмайди, лекин ўшалар ҳам бунақа қилишга қўллари бормаса керак.— Терентий Лукьянович тамаки тутунини очкўзлик билан ичига тортди-да, кейин давом этди.— У ерда Тамара деган олти-етти ёшлардаги бир ёқимтой қизча ҳам бор эди. Фокин билан Кузьма Петрович госпиталдан кетиш тараддудида туришган пайтда, худди ўша қизчани палатадан олиб чиқиб қолишди. У Прокофий Филипповични кўриб шундай деди: «Амакижон, азизим, игна тикқанларида, менинг жоним сал-пал оғриди. Қўлимни бермагандим, бошимга уришди. Сиз болаларга айтиб қўйинг, улар йиғлашмасин, дарров қўлларини тутиб беришсин, бўлмаса уларни ҳам уришади». «Яхши, жон қизим, айтиб қўяман!»— деб ваъда берди Фокин. Замбилни олиб ўтиб кетишлари билан у ерга ағдарилиб тушди. Юраги бардош беролмади. Бунақани кўрган ҳар қандай одамнинг ҳам юраги дош беролмайди...

Терентий Лукьянович ҳикоясини давом эттирарди-ю, лекин шу пайт зинага хўжайини, бургомистр Сердечнийнинг ўзи чиқиб қолди.

— Терешка, ҳайвон! Олиб кел... сув олиб кел... Эҳ! Ҳозир тузланган бодринг суви бўлармиди!

— Бу ҳам топилади, Казимир Петрович,— деб юборди Духовников ялтоқилик билан.— Мен сўраб қоларсиз деб, олдиндан атай тайёрлаб қўйгандим.

— Сен ақлли мужиксан, Терентий Лукьянович,— деди бургомистр бир литрлик бўш курушкани қайтариб берар экан.— Хўжайинга нима кераклигини биласан. Кетдик, Терентий, ювинишимга қарашворасан. Сен эса, оснелик, кутиб тур. Биз сен билан гаплашиб оламиз.

— Хўп, майли, хўжайин!— дея бош ирғади Асқар.

Ювиниш ўн беш, йигирма минут давом этди. Уй ичидан шапиршупур, пишқириқ, оҳ-воҳ овозлари эшитилиб турди. Шундан кейин жимлик чўкди. Яна эшикда Сердечний пайдо бўлди.

Бургомистрнинг кўриниши қўрқинчли эди. Юзи шишиб кетган. Қўзлари ости кўкарган. У панжара қанотини ушлаш учун қўлини узатган пайтида, унинг бармоқлари қалтираётганини Асқар кўриб қолди.

— Стул!— деб ўшқирди Кузьма Петрович. Терешка шу заҳоти пўстлоқдан тўқилган креслони келтириб қўйиб берди.

— Хўш, оснелик, айт-чи бошламачасига, отинг нима?— дея хириллади бургомистр, креслога оғир чўкар экан.— Яна кимни отиб ташлаганимизни билолмай юрмайлик.

— Нега, хўжайин, бундай ёмон гапларнинг нима кераги бор? Мен нима деган бўлсанг, ҳаммасини бажо келтирдим,— деди Асқар хафа бўлиб.

— Тузатдим демоқчимисан? Ақалли битта машинани тузатдингми?— деб хахолаб кулиб юборди Кузьма Петрович.— Нима, мени аҳмоқ деб ўйлайсанми? Ўйлайсанки, бургомистр маст, унга ҳар қандай бемаъни гапларни тикшитиравериш мумкин. Шундайми?

— Сен мазах қилма, ишни кўрсатишга буюр ундан кўрасига. Агар кўнглингадигдек бўлмаса, отиб ташлайқол.

— Наҳотки, чиндан ҳам тузатган бўлсанг?— деди бургомистр шубҳаланиб.

— Тузатдим. «Мерседес-бенц»... ҳув ана кўчада турибди.

Кузьма Петрович, беморга ўхшаб, Духовниковнинг елкасига суяниб ташқарига чиқди-да, сири ялтиллаб турган машина қаршисида тўхтади.

— Унга ўтирса бўладими? •

— Бўлади!

— Юради ҳамми?

— Юрганда қандоқ,— деб жавоб берди Асқар.

— Нима дейсан, Терентий Лукьянович, чўлни бир айланиб келмайми? Тоза ҳаводан нафас олиб қайтардик.

— Айланиб келамиз, Кузьма Петрович, деди Духовников.

— Кетдик!— деди Кузьма Петрович,— эшикни биринчи бўлиб очар экан.

«Мерседес» жойидан жилди-да, дарҳол тезликни ошириб, шаҳар бўйлаб физиллаб кетди. Шаҳар иморатлари тугади, машина темир йўл станциясига олиб борадиган йўлга чиқиб олди. Икки километрча йўл босишди, кейин Асқар ўнгга буриб, чўлдаги катта йўлга тушиб олди. Олдинги ойнага мусаффо ҳаво урилди.

— Қамчи бос, қамчи бос!— деди қизишиб кетиб Духовников.— «Мерседесинг» нимага қодир эканлигини кўрсат!

Асқар тезликни оширди, шамол ён томондан ойналарга тегиб, чийиллаб ҳуштак чала бошлади.

Сердечний ранги оқариб ўтирарди. Пешонасига тер тепчилади. У сигарет қутисини олиб чекмоқчи бўлди, лекин бармоқларининг қалтираши гугурт чақишига халақит берди.

— Биз қаёққа ва нимага кетяпмиз?— дея тўсатдан Асқарга ташланиб қолди у.— Партизанларнинг олдига олиб бормоқчимисан?

— Мени яна хафа қиляпсан, хўжайин,— деди Асқар.— Мен бунчалик таънага арзийдиган иш қилганим йўқ. Тепаликдан шаҳарни кўрсатмоқчиман. У ердан худди кафтдагидек кўринади.

Бу орада машина темир йўлни кесиб ўтадиган жойга физиллаб борарди. Темир йўл билан кесишадиган ер ёнида, бор-йўғи ўттиз метрлар чамаси нарида чуқур жар устига қурилган чоғроқ кўприк бор эди. Темир йўлдан ўтишда машина тезлигини пасайтирди, нариги томонга ўтиб тўхтади.

— Қаранг, анавиларни қаранг, хўжайин!— деди Асқар.— Одамлар қочиб кетишяпти! Кўприкдан нарида! Қўрқишяпти... Кўриб қолишимизни ишташмайди... Фалокат юз беради, хўжайин.

Кузьма Петрович машина ичидан қараб, энгашиб қочиб кетаётган эркакларни кўрди. Улар пастга энгашиб, бутазор ичига яширинишга шошилишарди.

— Орқага қайтар!— дея қичқирди қўрқиб кетган Духовников.

— Биз орқага қайтамиз,— дея эътироз билдирди Асқар хотиржамлик билан,— биздан кейин ўтган одам осмонга учиб кетади. Кўприкни сақлаб қолиш керак.

— Сен нима — жинни бўлиб қолдингми?— дея баранкага ёпишиб олди Духовников.

— Тегма... Ижозат бер, хўжайин, мен бориб кўприк остида нима борлигини кўриб келай.

Сердечний шоферга ҳайрон бўлиб қараб қолди.

— Қўрқмайсанми?

— Мен солдатман-ку.

— Майли, борақол. Фақат эҳтиёт бўл.

Тўхтабоев машинадан тушди-да, кўприк томон юриб кетди.

(Давоми бор.)



Самад Қодиров



БУГУН Қарши даштида

Мард йигитлар сараси

Қурғоқчилик келиб, чўлда гиёҳ ҳам унмаган йиллари чўпонларга ҳам қийин бўларди. Ёмғир, қор сувларини сийнасида тўплаб, чўпонлар чанқоғини босган, қўй-қўзиларга обиҳаёт бахшида этган сардобалар ҳам қуриб қоларди. Қақроқ Қарши даштига сув етаклаб келиш ҳамманинг энг эзгу нияти эди! Ширин орзулар эса, рўёбга чиқмай, орзу-умидлигича қолиб кетаверарди.

Улуғ Ленин башорат қилди-ю, кимсасиз чўлларга ҳаёт келди. Республикамизда бунинг дебочаси Мирзачўл бўлди. Чўл қувиш, қўриқ очиш китобининг дастлабки зар-варақлари Мирзачўл ерларини ўзлаштириш ва суғориш тўғрисида 1918 йил май ойи-да буюк доҳиймиз имзо чеккан тарихий Декрет билан очилади.

Шуларни ўйлаб борарканмиз, узоқ-узоқларга чўзилган денгизга дуч келдик. Чўл ичкарасидан енгилгина шамол кўтарилди. Қўриқдаги сермавж денгиз чайқала бошлади. Қаёқдандир учиб келган турналар сувга тўш уриб, тагин қанот қоқиб кўкка парвоз қилишди. Теварақ-атрофни завқланиб кузатаётганимни пайқаган шофёр йигит гап қотди:

— Толлимаржон сув омбори бу.— деди у кўрсаткич бармоғи билан ўша ёққа ишора қилиб.— Сарҳовуз эмас, бутун бир денгиз бўлиб боряпти. Узиям 1,6 миллиард кубметр сув сиғдиради. Эҳ-ҳе, олам-жаҳон сув бу!

Узини Нишон районидаги Усмон Юсупов номли қўриқ совхозининг механизатори Иброҳимжон Панжиев деб таниган бу йигит бағоят самимий, тўғри одам эканлиги билан менга ёқиб қолганди.

— Пахтани-ку, саранжомлаб олдик. План тугул мажбуриятниям ошириб бажардик. Шудгорлашни ҳам тамомлаб қўйдик. Уч-тўрт кун бўшман, вақтим бор,— деди у машинасини қанал томонга ҳайдаркан, менга юзланиб.— Сизни бир томоша қилдирай, меҳмон. Узим ҳам чўл кезишни, чўлқуварлар билан гурунг қурушни, мулоқотда бўлишни яхши кўраман. Ҳайронман, баъзи ёшлар шаҳарга интилишади, шаҳарда ишлаб, яшашни афзал кўришади. Мен бўлсам, чўлда яшаб ишлашни, чўл ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олишни хуш кўраман. Негадир, қўриқнинг чанг-тўзонини ҳам, суяк-кача сингиб кетадиган офтобини ҳам, изғирин бўронини ҳам, хуллас, аччиқ-чучугини ҳам ёқтираман. Шунга ўрганиб қолганман. Кўп гапирвориб сизни зериктириб қўймадимми?

— Йўк, йўк, сираям, гапираверинг,— дедим суҳбатига қизиқиб.

— Ғузорда бўлганмисиз?— сўради у.— Худди шу район маркази яқинида туғилганман. Ҳозир «Ғузор» совхозига қарайди у ерлар. Отам совхозининг марказий кўрго-

нида истиқомат қилади. Бир кам саксонга кирган. Ёшлигидан чўпон. Улуғ Ватан уруши йилларида, урушдан кейин ҳам бу чўлларда қўй боққан, ризқ-рўзини шу кўриқдан топган. 1974 йили бу ерга келишимга ҳам падари-бузрукворим сабабчи. Чўл — ҳазина, унинг ости «қора олтин»га, усти эса — «оқ олтин»га кон, деди отам. Айтгани тўғри экан. Геологлар Қарши даштини пармелаб, ер остидан нефть, газ олишяпти, биз бўлсак пахта ундирияпмиз. Совхозимиз ўтган зарбдор йилда қарийб 10 минг тонна «оқ олтин» топширди. Чўлда шундай кўркам посёлка қад кўтардики, унча-мунча шаҳарлардан қолишмайди.

— Совхозингизда ёшлар кўпми?

— Камроқ, — деди у йўлдан кўз узмай. — Умуман, совхозда ишчи кучи оз. Ҳар бир кишига ўн-ўн икки гектар пахта майдони тўғри келади. Шунга қарамай, пахтани вақтида йиғиб олдик. Асосан машиналарга таяндик. Ҳосилнинг 90 процентдан кўпроғини 72 та агрегат териб берди. 400 тоннагача пахта терганлар ҳам бўлди. Мен ҳам маккажўхоридан бўшагач, икки қаторли машинада 200 тонна пахта тердим. Ишқилиб, қимирлаган жон пахта деди, пахта терди. Мана энди роҳатини кўряпмиз.

«Нега совхозингизда ёшлар оз?» деган саволимга у: «Шу теварак-атрофда биттагина СПТУ (қишлоқ профессионал техника билим юрти) очиб беришса, айти муддао бўлур эди, кўпгина ёшларимиз ўқиб, ҳунар ўрганишарди, бинобарин, чўлдаги совхозларда муқим яшаб қолишарди», деб жавоб қайтарди. Оддий бир механизатор чўлдаги муаммолар устида ўйлаётганлиги кишига завқ бағишларди.

Ширин сўхбат билан Ойдинқудуқ массивига етиб келдик. Рўпарада бир отлик кўринди. Машинадан тушиб, ёнига бордик. Эски қудуқ бўйида хаёл суриб турган бу одам шу массивда ташкил этилган «ВЛКСМ XVIII съезди» совхозининг директори Бекмурод Имомов экан. Бир қарашда кураги ерга тегмаган полновни эслатди у менга. Қирқлардан ошган, қорувли, билаклари кучга тўлган, йўғон бармоқлари қабарган бу йигит бизни кўрди-ю, совхозимизга тушиб, бир пиёла чой ичиб кетасизлар, деб туриб олди.

Қиш-қировли кунлар эмасми, совхознинг марказий кўрғонига олиб борадиган йўлнинг ҳар иккала ёнбошидаги дарахтлар яп-яланғоч. Палахса-палахса қилиб ҳайдалган қора шудгор пайкаллар мудраб ётибди. Қирга ўхшаш баландликда омонатгина қилиб қурилган беш-олтита уй кўзга чалинди.

— Совхозининг марказий «кўрғон»и шу! — деди директор вазмин оҳангда. — Совхозимиз ташкил этилганига ҳали бир йил ҳам тўлгани йўқ, — сўзида давом этди у. — Директорликка тайинланганимда ҳўжаликнинг номи ҳам йўқ эди. Фақат «Биринчи совхоз» деб номер кўйилганди. Совхознинг ўзи эса ҳали ватман қоғозларда мавжуд эди. Янги ҳўжаликни эски, тайёр лойиҳалар бўйича қуриш мўлжалланган экан. Дастлабки йили 500 гектар ер очиб, қовун-тарвуз экилса кифоя, дебди «Қаршистрой»дагилардан кимдир. Полизчилик ўз йўлига, аммо пахта эмасак бўлмайди, деб оёқ тираб туриб олдим. Бу гап обкомгача борди. Ниҳоят, Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари Рўзимат Ғойипович Ғойибовнинг ўзи аралашди. Майли, баҳолиқудрат пахта ҳам экинлар, деб маслаҳат берди. Бир ярим минг гектар ер очдик. Беш юз гектарига чигит эдик.

Директор дераза тарафга киприк қадаганича жим қолди. Нималарни ўйлаётган экан? Баҳорда, чигит қўшуқлоқ бўлиб, гўзалар яшнаб ўсаётганида бир неча пайкалдаги ёш ниҳолларни сел ювиб кетганиними? Ё бўлмаса ғўза айти чанқаган пайда сувчилар етишмай, тулларни тарк этиб, ўзи ва бош агроном, экономист билан бирга сув тутганиними? Эгатма-згат оралаб, ҳосил нишонларини кўздан кечириб юрган дамлариними? Йўқ, буларнинг ҳаммаси орта қолган эди. У бир фурсатдан сўнг давом этди: — Ҳосил қутилганидан ҳам зиёда бўлди. 2 сентябрь куни барча майдонлардаги ғўзалар дефолиация қилинди. Совхозга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Шароф Рашидов келди.

— Ҳозирги замонавий техника билан қуролланган илғор ҳўжаликлар пахта планини 10—15 кунда бажаришяпти, — деди Шароф Рашидович даладан бир ҳовуч пахта териб. — Ҳўш, сиз неча кунда бажармоқчисиз?

— Биринчи ҳосил теримини сиз бошлаб берганлигингиздан бениҳоя хурсандимиз, Шароф Рашидович. — дедим мен мамнуният билан. — 10 сентябрда машиналарни ишга туширамыз. Йиллик планини беш иш кунда бажарамиз.

Совхоз пахта планини беш кунда эмас, тўрт кунда адо этди. Ҳосилнинг ҳаммаси машиналарда териб олинди. Мавсумда 600 тонна ўрнига 1400 тонна «оқ олтин» топширилди. Очил Мўминов бошлиқ беш кишидан иборат бригада эса, ҳар бир ишловчи ҳисобига 30 тоннадан пахта етиштирди. Биринчи йили кўриқ ерда рекорд кўрсаткич бу!

Директор жиддий ўйлашиб қолди. Бунинг сабаби бор эди. У ўтирган кабинетнинг ремонт-ку бир гап бўлар. Бироқ, механизаторларга уй-жой қуриш масаласи чатоқроқ-да! Шу муаммо уни ўйлантиряпти, безовта қиялпти, қалбини тирналяпти. Эртаиндин ерларни сўғориш керак, ирригация тармоқларини тозалаш, янгиларини қозиш зарур. 1980 йилда экин майдонлари 3000 гектарга етказилади. Яна қарийб 1500 гектар кўриқ очиб даркор. 50 гектарга кўчат ўтқазиб, боғ қилиш планлаштирилган. Булар ўз-ўзидан бўлмайди-ку, ахир?! Одамлар қилади бу юмушларни. Одамларга эса шароит керак, уй-жой керак.

Эшикдан бир группа тракторчилар билан бирга илғор бригада бошлиғи Очил Мўминов кириб келди-ю, директорнинг хаёли бўлинди.

— Ишлар қалай?— сўради Имомов салом-аликдан сўнг.

— Пайкалларнинг четини ҳам ҳайдаб бўлдик, энди сув тармоқларини қазишга киришамиз,— деди бригадир.— Лекин уй-жой масаласида одамларимиз бир оз қийналяпти. Шуни маслаҳатлашгани келувдик.

— Булар бари — кўриқ очган мард йигитлар сараси,— деди директор менга юзланиб. Сўнгра бояги механизаторларга қараб сўзида давом этди.— Бўлади, ҳаммаси бўлади, уй-жой ҳам, шароит ҳам... Ҳозир «Қаршистрой»га чақиришган. Қурувчилар келяпти, тахта-ёғоч, нимаики зарур бўлса, ҳаммасини юборишяпти. Масала ҳал бўлди ҳисоб. Ҳа, ўзим бориб янаям аниқлаб, ҳал қилиб келаман. Ишни бўшаштирмасаларинг бўпти, оғайнилар!

Биз Сальвадор Альенде номли совхозга йўл олганимизда Имомов машинасига ўтириб, Қарши шаҳрига отланаётган эди.

Қўриқ қизи

Темир йўлдан ўтиш жойига энди яқинлашган эдик ҳамки, шлагбаум йўлимизни тўсди. Ҳув нарида поезд кўринди. Турнақатор вагонларни судраганича пишқириб келаятган тепловоз яқинлашгунча йўлнинг ҳар иккала томонидан катта-кичик машиналар тизилишиб қолди. Аксига олгандай тепловоз филдираклари эринчоқлик билан айланар, тезлиги жуда ҳам сусайган эди. Совхоз идорасига кечимайлик, директор бирор жойга чиқиб кетиб қолса, кун бўйи кутишга тўғри келади, деб шошиляпман.

Шлагбаум кўтарилиши биланоқ Иброҳимжон газни босди. Темир йўлдан ўтгач, тўғрига кетадиган теп-текис йўлдан ҳайдади. Бир оз юриб, «Сальвадор Альенде номили 5-совхоз» деб ёзиб қўйилган тахтачага кўзимиз тушди. Машина ўнг қўлга бурилиб, энди кунчиқар тарафга юрди.

Кутилмаганда чўл узра қалин туман тўшалиб қолди. Йўлни ҳам, далани ҳам кўриб бўлмади. Иброҳимжон машинанинг чироғини ёқиб ҳайдади. Машина туман пардаларини қоқ ёриб, гоҳ сапчиб-сакраб, гоҳ чайқалиб, бешиктебратгичдек тебраниб-силкиниб борарди.

— Секинроқ ҳайдайверинг,— дедим шофёрга,— Бари бир улгураамиз. Директор бунақа туманда далага чиқармиди дейсиз?

Совхоз марказига етиб олдик. Бир йигит идорани кўрсатиб қўйди. Директор кабинетига бўлса керак, деб янглишибман. У эрталаб Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Рўзи Аҳмедов бошқарувчилик қилаётган бўлим даласига кетган экан. Бу бўлимнинг экин майдонлари Нишон қумликлари билан туташ, бир қисми шу қумликлар бағрида жойлашган, дейишди. Бундай туманда нотаниш далага бориб бўлармиди? Кутишга тўғри келди.

Шинамгина хонада бир даста расм-плакатларни кўриб ўтирибман. Шу пайт бундан бир неча йил муқаддам чиқарилган плакатдаги соҳибжамол қизнинг каттакон суратига кўзим тушди.

— Тўлғоной!— деб юбордим беихтиёр.

Тўлғонойнинг номзоди СССР Олий Совети депутатлигига кўрсатилганда суратга тушириб, кўп нухсада алоҳида плакатлар чиқарилганди. Плакатдан Норбўтаеванинг биографиясини ўқир эканман, кўриқдаги оддий қишлоқ қизининг босиб ўтган шонли ҳаёт йўли худди кино лентасидай кўз ўнгимдан ўта бошлади.

...Тўлғоной бундан ўттиз икки йил муқаддам Қарши районининг Дашт қишлоғида туғилди. Уз номи билан Дашт эди бу ерлар. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, машҳур деҳқон Чўли бобо Бегимқулов узоқ йиллар раислик қилган «Ленинизм» колхози аъзолари эллигинчи йилларда дашту биёбонлар кўксини тилка-пора қилиб, унинг бағридан бир неча минг гектар ерни юлиб олган эдилар. Колхоз қарийб 2 минг гектарга пахта, яна шунча майдонга ғалла экти. Пахтанинг ҳосилдорлиги 40 центнерга етказилган йиллар ҳам бўлди. Эллигинчи йиллар бошлангишида «СХМ-48М» машиналарининг бир туркуми Қашқадарёда биринчи бўлиб шу колхоз даласида синаб кўрилди. 4 та ана шундай агрегат пахтазорга киритилди. Уларнинг иш унуми баракали бўлди. Ҳар бир машина билан мавсумда ўртача 80 тоннадан «оқ олтин» йиғиштириб олинди. Бора-бора «зангори кема»ларнинг янги, такомиллашган маркалари пахтачиликка йўлланма олди. Пахта етиштириш билан боғлиқ бўлган оғир меҳнат талаб қиладиган ишларнинг, айниқса, йигим-теримнинг комплекс механизациялашгани қўл меҳнатини тобора енгиллаштираверди. Техника деҳқоннинг пўлат қаноти, ишончли дастёри бўлиб қолди.

Турсунойчилар ҳаракати энди қанот ёяётган олтмишинчи йиллар бошида қишлоқдан Сапогат Усмонова билан Шарофат Муҳиддинова деган азамат қизлар: «Дугоналар, штурвалга!» шиори остида пахтазор майдонига отилиб чиқишди. Тўлғоной ўшанда ҳали ёш бўлса-да, оташнафас опахонларига ҳавас қиларди. Унинг синфни битиргач, механизаторлар тайёрлаш курсига кириб ўқишни кўнглига тугиб қўйган эди. Лекин ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқишнинг иложи бўлмади. Онаизори бетоб

бўлиб қолгач, Тўлғоной ҳам колхозда ишлади, ҳам механик-ҳайдовчилар тайёрлайдиган курсда таҳсил кўрди. Айни вақтда уй-рўзғор ишлари учун ҳам вақт топди. Ёш қиз тез орада эл оғзига тушди. Колхозда ундан кўп пахта терадиган киши бўлмади. Бир неча йил сурункасига кўпмигкилограммчилар карвонига сарбонлик қилди. Бирор мавсумда ун тоннадан кам пахта тергани йўқ.

Одамлар орасида, кўпчилик ўртасида алоҳида ҳурмат қозониш, обрў орттириш ўз-ўзидан бўлмайди. Тўлғоной сидқидилдан қилган беҳимнат меҳнати билан, ёш бўлса-да, кўп ишларга бош-қош бўлганлиги туфайли халққа танилди. Уни бригадирликка кўтаришди. Комсомол-ёшлардан ташкил топган ўн беш кишилик бригада саксон гектар ер очиб, пахта экди. Қўриқ ўзлаштиришга кетган харажатлар дастлабки йилёқ ўзини қоплади — ҳар гектар майдондан пландаги 10 центнер ўрнига 30 центнердан хирмон кўтарилди. Ҳосилдорлик йилдан-йилга кўпаяверди — гектарига 50 центнерни ташкил этди.

Тўлғонойга катта ишонч билдириб, уни VII қақриқ СССР Олий Советига депутат қилиб сайлашди. Ишлар, ташвишлар янада кўпайди. Депутатлик фаолиятини ишлаб чиқариш билан, пахтачиликни ривожлантириш билан бирга қўшиб олиб борди. Унга тағин ишонч билдиришди. 1973 йил октябрь ойида Қарши чўлида ташкил этилган янги совхозга директор қилиб тайинлашди. Ушандан буён Тўлғоной Норбўтаева шу лавозимда ҳормай-толмай меҳнат қилиб келаётир.

Туман сийраклашиб, офтоб юз кўрсата бошлади. Вақт алламаҳал бўлиб қолганди. Энди районга қайтамыз, деб турганимизда Тўлғонойнинг ўзи келиб қолди. Бундан саккиз йил илгари — СССР Олий Совети депутатлигига номзоди кўрсатилган йили — кўрувдим уни. Утган йиллар давомида ўсиб-улғайибди, куч-ғайратга тўлибди, болачақали бўлибди. Беш йилдан ортиқроқ вақтдан буён 5-совхозда директор бўлиб ишлаб, хўжаликни оёққа турғизибди, обрўси янаям баланд бўлибди.

Вақт зик эди. Бунинг устига директорни район партия комитетига қақришаётган экан. Шу сабабли суҳбатимиз жуда қисқа бўлди. У ўз ишларидан, катта хўжаликнинг юмушларидан икки оғиз гапириб берди:

— Бу ерларга асрлар бўйи экин экилмаган. 1973 йилнинг октябрь ойида директор бўлиб келганимда биттагина вагон уйча бор эди, Ҳолос. Вақтни бой бермай қўриқ очишга киришдик. 2500 гектар ер ўзлаштирилиб, 1974 йилнинг илк баҳорида чигит экдик. Уша йили катта қийинчиликларга дуч келдик. Ғўзалар гуллаб, энди кўсаклай бошлаганида гармисел шамоли кўтарилиб, жўчма қумлар гирдоб солиб, ҳосил тугунчаларининг бир қисмини тўкиб юборди. Шунга қарамасдан 2780 тонна пахта топширдик. Чўлда пахта етиштириш кўпая борди. 1978 йилда давлат оморларига етказиб берилган «оқ олтин» 7800 тонадан ошиб кетди. Ҳосилнинг 85 процентини механизаторларимиз териб беришди.

Шу кунларда янги мўл ҳосилга пухта замин ҳозирлаяпмиз. Барча майдонлар сифатли ҳайдаб қўйилган. Бу йил камида 10-миг тонналик «оқ олтин» хирмони бунёд этмоқчимиз. Бошқа тармоқлар ҳам комплекс ривожланыпти. 500 гектар ғалламиниз, 60 гектар боғ ва 20 гектар тоқзор бор. Узумлар ҳосилга кирган, боғларни янада кенгайтирамыз...

Чўли бобо кўриғига ер қўшган, меҳри дарёдек жўшган, қўриқдан қўриққа — дашт ерлардан Нишон чўлига парвоз этиб, бу чўлни гулистонга айлантиришга бево-сита ҳисса қўшган Тўлғоной Норбўтаеванинг режалари катта. Яхши ният, олий ҳиммат, юксак ишонч ва умид билан чўлда бўстон барпо этаётган қўриқ қизига омад ёр бўлсин!

Шогирдлар бўш келмайди

Иброҳимжон қўярда-қўймай ўзи истиқомат қилаётган совхозга олиб борди. Қорадўнг-у Чороғилни, Маржонқўлни кўриб кетасиз, деди. Йўқ дея олмадим. Қўёш булутларни алвон қилиб уфққа ёнбошлаганда совхознинг марказий кўрғонига кириб бордик. Идорага олиб борадиган йўл ёқасидаги каттакон иморат агрофи одамлар билан гавжум. Бино пештоқига йирик ҳарфлар билан «Чаман универмаги» деб ёзиб қўйилган. Биров кираяпти, биров чиқаяпти. Ҳамманинг чеҳраси гулгун. Сотувчи Аҳмад Очиловнинг қўли қўлига тегмайди, харидорлар кўнглини овлайди, улар истаган нарсани топиб беришга ҳаракат қилади. Уша нарса йўқ бўлса, одамлардан буюртма қабул қилади. Икки-уч кунда топиб олиб келиб бераман, деб ишонтиради. Шундаям универмагга зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, газмол, кийим-кечак, пойабзал мўл. «Болалар учун озиқ-овқат маҳсулотлари» деган бўлимда кичкинтойларга нимаики десангиз топилади. Даладан қайтаётган ҳар бир киши универмагга кириб ўтгиси, рўзғор учун янги нарсаларни харид қилгиси келади.

— «Қарширош»нинг 5-ишчлар таъминоти чўлқуварларга яхши қарашяпти, — дейди илғор механизатор Саломат Пардаева. — Бутун мавсум давомида универмагдан хилма-хил озиқ-овқат ва саноят моллари қанда бўлмайди. Ҳозир ҳам шундай. Қаранг, уй-рўзғор учун зарур нарсаларнинг ҳаммаси бор-а!

«Чаман универмаги» баҳона бўлдию бу ерда ажойиб инсонлар билан танишдим, суҳбатлашдим, иноқлашдим. Қўриққа ҳаёт олиб келган бу одамларнинг қайси

бири билан мулоқотда бўлмайн — механизатор Абдуфаттоҳ Қозоқов биланми ёки 50 центнерчи бригадир Нарком Бекмирзаев биланми, бош агроном Дўстмурод Рўзимуродов биланми — хуллас, бари-бариси деҳқоннинг қадрдан дўсти ва маслаҳатгўйи Леонид Ильич Брежневнинг «Қўриқ» эпопеясида бениҳоя руҳланиб, тўлқинланиб меҳнат қилаётганлигини, чўлни дурдоналар дёрига айлантириш учун бундан буён ҳам куч-ғайратини, билим-тажрибасини аямаслигини айтади.

Бугунги кун қаҳрамонларининг қалб кўри, меҳри зиёси билан, қадоқ қўллари билан барпо этилган пахтазорлар, тап-тақир бўшлиқлар ўрнида яшнаб турган боғлар, ҳув анави турнақатор қилиб қурилган ихчамгина бежирим уйларга ҳавас билан боққан киши кўриқ жамоли одамларнинг кўз ўнгида очилиб бораётганлигини кўриб, ич-ичидан қувонади. Усмон Юсупов номли совхозда мен бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

Совхоз 1974 йил кеч кузагида Қорадўнг массивида ташкил этилган экан. Қарши магистрал канали кўплар қатори бу ҳўжаликка ҳам Амударё сувини етаклаб келади. Экин майдонларига 184 километр узунликдаги лотоклар обихаёт ташиydi. Ерлар шўрланиб кетмаслиги учун 360 километрли ёпиқ дренаж, 127 километрли очиқ коллектор-зовурлар қазилган. 4 миллион сўмлик қийматга эга бўлган Р-10 бош канали экинларга жон бағишлайди, кимсасиз чўл сийнасини яшнатади. Мана шуларнинг ҳаммаси ер маданиятини ошириш, бинобарин, мавжуд майдонларнинг ҳосилдорлигини кўпайтириш зарурлигини тақозо этади. Демак, тупроқ структурасини яхшилаш мақсадида даставвал алмашлаб экишни кенг жорий этиш лозим. Шу хусусда совхоз директори Ҳайитмурод Фармонов бундай дейди:

— Ер билан тиллаша билиш керак. Унинг «сир»лари кўп. Қанақа дейсизми? Чунончи, бир ерга ҳадеб сурункасига бир неча йил бир турдаги экин экилаверса, унинг қуввати кетади, ориқланади, тупроғи унумсиз бўлиб қолади. Бундай ер, олимлар тили билан айтганда, монокультурага айланади. Бунга йўл қўймаслик ва ҳосилдорликни тобора ошириб бориш учун эса далаларни турли хил экинлар билан алмаштириб туриш лозим. Биз пахта-беда-маккажўхори алмашлаб экишнинг 9 далали схемасини танлаганмиз. Ҳар бир дала 150 гектардан иборат бўлади. 1980 йилга бориб алмашлаб экишни 100 процент ўзлаштириб бўламиз.

Донишманд деҳқоннинг бу гапларида ҳаёт ҳақиқати борлигини қўйидаги рақамлар ҳам исботлаб турибди:

— Совхоз ташкил топган йили ҳар гектар майдондан бор-йўғи 14 центнердан ҳосил олинган эди. Алмашлаб экиш жорий этилгандан сўнг ҳосилдорлик йил сайин кўтарилaverди. Беш йилликнинг зарбдор йилида эса 30 центнерни ташкил этиб, ялпи хирмон салмоғи салкам 10 минг тоннага етказилди. Шунча пахтанинг 90 процентдан кўпроғи машиналарда терилди. Нарком Бекмирзаев, Даминхон Бўронов, Ойдин Қодирова ўртоқлар бошлиқ бригадаларда гектар бошига 50 центнердан зиёд хирмон кўтарилди.

Мана бу рақамлар янада жозибали: ҳўжалик бўйича 1974 йили 2 миллион сўмга етар-етмас даромад олинган эди. 1978 йилги даромад 7,5 миллион сўмдан ошиб кетди. Қандай катта тафовут бор-а!

Ҳалол меҳнат эвазига келган даромад совхозга, унинг одамларига нималар берапти? Бу саволга лоақал кейинги пайтларда амалга оширилган социал-иқтисодий тадбирлар жавоб бўла олади. Чунончи, соф даромад ҳисобига 1—4-синф ўқувчилари сут маҳсулотлари билан бепул таъминланмоқда. Бу йил уларнинг мактаб ошхонасидаги овқати ҳам текин бўлади. Уч юз олтмиш бош қорамолга мўлжалланган чорвачилик комплекси қурилди. Бу ҳам соф фойда ҳисобига. Пахта етиштиришни кўпайтиришдан келган қўшимча даромад 27 гектар майдонда тоқзор, 22 гектарда боғ, 7 гектарда бодомзор барпо этиш имконини берди. Одамларнинг даромади кескин кўпайганлигини айтмайсизми!? Биргина механизатор Иброҳимжоннинг ўзи совхоздан бир йилда тўрт минг сўмга яқин пул олди. Бундай мўл даромад олган одамлар ўнлаб топилди.

Чўл бағрини яшнатаётган одамлар ана шундай яшаптилар. Буни қўшни Чўли Бегимқулов номли 9-совхозда ҳам кўрдим. Бу совхозда қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқаришнинг моҳир ташкилотчиси ва жонкуяри, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, марҳум Чўли бобо Бегимқуловнинг муносиб шогирдларидан бири — Сувон Баротов директорлик қилади. Мен уни олтмишинчи йиллардан буён танийман. Маккажўхориға бригадир эди ўшанда. Кейинчалик колхозга раис бўлган, ишда ўзини кўрсатган. Мана бир неча йилдирки, совхоз директори. Чўли Бегимқулов номи билан аталадиган бу совхоз — областдаги донгдор ҳўжаликлардан. 1978 йилда ҳам пахтадан юқори ҳосил етиштириб, илғорлар сафидан ўрин олди.

Чўли бобо бир вақтлар чўлда пахта ўсишини, ҳамма нарса бўлишини орзу қилган эди. Шогирдлари сира бўш келмай, унинг орзусини рўёбга чиқаришяпти.

— Чўлда инсон учун ҳамма нарса бўлиши шарт, — дейди Сувон Баротов. — Гўшт, сут, ёғ, сабзавот, мева-чева, қовун-тарвуз бор экан, нега балиқ бўлмаслиги керак?! Шунини эйтиборга олиб, кўл қазидик, унда балиқ боқяпмиз.

Чўлда кўл! Бундан атиги 5—6 йил илгари ичгани сув топилмасди бу чўлда. Бугунги кунда унинг сийнасида кўм-кўк кўл мавж уриб ётибди. Чўлқуварлар кўлни тагин икки баравар кенгайтиришмоқчи.

— Чўлдаги кўлимизга ном қўйиб беринглари! — деб қолди Сувон Баротов.

— Маржонкўл, ё бўлмаса Чўликўл... марҳум Чўли бобо хотираси учун Чўликўл деб ном қўйилса ёмон бўлмас...


Билмадик, қандай ном қўйди улар кўлга. Лекин қақроқ чўл бағрида зилол сувли кўлнинг чайқалиб туриши — Чўли бобо орзуларининг рўёбга чиққанлигидан нишона.

Совхозда маъмурчилик комбинати ҳам бўлади. Одамлар рўзгор учун зарур бўлган маҳсулотларни шу комбинатдан харид қилишади. Уша кун узоқ эмас.

Совхоз марказий қўрғонини томоша қилиб юрганимизда ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг «Кўриқ» хотираларидаги мана бу сўзлар тил учига келди:

«...Кўриқ дегани — ҳайдалган ер деган маънодангина иборат эмас. Кўриқ деганда уй-жой, мактаблар, касалхоналар, болалар боғча ва яслилари, клубларни ҳам, янги йўлларни, кўприкларни, аэродромларни ҳам, чорвачилик қурилишлари, элеваторлар, омборлар, заводларни ҳам — хуллас, аҳолининг нормал ҳаёт кечириши учун, замонавий қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш учун зарур бўлган нарсаларнинг ҳаммаси тушунилади».

Буларнинг барчаси ана шу совхозларда муҳайё эканлигини кўриб, ич-ичингдан қувонасан, киши!





Муҳсин Қодиров

ҚЎШИҚ, УНИНГ БАХТИ

Истеъдод ва маҳоратнинг кучи шундаки, оддийгина бир қўшиқ яхши хонанданинг нафаси билан янгиланади, янги жилваларда товланиб, кўркамлашади, фавқуллодда таъсирли бўлиб кетади. Зотан, истеъдодли санъаткор қўшиққа қанот ато қилади. Қўшиқ ҳам ўзининг беқиёс ижрочисига шуҳрат келтиради.

Совет Иттифоқи халқ артисти Саодат Қобулованинг номи айтилганда беихтиёр «Дугоҳ» мақомини эслаймиз. Чунки санъаткор ушбу классик ашулани меҳр-муҳаббат билан яйраб, тўлқинланиб, куй ва сўзларнинг ич-ичига сингиб ижро этади. Хонанда бутун борлиғи билан куй ичида сузиб юргандай туюлади, тингловчи назарида. Муҳаббат ва эзгулик билан лиммо-лим бўлган катта қалб ҳақида ҳикоя қилувчи дostonдай жаранглайди, ашула.

«Дугоҳ»ни атоқли ҳофизларнинг кўплари ижро этганлар. Саодат Қобулованинг «Дугоҳ»и ҳам ўзгача янграйди. У шоир Собир Абдулла ғазали билан озод ўзбек аёли ҳақида, унинг чуқур ҳис-туйғулари, қадри, мардонаворлиги ҳақида куйлайди. Саодатхон «Дугоҳ»ида ҳаяжон, интизорлик, висол ташналиги, эзгулик мадҳи бор, аммо мунг, илтижо унга бегона. Унда юракларни ўртагувчи нола бор, бироқ бу — нолиш эмас, катта қалб меҳр-саховатининг ифодаси. Шу боис Саодат Қобулованинг «Дугоҳ»и тингловчи ва томошабинларни тўлқинлантиради, эзгуликка чорлайди, уларнинг руҳини тозалайди.

Саодат Қобулова — халқ орасидан етишиб чиққан, халқ музикаси ҳамда созандалари ва бастакорлари муҳитида тарбия топган, опера сахнасида ҳам ана шу миллий аъёналар руҳи билан камолга етган, халқ ашулачилиги билан опера ашулачилиги услубини бир-бирига ажойиб пайванд қилиб, тингловчиларга манзур бўлиб келаётган баркамол санъаткор.

Куйга, ашулага меҳр Саодатда жуда ёшлиқдан уйғонди, Гўзал Фарғона табиати, чинорлар, ариқлардан шарқираб оққан зилол сувлар, узоқ-узоқлардан мағрур



қараб турувчи қорли тоғлар, ёмғирдан сўнг осмон гумбазида кўринган ранг-баранг камалак, тўй базми ва байрамлардаги шодиёналар Саодатда гўзаллик туғусини кучайтирар эди. Айниқса, меҳрибон онаси баъзан ўзи ёлғиз қолганда, дуторни қўлга олиб, майин хониш қилиши Саодатда кучли таъсир қолдирарди. Мактабда ўқиб юрар экан, Саодат ашула тўгарагига қатнашди ва бирин-кетин ойиси ва бошқалардан эшитган қўшиқларни айта бошлайди. Кунларнинг бирида атоқли ҳофиз Жўраҳон Султонов Саодатнинг ашуласини эшитиб қолади. Қора мағиздан келган жамалак соч, шахло кўз, чит кўйлаги ўзига ярашган, тийрак қизчанинг кўнғироқдай овози ҳофизни лол қолдиради... Саодатхон 16 ёшида Муқимий номидаги Ўзбек Давлат музикали драма ва комедия театрига қабул қилинади.

Саодат Қобулованинг санъатдаги дастлабки қадамлари Жўраҳон Султонов эътибори, Тўхтасин Жалилов мураббийлиги, Фанижон Тошматов, Холхўжа Тўхтасинов, Дони Зокировларнинг яқиндан берган ёрдамлари туфайли бардам бўлди. Муқимий театрида ишлар экан, ҳам ашула айтиш, ҳам сахнавий образ яратиш йўлларини кунт билан ўрганди. Улуғ Ватан уруши бораётган оғир йиллар эди. Ёш актриса чидам билан санъат асосларини ўзлаштиришга киришди. Уша йиллари Саодат Қобулова куйлаган «Қаро кўзлар» (Б. Мирзаев шеъри, Х. Тўхтасинов куйи), «Айлагач» (Навоий шеъри, Х. Тўхтасинов куйи) каби ашулалар фронт учун меҳнат қилаётган кишиларга, госпиталларда хаста ётган аскар йигитларга оптимистик кайфият, ғалабага ишонч руҳини бағишлади. Музикали драмаларда актриса эпизодик роллардан бош қаҳрамон образини яратишгача бўлган йўлни босиб ўтади.

Истеъдодли санъаткор халқ қўшиқларини ижро этишда, сахнавий образ яратишда қониқарли ютуқларга эришган бўлса-да, ўзида билим ва профессионал маҳорат етишмаслигини чуқур ҳис этар эди. Ниҳоят, Саодатнинг орзуси ушалди—1948 йилда у Москва Давлат консерваториясидек каттакон музика дорилфунунига ўқишга қабул қилинди. Саодат Қобулова 7 йил давомида рус вокал мактаби намояндалари қўлида таҳсил кўрди, рус опера санъатининг энг яхши намуналаридан баҳраманд бўлди. Айниқса, вокалдан сабоқ берувчи асосий домла—профессор Дора Борисовна Белявская ёш Саодатнинг малакали опера ашулачиси—актрисаси бўлиб етишуви учун кўп меҳнат сарф қилди. Белявская талабанинг овозини тарбиялашда овоз хусусиятларини ҳисоблашга, унинг миллий таровати ва оҳангдорлигини сақлаб қолишга ҳаракат қилди. Аста-секинлик билан Саодатни Чайковский, Бизе, Верди, Пуччинни каби буюк композиторларнинг сеҳрли музика дунёсига олиб кирди.

Саодат Қобулова Пуччинининг «Чио-Чио-сан» операсидаги Мадам Баттерфляй партиясини тайёрлаб, давлат имтиҳонидан муваффақиятли ўтди. Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат опера ва балет театрининг дирижёри, композитор Толибжон Содиқов имтиҳонда иштирок этди ва ёш истеъдоднинг ютуғидан бениҳоя қувонди, уни табриклаб, ўз театрига ишга таклиф этди. Театрга ишга келган куниде «Гулсара» операсининг Асал партияси ноталари Саодатхоннинг қўлига тутқазилади. Зеро, ўта нафис овозли (музикашунослар тили билан айтганда лирик колоратурали сопрано овозли) актриса ўзбек опера сахнаси учун бебаҳо топилиқ эди.

«Шу-шу опера театрида ишлаб кетдим,—деб ҳикоя қилади С. Қобулова.—Жуда бахтиёр эдим. Ҳалима Носировадай йирик санъаткорлар билан ёнма-ён ишлаш мен учун чинакам бахт эди, айни чоқда менинг зиммамга юксак масъулият юкларди. Мен меҳнатдан қочмадим. Москвада олган таълимни амалда синая кўришга, устозлардан ўрганишга, ҳаракат қилдим. Толибжон Содиқов билан Рейнгольд Глиэрнинг «Лайли ва Мажнун» операсидаги Жамила роли (мен учун махсус ёзилган) Алишер Навоий номи театрга яратган илк образим, опера солисти сифатидаги фаолиятимнинг дебчаси бўлди. Мутахассислар, ҳамкасбларим мени қутлашди. Бу нарса менда ўз кучимга ишонч уйғотди. Аммо арияларни қаҳрамон ҳолатларига сингдириш, тўлақонли сахнавий образ яратиш йўлларини ҳали яхши билмасдим, назарий жиҳатдан тушунсам-да, бу ҳадеганда рўёбга чиқавермас эди. Мана шу ишларда менга дирижёр Н. А. Гольдман ва режиссёр В. Г. Навроцкий яқиндан ёрдам беришди. Ҳар бир роль устуда ойнаб ишлардик. Дастлабки йилларда классика меросига алоҳида эътибор бериб, қанча оғир бўлмасин, Вердининг «Риголетто» ва «Травиата» операларида Жильда билан Виолетта, «Севилиялик сартарош» операсида (Россини) Розина партияларини рус тилида ижро этдим. Айни чоқда ўзбек операларида ҳам партиялар ижро этишим. бунинг учун юксак техникани сақлаганим ҳолда овозимдаги миллий оҳангдорликни, жозибани кучайтиришим лозим эди. Мана шу йўлда анча тер тўкишга тўғри келди...»

Дарҳақиқат, маҳорат ва шухрат тинимсиз меҳнат билан қўлга киритилди. Саодат Қобулова шундай қилди. Ўзбек томошабинларининг қалбига йўл топиш, операни мароқ билан тинглашга ўргатиш ниятида кунни тунга улади, изланди. Ичидан тўлкинланиб келувчи, уфқи кенг ва баланд овознинг халққа яқин ва таъсирли оҳангдорликка ва шира-нафосатга эга бўлиши устиде эринмай ишлади. Бу ишда дирижёрлардан Толибжон Содиқов, Мухтор Ашрафий ва Фазлитдин Шамсиддиновларнинг дўстона берган ёрдамлари ва маслаҳатлари қўл келди. Натижада Саодат Қобулованинг миллий репертуарида яратган Жамила («Лайли ва Мажнун»), Асал («Гулсара»), Зухра («Тоҳир ва Зухра») образлари томошабинлар томонидан мамнуният билан қабул қилинди.

Хусусан, Зуҳра санъаткорнинг образни ҳам вокал, ҳам сахнавий хатти-ҳаракат жиҳатдан мустақкам боғлаб олиб боришда, опера санъатида миллий оҳангдорликка эришиш бўлиб жиддий ютуқни қўлга киритганидан дарак берди. Зуҳра ролида чиқишни актриса Муқимий театрида ишлаб юрган кезларидаёқ кўнглига тугиб қўйган эди. Орзуси 10 йилдан сўнг амалга ошди. Композиторлар Тўхтасин Жалилов билан Борис Бровцин Зуҳра партиясини Саодат Қобулова овозига мослаб қайта ишлаб бердилар. Актриса мусикий материалга бой, бутун воқеалар ичидан ўтувчи, тўқнашувларда муҳим ўрин тутувчи Зуҳра партиясини тўла-тўқис ўзлаштириш бўйича режиссёр Э. И. Юнгвальд — Хилькевич ва дирижёр Н. А. Гольдман раҳбарлигида жиддий иш олиб бориб, ўзига хос сахнавий образ яратишга муваффақ бўлди. Арияларни ижро этаркан, актриса оҳанг ва нолалар орқали қаҳрамоннинг лирик кечинмаларини, ички изтиробини, шунингдек, ўзига яраша руҳий исёнини ифода этишга ҳаракат қилди. Зуҳранинг Саодат Қобулова ижро этган «Сув келар», «Ишқ сели» каби ариялари тингловчи ва томошабинлар қалбидан ўрин топганлиги шундан гувоҳлик бериб турибди.

Саодат Қобулова қатор ўзбек операларида етакчи ролларда чиқиб, қалбларни ажиб ҳис-туйғуларга чулғовчи овози, сахнавий жозибаси ва маҳорати билан томошабинларни шайдо этиб келди. Муҳаббат ва садоқатни, дўстлик ва фидойиликни, яхшилик ва муруватни куйлади, тарғиб этди, шу йўл билан қанчадан-қанча қалбларга гўзаллик ва эзгулик уруғини сочди. Биз бу ўринда санъаткор яратган Ойхон («Майсаранинг иши»), Лайли («Лайли ва Мажнун»), Ҳури («Зайнаб ва Омон»), Санобар («Ҳамза»), Гулнор («Зулматдан зиё»), Зарина («Сўғд элининг қоплони») образларини назарда тутмоқдамиз. Бу образларнинг ҳар қасиси — бир дунё, турли даврлар, турли итимоий муносабатларни ўзида акс эттиради. Характер жиҳатидан ҳам улар бир-биридан фарқ қилади.

1977 йилда Саодат Қобулова томонидан яратилган Зарина илгариги образлардан тамомла фарқ қилади. Зарина — гўзал қиз. Унинг сўғд элининг баҳодир ўғлони Спантамонга бўлган севгиси ҳам самимий. Бироқ у — иродаси бўш, сезгилари мўрт, шон-шавкат, маликалардай давру даврон суриш учун севгисидан ҳам воз кеча оладиган, бу йўлда ҳиёнат у ёқда турсин, қотилликкача бора оладиган жувон. Санъаткор Заринанинг ана шу бир-бирига қарама-қарши томонларини, мураккаблигини ишонарли шаклларда гавдалантиришга ҳаракат қилди.

Образларнинг ҳам мазмунан, ҳам мусикий ранг-баранглиги Саодат Қобулова ижодий имкониятларининг кенглигидан нишонандир. Мазкур образлар санъаткорнинг граждандлик позицияси ва ижодий дунёқарши билан йўғрилган.

Назаримизда, Саодат Қобулованинг миллий опера репертуарида эришган энг катта ютуғи, шубҳасиз, Мухтор Ашрафийнинг «Дилором» операсидаги Дилором образидир. «Дилором» спектаклида буюк Алишер Навоий даҳоси билан бунёд бўлган сарвиноз хонанда Дилором ва беназир рассом Монийнинг муҳаббат фожиаси ўзининг ажойиб замонавий талқинини топади. Опера театрининг кўп сонли ижодий коллективи, жумладан Саодат Қобулова ушбу асар устида шавқ-завқ билан иш олиб борадилар. Қобулова Дилором партиясини барча вокал ва актёрлик имкониятларини сафарбар этган ҳолда, астойдил берилиб, меҳр билан ижро этди. Арияларда актриса лирика, майинлик билан бир қаторда қаҳрамонликка ҳос оҳанглари беришга интилади. Зеро, буни образ моҳияти тақозо этарди. Бир чўри қиз Дилором шаҳоншоҳ Баҳромга зид сўзлашга, унинг хоҳишларига кўндаланг бўлишга журъат этади, унинг тожу тахтидан оддий рассом Монийни устун билади, қулларча яшагандан кўра қалбидан муҳаббат билан бу дунёдан кўз юмишни афзал кўради. Дилором образини шу тахлитда гавдалантириш учун актриса унинг санъаткорлигини, дилбарлигини, қайноқ қалбга эгаллигини кўрсатиш билан бирга қатъияти, бир сўзлиги, лозим ўринларда истеҳзоли, қаҳр-ғазабли бўла олишини ҳам ишонарли тасвирлай олиши лозим эди. Худди шундай бўлди ҳам. Актриса Дилоромни ўзида меҳнаткаш халқнинг энг яхши фазилатларини жамулжам этган, чўри бўлса-да, мағрур, озодликка бутун вужуди билан интилувчи, қалбан ҳур ва руҳан исёнкор сифатида гавдалантирди.

«Дилором» 1959 йилда Москвада ўтказилган ўзбек адабиёти ва санъати декадасида юксак баҳо олди. «Спектакл зўр қизиқиш билан томоша қилинади,— деб ёзган эди «Правда» газетаси ўзининг 1959 йил 15 февраль сониди,— унда ёрқин, қизиқарли чиққан сахналар кўп. Опера музикаси оҳангдор, ўз тузилишига кўра миллий, томошабинни ўзига ром этади. Операдаги музикали хатти-ҳаракат бутунлиги, яхши ўйланган партитура, драматизми билан эътиборлидир. Дилором ва Моний образлари асосан ишонарли ёритилган. Уларнинг ҳис-туйғулари қатор чиройли арияларда очиб берилади».

Мана йигирма йилдирки, «Дилором» операси сахнада. У давр синовидан яхши ўтиб, томошабинлар қалбидан муносиб ўрин олди. Бунда ҳам талабчан санъаткор Саодат Қобулованинг улуши бор.

Саодат Қобулова опера театрининг атоқли кишилари қаторидан ўрин олган, бир-биридан мураккаб образлар силсиласини яратиб, сахна тарихига бутун бир боб қўшган бўлса-да, ҳамон концертларда ашула айтишни тарк этмайди. У Совет Иттифоқининг кўплаб сахналарида ўз санъатини, ўзбек санъатини муносиб равишда тараннум этиб келади.

Опера яккахони, ажойиб хонанда ўз санъатини чет элларда ҳам юксак савияда намойиш этди. 1955 йил охири ва 1956 йил бошларида бир группа ўзбекистонлик санъаткорлар билан Ҳиндистон ва Бирмада бўлиб, концертларда «Гулсара»дан Асал арияси билан «Чапандози наво» (Ҳофиз ва Собир Абдулла шеърлари) мақомини ижро этди ва олқиш олди. Шундан сўнг Болгария, Германия Демократик Республикасида бўлди. Канаданинг Монреаль шаҳрида ўтган «ЭКСПО-67»нинг Ўзбекистонга бағишланган ҳафталигида ўз санъати билан иштирок этди.

Саодат Қобулова ҳамма жойда томошабинларнинг олқишига сазовор бўлди. Аммо қарсақлар ва шон-шухрат уни ҳеч қачон эсанкиратмади. Заҳматкаш санъаткор изланишни тарк этмади. Композиторлар билан ҳамкорликда янги асарлар устида иш олиб борди. Мутаваккил Бурҳонов, Манас Левиев, Сулаймон Юдаков, Дони Зокиров, Комилжон Жабборов, билан яратган «Келса ногоҳ», «Булбул», «Бу кўнгул», «Оқ қаптар» сингари қатор кўшиқ ва романслари бунга мисол бўла олади. Хонанда ҳар бир кўшиқ, ҳар бир романсини ичига кириб, ўзиники қилиб олмагунча қўймайди. Ҳар бир кўшиқ мазмунига мос мусиқий ва сахнавий образ яратишга интилади. Қўшиқни аниқ туйғулар ва ҳаяжонлантирувчи ҳолатлар билан йўғириб, қалбдан қўйлайди. Натижада ҳар сафар кўшиқ, романс ўз ижрочисининг кўнгил торидай жаранглайди.

Саодат Қобулова ҳамон икки буюк сарчашмадан ўзиқланиб келади. Бу сарчашманинг бири классик опера музикаси бўлса, иккинчиси миллий музика меросидир.

Саодат Қобулованинг ижодий режалари бир жаҳон. Бу йўлда санъаткорга омад ва янги ижодий ютуқлар тилаймиз.





БОЛАЛАР СЕВГАН ШОИР БОБО

ИЛЭС МУСЛИМ 70 ЕШГА ТЎЛДИ.

Устозлар, болалар шоири бўлиш учун жуда кўп фазилатларга эга бўлиш зарур, дейишади.

Энг биринчидан қобилият; бунга қўшимча болаларча соддалик, кўнгли поклик, болаларча ишқувчанлик, қизиқувчанлик ва болаларча одобга эга бўлиш билан бирга меҳрибон тарбиячи бўлишни тақозо этади.

Мен бу фазилатларни болаларимизнинг ардоқли шоири Илём Муслимда тўлалигича пайқаб юраман, ҳавасим келади.

Кўпгина мактаблардаги адабий учрашувларга бирга боришга қизиқаман. Илём оға болаларга шеър ўқишдан олдин улар билан саломлашади, ҳол-аҳвол сўрайди, кўнглига йўл топиб олади. Шеър ўқиётган пайтда ўзи бола бўлиб кетади, гоҳо тортинадди, уялинқирайди, шунингдек баъзида,

устоз бўлиб ширин сўзлар билан болалар кўнглини топади, ҳурматини қозонади, олқишларига сазовор бўлади, шунақа ҳолатларнинг бир неча бор гувоҳиман. Бундан чиқди, Илём оғанинг ёзган шеърлари ҳам шоир фазилатларининг ижод ҳосили мевасидай барчага маъқул ва манзур, дейиш жоиз.

Шоир Илём Муслим ижоди ўрганишга, ибрат олишга арзийди. У содда, тушунарли қилиб ёзади. Барча шеърларида шеъринг маданият мавжуд, қиссадан ҳисса — шеъринг яқун бор.

У кўпчилик шеърларида яхшиликни тарафдорлик қилади, қаранг, ўзи яхши фазилатли одам бўлгани учун шундай одоб сақлаб ёзадики, болаларни танқид қилиб ёзган шеърларида ҳам уларнинг бошини силаб туриб «энди бунақа ножўя қилиқ қилмагин», деб насиҳат қилаётган отага, устозга ўхшаб туради.

Шоирнинг мавзу доираси актуал ва ранг-баранг. У дўстликдан тортиб тинчликкача, бахтли болалиқдан тортиб ватанпарварликкача, меҳнату ҳунардан тортиб, билим олишгача шеър, қўшиқлар битиб келмоқда.

Шоирнинг «Ширинак» деган шеъри бор. Бу шеър кўп тилларга ҳам таржима қилинган. Доимо болалар севиб тинглашади, ширин қовун егандек тамшанишади. Чунки бу шеърда болалар қовунполизга боришиб, ширинак ўйнашади. Деҳқон болаларнинг дидини синайди, кўпчилик бола танлаган қовунлар ҳам ширин чиқадию, қовун илмини билган деҳқоннинг қовуни янада яхшироқ чиқади, иштирок этган ширинакчилар ҳам, ўқувчи ҳам кўп нарса билиб олади.

Илём оғанинг кўпчилик шеърлари воқеабанд. Болалар суҳбати, баҳси бор. «Савол-жавоб» шеърида Лола деган қизалоққа савол беришса, ҳамма саволларга ўринли ва қизиқ жавоб топа олади, қойил қилади.

— Қир, тоғларни алвон гул —
Қоплаб ётса-чи, буткул,



Нима ёқади Лола?

— Менинг адашим Лола.

«Ойлар айтишуви» шеърида ҳар бир ой ўз фазилатини мақтайди, болаларга кўпгина янгилик беради, кўпчилик учрашувларда болалар ойлар ролини бажариб чиқишганини кўрганман. Шоир топқирлигига қойил қолганман.

Шоир кичик мавзуларда ёзган шеърларидан ҳам катта хулоса чиқара олади. Шунингдек йирик мавзуларни болаларга осон тушунтириш қобилиятига эга. Бундан бир неча йиллар олдин ёзилган «Жаҳон болаларининг талаби» шеъри шу кунларда шунда актуал жаранглайдики, гўё бу «Болалар йили»га бағишлангандай:

Ер юзидаги амакижонлар,

Шундай илтимос бордир сизларга:

— Чиқарманг қурол, оқмасин қонлар,

Китоб, ўйинчоқ беринг бизларга!

Шоирнинг кўпчилик шеърлари қўшиққа айланган.

Аъло ўқишдир бурчим,

Сарф этаман бор кучим.

Ишлайман халқим учун,

Қадрдоним мактабим.

Уттиз йилча илгари ёзилган «Мактабим» шеъридаги бу сатрларни қайси бола қўшиқ қилиб куйламаган дейсиз?!

Шунингдек, талай шеърлари ўқувчиларнинг дарслик китобларида яшаб келмоқда. Болалар уларни ёд олиб байрам ва учрашувларда севиб ижро этишади.

Илёс оға болалар шоиригина эмас, моҳир таржимон ҳам. Айниқса қардош халқлар, жумладан қирғиз болалар ёзувчиларининг асарларини таржима қилишда доимо тер тўкмоқда.

Шоир рус халқ эртаклари дурдонаси — «Бўғирсоқ»ни таржима товасида шундай пиширганки, уни ўқиб қойил қолмаслик мумкин эмас:

Мен бўғирсоқ, бўғирсоқ,

Супрадаги ун-урвўқ

Супуришиб олдилар,

Қаймоққа хўп қордилар.

Пиширдилар товада,

Совутдилар ҳавода...

Ҳозирга қадар шоирнинг 25 га яқин ранг-баранг китобларини фарзандларимиз ўқиб вояга етишмоқда. Айниқса, унинг кейинги йилларда ёзилган шеър ва дostonларидан, қўшиқ ва эртакларидан жамланган «Биринчи совға» тўплами ўзининг мукамаллиги, шоир ижодини яққол намоён қилиши билан бошқа китобларидан ажралиб туради.

Шоир Илёс Муслим болалар адабиётимизнинг йирик вакили бўлиши билан бирга, шу адабиётнинг чинакам заҳматкаши, самимий жонқуяри ҳам. Яхши китоб учун суюнади, ёмон китоб учун куюнади.

Илёс оға кўп йиллар ноширлик қилиб болалар китобларининг кўпайишига ҳисса қўшиб келди. Жуда кўп болалар шоирларига устозлик, ғамхўрлик, меҳрибонлик кўрсатди. Мисол учун, менинг биринчи китобим «Сайранг, қушлар»га, шунингдек ўнга яқин китобимга муҳаррирлик қилганлари, ижодий кўмаклари учун қўлим кўксимда — таъзимдаман.

Қаранг, Илёс оға ҳалол яшаб, ҳалол ижод қилиб 70 ёшга етибдилар. Табарруқ ёш! Болаларнинг бобо ёшли шоири бўлиб яшайверинг, ижод эта беринг.

Шогирд ва сафдошларингиздан бири:

Пўлат МҶМИН.





ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИНГ УЛКАН ДЎСТИ

ЖАЛОЛ ИКРОМИЙ ЕТМИШ ЕШДА

«Ёзувчи бўлиш улкан бахт ва шарафдир. Бу ҳар кимга ҳам муяссар бўлмайди. Мен ёзувчиман деган сўз, мен маънолар ижодкориман, мен оламлар, одамлар, воқеалар ва яхшию ёмонни яратаман, мен ижод қиламан демакдир. Ёзувчининг қалами мўъжизакордир; у инсон руҳини янгидан яратади, у ақл-идрок билан фикр юритади, баъзиларни хоксорликдан осмонни фалакка кўтаради, баъзиларни қибру ғурур осмонидан ерга уради; йўлдан адашганларга йўлчи юлдуз бўлмоғи, аламзадаларга ҳаётбахш қуёш бўлмоғи даркор». Ёзувчилик борасида ана шундай фикр юритган машҳур тожик ёзувчиси, Рудакий номли Тожикистон Давлат мукофотининг лауреати Жалол Икромий 70 ёшга тўлди.

Бўлғуси ижодкор ёшлигидан китобга кўнгили кўйди. Қўлига тушган ҳар қандай китобни кунт билан завқланиб ўқийди. Бутун борлиғи билан берилиб мутолаа қилади. Тасвирланган воқеалардан шодланиб, қувончдан ўзига келолмасди, аламли ҳодисалардан эса қайғуга ботарди. Тинмай мутолаа қилиш унинг қўлига қалам тутқазади.

Ва у илк бора шеър битади. Шеърини ўз курсдошлари — Бухоро ўқитувчилик институтининг талабаларига ўқиб беради. Жалол Икромийнинг бахтига 1927 йили устод Садриддин Айний Бухорога ташриф буюради. У дўстларининг маслаҳати билан устод ҳузурига бориб, унга шеърини кўрсатади. Айний шеърни ўқиб, унга ҳикоя ёзишни тавсия этади. Роса бир ҳафта қаламу қоғоздан бош кўтармайди. Ниҳоят, ҳикоя битади. Уни «Хаёл» номи билан атаб, сарлавҳа остига «Бухоро Регистонида бир кеча» деб ёзади. Ҳикояни устод Айний қаттиқ таҳрир қилади ва уч ой ўтгандан сўнг «Роҳбари дониш» журнаליда босилади.

Бу ҳол зийрак ёш ёзувчи учун ўзига хос катта мактаб бўлади. Бошловчи ижодкор учун доно, талабчан, аини вақтда ғамхўр ва меҳрибон устод топмоқ катта бахтдир.

Жалол Икромий илк ҳикоялар тўпламини «Ҳаёт ва ғалаба» номи билан эълон қилади.

Шундан кейин унинг бирин-кетин 1934 йили «Икки ҳафта» ва бир йилдан кейин «Уқилон», 1936 йили «Москвадан нима келтирдиг» қиссалари ўқувчиларга армуғон эти-

лади. Бу асарларда қизил аскарларнинг босмачиларга қарши кураши, сув ва ер ислохоти ўтказиш учун олиб борилган жонбозликлар ҳаётини тасвирланган. Воқеаларни эпик планда кенг қамров билан тасвирлашга бўлган иштиёқ уни роман жанрига мурожаат этишга ундади. Шунинг натижасида 1940 йили «Шоди» романининг биринчи қисми нашр этилди. Асарда колхозлаштириш учун олиб борилган ҳаракатлар, колхозчиларнинг яшаш шароити бадий бўёқларда ўз ифодасини топган. Ёзувчининг Улуғ Ватан уруши йилларида яратган «Днепр қахрамони», «Танклар қирувчиси ҳақида қисса» ҳикоя ва очерклари ҳамда кейин яратилган «Муҳаббат жавоби», «Ситора», «Мен айбдорман» сингари қатор асарлари ўқувчилар томонидан илиқ кутиб олинди.

— Агар ёзувчи, — деб ёзади Жалол Икромий, — ўз мавзусини, ўз иш доирасини ўз ёзувчилик ўрнини топса, ўзини адабиётда худди сувда сузган балиқдай сезади. Мен анча вақтгача, тахминан эллигинчи



йилларгача ҳақиқий ўрнимни ва ишим доирасини дурустроқ топмасдан юргандим. Бу, албатта, осонлик билан қўлга кирмайди. Одам ўзини ҳар томонга уради, баъзан адабиётнинг йўлак ва тор кўчаларида йўлни йўқотиб юради, жон куйдиради, аммо ўз асосий мавзусини топмайди. Бу, гўё, бирданига, илҳом билан қўлга келади. Мен «Олов қизи» романини ёзишдан аввал ўтган кунлар мавзуида ўзимни синамоқчи бўлдим...

Ёзувчи бу борада ўзини синаб куриб «Ўргимчак» қиссасини ёзади. Асарда Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаги Бухоро ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади. Қисса Ҳаҳрамонлари янги турмуш душманларининг найранг ва фитналарини — ўргимчаклар тўқиган тўрларни матонат билан бузиб ўтадилар. Қисса тез вақт ичида ўқувчилар ва мунаққидлар эътиборини ўзига тортади. Бу эса ёзувчинини руҳлантириб юборади. Энди у кўп йиллардан бери ўйлаб юрган тарихий-инкилобий мавзуида катта асар яратиш иштиёқида ёнади.

Ниҳоят, ёзувчи бу мавзуни ёритишга асос бўладиган воқеа ва ҳодисаларни топди. Бу Бухоро хотин-қизларининг ҳаёти, кураши, орзу-умидлари ифодасини тақозо этарди. Ёзувчи бунинг учун тинмай изланди роман учун тарихий ва ҳаётий материал тўплади. Уз қаҳрамони учун прототип изларди. Изланишлар уни етмиш ёшли пенсионер, Саломат Жаҳонгирова билан учраштарди. Бу аёл тимсолида ўз қаҳрамонини топгандай бўлди. Саломат Бухоролик хотин-қизлар ўртасида биринчилар қаторида паранжи ташлаб, янги ҳаёт учун қаттиқ курашган, Совет идораларида муваффақиятли ишлаган доворак аёл эди.

— Саломат Жаҳонгирова менга ўзини ёшлигидан тарбиялаб вояга етказган буви-си тўғрисида ҳикоя қилди. У ҳикоя қиларди-ю менинг кўз ўнгимдан Дилором канизакнинг жасорати ва саргузашти бирма-бир ўтарди. Айниқса, кимсасиз ҳовлида ўн икки ёшли Саломат қўлида жон берган бувининг ҳолати, унинг жасади ёнида тонггача кўз ёши тўкиб ўтирган қизалоқнинг изтироби мени қаттиқ жунбўшга келтирди. Худди ана шу воқеа ҳамиртириш вазифасини ўтади. Кейин фантазия ва ижодкорлик олами ҳаяжонга тушди. Романнинг бошланиши ва тугалланиши миямда тезда муҳирланди...

Жалол Икромий «Олов қизи» романини бир ярим йилда ёзиб тугатади. Роман катта муваффақият қозонди. Бу муваффақият ёзувчинини шу мавзуни давом эттиришга ундади. У ўн олти йил худди шу мавзу борасида тинмай изланди. Натижада

«Бухоронинг ўн икки дарвозаси» деб номланган трилогия вужудга келди. Ёзувчи унда тарихий-инкилобий мавзуни ўзига хос қирраларини ифодалашга интилди.

«Бухоронинг ўн икки дарвозаси» фақат тожик адабиётида эмас, балки умумиттифоқ адабиётида ҳам тилга тушди. Асар тез фурсатда рус, ўзбек, украин, латиш, эстон тилларига таржима қилинди. Трилогия немис, француз, чех тилларида ҳам нашр этилди.

Жалол Икромийнинг қатор қиссалари, машҳур трилогияси, «Менинг устодим, менинг мактабим ва мен ўзим» номли автобиографик асар, ёзувчи Ҳ. Назаров билан ҳамкорликда ёзилган «Сафар махсум саргузашти» номли ҳажвий романи тожик совет насрининг ривожига алоҳида аҳамият касб этади.

Жалол Икромий истеъдодли драматург сифатида ҳам ўз фаолиятини намоян этиб, келмоқда. Унинг «Душманлар», «Ишқ уруғи», «Она юраги», «Нодирнинг уйи», «Йигирма саккизинчи кеча», «Бахт йўли», «Ситора», «Дохунда», «Ким айбдор» каби пьесалари тожик театри саҳнасини безатиб, томошабинларнинг олқишига сазовор бўлди.

Жалол Икромий ёш ёзувчиларнинг талабчан ва ғамхўр устози. У ўзбек адабиётининг улкан дўсти.


— Менинг ижодий камол топишимга бошқа қардош республикалар ёзувчилари қатори ўзбек ёзувчиларининг ҳам таъсири каттадир, — дейди у ҳурмат билан. — Ўзбек тилида илк бора ўқиган романим Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» асари эди. Мен бу асар салобатига қойил қолганман. Ойбекнинг «Навойи» китоби мени мафтун этган. Абдулла Қаҳҳор менинг назаримда бадиий проза соҳасида забардаст бир заргар. Ғафур Ғулом ва Шароф Рашидов асарлари ўзининг нафислиги билан бутун вужудимни сеҳрлаб қўйган...

Жалол Икромий ўзининг заҳматкашлиги, камтарлиги, халққа Ватанга, партияга бўлган садоқати ҳамда ҳалол меҳнати туфайли обрў, эътибор қозонди. Партия ва ҳукуматимиз уни икки марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва «Ҳурмат белгиси» орденлари билан тақдирлади.

Коммунист ёзувчи Жалол Икромий «замондошларимиз учун янгидан-янги асарлар яратиш иштиёқида тинмай меҳнат қилмоқда. У етмиш йиллик тўйи арафасида Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотланди, ҳамда «Тожикистон халқ ёзувчиси» деган юксак унвонга сазовор бўлди.

Жонибек ҚУВНОҚ.





Р
қ

Комил Яшин

ИЖОДНИНГ ИККИ ҚИРРАСИ

МИРЗАБАҲРОМ СОЛИЕВ 50 ЁШГА ТЎЛДИ.

Асл нусхадан рус тилига бевосита бадий таржима қилиш масаласига энг юксак минбарларда ҳам жиддий эътибор берилаётир. Шу кунларда 50 ёшлик тўйи нишонланаётган Мирзабахром Солиев адабиётимизнинг ана шу соҳасида биринчи бўлиб фаол иш кўрсатаётган ёзувчи ҳисобланади. М. Солиев ўзининг энг яхши таржималарида рус китобхонларига асл нусхадаги образлар руҳини тўла сақлаган ҳолда етказишга муваффақ бўлди. У адабиётимизни бутуниттифоқ майдонига олиб чиқишда жуда хайрли фаолият кўрсатмоқда. Бу ўринда у маҳорат билан таржима қилган ва Москвада нашр этилган Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Ғулом ҳикояларини, «Тошболта ошиқ» комедиясини, Асқад Мухторнинг «Дунё болалари» ҳикоялар тўпламини, ўзимизда босилиб чиққан Ғафур Ғулом, Ҳамид Ғулом, Иброҳим Раҳим, Мирмуҳсин, Ҳаким Назир, Саида Зунунова, Мақсуд Қориев, Раҳмат Файзий ва бошқа бир қатор ёзувчилар асарларини эшлаш кифоя.

Ҳар қандай ёзувчи каби таржимоннинг ҳам ўз она адабиётини гуллаб-яшнаши, унинг тарғиботи йўлида қилган хизмати, орттирган обрў-эътибори машаққатли меҳнат туфайли қўлга киритилади. Бу жиҳатдан ҳам М. Солиевнинг заҳмат чекиб қилган хизматлари таҳсинга лойиқдир. Унинг таржималари орқали М. Исмоилийнинг «Фарғона тонг отгунча», Ҳабиб Нўмон ва Аҳмад Шораҳмедовларнинг «Ота», «Ёрқин уфқлар», Ж. Шариповнинг «Хоразм» романлари, Ғайратийнинг «Дўстим ҳақида қисса», Ҳаким Назирнинг «Ёнар дарё», Ҳабиб Нўмоннинг «Ёшлиқда берган кўнгил» Миркарим Осимнинг «Утрор» ва «Етим» каби повестлари рус китобхонининг маънавий мулкига айланди. Тўрт роман ва беш повесть!

Сўзма-сўз таржима бадий жиҳатдан юксак таржима асарларининг юзага келишида катта роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам таржима ҳақидаги бугунги мунозараларда таржимоннинг ўзи ҳам ижодкор бўлиши керак деган фикр яқдиллик билан маъқуланмоқда. Таржимон ҳатто энг дастлабки босқич сўзма-сўз таржима қилганда ҳам ижодкордир. Ҳаммамизга маълумки, М. Солиев бу соҳанинг танилган мутахассиси ҳисобланади. У деярли барча йирик ўзбек ёзувчиларининг эпик асарларини сўзма-сўз таржима қилган. Булар орасида Ой-



бек, Назир Сафаров, Ҳамид Ғулом, Мирмуҳсин, Асқад Мухтор, Саид Аҳмад, Одил Ёқубовлар яратган романларнинг сўзма-сўз таржималари бор.

М. Солиевнинг бадиий таржима масалаларига бағишланган мазмундор ишлари ҳам кўпчилиikka манзур бўлган. 50-йилларнинг бошларидаёқ эълон қилинган бу асарлар, жамоатчилик эътироф этганидек, республикамизда бадиий таржима санъати ривожига муносиб ҳисса қўшди. М. Солиевнинг сўнгги йилларда яратган тадқиқотлари ҳам бадиий таржима муаммоларини ёриштига бағишланган.

Юқорида айтилган ва санаб ўтилганлардан кўриниб турибдики, Мирзабахром Солиев ўзининг 30 йиллик ижодий фаолияти давомида ўзбек совет адабиёти ютуқларини республика ва бутуниттифоқ минбарида тарғиб қилиш, қардош халқлар адабиётлари орасидаги интернационал дўстликни мустаҳкамлашдек муқаддас ишга салмоқли ҳисса қўша олди. Адабиётларнинг ўзаро алоқалари ва ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш йўлида муносиб хизмат қилаётган кадрдон юбиляримизга соғлиқ ва янги ижодий парвозлар тилаймиз.





БАХШИНИНГ БАРҲАЁТ УМРИ

Ўзбек халқ оғзаки ижодининг буюк намояндалари Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Ислом шоир Назир ўғли, Пўлкан шоирлар таваллудининг 100 йиллик тўйларининг ўтказилиши фольклор мухлисларининг орзиқиб кутган байрамига айланди. Шу муносабат билан халқ оғзаки ижодини тадқиқ қилувчи кўплаб илмий-танқидий асарлар, мақолалар яратилмоқда.

Ўзбек халқ ижоди бўйича нашр этилаётган ана шундай тадқиқотларнинг 4-китоби Пўлкан шоир ижодига бағишланган. Бу китобга кирган мақолалар аввало мавзунининг кенглиги, илмий жиҳатдан ҳозирги замон талабларига жавоб бериши билан ажралиб туради.

Ўзбек фольклористикасида халқ ижодкорларининг таржимаи ҳоли ва адабий меросини ҳар томонлама кенг таҳлил қилувчи етук илмий мақолалар кўп эмас. Шунинг учун бўлса керак, яқка ижод ва коллектив ижодининг диалектик бирлиги, ўзаро алоқаси, ижодкорнинг фольклор тараққиётида тутган ўрни каби масалалар фольклористикада илмий мунозараларга сабаб бўлмоқда. Фольклордаги ижодий принцип масаласи, ижтимоий ҳаётнинг халқ ижодидаги бадий инъикоси, айниқса совет даври дostonларида тарихий воқеаларнинг ифодаланиши каби катта назарий муаммоларнинг ҳал этилиши ҳам маълум даражада ижодкор ҳаётини ўрганиш, унинг ижодий лабораторияси билан яқиндан танишиши билан узвий боғлиқдир.

Ана шу нуқтани назардан қараганда, республикамиз фольклористларининг «Пўлкан шоир» тўпламидан ўрин олган йигирмадан ортиқ мақолалари адабиётшунослик фанини янада бойитади, дейиш мумкин.

Тўпланда Пўлкан шоирнинг таржимаи ҳоли ва ўзбек дostonчилигида тутган ўрни Т. Мирзаевнинг «Пўлкан ҳақида сўз» ҳамда М. Афзаловнинг «Пўлкан» мақоласида ёритилади. Шоирнинг халқ ижодкори сифатида кашф этилиши, аънавий дostonларни куйлашдаги маҳорати унинг ҳофиза кучи муаллифларнинг диққат марказида туради. «70 дан ортиқ халқ дostonларини мароқ билан ижро этган» бахши таржимаи ҳоли ҳақида қимматли маълумотлар берилади.

Тўпландаги бир қанча мақолалар бахши ижодидаги аънавий дostonлар таҳлиliga бағишланган. Б. Каримовнинг «Гўрўғлининг туғилиши» ҳақида, М. Муродовнинг «Пўлкан шоир репертуарида «Гўрўғли» дostonларининг ўрни», М. Мирзаеванин «Ҳасанхон» наслий туркумининг биринчи дostonлари ҳақида», О. Собировнинг «Дostonларда халқ эстетик идеалининг акс этиши» каби мақолалар шулар жумласидан.

Маълумки, «Гўрўғли» туркум дostonлари ўзбек халқ дostonчилигининг буюк хазинаси ҳисобланади. Пўлкан шоир ижодида «Гўрўғли» дostonлари алоҳида ўрин тутади. Улардаги халқ ҳаётига оид тарихий колорит сақланган лавҳалар, тилдаги луғавий хусусиятлар фольклорчи олимлар эътиборини кўпдан жалб қилиб келади. Бахши ижоди Гўрўғли туркуми ҳақида мукаммал тасаввур қилиш учун бой манба саналади. Бу эса мазкур туркумга кирган дostonларнинг яратилиш тартибини аниқлаш учун муҳимдир. Буюк Каримов тўғри қайд этганидек, «Гўрўғлининг туғилиши» дostonининг Пўлкан ижодида сақланиб қолиши Гўрўғли номининг келиб чиқиш тарихи ҳақида фикр юритиш учун яхши материалдир.

Халқ дostonлари бадий асар сифатида шаклланиб, бахшилар томонидан ижро этилиш жараёнида ғоявий-бадий жиҳатдан турли ижодий «лаборатория»лардан ўтади. Оддий ижрочилар дostonга бирон ўзгариш кирита олмаганидан ташқари, ҳофиза кучларининг даражасига қараб, асардаги маълум қисмларни ёддан чиқарган ҳолда айтишар эди. Бу ҳол фольклор асарларининг эстетик қимматига салбий таъсир кўрсатар эди. Лекин шуниси қувонарлики, Октябрь инқилобидан кейинги йилларда Самарқанд дostonчилик аънараси Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил шоир, Ислом шоир, Пўлкан, Умир Сафаров каби етук бахшилар сиймосида давом этмоқда эди. Уларнинг катта истеъдоди, аънавий дostonларни маҳорат билан куйлаши туфайли халқ ижодининг энг қимматли дурдоналари бизгача етиб келди. Ўзбек фольклористикасининг асосчиси Ҳ. Зарифовнинг «Ўзбек халқ дostonларининг тарихий асослари бўйича текширишлар» мақоласида

юқорида номлари тилга олинган бахшилардан ёзиб олинган асарларга суянилган ҳолда дostonларимиздаги қатор этник масалалар ёритилади. Мақола ўзбек халқ оғзаки ижодини ҳақиқий илмий асосда ўрганишнинг ўзига хос намунаси бўла олади ва айни чоқда мазкур тўпламларнинг қиммати-ни оширади.

«Жанговар от образининг қадимий асосларига доир», «От асбоблари», «Ажойиб тасодиф», «Девону луғатит турк» лексикасининг ўзбек фольклорига кўринишига доир (тезислар) каби мақолалардан иборат бу илмий иш Х. Зарифовнинг фольклор материалларини синчиклаб кузатиши натижасида вужудга келган. Олим лингвистика, тарих, археология, этнография фанларидаги халқ оғзаки ижодига туташ нуқталарни қиёслаб ўрганар экан, фольклористика фани учун жуда муҳим бўлган хулосалар чиқаради.

Фольклор асарларини ёзиб олиш бизда совет давридагина бошланганлиги учун феодализм ва ундан аввалги иқтисодий босқичлардаги халқ ижоди тарихи ҳақида мукаммал ахлит тасаввур йўқ. Устоз олимнинг мазкур тадқиқоти ёш фольклорчиларга ана шу материалларни излаш, топиш ва умумлаштириш йўлларини ўрганишга ёрдам беради.

«Масаланинг биз учун зарур томони умуман, ҳар қайси бир традицион дostonда ва айрим образлар, ғоялар талқинида асар асосига олинган ғоя ва материал билан унга кейинчалик бирор таъсир натижасида киритилган элементларни тўғри тушуниб олишдир»,— деб ёзади олим. Фольклорчи учун бадий ижод намунасидаги текстда биронта этиборсиз жумла, сўз йўқ. Ҳар бир фикрни, иборани синчиклаб ўрганишига асосли хулосаларга олиб келади.

Тўпламдаги мақолаларнинг муҳим бир қисми бахши ижодидаги замонавий дostonлар таҳлилига бағишланган. 20-йилларда меҳнаткаш халқларни инқилоб ғалабаларини ҳимоя қилишга қақариш, Совет давлатининг халқ ҳаётини яхшилаш соҳасидаги тadbирларини тарғиб қилиш, Ленин ва Коммунистик партиянинг халқпарварлик, тинчликсеварлик сиёсатини куйлаш жуда муҳим аҳамиятга эга. Бу масъулиятли тарихий вазифани бажаришда ёзма адабиёт намоёндалари қаторида бахшиларимизнинг ҳам хизматлари катта бўлди. Т. Очиловнинг «Янги дostonларнинг яратилиш тарихига доир», А. Пўлкановнинг «Замонавий дostonларда прототип ва бадий образ», А. Эргашевнинг «Комсомолка Ойтўти» дostonи ҳақида», С. Асқа-

ровнинг «Батракларнинг бахти» каби тадқиқотлари, Ҳ. Отамирзаевнинг «Шоир ижодида дўстлик ва ватанпарварлик тароналари», Б. Саримсоқовнинг «Дostonларда психологик тасвирнинг характери ҳақида баъзи мулоҳазалар» мақолалари ана шу мавзунини ёритади.


Пўлкан шоир «Маматкарим полвон», «Жиззах кўзғолони», «Комсомолка Ойтўти», «Ҳасан батрак» каби дostonлар мавзусини ўзи кўрган ва билган воқеалардан олган эди.

Буларда шоир тарихий шароитни мукаммал акс эттирувчи типик образлар ярата олган ва даврнинг долзарб масалаларини кўтариб чиққан эди. Шунинг учун ҳам муаллифлар асосий диққат-этиборни янги дostonларнинг тарихий даврга муносабатини, образларнинг ҳаётлигини кузатишга қаратиб, тўғри йўл тутганлар. Мазкур мақолаларнинг ҳаммасида шоирнинг мавзунини талқин этишдаги оригиналлиги, ижодкорлик хислатлари очиб берилди.

Китобдан ўрин олган М. Саидов, С. Умаровларнинг «Бош қаҳрамон талқини масаласи», М. Қодировнинг «Соқибулбул образининг талқини» мақолалари бахши ижросидаги анъанавий дostonларнинг қаҳрамонлари таҳлилига бағишланган. Биринчи мақолада Гўрўғли образининг этимологияси ҳақида сўз боради. Озарбайжон, туркман ва ўзбек «Гўрўғли» дostonлари ўртасидаги ўхшаш ва фарқли томонлар, қаҳрамоннинг халқ оғзаки ижоди лабораториясида образ сифатида етилиши хусусидаги фикрлар диққатга сазовордир. М. Қодиров эса фольклор билан санъат ўртасидаги ўзаро алоқаларни аниқлашга ҳаракат қилади. У «Гулнор пари», «Мисқол пари», «Ҳасанхон» дostonларидаги Соқибулбул образини ўрганади ва қатор далиллар орқали бу дostonларда халқимизнинг қадимги саҳна санъати ҳақида қимматли маълумотлар сақланиб қолганлигини ёритади беради.

Ёш фольклорчи Б. Саримсоқовнинг «Дostonлар юзасидан текстологик қайдлар» мақоласида дoston текстларини нашрга тайёрлашда юз берган айрим ноўрин «тахрирлар» ҳақида тўхталиб ўтади. Муаллиф халқ дostonларини босиб чиқариш жараёнида ҳозиргача сақланиб келаётган камчиликларни тўғри кўрсатади. Айрим камчиликларга қарамай, «Пўлкан шоир» тўплами ўзбек фольклоршунослиги тараққиётига кўшилган муносиб ҳисса сифатида аҳамиятлидир.

Омонилла МАДАЕВ.





ИБН СИНО ДАВРИДА АДАБИЙ МУҲИТ

Абу Али ибн Сино яшаган даврда илм-фан юқори чўққига кўтарилди. Аниқ фанлар соҳасида Ибн Сино, Беруний, Абу Саҳл Масихий, Абу Наср ибн Ироқ каби буюк сиймолар ижод этдилар. Ибн Мискавайҳ (вафоти 1030), Абу Мансур ас-Саолибий (961—1038) каби олимлар эса тарих ва филология соҳасида қалам тебратиб, йирик асарлар яратдилар.

Х асрнинг иккинчи ярми ва XI аср бошларида Хуросон ва Мовароуннаҳрда бадий адабиёт ҳам анча тараққий этган эди. Бу даврда аҳоли асосан туркий ва форсий тилларда сўзлашганига қарамай, анъанага кўра илмий асарлар араб тилида, бадий асарлар эса форс-тожик ва араб тилида ёзилди. Буюк шоир Абу-л-Қосим Фирдавсий «Шоҳнома»сини, Асадий Тусий (XI аср) «Гершаспнома»сини форс тилида ижод этдилар.

Х ва XI аср бошларида араб тилида ижод этган шоирлар ва ёзувчилар ижодини ўрганиш учун ягона манба Абу Мансур ас-Саолибийнинг «Иатимат ад-даҳр фи маҳосин аҳл ал-аср» («Аср аҳлининг фазилатлари ҳақида замонасининг дурдонаси») номли тазкирасидир. Асар тўрт қисмдан иборат. Унинг тўртинчи қисмида Мовароуннаҳр ва Хуросон шоирлари ҳақида ноёб маълумотлар, уларнинг шеърлари ва насрий асарларидан намуналар берилган. (Асар ҳақида қаранг: Абу Мансур ас-Саолибий «Иатимат ад-даҳр», Тошкент, «Фан» нашриёти, 1976 йил).

Ибн Сино даврида форс-тожик тилида яратилган адабиёт яхши ўрганилган ва бу ҳақда етарли илмий тадқиқотлар қилинган. Биз шу асрда араб тилида ёзилган адабиёт ҳақида тўхтаб ўтмоқчимиз.

Бу даврдаги энг муҳим адабий марказлардан бири сомонийлар пойтахти Ибн Сино ватани Бухоро эди. Ас-Саолибий ўз тазкирасида Бухоро шоирлари ҳақидаги маълумотларини бошлар экан: «Бухоро сомонийлар (ҳукумронлиги) даврида шон-шўхрат макони, салтанат каъбаси ва замонасининг илғор кишилари жамланган, ер юзи адилларининг юлдузлари порлаган ва ўз даврининг фозил кишилари йиғилган (жой

эди», деб ёзади. Сомонийлар форс-тожик тилида ижод этган шоирларни кўпроқ рағбатлантирсалар ҳам, пойтахт Бухорода ва улар саройида кўплаб араб тилида ижод этган шоирлар яшаганлар. Анчагина шоирлар турли сабабларга кўра араб халифалигининг марказий шаҳарларидан бошпана қидириб Бухорога келиб қолганлар. Ас-Саолибий сўзини давом эттириб, шундай дейди: «У ерда (яъни Бухорода) Абу-л-Ҳасан ал-Лаҳҳом, Абу Муҳаммад ибн Матрон, Абу Жаъфар ибн ал-Аббос ибн ал-Ҳасан, Абу Муҳаммад ибн Абу-с-Сийоб, Абу Наср ал-Хузаймий, Абу Наср аз-Зарифий, Раҷо ибн ал-Валид ал-Исфаҳоний, Али ибн Хорун аш-Шайбоний, Абу Исҳоқ ал-Форисий, Абу-л-Қосим ад-Динаварий, Абу Али аз-Завзаний ва улар (яъни сомонийлар) хизматиде бўлган энг фозил муҳожирлар тўпланишган эди. Ҳаммалари у ерда йиғилишгач, дўстлик суҳбатлари уларни бири бири билан яқинлаштирган эди. Улар ажойиб музокаралар олиб боришар, мусоҳаба райҳони билан алмашишар, адаб мушқларини сепишар, бир-бирларига марварид дурларини сочишар ва сеҳр тугунига дам солишарди».

«Иатимат ад-даҳр»да Бухорода яшаган 47 та арабийнавис шоир ҳақида маълумот берилиб, уларнинг шеърларидан айрим намуналар келтирилган. Бу шеърий парчалар қасида, ҳажвиёт, васф ва бошқа жанрларда ёзилган асарлардир. Бухоро шоирлари шеърлари орасида сомонийлар амирлари, вазирлар ва бошқа амалдорларга қарши ёзилган ҳажвий шеърлар ҳам анчагина учрайди. Ўз тақдири, қашшоқлик ва замонанинг нобоплигидан шикоят қилиб ёзилган мисралар ҳам кам эмас.

Сатирик шоирлар ичида энг машҳури Абу-л-Ҳасан ал-Лаҳҳом эди. Француз арабшунос олими Барбье де Менар (1826—1908) уни «Сомонийлар даврида Мовароуннаҳрдан чиққан Ювенал» деб атаган эди. Мовароуннаҳрда яшаган ўша даврдаги шоирлардан бирортаси ҳажвиёт бобида ал-Лаҳҳом билан тенглаша олмаган. Унинг ҳажв ўқидан на вазир, на амалдор, на замондоши бўлган шоирлар омон қолмаган.

Масалан, сомонийлар вазири Абу Али Балъамий (960—974 ва 992—996) ҳақида у шундай ёзган эди:

«Ал-Балъамий вазирлиги тўнтарилиши, ўзи эса харобаликда (осилиб) турган қулф каби (қолиши керак).

Вазирликда у ҳокимлар, мулозимлар ва котиблар ҳурматини роя қилмади.

Унинг вазирлиги ҳамма олижанобликлар юзини тўнтарди, қачон вазирликнинг тўнтарилганини кўрасан.

У ўзининг айёрлиги туфайли боши дорга осилишга энг муносиб кишидир».

Х аср охири ва XI аср бошларида яшаган шоир Абу-л-Қосим аш-Шажарий ҳаёти мамлакатда нотинчлик ҳукм сурган, сомонийлар сулоласи инқирозга учраб, ғазнавийлар давлати тикланаётган даврга тўғри келди. Шунинг учун унинг бутун умри сарсон-саргардонликда, бошпана излаш билан ўтди. У ўз шеърларида қошшоқлиги, бахтсизлиги ва тақдирдан шикоят қилади.

Узгаларнинг эшиги ёнида яхшиларга атаб наमत чодирлар тикилган, сенинг уйингда, эса фақирлик ва бахтсизликдан бошқа нарса (бўлмаса).

(Одамлар) учун на гаоминг, на либосинг бўлмагандан кейин, улар жон-дил билан хизматингни қилишадими? Азбаройи худо, йўқ (албатта).

Шоир Абу-л-Ҳасан Муҳаммад ал-Ифриқий (1000 йил атрофида вафот этган) кўзга кўринган олим ҳам бўлган. Ас-Саолибий уни Бухорода 992 йили кўрганини ёзади. Демак, ал-Ифриқий XI аср бошларида вафот этган бўлиши керак. «Йатимат ад-даҳр»га киритилган шеърлари орасида очикдан-очик ислом динига қарши айтилган мисраларни учратамиз.

«Хотиним намозни тарк этганим учун мени койий бошлаган эди: «Йўқол кўзимдан, талоқсан», дедим.

Худо ҳақи, қашшоқ ҳолда унга ибодат қилмайман, намозни Шайхулжалил, Фоик, Тош, Бектош, Кунбош, ундан кейин Наср ибн Молик¹ ва шайх Батроқлар тўлиб-тошиб ётган мол-мулк эгаси Шарқ ва Ғарбнинг соҳиби ўқийверсин. Агар Нуҳ² намоз ўқиса, ажабланиш (керак) эмас, унинг бутун Машриқ бўйсунган қасри бор.

Нима учун мен намоз ўқийман? Менинг куч-қудратим ва қароргоҳим қани? Отларим, қимматбаҳо кийимларим, олтин камарим қани? Юзлари ой каби қулларим қани? Буйга етган гўзал чўриларим қани? Бир қарич ерга эга бўлмасаму, намоз ўқисам, мунофиқлик қилган бўламан. Намозни юқорида зикр қилганим зотларга бердим, кимки менинг феълимни койиса, бефаҳм аҳмоқдир» (158-бет).

Ибн Сино замонида Бухорода яшаган шоирлар орасида Абу Толиб ал-Мъмуний (вафоти 994 йил) ижоди ҳам диққатга сазо-

вордир. Бу шоир васфий шеърлар ёзишда замонасида мислсиз бўлган. Унинг юздан ортиқ ҳар турли буюмлар, қурол-аслаҳалар, ҳайвонлар, қушлар, мевалар, озиқ-овқатлар ҳақидаги бизгача етиб келган васфий шеърлари жуда чиройли ўхшатишлар билан берилган бўлиб, ўша давр моддий ҳаёти билан таништирувчи қизиқарли манбаадир.

Х аср охирига келиб сомонийлар сулоласи инқирозга юз тутди. Унинг территорияси қорахонийлар ва ғазнавийлар томонидан босиб олинди. Шарқнинг йирик фан ва маданият маркази бўлган Бухоро ўзининг аввалги мавқеини йўқотди. Кўпчилик шоир ва олимлар бошпана қидириб турли томонларга, янги фан ва маданият марказларига кетиб қолишди.

Бу даврдаги муҳим адабий марказлардан яна бири Рай шаҳри эди. Бу шаҳарда буйайхийлар сулоласининг машҳур вазири Абу-л-Қосим Исмоил ибн Аббод (936—995) тахт сўрар эди. Ас-Соҳиб номи билан машҳур бўлган бу вазир ниҳоятда ўқимишли киши, адиб ва машҳур шоир бўлиш билан бирга, илм-фан ҳомийси, шеърят муҳлиси эди. Саройга ўнлаб олим ва шоирларни тўплайди, уларни тўғаларга кўмиб юборади ва ўз замонасида илм-фан тараққиёти йўлида жуда катта хизмат қилади. Ибн Сино ҳам анча вақт Райда яшаган. Ас-Соҳиб ибн Аббод саройида истиқомат қилмаган, унинг эҳсонларига сазовор бўлмаган шоирлар ўша вақтда кам бўлган. Унинг саройи шеърят маконига айланганди. Араб халифалигининг кўпчилик шаҳарларидан ва ҳатто, Мовароуннаҳрдан шоирлар ас-Соҳиб ҳузурига келиб яшадилар, уни мадҳ этиб кўкларга кўтардилар. Булардан Абу-л-Ҳасан ал-Бадихий, машҳур шоир ва сайёҳ Абу Дулаф ал-Ҳазражий, Абу-л-Қосим Абдуссамад ибн Бобак, тошкентлик шоир Абу Иброҳим Исмоил ибн Аҳмад аш-Шоший, Абу-л-Ҳафс аш-Шаҳрзурый, Бану мунажжим, Абу Тохир ибн Абу-р-Рабиъ, Абу-л-Фараж ас-Совий, Абу-л-Фараж ибн Ҳинду кабилари кўрсатиш мумкин.

Ас-Саолибий «Йатимат ад-даҳр»нинг учинчи қисмида ас-Соҳиб ибн Аббодга алоҳида боб ажратиб, унинг ҳақида жуда кенг ва мукаммал маълумот берган (192—290-бетлар). Бу бобда ас-Соҳиб шаънига айтилган жуда кўп қасидалар ва ас-Соҳибнинг ўз асарларидан намуналар берилган, унинг таржимаи ҳолига оид маълумотлар келтирилган. Ас-Соҳиб ибн Аббод ҳузуринида яшаган шоирлар ҳақида ҳам ас-Саолибий алоҳида бобда маълумотлар бериб, уларнинг шеърларидан парчалар келтирган.

Х асрнинг иккинчи ярмида Рай шаҳридаги адабий анжуман шу аср ўрталарида Ҳалаб (Алеппо)да ҳамадонийлар вазири Абу-л-Ҳасан Али Сайфуддавла (944—967 йиллар вазир бўлган) саройидаги адабий муҳитнинг худди ўзгинаси эди. Замонасининг ўнлаб энг йирик араб шоирлари Сайфуддавла ҳузуринда ижод этганлар. Кейинги даврларда Навоий асридаги Ҳирот адабий муҳити, амир Умархон давридаги Қўқон адабий анжумани ҳам ас-Соҳиб ибн

¹ Фоик, Тош, Бектош, Кунбош ва Наср ибн Молик — Х аср иккинчи ярмидаги сомоний вазирлари.

² Нуҳ ибн Мансур — сомонийлар амири (976—997).

Аббод саройидаги адабий муҳитни эслатади.

Ас-Соҳиб саройида яшаган шоир ва олимлардан Абу Дулаф Мисъар ал-Мухалхил ижоди, айниқса, муҳим аҳамиятга эгадир. У сайёҳ, географ ва шоир сифатида шуҳрат қозонган. У асли Мадинанинг Ҳазраж қабиласидан бўлиб, Бухорода Наср ибн Аҳмад (914—942) саройида хизмат қилади. 942 йили Бухорога келган Хитой элчиларига ҳамроҳ бўлиб, Шарқий Туркистон, Тибет, Хитой ва Ҳиндистонга саёҳат қилади. Сўнгра Эроннинг купгина шаҳарларида бўлиб, умрининг кейинги даврларида ас-Соҳиб ибн Аббод саройида яшайди. У ҳақида маълумот ва шеърларидан намуналар ас-Саолибий тазкирасида берилган. Ас-Саолибий Абу Дулафни моҳир, ҳаддан зиёда ҳозиржавоб ва тили заҳар шоир эди, деб тасвирлайди. Абу Дулафнинг тарихий географияга оид «Рисолат ал-аввал» («Биринчи рисола») ва «Рисолат ал-ухро» («Иккинчи рисола») асарлари Урта Осиё, Хитой, Ҳиндистон, Кавказ ва Эрон ҳақида қимматли маълумотлар берувчи муҳим манбалардир.

Ибн Аббод ҳузурда яшаган кўзга кўринган шоирлардан яна бири Абу-л-Фараж Али ибн ал-Хусайн ибн Ҳинду эди. У табиб ва файласуф ҳам бўлган. Унинг ишқий, вафсий шеърлари ва ас-Соҳибга бағишланган қасидасидан парча «Йатимат ад-даҳр»да берилган.

995 йили ас-Соҳиб ибн Аббод вафот этади. Унинг вафоти муносабати билан Райда яшаган жуда кўп шоирлар марсиялар ёздилар. Булардан Абу-л-Қосим ал-Исфаҳоний, Абу-л-Фараж ибн Майсара, Абу Саъид Рустамий, Абу-л-Файоз ат-Табарий, Шариф ар-Ризо, Абу-л-Аббос аз-Заббийларнинг марсияларидан парчалар «Йатимат ад-даҳр»га киритилган. Бувайҳийларнинг Райдаги ҳукмронлиги 1029 йилгача давом этади, кейин бу шаҳар Маҳмуд Ғазнавий томонидан босиб олинди. Ас-Соҳиб ибн Аббод вафотидан кейин Рай адабий анжуманлик мавқеини аста-секин йўқота бошлади.

Бувайҳийлар сулоласининг шохобчаси Ҳамадон ва Исфаҳонда тахт сўраб, пойтахти Исфаҳонда бўлган. Бу ерда бувайҳийлар 997 йилдан 1028 йилгача ҳукмронлик қилдилар. Жуда кўп шоирлар Исфаҳонда бувайҳий амирларидан Муайядуддава Алуя (977—983), Фахруддава Али (983—997) ва Шамсуддава (997—1021) саройида яшадилар. Баъзи шоирлар ас-Соҳиб ибн Аббод вафотидан кейин бу ерга келиб қолдилар. Ас-Саолибий Исфаҳон шоирларидан ўн бештасининг номини тилга олади ва улардан Абдуллоҳ ал-Исфаҳоний, Абу Саъид Рустамий, Абу-л-Қосим ал-Исфаҳоний, Абу Мухаммад ал-Хозин, Абу-л-Ало ал-Асадий, Абу-л-Хусайн ал-Фувайрийлар ҳақида маълумотлар беради, уларнинг насрий ва назмий асарларидан намуналар келтиради.

Бундан ташқари, бувайҳийларнинг бир шохобчаси Эроннинг форс ва Ҳузистон вилоятларида 934—1048 йиллар мобайнида ҳукм сурган, яна бир шохобчаси Қир-

монда (936—1048), бошқа бир шохобчаси эса Жибал вилоятида (932—977) тахт сўраган. Ас-Саолибий «Йатимат ад-даҳр»да Жибал, Форс ва Аҳвон шоирлари ҳақида ҳам маълумотлар берган.

Ибн Сино замонада бадиий адабиёт Хоразмда ҳам ривожланган эди. Айниқса маъмунийлар сулоласининг пойтахти Гурганж (ҳозирги Урганч) фан ва адабиёт марказига айланади. Хоразмшоҳ Абу-л-Аббос Маъмун II ибн Маъмун (997—1017) даврида бу ерга Урта Осиё ва умуман ислом Шарқининг бир қанча олим, шоир ва ёзувчилари тўпланган эди. Булар орасида Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Абу Саҳл Масихий ва Абу Наср ибн Ироқ, Табиб Абу-л-Ҳасан Ҳаммор, адиб ва тарихчи Абу Мансур ас-Саолибий, тарихчи Ибн Мискавайҳ кабилар бўлган.

Абу Мансур ас-Саолибий «Йатимат ад-даҳр»нинг тўртинчи қисмида Хоразм шоирлари учун алоҳида боб ажратган ва унда еттита хоразмлик шоир ҳақида маълумот бериб, уларнинг насрий ва назмий асарларидан парчалар келтирган. Булар Абу Бакр Мухаммад ал-Хоразмий, Абу Саъид Аҳмад ибн Шабиб аш-Шабибий, Абу-л-Ҳасан Маъмун ибн Мухаммад ибн Маъмун, Абу Абдуллоҳ Мухаммад ибн Иброҳим ат-Тоҷир ал-Вазир, Абу Мухаммад Абдуллоҳ ибн Иброҳим ар-Раққоший, Абу Абдуллоҳ Мухаммад ибн Ҳомид ал-Хоразмий, Абу-л-Қосим Аҳмад ибн Зирғом номли шоирлардир. Хоразм шоирлари ҳақидаги ас-Саолибий қолдирган маълумотлар ягона манба бўлиб ҳозиргача тўла ўрганилмай келмоқда. Бу шоирларнинг баъзилари Хоразмда яшаган бўлса, айримлари турли сабабларга кўра бошқа шаҳарларда ҳаёт кечирган.

Шоир Абу Бакр ал-Хоразмий 935 йили Хоразмда туғилиб, ҳаётининг гуллаган даврида (20—25 ёшларида) ватанини ташлаб чиқиб кетиб, Ироқ ва Шомда, кейин Ҳалабга келиб, Абу-л-Ҳасан Сайфуддава саройида яшайди. Кейин Бухорога келиб сомонийлар саройида бир оз истиқомат қилгач, Нишопурга йўл олади. У ерда Абу-л-Ҳасан ал-Қазвиний, Абу Мансур ал-Бағавий ва Абу-л-Ҳасан ал-Ҳақамий каби замонасининг таниқли шоирлари билан танишади. Унинг кейинги ҳаёти Сижистон, Шерозда, Исфаҳонда ва Нишопурда ўтади, 993 йили шу ерда вафот этади.

Абу Бакр ал-Хоразмий ижодий меросидан бизгача девони ва «Рисолалар»и етиб келган. Унинг рисолалари X аср насрий адабиётнинг машҳур ёдгорлиги ҳисобланади. Тил ва услуб жиҳатидан ниҳоятда пухта ишланган бу асар сажъ (қофияли наср) билан ёзилган бўлиб, шоир замонасидаги машҳур кишилар: амир, вазир, лашкарбоши, қози, амалдор, фақиҳларга, адиб ва тилшунос олимларга, яъни ал-Хоразмийнинг дўстлари ва ҳомийларига ёзилган мактублардир. Рисолалар мазмуни турли байрамлар, юқори мартабага кўтарилиш ва бирор муваффақиятни қўлга кириштиш муносабати билан юборилган табрик, ўлим, мансабдан четлатилиш, касаллик ёки уруш хавфи муносабати билан

қайғу изҳор этиш, туҳфалар учун ташаккур айтиш кабилардир. Абу Бакр ал-Хоразмий шеърлари асосан қасида, ғазал, васф ва ҳажвиётдан иборат.

Абу-л-Ҳасан Маъмун ибн Муҳаммад ибн Маъмуннинг таржимаи ҳоли маълум эмас, лекин унинг Хоразм шоҳларидан Абу Абдуллоҳ Маҳаммад ибн Аҳмад ва Абу-л-Аббос Маъмун ибн Муҳаммад (аслида ибн Маъмун бўлиши керак) ҳақида ёзган иккита қасидасидан олти байт «Йатимат ад-дахр»да берилган. Демак, бу шоир ҳам ибн Сино билан бир даврда хоразмшоҳлар саройида яшаган.

Абу Саъид Аҳмад ибн Шабиб аш-Шабибий ҳақида ас-Саолибий шундай ёзади: «Хоразмнинг ягона кишиси ва унинг фахри. Қалам ва қилич моҳирлигини, тил ва тиф чавандозлигини ўзида бирлаштирган китоб ва қўшн, фозиллик ва шон-шухрат соҳиби эди. Сомонилар ва бувайжийлар давлатида кўзга кўринган (бўлиб), икки қўшн соҳиби ва икки давлат шайхи деб аталди». Кейин унинг шеърларидан парчалар беради. Бу шоир Абу Бакр ал-Хоразмий. Абу Абдуллоҳ ат-Тожир ва Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳомидлар билан шахсан таниш бўлган.

Шоир Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Иброҳим ат-Тожир ас-Саолибийнинг ёзишча, Хоразмда вазир бўлган. Унинг Абу Саъид аш-Шабибий ҳақидаги иккита қасидасидан парча ва бир дўсти ҳақида шеъри бизгача етиб келган.

Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Иброҳим ар-Раққоший ҳам Хоразмшоҳ вазири эди. У фақат шоир эмас, котиб ва мунажжим ҳам бўлган. Унинг шоир аш-Шабибий ҳақида ёзган қасидаларидан намуналар «Йатимат ад-дахр»га киритилган.

Шоир Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳомид ал-Хоразмий ҳақидаги маълумотини ас-Саолибий шундай бошлайди: «Хоразмнинг энг яхшиларининг яхшиси ва унинг энг кўзга кўринган (кишиси), ҳар қандай фазилат эгаси, ҳаққоний сўз ва буюк адабни ўзида мужассамлаштирган, сочилган фазилатларни ўзида жамлаган ва мақталган марварид доналарини назмга тизганди. Унинг ҳаёти гўзаллик қисмларини тўла эгаллаган, насири сочилган атир гулдаи, назми терилган дурдай (эди)». Бу шоир аш-Шабибий қотиби бўлиб, Маҳмуд Ғазнавий қузурига ҳамда Қобус ибн Вашмгир томонига элчи бўлиб борган, унинг мажлисларида иштирок этган. Шоир Абу-л-Фатҳ ал-Бустий билан яқин дўст бўлган ва ал-Бустий бу шоирни мактаб шеърлар ёзган.

Шу замондаги Хоразм шоирларидан яна бири Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ан-Ноий ал-Хоразмий Бағдод шаҳрига бориб ўқийди ва ўша ерда қолиб кетади. У ҳақда қисқа маълумот ва шеърларидан парчалар «Йатимат ад-дахр»нинг учинчи қисмида берилган (127—128-бетлар).

Ибн Сино асридаги адабий марказлардан яна бири Ҳамадон шаҳри эди. Бу вақтда Ҳамадон ва Исфаҳонда бувайжийлар сулоласи ҳукм сурарди.

Ибн Сино ҳаётининг анчагина қисми Ис-

фаҳон ва Ҳамадонда ўтган. 1014 йилдан умрининг охиригача у Ҳамадонда яшаб, бу ернинг маданий ва адабий ҳаёти билан бевосита алоқадор бўлган.

Ҳамадонлик шоирлардан энг машҳури Бадеъуззамон лақби билан шухрат қозонган Абу-л-Фазл Аҳмад ибн ал-Ҳусайн ал-Ҳамадонийдир (969—998). Бутун умрини шаҳарларни кезиб ўтказган бу шоир араб адабиётида мақома жанрига асос солган. Ас-Саолибий таъкирасининг тўртинчи қисмида Бадеъуззамонга алоҳида боб ажратиш, унинг таржимаи ҳолини ва шеърларидан намуналар берган. Бадеъуззамон ал-Ҳамадоний 400 та мақома ёзган. Булар ўша давр насрий адабиётининг энг нафис ва нодир ёдгорликларидир. Мақомалар унча узун эмас. Ҳамма мақомаларнинг қаҳрамони Абу-л-Фатҳ ал-Искандарийдир. Бу одам ниҳоятда ўқимишли, тадбирли ҳар қандай баҳс ва мунозарада ғолиб чиқувчи бир зиёли. Доимо қашшоқ ҳаёт кечиради, уни гоҳо чўлоқ, гоҳо кўр, гоҳо кар-соқов ҳолатда учратиш мумкин. Одамлар орасида ўзини турли ҳолатларга солиб, уларнинг раҳм-шафқатини уйғотади ва улардан садақа-эҳсон ифғайди. Урни билан ўзини турли миллатларга мансуб қилиб кўрсатишга ҳам қодир, ўз касби ва ташқи кўринишини доим ўзгартириб туради, фарибгарлик ва алдамчиликка жуда моҳир, ҳар қандай қийин ҳолатдан қутулиб чиқиб кетади. Мақомаларда Абу-л-Фатҳ ал-Искандарий саргузаштларининг гувоҳи Исо ибн Ҳишомдир. Шу киши сўзи билан ҳамма мақомалар ҳикоя қилинади. Абу-л-Фатҳ ал-Искандарий гоҳ ушаҳар, гоҳ бу шаҳарни кезиб, халқни ўз атрофига тўплаб, бозор ва шунга ўхшаш жойларда саргузаштини айтиб турганда, кутилмаганда Исо ибн Ҳишом пайдо бўлади ва ўзини танитади.

Ал-Ҳамадоний мақомалари сажъ (қофияли наср) билан ёзилган, ҳикоялар орасига шеърлар ҳам қўшиб кетиллади.

Ўрта асрларда марказий Афғонистоннинг жануби-ғарбида, Гилманд дарёси қирғоғида, ҳозирги Қалъаи-Бист ўрнида жойлашган Буст шаҳри анча мавқега эга эди. Бу ердан ҳам бир қанча олим ва шоирлар етишиб чиққан. Ас-Саолибий ўз таъкирасида Буст аҳлидан бўлмиш Абу-л-Фатҳ Али ибн Муҳаммад ал-Бустий (970—1010), Абу Сулаймон ал-Хаттобий, Абу Муҳаммад Шайбо, Ибн Абдулмалик ал-Бустий, Абу Бакр ан-Наҳвий ал-Бустий, Халил ибн Аҳмад ас-Сижзий, Абу Зухайр ибн Абу Қобус ас-Сижзий, Абу-л-Қосим Муҳаммад ас-Сижзий, Абу-л-Аббос Аҳмад ибн Исҳоқ ал-Нармақий, Абу-л-Ҳасан Умар ас-Сижзий ан-Мавқонийлар ҳақида маълумот берган.

Абу-л-Фатҳ ал-Бустий замонасининг машҳур шоир, адиб, котиб ва фикҳ олими бўлиб, Буст шаҳрида туғилган. Йигитлик даврида Буст ҳокими Бойтурнинг котиби бўлиб хизмат қилади. Буст Абу Мансур Сабуктагин томонидан босиб олингач, тўққиз йил унинг хизматини бажаради, сўнг Маҳмуд Ғазнавий саройида котиблик қилади. Маҳмуд Ғазнавий уни қувғин қилган. Бустий сарсон-саргардонликда вафот этади.

«Йатимат ад-даҳр» китобида Абу-л-Фатҳ Бустийнинг Маҳмуд Ғазнавийни ҳажв қилиб ёзган шеър сақланиб қолган. Бу Маҳмуд ва унинг отаси ҳақида араб тилида ёзилган ягона ҳажв бўлиб, унинг таржимасини келтирамиз:

«Эй Абу-л-Қосим¹, менга қарши қиличи ва найзасини ялонғочлаган қанча мутаккаббир золимлар бўлмади. Улардан бири сенинг отанг, у менга қарши иккита қиличини, фитна-фасод ва тилини ялонғочлаганди. Қачон у зулм ва ғурурликда ҳаддан ошиб кетгач, авжга минишда қайсар эшакка ўхшаб қолди. Унинг ранжитишларига сабр қилдим, бунинг оқибати менинг иззатим ва унинг таққирлашини ошқор қилди. Ундан кўрқсанг ва сабр қилсанг эди, чунки сенинг замонанг ҳам унинг замонаси каби туговчидир» (324-бет).

Абу Сулаймон ал-Хаттобий ҳам замонасининг машҳур кишиларидан. У олим, адиб, шоир ва мударрис бўлган. Ас-Саолибийнинг ёзишича, унинг «Китоб фи ғариб ал-ҳадис» («Ибораси қийин ҳадислар ҳақида китоб») номли асари бўлган. «Йатимат ад-даҳр»да унинг шеърларидан намуналар келтирилган (334—336-бетлар).

Шоир Халил ибн Аҳмад ас-Сижзий ҳақида тазкирада жуда кам маълумот берилган. У ханафий мазҳаби имомларидан бири ва анча истеъдодли шоир бўлгани, бир неча йил Сижистонда қозилик қилгани ёзилган ва шеърларидан айрим парчалар берилган, холос (338—339-бетлар). Бу шоир ҳақида ʻқут ал-Ҳамавийнинг «Муъжам ал-удабо» асарида ва ибн ал-Имоднинг «Шазорат аз-заҳаб» («Олтин заррачалар») китобида ҳам маълумот берилган.

Абу-л-Аббос Аҳмад ал-Ҳармақий эса котиб, муҳандис, файласуф ва шоир бўлган. Унинг айрим шеърларигина сақланиб қолган.

Ас-Саолибий тазкирасидан маълум бўлишича, X аср охири ва XI асрнинг биринчи ярмида Ҳиротда ҳам жуда кўп шоирлар етишиб чиққан. Бу ўша вақтларда ҳам Ҳирот адабий-маданий марказлардан бири бўлганидан далолат беради.

Ҳиротлик шоирлардан Абу-л-Қосим ад-Довудий, Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ад-Довудий ал-Ҳиравий, Абу Саъд Аҳмад ал-Ҳиравий, Абу Раҳв Зафар ал-Ҳиравий, Мансур ибн ал-Ҳоким Абу Мансур ал-Ҳиравий, Абу Аҳмад ас-Совий ал-Ҳиравийлар ҳақида «Йатимат ад-даҳр»да қисқа маълумотлар ва шеърларидан парчалар келтирилган (345—353-бетлар).

Ас-Саолибийнинг ёзишича, Абу-л-Қосим ад-Довудий Ҳирот фазилат аҳлининг етакчиси, адаб ва илм аҳлининг яғонаси бўлган. Муаллиф бу шоир шеърларидан «Йатимат ад-даҳр»да намуналар берар экан, унинг баъзи байтларини бошқа асарларига ҳам киритиб кетган. Абу Саъд Аҳмад ал-Ҳиравий Хуросоннинг кўзга кўринган нотиқлари-

Абу-л-Қосим — Маҳмуд Ғазнавийнинг куняси.

дан, машҳур фозил кишиларидан ва тавсиф қилнган доноларидан бири. Умрининг охирида Бухорода сомонийлар саройида хизмат қилган.

Ҳиротлик шоирлардан Мансур ибн Ҳоким ал-Ҳиравий ҳақида ёзар экан, ас-Саолибий: «У Ҳирот аъёнларидан, унинг таникли, фахрли ва ягона кишиларидан. Шеърлари девонга тўпланган, малиҳ сўзларга бой» деган жумлалар билан таърифлайди ва шеърларидан намуналар келтиради (348—350-бетлар).

Машҳур тарихчи, адиб ва шоир Абу Наср Муҳаммад ибн Абдулжаббор ал-Утбий (вафоти 1036) Бухорода сомонийлар вазири бўлган утбийлар сулоласи авлодларидан бўлиб, ватани Райдан чиқиб кетиб, Хуросонга келади. Бу ерда турли лавозимларда ишлаб, Хуросон ноиб Абу Муҳаммад ибн Симжур (989—997) га котиблик қилади, кейин Абу Мансур Сабуктагин саройида Абу-л-Фатҳ ал-Бустий билан бирга хизматда бўлади. Сўнгра умрининг охиригача Шамсулмаолий Қобус ибн Вашмгиннинг Хуросондаги вакили сифатида Нишопурда яшайди, илм ва адабиёт аҳли билан яқин муносабатда бўлиб, уларга ҳомилик кўрсатади. Ас-Саолибий ҳам Абу Наср ал-Утбий билан жуда яқин дўст бўлган, унинг номини «Йатимат ад-даҳр»дан бошқа асарларида ҳам фахр билан тилга олади. Ас-Саолибий унинг «Латоиф ал-қуттоб» («Котибларнинг латиф сўзлари») ва бошқа асарлари мавжудлигини айтади ҳамда асарларидан намуналар келтиради. Унинг Маҳмуд Ғазнавийга бағишлаб ёзилган «Тарих ал-Утбий», «Тарих ал-Иаминий» номлари билан машҳур асари ҳам бор.

Тазкирада ас-Саолибий ибн Синога ҳам аср бўлган яна бир қанча Хуросон ва Мовароуннаҳр шоирлари ҳақида ҳам маълумотлар бериб кетган. Булар Балх, Тус, Марварруз каби шаҳарлардан чиқиб юқорида айтиб ўтилган адабий марказларда яшаб ижод этганлар. Улардан Абу-р-Рабиъ ал-Балхий, Абу Музаффар ал-Балхий, Абу Бакр ибн ал-Валид ал-Балхий ал-Ҳасан Зарир ал-Марваррузий, Абу-л-Ҳасан Муҳаммад ибн Иброҳим ат-Тусий, Абу Муҳаммад ат-Тусий, Абу Саҳл ат-Тусий, Абу Наср ар-Рузборий ат-Тусийларнинг шеърларидан айрим парчалар «Йатимат ад-даҳр»га киритилган (345—353-бетлар).

Бизга маълумки, буюк олим ибн Сино фалсафа, табиат ва бошқа фанлар соҳасида ёзган кўплаб асарлари қаторида бадий адабиётда ҳам самарали ижод этиб, бир қанча назмий ва насрий асарларини қолдирган. Юқорида эслатиб ўтилган шаҳарларнинг деярли ҳаммасида Ибн Сино яшаган ва шубҳасиз, у ерлардаги адабий ҳаёт билан танишган ва айрим шоирлар билан мулоқотда бўлган эди. Ибн Синонинг бадий адабиёт соҳасидаги меросини чуқур ўрганиш бу масалани янада оидинлаштиради.

Исматулла АБДУЛЛАЕВ,
филология фанлари кандидати.

ХАЛҚ ҚАЛБИНИНГ ТЕРАН ТОМИРЛАРИ

ИБРОЙИМ ЮСУПОВ 50 ЕШГА ТУЛДИ.

Қорақалпоқнинг дардманд ва жигари куйган ўтмиш шоирларига қулоқ солсангиз, улардан фарёд эшитасиз. Булар халқ учун ҳақиқат ахтариб кўтарилган фарёдлар эди. Жиян Жиров, Кунхўжа, Ажиниёз, Бердақ дарбадар бўлган, тўзғиб кетган, бошидан қанчадан-қанча фалокатларни, қонли фожиаларни кечирган халқнинг нолаларини термага солиб айтдилар, жирладилар.

Қорақалпоқнинг бирлашиб халқ бўлишида, кўрқинчли тарихий синоқлардан омон чиқишида, ўз бирлигини асраб қолишида, теран миллий белгиларнинг шаклланиши ва қарор топишида шу халқ ичидан ўн саккизинчи-ўн тўққизинчи асрларда етишиб чиққан жиров-шоирларнинг роли беҳад катта бўлди.

Ўтмиш қорақалпоқ шоирлари ўзларининг халққа, айниқса, оддий меҳнаткаш халққа яқинликлари, чинакам маънодаги халқчилликлари билан ажралиб турадилар. Улар содда ва ғоятда таъсирчан асарларида халқнинг қадрини баланд қиладиган, ифтихор туйғуларини уйғотадиган, курашчан ва яшашга қобил қиладиган ғояларни жўшқинлик билан куйладилар.

Мана шу қорақалпоқ шоирларининг реалистик, халқчил аънаналари қорақалпоқ адабиётининг бугунги шеъриятида ҳам ўз шарафли мавқеини йўқотмай келади. Бу ажойиб аънаналар ўттизинчи ва қирқинчи йилларда Аяпберган Мусоев, Аббос Добилов, Содик Нурибетов, Жўлмирза Оймирзаев сингари ёрқин қиёфали шоирлар ижодида қанчалар аён кўринган бўлса, адабиётга шулар билан изма-из кириб келган Х. Турумбетов, У. Хўжаниёзов, С. Саиджонов каби ижодкорларнинг асарларида янгича бир қирралар касб эта бошлади.

Эллигинчи йиллардан эътиборан қорақалпоқ шеърияти ўз мавзулари ва шаклий изланишлари доирасини кенгайтира бошлади. Шеърият ўз тараққиёт йўлида янги бир босқинга кирди. Мана шу янги адабий ҳаракатчилик истеъдодли шоир Ибройим Юсупов номи ва асарлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Ибройим Юсупов — янги замон кишиси, қорақалпоқ халқининг янги бир ижтимоий кўтарилиш давридаги куйчи, санъаткор, аллома зиёлиси. У СССР халқлари адабиёти ва маданиятини, жаҳон адабиётини ва айниқса, унинг дурдона намуналарини теран билади, уларни суюб ўрганган, англашга интилган, юрагига сиингдирган. Албатта, бу ўрганишлар ва ўқишларнинг ҳеч бири беиз, бекор кетмади. Улар ташна, оби неъматга зор заминга тушган найсон ёмғиридек ажиб бир ниҳоллар ва чечакларни етиштиради. Бинобарин, унинг шеърияти мана шу билимнинг бутун самараларини қадам-бақаддам акс эттиради. Ва Ибройим Юсупов ўз



шеърятда интеллектуал жиҳатдан камолга етган шоир сифатида гавдаланади.

Ибройим Юсупов Бердақ шоир туғилгандан сўнг юз йил ўтгач дунёга келди. Бердақ ўзининг машҳур бир шеърда айтган экан:

Йигит бўлсанг арслон каби туғилган,
Ҳамиша сен хизмат этгил халқ учун.
Йигит бўлсанг арслон каби туғилган
Ўзим демай ғамжўрлик қил халқ
учун...

Ибройим Юсупов шу доно сўзларни шахсан ўзига қарата айтилган, улуғ шоирнинг ўзидан хийла кейин дунёга келадиган набирасига қолдирган васияти деб билди. Шунинг учун ҳам бу сўзлар унинг шоир қалбини олижаноб инсоний туйғулар билан тўлдирди ва унинг ёзар сўзларига ўзгача жило, ўзгача ақл-заковат нуруни берди.

Ибройим Юсупов ўз шеърларини қирқинчи йилларнинг охириларидан эътиборан эълон қила бошлади. Унинг номи тез танилди. Шеърлари тез тилга тушди. Шоирнинг «Бахт лирикаси», «Қунҷқар йўловчиси», «Ётти довон» сингари китоблари қорақалпоқ шеърятига катта истеъдод эгаси, қалби нозик бир шоир кириб келганлигидан дарак берди. Яна Бердаққа мурожаат қиламиз:

Мард йигитни агар севса элати.
Кундан-кунга ортар унинг қуввати...

Ибройим Юсупов элнинг муҳаббатини ҳар қадамда, ҳар шеъри чиққанда сезиб турди. Бу унга зўр илҳом бағишлади, қаламини ўткир қилди. Шунинг учун шоирнинг «Дала армонлари», «Замон оқими», «Кўнгил кўнгилдан сув ичар» сингари шеърӣ китоблари, «Қари тутнинг кузи» деб аталган ҳикоя ва очерклари, «Қирқ қиз», «Актриса иқболи», «Умирбек лаққи» сингари драма ва комедиялари қорақалпоқ адабиётининг тараққиётига улкан ҳисса бўлиб кўшилди.

Ибройим Юсуповни Иттифоқ миқёсида ҳам яхши танийдилар ва эъозлайдилар. Унинг рус тилида нашр этилган «Песня горного ручья», «Меридианы сердца», «Глаза ящерицы», «Избранное» каби китоблари шоирнинг овозини узоқ-узоқларга таратди. Шоирни чет мамлакатларда ҳам ўқий бошладилар.

Антон Павлович Чехов, агар ҳамма одамлар дунёга келиб биттадан дарахт экиб кетганларида, ер юзи жаннатга айланиб кетган бўларди, деган экан. Ибройим Юсупов ўз халқининг куйчиси бўлгандан бери шеърят бўстониға қанчадан-қанча сарғаймас, сўлмас, синмас дарахтларни экиб яшнатди. Бердақ шеърятини яхшиликка ташна ҳаётнинг шеърятини эди. Ибройим Юсупов шеърятини яхшилик билан яшнара ҳаётнинг гўзал шеърятини айланди. У шеърятнинг қорақалпоқ шажарасига мевали, гулли янги зўр ниҳол кўшди. Худди боболарининг термалари каби Ибройим Юсуповнинг шеърятини бутун ўқ томирлари билан қорақалпоқ заминидан қувват олади.

Бир ёғим сув, бир ёғим чўл бўлмаса,
Жаннат қуриб берсанг ҳам, мен
бормайман.
Гул ва ёвшан ҳиди анқиб турмаса,
Ул ерда мен қорақалпоқ бўлмайман...

Бу шеърнинг ҳар бир сўзидан, ҳар бир образидан, интонациясидан қорақалпоқнинг қалби кўриниб турибди.

Соф ҳавода сайра, дўстим, чулдираб,
Соз билан суҳбатсиз даврон бўлдимми?
Сен кўнда, мен ерда шунчалар

куйлаб
Суймаганда унинг Ватан бўлдимми?—

деб ёзади шоир «Сўфитўрғайга» деб аталган шеърда. Шоир Ватанни ҳур куйлар айтиб файзли қилишни юрагига туккан. Шу олижаноб тилак туфайли унинг шеърлари Ватанга, халққа муҳаббат билан сўғорилади. Ватан кайфияти, Ватаннинг ишчан, олға интилувчан руҳи унинг шеърларини бошқача бир тарзда мазмундор қилиб туради.

Ибройим Юсупов шеърятини қорақалпоқ анъаналари доирасида чекланиб қолмаган. Яна шуни ҳам таъкидлашимиз керакки, унинг шеърятини жуда кучли ва таъсирчан миллий руҳ, миллий колорит касб этган шеърятдир. У қорақалпоқ халқининг миллий хусусият ва белгиларини, унинг руҳини, дунёқарашидаги ўзига хосликларини шу қадар теран ва гўзал қилиб ифодалайдики, натижада бу ифодалар тор, чекланган доирадан чиқиб, умуминсоний ҳодисаларнинг узвий бир бўлаги каби англанади. Шу маънода унинг шеърятини қорақалпоқнинг жаҳонга ва жаҳоннинг қорақалпоққа қаратилган тиниқ ойнаси дейиш мумкин. Нафсиламирга, бу сўзда ҳеч қандай муболаға йўқ. Ибройим Юсупов «Ватан» деган шеърда айтади:

Сенга бўлган ҳисларимнинг минтақалари
Беш океанга туташтирар қалбимни
менинг.
Олти шиор, беш юлдузинг барча халқларни
Умидларин соҳилиға чорлайди сенинг.

Шоир Ватанни шундай кенг тушунади. Шундай кўради. Шундай севади. У яна ёзади:

Киндик қоним томган сенинг бир бурчагингни
«Ўз ерим», деб бўлиб олиб севмоқ менга ёт.
Улуғлик ва кенглигингни, бирлик, кучингни
Юрагига солган одам — у чин азамат...

Мана шу олижаноб ва чинакам коммунистларча тушунча Ибройим Юсупов шеърларида баланд пардаларга кўтарилади. Ибройим Юсупов қачон қўлиға қалам олмасин, у инсон, мамлакат, партия, халқ ҳаётининг юксак даражали ҳақиқатларини совет шоирларининг мунтазам ва қудратли этиқоди билан улуғлайди, уларга

ўзининг энг ноёб, сара сўзларини бахш этади.

Ибройим Юсупов чинакам дўстлик куй-чисидир. Дўстлик, қардошлик, бирдамлик ғоялари унинг шеърлятида мисоли олтин тор: шоир шу торни чертганда, унинг куйи ўзгача замонавий шукуҳ касб этади. У халқининг саодатли келажagini шунда кўради. Авлодларнинг истиқболини шунга боғлайди. Унинг «Ўзбекистон», «Ватан», «Хоразмга», «Чинорнинг шохи синса...», «Қирғизларга», «Бу оқшом юлдузлар чўнг, йирик эди...», «Сааремаа», «Мен Абайни ёддан билган халқман», «Тўқайга», «Маҳтумқули йўлида», «Тинмай ёмғир ёғар Пярну йўлида» сингари чуқур гражданилик эҳтироси билан яратилган шеърлари — дўстлик қасидаларидир. Шоир бир халқни улуғларкан, юракдан чиққан гўзал сўзлар билан улуғлайди. Реалистик, жонли картиналар чизади ва шу картиналарда халқнинг қалбини кўрсатади. У қирғиз диёри ҳақида шеър айтаркан, «йилқилари сувга кўшиб юлдуз ичса, кўйлари тоғ булутидай ағдарилган», деб гўзал ташбеҳлар топади. Россияга, унинг даҳоларига муҳаббатини изҳор этаркан, «Ленин билан Пушкин ўсган улуғ тупроққа кўкрагимда кўк эмандай ифтихор ўсган», дейди. Шу гўзал ўхшатиш дарров бизнинг кўз ўнгимизга унинг қалбидаги ифтихорнинг баланд ва яшноқ даражасини келтиради.

Ибройим Юсупов бундай образларга ғоятда чечан ва моҳир. Шунинг учун унинг ҳар бир шеъри ёрқин санъат асари каби таъсир қилади.

Ибройим Юсупов — фалсафий шоир. У ўтмиш доно шоирлари каби ҳикматли сўзга бой. Шундай сўз айтишга доим шай. Унинг ҳикмат садоғи доим нишонга тегувчи ўқларга тўлиқ. Унинг доноликлари, насихат-

лари ғашга тегмайди. Аксинча, юракнинг яхшиликка доимо ўч бўлган бир ерида хушбахт акс садолар беради. Ибройим Юсупов истеъдодининг энг ўткир қирраларидан бири ҳам шу донолик. Унда донолик зарифлик билан кўшилиб кетган. Зарифлиги жуда нозик рангларга эга. Унинг зарифлик ҳавоси билан зийнатланмаган шеъри деярли йўқ. Гоҳ зарифлик изтиробли, дардли ўйлар билан қоришиб кетади. Ва мана шу икки ноёб нарса кўшилган нуқтада дардли-зарофатли шеър туғилади. Истеъдоднинг ноёб ва жуда қимматли қирраси унинг шеърларини бошқа халқлар, жумладан, ўзбек халқимиз учун ҳам сеvimли қилади. Жўлмирза Оймирзаев бир шеърда айтган экан:

Дарё тубларида ётган оддий тош
Эртага қадрини топса не ажаб,
Ижодкор халқлармиз, бизнинг замона
Янгича ишлашни этади талаб...

Ибройим Юсупов замона талабини жуда нозик ва теран англаган, ҳис қилган, бу талабни ҳар дақиқа жонида туйган шоир. У сўзнинг моҳияти ва қимматини яхши билди ва уни баланд кўяди. Унинг ҳозир «сўйлай-сўйлай чечан бўлган» пайти. У давр ғояларининг куйчиси, халқининг сеvimли санъаткор фарзанди. Унинг дунё адабиёти, рус, ўзбек адабиёти дурдоналарини қорақалпоқ тилига таржима қилишда кўрсатган улуғ хизматларининг ўзи ҳам бир катта шоирнинг шарафли меҳнатига тенг.

Халқ қалбининг теран томирлари... улар шоир Ибройим Юсуповнинг оташин сатрларига тутшиб ётибди. Бу демак — бахтли шеър!

Иброҳим ҒАФУРОВ.





РАНГ-БАРАНГ ТУЙҒУЛАР

Эйтибор ОХУНОВА.
«Биллур қатралар».
Шеърлар ва дostonлар.
Ғафур Ғулом номидаги
адабиёт за санъат наші-
риёти. Тошкент — 1978.

Шоира Эйтибор Охунованинг навбатдаги шеърий тўплами — «Биллур қатралар»дан ўрин олган «Шоир ва шам» шеърида шундай мисралар бор:

Шоир ҳам ёнади бир умр,
Шам каби бедордир кўп тунлар.
Шам ёнар — бошида тоқдир нур,
Шоирни ёндирар туйғулар.

Ҳа, чинакам шоирлар бир умр олий туйғулар билан яшайди. Бу туйғулар токи шеър бўлиб туғилмагунча унинг қалби ва қаламига ором бермай, уни бедорликка, ижод заҳматларини чекишга ундайди.

Эйтибор Охунованинг мазкур тўпламидан ўрин олган шеърларнинг ақсари ҳам мана шундай олижаноб туйғулардан яралгандир. Бу туйғулар шунчаки ўткинчи ҳис-ҳаяжон ва баъзан инсон измига бўйсунмайдиган бебоз қалбнинг қандайдир ноаниқ, зохирий тебранишлари маҳсули эмас. Улар Ватанга, оламни яшнатаётган меҳнаткаш инсонга, унинг олижаноб фазилатларига, она табииатнинг гўзал тароватига бўлган самимий меҳру-муҳаббатдан туғилгандир.

Шоира шеърларида гражданлик туйғуси барқ уриб туради. Унинг лирик қаҳрамони Ватани, она заминни чексиз севади. Севганда ҳам фақат аёлларгагина хос бўлган назокат, «ғунча янглиғ бир но-

зик юрак» ва меҳр билан севади. Бир меҳрки, унинг қудрати олдида қуёш ҳам ожиз.

Мана, «Мен — коммунистман» шеъридаги лирик қаҳрамон — аёл комил-ишонч билан «азиз элим юкини кўтарар мўъжаз елкам», дея ғурурланади. Хўш, бу нозиккина аёл бунчалик куч ва қудратни қаердан партия ва буюк инқилоб олди? Буни унга, шубҳасиз, ҳаё этган. Шунинг учун ҳам у:

Партиям отам менинг,
инқилобдир волидам —
Шунинг учун бўрондек
қудратли менинг сўзим.

дейди, ва улар қаршисида таъзимга бош эгади.

Шуни айтиш керакки, шоиранинг лирик қаҳрамони фақат ўз ватани, халқи ҳақида сўзлаб қолмасдан, бутун ер куррасидаги халқлар, ватанлар тақдиридан ҳам ташвиш тортади.

Ҳа, она қалби доим безовта. Шунингдек, у ўта сезгир, ўта билувчан. У юртимиздаги фаровон турмушдан қанчалик шодланмасин, масрур бўлмасин, баъзан унинг қалбига нимадир ўз машъум кўланкасини ташлайди. Бу — ер куррасининг бурчак-бурчакларида бўлаётган қонли урушлар шарпасидир. Шоиранинг лирик қаҳрамони — она бутун ер куррасини ўз қалбининг бир бўлаги («Ер билан суҳбат») деб тушунади. Шунинг учун ҳам унинг қай нуқтасидадир портлаётган бомбалар гумбуридан она қалби ларзага келади, безавол гўдаклар ноласидан, тул қолган келинчақнинг аччиқ кўз ёшидан қалби вайрон бўлади. Аламдан антикаётган она-ернинг

дардли, беором ураётган юрагига қулоқ солади, изтиробларига шерик бўлади. Унинг жароҳатига малҳам бўлишни, яъни, «нотинч, дардли заминни қайноқ меҳри ҳарорати-ла бир бешиқдай авайлаб нурга кўмишни» («Мен — коммунистман») ва «унда ер юзидаги жами гўдакларнинг тинч ухлашини, ором олишини» («Достоним менинг») истайди. Ер куррасидаги барча кишиларни ҳам мана шунга — она-ерни дарддан фориг қилишга, гўдаклар уйқусининг бехатар бўлишини таъмин этишга чорлайди.

Оламда тинчликнинг барқарор бўлиши ҳақидаги ғоя шоиранинг Улуғ Ватан уруши мавзуида ёзилган «Керчь машъаласи», «Гулдасталар қабри», «Таъзим», «Шинелли қизлар» ва «Қўлтиқтаёқ» каби шеърларида яна ҳам ривожлантирилади. Лирик қаҳрамон мангу порлаб турган Керчь машъаласида ҳам, юзлаб мрамор сағаналарда абадий ва осуда уйқуга кетган ўғиллари бошида мангу посбон бўлиб турган она ҳайкалида ҳам, мажрўҳ жангчининг суянчиғи бўлган қўлтиқтаёқнинг дилларни эзувчи ғичирида ҳам — ҳамма-ҳаммасида «даҳшатли жангларнинг сабоғини, ҳижронли тунларнинг сиёҳини» кўради. Бева ва гўдаклар ноласини, «бувилар ноласини» эшитади. Бундан унинг қалби жунбушга келади. Урушни, уруш оловини ёқувчиларни лаънатлайди.

Шоиранинг гражданлик лирикаси ўзининг худди шу жиҳатлари, яъни даврнинг долзарб сиёсий воқеаларини қамраб олиши ва уни тарғиб қилиши билан юксак публицистик руҳ касб

этади. Бундай сиёсий публицистик руҳ унинг чет эл ҳаёти ва кишилари ҳақида фикр юритувчи шеърлари га ҳам сингиб кетган.

Бу жиҳатдан мазкур тўпلامдан ўрин олган, Канада сафари муносабати билан ёзилган «Садақа», «Ванкувер соати», «Дебби Мearнс дугонам», «Ойдин истиқбол» каби шеърлари характерлидир. Қайд этилган шеърий лавҳаларда Канаданинг бир-бирига зид манзаралари жонланади.

Мана, шоира тарихида уруш кўрмаган, саноат ва техникаси ривож топган Оттава шаҳрига, унинг ҳуснига, серэхсон табиатига ҳавас билан боқади. Бироқ бу ерда инсон қадрни топалган. Болалар ва ўсмирлар кун ўтказиш учун кўчаларда тиланчилик қилади. Булар олдидан у бепарво ўтолмайди, уларга юракдан ачинади, ҳамдардлик билдиради:

Енгинангдан ўтиб бораман,
Кўзим ёшли, сирқира
дилим
Она қалби билан ёнаман,
Қисматингга ачиниб, ўғлим.
(«Садақа»)

«Ойдин истиқбол», «Дебби Мearнс дугонам» шеърларида эса мана шу фожиа али ҳаётга, ижтимоий тенгсизликка қарши бош кўтарган, озодликка, нурга, ёруғликка интилган Дебби Мearнс каби ватанпарварларни улуғлайди. «Довонлардай тўлқинларни ёриб, довуллари тутдай тўкиб, тенглик манзиллари сари сузаётган олканларни» олқишлайди. Уларнинг тенглик соҳилига чиқиши муқаррар эканлигини таъкидлайди.

Инсонни ва унинг меҳнатдан топган қадрини улуғлаш Эътибор Охунова шеърларининг асосий фазилатларидан биридир. Шоира «Йигирманчи асрнинг буюклигини, фазонинг кашф этилишини инсон ақл-заковатидан, унинг яратувчан меҳнатидан деб билади. У «Қўллар» шеърида «Жаҳонни тутган ялов,

шудрингга чўмган пайкал, шу қўлларнинг беминнат меҳнатидан бегумон», дейди.

«Далалар нашидаси», «Мироб», «Пахтакорим», «Оналар ва тонналар», «Ҳар толаси — дурдонаси» сингари шеърларида эса пахтакорлар ва уларнинг машаққатли меҳнати хусусида фикр юритилади.

Энди икки оғиз сўз тўпلامдаги «Қуёш қасидаси» номли дoston ҳақида. Бу лирик дostonнинг яратилишига реал ҳаётий воқеа — фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 30 йиллиги муносабати билан Тошкентда «Мотамсаро она» деб атаган ҳайкалнинг ўрнатилиши асос бўлган. Унинг бош қаҳрамони шоиранинг ўзидир. У она ҳайкалига ўйчан боқади. Барча буюкликларнинг дояси бўлмиш она унинг кўз олдида нурлар оғушида намоён бўлади. Унинг буюк қудратига, офтобдай меҳрига таҳсин ўқийди. Бу оддий ҳайкал эмас, у меҳр ва қаҳрдан ёдгордир, дейди шоира. Унинг тимсолида довуллardan бус-бутун чиққан буюк Ватанни кўради. Хаёлида уруш манзаралари, яъни мард ўғил ва шинель кийган қизларнинг буюк қаҳрамонликлари, фарзандини жангга кузатган ва бир умр нигорон бўлиб кутиб, сочи оқарган оналар ва севгани меҳрига қониқмай қолган мунис келинчақларнинг изтироблари, чидам ва бардошлари жонланади. Уларни чин юракдан улуғлайди. Лирик қаҳрамон бугунги гўзал фаровон турмушга назар ташлар экан, буни ўша қаҳрамонликларнинг маҳсули деб билади. Бу мусаффо оламнинг доимо ёруғ бўлишини истайди ва одамларга қарата шундай нидо қилади:

Урушга йул қўйманг
асло, одамлар...
Келинлар пинҳона
ййглаб, ўксиниб,
Оналар оромин
бузмасин алам,
Вир умр мунаввар,
тинч бўлсин олам.

Дostonнинг асосий ғояси, лейтмотиви худди шу мисралар маъзида мужассамлаштирилган.

Бироқ дostonда айрим камчиликлар ҳам кўзга ташланади. Асар такрорий ўринлар ҳисобига чўзилиб кетган. Бу такрорлар икки хилдир. Биринчиси, дostonнинг ўзида бир-бирини такрорловчи, иккинчиси, шоиранинг уруш ҳақидаги баъзи шеърларидаги фикр ва манзараларни қайтарувчи ўринлардир. Масалан, дostonнинг бир бўлагини ташкил этувчи 165-саҳифада «Қўлтиқтаёқ» шеърининг баъзи бандлари қайтарилганлигини кўраимиз. Бундан ташқари, дostonдаги лирик қаҳрамоннинг ички кечинмалари маълум бир тартибда ифодаланмайди. Бу эса асар сюжетида паршонликини, композицион тарқоқликни юзага келтиради. Ниҳоят, дostonда китобийлик ва сўзларни ўрнида ишлатмаслик ҳоллари га ҳам дуч келиш мумкин.

Дoston хусусида айтилган юқоридаги айрим қусурлар китобга кирган баъзи шеърларда ҳам сезилади. («Фарғонадир», «Нигоҳ ва сўз», «Оламини алмашурсан», «Замонни куйлаш учун замон берган бахт даркор») «Севгида инқилоб йўқ», «Камалакман кўнгил осмонида мен», «Уйку олдидан», «Кўнгил тори» каби шеърларида эса шоиранинг айтадиган гапи ноаниқ бўлиб қолган.

Бу каби камчиликларга қарамасдан, «Биллур қатрлар» адабиётимизда анчадан бери қалам тебратиби, асарларида давримизни, унинг муҳим сиёсий-ижтимоий масалаларини куйлаб, закондошларимиз жасоратидан қувониб, уларни сидқидилдан мадҳ этиб келётган ҳозиржавоб ва иқтидорли шоирамиз Эътибор Охунванинг ижодида ўзига хос бир ижодий доvon бўлиб қолади.

Норқул БЕКМИРЗАЕВ
Филология фанлари
кандидати.
Иброҳим АЗИМОВ.

Бош редактор: МИРМУҲСИН.

Редколлегия: УЙҒУН, ЗУЛФИЯ, Ҳ. ҒУЛОМ, С. АЗИМОВ, И. РАҲИМ, И. ЮСУПОВ, Р. ФАЙЗИЙ, Н. НАРЗУЛЛАЕВ, Т. ТУЛА, Ҳ. НИЁЗОВ (бош редактор ўринбосари), Ҳ. АБДУСАМАТОВ, Ш. ШОМУҲАМЕДОВ, У. УМАРБЕКОВ, У. УСМОНОВ, Ш. ХОЛМИРЗАЕВ, У. НОРМАТОВ, Ҳ. ХУДОЙБЕРДИЕВА, Ҳ. ШАРИПОВ.

© Шарқ юлдузи, 1979.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.

На узбекском языке

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

№ 11

Орган Союза писателей Узбекистана

Ордена Трудового Красного знамени типография издательства ЦК КП Узбекистана, Ташкент — 1979.

Рассом А. Қамбаров. Техредактор М. Мирражабов. Корректор А. Билолов.

Редакцияга келган бир босма табақчага бўлган материаллар авторларига қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга, «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Теришга берилди 29.08.79 й. Босишга рухсат этилди 22.10.79 й.

Қоғоз формати 70×108¹/₁₆. Қабариқ босма. Физ. листи 15. Шартли босма листи 21. Нашриёт ҳисоб листи 20,06. Тиражи 200.159. P-03215. Заказ № 1463.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаҳонаси. Тошкент — 700029, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ:

700000. ТОШКЕНТ ГСП, ПУШКИН КЎЧАСИ, № 1.
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» РЕДАКЦИЯСИ.

ТЕЛЕФОНЛАР:

БОШ РЕДАКТОР — 332437, БОШ РЕДАКТОР УРИНБОСАРИ — 320828
МАСЪУЛ СЕКРЕТАРЬ — 330918, ПРОЗА, ОЧЕРК-ПУБЛИЦИСТИКА, САҲЪАТ,
ХАТЛАР БУЛИМИ — 332181, ПОЭЗИЯ, ТАНКИД ВА АДАБИЁТШУНОС-
ЛИК — 332479, РАССОМЛИК — 330918.